



Sharq Yulduzi

Ойлик,
адабий-бағий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

1
1984

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

53-йил чиқиши

Мундарижа

Осиё ва Африка мамлакатлари
Ёзувчилари уюшмаси VII
конференциясининг
қатнашчиларига
2

КПСС Марказий Комитетининг
Бош секретари, СССР Олий
Совети Президиумининг раиси
ўртоқ Ю. В. Андроповга
3

ШЕЪРИЯТ
Зулфия. Денгиз бўлиб
чайқалар юрак...
4

Гулчехра Нуруллаева
Одам — сир тўла дунё
41

Шухрат. Мен қуш эмас...
87

МУШОИРА
114

НАСР
Евгений Березиков
Қизил Бухоро. Роман
13

Тоғай Мурод. Ойдинда
юрган одамлар. Қисса.
49

Ўткир Ҳошимов.
Маҳалланинг онаси. Ҳикоя.
122

Шукрулло. Ўғрини
қароқчи урди. Пьеса.
90

**ЖАҲОН КЛАССИК
АДАБИЕТИДАН**
Генрих Гейне. Ал Мансур.
Асардан боблар
130

ДИЛЛАРДАН ДИЛЛАРГА
Пиримқул Қодиров.
Меҳру оқиёат
148

БАРҲАЕТ СИМОЛАР
Маъруф Жалил. Қўшиқ қалби
152

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ
Абдулхай Умаров. Табиат
шоири.
157

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР
Собир Мирвалиев.
Истеъдоднинг камоли
159

ОЧЕРК
Абдунаби Ҳайдаров. Таъзим
161

АДАБИЙ ТАНҚИД
Раҳмат Файзий.
Поклик — олий тилак
166

Салоҳиддин Мамажонов.
Илмий теранлик
169

Бегали Қосимов.
Адабиёт ва инқилобий ҳаракат
173

ИХЧАМ ТАҚРИЗЛАР
Маҳкам Маҳмудов
«Қалдирғочдай чарх урган
хаёл...»

Мурод Иброҳимов.
«Ёзмай тура олсангиз ёзманг!»

Субхонқул Умаров.
Дўстлик дастёри

Адхамбек Алимбеков
Бу ҳам муҳим иш
179—183

КИТОВ ЖАВОНИ
184

САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА
Исфандиёр.
Мени тонгда уйғотинг. Қисса
186

ГУЛҚАЙЧИ
Тоҳир Малик. Ҳал қилувчи
ўйиндан репортаж
200

Ўртоқлик ҳазиллари
204

Мукофотлар муборак
206

ОСИЁ ВА АФРИКА

МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

VII КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида йиғилган шу ташкилот VII конференциясининг қатнашчиларини самимий табриклайман.

Ўтган чорак аср мобайнида Осиё ва Африкада катта ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Империалистик мустамлакачилик системасининг харобаларида мустақил давлатлар вужудга келди, бу давлатлар жаҳон сиёсатида тобора сезиларли роль ўйнамоқдалар.

Совет Иттифоқидагилар уюшмангизнинг фаолиятини, унинг миллий ва социал озодлик, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлида тараққийпарвар кучлар олиб бораётган муштарак курашга қўшаётган ҳиссасини биладилар ва юксак қадрлайдилар. Осиё ва Африка ёзувчиларининг бадий асарлари меҳнаткашлар онгини уйғотишга, уларнинг интернационал бирдамлигини мустаҳкамлашга фаол ёрдам бермоқда.

Сизларнинг конференциянгиз империализмнинг айби билан халқаро вазият жуда ҳам кескинлашган, ядро ҳалокати хавфи кучайган ниҳоятда мураккаб ва қийин бир пайтда ўтмоқда. АҚШ ва НАТОнинг жадал олиб борилаётган мислсиз ҳарбий тайёргарликлари билан бир вақтда тинчлик, демократия ва миллий мустақиллик кучларига қарши ҳужумлар қилинмоқда. Осиё, Африка, Лотин Америкаси халқларига нисбатан яна «катта тўқмоқ» сиёсати кўтариб чиқилмоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда инсоният учун ядро урушининг олдини олишдан, бемаъни қуролланиш пойғасини жиловлашдан, империализмнинг агрессив муддаолари йўлига ғов солишдан кўра муҳимроқ ва масъулиятлироқ вазифа йўқ.

Биз шунга асосланамизки, ҳолис ниятли кишиларнинг умумий куч-ғайратлари билан тинчликни қаттиқ туриб сақлаб қолиш ва ҳозирги замон цивилизациясининг ресурсларини миллионлаб кишиларнинг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришга, мустамлакачилик ўтмишининг шармандали оқибатларини тугатишга сарфлаш мумкин. Гражданлик бурчи ёзувчидан мана шу юксак мақсадларни амалга ошириш учун курашда фаол иштирок этишни талаб қилади. Аминманки, халқлар тинчлиги, тараққиёти билан мустақиллиги йўлидаги кураш масалалари сизларнинг конференциянгизнинг ҳам диққат марказида бўлади, сизларнинг ёзувчилик талантингиз бундан буён ҳам инсониятнинг олижаноб идеалларига хизмат қилаверади.

Сизларга жамоат фаолиятида ва адабий-ижодий фаолиятда катта-катта муваффақиятлар, шахсий бахт-саодат тилайман.

Ю. АНДРОПОВ

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ,
СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ
ЎРТОҚ Ю. В. АНДРОПОВга**

Биз, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчилари шу ташкилотнинг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида тўпланиб, Сизнинг табрикномангизда унинг фаолиятига берилган юксак баҳо учун астойдил миннатдорчилигимизни изҳор этамиз. Биз бу ерда, икки қитъа тараққийпарвар ёзувчилари мўътабар анжуманлари анъанаси юзага келган Тошкент шаҳрида яна тўпланиш имконияти берилганлиги учун Совет ҳукуматига, шунингдек, СССР ва Ўзбекистон Ёзувчилар союзларига шу мавриддан фойдаланиб, чин кўнгилдан ташаккур изҳор этамиз.

Осиё ва Африка ёзувчиларининг халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик учун, ядро урушининг олдини олиш учун, қуролланиш пойғасини жиловлаш учун, инсониятнинг порлоқ идеаллари учун, империализмга ва ирқчиликка, сионизмга ва янги мустамлакачиликка қарши муқаддас курашга ўз ҳиссаларини қўшиш йўлидаги олижаноб муддаоларини Сиз қўллаб-қувватлаётганлигингиз биз учун бениҳоя қимматлидир. Биз, Сизнинг холис ниятли кишиларнинг ялпи куч-ғайратлари билан тинчликни қўллаб-қувватлаш ва ҳозирги замон цивилизациясининг ресурсларини миллион-миллион кишиларнинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга, мустамлакачилик ўтмишининг шармандалари оқибатларини тугатишга сарфлаш мумкин, деган ишончингизни қатъият билан қўллаб-қувватлаймиз.

Биз, Сизнинг баёнотингиз билан ғоят эътибор бериб танишиб чиқдик, унда АҚШ ҳозирги маъмуриятининг планетамизга таҳликали хавф солаётган урушқоқлик йўли ишонарли тарзда фош қилиб ташланган. Москвадан: реакция кучлари тўхтатиб қолинсин, дунёни уруш ҳалокатига судраш бас қилинсин, деган дадил ақл-идрок овози яна янграб эшитилди.

Биз, Осиё ва Африка ёзувчилари ўз асарларимизда тинчлик учун жангни давом эттираверамиз. Биз инсонпарварлик ва эзгуликни, халқлар ўртасида муҳаббат ва ҳамжиҳатликни қаттиқ туриб ҳимоя қила берамиз. Биз қардошлик ва озодлик учун яратилган ягона дунёнинг юрагига ёвузларча тиғ ураётган разолат ва адоватга қарши, империализм ва ирқчиликка қарши ҳаммаша ва ҳамма жойда кураша берамиз.

Яшасин тинчлик ва холис ниятли кишиларнинг қардошларча бирлиги!

Конференция қатнашчиларининг топшириғига мувофиқ.

Алекс Ла ГУМА,

Осиё ва Африка ёзувчилари
уюшмасининг Бош секретари.
Тошкент шаҳри, 1983 йил 1 октябрь.

Зулфия

ДЕНГИЗ БЎЛИБ ЧАЙҚАЛАР ЮРАК...

(«Тонг билан шом аро...» туркумидан)

О эртам, энг гузал афсонам!

*Кўксимда кўзгалиб вулқондай кўчкилар,
Нақ метин муз қатлам сукути чок-чокдан сўжилди.
Чақмоқли сония парчалаб, кўздаги уйқулар
Шафақда тонг отиб, ол-алвон мўъжиза кўринди.*

*Бошланди тонг билан шом аро бу жонда пайдар-пай,
Туйғулар ва ўйлар қоришиқ шиддаткор баҳслари.
Авжига боз чиқиб, нурсимон қуйилар мунгли най,
Эришдай юракнинг тизгинсиз лўлидай рақслари.*

*Яшнашин қуёшга ўхшатсам кўзларим қамашмас,
Шуғла-ю, ёғувчи юлдузлар шарросин сезаман теграмда,
Дил ҳеч он тойганмас,
Ишончдан адашмас
На шодлик,
На ғурбат қуюндай ёприлиб келганда.*

*Занг босмас ҳайратим яратган мўъжиза қўшиқми,
Парт бўлмай юлгани қай узоқ оташдан нишона?
Фусункор наҳорлар шавқидан бўлиқми,
Ҳазонрез кечки куз умрга эш тушган
бу гўзал афсона?*

*Бу гўзал афсона — сен, Эртам!
Илтижо, ҳеч кетма ва лекин келмасанг майлига,
Қалб мўртроқ ҳудаяю беҳуда излардан жуда мўрт
кўприги.*

*Ташаккур айтаман шу оннинг,
Шу қўққис ҳимматли зайлига
Умримни безатган тилмочим, чарчамас
илҳомнинг энг зукко кўҳлиги —*

*О умид Эртаси!
Йироқлаб юрсанг ҳам, кунларим эркаси афсона,
Эҳтиёт илтифот,
Жон тўла қадамнинг жодусин илғайман.
Муқаддас ва камёб сирларинг ўтида
бир яйраб, минг ёна
Чах-чахдан лаззатли бир ёрқин ҳузур-ла
ийғлайман.*

Ва такрор англайман:
Келишинг бир тухфа!
Дил номли каъбамда
Қалбимдан саломат сен содиқ навқирон эзтиқод.
Уйдирма хулмас,
Уткинчи хаёлмас, бу кузги саждамда
Зикр этсам, чидам бер Ёвузга таслимдан
этиб тур эҳтиёт!

Чақнадинг, баҳорий тус кирди кузимнинг
заъфарон рангига,
Даф этдинг мен кирар йўлларнинг
кундан-кун торлигин.
Чорладинг, жонимни ташладинг тенгсиз куч
жасорат жангига,
Онгладим: Лутфийдек куйласам буюк
дард ва қудрат борлигин!

Сен қучдинг:
Эртакдай қиш бирдан юмалаб бўлди ёз,
Ланжликни куйдирди серҳузур саратон,
жазира.

Биламан: севгидан самода чирпирак
парвозлар қайтмас боз,
Не десам, беқиёс у ишқли йилларим кўркига
назира!

Эмассан жалада кўлларни савалаб безатган
бир хубоб,
Инсоннинг ҳеч битмас умиду ишқидан нишона.
Ҳар тонгги — бир варақ, ҳар шоми элга эш
толедан бир инио, битта боб,
Ҳаётнинг ҳеч қачон узилмас риштаси борига
ишона-ишона —

Битилгич битта шеър!
Ҳар сатри кўксимда етилиб тирилган,
Дарди ҳам қувончи борлигим забт этган
жарангли залварли.

Ташаккур, яна мен тирикман,
керакдан-керакман,
Сабрга бўйсунган фикр-уй шиддатли,
бир ширин ғамзали, ғалвали.

Қарайман:
Афсона тўлдириб ҳазонлар тўшалган остонам,
Менга деб тунда ҳам шам эмас, қуёшни ёқади.
Гоҳ нари кетади!
Мен — куз!
У — саратон! Лек бугун мастона, мастона
Маҳрамдай нигоҳин узолмай гулхандай
қалбимга боқади.

У асли ҳақиқат камоли, абадий эзгулик тангриси,
Ғанимат шу лаҳзам кўзи-ла беҳудуд
Иқболга боқишим — ҳақиқат.
Ҳақиқат — афсона яратар умримнинг ҳар кези,
Тунларим юлдузли онига ишончим,
Имоним, Олқишим — Ҳақиқат.

Мен сени, эй тансиқ афсона, ҳали кўп
чамандай кўкартгум,
Баҳорнинг рангига янги ранг, соз жаранг,
кашф қилиб этгум бахш.
«Боши ҳеч оқормас қалам»¹ им учиди
қуёшга яловдай кўтаргум,
Бу элда кексармас ва чўкмас кўнгиллар
бахтини — бахтим деб этгум нақш!

КўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди

Замона кулфатидан бу кўнгиЛ доғ ўлди, доғ ўлди...

УВАЙСИИ

Аё дўстлар, бу не даврон, кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Асрлик зулм уйи вайрон, кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Улус обод, ҳама шодон, кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Ки ҳайрат ҳам ўзи ҳайрон, кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди,
Бу янглиғ бахт-саодатдан кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Билурмен, ҳасрату ғам тах-батах бизнинг ғазалларда,
Нечунким, эл учун зиндон эди дунё азалларда,
Ҳақиқат ҳам, адолат ҳам очарди юз масалларда,
Жафо тахт йўқ, қаро бахт йўқ, ҳама офтоб назарларда,
Бу тенглик, бу камолатдан кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Синибдур гумбази зулмат, ҳуррият барқарор охир,
Тасанно, биз аёл аҳлига шаън-иқбол шиор охир,
Саодат шеваси солмиш кўнгиЛга шавқ-шарор охир,
Яловдир шеър, кел эй, ҳушнуд дилингни эт нисор охир,
Бу эҳсондан, бу давлатдан кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Икки юз йил суронидан омон чиққан саботдирман,
Ватан бир бахт, менам бир бахт, икки нурли қанотдирман,
Ажаб толе жаҳон ичра тағин бул кун ҳаётдирман,
Каломим бирла номим парпироқ мангу баётдирман,
Бу эъзозу бу ҳимматдан кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Дилимни шам қилиб эрдим, бу даврон минг чароғ ўлди,
Ўғил-қиздан жудо эрдим, менга авлод қароғ ўлди,
Ки рўзгорим хароб эрди, элим бошга паноҳ ўлди,
Не сўз айтдим, қаро ўтмишни фош этган яроғ ўлди,
Замон берган бу қудратдан кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Бу ёнда Нодирабегим, бу ён Маҳзуна лутф этса,
Назмгўйлик тузар бўлсак, кўнгиЛ торин қувонч чертса,
Умидни шеър этиб сочсак, туман дилга бориб этса,
Неча Гулчехралар озод куйингга жўр бўлиб кетса,
Бу хил мумтоз шухратдин кўнгиЛ тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Увайсий, боқ, бугун юртда назм — толе, зако қонун,
Муҳаббатга адо қонун, садоқатга вафо қонун,
Ки булбул чах-чахи янглиғ қўшиқларга садо қонун,

¹Сулаймон Рустамдан

Ташаккур, қадру ардоғга, сенга умри бақо қонун,
Ажаб камёб бу қисматдин кўнгили тоғ ўлди, тоғ ўлди.

Тўй оқшомидаги ўйлар

Лола боғимизда эди бир ғунча,
Яшнаб кетди бирдан нақ оппоқ чечак,
Ўзимиз эркалаб, севиб тўйғунча,
Муҳаббат азми-ла бўлди келинчак.

Хогирда:

дунёга келган илк тонгда
Қулоғига айтдики Навоийдан шеър.
Ким билибди унда:

балоғат онда
Буюк севги сўзин айтар Алишер.

Ва шу мард кўнглимиз эрка қушини
Ўтли қўш қанотда кетади олиб —
Икки сулоланинг қалбу хушини
Маҳлиё, бахтиёр тўлқинга солиб.

Хай қиз, биз беролган энг қимматли сеп
Меҳр қонингдами, дилдами вафо?
Тақдирлар бирлашди кўркам толе деб,
Толе берар шодлик бўлмасин адо.

Гул бўлсин, сен борар янги ошиён,
Кириб бор, меҳрингдан пойандоз тўшаб,
Катталарга вожиб эъзозу эҳсон,
Яйратсанг суюкли фарзандга ўхшаб —

Ўзинг ҳам яйрайсан,
яшарармиз биз,
Орзу очаверар тўрт фасл чечак.
Муборак тахтингиз, боқий бахтингиз,
Суюкли кўёву, ширин келинчак...

Куйлама ҳижронни

Гулгина ЗОКИРОВАга

Куйлама ҳижронни,
мен куйлаб ўтдим,
Наҳот мен етмаган пардаси қолмиш?
Аччиқ, узун йўлин мен босиб ўтдим,
Сенга нега даркор, қайта йўл олиш?

Куйлама ҳижронни, такрорлаш нечун?
Бир фарёд минг дилни эгади пора.
Кўз ёш бўлиб оқди борлигим бутун,
На инсон, на тангри тополди чора.

Такрорлама, Гулим,
сен бахт эркаси,
Дилбар овозингга ярашар шодлик.
Бир бахтсиз севгининг битмас гиряси,
Қалбингдан ўрлайди, бу не бедодлик!

Куйлама ҳижронни, гарчанд овозинг
Отаётган тонгдек нур тўла жаранг.
Куйласанг нилуфарсимон рухсоринг
Шомдаги шафақдек заъфар-ғусса ранг.

Нечун бу сержоду жайрон нигоҳдан
Рухсоринг куйдириб оқар қайноқ ёш?
Гулгинам! Ҳижронда, хазонли оҳда
Ҳеч замон жамолин кўрганми қуёш?

Не-не маҳбубларнинг бисотин тигиб,
Кўрдим: кўз ёш эгов экан умрга.
Мендан кейингилар йиғламасин деб
Дардим селобини тўкдим шеърға.

Сен куйла, севгининг восил ҳаётин,
Тошлар тилга кирсин,
гул очсин музлар!

Ишқ,
шодлик чулғаган диллар баётин
Куйла, лолалардай яшнасин юзлар.

Куйлама ҳижронни, гўзал Гулгинам!

Лавҳа

Шом келар узоқлардан бўшанган боғ қўйнига,
Йўл-йўла ичиб шуғла.
Тўкилар осилишиб заъфар барглар бўйнига,
Ез тўқиган ашула.

Уз ҳолига кексарган ҳар дараҳтда бир гулхан,
Тавсиф йўқ менда рангга.
Бетховен мусиқаси гўё борлиқни тутган,
Ер-кўк мафтун жарангга.

Алвон қўшиқдай лов-лов ёнади ниҳол гилос,
Кузранг чехрамда акси.
Токда чайқалса, боғбон унутган бир бош чарос,
Қалбимда ширин рақси.

Яшил либосда ҳамон чинору арғувонлар,
Кекса сумбатда бардош.
Наздимда, урушларда бева қолган жувонлар
Бардошда унга тенгдош.

Бўлиқ тилла бошоқлар боғламига ўхшайди
Ниҳол анор туплари.
Хил-хил дараҳт, хил-хил куз,
ўз рангида яшнайди,
Узича қўшиқлари.

Ариқда тиниқ-тиниқ милдир-милдир оққан сув
Шеваси дилимга хуш.
Кекса ялпиз бүйлари уйғотса яшил туйғу,
Менда йиллар фаромуш.

Кўкда:

бир ёқда қуёш, бир ёқда кезар булут,
Кўксида ухлар тугён.
Жанубга учган қушлар қолдирган салом бўлиб,
Эшилса ипак мезон —

Латиф, ёрқин туйғулар куйга қоришиб дилда
Берса баҳорий қувонч,
Наздимда: бўғотимга қўйиб кетган унига
Йўл олади қалдирғоч.

Уфқларга сирғилиб, кетиб улгурмайин кун
Дилимдан аллам юлиб —
Қўққисдан салқин-салқин тушади
ер узра тун,
Ой чиқар дуркун бўлиб...

Мен денгизнинг лабида турдим,
Денгиз бўлиб чайқалди юрак,
Мен денгизнинг лабида турдим,
Унут ўзим, унут теварак.

Қуёш сочиб қизил чечагин,
Ениб ётар, тўлқинлар лов-лов...
Лекин йиғганини шафақ этагин
Назаримда кўрмади биров...

Ҳалигина ипакдай ҳим-ҳим
Алвон тўлқин эшилган эди...
Хижрон азми гулгун кўйлагим
Худди шундай ечилган эди...

Олов тўлқин туннинг ичида
Қолиб, маънос чайқалар денгиз...

Мусибатнинг занг илгичида
Гулгун кўйлак осифлиқ ҳаргиз...

Ноябрь,

Она Ер устида байрам,
Диллардан юксалар осмонга қуёш,
Байрамларни сезар бағридаги ҳам,
Уларнинг умрига қўшилмайди ёш.

Ун саккиз ёшли қиз лабидай нафис
Гул қўйдим.
Мен ёндим,
Гулларим сўлди.

*Баҳорим!
Кузлигим наҳот этдинг ҳис,
Наҳот қирқ йил ёнган егим ўт сўнди?*

Олдингда оққан сув...

*Олда оққан сувнинг қадри йўқ дерлар,
Ғўрликда ношукр ҳукми деб юрдим.
Мана, қанча сувлар оқиб ўтдилар,
Бировни сувга зор,
 бирни сер кўрдим.*

*Наҳр умри не ҳол ўтганин оқиб,
Соҳилдаги Сероб бир сездимикин?
Қақраб, ҳовуч-ҳовуч ичиб, ютоқиб,
Сероб ўйлайдими ариқ очган ким?*

*Зеро у беминнат бир ёнда оқар,
Эмас узоқдаги ёритмас юлдуз.
Тинса, боғи қуриб, томоғи қақраб,
Силла қуришига етмайдими кўз?*

*Бир кун баҳри тугаб, тўлса паймона,
Қўлда пақир билан қолганда изғиб,
Тан ола биларми, ҳеч-са пинҳона
Ҳаётин берган — шу, бағридан сизиб...*

Узугим сирғилиб тушди...

*Е раббий!
Узугим сирғилиб тушди,
Ингичка тортдим, шунча, бармоқлар?
Қалбимнинг тубида недур увишди,
Тўлқинсиз қолдим танда ирмоқлар?*

*Зебу зийнатларга ўч бўлмадим ҳеч,
Зийнат билдим фақат замон, созимни.
Созни на кундуз, на тунда қўйдим тинч,
Елкасига ортиб қувонч, розимни...*

*Узук қаламимдан эди яқинроқ,
Дилим ва бармоқлар сирига маҳрам.
Хузур, изтиробдан тушганда титроқ
Уша эди чақнаб, мўлтираган ҳам...*

*Энди бармоғимни этиб кетди тарк,
Бир чоғ тухфа этган қўллар сингари.
Гарчанд у эмасдир севги кирган арк,
Кетиши ҳам эмас тўлқин тингани.*

*Урга бармоғимга оламан тақиб,
Табиатдан устун менда ихтиёр!
Энди бу бармоқлар не кучдан қалқиб,
Нозиклашар недан, билмоғи даркор...*

Бинафша

Қаҳратонда ерга тўшалганда қор,
Менинг кўнглим тусаб қолар бинафша.
Дилим таг-тагидан эрка бир виқор
Урар чирмовўқдай хушбўй бир нашға.

Энг хушрўй, энг кўркам гулларнинг атрин
На бўй, на хуснига эголмам қиёс,
Беқийёсдир хушни элитган баҳри,
Тун ёстиқда сўлган бинафшага хос.

Шу хузурни қўмсаб, қутирган қишда
Думбул баҳорларни нигоҳим излар...
Гоҳ-гоҳ бугунимиз эмас,
Ўтмишдан
Иссиқ нафасларни излаймиз бизлар.

Хаёл чаманида бўй чўзиб ўтлар,
Чўлда ел ва нурда лолалар балқар;
Кўклам шарпасидан синиб сукутлар,
Тарновдан, ариқдан сув бўлиб оқар.

Ниҳоят, маъсумам жажжи бинафша
Сафсарранг гулханин сочар ийманиб,
Унгир, ариқ бўйин тутади нашға,
У буюк борлиққа боқар жилмайиб.

«Салом!» — дейман хаёл бинафшасига
Сенсиз кўнгили боғим қоларди ғариб!
...Ҳеч маст бўлганмисиз соф нашғасига
Бошин хиёл эгиб турса жилмайиб?..

Демак, баҳор келди...

Синди қиш тўқиган муз ҳисли қафас,
Мана, яна қушлар чуғурлаб қолди.
Она нигоҳидай мулойим нафас
Замину осмонни бағрига олди,
Демак, баҳор келди.

Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг
Одим, чехрасида эзгу рўшнолик.
Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг
Зилол барин тутиб югурар шодлик,
Демак, баҳор келди.

Келар деб шу сийқа қадим йўл билан,
Эзгу интиқликда кўпчибди тошлар,
Ел такрор, бетакрор илиқ қўл билан
Сочмоқда дилларга ишқдан қуёшлар,
Демак, баҳор келди.

Саҳоват момоси тоғнинг кўксидан
Кўпириб, айқириб сути тўкилмиш,

Зарраси сочилган музлар устида
Шошқалоқ гунчалар чоки сўкилмиш,
Демак, баҳор келди.

Хамиша неъматга ҳомила тупроқ
Тўлишган танини солмиш офтобга,
Дехқон қулоғига таниш қўнғироқ —
Жарангдор куртаклар етибди тобга,
Демак, баҳор келди.

Яна бедор, маъсум тун оғушида,
Одимлайди сирлар,
ширин шивирлар,
Бетобе шаббода нур ҳовучида
Юлдуздай сепмакда жоду сеҳрлар,
Демак, баҳор келди.

Келди баҳор!
Кетар ташлаб уйғониш,
Бутун куррамизга битта баҳор у!
Одилми, қотилми — ҳар жонга таниш,
Меҳр маъбудаси наврўз-наҳор бу,
Ахир баҳор келди.

Бу кун йўлларида олов кўп, зор кўп,
Жаҳонда қанча жон чиқмайди пешвоз.
Дехқон уруғ сочсин,
ўқ сочмасин тўп,
Қувғин эллар қушдай юртга
қайтсин боз,
Ахир, баҳор келди.

На масъуд ҳузур бу, ёруғ жаҳон бу,
Ер, Инсон баҳор-ла қовушган онлар.
Давлатлар!

Илгижо,

фармон,

Исён бу:

Баҳор йўлларига сепмангиз қонлар,
Баҳор боқий келсин!..

Аянч тақдирларга бўлиб таянчлар,
Бахтлига ишонч у, бахтсизга толе.
Абад қонунидир элтмоқ севинчлар,
Қабоҳат, хунрезлик бўлмасин мене,
Баҳор боқий келсин!

Ўқ ортган кемалар денгизга боғиб,
Чирисин!
Тин олсин эллар, оламлар.
Одамлар, ўлдирманг одамни отиб,
Баҳор каби қайтиб келмас одамлар!
Баҳор боқий келсин!

1983.



**Евгений Березиков**

ҚИЗИЛ БУХОРО

Роман

БИРИНЧИ КИТОБ**ТАХТИ ҚОРАЧА****Биринчи боб****САМАРҚАНД**

Қуёшнинг илк нурлари Бибиҳоним мадрасаси харобаларидаги зумрад рангда сирланган гиштин кошинларда аксланиб, мовий нур таратди. Маҷитларда бомдод намози тугаган, одамлар оқими ўрта асрдан қолган жинкўчалар сари тарқаб кетган.

Мўминлар худонинг фарзини адо этиб, бозорга ошиқар — ким ўзининг йўл ёқасидаги дўкончаси тамбасини олиб, уни очади, ким иш қидириб ҳовли ва конторалар сари шошади. Вазмин ва бўйдор, шоп мўйловли миршаблар гузар чойхоналари сўриларида ўтириб, нонушта кутишади.

1910 йилнинг январи. Ҳамма нарса гўё одатдагидек, ўзгармаган. Девор-томлардаги эриётган қор томчилари ҳам, қари ўрикларнинг қишнинг паст осмонига интилган қора, эгри-бугри шохлари ва чопонларга бурканган жунжиккан гавдалар ҳам ҳамон ўша-ўша.

Аммо шаҳар бетинч. Курдлар яшайдиган маҳаллалар томондан шиаларнинг ҳайқириқлари эшитилиб қоларди. Кўчаларнинг у ер-бу ерида ғазабланган одамлар тўпланиб турарди. Дарвоза ва кўча эшиклар тақа-тақ ёпилган, кўчаларда ҳатто болалар ҳам кўринишмасди.

Бухородаги қирғин-барот ҳақидаги миш-мишлар Самарқандни безовта қилиб қўйган. Ким, Бухоро кўчалари ва майдонларида мусулмонлар қони дарё бўлиб оқибди, шиалар тўда-тўда бўлиб юриб, дуч келган мўминларнинг қоринларини ёриб ташлаётганмиш, деса, бошқа ердагилар, қутуриб кетган суннийлар кўзлари тушган ҳар бир кимсани сўйиб ташлаётганмиш. Ислоҳ динининг қуввати — Бухорода 20 минг сунний ва шунча шиа ўлдирилибди, дерди.

...Шу куни эрта билан поезд Тошкентдан деярли кечикмай, ўз вақтида келди. Перронни тўлдириб юборган йўловчи ва кутиб олувчилар оломони ичидан баданлари қуёшда тобланмаган, қоп-қажоғи йўқ, европача кийинган иккита ёш йигитни осонгина ажратиб олса бўларди. Биттаси — Владимир Нашкекин — бўйчан, сал букчайган. Студентлик шинели ўзига қўйиб қўйгандек ярашган — махсус буюртириб тиктирганлиги шундоққина кўриниб турарди. Бошида қишқи қулоқчин ўрнида Петербург университети нишони қадалган олифта шапка. Совуқдан шолғомдек қизариб кетган қулоқлари, чўққи соқоли, хотиржам кўк кўзлари уни саёҳат қилиб юрган студентга ёки ўртамиёна амалдорга ўхшатар, лекин сургунга кетаётган киши эканлигини хаёлга ҳам келтирмасди.

Бошқаси, қора кўз, адлқомат йигит, ўз ҳамроҳидан икки-уч ёш кичикроқ эди. Абдулла — Қарши муфтиси Асадулла ҳожининг ўғли бўлиб, Туркистонда машҳур рухоний Сағди Умар Ҳасан Файзиободий авлодига мансуб эди. Муфти



Бухоро амирлигида зўр уламо, Аҳмад Донишга ҳаммаслак одам бўлган чамаси, замон раъйини идрок қилиб, ёш Абдуллани 1907 йилдаёқ Петербургга ўқишга юбораркан, «Ўғлим, сени илм ва маданият ўчоғи Оврупога оллоҳнинг хоҳиши билан йўлладим. Бошқаларга ўхшаб билим олиш учун Туркияга бормаганинг учун ўқинма, — деб насиҳат қилган эди. — Руслар илмини таҳсил қилиб, уни эгалласанг, Бухорода энг катта одам бўласан. Ҳар қанча қийналсанг ҳам, билимингни орттир».

Абдулла Петербург университетининг география факультетида ўқийдиган, Туркистондаги ҳаётга қизиқиб қолган Владимир Нашчекин билан танишиб, иккаласи этнография профессорининг беваси Екатрина Ивановна Татарниковадан битта хонани ижарага олишди.

Абдулла рус тилига оид асарларни олар, савдо-сотик, педагогика, ер ишларига тааллуқли китобларни харид қиларди. У кўпчилик рус студентларидан дўст орттирди ва бора-бора революцион ғоялар билан қизиқиб кетди.

Улар Тошкентга тасодифан келиб қолганлари йўқ. Владимир студентлар ғалаёнларида қатнашгани, марксчиларнинг махфий жамиятига мансуб бўлгани учун ҳибсга олинган эди. У сургун қилинган Сирдарё вилоятини ўша пайтда Бухоро амирлигига қарашли бўлган Қарши беклигига алмаштиришларини сўраб, ички ишлар министрлиги жандармчилари ҳамда амалдорлари орасида роса мазаҳ бўлди. «Сизни, жаноблари, дўзахнинг дарвозахонасида яшаб, гуноҳларингизни ювиш учун юборишган эди у ерга, — деди министрлик амалдорларидан бири. — Лекин сиз, азизим, тўппа-тўғри жаҳаннам оташига билет танладингиз». Раҳмдил амалдорнинг кўзларига қараб туриб, Владимир паст овозда сўради: «Сизнингча, Россия жаннатми?»

«Дўзахнинг дарвозахонаси»ни қайтариб олишига ҳали кеч эмасди. Лекин Владимир мард, бир сўзлик одам эди. Бундан ташқари, фақат Қаршига юборишга амалдорларни кўндиришини айтиб, дўстига ваъда бериб қўйган эди.

Абдулла эса ватанига қайтиб кетиш учун Петербург об-ҳавосига мослашиб кетолмаётганлиги, йўтал, нафас қисиш азоб бераётганлигидан фойдаланди.

Агар ҳатто рус мужигидай соғ бўлганимда ҳам, деди у ўзига, бари бир Владимир билан бирга кетардим, чунки ҳақиқий инсон дўстини бошига иш тушган пайтда ёлғиз ташлаб кетмаслиги лозим.

Мана икки ойлик йўл азоби ўтиб кетди. Амирлик сарҳадига жуда яқин қолган, тўғри, қиш пайтида ўтиш хатарли бўлган тоғ довонидан ошиш керак эди.

Вокзалдаги оломон орасида бир оз маслаҳатлашиб олишгач, дўстлар тўғри келган битта чойхонага киришди, қайноққина шўрвани ичиб, Владимир дарҳол исиб кетди, у шинели тугмаларини ечди, шапкасини олди. Абдулла кўк чой қуйилган пиёлада ҳамон кафтларини иситарди.

Шоп мўйлов самоварчи уларни иззат-икром қилди.

— Шаҳри азим Петербургдан келишибди, қаранг, қандай азиз меҳмон-

Мени ўзбек халқининг кўҳна, бой ва ранг-баранг тарихи кўпдан қизиқтириб келарди. Бир неча йил давомида тарихимизнинг бутун бир даврini акс эттира оладиган маълумот тўплаш билан машғул бўлдим. Ниҳоят, инқилобгача Бухоро амирлигининг ҳаддан ташқари зулмини чеккан Ўзбекистон жанубидаги ўлканинг озодлик йўлидаги курашини қаламга олишга аҳд қилдим. Чунки бу чекка гўшадаги тарихий жараён бутун мураккабликлари билан ҳали асарларимизда ўзининг бадиий инъикосини топмаган эди.

Амирликнинг девонбеги ва қушбеги ҳамда чор Россиясининг Бухородаги элчиси — сиёсий агенти ҳужжатлари билан танишар эканман, кўз ўнгимда гўё жонли тарих гавдалангандай бўлди. Шундай тақдирларга дуч келдимки, мазлум халқнинг нурли келажак йўлида жонини аямаган ва фақат инқилоб қайғуси билан яшаган ана шу маҳаллий миллат ҳамда рус зиёлиларининг илғор вакиллари ҳақида ёзмаслигим мумкин эмасди.

«Қизил Бухоро» романининг биринчи китобига айниқса, бу ўлканинг уйғонган зиёлилари онгига марксизм ғояларининг таъсири ва шубҳасиз, табиатнинг ажиб мўъжизаси ҳисобланган Қарши даштини ўзлаштиришга уринган ўзбек деҳқонларию рус мутахассисларининг заҳмати ҳамда бу улкан чўлга кўз тиккан инглиз санатчиларининг хатти-ҳаракатига кўпроқ тўхтайдим. Бугунги ўзбек ва рус халқларининг монолит дўстлигига илк тамал тоши инқилобдан бурун қўйилгани ишро этганим асаримнинг бош мақсадини белгилайди.

Евгений БЕРЕЗИКОВ

лар! — дерди чойхонага кирган барча чойхўрларга мақтаниб. — Чойдан ичиб ўтиринглар!

Чойхонага одам тўлиб кетди. Абдулла қаттиқ-қаттиқ гаплашаётган одамларнинг гапларига хавотирланиб қулоқ солиб ўтирарди. У Владимир томон энгашди.

— Дўстим! Бу ёғига йўл хатарли. Эҳтимол, чегара ҳам ёпиб қўйилгандир. Бухорода кўп одамларни бўғизлашибди.

— Е парвардигор! — дея Владимир унга эсанкираб қаради. — У ерда қанақа уруш бўлган ўзи?

— Мутлақо уруш эмас, Владимир ака. Узаро низо. Нима десам экан... Шиалар билан суннийлар ўртасидаги адоват.

— Нима сабабдан ўзи?!

— Сабаби тарихий, эски... — дея Абдулла чой қўйилган пйёлани Владимирга узатди, кейин дарз кетган, тумшугига ип ўраб боғлаб қўйилган чойнақдан ўзига ҳам қуйди. — Сиз, балким ўқигандирсиз: Муҳаммад пайгамбар — реал шахс. У олтмиш уч йил умр кўрган ва кўп избосарлар қолдирган. У одамлар устидан қилинадиган ҳокимликни улар ўртасида бўлиб беролмаган, бу ҳеч вақт тақсимланмайди. Ана шундан узаро низо бошланган. Муҳаммаднинг куёви Алининг тарафдорлари ўзларининг шиа партияларини барпо этганлар, бу билан халифа Умарнинг қўлида қолган ҳокимият учун курашишни кўзда тутганлар. Халифанинг қизи Муҳаммаднинг хотинларидан бири бўлиб, муқаддас китобнинг асл нусхаси унда қолган. Ана шу муқаддас китоб ихлосмандалари унинг атрофига уюшиб, ўзларини суннийлар деб атаганлар. Улар Алининг икки ўғли — имом Ҳасайн билан имом Ҳусайнни ўлдиришган. Ана шундан бошлаб шиалар билан суннийлар бир-бирларига қососкор душман. Арабистон суннийларнинг, Эрон шиаларнинг маркази бўлиб қолади. Эрондаги Қум ва Қарбало шаҳарларига Ҳасайн билан Ҳусайннинг жасадлари дафн этилган... Бухорода ҳозир содир бўлаётган воқеалар, афтидан, ўша ҳодисаларнинг давоми бўлса керак.

...Самарқандда руҳсат этилган муддатдан ортиқ тўхтаб қолиш учун генерал-губернатор маҳкамасига ёки ҳеч бўлмаганда полиция бошлиғига мурожаат этиш керак бўларди. Икки ойлик йўл азобида кўп нарсаларни ўрганган Владимир Иванович дарҳол маҳкаммага йўл олди. Россия империяси бўйлаб саёҳат қилишнинг асосий қийинчилиги саёҳатчини полициячи ҳамда оддий амалдорларнинг тўраларча отанга бор, онанга бор усуллари бўлса керак. Ҳар қандай ҳаракат, ҳатто бундоқ қараганда, монархиянинг ва полиция тарбиботининг фойдаси кўзланган, масалан, белгиланган истиқомат қилиш жойига етиб олиш ҳам, кўпдан-кўп тўсиқларга дуч келарди. Буларнинг барчаси ниҳоятда босиқлик ва жисмоний куч сарфлашни талаб этарди. Владимир Ивановичнинг аҳволини оғирлаштирадиган нарса яна шундан иборат эдики, у сиёсий бадарға қилинган одам сифатида овозини баланд кўтариб гапиришга, сансалорчи тўра ҳамда қотиб қолган мутаассиб одамларга нисбатан ўз муносабатини билдиришга ҳақи йўқ эди. Бу ерда, Самарқандда, манзилга етиб келай деганида, Нашчекин ўзини тинка-мадори қуриб, титилиб кетгандек ҳис этди. «Манзилга етиб келдим», — деб ўйлади.

Маҳкама амалдори ўзининг хира кўзлари билан Нашчекиннинг ҳужжатларига ва шаҳарда қолишни сўраб ёзган илтимосномасига узоқ тикилди. Узун уф тортиб, деди: «Кутинг» ва бошқа хонага кириб кетди.

Самарқанднинг ҳарбий губернатори генерал Григорьев ўз хоҳиши билан Қаршига юборишларини сўраган тентакни шахсан кўриб қўйгиси келди.

Генерал келишган ва ўзига оро берадиган одам бўлиб, мундир тугмалари ҳамда заржияклари ярақлаб турар, қотма зодагонларга хос юзида эса такаббурона лоқайд ифода қотиб қолган эди. Владимирнинг ҳужжатларига наридан-бери кўз югуртириб, сал қорин солган сариқ мўйловли пакана навбатчи офицерга қараб деди:

— Федоркин, Нашчекин жаноблари билан ҳамроҳларини уч кунга жойлаштиришга фармон беринг. — Бир муддат ўйлаб туриб қўшиб қўйди: — Уларни казармаларга яқинроқ ерга жойлаштиринг. Ўзингиздан қолар гап йўқ, замон нотинч.

Юқори мартабали бошлиқ билан бўладиган иш битди деб ўйлади Владимир Иванович. Столдан ички ишлар министрлигининг император ҳазрати олийларининг Қарши беклигида муқим истиқомат қилиш ҳақидаги энг олий кўрсатмаси битилган гербли қоғозни олиб, кабинетдан чиқиб кетай деб турган эди, генерал нигоҳи билан уни тўхтатди.

— Итдан тарқаганлар, — деди у, тишларини гижирлатиб, — осиеча Варфоломей туни ташкил қилишди. Сиз эшитдингизми?! — жавобни ҳам

кутмай, такабурлик билан қўшиб қўйди: — Сизларга-ку, айтайлик, улар тегишмайди, хотирларинг жам бўлиши мумкин. — Шундан кейин калласини маънодор лиқиллатди-да, бирдан қўшимча қилди: — Лекин ким билади дейсиз, дайди ўқми, тўн енгига яширилган ўткир ханжарми... Урта Осиёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. — Афтидан, у пегербурглик бу ёш сиёсатдонни қўрқитиб қўйгиси келди чоғи, ғижиниб деди: — Уҳ, бу шарқ мустабидлари! Мен инглиз миллатини ёқтирмайман, лекин Шарқ ҳамма вақт ваҳший Шарқлигича қолади, деган Киплингга қўшиламан.

Владимир Иванович мулойим жилмайиб қўйди. У генерал билан бесабаб баҳсга киришгиси келмасди.

— Киплинг — ажойиб шоир. Лекин мен унинг Шарқ тўғрисидаги фикрига қўшилмайман. У ортиқ даражада катта кетган, — деди у, қимтинибгина.

— Шундайми? — деди чўзиб генерал Григорьев, ҳушёр тортиб, ҳайрат билан.

— Мен Шарқни бошқача кўрдим. Ва бу меҳнатсевар халқни ваҳший дейиш ўрнига унутилган деб айтилса тўғрироқ бўларди.

Шундай деб одатда кифти чўкиб юрадиган Владимир Иванович бирдан қаддини ростлади, хотиржам нигоҳи шунга айтиб турардики, у генерал ўйлаб чиқарган, Шарқни бадном қиладиган гапга лаққа учмоқчи эмасди.

Генералнинг юзидаги зерикканлик, назокат ниқоби дарҳол сидирилиб тушди.

— Чернишевскийнинг ўзгинаси экансиз-у, мен билмай қолганимни қаранг.

Генерал ўридан турди-да, худди тордай таранг тортилиб, йигитга тешиб юборгудек ўткир нигоҳ билан ёвқараш қилди.

— Штабс-капитан, — деб чақирди генерал, офицер турган томонга қараб, чақмоқдек ялт-юлт қилиб.

— Мана бу жанобни... оти нимайди... борадиган ерига чиқариб юборинг!

— Нашчекин, — дея шивирлади Федоркин.

— Ҳа-ҳа. Империя сарҳадидан чиқариб юборинг. Ҳозироқ, шу дақиқанинг ўзида. Довонгача уни шахсан кузатиб боринг. Важарилган заҳоти менга доклад қилинг. Тамом!

Владимир самарқандликлар генералга, унинг золимлиги, ўзбошимчалиги учун, «Қора дев» деган лақаб қўйиб олишанлигини ва бу ерга у ўз хоҳиши билан эмас, аллақандай гуноҳи учун келиб қолганлигини кейинчалик билиб олди.

Иккинчи боб

МЕҲМОНХОНАДАГИ БАҲС

Дўстининг юзидаги ифодани кўриб Абдулла билдики, иш яхшилиқча битмаган, Владимирни орқасидан кузатиб чиққан офицерга кўзи тушиб эса, юраги орқага тортиб кетди: «Қамоққа олишибди!» деган хаёлга борди. Владимир унинг ҳолатига тушуниб, таскин берди:

— Қўрқадиган ҳеч гап йўқ, Абдулла. Шунчаки биз ўйлаган ҳовли эмас экан бу ер. Йўлга отланамиз, — деди-да, Федоркин томон нафрат билан қараб қўйди.

Абдулла офицерга ҳадиксираб қаради, лекин у Нашчекиннинг тағдор гапини гўё эшитмагандек, сўради:

— Йўлдошингиз шу кишимиз?

— Худди ўзгинаси, — дея гўлдиради Владимир.

Улар штабс-капитаннинг орқасидан казармалар томон боришарди. Владимир дўстига генералнинг ҳузурида бўлиб ўтган гап-сўзни айтиб берди. Узини тўхтатолмай генерални масхара қилди:

— Ҳозироқ чиқариб юборинг... оти нимайди?

Федоркин у томон ўгирилди.

— Сиз тилим бор, деб унга жудаям эрк бераверманг. — У жизғинаги чиққан қошларини чимирди. — Агар бирон нима керак бўлса, тўппа-тўғри сўрайверинг.

Владимир бирон қаттиқ гап билан жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, лекин тилини тийди. «Унинг гуноҳи нима?»

— Бизнинг собиқ квартира бекаминг акасини кўриб ўтишимизни илтимос қилганди. — Владимир Федоркинга етиб олди, у билан ёнма-ён кета бошлади.

— У шу ерда, Самарқандда, ер ишлари бўйича хизматда.

— Ер ишлари бўйича, дейсизми? Черневскийни айтяпсизми? Николай Ивановични? У менинг қўшним, — деб Федоркин тўхтади, маҳкама томон қараб қўйди-да, қатъий қилиб деди: — Довонга боришга биз ҳаммавақт улгурамиз, бировга яхшилик қилиш учун эса шошилиш керак.

— Раҳмат, офицер жаноблари, — деди Абдулла ва миннатдорчилик юзасидан қўлини кўксига қўйди. — Жуда катта раҳмат.

— Елғиз ўзларингизни қўйиб юборолмайман. Мумкин эмас.

— Тушунамиз, — деди Нашкекин, иложи борича юмшоқлик билан.

— Ҳа-ҳа, — дея тасдиқлади штабс-капитан. — Шу ерда, жуда яқин қолди. Дарвоқе, мен ҳам йўлга отланишим лозим. — Штабс-капитан тўсатдан жилмайди. Оппоқ қош-киприклари кулгисини ғалати қилиб турарди.

Черневскийлар руслар маҳалласининг чеккасида, деворлар билан ўралган мевазорларга қўшни каттақон гиштин иморатда туришарди. Абдулла билан Нашкекинни шунчалик мулозамат билан кутиб олишдики, улар ҳижолат тортиб уялиб кетишди.

— Тасаддиқларинг кетай-а! — дея хитоб қилди Наталья Никитична, Черневскийнинг хотини — баланд бўйли, ёши ўтиб қолган хушбичим хоним.

— Бу тупканинг тагига етиб келгунча бўладиганларинг бўлибди! Тезроқ ечининглар, киринглар ичкарига...

Федоркинга кўзи тушиб, дағалроқ сўради:

— Сен нима қилиб буларнинг кетидан эргашиб юрибсан, Илья Терентьевич?

— Сизникига азиз меҳмонларни бошлаб келдим.

— Қандай бошлаб келишингни биламан. — У бармоғини бигиз қилиб, дўқ урди. — Билиб қўй, Терентьевич? Хафа қилиб кўр-чи, буларни.

— Бундайларни хафа қилиб бўларканми, — дея кулди Федоркин. — Улар... генералнинг ҳузурда бўлган биринчи дақиқадаёқ уни безгак тутиб қолди.

— Ажаб бўлибди, генералингизни безгакка гирифтор қилиш кераг-а, ўзи... Хўш, қўшни, нимага қаққайиб турибсан, сени ҳам илтифот билан алоҳида таклиф қилайми? — деди у жавраб.

— Ечинақол!

— Ижозатингиз билан мен бир соатга уйга кириб чиқсам, ахир довонгача бирга боришим керак-да, мен ҳам...

— Ҳа, шунақа, биз бир фурсатга кирдик, — деди Владимир, худди узр сўраётгандай.

Федоркин кетди, Наталья Никитична эса йигитларни уйга олиб кирди. Уларни меҳмонхона эшигида истараси иссиқ, Наталья Никитичнага жуда ўхшаб кетадиган қиз қарши олди.

— Салом, мен сизларни танийдиганга ўхшайман. Сиз — жаноби Нашкекин, сиз эса — жаноби Сағдиев. Катя холам сизлар ҳақингизда кўп ёзган. Фақат жаноби Нашкекиннинг соқоли йўқ эди. Тўғрими?

— Бу — Кира, менинг қизим, — деб таништирди Наталья Никитична.

Николай Иванович серзавқ, ҳатто шўх одам экан. У қўлидаги пенснесини айлантириб, ҳар дақиқада Абдулла билан Владимир Ивановичга бошдан-оёқ қараб кўярди.

— Қани, ўзингизни кўрсатинг-чи, якка исёнкор!

— Нега ахир якка бўларкан? — дея жилмайди Нашкекин.

— Биринчидан, улар икки киши, дада, — деди Кира.

— Дарвоқе, дарвоқе, — дея Николай Иванович қизгинлик билан уларнинг қўлларини қисди. — Қалай, Самарқандда қанча турасизлар?

Николай Иванович уларни креслога ўтқазди, кейин Нашкекин генералнинг ҳузурда бўлган воқеани мухтасар қилиб гапириб берди.

— Маълум зўравон! Типик! — деди Николай Иванович, жўшқинлик билан. — Шунақалар иснод келтиради-да бутун рус миллатига! Менга қолса бунақаларни... Кечиринг... Кўргани кўзим йўқ... ёки мана, эшитган бўлсангиз керак, албатта, Бухородаги қирпичоқни? Қандай мутаассиблик! Буларга бутунлай жаҳолат, басирлик сабабчи. Урчитиб, ҳимоя қилиб келинаётган қоронғилик десам ҳам бўлади... Кимгадир жаҳолат айни муддао...

— «Кимгадир!» — деб юборди Нашкекин ўзини тўхтатолмай. — Кимгалиги аён.

— Дарвоқе, ахир, сизлар сургун қилинганларнинг ўзгинасизлар-а... — деб кулди Николай Иванович.

— Мен қулоқ солишим керак сизларнинг гапларингга, оғзимни очиб. Орамизда ҳамма нарса аниқ бўлиши учун мен эшитишим керак сизлардан...

Юринглар, ошхонага борайлик, у ерда менинг меҳмонларим бор. Уйлайманки, уларга қизиқиб қоласизлар.

Меҳмонхонадан ўтиб бориб, қия очик эшик олдида тўхташди.

Унча катта бўлмаган хона ичидан эркак кишининг ёқимли овози эшитилиб турарди. У овозини баланд қўйиб, сал дудуқланиб гапирар, афтидан, кимнидир ишонтирмоқчи бўларди:

— Узбек халқига халқ мактабини очиб беринг, рус адабиётига кирадиган эшикни очинг, омmani хур маданиятдан баҳраманд қилинг, бу қобилиятли миллатнинг парвозини ана шунда кўрасиз...

— Баракалла, Миша! — деб Николай Иванович хонага Владимир билан Абдуллани бошлаб отилиб кирди. — Дўстлар, Петербургдан янгигина келган ёш ўртоқларни таништиришга ижозат беринглар, — деб у Абдулла билан Владимирни елкаларидан кучиб, отларини айтди.

— Морозов, бу ердаги «Самарқанд» газетасининг редактори, — деб танитди ўзини кўк кўзли узунсоқол. У ўзининг қизгин сўзларидан ҳали совумаган, креслодан сал кўзғалган ҳолда ноқулай турарди.

— Вяткин, археолог, — деб энгак қоқди дераза олдида турган киши. Кулранг мовут пиджагининг тугмалари ечиқ, калтагина соқоли пахмайганидан офтобда қорайган юзлари ҳорғин кўринарди унинг.

— Сирларни очувчи сеҳргар ва афсунгар, — дея тушунтирди Николай Иванович, Вяткинни кўрсатиб. — Ҳа, шунақа, йигитлар. Улуғбек расадхонасини ер остидан кавлаб топган Василий Лаврентьевич Вяткин худди шу одамнинг ўзгинаси бўлади. Мазкур воқеани газеталар Олиман томонидан Троянинг очилишида бўлганидек, аср сенсацияси деб аташди.

Кира эшикка қаради.

— Ҳа, худди шундай, ҳайрон бўлманглар, — деди у Владимирга. — Бу ерда улар бор-йўғи икки киши-ку, бутун бир мажлис бўлаётганга ўхшайди. Борди-ю, буларга дадам қўшилсалар, французча парламент бошланади, деяверасиз.

Киранинг қаттиқ қилиб ўрилган олтинранг сочи кўксига тўлганиб ётарди. Владимир қизга ҳаяжон ва уятчанлик билан қараб турарди. Уларнинг нигоҳлари тўқнашди-да, Кира илжайиб қўйди.

Орадан кўп ўтмай Наталья Никитична ҳаммани меҳмонхонага таклиф қилди, қизгин сужбат дастурхон устида давом этди. Владимир билан Абдулладан Петербург ҳақида сўраб-суриштиришди, Россия ҳамда йўлда кўрган-кечирганларини эшитишди. Кейин Столипин ҳақида гаплашишди, Татарниковларнинг ҳол-аҳволини сўрашди. Албатта, Бухородаги қирпичоқ тўғрисида гапиришди.

— Қурбонлар сони ҳали номаълум, аммо кўп дейишяпти, — деди Николай Иванович газаб билан.

— Мана сизларга хурофот ақидаларининг қудрати, — дея Вяткин Морозов томон кўз ташлади ва бу билан унинг жавобсиз қолган саволига гўё жавоб берган бўлди. — Ҳодисанинг мағзи ўша ақидаларда, мен аминман, исломнинг иккита мазҳаби ақидалари бир-бирига дуч келган, мана оқибат...

— Йўк, йўқ! — дея шовқин солди Морозов. — У ерда шунчаки диний жанжал бўлмаган. Ҳокимиятни қўлга олиш учун курашнинг худди ўзгинаси бу. Қушбеги Остонақулдан кўпчилик ҳазар қилади. У — эроний ва шиа... Остонақулни эса, Эрон қўллайди.

— Туркия бўлса, Бухорони қўллайди. Ана сиёсат шундан бошланади, — деди Николай Иванович газабланиб. — Бу ерда баҳслашиб ўтирадиган ҳеч нарса йўк. Сиёсат!

— Сиёсатни динга аралаштиришнинг кераги йўк, — дея ўжарлик қилди Вяткин.

— Дин — сиёсатнинг худди ўзгинаси-да, фарқи фақат нозиклаштирилганида! — деди Николай Иванович бир оз кўтаринкилик билан. У Морозов бор жойда ўзини ҳаммавақт дадил тутарди.

— Ана энди эҳтиёт бўласиз, — дея шивирлади Кира Нашчекинга. — Нутқ узокқа чўзилади.

— Наполеон Мисрда Англияга қарши курашиш учун мусулмонларнинг бирлигидан фойдаланмоқчи бўлмаганмиди? — деб Николай Иванович қўлидаги санчиқни худди дирекжерлик таёқчасидай силтади. Наталья Никитична санчиқни секингина унинг қўлидан олиб, олдидаги ликопчани нарироқ суриб қўйди.

— Ташаккур, — деб юборди Николай Иванович ва олдинги шахди билан давом этди: — Мусулмонлар ҳам тўрга илиндими! Худди ўша Англияни қаранг! Ҳиндистондаги мусулмонлар қўзғолонини бостириш учун Англия

Султоннинг обрўсидан фойдаланди. Ҳа, ҳа, барча мусулмонларнинг раҳнамоси деб ном олган турк султониға суянди. Инглизлар Туркияни, Ҳиндистондаги барча мачитларда Султоннинг номини хутбаға қўшиб ўқитишға ижозат этилади, деб ваъда берди. Жамолиддин-чи? Панисломизмни яратувчи? У мусулмонларнинг бутун жаҳон иттифоқидан европаликларнинг Осиёдаги ҳукмронлигига қарши фойдаланишға интилди.

Наталья Никитична аста сўради:

— Бухородаги бу даҳшатли ҳодисани сен ҳам сиёсат билан боғлиқ деб биласанми?

— Синфий кураш билан, — деб гапга суқилди Кира, — тўғрими, дада-жон?

— Тасаввур қилинг, Кира, сиз тариқча ҳам хато қилмадингиз. Гарчи, мен фаҳмлашимча, кесатмаётибсизми? — Морозов унга савол назари билан қаради. — Агар жиддий қилиб айтиш керак бўлса, ҳоқимият учун кураш — бу, умуман олганда, синфий курашнинг худди ўзгинасидир.

— Михаил Васильевич, бутунлай тўхтаг энди!.. — деб хитоб қилди Вяткин. — Сиз ахир мусулмончиликни фақат сиёсатгагина эмас, балки фалсафаға ҳам тортяксиз. Тўппа-тўғри марксизм. Синфий кураш! Бу ерда жаҳолатда қолган маърифатсиз ва унутилган Бухорода унга нима бор?

— Сиз, Василий Лаврентьевич, адашяксиз. Бухоро энди ўша сиз ўйлаган Бухоро эмас, амир ҳам у амир эмас. Мамлакат асрий ғафлат уйқусидан уйғонмоқда!

Морозов шундай деб худди муштлашишға ташланмоқчи бўлгандек, студдан турди. Унинг ҳаяжони Абдуллаға таъсир қилди. У стулни тарақ-туруқ қилиб суриб, иргиб турди.

— Михаил тоға, Михаил тоға, сиз қандай адолатли гапларни айтдингиз!

Морозов таъсирланиб кетиб, йигитни елкасига қоқиб, қучди.

— Раҳмат, Абдулла, раҳмат. Амир табааси орасида оқил йигитлар борлигидан сидқидилдан хурсандман.

Владимир суҳбатни, битта ҳам сўзини хато қилмасликка интилиб, завқ-шавқ билан кузатарди. Мана сенга чекка ўлка-ю, ана қолоқ юрт!

— Ҳозир Россиядагилар, — деди у ўйлаб олиб, ҳаяжон билан, — чекка ўлкалардаги ўртоқларға... марксистик билимларни эгаллашда қандай ёрдам кўрсатиш устида бош қотираптилар... Айниқса Хива ва Бухоро сингари чекка жойдагиларға...

— Нима бўлибди? Тўғри қилишибди бунга ўйлаб! — дея ўша заҳоти тилга кирди Николай Иванович.

— Маҳаллийлар орасида марксизмга интилиш жуда ҳам зўр. Бу масала устида бизлар ҳам ўйлаб кўришимиз керак...

— Мен сиз, большевикларға ҳечам тушунолмаيمان, — деди Вяткин секин, аллақандай таассуф билан. — Сиз Россия деярлик ярим аср мобайнида барпо этган нарсани вайрон қилмоқчи бўласиз. Шу ақлданми, айтинлар-чи?

Ундан фикрини тушунтириб беришни сўрашди.

— Марҳамат... Осиёликлар ҳатто қадим замонда ўтган даҳолари барпо этган нарсаларни ҳам асраб қололмадилар. Улуғбек расадхонаси асрлар давомида жаҳолат ботқоғи остида кўмилиб ётди. Маҳалий аҳоли ярим қул ҳолида кун кўрди, уларнинг бевурд хон, беклари дабадабаға ружу қилдилар ёки бир-бирларини ўзаро ғажиж билан машғул бўлдилар. Мана Россия бу ерга қуллик зулмидан озодлик, тартиб ва дунёвий маърифат олиб келди. Сизлар бўлсангиз, бу яхши ва хайрли нарсаларнинг ҳаммасини вайрон қилмоқчи, революция билан ағдариб ташлатмоқчи, энди ўз самарасини бераётган нарсаларни вайрон қилдирмоқчи бўласиз?..

— Хўп денг, кадрли Василий Лаврентьевич, бу-демогогия, — деб Морозов унинг гапини бўлди. — Бухоро хонлиги вассал бўлиб қолганлигига яқинда эллик йилдан ошди. У ерда одамийлик ва адолатнинг бирон-бир куртагини пайванд қилишға, чамамда, бу муддат кифоя. Аммо, таассуф, аслида теска-риси бўлди. Суқатой ҳоқимлар бу давр ичида ҳеч қанча ўзгармадилар, балки Россия ҳомийлигида баттар семирдилар, зулмни авжига миндирдилар.

— Сизнинг айблашингиз асоссиз. Бу ерда Россиянинг нима гуноҳи бор? — деб эътироз қилди Вяткин.

— Сиз биласиз! — дея ғазаб билан давом этди Морозов, — Бухороға руслар келгунга қадар ҳам, энди ҳам бу кенг, аҳолиси зич жойлашган хонликда битта ҳам касалхона, амбулатория, ҳатто фельдшерлик пункти бўлмаган ва ҳозир ҳам йўқ. Бу ерда одамларни, мени кечиринг-у, мол сингари шундоққина бўғизлайверадилар!

— Тўғри, бу ваҳшийлик. Лекин медицина билан маъмурият турли тушунча, — таслим бўлмади Вяткин.

— Йўқ, бу тўғримас, Василий Лаврентьевич, — тутақиб кетди Морозов. — Ҳазаро тўғридан-тўғри алоқаси бор, мен ҳозир сизга исботлаб бераман. Амирнинг маъмурияти шундай катта давлатда медицинага ва маорифга бир танга ҳам ажратмайгина қолмасдан, бу ўлка учун энг зарур бўлган ирригация ва суғориш ишлари билан анчадан буён шуғулланмай қўйган. Мана Абдулла, у Қаршидан. У ердаги бағоят унумдор Қарши чўлида бир неча миллион десятина ер бор. Хўш, менга айтинг-чи, уни ким ўзлаштиряпти, ким обод қиляпти? Амирми? Асло! Амир ўз мамлакатини тўла қашшоқ ҳолга келтирди.

— Агар Қарши чўли ҳақида гапириладиган бўлса, бу ерда гап унга маблағ ажратмаётган амирдагина эмас, балки яна шунда ҳамки, бунақа лойиҳани, айтишлик, фақат ўқимишли рус инженеригина амалга ошириши мумкин.

— Қандайдир битта рус капиталисти фойдасига, деган иборани қўшиб қўйинг, — дея узиб олди Морозов.

Гапни диққат билан эшитиб турган Абдулла Вяткинга қараб, мулойимлик билан деди:

— Самарқанднинг муқаддас тупроғида Улуғбек фалакиётни ўрганадиган расадхона барпо қилган замонлар бўлган. Уни сиз ўзбек халқига қайта яратиб бердингиз. Менинг отам эса, амир Абдуллахон замонасида деҳқонлар Амудан Қарши чўлига қадар катта ариқ қазишганини айтиб берган эдилар. У аллақачон қуриб қолган ва уни қум кўмиб юборган...

— Бу мумкин, — деди Николай Иванович. — Қарши чўли Амударёдан анчагина баландда жойлашган. Сувни ариққа кўтариш мушкул иш. Бирок чўлни ўзлаштириш плани бор. — Кейин сирли қилиб қўшиб қўйди. — Ҳарҳолда бу ҳақда гап-сўзлар кўп, лекин ҳозирча аниқ бир гап айтолмайман.

— Даштга ўзлаштириш, бу-хайрли иш, — деди Морозов, бошини тебратиб. — Аммо амир бу ишга бошчилик қилади, деб ўйлайсизми?

— Мен маълум даражада географман, — дея Владимир Кирага қараб қўйди ва назарини олиб қочди. — Ҳа... Шу боисдан бир оз хабарим бор... Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан қандайдир ишлар қилинган-ку, ахир?

— Сиз улуг князь ўтказган канални назарда тутаясизми? — деб сўради Николай Иванович.

— Ҳа, ҳа, — дея бош силкиб тасдиқлади Владимир. Бунга ўхшаш ишлар бизнинг ҳамени катталаримизни жудаям қизиқтиради. Боиси шундаки, америка пахтаси қимматлаши кетмоқда.

— Ҳа, ўлманг! — деб қичқириб юборди Морозов. — Сабаби — пахта! Мен яқинда «Урта Осиё пахтачилиги» деган қизиқарли китобча билан танишиб қолдим. Пахта, дейилади унда, нефть ёки буғдой сингари жаҳонни бошқарадиган бўлади.

— Шунақа экан, қўриқни ўзлаштираинг, ҳар хил революциялар билан бизнинг Русимизни безовта қилманг, — деди текис овозда Вяткин. — Ҳаммага фойдали бўлади.

— Қадрли Василий Лаврентьевич! — Морозов ўзини қўлга олишга уринди. — Сувайш каналдан мисрликка нима фойда? Ҳиндиларга эса, худди мана шу пахта экиладиган Техасдан нима наф? Ҳатто ер ўзлаштириш ҳам синфий кураш бўлади!

Меҳмонхона эшигида дала кийимида Федоркин кўринди.

— Тамом, — деб юборди Владимир.

— Одамнинг кетгиси келмаяпти, ўртоқлар...

Учинчи боб

СУРГУН ҚИЛИНГАН ОДАМ

Владимир Нашчекин йигирма икки ёшга кириб, ўзини жуда ҳам етук одам деб билса-да, ҳали баданида болалик анча-мунча бор эди. Болалик китобга ихлос қўйиши, ажойиб тушлар ва кўҳна қўшиқлар билан ўтмишдан узилиб қолди. Айни вақтда уни бирон кимса бахтиёр деб билмаган бўлса керак.

Онаси — айтгани-айтган, дегани-деган, қаттиққўл, эскича дворян руҳида тарбия кўрган аёл, отаси — қартабоз, исрофгар ва, албатта, истеъфодаги майор.

Владимир ўзининг энг яхши йилларини Григорий тоғасиникида ўтказди. Онасининг сўзича, тоғаси ғалатилигига қарамай, тўғри ва ҳалол одам бўлган.

Уни гўдаклигидаёқ саломатлиги ёмонлигини баҳона қилиб чет элга олиб чиқиб кетишди ва у ерда мураббий назоратида узоқ йиллар қолиб кетди. Отасининг вафоти муносабати билан Россияга қайтиб келди.

Владимирнинг онаси ўзига тегадиган меросдан ўглининг фойдасига воз кечди. Чунки эри унинг ҳаммасини қартага бой беришини биларди. Акасига Владимирни тарбиялаш юзасидан мажбурият олиши лозимлигини шарт қилиб қўйди. Ўлик молларни сотиб ҳамда тоғ-кон акционерлик жамияти пайчилигидан чиқиб, Григорий тоға Москва яқинидаги Воробьевлар тепаликларидан кичикроқ данғиллама уй сотиб олди. Шу-шу, ташқи дунё билан унча аралашмай, хонанишин бўлиб яшади. Тўғри, бошида немис идеалистик фалсафасига қизиқадиган Спешневнинг тўғарагига бориб турди, ҳатто Герцен ва Огарёв билан учрашди, лекин чор ҳукумати томонидан эркин фикрловчилар жамияти тор-мор қилинган, махфий полициянинг терговлари, авахталаридан ўтиб, тўрт томони китоблар билан ўралган узлатга чекинди. У фалсафа, психология, педагогика, лингвистика, антропология ва ҳуқуқ, шунингдек Россия ва хорихда нашр этилган адабий асарларга ёзиларди. Шу сабабдан бўлса керак, «Москва яқинидан чиққан Диоген» деган лақаб қўйиб олишди. Бунга у мутлақо парво қилмади.

Володя қалин-қалин жилдлар таҳланган бу ҳайратомуз, саноғи, йўқ токчалар, стеллажлар, шкафларни эслайди. Булар орасида ҳеч тек турмайдиган, керакли авторни излаб куйманиб ўтирган ориқ Григорий тоғаси кўз олдига келади. Излаган китобни топиб олгач, китобга тикилар, юрганида ҳам, ўтирганида ҳам ўқир, сўнг узоқ вақт «Ундервуд»ни чиқиллатарди. Владимир Григорий, тоғаси «Табий фаннинг инсон психологиясига таъсири ҳақида» катта асар ёзаётганини кейинчалик билиб олди.

Володя бу китоб уюмлари орасидан ўзига муносиб бирон нима излади, Платон, Аристотель, Кант, Дарвин, Спенсерни ўрганишга киришди. Владимирда китобга ихлос йўқолиб бораётганини кўриб қолиб, тоғаси уни анча ичкаридаги стеллаж олдига бошлаб борди.

— Мана, Владимир, сенга билимлар калити! — деди. У ерда Карамзиннинг «Россия давлати тарихи» асарининг бутун йигирма жилди, шунингдек, немис тилидан таржима қилинган «Коинок ва башарият»нинг чарм муқовали беш жилди турарди.

— Ол, ўқи, — дея тантанавор оҳангда давом этди тоғаси. — Бу — башарият солномаси, Россия солномаси. Агар буларга тишинг ўтса, инсоний тақдир ва инсоний билим уммонида бемалол сузасан.

Унинг тиши ўтди. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда фалсафага қизиқиб кетди. Онасининг қистови билан Петербург университетининг география факультетига кириб, айна чоқда фалсафа факультети лекцияларига ҳам қатнашди. Билим пойандози уни студентларнинг марксизмни ўрганиш бўйича тўғарагига олиб борди.

Тўғаракчиларнинг яширин иш тутиш бўйича тажрибалари йўқ, коллектив ташкилий жиҳатдан ҳали шаклланмаган, Петербург социал-демократик гуруҳлари билан алоқалар эндигина ўрнатилган эди, шунинг учун полиция уни осонгина фош қилиб, тўғарак аъзоларини қамоққа олди.

Петербург студентлари ғалаён кўтарди. Университетда, бу тартибсизликлар туфайли, бир неча кун машғулотлар бўлмади. Яна кимнидир қамоққа олишди. Студент ҳамда муаллимлардан бир неча киши қамашларга қарши норозилик юзасидан университетни ташлаб кетиб қолишди. Бир гуруҳ профессорлар маориф министрига хат йўллаб, бу ишга аралашинини ва охраннынги бебошлигига чек қўйишини сўрашди. Шунга қарамай, суд бўлди, тўғаракнинг барча аъзолари Шарқий Сибирь ҳамда Урта Осиёга сургун қилинди.

Тергов пайтида охранка офицери Нашчекинга савол берди:

— Материалистик фалсафа билан шуғулланишга сизни нима мажбур қилди?

— Дўстларнинг ғоялари.

— Фалсафани ўрганишдан мақсадингиз нима эди?

— Ҳаётни тушуниш.

— Ҳаётни қачонгача ўрганасиз? — киноя қилди терговчи.

— Умримнинг охиригача.

— Сиз жуда ёш ва содасиз. Сизга ачинаман.

— Ешликдаги содалик нуқсон эмас, балки табиий ҳол.

— Ундай бўлса, йигитча, ҳаётни ҳали узоқ ўрганишингизга тўғри келади! — дея захарханда қилди терговчи ва соқчига судланувчини олиб чиқиб кетишни буюрди.

Узоқ чўзилган суд терговлари ва сургун еригача босилган олис йўл давомида Владимир кўп нарсани бошидан кечирди ва кўп нарсага тушунди. Бу билан гўё бирданига бир неча ёш улгайиб қолгандек ҳис қилди ўзини.

Унинг учун Осие Оренбургдан бошланди. У сотиш учун бозорга мол ҳайдаб келган, бошида тумоқ, эгнида чопон, саҳройиларни, оқ гиштдан қилинган данғиллама иморат ёнидаги пастқам кулбалар, ўтовларни кўрди.

Шарқ бозорлари унда катта таассурот қолдирди. Улар гавжум, сершовқин, ола-қуроқлиги билан худди кинодек ўзига жалб қилиб олди, дуч келган ҳар бир кимса Верешчегин полотноларининг персонажларини эслатарди. Бозор расталари шовқин-сурон, ур-сур, тикилинч, лой; қовун, олманинг чучмал ҳиди ҳаммаёқни тутиб кетган, тилладай сап-сарик узум уюб ташланган, мис идишларнинг жаранги эшитилиб туради, кошникор лаганларда ҳозиргина сузилган ёғли паловнинг буғи чиқиб туради.

Савдогарларнинг дўконларида газмоллар босилиб ётади — кўлда тўқилган бўз — алақдан тортиб Бухоро ва Ҳиндистоннинг нафис шойиегача, парча, зардўзи моллар, қимматбаҳо гиламлару палосларгача бор, лекин харидор қашшоқлиги туфайли бозор касод.

Маҳаллий урф-одатларнинг шафқатсизлиги кўзга ташланиб турарди. Арзимаган гуноҳ ёки қарз учун одамни савалашлари, майиб қилишлари, қатл этишлари мумкин. Владимир чачволи аёлни биринчи бор кўрганида, «Отнинг қилидан тўқилган қафас», деб кўнглидан ўтказди.

Тошкентда у бир ҳафта бўш қолди. Кўчаларни айланди, одамлар билан гаплашди, чойхоналарда ўтириб ошиқ ўйнаётган, бедана уриштираётганларни томоша қилди. Тошкентнинг тор кўчаларидан бирида бошига тулки тумоқ кийган девқомат одам аёлни қамчи билан савалаётганини кўрди. Аёл итоткорона эгилиб турар, додамас, йиғламас, ҳар қамчи тушганида титраб кетарди. Шафқатсиз қамчи паранжини йиртиб, баданга ўтиб борарди. Владимир эркакнинг қўлидан шаппа ушлаб, унинг қамчисини тортиб олди-да, девор орқасига улоқтирди. Эркак киши дафъатанги бу ҳаракатдан шунчалик ажабландики, нима дейишини билмай:

— Ия, ия? Кимсан ўзинг? — дея гўлдираб қолди.

— Қўйворинг уни, Владимир ака, — деди Абдулла.

— Бу аёл унинг хотини. Эридан берухсат отасиникага борган экан. Эри тасодифан уни кўчада учратиб қолибди...

Яна, у бундай ишларга аралашиб бефойда, бошга бало орттириш мумкинлиги ҳам айтди.

Бу ерда бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради — эркакларни ҳам, аёлларни ҳам, болаларни ҳам, кексаларни ҳам савалашади. Айниқса, «шайтон йўлдан оздирган»ларни аяшмайди. Бу ҳеч кимни газаблантирмайди.

...Абдулла карвонсаройдан ўзи ва Владимир учун иккита от олиб келди. Штабс-капитан Федоркин ҳам отда. Лекин уларни довогача кузатиб бораётган тўрт солдат шёда эди. Шаҳардан чалкаш-чулқаш йўллар орқали ўтиб боришди: дўстлар Федоркинни Владимирга унинг оғзини очиб қўйган ўтмиш ёдгорликларини ақалли йўлакай кўриш имконини бериш учун маршрутни сал ўзгартиришга кўндаришганди.

Бибиҳоним мадрасаси паст-паст лой томли уйлар орасида худди қояга ўхшаб, осмонга қад чўзиб турарди. Абдулла Самарқандда кўп бўлган ва бу вайроналарни яхши биларди. Булар унда бир-бирига қарама-қарши ҳиссиётлар — бу маҳобатли биноларни қурганларга ҳурмат, эҳтиром, вайрон қилганларга нафрат уйғотарди.

Регистоннинг тилларанг пештоқлари Нашчекинни янада кўпроқ ҳайратга солди. Ҳатто бу ерда, бир неча бор бўлган солдатлар ҳам асрлар давомида ранги сўнмаган ажиб кошнлардан кўзларини узолмадилар. Вайроналар ўзларининг бутун безаклари билан бу ерларда етти йилдан буён хизмат қилаётган фақат Федоркиннинг жонига теккандай эди. У кунга қараб қўйиб, солдатларни тезроқ юришга қистади. Ҳозир у кун ботгунгача, албатта, Қоратена қишлоғига бориб олишнигина ўйларди, у ерда генерал-губернаторликнинг чегара-пости бор эди.

Абдулла Самарқанд ҳақида кўп китоб ўқиганди. Лекин унинг бутун тарихини фақат Петербургдагина маълум даражада билиб олди.

Буюк шаҳар ҳақида қадим Рим ва Юнон тарихчилари ёзиб кетишганди. Шарқ шоирлари у ҳақда қўшиқ ва ғазаллар тўқишган, сайёҳлар ва кўп мамлакатларнинг олимлари унга қойил қолардилар. Абдулла Самарқанд кўп асрлар давомида Суғдиёна, Мовароуннаҳр, Туркистоннинг маданий, илмий

тафаккур маркази, Спитамен, Рафи ибн Лайс, Сарбадорлар қўзғолонларининг ўчоғи бўлиб келганлигини китоблардан билди. Миллоддан олдинги 329 йилда шаҳар македониялик Искандар лашкари йўлига тўғаноқ бўлди. Агар тарихчи Квинт Куруций Руффнинг гапларига ишонилса, Искандар Зулқарнайн ўн чақиримга чўзилган қўрғонни кўриб чиқиб, «бу шаҳарнинг гўзаллиги ҳақида эшитганларимнинг ҳаммаси ҳақиқат экан», деб хитоб қилган. Шунга қарамай, Искандар шаҳарнинг гўзаллигини аяб ўтирмаган, уни вайрон қилган, лекин қўрғонни ўз гарнизони учун қайта тиклаган.

Тарих ҳикоя қилишича, Самарқанд энг оғир ларзани 1220 йил мартада, Чингизхон қўшинлари галаси унга етиб келганида бошидан кечирган. Бир неча кунлик камалдан сўнг шаҳар таслим бўлади ва бутунлай вайрон қилинади. Аммо Самарқанд Темур ҳукмронлиги даврида янгидай гуллаб-яшнади. У Самарқандни жаҳонда биринчи шаҳар қилмоқчи бўлади ва шаҳар атрофида қишлоқлар барпо этиб, уларни мусулмон мамлакатларининг бош шаҳарлари — Боғдод, Дамашқ, Қоҳира, Шероз ва Султония номлари билан атаган.

Мана, Самарқанднинг кўҳна харобалари ва мевазор боғлари орқада қолди. Солдатларнинг этиклари, отларнинг туёқлари лой, чанг йўлдан ўтиб, анча масофани босиб қўйди. Аҳён-аҳёнда пахсадеворли, қамиштом уйлар кўриниб қолар, эски-тускига беланган кир-чир болалар «ўрис»ларга анграйиб боқардилар, катталар эса, от туёқлари овозини эшитиб, бекинардилар. Сопол кўзаларда сув ташиётган аёлларни кўриб, солдатлар уларга гап отар, казармача ҳазиллари билан қийқардилар. Аёллар эса, кўзаларни ерга қўйиб, то улар ўтиб кетгунларига қадар тескари ўгирилиб кутиб туришарди.

Лойқаланиб тез оқаётган қичкина дарёдан кечиб ўтиб, тоғли ерга кириб боришди. Нашчекин эгарда тебраниб хаёл суриб борарди. Абдулла атрофга қараб, ўзига таниш паст-баландликларни, тоғ-тошларни томоша қиларди. Бир вақтлари у бу ерлардан ўтган эди.

Олдинда тор тоғ йўлида яхши от минган суворий пайдо бўлди. Солдатлар жонланиб қолишди — нима юз беришини кутиб қулоқларини динг қилишди.

Федоркин қўлини кўтариб отлиқни тўхтатди. У орқада келаётган савдо карвонининг даракчиси экан. Даракчининг хабари Федоркинни ташвишга солиб қўйди: карвон бу музофотда номи чиққан босқинчи Пиримқул ўғли Номоз тўдасининг таъқибидан аранг қутулибди.

— Айиққулоқдаги дарахтзорда ҳужум қилди! Агар Салим савдогар юз тангага ёллаган улуғ амирнинг сарбозлари бўлмаганида, ҳозир суякларимизни чиябўрилар мужиб ётган бўларди, — дея отлиқ жиловни тортиб қаддини кўтарди, атрофга қараб олгач, бўғиқ овоз берди-да, олдинга қараб от қўйди.

Ташвишга тушиб қолган Федоркин команда берди, солдатлар милтиқларига найзаларни ўрнатиб олдилар.

— Шағом марш! — дея қичқирди Федоркин, бутун команда лаш-лушини шарақа-шурум қилиб йўлга тушди.

— Пиримқул ўғли бизга тегмайди, — деди солдатлардан бири. — У фақат ўзиникилар билан ҳисоб-китоб қилади.

— Сен қаёқдан биласан, Катков? — деб сўради Федоркин, жаҳли чиқиб, атрофга аланглаб қараркан.

— У билмай ким билади? — деди бошқа солдат. — Ахир Катков ҳар ҳафтада ўтади бу ердан, чўлда қоровуллик қилишга.

Катков новча йигит бўлиб, ҳаммага энгашиб қарар эди. Унинг юк халтаси бошқаларникига ўхшаб белида эмас, кифтида осилиб турарди, шунчаки палапартишликдан эмас, балки қандайдир бедовлик, яширин асовликдан эди. У бошқалардан ажралиб якка юрарди, лекин солдатлар ўртасида қандайдир алоҳида ҳурмат қозонганди.

— Ҳеч нарса бўлмайди, — дея такрорлади у, истар-истамас.

— Қарасам, билагоннинг гауптвахтага тушгиси келиб қолибди шекилли? — деди Федоркин.

— Хўп бўлади, жаноби олийлари. Ахир у тўғри гапни айтди, — деди кекса солдат Федоркинга таскин бериш учун астойдил уриниб. Уни ҳамма Семён амаки дерди. Унинг қишлоқиларга хос чўтир юзини чуқур ажинлар босган, малладан келган чакка сочларида, уч бурчакдан келган энгагида оқарган мўйлар ярқираб турарди. Нашчекинни ҳайрон қолдириб Федоркин мулоиймлашди. Бу солдат билан улар камида ўн беш йилдан буён бирга хизмат қилаётганликларини булар кейин билиб олишди.

Қоронғи тушди, тоғдан муздек шабада эсди. Отлиқлар шинелларига бурканиб, тумшайиб олишди, солдатлар жимиб қолишди. Шу орада карвоннинг боши кўринди. Улар олдиларида қуролланган отрядни бирдан кўриб, қўрқиб кетишди.

Бироқ русларни таниб, севишиб қолишди.

Бошига афгонча салла ўраган семиз, серсоқол савдогар қорни ич-ичига тортиб кетган йўрғасида Федоркиннинг олдига келди-да, ҳар бир гапида Номозни такрорлаб, қизгин тушунтира бошлади.

— Мен бўлсам, Номоздан бизнинг қўрқадиган жойимиз йўқ дейман, — дея гапга аралашди яна Катков. — У фақат савдогару бойларни овлайди.

Отряд олдидан ҳорғин туялар оғир нафас олиб, харс-хурс қилиб тизилиб ўтишарди.

Карвон ўзидан кейин бадбўй туянинг тери ҳидини қолдириб қоронғилик қўйнида ғойиб бўлди.

— Егор, а, Егор, уни патак ўғрисишмас, пугачевчи деб тўғри айтяпсанми? — дея сўради Семён амаки йўл-йўлакай.

— Хўш.

— Шундай узоқ ўлкада Пугачев нима қилсин?

— Ихтиёр сенда, қандай хоҳласанг шундай тушун.

Солдатлар жимиб қолишди, анчагача индамай, Владимир ва Абдулла билан ёнма-ён йўл босишди. Лекин бошлаб қўйилган мавзу кекса солдатга тинчлик бермай қўйди.

— Йўқ, сен айт, у қанақа мусулмон экан?

— Ғайридин бўлиб ғайридин эмас, лекин уч йилдирки, Самарқанд атрофидаги бойларни талайди. Қизиғи шундаки, уларнинг мол-мулкларини юпунларга бўлашиб беради.

— Уни қара-я... — Қоқилиб тушиб, пақирчаси қалдираб кетди-ю, «чўрт-пўрт» деб сўқинди.

— Тўхта, келаётган ким?

— Ҳазимизники, — деб жавоб берди Федоркин, шошиб-пишиб. — Мана, етиб ҳам келдик, худога шукр.

Тўртинчи боб

ҚОРА ТОШ

Эртасига эрталаб, чегарачилар пости казармасида ётиб туришгандан сўнг, Нашчекин билан Абдулла йўлга тушишди. Федоркин конвой билан бирга уларни бухороликларнинг энг узоқ постларигача кузатиб боришди.

Довоннинг тепасига чиқиб олгач, Владимир орқасига ўгирилди. Пастда бепоён чўл ястаниб ётарди. Унинг қаеридадир Самарқанд, Тошкент, Оренбург, Россия... қолиб кетди. Томоғига тиқилган тахир нарсадан қутулиш учун отни ниқтади, от тоғ сўқмоғида йўрғтиб кетди. Мана бурилди, унинг тепасида парвоз қилаётган улкан бургутдай қоя пайдо бўлди. От бечора тор дарага қисилиб қолди, узангилар тошга тегар, туйнук ҳозир торайиб, йўловчилар олдида девор пайдо бўлиб қоладигандек туюларди... Владимир Иванович қаттиқроқ ниқтади, от қансираб нафас олиб, довоннинг энг баланд ерига олиб чиқди.

От пишқириб қўйди-да, қулогини чимирди, Владимир, бошини орқага ташлаб, кучининг борича бақирди.

— Эҳе-ҳе-е-ей!

Бўғиқ акс-садо эшитилди-да, қояларга урилиб дарҳол ҳар томонга тарқаб кетди. Қутилмаганда кимдир Нашчекинни дағаллик билан чақирди. Эгарда ўгирилиб, кўрган одам кўрқиб кетадиган жулдур кийим кийган кишига кўзи тушди. У одам шундай ҳолдан тойган ва кирлаб кетган эдики, аслида ёш бўлса ҳам, юзлари буришиб қарига ўхшаб қолганди.

У қаттиқ хаяжонланган ҳолда Владимир Ивановичга яқинлашиб келар, турқ-тусига қараганда, унга ташланиб парчалаб ташлайдигандек эди. Лекин Абдулла етиб келиб қолди-ю, жулдур кийимли одамнинг бутун ғазаб-нафрати унга ёғилди: у оғзидан кўпик сочар, қўлларини ҳар мақомда ўйнатиб бақирар, танасини биланглатиб, оёқларини ерга уриб депсинар, даҳшатли нафрат рақсини ўйнади. Нашчекин умрида бунақасини кўрмаганди.

Абдулла, овозини кўтармай, нотаниш кимсани ҳурмат билан тинчлантирди. Кейин Владимир Ивановичга тушунтирди:

— Бу ер — қадамжо, дейди. Қаттиқ бақирмаслик керак, дўстим. У айтадики, шамол тошни жойидан кўчиради-да, осмонга учиради. Кейин бу тошлар одамларнинг, ҳайвонларнинг бошига ёғилади. Чақмоқ чақиб қор, дўл ёғади, қишлоқлар, карвонлар ҳалок бўлади, дейди. Зиёратгоҳни ғайридинлар нотинч қилсалар, ҳар гал шундай бўлади, дейди. У дарвиш, ҳақиқий дарвиш, дўстим.

Хув, ана, бўйнига осиб олган кашкулда тамга, дарвишлар авлодига мансублик белгиси бор.

Дарвиш нотаниш сўзларни эшитиб, яна жазавага тушди.

Шу пайт Владимир Иванович билан Абдулла бир гуруҳ одам мачитдагидек чўкка тушган ҳолда каттақон қора тош атрофида ўтирганини кўриб қолишди. Дарвиш яна ҳайқирганида, улар ўринларидан турабошлашди, энг чакқонлари дарвишнинг олдига чошиб келарди, қўлларини силтаб, бир нималар деб кичқиришарди.

— Биз бу ерга бевақт келибмиз, дўстим. — Қўрқиб кетган Федоркин етиб келди.

— Худо арасин! Хавфли жой... Бу ерда бир дақиқа ҳам туриш мумкин эмас, менинг орқамдан юришларингни сўрайман!

У жиловни қаттиқ силтаб, отнинг бошини бурди-да, йўрттириб ҳайдади. Конвой ва Нашчекин билан Абдулла индамай унинг орқасидан эргашишди.

Федоркин орқасига ўгирилди.

— Мен бу художўйлар билан бир марта учрашганман, иккинчи учрашувга тоб-тоқатим йўқ.

Дарвишнинг ҳайқиряғи акс-садоси қояларга урилиб, чил-чил бўлиб, уларнинг орқасидан югуриб келарди.

— Қора тош — мусулмонларнинг зиёратгоҳи, — дея тушунтирди Абдулла.

Бу тош қақидаги афсонани Абдулла биринчи бор ўз амакиси, Шахрисабз беги Насруллонинг Шайхулисломи. — Ҳожи Асрордан эшитганди.

Амакиси ўқимишли, билимдон одам бўлиб, бутун амирликда катта обрў-эътиборга эга эди. 1897 йилда Маккага бориб, ҳожи бўлиб қайтди. Шундан кейин у одамларни ўқийдиган, беморларга дам соладиган бўлди-ю, тез орада Шахрисабз, Китобга донғи кетди. Ундан нажот истаб одамлар Самарқанд, Термиз, Шўрчи ва, ҳатто, Бухородан келардилар. У, айниқса, Ҳожа Хаир деган жой ақинидаги қора тошни зиёрат қилиш ҳақида Абдуллага кўп гапирар, тош шарофати билан беморлар дарддан фориғ бўлади, умри узаяди, савдогарнинг иши бароридан келади, деҳқоннинг ҳосилига барака киради, хонадон обод бўлади, дерди.

Одамларнинг нақл қилишларига қараганда, Хаир деган йигит Муҳаммаднинг таълимотига қаттиқ ихлос қўйиб, Маккани зиёрат қилиш учун дарвиш кийимида пиёда йўлга чиқади. У ерда йигит ҳамма нарсани ўз жидду жаҳди билан кўради, муқаддас қора тошни етти марта эмас, минг марта тавоф қилади.

Охирги куни Хаир Маккадаги муқаддас Саффа тепалигида ухлаб ётганида, олдига фаришталар келиб, бошига товуқ тухумидек келадиган қора тош қўйиб кетишади. Йигит севиниб ўрнидан туради. Уйига қайтиб келиб, ҳалиги тошни Самарқанд, Бухоро ва Афғонистон ўртасидаги тоғ довонининг энг баланд ерига қўяди. Хаир тошни қўйган пайт — субҳидамда кимки уни тавоф қилса, бутун орзулари ушаларкан...

Абдулла Петербургдалигида Туркистондаги қора тош тўғрисида мутлақо бошқа нарсани ўқиди. Асар юнон тарихчиси, Искандар Зулқарнайни Урта Осиёга қузатиб келган Аррианники эди.

«Македониялик Искандар қуёштимсол Марокандни олганида, унинг йўлига сугдиёналикларнинг раҳнамоси Спитамен кўндаланг бўлди, қўзғолон кўтарди.

У македонияликлар билан мардонавор жанг қилди ва уларнинг асосий кучларини тор-мор келтирди. Қолган лашкарлар Мароканд кўрғони деворлари ортига бекинишга мажбур бўлдилар. Ўз қўшинининг енгилганини билиб, Искандар қамалчиларга кўмак бериш учун кўп минг сонли отряд юборди. Спитамен ўзининг отлиқлари билан шаҳар марказини қамал қилишни тўхтатиб, Зарафшон водийси билан пастга тушди. Бу ерда у кўчманчи — даҳларнинг отрядига дуч келди. Улар Спитаминага Ҳисор чўққилари тагидаги қояни кўрсатдилар. Қоя мустаҳкам эди, мудофаачилар охирги жангчи қолгунча курашишга аҳд қилдилар. Худди шу ерда Спитаменнинг сафдошларидан Осқиратнинг оиласи бошпана топди. Македонияликларнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифларига унинг қизи Равшанак гурур билан шундай жавоб қилади:

«Александр ўзига қояга чиқа оладиган қанотли жангчилар топсин, оддий одамлар эса, қояга чиқишни хаёлларига кам келтирмасинлар». Бу сўзлар Александрни ғазаблантириб юборди, жангчилари унинг амри билан ўттиз кеча-ўттиз кундуз қоя тагига шох-шабба ташишди, кейин ботирларни ёқиб юборди. Сугдиёна аҳолиси бу қояни «қора тош» деб атади ва Роксана билан жангчиларнинг хоқини тавоф қилиш учун у ерга борадиган бўлди».

АСАДУЛЛА ҲОЖИ

Кун бўйи ёмғир ёғди, кечаси эса қорга айланди. Асадулла ҳожи бомдодни ўқиб бўлиб, кўчага чиқди-ю, оллага шукрона айтди. Томлар, мачитнинг кўк гумбази, Обжувоз аригининг ўзанини оппоқ қор кўрпаси қоплаб ётарди. Бутун ер юзи ясаниб, ёшариб кетгандек эди. Қор табиатнинг неъматиди эди.

Агар қорми, ёмғирми ёғса, Қаршидагилар «ош, нон ёғаяпти» дейишарди. Баҳорда Қашқадарё тўлиб оқади, Бешгумбаз маҳалласини суғорадиган обжувоз ариги ҳам тўла бўлади. Аммо саратон яқинлашиши билан қуриб қолар, мешқобчилар Тошқовузнинг ифлос сувидан ёки қудуқларнинг шўр сувидан ташишга мажбур бўлардилар.

Шаҳар оппоқ чойшабга бурканиб тинч ётарди. Муаззинлар мачитларнинг минораларидан тушишган, хўрозлар ҳам тонг отгач жимиб қолишган.

Болалар ҳамон ухлашар, катталар эса, нонушта тадоригини кўришарди. Ҳаводан тезакнинг ачимсиқ ҳиди келар, қаердадир одамларнинг овози, эшик занжирининг шақирлаши эшитиларди.

Ҳожи болаҳонага чиқиб, иссиқ сандалга ўтирди. Нонушта олиб келишларини кутиб, Бедилни мутолаа қила бошлади. Ҳожи Асадулла унинг фалсафий рубойларини яхши кўрар, уларнинг маъзани чақишдан ҳузурланарди.

Эшик қия очилди, Ҳожининг қизи Фотима, қўлида чойнак-пиёла, хонага бош суқди.

— Ассалому алайкум, ота.

— Валлайқўм ассалом. Умринг узоқ бўлсин, қизим. Қир, кирақол.

Фотима кирди, чойнак-пиёлани курси устига қўйди-да, уни биров чақираётганини айтди.

— Нима учун дарҳол уйга таклиф қилақолмадинг, қизалоғим? — деди Ҳожи ундан гиналаниб.

Қиз шошилиб чиқиб кетди, кўп ўтмай мулла Каром кўринди, Озода кийинган, қисқа соқолини хинага бўяган, қўллари бекникидай юмшоқ ва тоза. Ҳожи меҳмоннинг истиқболига пешвоз турди.

— Келсинлар, келсинлар, мулла Каром.

— Безовта бўлманг, ҳожи Асадулло, — дея меҳмон кавушини ечди, Ҳожининг олдига келди, икки қўли билан унинг қўлини олиб, омонлашди, кейин икки томон бир-бирларининг саломатликлари, ишларини сўрашди.

Мулла Каром қаршилик қоракўлфуруш Нуриддин Ҳожининг гумаштаси эди.

— Мен яқинда Петербургдан келдим, — деди у. — Ишларим бошдан ошиб ётганига қарамай, у шаҳри азимдаги фарзанди қобилингизни бориб кўрдим.

— Сиз Абдуллани кўрдингизми? — дея Асадулла Ҳожининг кўзлари намланди. — Катта савоб иш қилибсиз! У яхши юрган эканми?

— Абдулла соғ-саломат. Уша ерда туз-насибасини териб еб юрибди. Мен у билан айча суҳбатлашдим, лекин ишимни ўзингиз биласиз. Аммо хушхабар олиб келдим. Яқинда Қаршига қайтиб бораман, деди ўғлингиз. Йўлга чиққан бўлса ҳам керак, тез орада етиб келиб қолади.

Эшик орқасида Ҳожининг хотини билан қизи гапга қулоқ солиб ўтиришарди. Улар номаҳрам эркакларга кўринмасликлари лозим эди, лекин меҳмон Петербургдан келган эди-да! Қандай чидаб кутиб бўлади? Она бечора! У хонага кириб кетишига сал қолди, ман этилишини эслаб, остонага ўтирди. Меҳмоннинг гапини эшитиб йиғлаб юборди.

— Ўғлим бояқиш, — дея шивирлади.

— Онаси! — деб чақирди Ҳожи. — Мулла Каромга тўн келтиринг!

Меҳмоннинг эътирозига қарамай, унга беқасам тўн кийдиришди. Ҳаяжон босилгач, мулла Каром давом этди:

— Ўғлингиз қайтиб келяпти, у йўлда бўлиши керак. Яна сизга маълум қилишим керакки, унинг ёлғиз ўзи эмас, битта ўрис билан бирга келяпти. Сиз, Асадулло ҳожи, ўқиган мусулмонсиз, шундай бўлгач, ғайридинни уйингизга кирита оласизмикан?

— Уша ўрис ким?

— Унинг муаллими.

Ҳожи соқолини тутамлаганча ўйланиб қолди. Кейин қатъий овозда деди:

— Меҳмон — атоийи худо. Ундан ташқари, у бизнинг ўғлимизнинг муаллими. Уни азиз меҳмон сифатида қабул қиламиз.

Ҳожининг нигоҳи Бедилнинг очиқ китобига тушди.

— Одамлар Бедилни бекорга кароматчи демаганлар. Сиз келишингиздан сал олдинроқ саволингизга ундан жавоб олгандим. Бедил, одамлар ўртасида диндор ҳам, бедин ҳам йўқ, фақат ё ишонадиган, ё шубҳаланишга қодир сен борсан. Улар ўртасидаги деворни йиқит ва уларни бирон нимада гуноҳкор ҳисоблама! — деган.

— Баракалло! — деб хитоб қилди меҳмон.

— Уғлингиз сиз билан ифтихор қилса бўлади.

Мулла Қаром кетгач, Фогима пастда арзга келганлар кутиб туришганини хабар қилди.

— Биттадан таклиф қил, қизим.

Асадулла Ҳожи ёшлик йилларида Кўкалдош мадрасасида таҳсил кўрган. Халқ орасида катта уламо сифатида ном қозонган эди. Қуръонни яхши билар, шариат, тариқатни чуқур ўрганган, «Қутбий» тахаллуси билан шеърлар ёзарди. Уни амир Абдуллаҳад ҳурмат қилар ва Қаршига қози қилиб тайинлаганди. Лавозимга ўтириб, Асадулла Ҳожи ғайрат билан ишга киришиб кетди. Одиллиги учун уни қаршиликлар одил қози деб аташди. Бекликнинг узоқ-узоқ ерларидан одамлар унинг олдига ҳимоя истаб ёки маслаҳат сўраб келар ва камдан-кам киши ноумид бўлиб кетарди ҳузуридан. Ҳожи яна мироб сифатида катта обрў қозонди.

Бир куни Ҳожи ёзнинг авжи иссиқ ойларида йўлакай Каманди қишлоғига кириб, деҳқонларнинг сув талашиб муштлашаётганларининг гувоҳи бўлди. Ҳожи ҳодисанинг чигалини ечишга киришди ва кўз олдига даҳшатли манзара намоён бўлди.

Қарши чўллари ҳосилдор ва катта, аммо у сувсиз. Қашқадарёга ёндош қишлоқларда сув бор, лекин Камандига ўхшаш қишлоқларда бир томчи сувнинг қиммати олтин баҳосига тенг эди. Ушандаги қурғоқчилик қишлоқни ҳолдан тойдирган, одамлар оч, офатдан ўлардилар. Бир амаллаб пул йигиб, қанчадир миқдорда сув сотиб олишади. Аммо сувни тақсимлаш пайтида жанжал чиқади, оилалар ўртасида муштлашув бошланиб кетади.

Ҳожи деҳқонларнинг эҳтиёжларига қараб сувни тақсимлайди, ҳеч кимни хафа қилмасликка уринади. Шаҳарга қайтиб келганидан кейин у сувсираб ётган далалари, деҳқонларнинг азоб-уқубатларини унутиб юбормайди. Одамларга, бу ерларга сув бериш керак! Лекин қандай қилиб? У тарих китобини варақлаб ўтириб, «Абдуллонома»дан Абдуллаҳоннинг қарши чўлини суғоришга урингани ҳақидаги ҳикояни топади. Бу ҳақда Маҳмуд ибн Валининг «Бахрул асрор» китобида ҳам баён қилинган эди.

Ҳожи Каманди қишлоғига яна бир марта бориб келади. Деҳқонлар билан суҳбатлашади. Кекса Саид бобо эски ариқ ўзанини кўрсатади. У қумга кўмилиб ётарди. Фақат баъзи ерларда қалин ўт ўсган, ўзандан нишона бериб турарди. Бир вақтлар бу ариқдан суғорилган ерлар яхши ҳосил берган. Амир ерга ер қўшилганидан манфаатдор эди, қозининг ариқни тиклаш ҳақидаги таклифини қўллайди, ишни бошлашга фатво беради.

Эски ўзан умумхалқ ҳашари йўли билан тўппа-тўғри бир йил ичида тикланади, ариқдан Қашқадарёнинг суви оқиб келади. Халқнинг қувончи ҳеч қаерга сиғмайди. Янги ариқни Асадулла ҳожининг ҳурматида «Қозиариқ» деб аташади.

Аммо Амир Қарши беклигининг солигини дарҳол оширади. Бу ислоҳотнинг бутун оғирлиги чўлдан бир қисм ерни ўзлаштирган деҳқонлар устига тушади. Олинадиган ҳосилдан кўра тўланадиган солиқнинг миқдори кўпайиб кетади ва деҳқонлар хонавайрон бўлади, натижада ерни ташлаб қочишади. Шу тариқа Қозиариқ яна битиб, қумга кўмилиб кетади.

Амирнинг бу қилмишидан жаҳли чиққан, ишнинг бунақасига чаппа кетганини кўрган ҳожи қозилик лавозимини ташлайди. Унинг ўрнига ўзининг очкўзлиги, бераҳмлиги билан машҳур бўлган Бобокалон тайинланади. Унга иши тушган ҳар бир одам ҳақсизликка, тамағирликка дуч келади. Шунинг учун одамлар Ҳожига қатнашда давом этадилар, лекин у энди уларга амалий ёрдам беролмасди. Бироқ унинг оқилона ҳамда самимий маслаҳатлари ғазаб отига минган одамларга таскин беради, уларни умидвор қиларди.

Қаршида бўлиб ўтган ишлардан хавотирланиб қолган амир Ҳожини яна хизматга киришга мажбур этади, уни Қарши беклигининг муфтиси қилиб тайинлайди...

Болаҳонага бақувват, кенг юзли, эғнига Бухоро бекасамидан чопон кийган бир йигит кириб келди.

— Ассалому алайкум, Қози бобо! — дея қўл қовуштириб таъзим қилди у.

Ҳожи Асадулла йигитни бошдан-оёқ кўзи билан чалиб чиқди.

— Ия, Арслонмасмисан-Каманди қишлоғилик?

— Менман, Қози бобо.

— Қалай, бобонг соғ-саломатми? Қолганлар-чи?

Арслон Ҳожи Асадуллага эски ариқ ўзанини кўрсатиб берган Саид бобонинг невараси эди.

Қозиариқни қазишган пайтда Арслон ўн тўрт-ўн беш яшар бола эди, у доимо Ҳожининг ёнида юрарди. Асадулла Ҳожи ҳар нарсага қизиқувчан болага эътибор берди, ўз ўғлидай уни яхши кўриб қолди, озгина фурсат топди дегунча унга оз-оздан хат-савод ўргатди.

Арслон бундан бир неча йил муқаддам Бобокалон билан нимадандир айтишиб қолиб, Бухородаги қариндошлари олдига кетиб қолганлигини у биларди. Арслоннинг келиши Ҳожи Асадуллани қувонтириб юборди.

— Чинакам ботирга ўхшаб кетибсан, ўғлим... Қарашларинг худди ҳақиқий бухороликнинг ўзгинаси, — деди Ҳожи, йигитга меҳр билан тикилиб.

— Қози бобо, бутун бу йиллар давомида мен сизнинг донишманд дарахтингиз соясидан баҳра олдим. Ҳозир сизнинг маслаҳатингизни олиш учун келдим, — деди Арслон, ҳурмат юзасидан бошини эгиб.

— Қулоғим сенда, ўғлим.

— Сизнинг шарофатингиз билан ер-сувли бўлиб қолувдик. Энди уни ўрнингизга бўлган қози Бобокалон бизлардан тортиб олди.

— Нима сабабдан?

— Янги қози битта васиқа топиб олибди, унда ёзилганига кўра, бизларнинг ерларимиз бир вақтлар унинг ота-боболарининг мулки бўлган экан. У катталарнинг томоқларини мойлаб, ерларни ўз номига ўтказиб олган эмиш. Энди деҳқонларнинг ҳеч нимаси йўқ... Бобом бу мусибатларга бардош қилолмай, кўр бўлиб қолди. Бувим вафот этди...

Ҳожи Асадулла соқолини тутамлаб, чуқур ўйга толди.

— У қанақа васиқа экан? Нима учун уни ерлар ўзлаштирилиб бўлгандан кейин, энди кўрсатибди?

— Ақлли одамлар, ҳеч қанақа хат-ҳужжат бўлмаган. Етти отадан буён бу ерлар халқники бўлган. Бобокалон бўлса кимнингдир тилхатини олиб кўрсатган, дейишяпти.

Ҳожининг ғазаби тошиб кетди.

— Қози ана шундан фойдаланиб қолган.

— Ҳа, Қози бобо... Қишлоқ деҳқонлари мендан Қушбеги Остонақул номига шикоятнома ёзишни илтимос қилишди.

Арслон кўйнидан най қилиб ўралган қоғоз чиқариб, Ҳожига узатди. У диққат билан ўқиб чиқди...

— Бу ерда ҳаммаси тўғри, аммо Бухорода ҳақиқатга жой топилармикан? Бунинг устига шариат бўйича ҳурмат-эътиборли гувоҳлар керак бўлади.

— Ҳақлигимизни тасдиқлайдиган битта гувоҳ бор.

— Ким?

— У, сиз, Қози бобо! У ерлар суғорилгандан сўнг сиз фотиҳа бергансиз ва деҳқонларга тақсимлагансиз...

Деҳқонларни ҳимоя қилиш деган гап ўзига ўхшаб бераҳм, очкўз қариндош-уруғлари кўп Бобокалонга қарши уруш эълон қилиш демак эди. Аммо бу ноҳақликка томошабин бўлиб четда туришнинг ҳам иложи йўқ эди энди.

— Хўп, — деди Ҳожи, — қандай ёрдам беришни мен ўйлаб кўраман. Сен эса, халқ буюрганидек, илтимосномани олиб бориб бер.

Арслон севиниб кетди. Муфти билан хайр-хўшлашди-да, эшагига миниб, Бухорога қараб жўнаб кетди.

Олтинчи боб

ТОЖ-ТАХТ ВОРИСИ

Владимир Иванович Нашчекин Абдулла Сағдиев билан ғамхўр Федоркиннинг конвойлиги остида Бухоро амирлиги чегарасига етиб қолишганда, улардан икки юз чақиримдан зиёд масофадаги Қаршининг қўрғон дарвозасидан кичкинагина, лекин жуда дабдабали бир карвон йўлга чиқди.

Тахт вориси бек Мир Олим отасидан мактуб олиб, Бухорога сафар қилди.

Каллан саҳарда! Мир Олимнинг аччиғи чиққан, безовталаниб эгарда типирчилар, теварак-атрофга кўзини чақнатиб назар ташларди. Вазир Омонулла (бекликнинг муҳрдори), қози Бобокалон, шунингдек раис Хуршид-

мурод Офтоба отларини гоҳ ўннга, гоҳ чапга буриб Мир Олимга яқинлашишга, валиахднинг кўнглини олиш, арзимаган истагини бажо келтиришга уринишарди. Четдан қараган одамга бу мансабдорларнинг отларини сўна қақаётганга ўхшарди.

Карвонда ўзини мустақил тутиб, виқор билан (ҳатто у меросхўрнинг отидан икки от бўйи орқада қолишга ҳам журъат қиларди) келаётган бирдан-бир одам Ғузор беги Аҳмадхон бўлиб, валиахднинг туғишган амакиси эди. Кичкина, орик, гўё иссиқда қуриб қолган бу одам ўзининг зарбоф тўни ичига чўкиб кетган, нималарнидир ўзича мингиллаб борарди. Унинг нимадандир норозилиги билиниб турарди.

Анъанага кўра тож-тахт ворислари ҳамиша Қаршига бек бўларди. Шу сабабли Қарши ҳокимининг сафари дабдабали бўлар, унга узоқ гайёргарлик кўриларди, ҳеч нарсани аялмасди, кузатиб борувчи аъёнлар диққат билан танланарди, миршаблар карвон йўлга тушишидан анча илгари аҳолини кўчага ҳайдаб чиқарди... Бироқ бу сафар буларнинг ҳаммаси бекор қилинди. Чопар амирнинг маҳфил хатини фақат сафар арафасида кечқурун етказиб келди. Уша ондан бошлаб сарой мулозимлари кўз юммадилар. Шошилишча суратда қақирилган Аҳмадхон Ғузордан ярим кечада етиб келди.

Амир Абдулахад ўз ўғлига қушбеги унинг ихтиёрини олмасдан бутун Бухорода шиалар хайитини ўтказишга ижозат бериб юборганини хабар қилганди хатда. Илгари у пойтахтдаги фақат эронийлар маҳаллаларида ўтказиларди. «Кўчалардан ўтадиган 10-муҳаррам намойишида асл бухороликлар бу ғайримазҳаблар жазавога тушиб, ўзларини уриб қон чиқаришларини масҳара қилиб, улар устидан куладилар. Ғазабланган шиалар мўъминлар устига ташланадилар. Тўқнашувда битта бухоролик ўлдирилади... 10-дан 11-муҳаррамга ўтар кечаси шаҳарда тартибсизликлар юз бери. Қирпичоқ оқибатида сунний ва шиалардан 500 киши ҳалок бўлди. Оллоҳнинг инояти ва бизга бериб қўйилган ҳокимият шарофати ила биз Бухорода тартиб ўрнатдик. «Оллоҳу акбар!» — Амирнинг тож-тахт ворисига юборган мактуби шундай тугалланарди. Мактубга ҳижрий йил ҳисоби билан «1313 йилнинг 11-муҳаррами», деб рақам қўйилган эди.

...Мир олимнинг олдида теп-текис қилиб ёзиб қўйилган дастурхондай Қарши чўли ястаниб ётар эди. Унинг неча таноб эканлигини ҳеч ким билмасди. Чўлнинг у четидан-бу четига бир кунда ўтиш ҳали биронта ҳам чавандозга насиб қилмаганди. Бу ерларда яшовчи одамлар ерга қараб хўрсиниб афсусланиб кўядилар-у, лекин бу бепоён ерга омов солломасдилар: сув йўқ эди. Буюк Амударё ўзининг сувини бу ерлардан беш карвон бекат нарида, Қорақум барханлари ортидан айқиртириб оқарди. Бу ерларда эса бошқа манба йўқ. Яратилганидан бери унутиб юборилган бу чексиз ер минг йиллардан буён куёшнинг беаёв селида жизғинаги чиқиб, ўртаниб ётарди.

Айтишларича, чўл ёлғизликдан жуда зерикиб, кечаси яширин ҳолда шаҳарнинг шундоққина биқинига келган-у, ундан сал нарида, жанубида қолиб кетган, Қарши чўли деб аталиши ана шундан экан.

Шаҳар ташқарисида боғ ва токзорлар узун бўлиб чўзилиб кетган. Бу — Қашқадарёнинг водийси. Дарё катта бўлмаса-да, баҳор тошқинлари пайтида ҳаддидан ошади, хатарли бўлади, Шарқ тарафдан дарёни қуруқ тупроқли қир, даштлар қисиб келган, ундан сўнг қумлар бошланиб кетади.

Бу пайтларда Қарши чўли осмони кўпинча булутли бўлади, лекин ёмғир деярли ёғмайди. Осмон қовоғини уюб, безрайиб тургандай туюлади, шу аҳволда уфққа бориб, чанг-тупроқли чўл билан туташиб кетади. Манзара ҳаммаёқда бир хил: янтоқ ва шамол, иссиқдан майишиб кетган ёлғиз саксовул дарахти, баъзида жонсиз қишлоқларнинг вайроналарини учратиш мумкин. Улардан бирини қурғоқчилик, бошқасини вабо хароб этган, учинчисини солиқни тўламагандиги учун амир сарбозлари талаган ёки қабилалараро қирпичоқ қурбони бўлган у.

Тўғри Мир Олимга манзара таъсир қилмасди. Аслида у одамларга ҳам, даҳшатларга ҳам, табиат гўзаллигига ҳам қизикмасди. Ўзи кун кечираётган тор олам уни иссиқ шамолдан ва қиш изғиринидан, деҳқон ҳамда ҳунармандларнинг меҳнатини тасаввур этишдан асрарди. Қўрғон деворлари ичидаги воҳа, ҳамиша яшил дарахтлари билан, саройнинг ҳашаматли ҳам қулларча лаганбардор одамлари уни нохуш туйғулардан пана қиладиган яхши восита эди. Валиаҳд Паж корпусида ўқишни битириб, Петербургдан қайтиб келганида, ўлканинг қаттиқ табиатига, уй-жойларга, нообод далаларга, ярим қашшоқ фуқаросига бошқача кўз билан қаради. Маълум вақт мобайнида уларнинг барчаси сал-пал таъсир қилди, лекин булар болаликнинг

ўткинчи таассуротлари эди. Ҳозир эса у ўзини одамларнинг чексиз ҳуқуқли эгаси ҳисобларди, ер-сув, мол-қол, табиатнинг, ўлкадаги барча нарсанинг хўжайини деб биларди. Ҳатто йўл ёқасидаги чанг-тупроқ ва чўлдаги сўлғин буталар ҳам унинг хусусий мулки. Булардан амлақдорлар, солиқ йиғувчилар даромад келтирадilar: тупроқни кулолларга сотадилар, янтоқни бўлса қиш ойларида молларга берадилар. Мир Олим отаси сингари фуқаросига нисбатан қаттиққўл, боқимандани шафқатсизлик билан ундирар, итоатсизларни кечириб ўтирмасди. У ҳудожўй одам эди. Худо ва пайғамбарни тилдан қўймасди, чунки уни доимо таъқиб қиладиган номаълум куч, тақдирдан қўрқарди. Гўдаклигида бешигига захарли илон кириб қолади, кул — энага ўзини қурбон қилиб, унинг ҳаётини сақлайди. Ўсмирлигида аркони давлати билан шоҳона қайиқда Амударёдан сузиб ўтаётганида, қайиқ боғланган қил арқон узилиб кетади, бунда ҳам мўъжиза юз бериб омон қолади. Уни қайиқ назоратчисининг оти чалаўлик ҳолда қирғоққа олиб чиқади.

Катта бўлганида, амир шикори пайтида уни ҳинд фили устидан улоқтириб ташлайди. Қутурган фил янчиб ташламоқчи бўлиб турганида, сарбоз отган ўқдан ўлади. Бир куни Петербургда уни отлар олиб қочади. Икки ўқли извошнинг дабдаласи чиқади, Ҳайдовчи билан Мир Олим извош тагига тушиб қолишади...

Бу балолар қаердан — худоданми, бандаданми — келаётганини у билолмасди. У Қарши чўлида тез-тез юз бериб турадиган ногаҳоний фалокатлардан, шунингдек одамларнинг тўдаланишидан, баҳорги чакмоқдан, айниқса, гирвотдан ҳамиша қўрқиб юрарди. Шу туфайли бўлса керак, қувноқ ва хушчақчақ одамларни ёмон кўрарди. Агар шунақа одам унга фуқаро бўлса, жонидан умидини узиши мумкин эди.

Амирликда тож-тахт меросхўрининг қандай инжиқ ва зolim эканлигини ҳамма биларди. Ҳатто отаси амир Абдулаҳад ҳам уни ёмон кўрарди, уни, ҳўкиздай қайсарлиги учун «Олимгов» деб атарди.

Бундан ташқари, Мир Олим хушомадгўйларни яхши кўрар, уларнинг ёлғон-яшиқ гапларини жон қулоғи билан эшитиб, яйраб кетарди. Унинг бу феълидан атрофидагиларнинг барчаси яхши хабардор эди.

Карвон Қосон қалъасига, Қаршидан йигирма чақирим наридаги қўрғонга яқинлашиб қолди. Қалъа дарвозаси олдидаги кичик майдонда одамлар тўпланиб турарди. Тўрт киши қўллари олдинга боғланиб, тиз чўккан: қатлга тайёргарлик кўриларди.

Отлиқлар истиқболига Қосон беги уккиқўз Тешабек тўда ичидан пилдираганча чопиб чиқди. У Мир Олимнинг узоқ қариндоши эди, шунинг учун ҳам уни вазифасида ушлаб турарди.

Тешабек бундай олиймақом меҳмонларни қўрғонида кутиб олиш шарафига ҳеч вақт муяссар бўлмаган эди. Мир Олимнинг барча сафарлари, гарчи айланиб ўтишга тўғри келса ҳам, хонликка қарашли бошқа шаҳар — Касби орқали ўтарди.

Валиаҳд у ерда овқатланиш учун тўхтарди. Бу гал иш шошиличилиги туфайли йўлни ўзгартиришга тўғри келди. Қосонда тўхтаб ўтишга мажбур эди, тушлик яқинлашиб келар, бу ҳол меросхўрни хуноб қиларди.

Мир Олимга бир неча қадам қолганида, Тешабекнинг булоғи чулдураб отила бошлади:

— О, узангисини ой ўпадиган, мўминларнинг пушт-паноҳи, икки олам сарвари, Қосон тупроғини муборак қадамингиз билан табаррук қилдингиз! — дея Тешабек шахзоданинг оти олдига тиз чўкди ва Мир Олимнинг узангидаги оёғини ўпди. У орқага тисланди. Мир Олим эгарда қаддини кўтарди. Бек унинг зарбоф тўни этагига чўзилиб, уни ўпа бошлади.

— Хўш, у ерда нима бўляпти яна, — деди тўнғиллаб норози валиаҳд.

Бек мақтовни тўхташиб қўйиб, катта хатога йўл қўйганини фаҳмлаб қолди-да, яна жаврашга тушди.

— Жамшид қудратли шох, фалак ёронли ҳақон, осмон мартабали жаҳонпаноҳ, қутлуғ хумой, Сулаймоннишон пушт-паноҳимиз, бахтимизга дунё турганча туринг!..

Мир Олим ерда юзтубан ётган оломонга қаради. Фақат биргина киши, қотма, нуроний юзли мўйсафид тиз букмай, оломондан четда тик

турарди. Қўлидаги қуръон очик. Бу кекса — олий қонуншунос, Қарши, Косон, Ғузор ва ҳоқликдаги бошқа шарқий бекликлардаги мўъминларга қуръон ва шариат йўриқларини тушунтирувчи ва бунга амал қилинишини назорат қилиб турувчи қарши беклиги муфтиси Хўжа Асадулла эди. Унинг мартабаси баланд, лекин у ҳам ўз ҳукмдорига тиз чўкиб салом бериши лозим эди. «Иблисни қара! Бундай қилмаслик учун қўлига қуръон олибди!» деб кўнглидан ўтказди Мир Олим. У муфтининг эркин фикрлашини, қора халққа ҳомийлик қилишини анчадан бери сезиб юрарди.

Қария ориқдан келган, нуроний, ўрта бўй, оппоқ соқоли ўчакишгандек диккайиб турарди. У Мир Олимга тикилганча қараб қолганди. «Албатта, қайсар донишманд бу ерга анави маҳлуқларни ҳимоя қилиш учун келган, — деди фикран валиаҳд. — Керак, нокерак ерда тумшугини суқаверади?»

Муфти Косонга тўрт бечоранинг ноҳақ қатл этилишини эшитган заҳоти келган эди. Улардан бирининг гуноҳи — икки йилдан буён қурғоқчилик сабабли ижарага олган икки таноб ерининг солиғини тўлай олмаган. Иккитаси ўғирликда айбланарди. Чўлдаги янтоқни беизн ўриб-йиғиб олишибди. Биттасининг саккизта, бошқасининг учта қўйи бор экан. Қўйлар амир хазинаси фойдасига тортиб олиниб, иккита сарбознинг бир йиллик хизмат ҳақига тўлаб юборилибди, жинойтчилар ўлимга ҳукм қилинибди. Уларнинг охиригиси икки йиллик қурғоқчиликка сабабчи сифатида айбланарди. Ҳукмни ижро этиш учун, хонлик қонунига кўра, Амирнинг ёки ворисининг фатвоси талаб қилинарди.

Мана шунинг учун ҳам бек маҳкумларни қўрғон ичидан ташқарига олиб чиққан (валиаҳд шу ёққа келаётганини билар, бу ерга тушиш-тушмаслигини билмасди) эди.

Бек мақташда давом этарди:

— О, фаррух шуқуҳли номдор шахзода, ҳидоят паргарининг маркази, адолат осмонининг қуёши, мунаввар фикру хаёлингизни бу камина-қулбачча — арабларингиз орасида энг камтарини, арғумоғингиз туёғи остида учган зарра мисол бузмоқда. Афғ-ангорлари билан жамолнингиз шуқуҳига соя солаётган мазкур тўрт банди маълум жинойткорлардир. Бу одамларнинг у дунёлиги аллақачон куйган, аммо бу дунёда ҳам содиқ фуқароларингиз орасида фисқ-фужур уруғини сочиб юришларига йўл қўймасиз!

Бек уларнинг «оғир жинойтларини» айтиб берди-да, гўё одил суднинг ҳукмини кутгандай қўл қовуштириб турди:

Мир Олим отдан тушди, шошилмай муфтининг олдига борди, унинг қўлидаги қуръонни олди, муфти тиз чўкишга мажбур бўлди. Мир Олим уни пича варақлаб, сўнг эзмаланиб ўқий бошлади:

— О, умматларим! Оллога шукр қилинг, унинг марҳаматларидан умидвор бўлинг.

Ҳаромдан ҳазар қилинг. Буюрганни олинг, буюрмаганни олишдан сақланинг. Еру осмон олло-таоллоники эканлигини наҳотки билмансангиз? — Муфтига қуръонни қайтариб берди-да, бандилар томон қўл силтади.

— Оллоҳ, гуноҳкорларни жазола, деган. Жон бор жойда жазо бор!

Шу гапларни айтди-да, оломонга қайрилиб ҳам қарамай, қалъа томон кетди.

...Зиёфатни еб, Мир Олим йўлга тушишга буюрди. Дарвоза олдида ўтатуриб, жазоланганларнинг каллаларига кўзлари тушди. Ҳар бири рандаланган қозиққа илинган ҳолда бақрайиб турарди.

Валиаҳд уларга эътибор қилмади, йўлида давом этди. У хаёлан Бухорода эди. Пойтахтдаги сўнгги воқеалар уни хавотирлантириб қўйган эди. Ҳақиқий аҳволни билмаганлигидан у дарғазаб, телбаланарди.

Меросхўр отга қаттиқ бақирарди ва бир гал қўли тагига дуч келиб қолган вазир Омонуллага қамчи солиб юборди. У бўйинини қисиб, ўзини четга олди, иккинчи бор унга яқинлашишга юраги бетламади.

1907 йилдаёқ, Россия билан Англия Эронга таъсир доирасини баҳам кўриш ҳақида шартнома тузган пайтда, Мир Олим отасининг эътиборини Остонақулдан кутулиш учун қулай пайт келганлигига қаратди. Амир иккиланди. Мир Олим уни бутунлай ишонтиролмади, «Умуман, 1905 йилдан буён оламда нимадир бўляпти». Турли мамлакатларнинг подшоҳ ҳокими мутлақлари бошига инқилоб кети-

дан инқилоб келяпти. Оқ подшоҳ кучлироқ экан, у бардош берди, Эронда эса исёнчилар конституцияни қўлга киритдилар».

Мир Олим дарғазаб бўлиб хаёл сурарди, баъзан фикран хитоб қиларди: «Оллоҳ шоҳид!», «Оллоҳ ярлақасин!»

Сўнгги фикри Мир Олимга шунчалик нохуш туюлдики, у йўлга туфлаб юборди. Орқасига ўгирилиб, эгар устида мудраб келаётган бек Аҳмадхонга кўзи тушди. «Унга нима, ухлайверсин. Унинг беклиги кичкина, минг йилдаям ҳеч бало бўлмайди. Амир бўлса, ортиқ даражада кўнгилчан, ўзининг қушбегисига ботинолмайди!

Жадидлар... ўзларининг озодлиқ ҳақидаги жирканч гаплари билан жирканч одамлар. Уларни ўйлаш керак. Улар уюшмаган, унча ҳафли эмасликлари аён бўлса-да, улар орасида адашиб юрганлар кўп, уларни бу йўлдан осонликча қайтарса бўлади...

Туркия... Халифа — турк султони Абдулҳамид тахтдан ағдарилганига атиги бир неча ой бўлди. Бутун мусулмон олами учун, Мир Олим учун бағоят нохуш хабар. Айниқса Мир Олим бунга чидалмайди. Турк султони унга пир эди. Бир йил муқаддам у худди ўша кишига Кичик Осиёдан Маккайи мукаррамага темир йўл қуриш учун олтин билан беш миллион танга бериб юборган эди. Бу тадбир мусулмон оламини мустаҳкамлаши ва император, саройидагилардан яширин амалга оширилиши лозим эди... Еш турклар ўз мамлакатларини қаёққа олиб боришади — айтиш қийин. Булар етмагандек, анави қушбеги мўминларнинг орасига нифоқ соляпти. У ҳаддидан ошиб кетган — доғули, сарой қаллоби... — Мир Олим уни ёқтирмасди. Қушбеги амир хазинасини ўмаришини, йилига икки миллион танга олтинни хинжирига ураётганини тахмин қиларди. — Бундан ташқари, жуда кўп ер, боғ-роғ, минг-минглаб қўй, туя, отларнинг эгаси. Шариат бўйича давлатга бошчилик қилишга унинг ҳаққи йўқ — онаси эроний. Аммо у бош бўлиб олди, яна ёнига қариндош-уруғлари — шиалардан бир-талайини тортди...»

— Шақал! Кофир! — дея хитоб қилди Мир Олим ўзини тутолмай, аъёнлари бўрон бошланаётганини сезиб, қулоқларини динг қилишди.

Валиаҳднинг атрофи бўшаб, ҳувиллаб қолди. Мир Олим амирнинг мактубини бошқатдан ўқий бошлади, ҳар бир сатри устида мушоҳада қилди.

Еттинчи боб

БУХОРОДА НОТИНЧЛИК

Бухорода, шарқдаги кўпчилик шаҳарлардаги сингари, одамлар қадимдан кичик-кичик жамоа бўлиб жойлашганлар. Маҳаллалар бир-бирдан девор ёки иморатлар тизмаси билан ажратилган. Маҳаллага фақат қўриқланадиган дарвозадан кириш мумкин эди. Деярли ҳамма маҳалланинг ўз мачити бўлиб, ўша пайтда бундай жамоаларнинг Бухорода уч юз қирқта маҳалласи бор эди.

Косагарон — кулоллар маҳалласи ўзининг одағдаги ҳаёти билан кун кечирарди. Маҳаллада тўқсонта хонадон истиқомат қилар, аҳолиси эса турли касб-кор билан шуғулланар — бу ерда читфурушни ҳам, қандолатфурушни ҳам, дўкондорни ҳам, атторни ҳам, иморат устасини ҳам (булардан иккитаси амир саройи Аркини безашга буюртма олган эди), темирчини ҳам, сандиқсозни ҳам учратиш мумкин эди. Маҳалланинг энг камбағал табақаси Бухоронинг карвонсаройларида юк боғлаш билан шуғулланарди. Маҳалланинг қоқ ўртасида шундоққина мачит ёнида Абдуқаҳҳор Ҳожининг каттакон этикдўзлик устахонаси бўлиб, унда йигирмадан зиёд халфа ишлар, амиркондан кавуш тикишарди.

Маҳаллада, ўз-ўзидан аён, кулоллар ҳам, ганч пиширадиганлар (улар озаёиб қолишганди) ҳам туришарди. Бу ерга Ҳожи Абдуқаҳҳор кўчиб келгандан кейин, устахонасини йил сайин кенгайтираборди ва атрофидагиларни сиқийтира бошлади. Дастлаб маҳалла ҳавосини бадбўй ҳиддан тозалаш баҳонасида иккита совунгар оилани шаҳар ташқарисига қувғин қилди. Кейин кулолларга тикилди.

Халқ ўртасида у чўчка, тўнғиз деган ном олди. Тўнғиз маҳалла имоми Худойдонни кулолларга қайраб солди. Уларнинг тақир-туқуридан намоз ўқиб бўлмаёпти, мўминларнинг намози бузилапти, деб фитна кўзгади. Когондан тупроқ олиб келиш тинкасини қуритган баъзи кулолларнинг ўзлари ҳам ишларини тўхтатиб қўйган эдилар.

Маҳалланинг меҳнат аҳли асосан тинч ва аҳил турарди. Бир-бириникига

меҳмонга борар, жанозасига қатнашар, таъзияда йўқлашар, қуда-андачилик қиларди. Бир-бирларини илож борича қўллаб-қўлтиқлашарди. Аммо Қосагаронда иккита бадавлат хонадон доимо ўзаро чиқишолмасди. Бири Тўнғиз, иккинчиси мулла Озод. Мулла Озод Эроний бўлиб, амир ҳукуматида юксак мартабани эгаллаган, у девонбеги — молия нозири эди.

Мулла Озоднинг уйи пишиқ гишдан икки қават қилиб қурилган. Маҳалладаги энг муҳташам, энг катта бино эди, олд томони Ғуломон — қўллар кўчасига чиқарди. Бу кўчада ота-бобоси қул ўтган, 1898 йили Бухорода расмий равишда бекор қилинган қулчилик натижасида озодликка чиққан ўн беш хонадон эроний яшарди. Ғуломон кўчасида турадиган эронийларнинг ҳаммаси шиа эди. Мана шу туфайли ҳам тож-тахт ворисининг пойтахтга келиш арафасидаги қонли фожиа худди ана ўша ерда содир бўлди.

Ҳаммаси шундан бошландики, шиалар мулласи Сари эшон бир гуруҳ ҳаммазҳаблари билан суннийлар мачити олдига чиқди-да, қўлини баланд кўтариб, қироат билан ваъз айтишга киришди.

— О, мусулмонлар! Олло-таоллонинг иродаси билан ер юзида иккита бемисл чироқ бўлган, уларнинг бири пайғамбар Муҳаммад, иккинчиси, уни оллоҳ ҳамиша раҳмат қилсин, имом Алидир!..

Шиаларнинг хайити яқинлашиб келар ва Муҳаммад пайғамбар билан имом Алининг мақталишида ҳайрон қоладиган ёки ғалати ҳеч нарса йўқдек эди. Аммо суннийлар учун қуръоннинг бир юз ўн бешинчи сурасига шиалар ўзбошимчалик билан киритган қўшимчадан ҳақоратлироқ ҳеч нарса йўқ эди.

Мачитдан мулла Худойдод югуриб чиқиб келди, у ғазабидан кўкариб кетган эди.

— Оғзингни юм, бадбахт динсиз! Мурдор! Ифлос ит!

Аммо семиз, каттакон бошига саватдай яшил салла ўраган қора соқолли эроний мулла Худойдодга мутлақо эътибор қилмади.

— Худого шукр! — дея давом этди у баланд овозда қироат билан. — У ҳамма воқеани эшитиб-билиб турибди. Оллоҳ ҳар ерда ҳозир! Муборак ашур хайити кунларида, парвардигорнинг инояти бирла ва марҳамати нурида ўн иккинчи имом, имоми Маҳдий пайдо бўлиб, оламни қутқаради. Гуноҳқорлар тавба қиладиган пайт келади...

Сари эшоннинг сурбетлигидан суннийлар имоми ёқасини ушлади, илгари Сари эшонни бундай ҳолатда ҳеч кўрмаганди. Ҳар йили имом Алининг суннийлар томонидан ўлдирилган ўғиллари Имом Ҳасайн билан имом Ҳусайн хотирасига бағишланган муҳаррамнинг биринчи кунлари Сари эшон ваъз айтар, лекин бунчалик сурбетлик қилмасди. Худойдод мачит саҳнида пайдо бўлиши билан у жўнаб қоларди.

Бу сафар эса Сари эшон, афтидан, ҳеч қаяққа кетмоқчи эмасди! Мулла Худойдод ғазабидан титраб, икки қўлини осмонга кўтарди, овози қалтираб хитоб қилди:

— Эй, мўминлар! Билингки, иблис лаъин кофир шиалар дўстидир. Шундай бўлгач, улар, иблислар, буларни дўстим деб ҳисобласин. — У Сари эшоннинг оёғи остига туфлади-да, кучининг борича кекирдагини чўзди.

— Бу кофирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми, ҳали! Ур уларни! — деб муштларини дўлайиб Сари эшонга ташланди.

У рақибини мардонвор қарши олди, елкасидан ушлаб, кучи борича итқитиб юборди.

Мулла Худойдод Меҳри холанинг оёғи остига бориб тушди. У қўрқиб кетди.

— Е парвардигор, бугун нималар бўляпти ўзи? — дея Меҳри хола мулла Худойдодни ўрнидан тургазиб қўйишга киришди.

Муштлашув бошланиб кетди. Икки томоннинг кучи тахминан барабар эди, ҳеч қайси томоннинг қўли баланд келолмай тезда чарчаб қолди. Шу сабабли амирнинг шу маҳаллада турадиган учта шербаччаси пайдо бўлиши билан муштлашув тўхтади-қолди...

Бунинг устига суннийлар билан шиалар қўшни, айна пайтда чапишиб кетган, устахоналарда бирга ишлашар эди. Бироқ Сари эшон яна хирқироқ овоз билан дийдиёсини бошлади:

— Эй, адашган мусулмонлар! Нега энди ҳар икки дунё саййиди имом Али ҳақиқа дуо қилмайсизлар ва ундан шафқат тиламайсизлар? Ахир оллоҳ Муҳаммадга мурожаат қилиб: «Агар сен бўлмаганигда эди, мен осмонни яратмаган бўлардим. Агар Али бўлмаганида эди, мен сени яратмаган бўлардим!» — демаганмиди?

Бундай гапларга суннийлар, албатта, чидаб туролмасдилар.

— Мусулмонлар! — дея ҳайқирди мулла Худойдод. — Нега қараб ту-

рибсизлар? Кофирлар муқаддас қуръонни масхара қилишяпти-ку, ахир! Сари эшоннинг яқинида турган сарбоз Сари эшонни юзига шундай зарб билан туширдик, оёқда туролмай қолди. Яна ур-йиқит бошланиб кетди. Айниқса ҳалиги сарбоз жон-жаҳди билан олишарди. У мулла Худойдодга қўшни бўлиб, унинг қизини кўз остига олиб юарди.

— Мулла Худойдод бизларни имонга даъват қиляпти — деб қичқиради эди у, шиаларнинг бошлари, елкалари демай мушт тушириб.

Этиқдўзлик устахонаси томондан ҳожи Абдуқаҳҳор учта забардаст халфалари билан етиб келди. Бесўнақай узун қўл Ҳожи оломон ичига ёриб кириб, Сари эшонга ёпишди, лекин у ҳожининг ҳовурини босиб қўйди, нимадир қаттиқ нарса билан кўзига урди. Тўнғиз чалпак бўлиб йиқилиб тушди. Оломон бўлиниб кетди, майдонда битта суннийнинг жон ҳолатдаги чинқириғи янгради:

— Улдиришди-и-и! Улдиришди-и-и! — имонсиз мурдорлар бизнинг ҳомийимизни ўлдиришди-и-и!

Одамлар қочиб қолишди. Сарбозлар билан халфалар Ҳожи Абдуқаҳҳорнинг жасадини кўтариб, зудлик билан устахонага етказишди. Бир-икки силқишган эди Тўнғиз ўзига келди ва қон туфлаб, аянчли ингради. Қўлини узатиб, кўзига тегизиб кўрмоқчи эди, сарбоз қўлини қаттиқ ушлаб тургани учун қўлини кўзига олиб боролмади.

Бутун маҳалла вақтинча жимиб қолди. Кеч кирди. Деворлардаги мўрилардан тезакнинг аччиқ тутуни юқорига ўрлади. Хонадонларда кечки овқатнинг тадориги кўриларди. Аммо шиаларнинг «Ашуро» ҳайити ва шаҳид кетган Ҳасайн билан Ҳусайнга аза тутишлари тобора яқинлашиб келарди.

Одатда Косагарон шиалари «Ашуро» арафасида эронийлар турадиган маҳаллаларга жўнаб кетишар ва қанақа диний урф-одатлари бўлса, ўша ерда бажо келтираверишар эди. Аммо бу йил Қўшбеги Остонақул «Ашуро»ни бутун Бухорода ўтказишга ўзбошимчилик билан ижозат бериб юборди.

Бухоро 1200 йил давомида Ҳасайн билан Ҳусайннинг хотирасини нишонлаб келаётган Осиёдаги бошқа шаҳарлардан ҳеч фарқ қилмайди, деб қасам ичди у ва Бухоро шиалари ўз урфларини ҳар томонлама намойиш қилиб, ҳақиқий мусулмонлар ким эканлигини кўрсатиб қўйишга аҳд қилдилар, деди.

Шу муносабат билан шиа мазҳаби раҳнамоси Оятулло Жўрақул Машҳадий жомеъ мачитига барча воизларни йиғди ва узундан-узоқ амримаъруф қилди. Сомелар орасида қўшбеги Остонақул ва девонбеги мулла Озод ҳам бор эди. Ваъздан сўнг Оятулло Машҳадий шундай деди:

— Мўминлар, ер юзида фақат имом Алига эргашадиган ҳақиқий мусулмонларгина қоладиган замонлар келади ҳали. Худо шоҳид. Ва «Ашуро» кунлари ана шу йўлдан борадиган биринчи шаҳар Бухорои шариф бўлади.

Бўшашманглар, дўстлар... Бунда бизга олло-таоло ҳамда бизнинг буюк ватанимиз Эрон мададкор бўлади!

— Иншооллоҳ — дея бир оғиздан қўллашди Оятулло Машҳадийни ҳозир бўлганлар.

Қоронғи тушиши билан шиалар — катталар, болалар — қорабайроқ кўтаришиб кўчага чиқдилар.

Мотам онлари яқинлашиб қолганидан одамларни огоҳлантириш мақсадида уйларнинг эшикларини тақиллатишга киришдилар.

Ҳожи Абдуқаҳҳорнинг серҳашам меҳмонхонасида ўша кун ичра одам бор эди: Бухоронинг номи чиққан табибларидан Фармон табиб, мулла Худойдодга ўзини куёвликка чоғлаб юрган сарбоз, хўжайинга содиқ икки халфа ва Ҳожининг ўн тўққиз яшар безори ўғли, маҳалладагиларнинг ҳаммаси бойвачча деб атайдиган Наврўз йиғилишганди.

Ҳожи Абдуқаҳҳор шойи кўрна-тўшакда бир кўзи билан шифтга қараб ётарди. Оғриқнинг зўридан боши лўқиллаб оғирди. Табиб беморнинг ёнида шиша идишдаги халдорини майдалаб ўтирарди.

— Бу шифобахш гиёҳ пайғамбаримиз кўрсатган Бухорои шарифдан ниҳоятда олисидаги баниисроилийлар мамлакатидан келтирилган, — деб табиб ғамгин хўрсиниб қўйди. — Аттанг, жуда ҳам озгина қолди.

— Валдирама! — дея унинг гапини бўлди бемор жаҳл билан. — Айтганингни оласан. Фақат менинг кўзимни шифола.

— Ҳа, ҳа, валинезматимизнинг бебаҳо кўзларини қайтариб бер, — деди мулла Худойдод.

— Мусулмоннинг ҳақоратланган шаъни олдида кўр бўлган кўз нима деган нарса бўлибди? — деган кескин овоз эшитилди, ҳамма ўгирилиб, меҳмонхона эшиги олдида кутмаганда пайдо бўлиб қолган қарияга кўзи тушди. Новча, ориқ, худди олдинга нотабиий энгашгандек узун хассага суяниб

турарди у. Четдан қараган кишига бу одам қудуқ тепасидаги учига оппоқ салла ўралган гўлага ўхшаб кетарди.

— Ислон ва шарият ҳомийси ва Бухоро қозикалони ҳурматли Бадриддин ҳақ сўзни айтдилар, — деди риёкорлик билан, айни чоқда, шошиб-пишиб Худойдод.

— Ҳожи Абдуқаҳҳордек маълум-машҳур мусулмоннинг шаъни бизнинг барчамиз учун азиядир, — тагдор қилиб давом этди қозикалон.

— Бўлмаса-чи, бўлмаса-чи, — дея бидиллади мулла Худойдод ва қозининг олдига эмаклаб борди-да, унинг тўни этагини тавоф қилди.

— Ҳурматли Абдуқаҳҳор, сизни таниганларнинг ҳаммаси бу имонсизлар жанобингизни ҳақоратлаганларини эшитиб, газабларининг чеки бўлмади. Уларнинг, албатта, адабини бериб қўйиш лозим. Иблис Остонақулдан тортиб ҳаммасини битта қолдирмай жазолаш керак.

— Сари эшонни ҳам, — деди мулла Худойдод ғижиниб.

— Шунинг учун ҳам сизникига келдик! Оллоҳнинг чинакам қулларини оёққа турғизиш ва имонсизларни Бухорои шарифдан ҳайдаб чиқариш керак, — дея қози Бадриддин ҳассасини силтаган эди, шифтга тегди.

— Кофир киму мусулмон кимлигини ажратишим учун менга кўз керак! Ҳаммасини тигдан ўтказаман. Онасининг қорнидагигача бўғиб ўлдираман! — деб бақирди Ҳожи Абдуқаҳҳор. У табибни этагидан ўзига қараб тортди ва ўша заҳоти уни қўйиб юбориб, қозикалоннинг ҳассасига ёпишди. Меҳмонхонадагиларнинг ҳаммаси унга тасалли беришди.

Уй эгаси жаҳлдан тушишга улгурмай, кўча эшик занжири шақиллади, кейин бола овози эшитилди.

— Ҳой, яхши одамлар, эшикни очинглар, огоҳ бўлинглар! «Ашуро» келяпти, «Ашуро» келяпти...

— Уйимизни... булғашяпти...

Ҳожи Абдуқаҳҳор ўрнидан ирғиб туриб кетди.

Наврўз билан халфалардан бири кўча эшикка югуришди, уни очиб, остонада бошида қора қалпоқ, озғин, кўринишдан касалманд, қўлида узун таёқ ушлаб турган болакайни кўришди. У бад олмай қалпоғини чўзди, таёғини ерга урди.

— «Ашуро» келди, «Ашуро» келди...

Шиаларникида уни ширинликлар — майиз, ёнғоқ билан меҳмон қилишганди, бироқ бу ерда эркакларнинг газабнок юзларини кўриб кўрққанидан овози чиқмай қолди.

— Шаҳидлар руҳини шод қиладиган кунлар... — дея шивирлади у ва қочишга юз тутди, лекин таёғига чалишиб йиқилиб тушди.

Наврўз билан халфалар уни роса дўппосладилар, Наврўзнинг қўлига таёқнинг синиғи тушиб, гўдакнинг калласига шиддат билан тушириб қолди.

Болакайнинг жасадини кўчага, худди унга ўхшаб қора қалпоқ кийган болаларнинг оёқлари остига ташладилар.

Болалар қўнғироқчалар осилган таёқларини тўғри келган томонга улоқтириб, йиғлаб қочиб қолдилар. Орадан кўп ўтмай Ҳожи Абдуқаҳҳорнинг уйи олдида оломон тўпланди. Бу ерда шиалар ҳам, суннийлар ҳам бор эди, улар она ўз боласининг жасади устида қандай фарёд қиლაётганига индамай қараб туришарди. Унинг юзида чачвон йўқ эди. Тўзғиб кетган оқ оралаган сочларини юлиб, қаттиқ фарёд қиларди.

— Оҳ, одамлар... мен уни кўчага чиқармагандим... Сари эшон қўймади. Оҳ, парвардигор! Агар сен самода бор бўлсанг, бу қора юракнинг жазосини бер!

Уни Қосагарон маҳалласидагилар Биби табиби кулчапаз, деб атардилар. У новвойлик ҳам қилар, табибликни ҳам қўймасди. Болалигида етим қолиб, бошидан кўп оғир кунларни, дарду ҳасратларни ўтказди. Камбағал сунний Қўлдошга эрга тегди, шиа урф-одатига аллақачондан бери риоя қилмай қўйган эди. Болалари суннийлар билан дўстлашиб кетганди.

— Қанисан, қотил Сари эшон! — дея бўзлади она. — Кўзларим сени кўрмайди, қўлларим етмайди урай десам!

Меҳри хола унга энгашди, кифтидан қучоқлади.

— Тинчлан, синглим. Оллоҳнинг иродаси. Уғлингга энди ҳеч нима билан ёрдам беролмайсан.

Меҳри холани маҳалладагиларнинг барчаси ҳурмат қилишар, у нуруний ва адолатли аёл эди. У Биби табиби кулчапаз билан девордармиён кўшни эди. Улар аҳил кўшни эдилар.

Бу икки хонадоннинг эркаги ва бир неча кулоллар Когон атрофидаги Қари момо Журоти деган жойга кулол тупроққа кетишганча қайтганлари йўқ эди. Шу онда Биби табибнинг Меҳри холадан бўлак ҳамдарди, яқини йўқ. шунинг учун ҳам бу кекса унга астойдил дардқашлик қиларди.

Биби энди йиғламай қўйган, жасад тепасида индамай тебраниб ўтирарди. Меҳри ҳола эркакларга болани, аёлларга Бибини уйга олиб киришларини айтди. Унтача паранжили — рўдапо Бибини ўраб олди...

Девор орқасидаги тандир устидан Ҳожи Абдуқаҳҳорнинг қизи мўраларди. У ориқ, сарвқомат қизалоқ бўлиб, қизил қўйлак кийиб олганди.

У кўчага югуриб чиқарди-ю, лекин саккизга тўлганлиги учун бегоналар олдида бепаранжи юришга ҳақи йўқ эди. Лекин уни ҳеч ёпингиси келмасди!

— Гулсара! — деб чақирди онаси қўрқиб кетиб. — Қиз ўлгур, туш ҳозир!

Бу ифлос шиалар...

Қаттиқ ранжиган Гулсара тандирдан истар-истамас тушиб келди.

Саккизинчи боб

ҚИРҒИН

Уша куни кечаси ҳам олдинчилари сингари жимлик эди. Косагарон қоровули Расул дарвоз маҳалла дарвозасини ёпди-да, ёғоч шақилдоғини қаттиқ чалди. Бу овоз маҳалладагиларга таниш бўлиб, уларни хотиржам қиларди. Тўққизинчи муҳаррам куни маҳаллада нотаниш дарвишлар пайдо бўлишди. Расул дарвоз уларни дарвозадан киритгиси келмади.

— Олло-таоло ва унинг сарбозининг жаҳлини чиқарма, қария, — дея ўқрайди дарвишлардан бири. Бошқаси ҳассаси билан унинг кўкрагига туртди.

— Нарӣ тур, қари тўнка!

— Унга даҳл қилманглар, — деди баланд бўйли кўк кўз дарвиш, у, кўринишидан, уларнинг каттаси эди. — Айт-чи, қария, ҳурматли Ҳожи Абдуқаҳҳорнинг уйи қаерда?

Дарвишлар кетишлари билан Когонга кетган кулоллар ўнтача эшак ва туяларга кулолтупроқ ортиб келиб қолишди. Қаршидан эса деҳқонларнинг илтимосномасини олиб, Арслон ҳам эшакда эндигина етиб келган эди.

Расул дарвоз Косагаронда содир бўлган даҳшатли ҳодисани ўша заҳоти оқизмай-томизмай уларга гапириб берди.

— Ҳа, яхши хабар билан кутиб олмадингиз бизни, Расул ака! — деди Арслон. — Мен келган Қаршида ҳам шўришлар кўп. Қаерга бош уриш керак, қаерда бахт бизга кулиб боқади, — деди-да, жунжикиб кетди.

— Негадир баданим уюшиб кетяпти.

— Ҳавонинг мазаси йўқ, ўғлим, кўряпсан-ку, булдуруқ ёғяпти, шамол ҳам оч бўридай увиллаяпти, — деди маҳалла қоровули ҳазил қилиб, йиртиқ тўнига ўраниб.

— Расул дарвоз, унутманг, ёмон ҳаво бўлмайди, камбағалда фақат ёмон кийим-кечак бўлади, — ҳамма қаттиқ кулиб юборди. Расул дарвоз Арслоннинг елкасига самимият билан қоқиб қўйди.

— Гарчанд ёш бўлсанг ҳам, ўғлим, доно гап гапирдинг.

— Йўқ, нега ундай дейсиз, мусулмонлар? Энг доно гапни маҳалламизда ҳаммавақт мулла Худойдод гапиради, — деди Арслон, жинкўчадан Ҳожи Абдуқаҳҳор, дарвишлар билан чиқиб келаётган мулла Худойдод томонга қўли билан ишора қилиб.

Мулла ўзини жабрдийдаликка солиб, узун ҳассасига таянган қолда букчайиб юриб келарди. Узи ҳақида булар нима дейишаётганини фаҳмлаб қолиб, ҳассасини важоҳат билан ҳавола қилди-да, бақирди:

— Бу одам худони алдади! Уни осмондан жинлар юборган. Унда шайтон бор!

— Бошланди, — дея чуқур хўрсиниб қўйди Арслон, узоқларга ғамгин тикилиб.

Расул дарвоз мулланинг истиқболига чопиб борди-да, таъзим қилди, бу билан ўзини унга итоаткор ва тақводор қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

— Оҳ, олло шоҳид, агар биронтаси бизнинг муҳтарам мулламизнинг шаънига заррача ёмон гап айтса...

Расул дарвоз, овозини ҳамма эшитсин учун, деярли бақириб гапирарди.

Мулла Худойдод бирмунча юмшади-да, энди анча хотиржамлик билан деди:

— Эй, сиз, ишончи комиллар, диндорлар ўрнига имонсизларни дўст тутманглар. Тоат-ибодат қилинглар, шунда жаннати бўласизлар.

— Жуда олис-да, мулла Худойдод, сиз ваъда қилаётган нарса жуда ҳам олис, — деди Арслон масхараомуз.

— Нима истайсан, худобежабар, ўзи! — дея сўлақларини сачратиб яна бақирди мулла, ҳассасини юқори кўтариб.

— Олло-таоло нимани истаса, фақат шуни, — деб жавоб берди Арслон хотиржамлик билан.

— А? — дея мулла қўлини туширди. — Бари бир сен алдаяпсан, бетавфиқ.

Мулла Худойдод бир муддат индамай турди-да, ўзининг ёлғондакам титроқ овози билан бирдан нидо қилди:

— Эй, қавмларим! Оллога тоат-ибодат қилинг, ундан бўлак илоҳ йўқ, — деди ва юзига фотиҳа тортди.

Мулла Худойдод дарвозадан шаҳар кўчасига ўтди. У ҳаммадан олдинда ўзини яна жабрдийда кўрсатиб борар, четдан қараган киши, кироий одампарвар шундай бўлар, деб ўйлар эди. Дарвишлар тескари қараб олишди, оёқлари остига туфлаб, қўллари билан аллақандай сеҳрли ҳаракатлар қилиб, инс-жинсларни ҳайдадилар.

— Мулло Худойдод билан ҳожи Абдуқаҳҳор бириккан жойда яхшилик кутма! — деди қоровул, ўйчанлик билан.

— Қофирларга ўлим! Муртадларга ўлим! — деб қичқаришди дарвишлар, худди Расул дарвознинг гапини исботлагандек.

— Сизларни ўз ташвишларингиз ҳам етарли экан, ака, — деди Арслон.

Лекин орадан сал вақт ўтиши билан Бухоро кўчаларида бошдан-оёқ қора кийиниб, қора байроқ кўтарган кишилар яна пайдо бўлишди. Қосагарон маҳалласидаги оломоннинг олдида тўртта бақувват йигит Қорбало даштида азоблаб ўлдирилган имом Ҳасайн билан имом Ҳусайннинг жасади рамзини замбилда кўтариб борарди. Уларнинг кетидан кичкина ўғил бола човқар отнинг жиловини икки қўли билан маҳкам ушлаб етаклаб олган, отнинг ёпиғи қонга бўялган ва ўқ-ёйлар билан илма-тешик қилиб юборилган эди.

Маҳалладагиларнинг ҳаммаси бу от мулла Озодникилигини билишарди. Унинг ўзи шиаларнинг олдида мулла Сари эшон билан ёнма-ён савлат тўкиб борар эди.


— Бугун қон тўкилади чамаси, — деб қўйди Расул дарвоз бу намойишни кўриши билан.

— Балким одамларни оёққа турғизиш керакдир. Уларни бу йўлдан қайтариш керак-ку, ахир! — деди Арслон ёнидагиларга ҳаяжон билан.

— Сен ҳеч нарса қилолмайсан, ўғлим, — деди Расул дарвоз бошини тебратиб. — Энди тўхтатиб бўлмайди. На Сари эшонни хўшпасемиз мулла Озод билан, на мулла Худойдодни Ҳожи Абдуқаҳҳор — Тўнғиз билан... Тўхтатиб бўлади... Оллоҳнинг хоҳиши шундай бўлгандан кейин, на илож...

— Амир-чи?! — деб хитоб қилди Арслон. — Қон тўкилишини у хоҳлама-са керак?

— Эҳ, ўғлим-а. Ҳозир бизнинг амиримиз қушбеги Остонақул. Ҳозир унинг кўзини ёғ босган, кўнгли тошга айланган, ақл чироғи ўчган.



Бу орада Косагарон шиалари маҳалладан чиқиб, эроний маҳаллаларда бошланган қудратли намоийшга қўшилиб кетишди. Одамлар кўкракларига муштилари билан уришар, «О оллоҳ», «Во Ҳасайн!», «Во Ҳусайн!» деб ҳайқирар, мутаассиблари кийимларини йиртиб, елкаларига занжир билан урардилар.

Намоийш кетидан суннийлар ҳам эргашиб борар, улар ҳам аста-секин қизишарди.

- Ассалому алайкўм, қўшнилари.
- Ваалайкўм ассалом.
- Имонсизлар қандай балони бошлаяптилар?!
- Бемисл ҳурматсизлик!
- Яратганга хиёнат!

Бекорчилар оломони тобора улгайиб борар — турли маҳаллалардан бойлар, камбағаллар, кулоллар, мисгарлар, мешкоплар, савдогарлар, бозорчилар шу томон шиалар эдилар.

— Амир имонсизларга сотилди! — деб ҳайқирди жулдур кийимга чулганган дарвиш: — Динимизни булғаётганларга ўлим!

- Оломон уни қувватламади, йўлнинг четига суриб ташлади.
- Қағиллаб бўлди.
- Ўзини қозикқа ўтқазиб керак!

Мункиллаган чол қўлини баланд кўтарди.

- Е парвардигор! Бу ёруғ дунёда нималар бўляпти?
- Остонақул қушбеги бизни нафас олгани қўймапти, — деди белбор ўрнига белига қиларқоп боғлаб олган полвон-мешкобчи.

— Мўминлар! — деб қичқирди оломон ичидан кимдир. — Амирнинг олдига борамиз! Остонақулнинг таҳқирлаши қачонгача давом этади, сўраймиз ундан!

— Регистонга! Амирнинг олдига! — деган нидо оломон устида гулдуради.

Эриган металлдай қайнаган оломон Регистон томон ўзини урди. Шиалар ўзларини қийнашда давом этдилар.

- Имом Ҳасайнга нима бўлди? — дея қичқирди овози ўткир бир одам.
- Шаҳид бўлди, — деди намоийшчилар бир оғиздан.
- Оломоннинг бошқа бир еридан:

— Ҳоки бошимиз устига! — деган гулдурас эшитиларди. Буни бошқалар улаб кетардилар:

- Имом бизнинг мададкоримиз!
- Ҳасайн билан Ҳусайн бизнинг раҳнамоимиз!
- Ҳоклари бошимиз устига!
- Ох, Ҳасайн! Воҳ Ҳусайн! — деб замзама қилишди гулдураб шиалар.

Шу пайт юзлаб одамлар, кутилмаганда, бир-бирлари устига шиддат билан ташланишди. Мулла Худойдод, бир кўзли Ҳожи ва бир тўда дарвишлар бир тараф, мулла Озод билан Сари эшон бир тараф. Одамлар бақириб-чақириб бир-бирларининг сочларидан тортишар, чопонларини йиртар, йиқилганларни тепкилашар эди. Битта нимжон дарвиш биринчи қурбон бўлди. Унинг ўлими суннийларнинг сабр касосини тўлдирди. Дарвишнинг қонга бўялган жасадини бошларидан баланд кўтариб, шиалар устига янгитдан ҳамла қилдилар.

- Оллоҳ шоҳид! — чинқирди мулла Худойдод, қўлини осмонга кўтариб.
- Имонсизларга ўлим!
- Маҳдуқлардан энг касофатлиси.
- Ҳаммаси қирилади.
- Ер ларзага келади.

Чиндан ҳам Бухоро ларзага келди. Шаҳар устида оғир, қўланса чанг булути осилиб турарди — гўё бемисл куч билан қуюн ўтган-у, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб кетган.

Шаҳарнинг турли қисмларида тарақ-туруқ қилиб дарвозаларни бузишар, ойнани чил-чил қилишар, таёқ ва кетмонларнинг зарби гумбурларди. Қоронғиликда пичоқ, ханжар, турк эгри қиличларининг тиғи қақмоқдай ярақлаб кетарди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда одамларнинг ўликлари чўзилиб қоларди.

Қонга беланган Ҳожи Абдуқаҳҳор ғазабидан оғзи қийшайиб, халфалари ва дарвишлар ҳамроҳлигида у уйдан-бу уйга югурар, душмани — Сари эшонни зўр бериб изларди. Битта ҳовлида эсанкираб қолган уй эгаси шошганидан эшикни ҳеч очолмади, Абдуқаҳҳор забардаст халфасига девордан ошиб тушишни буюрди. Лекин у девордан сакрашга улгурмади, бўйнига таёқ келиб тушди. Халфа оғриқдан додлаб юборди. Шундай бўлса ҳам, у ҳовлига тушиб,

илгакни олиб ташлади. Тўнғиз қутуриб кетиб, ҳовли эгасини соқолидан ушлаб, бўғизига пичоқ тортиб юборди. Жонсиз жасад ерга йиқилиб тушди.

— Менга Сари эшонни топиб берларинг! Ернинг тагидан бўлсаям топларинг! Ҳозир! — дея сўлақларини сачратиб бақирарди Ҳожи Абдуқаҳҳор. Шиалар мулласини бу уйдан тополмай, ўз одамлари билан, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб бақириб сўкиб, дўқ уриб, эронийлар турадиган бошқа уйлар томон ташланди.

Битта ҳовли олдида ҳақиқий жанг бошланиб кетди. Бир неча бақувват эркак Абдуқаҳҳорнинг одамларига қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Уларда пилта милтиқ бор эди ва пала-партиш ўт очишди, ўзларига ҳеч кимни яқин келтиришмади. Абдуқаҳҳор халфаларидан бирига югуриб бориб, устахонадан лампа мой билан каноп олиб келишни буюрди.

Бир неча дақиқадан кейин қамалдаги ҳовлига тўрт тарафдан оловкулча уча бошлади. Олдин бостирма ёнди, унинг томида арпа сомон бор эди, кейин ўт ичкари ҳовлига ўтди, бир фурсатдан кейин меҳмонхонани чулғаб олди.

Олов ичкаридагиларни уйнинг энг бурчагига олиб бориб тикди. Улар эронийлар — эркаклар, аёллар ва болалар эди. Лекин ораларида Сари эшон йўқ экан.

Тўнғиз уларни ўлдириб ўтирмади, ўтни ўчиришга рухсат бермай, уларни бир кунжакка қамади. Бу ерга етиб келган Меҳри холянинг зор қақшаб ялинишлари ҳам, бу бегуноҳларнинг ҳимоясизлиги ҳам кўнглини юмшатмади, ўжарлик билан айтганини қилди.

— Жўна, кампир, эркакларнинг ишига аралашма, — деди уни дағаллик билан итариб ташлаб.

Ҳассасини ҳавола қилганича мулла Худойдод ҳам шу томон халлослаб келарди. Келасолиб Абдуқаҳҳорнинг қулоғига шивирлади.

— Қозикалон Вадриддин ҳамма мўминларни Минораи калонга тўплайптилар! Ҳамма ўша ёққа борсин! — деди.

Мулла маҳалла дарвозаси томон ташланди, қолганлар унга эргашишди.

Мулла Озоднинг уйи олдидан ўтиб кетатуриб, Тўнғиз кимдир тарвақайлаб кетган қари тутга тармашиб, девонбегининг болаҳонасига бекинишга уринаётганини кўриб қолди. «Сари эшон!» деган фикр ўтди кўнглидан.

— Хей, одамлар! Мана у! — деди жон ҳолатда қичқириб ва дарвишлардан бирининг оғир таёғини тортиб олиб, ҳалиги одамга отди.

Чиндан ҳам у Сари эшон эди. Узининг қўпол гавдасига қарамай, у йигитлардай чаққонлик билан дарахтда чаққон ҳаракат қиларди.

— Энди қутулолмайсан, шайтонбачча! — деб чийиллади мулла Худойдод. У ҳам Ҳожи Абдуқаҳҳорга ўхшаб уни жуда ёмон кўрарди. Унга қараб кесак отди. Шиалар мулласи томон тош-кесаклар учабошлади. Кимдир унга сопол кўза отди. Кўза унга тегиб, Сари эшон қутурган оломоннинг оёғи остига йиқилиб тушди.

Тўнғиз шу заҳоти ўз ўлжасини тиззаси билан босди-да, тўрвадай соқолига ёпишди. Бир лаҳза у ёлғиз кўз билан унинг бўздай оқариб кетган юзига шиддатли тикилиб турди-да, кейин қаттиқ бўкириб, эшоннинг калласини олди.

Одамлар гур-гур қилиб кечаси Минораи Калон олдидаги майдонга чопардилар. Шаҳарнинг ҳар ер-ҳар еридан эркакларнинг ўқиришлари, болаларнинг йиғиси ва аёлларнинг аянчли фарёдлари эшитилар, буларнинг ҳаммаси қўшилиб, кўповозли нолага айланиб кетарди. У ер, бу ерда ўт ловиллаб ёниб ётар, уларнинг биттаси ўчирилмасдан иккинчиси алангаларди. Бухоро бу оловлардан кундуздагидай ёришиб кетганди...

Эрталаб хонадонларда ўликларни ҳамма кўрадиган жойга қўйиб қўйишди, яна аёллар, болалар йиғи бошладилар.

Косагаронда ҳам ўлганлар кўп экан, улар орасида Сари эшон, дарвишлардан бири, Биби табиби кулчапазнинг эри кулол Қўлдош бор эди.

Биби энди йиғламас, мунғайиб ўтирарди.

Мулла Худойдод билан Ҳожи Абдуқаҳҳор қонга беланган энгилларини алмаштиришди. Жанозага ҳозирлик кўришди. Косагарон камбағаллари елкаларига кетмонлари билан белжуракларини ташлаб, дин, шариаат йўлида шаҳид бўлганларнинг сўнги маконларини қазишга йўл олдилар.

(Давоми бор)

Гулчехра
Нуруллаева

ОДАМ —
СИР ТЎЛА
ДУНЕ



Нурли
нуқталар

Эзмоқ бўлсин мени қай озор,
Бармоқлари кўксим ниқтасин —
Тўкилмасман,
Юпанчим, сен бор —
Эзгуликнинг нурли нуқтаси.

Қурбон истаб ноҳақлик-хунҳор,
Нақ бўғзимга келиб тўхтасин —
Букилмасман,
Ишончим, сен бор —
Адолатнинг нурли нуқтаси.

Майли, бўлсин илҳом ҳам бекор,
Оқ қоғозим йиғлаб-сиқтасин —
Укинмасман,
Таянчим, сен бор —
Муҳаббатнинг нурли нуқтаси.

Ҳаёт ғазал эмас!
У — сарбаст!
Гулдуракдир, шивирмас саси.
Сен мен билан бирга бўлсанг бас,
Эзгуликнинг нурли нуқтаси.

Бундан бир неча йил илгари, шеър мухлислари билан учрашувлардан бирида менга: «Сиз нима учун шеър ёзасиз?» — деган савол тушганди. Назаримда, ўшанда бу саволга кўнгилдагидай жавоб бера олмаган эдим. Ҳали-ҳамон ўйланман: «Дарвоқе, нима учун шеър ёзаман?»

Бу — қалбимда кечаётган туйғу-кечинмалар бир ўзимга кўплик қилиб, уларни оқ қоғоз билан баҳам кўриш истагидан бўлса керак. Қоғозга тушгандан кейин эса «Бошқалар нима деркин?» деган безовталиқ...

Гётенинг «Инсон бўлиш — курашчи бўлмоқликдир» деган доно сўзларини севаман. Агар шеърларим билан эзгулик, поклик, адолат гулларига озгина бўлса-да сув қуя олсам эди...

Муаллиф

Калинин болалари

Музей.

Экран:

Иигирманчи — тошқиниб-куйиб
Менинг бахтим яратмоққа уннаган йиллар;
Тинганларни ўзи томон қаратиб қўйиб,
Сўйлар,
 ўйлар,
 чопар-елар

тинмаган йиллар.

Калининнинг кўзларида бетоқат ташвиш:
Ночор деҳқон арзин кимдир четга сурибди.
Калининнинг бир бошида минг ўй жой топмиш,
Уйда эса... болалари яланг юрибди.
Лол қоламан.
«Оқсоқолсиз, — дейман жонҳалак, —
Бўлмасмиди бирон шиппак олиб берсангиз...»
Бу ноўрин ўйларимни этиб чархпалак,
Тушар деҳқон кулбасига кирзасидан из.

...Экран мени фош этади беимо, бесас.
Хижолатдан олланаман, туйиб хатомни.
«Узр, — дейман, — ялангоёқ фарзандни эмас,
Сиз ўйлабсиз ялангоёқ, юпун Ватанни.
Ишонаман. Деярдингиз тирик бўлсангиз:
«Орзудан ҳам зиёда қулф урибди Ватан!»
Эй беминнат, фидойи зот, агар билсангиз,
Сиз кабилар елкасида турибди Ватан!»

Сохта ватанпарварларга

«Озодлик» радиостанциясининг
ўзбекча эшиттиришлари муаллифларига

Билмайман: қай дарё сувин ичасиз?
Билмайман: қай миллат қизи оғушда?
Лекин мен биламан: ярим кечаси
Сизни нима юлган уйқудан, тушдан.

Мен-ку, бир бедор қалб: куйни, қўшиқни,
Уйқусиз тунимга малҳам этувчи.
Сиз эса она уй — олтин бешиқни
Оғир кунларида ташлаб кетувчи.

Юртим-юрагимга отасиз-да тош,
«Азиз ватандош» деб киясиз ниқоб.
Айтингиз: сиз менга қандай ватандош,
Қўйдингизми бир бор отимни ниқаб?

Мен пахтам қошида букарканман қад,
«Хорма», деб ёнимдан ўтганмисиз ҳеч?
Куйиб тоқ бўларкан иссиқдан тоқат,
Бир пиёда айрон тутганмисиз ҳеч?

Оғироёқ фасл — куз кўнгли бежо.
Сезармисиз, сўзим нима хусусда.

Тонгда ловуллаган қуёш ҳам ҳатто
Оқшом — сўник, қизил-доира тусда.

Булут тўкилмоққа излар эса ҳад,
Мезон шамоллари ҳайдаб-қойишар.
Ҳатто табиат ҳам, тилсиз табиат
Ким фидойи экан, унга қайишар.

Сиз ҳам эл-юртига гўё жонҳалак.
Гўё усиз чиқмас қуёш, ойингиз.
Сизда бўлак ташвиш бўлмаса керак
Йўқотиб қўймоқдан ёғли жойингиз.

Яшаш воситангиз — уйдирма, найранг,
Елғон маълумотлар жамланган қоғоз.
Бунинг эвазига сиз учун, қаранг,
Махсус идораю махсус имтиёз.

Яна «Ватандош!» деб айлайсиз хитоб.
Асл мақсадингиз манфаат, пулда.
Кейин бошқаларга ёзасиз ҳисоб
Қайси бир имлода, қайси бир тилда.

Ўзгалар измида сизнинг ихтиёр,
Халқ қалбини топташ — сиз учун маош.
Юрт сотиб яшашни билмасангиз ор,
Айтингиз, сиз менга қандай ватандош?

Бўлак ниятим йўқ бахтин кўрмоқдан:
Халқим ўй-хаёли — мен учун ҳаёт.
Лекин ким чеккада она тупроқдан,
Уни танимасман, у — мен учун ёт.

Бас, сохта нағмалар, тараҳҳумлар, бас!
Фаҳми кемтик эмас, сўқирмас башар.
Ватан ҳомийлари сўз билан эмас,
Номус-имон билан, иш билан яшар.

Ватандош билса ким ўзига мени,
Бахтимга, дардимга бирдай туташар.
Биргаликда тотар заҳмат таъмини,
Ватан ҳомийлари Ватанда яшар.

Ўлтирарсиз. Ўлтирарман. Ўртамизда даста гул.
Этмоқ истар икки гўзал орзуни пайваста гул.
Бағри қон, ох, қай бирининг, юзи заъфар қай бирин,
Воаларга ришта эрмас, пардаликдан хаста гул.

Гул билар: қўлга олинса, мисли гулрў, кулмишин,
Гул билар: гулдонда қолса, ўртанишдан сўлмишин.
Гулда бўлса шунча рағбат, не билай гулрў ишин:
«Зора»дан умид-илинжи, «водариг»га қасдда гул.

Олддан айтай: «уф» тайин, «афсус» тайин, гул, ёнма
сен,

Ўзгалар соҳибаси сен истаган ишқ номасин.
Ким ўзи орзуга қонган? Қонмасанг, хўп, қонма сен.
Айлагил касб тарки ишқни, севгиси ораста гул.

Яхши дерман қўлга ўтмай ўрталикда турганинг,
Ришта эрмас, волаларга пардаликда турганинг,
Билсанг эрди менга сен арзандаликда турганинг...
Ақлу ҳуш шундоқ дегай, оқким, нигоҳ демас-да гул!

Кўз, нетай, айтмоққа уста бу забон айтмас сўзин.
Айлагай фош дилда борим, айламай фош ўз-ўзин.
Айтингиз, саркаш кўзимни яширардим қай йўсин?!
Яхшиям, Гулчеҳра, бордир ўртада бир даста гул.

Хаёт жиддий отамикан,
Йўлга солиб тергагай
Ёки мунис онамикан,
Шафқатига белагай —
Дегим келар, гоҳи кўриб
Ўйинқароқ, шўх, шаддод:
Насиҳатга муҳтож, довдир
Болакай у, болакай.

Пандлар, ота, бош устига,
Мен ҳали ҳам боламан.
Меҳрингизни кўриб, она,
Ҳижолатда қоламан.
Ишонсангиз, отажоним,
Ишонсангиз, онажон,
Довдир бола заҳматларин
Ўз зиммамга оламан...

Бизни ҳеч нарса нуқсонларимиздек
кишанлай олмайди.

О. Бальзак

Сўз излайсан гўдак мисол сен,
Илтижога лабларинг жуфтлаб.
Сендан олдин дил очаман мен,
Яшолмайман меҳримни қулфлаб.

Ҳис қиласан сен худоликни,
Кўзларингда ҳокимлик тўла.

Ҳам илтифот, ҳам фидоликни
Тутажакман сенга бир йўла.

Ҳоким ғурур эзар, оҳ, мени,
Азобига беролмайман дош.
Илтифотим қайтими энди
Кўзларимдан оқаётган ёш...

Осмондаги ойимсан,
Шарқираган сойимсан...

Халқ қўшиғидан

Ҳавасим йўқ сохта чиройга,
Мақтовларга ҳушсиз яшагум.
Мени қиёс айламанг ойга,
Келмас менинг унга ўхшагим.

Қуёшдандир, бағри бўлса бут,
Қуёшдандир, у сочар ёғду.

Бўлса ҳам тун иззатига бой,
Кўнмас эдим мен қамарликка.
Чидолмасман: нур ўгриси — ой
Яна кўкда бўлса малика.

Майли, қолсам қиёссиз, шеърсиз,
Ношукр деб қўйсалар айб.
Нисбат нечун
Бўлсаю нурсиз,
Ой бошимда турса кеккайиб?

Мен биламан: ой — совуқ вужуд.
Қодир эмас яратмоққа у.

Яшамаса каззоблар тахлит,
Ой агарда бўлса бокира,
Беркинмасди қуёшдан ёхуд
Уни кўргач, тортмасди хира...

Мажнунтолман, садоқатнинг
Қўли билан экилган,
Тупроғида тиклаб қадни,
Тупроғига эгилган.

Йўқ, мажнунтол эмасман, йўқ.
Чалма вафо куйин, боғ!
Кўрмоқдаман: тол бетийиқ —
Шамолларга ўйинчоқ...

Диогена

Қадим юнон файласуфи Диоген
умрининг охирида одамлардан йироқ,
бочкада яшаган экан.

Англабсиз одамзод феълу баҳосин,
Одамки кўпларин босган ис, қурум.
Бадбинлар талабди сиздай даҳосин:
«Сизга бу ҳаётда йўқ, дея, ўрин».

Сиз — идрок кишиси, нодонлар қавмин.
Макру озоридан тўйибсиз чандон.
Беминнат тотай деб нон-сувнинг таъмин,
Танҳоликни айлабсиз макон.

Биламан: бу — сизга янги бир азоб.
Ақлнинг яшаши шунчами душвор?!
Дерсиз: Қўймоқ бўлиб дунёни тузаб,
Умри енгил ўтган қай донишманд бор?!

Топмоқ машаққатми нажот йўлини?
Жарликми истак ва имкон ораси?
Ювиб шарт қўлтиққа урмоқми қўлни,
Ўзни муҳофаза айлаш чораси?

Сизни тушунмасдим, агар бўлмаса
Суронли теграмда ақли расолар.
Нур улар қалбида очар гоҳ аза,
Булут қовоғини уларга солар.

Шундан улар — руҳга шифокор куйчи,
Тиним билмас деҳқон — ерига ошиқ.
Ўзин қўяр жойи — эгатлар ичи,
Ўзин қўяр жойи — оловли қўшиқ.

Қончи, археолог уларнинг номи —
Халқим деб тупроқнинг қаърига тушган.
Кимнингки юраги — севги инъоми,
Умри пўртаналар бағрига тушган.

Улар бошпанаси — шу қуроқ замин,
Ҳаёт буровлари улар учун нақд.
Машаққатда туяр улар нон таъмин,
Зеро шундадир бахт, ҳа, ҳа, шунда бахт.

Не маъно яшашдан пинакни бузмай
Ҳаётнинг муаммо, хилофларига?!
Дунёни ким бутлар, ҳамма ҳам сиздай
Кириб кетаверса филофларига?

Илтимос, ундаманг мени сўзлашга.
Раъйим-хоҳишимга ўтказманг ҳукм.
Майлим йўқ мен учун «сен»ни «сиз»лашга,
Сўнг тортиб юрмоққа изтироб юкин.

Тил келмас дилимдан чиқмаган сўзга,
Этилмаган менда сизга ёқар гап.
Мени алдамоғи осондир ўзга,
Лекин яшолмасман ўзгани алдаб.

Кимнидир тинглашдан безганимда гоҳ,
Мени ҳам тинглашдан безмасин қай ким.
Сўзлар бўлсин дейман бемор айтар «оҳ»,
Сўзлар бўлса дейман Луқмони Ҳаким.

Сўзлар бўлса гунча кўзидаги ёш —
Оппоқ тонгга бўлган соғинчларидан.
Сўзлар бўлса ёшни артгувчи қуёш —
Нур ичирар қуёш ҳовучларидан.

Сизга ташриф этган париваш қиздан
Хонада қолгандай муаттар бир бўй,
Қолишин истайман айтилган сўздан
Руҳни янгиловчи не тугён, не ўй!

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Самарқанд шаҳрида 8—12 октябрь кунлари муסיқашуносларнинг «Яқин ва Урта Шарқ халқларининг анъанавий музикаси ва замонавийлик» деб номланган II халқаро симпозиуми бўлди. Симпозиумда 26 хорижий мамлакатдан, Иттифоқимизнинг турли республика ва шаҳарларидан маданият ҳамда санъат арбоблари, музиқашунослар, созандалар, бастакорлар қатнашдилар.

Самарқанд Давлат бирлашган тарих ва архитектура ҳамда бадиий музей қўриқхонасида йиғилиш ўтказилди. Уни СССР Композиторлар союзи правлениясининг секретари, симпозиумни ўтказиш ташкилий комитетининг раиси Ю. В. Келдиш қисқача кириш сўзи билан очгач, халқаро симпозиум қатнашчилари ва меҳмонларини ўзбекистон Самарқанд область комитетининг биринчи секретари Р. Апуралиев табриклади.

Симпозиум ишига санъатшунослик фанлари доктори Ф. Кароматов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Н. Тағмизян, тунислик музиқашунос олим Маҳмуд Гуэта, СССР халқ артисти, қозоғистонлик бастакор А. Жубановалар сўзга чиқишиб, Яқин ва Урта Шарқ халқларининг ҳозирги замон шароитида ижрочилик анъаналари ва бошқа масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Симпозиумда турли мамлакатлардан кел-

ган олимлар, хонандалар ва бастакорлар ўзаро фикр алмашдилар. Классик музика олдидан турган бир қатор муҳим муаммоларнинг ҳал этиш йўллари муҳокама этилди. Буларнинг барчаси халқлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Йиғилишнинг кенгаш раиси Салоҳиддин Мамажонов бошқарди.

Кенгашда адабиётшунослигимизни ва адабий танқидчилигимизни янада ривожлантиришга, шунингдек, «Шарқ юлдузи» журналинда эълон қилинаётган танқидий материалларни мазмунли ва ранг-баранг қилишга доир масалалар муҳокама қилинди. Муҳокамада «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири Пирмат Шермухамедов, Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг директори Ҳафиз Абдусаматов, адабиётшунос олимлардан Абдуқодир Ҳайитметов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Собир Мирвалиев, Нинель Владимировна, Очил Тоғаев ва бошқалар иштирок этдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бесар замон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.
Дорилмон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.
Туғилмоқнинг ўзи — бахт,
Яшамоқнинг ўзи — бахт,
Борми армон, десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.

Сувларда чўкмасим — сен,
Ўтларда ёнмасим — сен.
Боримдан тонай, майли,
Ягона тонмасим — сен.
«Яшаш — ўлимдан оғир»,
Деган экан Искандар.
«У ҳам бекор» десалар,
Сира ишонмасим — сен.

Ўтинаман, азизим,
Қорани оқ демагил.
Кўксимни ер, демагил,
Кўксимни тоғ, демагил.
Одамлардан кўз олиб,
Турсам хаёлга толиб,
Мунгдан йироқ, демагил,
Мунгга ўртоқ, демагил.

Одам — сир тўла дунё.
Ноқисда қай ишим бор?
Боқиб баъзида ҳайрон,
Қошинга қайтишим бор.
Сенда бирдай диёнат.
Сенга бирдай садоқат.
Ҳеч кимга айтмасимни
Ўзинга айтишим бор.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институтида улуг шoir ва мутафаккир Абу Абдуллох Рудакий туғилганига 1125 йил тўлиши муносабати билан кенгайтирилган илмий кенгаш бўлиб ўтди.

Қўлёзмалар институтининг директори А. Қаюмов анжумани кириш сўзи билан очғач, филология фанлари доктори Ҳ. Мухторова Рудакий ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилди. Шунингдек, йиғилишда филология фанлари докторлари И. Абдуллаев, Ҳ. Расулов, М. Қодирова, филология фанлари кандидатлари М. Ҳақимов, Е. Исоқовлар сўзга чиқдилар.

Театр ва расомлик институти талабалари ёзувчи С. Улуғзоданинг «Рудакий» асаридан саҳналаштирилган парчани ижро этдилар.

Москвадаги Союзлар уйининг Колонна залида Ўзбекистон халқ шоири, Ленин мукофотининг лауреати Ғафур Ғулум таваллудининг 80 йиллигига бағишланиб ўтказилган тантанали кеча улуг ўзбек шоирига халқ меҳрининг ёрқин ифодаси бўлди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Вадим Кожевников кечани очиб, Ғафур Ғулум ҳаёти ҳақида, унинг интернационализм руҳи билан суғорилган баркамол ижоди ҳақида дил сўзларини айтди.


Атоқли совет адиблари Чингиз Айтматов, Анатолий Софронов, Мустай Карим, Сарвар Азимов, Римма Казақовалар Ғафур Ғулум ҳақидаги хотираларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар. Шоирнинг шоғирдларидан Ёркин Воҳидов ва Абдулла Ориповлар устоз шеърларидан намуналар ўқидилар.

Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати бастакор Сайфи Жалил ижодига бағишланган авторлик кечаси бўлди. Кечада Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиштириш давлат комитетининг халқ чолғу ансамбли, Глиэр номидаги музика мактаб-интернатининг скрипка ва виоланчелчилар ансамбли ҳамда СССР халқ артисти С. Қобулова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Н. Пўлатова, Х. Лутфуллаев, К. Жалилова, солистлар Г. Ҳасанова, М. Соҳибов, М. Ҳожиматова, О. Мадрахимова, З. Суюновалар иштирокида Сайфи Жалил яратган куй ва кўшиқлардан тузилган концерт берилди.

Республика Ёшлар уйининг «Илҳом» клубида Қорақалпоғистон АССР ёш расомлари асарларининг кўргазмаси ташкил этилди.

Қорақалпоқ диёрини, унинг заҳматқашларини мадҳ этувчи қатор рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва графика асарлари қўйилган кўргазма экспозицияси орасида расомлардан Г. Абдурахмонованинг «Куз», «Оналик», М. Эшонованинг «Хева», «Оқшом», «Қишлоқ», Б. Тожимуродовнинг «Ойна ёнида», Э. Жўлдосовнинг «Каналдан ўтган кўприк» рангтасвир ишлари диққатга сазовор деб топилды. Ҳайкалтарошлардан С. Собировнинг «Тандир», С. Тўлегеновнинг «Бобо ва неvara», М. Бердиматовнинг «Нами» ҳайкаллари, шунингдек Р. Латиповнинг «Қўзғолон» сингари қатор графика асарлари эътибор қозонди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ





Тоғай Мурод



Ойдинда жорган одамлар

Қисса

1

— Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол, қаердандир одам овози келяпти...
Сийрак адирда ёнбошлаб ётган бобомиз момомизга шундай дедилар.
Оғизларини анграйганнамо очиб, ўнг қулоқларини еллар елаётган тарафга
тутдилар. Овозни аниқ эшитавермагач, ўнг кафтларини қулоқлари сиртига
қўйиб, елпана қилдилар. Нафас олмай, бор вужудларини бериб қулоқ
солдилар. Шунда ҳам ҳеч нимани эшитмадилар. Чуқур тин олиб, ойдинга
тикилдилар.

— Манови ёқдан шекилли... Момоси, вақтинг хушми? Эсон-омон
юрисанми? Тўрт мучанг бутми?..

Совчилар қадами қизлик эшикка шараф.

Улар Эсон қассобниқига оқшом вақти келишди. Уй бекаси дастурхон ёзди,
хўжаси мезбонлик қилди:

— Келинлар. Хуш кўрдик.

— Хушвақт бўл, қассоб, хушвақт бўл. Қани, илоҳа омин, шу уйда катта-
катта тўйлар бўлсин, оллоҳу акбар.

— Оллоҳу акбар. Айтганингиз келсин.

Паловдан кейин тарвуз сўйилди. Совчилар одатлари бўйича у ёқ-бу ёқдан
гапиришиб, қассобни роса элашди. Сўнг уларнинг каттаси мақсадга ўтди:

Журнал варианты.

— Синглингнинг бошига бахт қуши қўниб турибди, қассоб, учириб юбормасанг бўлгани.

— Ким экан у? — сўради қассоб.

Қишлоқда бир бўзбола бор. Урта бўй, кенг елкали, пишиқ танали. Қулча юз, сийрак қош, қўй кўзли. Қоматини роз тутиб юради. Жойида тик турганида қўлларини кўкрагига қовуштириб ё белига тираб бир нуқтага тикилади. Қаерга, нимага тикилаётганини билмайди.

Уни илк бор кўрганимизда бу бола ё қаттиқ қайғуда, ё бир нимани ўйлаб уйига етолмаяпти, деймиз. Юриш-туришини кўриб кеккайган, ўзидан бошқани оёғи билан кўрсатади, деб ўйлаймиз. Шоху бутоғинг бормидики, мунча кериласан, деймиз ўзимизча.

У табиат ёқтирган одамлар билан чин дилдан гаплашади. Очилиб гурунглашади. Кўнглига ўтирмайдиганлар билан саломлашгисиям келмайди. Бундан, айримларимиз, у бизни назарга илмайди, деган хулосага келамиз. Оқибат, бировимиз уни хуш кўрамыз, бировимиз нохуш.

У ўзини бизга қалбан яқин тутади. Ҳамиша хайрихоҳ, ҳамдард бўлади. Бир қориндан талашиб тушганлардай бўлгиси келади. Меҳр қўяди. Борди-ю, бирон ёмонлигимизни кўрса, бўлди — қўлини ювиб қўлтиққа уради. Биз билан иложи бўлса саломлашмаслик пайида бўлади. Лекин биздан қайтганини ўзимизгаям, бировгаям айтмайди. Қовоқ-тумшуқ қилиб, ичимдан топ деб юраверади.

У одамови. Бизга кўринмасликка, юзма-юз бўлмасликка интилади. Салом берсак олислардан кўзини узмайди, киприклариниям пирпиратмайди. Шу алфозда бош ирғаб алик олади. Биз у тикилаётган тарафга қараймиз: зангори уфқ, ҳатто булут йўқ... Ҳайрон бўламиз.

У бизни ҳайрон қолдириб-қолдириб яшайди.

Бир нимани сўрасак ҳа ё йўқ, деб қўя қолади. Энсамиз қотиб, қўл силтаймиз. Қўлига сув берамиз. Сувни гўё биринчи кўраётгандай тикилиб, ўзича бош ирғайди. Бу — миннатдорчилиги. Биз нолиб, сен ҳам одамга ўхшаб бирор нима де, деймиз. Нима дейин, дейди. Ҳеч бўлмаса барака топинг, де, деймиз. У тиззаларини қучоқлаб, олисларга — Боботоғ чўққиларига ўйчан тикилиб мингиллайди: «Чин гаплар кўнгилда бўлади. Тилга чиқса ёлғон бўлади-қолади».

У... қўшиқ айтади. Адирга ўтга боради. Ўтни ўриб, боғлаб, теваракка аланглайди. Елғиз ўзи. Хотиржам бўлиб, ўтни болиш қилади. Қўлларини боши остига чалиштиради. Олис-олисларга — пахта хирмони мисол одпоқ булутларга, ҳаволанаётган чумчуқлар галасига термилиб... димоғида қўшиқ айтади. Бора-бора лаблариям қимирлайди: «Ла-а, лалла-а, лам...»

Совчи ана шу бўзболадан.

— Қоплонми? Э-э, унга бўлмайди! — қассоб чўрт кесиб қўл силтади.

— Оғир бўл, сомондай оғир бўл.

— Оғир бўлсам-бўлмасам унингиз одамга ўхшамайди. На саломни билади, на алиқни.

Совчилар санъатларини ишга солади:

— Раҳматли отаси яхши одам эди-а, Мардонқул? Кўп мард, танти эди. Бу отасига тортмабди.

— Нимага ундай дейсиз? Қуйиб қўйгандай отасининг ўзи.

Совчилар бири қўйиб-бири олиб, қассобнинг отасини мақтай кетди. Гапнинг охирини ана шундай отадан қолган ана шундай ўғилга олиб келиб улади.

Қассоб охири ён берди:

— Мен бир нима деёлмайман, совчи ака. Оғайни-жамоа бор, қиз боққан янгаси бор. Яна бир келинлар, маслаҳатлашиб кўрайлик.

Ота-онасининг сўнги зурриёғи бўлмиш қиз беш яшарлигида сағир қолди. Акасининг қўлига, янгасининг қовоқ-тумшуғига қараб кун кўрди. Янгасининг қовоғи уюқ бўлса нафас ютиб, жиянининг бешигини тебратди. Ишимни кўриб янгамнинг қовоғи очилар деб ўйлади. Бешик тебратаётганимни кўрса уришмайди, деган умидга борди.

Қорни очса миқ этмай янгасининг дастурхон ёзишини пойлади. Шундагина дастурхонга қўшилди. Янгасига қараб-қараб дастурхонга қўл чўзди. Янгамга яхши кўринайин деб ўзидай-ўзидай сатилларда сув ташиди. Тўғри, акаси ҳам, янгаси ҳам уни ўз боласидан кам кўрмайди. Шундай бўлса-да, у ўзининг бегона эканини, қонадонда жиянлари билан ўзи орасида катта фарқ борлигини ич-ичидан ҳис этиб яшади.

У ғамгин, мунис бўлиб ўсди. Зийрак ҳам сертамиз, ҳаётдаги майда гап,

қилиқларниям тез илғаб, кўнглига оладиган бўлди. Зарра бошидан ҳаётга, одамларга катталарнинг кўзи билан қаради. Таъсирчан қиз бўлди.

Бари сағирликнинг иши.

У бир қиз бўлди, бир қиз бўлди-е!.. Сарвқад. Сулув юзларини оппоқ десак бизнинг ҳақимиз кетади, қорачадан келган десак унинг. Бурдойранг, саратон юлдузли, паришон зулфли. Ҳрим-ҳрим сочлари бировга талпингандай... Бўлмаса нимага бунча тақимига уриб тўлғонгани-тўлғонган? Қоп-қора холи ингичка лаблари бурчида бўлмасмиди? Иягидаги чуқурчаси ўртасида бўлмасмиди? Келиб-келиб ўнг ёноғининг чўққисида бўладими?..

Акаси хўп бинойи гапни айтди. Бундай қиз тақдирини қариндош-уруғлар жамлигида ҳал этмоқ маъқул.

Икки кун ўтиб, совчилар яна келди.

Қариндошларнинг бири у деди, бири бу деди. Айримлари аразлаб кетди. Бари ўз гапини маъқуллаштириш пайида бўлди. Акаси уларнинг юзларидан ўтолмай, барига бирдай бўлиб ўтираверди.

Гапнинг бўлари қизда қолди.

Янгаси, қайинсинглимнинг кўнглига қўл солайин, дея ошхонага йўл олди.

Кенжа жиянига қатиқ ялатиб ўтирган Оймомо янгасини кўриб, ўзига қараган бўлди — елкасига сирғаниб тушган ироқи рўмолини ёпинди. Кўйлагининг юқорига йиғилиб қолган барини тортиб, тиззаларини ёпди. Жияни қулочини очиб онасига талпинди. Янга кенжасини бағрига олди. Қайсинглисига такилиб, мийғида қулди:

— Сен нима дейсан?

— Нимани нима дейман?

— Талмовсирама. Бирор нима де. Совчи кепти.

— Кимга?

— Менга бўлармиди, сенга-да.

— Э-бей, мен сизга нима қилдим! Боринг-е!

Оймомо терс ўгирилди. Косов билан қозон остидаги оловни кавлади. Кенжа онасининг ёқасини таталади:

— Эна, мамма, мамма бер...

Янга ўғлига кўкрагини тутди.

— Уялсанг-уялмасанг бу ҳамманинг бошида бор. Биз ҳам сендайин уялиб эдик. Мана оқибати — жиянинг шўрпиллатиб эмиб ўтирибди.

— Эрга тегаман деб ўлиб ўтирганим йўқ.

Янгаси орқага чайқалиб қулди. Кўкраги кенжасининг оғзидан чиқиб кетди.

— Мен сени ўлиб ўтиргандир, деб ўйлабман. Менга қара, бугун, бугун бўлмаса эртага бари бир келин бўласан.

Кенжа мимит қўлларини чўзавериб онасининг кўкрагини яна оғзига солди.

— Жойинг чиқиб турибди, хўп деябер. Қоплон икки елкасига уй тикса бўладиган йигит.

— Мен ундай одамни танимайман. Керак эмас.

— Энди танийсан. Менинг айтганимдан қолма.

Сукут. Оймомо чўққа тикилган куйи ўтираверди. Чўғ Оймомонинг юзларидан, Оймомонинг юзлари чўғдан қолишмади, янгаси кенжасини Оймомога берди.

— Бўлди, сукут-аломати ризо.

Янгаси бориб, Оймомонинг сукунати баён этди. Совчи тараф дастурхонга ўраб келган нонни ўртага қўйди. Қалин айтиш бошланди.

— Хў-ўш...

— Элга қараб айтинг-да.

— Хў-ўп...

— Бўлди-е, ҳеч ким қиз узатиб бойиган эмас.

— Шуларга розимисизлар?

— Қани, илоҳи-омин, икки ёш қўша қарисин, оллоху акбар.

Янгаси қизнинг онаси ўрнида фотиҳа ўқиди. Нон синдирилди.

Совчиларнинг бири тўн кийди, бири белбоғ, боғлаб кетди.

Куёв тарафдан фотиҳа тўйи келди. Қўй, зиғир мой, гуруч, майиз...

Келин-куёвлик даври бошланди. Куёв келиннинг қариндош-уруғларини кўрганда ҳурмат юзасидан ерга қараб ўтди. Кўзларига тик қарамади, давраларда бирга ўтирмади.

Қайитда келинниқига бир фаранги рўмол, кавуш, узук, турли ноз-неъматлар, куёвниқига келин тарафдан кўйлак, желак, белбоғ, қўлрўмол

хайитлик келди. Бари келиннинг ўз қўлидан. Буни рўмолча ўртасидаги қип-қизил чўғдай атиргулдан билдик. Атиргул келиннинг куёвга рўмолча эмас, ўз кўнглини юборгани рамзи. Қоплон рўмолчани юзларига босиб ҳидлаб, қайлигининг ҳидини олди, қўйнига солиб қўйди.

Қудалар бир-бировиникига хайитлаб борди.

Ой ўтиб, келинникига кўрпа-тўшак матолари, пахта юборилди. Бу тўққиз деб аталади.

Бир оқшом Қоплон келиннинг акаси бир ёққа кетганини билди. Ошналари билан қоронғида қайлигиникига бориб, деразани чертишди. Янгаси қаради. Улар, куёв қайлиги билан гаплашмоқчилигини айтишди. Янгаси, гаплашгиси келган бўлса тўй қилсин деб, йўл бермади.

Тўй бозор оқшоми бўлди.

Тўйга айта-айт. Қизлар келин тарафга, йигитлар куёв тарафга айтди.

Кимнинг кўнгли қайси тўйга чопса, шунга борди. Аёл зоти келинникига, эркаклар куёвникига ёғилди. Куёвникида неча-неча қўйларнинг боши кетди. Неча-неча кўзалар бўшаб қолди. Дутор машқлари, хонишлар ҳавода учиб, кўниб турди.

Тўйхона тўла тўйловчи.

Кўчада болалар шовқин солди:

— Тобоқ келди, келинникидан тобоқ келди!..

Дарвозада елкалари, бошларида дастурхон кўтарган аёллар пайдо бўлди. Улар келинникидан ўнга товоқ олиб келди. Товоқларнинг бирида палов, бирида қовурма гўшт, бирида қайнатилган тухум, яна бирида ширгуруч...

Товоқлар даврага қўйилди. Тўйловчилар кўнгиллари тортганидан еди. Бўшаган товоқлар йиғиб олингач, жўрабоши даврага катта рўмол ёйиб, айтди:

— Куёвтўра ҳам келиб қараб турсин, ким қандай совға ташлайди.

Ўтирганлар атаган совға-саломларини рўмолга ташлайверди. Биров бир кийимлик атлас, яна биров шойи ташлади. Рўмол деярли тўлди. Дуо эзгу бўлди:

— Тўйники тўйда қайтсин...

Куёвжўралар келинникига йўл олиб, ўзларига ажратилган уйга қўнди.

Ҳовлининг у юзидаги уйда келин бор. Қизалоқлар деразадан мўралаб, келини томоша қилди. Қизлар гуж бўлиб ўтириб, бири ҳавас, бири ачиниш билан келинга боқади. Келиннинг ихтиёри қизларда. Маънос нигоҳлари кигиз гулида. Биров бармоқларини тупуклаб келиннинг зулфларини бот-бот бурайди. Зулфлар гажакдан-гажак. Яна биров тўнтарилган пиёла орқасига ўсма эзиб, келинга ўсма қўяди.

Шу вақт беш-олти одам келинли уй даҳлизига кирди. Эшик қия очиб қўйилди. Оқсоқолроғи келиндан вакил сўраб, бошлади:

— Сизким, Оймомо Абдибой қизи, ўзингизни Қоплонбой Қурбонбой ўғлига бағишламоқ ваколлатини акангиз Эсонқул ўғлига топширдингизми?

Сукунат. Келин миқ этмади. Қизлар, айтма, дея шивирлашди. Эшик орқасида турган куёвнинг ошналари қизларга пул узатди. Қизлар пулни бўлиб олди. Келин ҳамон жим. Биров яна пул узатди.

— Бўлдими? Энди айтсин.

— Ай Ҳолбуви, сен ҳадеб шивирлайберма.

— Шивирлайман. Нима, сенга бирданига ҳа деяберадим...

— Ҳа дейиш осонми...

Оқсоқол қайтариб айтди. Жавоб йўқ.

Куёвнинг ошналари:

— Тонг отгунча ўтираберамизми?

— Дугоналарингнинг гапига кирма. Улар сенга ғайирлик қилапти.

— Ай Норгул, шу бузмакорлигинг бўлса санга биров ҳам қарамайди.

— У ёқда куёвтўра интиқ бўлиб қолди...

Қизлар:

— Интиқ бўлса-бўлар.

— Қирқига чидаган куёв қирқ бирига чидар.

— Бир тонг отса отибди-да, янаги тонглар бор...

Оқсоқол охирги — учинчи бор сўради. Учдан кейин пуч. Оқсоқол ўрнидан туриб, эшикка қараб юрди:

— Келин хоҳламаяпти. Энди никоҳни қолдираман.

Шунда оқ парда ичидан ҳа, деган заиф овоз чиқди. Ҳамма эшитди.

Даҳлиздагилар чиқаётиб, бирови шундай деди:

— Агар яна бир оз ҳаяллаганингда куёвсиз қолиб эдинг...

Куёвни олиб келдилар. Дастурхонга бир чинни коса сув, иккита ёпган нон қўйилди. Келиннинг акасидан сўрадилар.

— Ҳа, шаръий аёлликка бердим, — деди ака.

— Сизким, Қоплон Қурбонбой ўғли, Оймомо Абдибой қизини ўзингизга шаръий аёлликка қабул қилдингизми?

— Қабул қилдим.

Махсум сувдан бир ҳўплаб, куёвга берди. Куёв ҳам ҳўплаб, косани қайтарди. Никоҳ сувидан куёвжўралар ҳам ичишди.

— Олти ой бенафақа ташлаб кетмаслик, ноҳақ урмаслик, ўз розилигисиз устига хотин олмаслик, ҳалол юриш-туриш... Шу шартларни қабул қилдингизми?

— Ҳа.

— «Ҳа» кифоя эмас. «Қабул қилдим» деб айтинг.

— Қабул қилдим.

— Баракалло.

Никоҳ ўқилаётганда онаси куёвнинг елкасига беқасам тўн ташлади. Ҳамиша бирикиб юрсин, ажралиб кетмасин, деб беқасам елкасидан ип ўтказди. Ипнинг учини тугмади. Ҳамиша буғдойдай сероб, бола-чақали бўлиб юрсин дея, куёвнинг боши узра бир ҳовуч буғдой сочди.

Куёв ошналари қуршовида чимилдиққа йўл олди. Оёғида пошнаси баланд, ғарчиллама этик. Елкасида беқасам, белида шойи белбоғ, бошида кўқон дўппи.

Чимилдиқли уй тўла аёл. Куёв аёллар орасидаги тор йўлдан юрди. Чимилдиққа кириб тик турди. Елғиз турмасин, деб ошналаридан бири ёнида йўлдош бўлди.

Пойандозни бир-бир босиб келин келди. Устида беқасам камзул, атлас кўйлак. Оёқларида кавуш, юзларида оппоқ ҳарир. Бошида ипак рўмол, пешонасида тиллақош. Тиллақошнинг жимжимадор турфа кўзлари ёруғда ялт-юлт этади. Қулоқларида зирак. Кўкрагида саккиз кумуш нишонли зебигардон. Зебигардоннинг ферузалари, бодомлари товланади.

Уйни олқор, кийик ўт, ялғиз ҳиди босди. Улар қизларнинг қулоқлари, кўкракларида.

Қизлар келинга, йигитлар куёвга бўлишди:

— Кўзингга қара.

— Эмишки, ё куёв, ё келин эпчиллик қилиб, бировининг оёғини босади.

Биринчи бўлиб босгани рўзгорда умр бўйи ўктам бўлади.

Келин куёвнинг оёғидан кўз узмай чап ёнига қараб юрди. Келин бирдан чап оёғи билан куёвнинг ўнг оёғини босмоқчи бўлди. Куёв эпчиллик билан оёғини тортиб олди. Келиннинг оёғи кўрпачани босди. Куёв чаққонлик қилиб келиннинг оёғини босди. Йигитлар голибона қаҳ-қаҳ урди:

— Куёв босди, куёв ўктам!

Келин-куёв ёнма-ён тик турди. Йигитлар уларнинг пойида давра қурди. Йигитлар қизларга ҳазил-мутойиба гаплар отди. Кўнгиллар кўнгилларни, кўзлар кўзларни излади, топди. Кўнгиллар айради, кўзлар ўйнади. Сирли, ўғринча кўз уриштиришлар бўлди. Бировларнинг юраги ўйнаб кетди. Бировлар бир-бирига тикилиб, мийиғида кулди. Биров асир бўлди, биров голиб. Қайси бир юракнинг кўҳна дарди янгиланди, қайси бирида шу дақиқадан бошланди.

Пешоналарда манглайдўзилар, қулоқларда бодомнусха кумуш гажаклар, балдоқлар, ойнадор ҳалқалар. Кўкракларда туморлар, безбандлар, нози-гардонлар, уч қаторли шокила, тўрт қаторли, беш нишонли маржонлар...

Бошларда оттуёқ рўмол, шолрўмол, балхирўмол, қулмирўмол, шотутирўмол, симликрўмол, ҳариррўмоллар...

Бодомча, ироқи, чоргул, баҳмалтепа дўппилар...

Халқимиз камалакни матога кўчирган. Номи — атлас. Ана, оналаримиз, опа-сингилларимиз, қизларимизнинг эғнида товланяпти...

Тўй охирлади. Ит ғириллатар, кампир ўлди, соч сийпатар, қўл ушлатар, ойна кўрсатарлар бўлди.

Ойна кўрсатари қизик. Кайвони аёл келин-куёвга ойна тутди. Улар юзларини ойнадан олиб қочди. Келин қараса, куёв қарамади, куёв қараса, келин. Кайвони аёл келин-куёвнинг бошини ёнма-ён ушлаб ойнага қаратди. Гапирмаганларигаям қўймади. Куёв келиннинг акси билан, келин куёвнинг акси билан пичирлаб гапиришди:

— Бизни вояга етказган ота-онамизга минг раҳматлар бўлсин.

— Акамиз, янгамизга ундан ҳам кўп.

— Ула-ўлғунимизча бир-биримизга содиқ қолайлик.

— Ундан кейин ҳам.

— Ўғил-қизларимиз...

— Бир этак бўлсин.

Чимилдиқ тушди. Келин-куёв чимилдиқ ичида қолди. Икки момо биринчи тунда келин-куёвни қўриқлаб, чимилдиқ сиртида ётди. Улар урчиқ йигириб, ўзларининг келинлик даврларидан гапириб ўтирди.

Куёв қайлигининг қошига борди. Келин чимилдиқ тарафга ҳадиксираб қараб, куёвга тикилди. Бу тикилиш билан шундай деяр эди:

«Ҳолисроққа ўтиринг, момолардан уят».

Куёв ўтираверди. Қайлигига ўпка-гина билан термилди:

«Ҳа» дейиш шунчалар мушкулми? Ошноларим сарғайиб сомон бўлибди»

Келиннинг мийиғида табассум:

«Дарров «ҳа» деганимда эшитганлар, келин ўлиб турган экан, дерди-да».

«Чин. Мен дарров «ҳа» деб юборибман. Миқ этмай ўтираберсам бўлар экан».

«Индамай турабериш куёвлар учун эмас, келинлар расми. Аслида-ку, биринчи сўровдаёқ «ҳа» дегимиз бор...»

Момолар чимилдиқдаги жимжитликдан алағда бўлди. Бирови чимилдиқ бурчидан мўраллади:

— Ораларинг мунча олис? Е биздан уялапсиларми? Уялманглар, бари биздан қолган гаплар.

Момолар бири қўйиб, бири олиб ўз келинлик олаמידан хўп ўхшатиб гапиркеттишди. Келин пиқирлаб кулди. Кулгини эшитган момолар энгил тортиб, хайрият-е, деди.

Куёв тонг ёришмаёқ чимилдиқни тарк этди.

Қоронғи бўлиб, одам одами танимай қолганда ошналари куёвни келинликка кузатиб келди. Чимилдиқли уйда давра қуриб, зиғир мойли паловни «урдилар-у», кетдилар.

Куёв ёлғиз қолганда қайлиғи келди. Дераза пардаларини текислади. Токчадаги шамни ёқиб, чироқни ўчирди. Шамни кўтариб чимилдиққа кирди. Куёв шам изидан келди. Лўла болишга ёнбошлаб, шамга тикилди. Қайлиғи рўмоли учи ҳадеб кўксига тушавергач, елкасига қайириб ташлади. Уям тўлганиб ёнаётган шамга термилиб қолди.

... «Тоғлар кулранг, қирлар кулранг. Арчалар кўм-кўк. Адирлар ўрқач-ўрқач. Енроқлар азим-азим. Това тошлар улкан-улкан... Бир қиз елкасида кўза кўтариб, булоққа келяпти. Ана, кўзасини ерга қўйди. Булоқ сувларида юзини ювди. Сувда бир отлични кўрди. Рўмоли билан юзини яшириб, ҳаёланди.

— Кўзларингни яширма, Оймомо.

— Кетинг, кетинг, одамлар кўради.

— Булоқ сувларидан ичайин деб келдим.

Бўзбола отдан тушди. Бир қўлида жилов. Ҳовучлаб сув ичди. Бир ҳовучини қизга сепиб юборди. Оти ҳурқди. Қиз юзларини артди.

— Ичган бўлсангиз энди кетинг.

— Кўзларингни бир кўрай деб келдим.

— Кўришга менинг кўзларимдан ўзгаям кўзлар кўп.

— Йўқ, ҳар кимнинг ўз кўзлари бўлади. Сенинг кўзларинг — меники. Майли, энди келмайман.

— Кўзларни деб келмасангиз ҳам, булоқ суви ичгани келинг».

Улар хаёлларини бир-бирларидан яширишди. Айни вақтда бир-бирларининг нималарни хаёл сураётганларини билмоқчи бўлишди.

— Гапир.

— Узи гапирсин.

— Сен гапир.

— Узи гапирсин-да.

— Нимани?

— Узимизнинг оқшомларни, қирдаги буғдой ўримини.

— Сен гапир, қирдан қайтганимизда зардоллар остида тўхтаб, сенга зардоли териб берганимни.

— Узи гапирсин, қўллари зардоли шохларида бўлса-ям, кўзлари менда эканини.

— Сен гапир, шамолда рўмолинг учиб кетганини, мен ушлаб келганимни.

— Узи гапирсин, рўмолга узатган билагимдан маҳкам ушлаганини, йиғлайман десам-да, қўйиб юбормаганини.

Сукунат. Улар хаёлан кўришишди: зардоллар остига тапиллаб тушди...

Кўршапалаклар учди. Эшитдилар: ёз чигирткалари чирилади.

— Йўқ, сен гапир, қўлларингни ушлаганимни уялмай-нетмай янганга айтганингни.

— Үзи гапирсин-да, айтдим деб алдаган бўлсам-да, янгамдан уялиб, кўзларига кўринмай юрганимни.

— Э, айтмаганинг чинми?

— Чин.

— Мен янганга рўпарў бўлолмай юрибман, юзларига қандай қарайман, деб.

— Билса, ҳалиям айтганим йўқ.

Куёв завқланди. Шипга тикилди. Кўзларини юмиб, сукутга кетди. Жимжитлик қайлиғининг кўнглига таҳлика солди. Хаёли бир ёқларга кетди.

— Нималарни ўйлапти?

— Ҳазимизнинг оқшомларни.

— Зубайдани-чи?

Қайлиғи куёвнинг жон жойидан ушлади. Куёвнинг хаёли учди-кетди. — Сен ундай ўйларга борма. Қараганим чин. Мен сенга айтсам, қарайдиган вақтлар эди. Кимга қараган бўлсам, сени деб қараганман. Чин, Зубайдага қарадим. Йўқ, у сен эмас экан. Болхинга қарадим. Уям бошқа экан. Яна бировга қараб эдим — у ўзинг экансан.

— Шу чиними?

— Чиним.

Қайлиғи ийиб кетиб, дилдорлик берди:

— Унда, мен сизга тан бердим...

Куёв-қайлиқлар тонги тез отди. Қайлиқ куёвнинг кучоғидан қўзғалди. Куёвнинг бежо қўлларини рад этиб, айтди:

— Турсин энди. Бебошлик қилабериб, бир тонгнинг бошига етганиям бўлар.

Куёв ювиниб, белбоғини ўрай-ўрай эшикка юрди. Эшик балдоғини ушлаб, серрайиб қолди. Елкаси оша қаради, кетгиси келмади. Қайлиғи пешонасига келди, рўмоли учини гижимлаб ўйнади, бармоқларига тикилди. Куёв хайр дегандай бош ирғаб, эшикка бурилди.

— Энди келмасин, ёмон экан... — деди қайлиқ.

Куёвнинг кўнгли тонгдай ёришди. Борди-ю, қайлиғи қачон келасиз, ё яхши боринг, деганида оғринган бўларди.

Куёв катта кўча бўйлаб юрди. Кўзларига жамики олам — уйлар, деворлар, дарахтлар, қушлар оппоқ бўлиб кўринди. Пойидаги йўл оппоқ чойшабдан. Кўча ёқалаб оқаётган сув оппоқ. Шовуллашлариям оппоқ...

Тонг етилди. Юлдузлар сўниб-сўниб, Зухро ёлғиз қолди.

Куёв қулочини катта очиб тонгни бағрига босди. Тонг бепоён осмони, қорга беланган тоғлари, паришон адирлари, сарвқомат тераклари билан қўйнига кирди. Кафтларини очиб, ҳавода тўзғиган тонг сочлари — елларни силади. Тонгни ўпиб-ўпиб олди.

Ариқ ёқалаб чолди. Йўл четидаги йўғон тут танасини кучоқлади. Бармоқларини ботириб, тананинг шохчаларини — сочларини таради.

Яна чошиб кетди. Рўпарадан биров келяпти. Одамзодни энди кўраётгандай синчиклаб қаради. Энг ёмон кўрадиган одами Ҳасан овчи. Кўзига овчи яхши бўлиб кўринди. Оламда ёмон йўқ, ҳамма яхши. Умрида биринчи бор Ҳасан овчига салом берди. Салом кўтмай кетаётган овчи хийла ўтиб тўхтади. Ҳайрон бўлиб алик олди. Изига қараб-қараб кетаётиб, ўзича ғудуллади:

— Тарвузинг ёрилибди-да...

Бир аёл келаверди. Аёл олисда бўлса-да, куёвнинг юзлари ловиллаб кизиди. Энди аёл зотининг юзига қандай қарайди?

Йўлини чап солди. Ошнаси Абдураҳмоннинг уйига борди. Улар ҳали уйқуда экан. Меҳмонхонага кириб, ўзини тайёр тўшакка ташлади. Чалқанча этиб, қулочини ёйди. Шипга қараб илжайиб ётавериб, кўзи илинди.

Қурбон ҳайитда қишлоқдаги улкан ҳовуз бўйида жийноқ бўлди. Одамлар ҳайитлик кийимларини кийиб жийноққа келди. Жийноқда турли нознеъматлар, чуқури, халво, нўхат, ёнғоқ, писта, ўсма, лойшувиллак сотилди.

Болалар шувиллак чалавериб, сибзиқ чалавериб қулоқларни битирди. Қизлар улкан тут остида ғуж бўлди. Сардор қиз жиккакроқ болага бир ўрам арқон берди.

— Мен чиқолмайман, Олғирга беринг, — деди бола.

— Олғиринг ким?

— Ана, Чори.

Бир бола югуриб келиб арқонни олди.

— Мен Олғир, менга беринг.

Чори арқонни белига боғлади. Ялангоёқ бўлиб, танаси икки қучоққа сиғмайдиган улкан тутга тирмашиб чиқди.

— Қайси шохга ташлайин? — пастдагилардан сўради Чори.

— Хув манави букри шохга, — жавоб берди сардор қиз.

Чори шу шохга чиқиб борди. Белидаги арқонни шохга ташлади. Ерга арқондан осилиб тушди. Масофа камида ўн беш қулоч.

Пастда кафтини пешонасига қўйиб қараётган қизлар қўрқиб, нафасини ютди. Сардор қиз Чорининг елкасига бир муштлади.

— Тарзан бўлмайт ўл-а! Юрагимни ёрдинг-ку!

Чори сапчиб, ҳиринглаб кулди.

— Урманг, бўлмаса Нурали акамга айтаман.

— Нуралининг ким?

— Сизни аччиқ зардоли остида қучоқлаб ўпадиган-чи?

— Ўчир-е, кўргилигинг кўп бўлгур?

Қизлар гўрр кулди.

Сардор Чорини қувиб юбориб, арқоннинг икки учини маҳкам тугди.

Биров халинчакка ўтирди. Сардор уни у ёқдан-бу ёққа олиб бориб, олиб келди. Зарб билан қўйиб юборди. Қиз халинчакнинг учишига қараб гоҳ ўтириб, гоҳ туриб суръатини оширди. Елланди, солланди.

Теварақдаги томларда ҳалво еб ўтирган бўзболалар қизларнинг халинчак учишини томоша этди.

Халинчакка Оймомо чиқди. Отуёқ рўмолини бўйнига ўраб, солланиб-солланиб бир учди, бир учди-е! Гир айланиб кетайин деди. Халинчак юқоридан пастлаётганда ўтирди. Ўнг тарафга кўтарилиб борди. Тўхтаб қолгандай бўлди. Яна турди. Зарб билан солланиб, чап тарафга кўтарилди. Халинчак бериги учдан нариги учга кўтарилганда томошагўйларнинг дўпписи тушиб кетайин деди. Қизлар рўмолларига қўлларини қўйиб қарашди.

Қоплоннинг юраги тахликага тушиб, ё пирим-эй, ё пирим-эй, деди. Халинчакнинг суръати пасаймагунча юрагини ҳовучлаб ўтирди. Халинчак секинлади. Пастлаб келганда Оймомо ўзини ерга ташлади. Чопиб бориб, бир қизни қучоқлаб олди.

Қоплон енгил тин олиб, оғзидаги ҳалвосини чайнади.

Оқшом қайлиқ ўйинига борганида қойиллигини яширмади:

— Юрагингга балли-е, айрипландайин учдинг-а?.. Сенга қараб ўтириб, менинг бошим айланиб кетди.

— Учиб қолайин. Яна бир-икки ойдан кейин учиш қаёқда...

— Нимага ундай дейсан?

Қайлиғи жавоб ўрнига унинг бармоқларини ушлади. Куёв бунинг маъносини англади. Ўзича ҳа-а, дея кулумсиди. Қайлигининг бошини кўкрагига босди. Сочларини силади.

— Отини нима қўямиз?

— Барчиной.

— Сен ҳали...

— Қиз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.

— Йўқ, ўғил бўлсин. Отини ҳам ўйлаб қўйибман. Хушвақт!

— Сўнг?

— Сўнг уни катта қиламиз. Уйлантириб, неварачевара кўрамиз. Мен бобо бўламан, сен момо бўласан.

Қайлиғи завқланиб кулди:

— Мен бу кишини боваси деб чақираман.

— Мен сени момоси деб.

— Боваси?

— Момоси!

Хушвақт йўлида энтикиб-энтикиб, тонгни оқладилар.

Тандир тўла нонлар ёпилди. Келиннинг бисотлари, юк-ёплари отларга ортилди. Ой тўйхона устида ҳаволанганда супа олдида бир саман ҳозир бўлди. Ҳамсоёси от жиловини ушлаб турди. Янгаси оёғидан олиб юборди. Келин отга минди.

Келинга бир бегуноҳ бола мингашиб боради. Бу шараф талаш бўлди. Қариндошларидан беш-олти бола мен мингашаман, мен мингашаман, дея туриб олди. Қассоб акасининг ўғли мингашди. Ўзга болалар йиғлаб қолди.

Оғайни-жамоа ҳовли юзига чиқиб, ёппасига оқ фотиҳа берди. Отни келиннинг ўнг тараф ҳамсоёси етаклади.

Ен қўшнинг — жон қўшнинг.

От остонадан хатлади. Келин узатилди.

У йиғи бошлади. Буни ўз уйини тарк этаётганидан, қариндош-уруғларидан олислаб кетаётганидан десак-да бўлади. Акаси, янгаси, жиёнларининг кўнгли учун десак-да бўлади. Ё, акам билан янгам биздан қутулишга зорманда экан, демасин деган андишадами? Шундай десак-да бўлади. Ё, куёвникига бораётгани қувончи, хушвақтлигиданми? Айниқса шундай десак бўлади!

Белидан жияни маҳкам кучоқлаб олган келин эшитилар-эшитилмас йиғлаб борди:

— Уввв...

Саман териб қадамлади: тик-тик-тик... Ҳовлиларда йтлар ҳурди. Чап тарафдаги чорбоғдан ловия қовуннинг иси келди. Одамлар чорбоғ тарафга қараб тўйиб нафас олди.

Кўприкка яқинлашганларида шарпалар кўринди. Яқин борсалар, кўприкка икки йигит таёқ тутиб турибди. Таёқни олмасалар кўприкдан ўтиб бўлмайди. Йигитлар келиндан талаб қилди:

— Куёв. беринглар!

Келин тараф сукут сақлади. Йигитлар ўз сўзида турди:

— Унда йўл йўқ.

От етакловчи қўйнидан тиккан рўмоллардан чиқариб йигитларга биттадан берди. Таёқ олиниб, йўл очилди.

Куёвнинг уйига етиб келдилар. Биринчи бўлиб хабар топган болалар келинга пешвоз чиқиб:

— Яшасин, келин келди! — дея қийқиришди.

Дарвоза олдида гулхан ёқилди. Келинни гулхандан уч марта айлантирдилар. Оқлик учун, ҳамиша оқ кўнгиб бўлиб юришлари учун келин-қудаларнинг юзига ун сепдилар. Юзини рўмоли билан яширган яширди, яширолмаган унга беланди.

Саман қора ўтов олдида оёқ илди.

Куёв келинни отдан тушироқчи бўлиб, қулочини очди. Келин унинг қўлини суриб, ўзича рад қилган бўлди.

Бари бир, келин шу қучоқдан тушди.

Қариндошлари, дугоналари келиннинг гирдини олиб турди. Қишлоқнинг кайвони момоси келинни рўмоли бурчидан ушлаб эшикка етаклади. Келиннинг бошини остонага эгди:

— Мана шу остонага би-и-ир... таъзим!

Келин остонага ўхшатиб таъзим қилди. Яна бир эгилиб, остонани тавоф қилди. Кайвони момо келинни таъзимлатиб-таъзимлатиб ичкарилаб бораверди:

— Бизни яратган Одам Атомизга бир таъзим! Бизни бино этган Момо Ҳавомизга бир таъзим!... Пастроқ эгил, у киши кўп улуг эди. Ҳа, бўйингдан момонг айлансин. Қани, юрабер.

Келин чимилдиқда тик турди.

Чимилдиқ боғида келиннинг ўн саккиз хил кийими терилган. Деворларга ойнахалталар, чойхалталар, зардеволлар, сўзаналар осилган. Сўзаналарда «Хуш келибсиз» деган каштали сўзлар. Бир сўзанада атиргул, бирида қизил олма рамзи. Яна бирида қизил гул тишлаб парвозланаётган каптар. Каптар остида «О», манзил тарафда «Қ» ҳарфлари кашталанган. «О» — Оймомо, «Қ» — Қоплон.

Бари келиннинг иши.

Кайвони момо келинни тўйловчиларга салом бердирди:

Сойдан хўкиз сувлатган,
Дўмбирасини куйлатган,
Ўғилларини уйлатган —
Қайнонамга салом!

Осмондаги юлдуздай,
Қоши қора қундуздай,
Дили ойдин кундуздай —
Қайнонамга салом!

Байтлар кайвонидан, таъзимлар келиндан бўлаверди.

Қозонларинг қопқоғи,
Аёлларинг оппоғи,
Мисли олма ёноғи —
Гулсун опамга салом!

Сочин силлиқ тараган —
Санам холамга салом!

Ғижим рўмол ўраган,
Бурилиб ойга қараган,

Боғда узум ғўраси,
Куёвбекнинг жўраси,
Норгулунинг тўраси —
Баҳром акамга салом!

— Кайвони момо, ҳамсояси Сувон дароз, мен қолиб кетдим, деб ўпкалаяпти.

— Унда, эшитсин:

Тегирмоннинг ноидай,
Адрас тўннинг боғидай —
Дароз акамга салом!

Норбоз чўпон ўрнидан туриб кетди:

— Ай момо, нимага келин менга салом бермайди?

— Салом бергани бўлсин. Эшитинг:

Қопга тикқан похолдай,
Индан чиққан шохолдай —
Чўпон акамга салом!

Бўлди кулги!

— Ҳай, улкагарнинг момоси-е, бекор ўпкалабман-а!

Куёвни чақириб, униям чимилдиққа солдилар. Чимилдиқ туширилди.

Келин азонда аёллар ҳамроҳлигида, эшикни, туйнукни очди. Шу хонадонга содиқ бўлиш рамзида итнинг ялоғига овқат қуйди. Идиш-товоқларга кўз солди. Пориллаб ёнаётган оловга мой томизди. Бу — бахтли бўлиш рамзи.

Невара-чеварали бўлиб юраин деб қўлига гўдак олди.

Палов сузилди. Ҳамма палов еди. Келин қўл узатмади. «Келин ош емади» бўлди. Куёвнинг тоғаси келин ош ейиши учун бир кийимлик, саккиз тепкилик атлас, аммаси қўқонча шойи айтди.

— Айтадиганлар оғзига қараб айтсин, — деди кайвони момо.

Дарҳақиқат, айтганлар айтганини чақирқиқда келинга кийгизадилар. Охири эшик олдида серрайиб турган қайинонаси айтди:

— Мана шу уй-жой турган-туриши билан сеники.

— Ана бўлмаса! — деди кайвони момо.

Келин паловга қўл узатди.

Юзочар бўлди. Келиннинг юзини очиш бегуноҳ норасиданинг иши. Шу боисдан момолар куёвнинг тўрт-беш ёшлардаги укасини гижгижлашди. Бола янғасининг юзидаги рўмолни бехосдан кетига силкиб юборди.

Келин юз очди.

Тўйловчи кетиб тўйхона, келин ҳам куёв қолди. Ота-онаси уларга бўлак ҳовли солиб берди.

II

Момомиз у кишининг шундайгина ёнларида ўтирибдилар. Дока рўмоллари учи елларда ҳилпираб-ҳилпираб, бобомизнинг юзларига урилади. Пешоналари, лабларини силаб ўтади. Бобомиз ҳам ҳузурланиб, ҳам ғашланиб киприкларини пирпиратадилар, ёноқлари, лабларини учирадилар.

Дока рўпол момомизнинг сочларидай оппоқ, майин. Оҳиста эсаётган ёз еллари танга ҳузур беради. Еллар салқин, сокин.

Ёз елларидан тунроқ ҳиди келади.

— Бу йил пишиқчилик яхши келди, момоси, мевалар мўл...

Қоплоннинг оёғида оғриқ турди. Иликлари қизишиб, ичида бир нималар ғимиллаб юргандай бўлди. Оғриқ тиззаларигача борди. Чалқанчадан ёнбош бўлди. Аёли тарафга ўгирилди.

— Ҳаво севалаб ўтадиганга ўхшайди, момоси.

Оғриқ зўрайди. Тўпиқлари, товонлари ичи ачишиб оғриди. Иликлари зирқиради.

— Йўқ, момоси, ҳаво босиб қуяди, мана кўрасан.

Дарҳақиқат, ярим кечада ёмғир шовуллади. Деразаларни чертди. Тўнтариқли тоғораларни чалди. Қоплоннинг уйқуси қочди. Айвонга чиқиб, ҳовли чирогини ёқди. Юзларига ёмғир нафаси урилди.

Тарновдан тушаётган ёмғир кўлмакланди. Кўлмакка томчилаётган ёмғир чулдиради. Ҳовлининг қоронғи бурчида мушук кўзлари йилтиради. Қурбақа ўтлар орасидан сапчиб чиқди.

Ҳаво шу қуйганича эртаси тушда тинди. Кун ярақлаб кетди. Оймомо кўрпа-тўшакларни шамоллатгани ҳовлидаги симга осди. Деразаларни ланг очди. Офтобрўяга тўшак ташлаб, дастурхон ёзди.

Қоплон телпагини пешонасига сурди. Кўзларини юмиб, ўзини офтобга тоблаб ётди.

Оймомо дастурхон четига чўккалади. Офтобда исиниб, тикиш тикди. Макиён энди очган жўжаларини эргаштириб, қурқиллаб ўтди. Ҳовли юзида бир соя айланди. Кўзлари юмиқ Қоплон кўрмади. Оймомо кўзларини қисиб қараб, нима эканлигини билмади.

Ғажир ҳовли узра давра олиб, ерга юлдуздай учди. Қанотларини кенг ёзиб келиб бир жўжани панжалари орасига олди-ю, яна ўқдай юқорилади. Оймомо шундагина нима бўлаётганини англаб, сапчиб турди. Қўл кўтариб ғазаб қилди:

— Киш дейман-а, қиёмат кетгур!

Ғажир терак бўйи кўтарилди. Панжаларидаги жўжа чийиллаб қўяверди. Макиён жўжасига талпиниб-талпиниб осмонга сапчиди. Бор-йўғи том устигача кўтарилди. Чийиллаётган жўжасига қараб, фарёдли қақоқлади. Ерга тушди. Оймомони айланиб қақоқлади — мадад сўради. Жўжаларини катагига киритди, қанотлари остига олиб пиңакка кетди. Жўжасининг азасини тутди.

Оймомо катакка ачиниб қараб, бош чайқади: «Нима бўлгандаям бола-да!.. Бўлмаса қолган ўн беши камлик қиладими...» Қоплон дастурхонга умидсизланиб фотиҳа ўқиди. Бошини хиёл эгиб, бир нуқтага маънос тикилди. Аёли ташвишланганнамо сўради:

— Нима, бирон жойи оғрияптими?

У аёлига термилди. Термилиб-термилиб, синиқ овозда гапирди:

— Билмайман, момоси, билмайман. Кўнглимда бир нима юрибди. Панжаларини ботириб-ботириб юради. Авваллари аҳён-аҳёнда юрарди. Энди бўлса на кечани канда қилади, на кундузни. Кўнглимни тирнаб-тирнаб юргани-юрган. Қўлимни суқиб, олиб ташлайин дейман, бўлмайди...

Аёли сўраганларига пушаймон бўлди. Нафаси ичига тушиб кетди.

Қоплон аёлига яна термилди. Эндиги термилиш маъноси манави: «Хўш, момоси, энди нима қиламиз?» Аёли дастурхондан кўз олмади. Хиёл титраётган бармоқлари дастурхон гулларини силади. Тошдан оғир сукунат, азадан қайғули сукунат! Боладик уй-бозор, боласиз уй-мозор!..

Аёли бош кўтармай, кўз қири билан эрига қараган бўлди. Киприклари пирпираб, нигоҳини яна олиб қочди. Бу нигоҳнинг дегани: «Билмасам боваси, мен билмасам...»

Қоплон этигини кийди. Қозикдан қамчини олди. Елкалари бир кўтарилиб тушди:

— У-у-ух!...

Қамчи ўрими билан этиги қўнжига урди. Зинадан тушаётиб ичкаридан:

— У-у-уф!.. — деган оҳни эшитди. Аёли!..

У отланиб ишга кетди. Уйига оқшомда қайтди.

— Отаси айтиб кетди, — деди аёли.

Отдан тушмасдан отасиникига йўл олди. Борса, ота-онаси, ўзларининг совчиси ўтирибди. Ота-онасидан эшитмаганларини эшитди.

— Токайгача шундай юрасан? Жавобини бер-да, кўй? — қўл силкиди отаси.

— Уф-ф, кунма-кун оёқдан қолаяпман. Невара кўролмай ўлиб кетаманми энди, — онаси йиғламсираган бўлиб, оғзига рўмоли бурчини босди.

— Неварангиз кўп-ку.

— Уларнинг йўли бошқа, сеники бошқа. Ҳар гулнинг ўз ҳиди бор.

— Сен қаторилар болали бўлди.

— Теварак-бошдан ҳам уятдир. Бари гапиряпти...

Қоплон нажот истаб, совчига қаради. Совчи қарашни ўқди.

— Хоҳласанг ажрал. Ўзим қўшганман, ўзим ажратаман. Кейинчалик ўпка-гина қилиб юрма тагин — уккағарнинг совчиси умримизга завол бўлди деб.

— Майли, ўйлаб кўрайин.

Токайгача одамларнинг қовоқ-тумшугига қараб кун кўради? Е, шундай яшаб кета берсинми? Умрининг охиригача-я? Кўза кунда эмас, кунда синади. Оғзига кучи етган бор, етмаган бор. Бир кун эмас-бир кун биров билан гапи чап тушиб, юзига айтиб солса, нима деган одам бўлади? Мана, неча йилдирки, мунгайиб яшайди. Одамлар билан мулоқотда гапнинг кетишига қарайди. Биров бемаъни гапни гапирсаям, сизники маъқул деб, бош ирғаб тураверади. Борди-ю, шу гапни бошқа бирови инкор этса, унгаям сизники тўғри дейди. Эътироз билдириш, рад этиш йўқ. Ҳаётнинг кетишига, куннинг ўтишига қарайди. Токайгача?

Тоққа ўрлаб кетган тор йўлда бораётган отлик хаёлидан шулар ўтаяпти.

Йўлда икки тарафдаги қирлар, адирлар сояси бор. Қирлар туёқ товушлари аксадосини беради. Тошдан-тошга урилиб, кўпикланиб оқиб келаётган сув олисдан сўқмоққа ўхшайди. Эрталабки тоғ кўркам. Отлик шу тоққа тикилиб бораётган.

«Қишлоқ Советининг котиби қоровулликка оламан, дегани билан гап-сўзсиз олабермайди-ку. Узи, қолаверса бошқалари сўраб-суриштиради. Нимага қўлтигингиз остидаги ишни ташлаб, кўп йиллар ёнма-ён ишлаган одамларга қўл силтаб, олисда ишламоқчисиз, демайдими? Йўл олис, қиш бор дегандай, яна тагин қоровуллик бўлса, буниги нимасига орзуманд бўласиз, демайдими? Олисдаги паловдан яқиндаги шўрва яхши демайдими? Унда нима дейман? Бефарзандман, тилим қисик, элдан холисроқда юраин, дейдими? Минбаъд! Индамай турабераман. Вари бир ишга олади. Узи айтди-ку, садқаи суҳанингиз деб».

У отини дарвоза устунига қантариб, ҳовлига кирди. Зинадан кўтарилиб, тор йўлакдан ичкарилади. Котибнинг аччиқ-аччиқ гапираётганини эшитиб, очиқ эшик кетида тўхтади. Деворга яғрин берди.

Котиб куюнди:

— Қачон жиловлаб қўйилар экан бу игвогар, ғаламислар?! Қачон бартараф бўлади-а?! Аввал солиқ масаласи эди. Энди бу! Раҳмат, мухбир акажон, бизни химоя қилиб, ҳақиқатни тиклагани келибсиз. Умид қиламанки, хужжатларимизни кўриб чиқиб, ўша фиқо фасодчиларнинг ёзганига яна қайтиб ишонмайсиз. Мана, жонли хужжат — почтальон. Бизга бутунлай бегона одам.

Бегона овоз:

— Холлиев Жўра!

Котибнинг овози:

— Бор, Вахшиворда яшайди.

— Саидов Олим!

— Бор, Зардақулда истиқомат қилади.

— Каримов Холбек!

— Ҳаёт! Лўккада қарилик гаштини суриб юрибди.

— Илтмос, шуни чақиринг. Бир суҳбатлашайлик.

— Энди, мухбир акажон, Лўкка олис-да. Бу ёғи Лўккасойга сел чиққан. От ўтолмайди.

— Хўп, Тўраева Менгсултон!

— Бор.

— Қаерда?

— Хўжасоат участкасида. Мана почтальон айтсин. Пенсияни ўз вақтида олиб туради.

— Хў-ўп. Исломов Бўрибой!

— Э-э, бу анави чинорлик дала қоровули-ку. Куни далада ўтади. Бўри акани эрталаб бекатда кўриб эдим. Йўл бўлсин, десам, Денов борапман, нос тамом бўлди, деб эди.

Қоплон кўзларини юмиб очди. Оёқ учида чиқиб, отланди. Беихтиёр жиловни қўйиб юборди. От ўз ихтиёрига кетди. Эгар қошидан кўз узмай, бирдан бошини кўтарди. Қўлида жилов йўқлигини билди. Чўзилиб, от бошигача сурилиб борган жиловни кескин тортди. От сесканди. Олд оёқларини хиёл кўтариб, йўлга бел бўлди. Отни чаптаги эчкисўқмоқдан солди. Сойда сатил кўтариб юрган аёллар олдидан ўтди. Отни адирга буриб, қамчи босди. От ғарқ терга ботиб, оғир-оғир нафас олди. Адирнинг нарёғига ўтиб, отдан тушди. Қадамлаганида кўз олди қоронғилашди. Тўхтади. От арқонини тошга ўради. Майдароқ тошга чўнқайди. Тиззаларига билакларини қовуштирди. Билакларига пешонасини қўйиб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

У йиғлар эди: «Инсон, ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл-да!.. Шундан кўра ўлиб кетганинг яхши эмасми. Имон қани, одам деган номинг қани?..»

У бошини кўтарди. Олис-олисларда Денов пахтазорлари ёйилиб ётибди. Буғдойзорлар...

У йиғлар эди: «Инсон, сенга пул керакми? Пул-қоғоз-ку! Ана далалар, ишла. Бу тупроқ сенга пул деган қоғозни хоҳлаганингча беради. Пул далаларда оқиб ётибди. Инсон, шу ҳолатгача еддингми-а?!..»

От қулоқларини диққайтириб эгасига қаради.

Қоплон йиғлайвериб, қизиган бадани совигандай, тўлган ўпкаси бўшагандай бўлди. Отни анча йўлгача етаклаб борди. Кўзларини желаги ўнгири билан артиб, отланди. Жиловни қишлоққа бурди. Чайқалиб-чайқалиб бораётиб, ёқасига туфлади. Уша одамлар кўз олдидан бир-бир ўтди: Холлиев, Саидов, Тўраева... Бу одамлар қачонлардир — бундан беш-олти йил муқаддам оламдан ўтган эди.

Шу-шу Қоплон котибнинг юзини кўрмади. Бир-икки кун уйдан кўчага чиқмади.

Ота-онаси яна чақиртирди.

— Уйимиздан илон чиққанми? — пичинг қилди отаси.

— Йўқ, нима эди? — талмовсиради боласи.

— Бўлмаса нимага қорангни кўрсатмайсан? Бизнинг гапимиз нима бўлди?

— Елиб-югуряпмиз, бериб қолар, — деди Қоплон мингирлаб.

— Берса шу вақтгача берарди-да. Аёлингнинг гапига кирма. Алдаб юрабери. Бугун у дейди, эртага бу дейди.

— Ҳа-ку, пушти куйиб кетган экан. Сениям сўққабош ўтказадими энди.

— Нафасингизни иссиқ қилинг.

Қиш охирлаб, ердан кўклам ҳиди келди. Бригадир Қоплонни ток кесишга айтди. У белбоғига нон, майиз тугди. Хуржуннинг ўнг кўзига тушлик, чапига ток қайчиларни солиб, далага йўл олди. Отни ариқ бўйига боғлади. Хуржунини елкасига ташлаб, ёйилиб ток кесаётган одамларга қараб юрди. Ҳорманг, бор бўлинг қилди. Тушлик ўралган тугунни олма шохига илди. Пешонасини белбоғи билан ўради. Унғирини қайириб, белбоғига қистирди. Жўякнинг бошидан бошлаб ток кесди. Новдаларнинг тўртинчи бўғиндан қайчи солди. Омон қолганларининг учини ерга қадаб қўйди. Галдаги ток қўштана. Ҳар бировида тўрт-бештадан новда бор. Буларнинг учларини кесиб шундай қолдириб бўлмайди. Бир токка кўплик қилади. Оқибат, узуми майда-майда бўлади. У токнинг бировини айрисидан чўрт кесиб ташлади. Омон қолган токдаги новдаларни тўртинчи бўғиндан эмас, олтинчи бўғиндан кесиб, учини ерга суқиб қўйди.

Кечгача тўртта жўякнинг токини кесди.

Ёшлар кесилган новдаларни йиғиб, майиз қилинадиган ўчоқ олдига босди.

Оқшом Қоплоннинг бели қадалиб-қадалиб қолаверди. Отига зўрга минди. Уйда аранг чой ичиб, ўзини тўшакка таппа ташлади.

— Синода бир эшон бор эмиш. Остонасидан одам узилмас эмиш.

— Нима қил дейсан?

— Бригадирдан сўрасин, бориб келамиз.

Қоплон аёлига оғриниб қаради.

— Қайси юз билан?

Аёли чаппа ўтириб, ёрилди:

— Бу кишига иш керак, мол-дунё керак. Қайғуси болами...

Қоплон ёниб кетди. Ташқари чиқиб, ҳовлини бир айланиб келди. Чопонининг унғирини силкиб кўрсатиб, ўзиникига ўхшамаган овозда гапирди:

— Менга манави чопоним қолса бўлди, момоси...

Куйиб-ёниб ўтирганида отаси кириб келди. У отасининг мақсадини билди.

Бор, мол-холларга қара, деди аёлига. Отаси кўлидаги нонга қараб гап очди:

— Энанг айтган гапни нима қилдинг?

— Қандай гап? — талмовсиради Қоплон.

— Навара-чевара орзуси.

— Э, ота, аёл меники. Бу ёғини менга қўйинг-да, энди.

— Айтмасанг ҳам ҳамма гап сенда. Бир оғиз гапни айтиб жавобини бериб юбориш шунча қийинми?

Кўнглига қил сизмаётган Қоплондан садо чиқмади.

Юртимизга наврўз келди. Эмишки, наврўз қанчалик шод-хуррамлик, кушвақтликда кечса, она-ер шунчалик сахий бўлади. Бўлик, мўл ҳосил беради.

Катталар, ҳар йили идора олдига ўтадиган наврўз тўйи бу йил далада бўлсин, деди. Қолхоз деҳқонларга ҳўкиз, қўй, ёғ, турфа ичимлик, ейимликлар ҳадя этди. Меҳнаткашлар адир-қирларга сайиллаб келди. Адирларда қозонлар осилди. Аёллар ариқ бўйларидан ялпиз, кийик ўт териб, билқилиб қайнаётган хўрақларга солди. Қизлар бойчечак, қорақошлар териб кўзларига тўтиё этди, қулоқларига тақди. Кўнгиллари кўклам бўлди.

Оймомо бир четда ўтириб, қизалоқларнинг ўйинини томоша этди. Қизалоқлик даврини ёдлади. Маъюсланиб, ўрнидан қўзғалди. Шунда, ёнида Қиммат момо пайдо бўлди:

— Ҳай-ҳай, боланинг садағаси кетсанг-а. Юрак-бағринг куйиб кетаётгандир, Оймомо? Уф-ф, фарзандсизлик қурисин-а...

Оймомонинг ранги бўзариб, яна ўтирди.

Қизалоқлар энди қўғирчоқ ўйнади. Моҳичехра ўғлини бешикка — юмалоқ ёстиққа беллади. Энгашиб «эмизди». Бешигини аллалади:

— Алла, бубагим, алла-ё, ширин бубагим алла-ё... Юм кўзингни, ухла. Ухламайсанми? Ухламасанг садқаи-сарима. Ҳамсоя, хув-в ҳамсоя!..

Чақалоғини «йўрғаклаётган» Муқаддас:

— Хув-в!.. Ким у, бемаҳалда қичқирган? Ҳай сизмисиз, ҳамсоя.

— Анави инжиқни ухлатолмай сарсонман-да, ҳамсоя. Пучуғингизни юборинг, пича тебратиб турсин. Мен сувга бориб келайин.

— Пучуғим мактабга кетган-да, ҳамсоя. Бўлмаса жоним билан эди.

Муқаддас чақалоғи иягига бармоғини нуқиб, эркалатди:

— Чу-чу-чу, шакар бубагим, новвот бубагим. Иягида чуқурчасиям бор асал бубагимнинг. Чу-чу-чу, холангга қараб бир кул. Хола, мени келин қилмай-сизми, де.

Моҳичехра ўпка-гина қилди:

— Сени келин қилмайман. Келганимда бирон мартаям кулмайсан. Қовоғингдан қор ёғиб туради.

— Келин қилмаганингизниям кўрайин, хола. Ҳали ўғлингизнинг бошини шундай айлантирайин, шундай айлантирайин.

Қиммат момо тиззасига уриб, ўрнидан туриб кетди:

— Уф-ф, шугиналар ҳалитдан она бўлгиси келмаса-я!..

Одамлар тўп-тўп бўлиб, ўзи хуш кўрган ўйинлар билан овора бўлди. Дўмбира чалиб дoston айтган нечов, давра қуриб уни эшитган нечов, оёғини осмонга узатиб дорбоз бўлаётган нечов, давра бўлиб олишиб ётган нечов!

Аёллар ҳам давра бўлиб, ўйнамаган ўйинлари қолмади. Барчаси қолдан тойди. Шундан Хурсандой отлиқ забардаст бир аёл ўтирганларни қўлидан тортиб даврага солди. Кўнмаганларини қўлтигидан кўтариб турғазди. Аёллар ўйнайми, ўйнамайми қабилида қўл қимирлатишди. Хурсандойнинг ўзи бўлса хориш нималигини билмай ўйнади.

Қиммат момо Хурсандойга илжайиб қараб, деди:

— Қаранг-а, минг қилсаям икки эркакнинг зурриёти-да...

Хурсандойнинг отаси беморланиб оламдан ўтгач, онаси қўлидаги икки яшар Хурсандой билан ўзга эр қилган эди.

Қиммат момо ўйлаб-ўйлаб шуни топди. Буни эшитган Хурсандойнинг феъли айниди. Кўнглидаги бор хушвақтлиги, сайил шодликлари заҳар-заққум бўлди. Елкаларидан нафас олиб, Қиммат момога олайиб қаради. Дили хуфтон бўлиб, даврани тарк этди.

Давра совиди.

Қиммат момо кўнглини ёриб, мақсадига етди. Борди-ю, гапи нишонга тегмаса, ё гапига яраша жавоб олса-чи? Унда бор оламни турган-туриши билан қоралаб, ўзини оқлайди. Борди-ю, кўнглидагини айтолмай қолса-чи? Унда, бетоб бўлиб қолади. Оғир изтиробланиб, ўзини қаёққа қўйишни билмайди. Сўнг итга ё молга сасиб, ўзига келади. Бундайлар топиб, қошиб гапирди. Гапиргандай усталик билан, ҳаётбахш кайфият, руҳият билан гапирди. Юзлари гўё бизни зафаримиз билан қутлаётган одам юзидай шод ҳам меҳрибон бўлади. Кўзлари ўз суюкли одамига тикилаётган одам кўзларидай порлайди. Мулозимат юзасидан бош ирғаймиз. Шунда улар, қалбидай қоп-қора ўқини отади. Кулишимизниям, йиғлашимизниям билмай қоламиз. Мунофиқона қаҳ-қаҳлаб кулиб, ҳазил-да бу, ҳазил дейди. Ўзимизу авлод-аждодларимизни мақтайди. Барчанинг эътиборини бизга қаратади. Шундайин бир зотлигимиздан ғурурланиб, шодланамиз. Қизариб, ерга камтарона қараймиз. Вазият пишиб етилганини кўриб, бизга, айтайлик, Оймомога ўқини отади:

— Шундай хушрўй аёл тирноққа зор-а!

Нафасимиз ичимизга тушиб кетади. Борди-ю, гап қайтарсак, бари бир мағлуб бўламиз. Боиси, улар дарров тўнини тескари кийиб, бизнинг ўзимизни ёмон отлига чиқаради. Бизга, хусусан Оймомога куюнчаклик қилади:

— Парвардигор нима қиларди денг, итга берган, қушга берган бир парча этни бунгаям берса!

Эл уй-уйига оқшомда қайтади. Наврўзчилар кўнглида кўклам, Оймомонинг кўнглида ҳамон қиш бўлади.

III

Ой тўлишиб қолган.

Ез ойдини оппоқ.

Фалак-юлдуззор, бир юлдуз юлдуззор оралаб сайр этади. У — Ер йўлдоши. Олис-олислардаги чироқлар юлдузлардай милтиллайди.

Адир биқинидаги баҳайбат ёнғоқ барглари мунгли шитирлади. Чигирткалар чириллади: чррр-чррр...

Бир қуш зардоли шохларини шитирлатиб учиб кетди.

Йўнғичқапоядаги отлар кирт-кирт ўтлади. Пишқирди, кишнади. Тарсиллатиб ер тепинди.

Тун жарчиси узиб-узиб овоз берди.

— Момоси, шу теваракда одам борга ўхшаяпти, мана кўрасан... Момоси, ҳовлимиздаги зардоллар сувга чўлп-чўлп тушгани-тушган. Биламан, уларни кўчада болалар ушлаб ёйди...

Оқшом вақти Оймомо опамиз катак оғзини ёпадиган тошга чўнқайиб, улоқни томоша қилди. Улоқ бир йиқилиб, бир туриб келаверди. Қулоқларини қоқаман деб яна бир йиқилиб турди.

Оймомо опамиз завқланиб кулди. Унғ қўлини улоққа чўзиб, бармоқларини ўйнатиб, ўзига чорлади:

— Кел, чиги-чиги-чиги, той-той-той...

Улоқ опамизнинг бармоқларини ялади. Еввойиларча қараб турди, мурғак боқаётган улоққа термилиб ўтирган опамизнинг кўз олдига энди тетапоя бўлаётган гўдак келди.

Дарича ғийқиллаб, бола кўтарган Ҳожар ҳамсояси кўринди.

— Ай ҳамсоя, элагингизни бериб туринг. Бизники тешилиб қолибди, — деди.

Опамиз ошхонадан элак олиб чиқиб берди. Ҳамсояси элакнинг боғидан бошмолдоғини ўтказиб олиб, супага чўнқайиб ўтирди. Эшитган-билганларидан гапирди. Дидига ўтирмаган аёллар ғийбатини қилди. Сўнғ асл мақсадини айтди:

— Холдон момоникига сумалакка боринг. Аёллар сизни кайвони бўлади, деди, вақтлироқ боринг.

Оймомо опамиз суюниб, кўнгли ёришди. Боиси, сумалак қўювчи ҳам, сумалакка кайвонилик қилувчи ҳам ғоят покиза аёл бўлмоғи лозим. «Мени маъқул топибдиларми, демак, эл назарида энг фаришта аёл эканман. Шукр, ишқилиб шукр, эл савобини оладиган бўлдим...»

Эртасига Қоплон акамиз ток кесгани кетди. Оймомо опамиз қишлоқ адоғидаги буғдойзорга ишга борди. Лўккасойдан чиққан, сел ювиб кетган ариқларни қазиди. Ишнинг бошидан-охиригача сумалак кайфияти, завқи билан юрди. Ишдан қайтиб, тирикчилигини қилди. Эри билан дастурхон теварагида кунлик ишларидан гапиришди. Эри сумалакни эшитиб:

— Менга ҳам опкеласанми? — дея ҳазиллашди.

— Бунга олиб келмай кимга олиб келаман.

Оймомо опамиз бир мисқол ун олиб, сумалакка йўл олди.

Сумалак бировнинг назари тушмайдиган зах ерга қўйилади. Тўрт-беш мисқол намлаб ёйилган буғдой бир ҳафталарда кўк майса бўлиб униб чиқади. Бир-бири билан айқаниб, зичлашиб қолади. Бетига дока ёпиб қўйилади. Майсаларга сув сепиб, вақти-вақти билан офтоб нури туширилади.

Оймомо опамиз билан Холдон момо кўк майсани келига солиб туйди. Ундан чиққан ширани товоқлардаги сувга солиб эритди. Шира сувга қўшилиб кетди. Кўк майсани сувдан олиб, яна қайта-қайта туйиб, ширасини олди. Сувини сумалак қозонга солди.

Аёллар сумалакка келаверди. Еттов бўлди. Тоқлик яхшиликка бўлмайди, яна бир аёл бўлгани маъқул. Гап айланиб, шу яқиндаги Мунаввар деган аёлда тўхтади.

— Бети қурсин.

Буни сумалак қўювчи Холдон момо айтди. Аёллар бир-бирларига ўзгача қараш қилиб, рози бўлишди. Сабаби, Мунаввар отли бу аёл оёғини эгри босаётгани хусусида миш-миш бор эди.

Сумалак ана шундай улуғ ҳам эътиқодга молик таом.

Йиғилган унлар қозонга солинди. Аёллар қозон теварагида гурунглашиб ўтирди. Онасига эргашиб келган болалар уй теварагида чопиб ўйнади.

Сумалак пишириш наврўз тўйи.

Болалар тараф-тараф бўлиб жанжаллашиб қолди. Жанжалга оналар аралашди. Бировлари сен-менга бориб, аразлаб кетди. «Мен бўлганимда аралашмасдим, — хаёлидан ўтди Оймомо опамизнинг — бола деган бегуноҳ банд-да. Бугун уришади, эртага ярашади».

Оймомо опамиз катталиги бош бармоқдай келадиган еттита тошни ювиб, қайнаётган сумалакка солди. Эмишки, Биби Фотиманинг икки ўғли оч

қолибди. Улар қашшоқ ҳаёт кечирар эканлар-да. Икки эгизак ўғил таом дея йиғлаб-йиғлаб оқшом деганда уйқуга кетибди. Бўталоқларининг оч-наҳор ухлаб қолганини кўрган бечора Биби Фотима йўқчилиги курсин-да, дея қон бўлибди. Қозонга соладиган бирон нима тополмай, еттита тошни ювиб солибди.

Эрталаб қозонни очиб қараса, қозон тўла таом — оти сумалак эмиш. Шундан баён сумалак наврўз таоми бўлиб қолибди.

Шундай қилиб, тошлар сумалак бўлиб қайнайверди. Тун оғиб, аёлларнинг жағи гапдан толди. Биров урчуқ йигирди, биров пахта чигитлади. Тонг ҳадеганда отавермади. Галма-гал ухласалар бўларди-ю, бироқ Оймомо опамиздан ташвишдалар. Опамиз бундай маъракаларда биринчи бор кайвонилик қияпти. Кайвони мижжа қоқмаслиги лозим. Борди-ю, аёллар ухласа опамизнинг ҳам кўзи кетади.

Шунда Холдон момо:

— Келинлар, топишмоқ айтамыз, — деди.

— Хўп бинойи гап.

— Ўзимизнинг гурунigma-гурунig юрадиган топишмоқлардан айтамыз.

Эл оғзида юрган топишмоқларни айтиш бошланди. Уни Холдон момонинг ўзи бошлаб берди.

— Мен айтсам, узун-узун ўт кетди, узун, бўйлик қиз кетди — қасаваси қарсиллаб, манглайи ерга тарсиллаб. Бу нима?

— Ўрмак.

— Кичкина қозоннинг оши ширин.

— Енғоқ.

— Букри момом бук этди, югуриб уйига кириб кетди.

— Сичқон.

— Анави тоғдан қараган, манави тоғдан қараган, ўзимга ярашар деб, болхирумол ўраган.

— Бузоқбоши.

— Ака-ука бир яшайди, бир-бирини кўрмайди.

— Кўз.

Аёллар қозон остига тинмай ўт ёқиб турди. Ўтнинг ҳовури сал пасайса сумалак айнийди. Сумалакдай нозик таомнинг ўзи йўқ.

— Чин қушим, чинни қушим, чин тепага чиқди қушим, оғзидан бол узатиб, халққа салом берди қушим.

— Самовар.

— Тоғни талайди.

— Болта.

— Йилтинг-йилтинг чироғим, йилтиллайди чироғим, гавҳардан кўп қадри, қадрдоним чироғим.

— Кўз.

— Уйдамысан, маржон, эшикдамысан, маржон, оёқ-қўлинг кўринмас, қулфдамысан, маржон.

— Утов уйи боғичи.

— Тузи йўқ ошни кўрдим.

Бари аёл ўйда қолди. Бирови у деди, бирови бу деди. Тополмадилар. Буни айтган Оймомо опамиз маза қилиб кулди. Кула-кула қозонни кўрсатди:

— Сумалак!

Сумалак тонглари олис. Бўлмади, аёлларни уйқу элитди. Оймомо опамизниям уйқу кўп олиб кетди. Барига бардош берди. Сумалакка термилиб, тонгни оқлади. Кун ёйилиб кетди. Опамиз чўмич билан ёғоч товоқларга сумалак сузди. Аёллар янгилик дея уйма-уй сумалак тарқатди. Каттаю-кичик сумалак ялади. Эмишки, сумалакдан бир ялаган одамнинг танаси қирқ хил дарддан фориғ бўлади.

Оймомо опамиз бир чўмич сумалак олиб уйига келди. Эрига сумалак ялатди. Тун бўйи мижжа қоқмагани учун ўзидан миннатдор бўлди. Узини қалбан ҳам, руҳан ҳам тетик сезди. Гуноҳларимни ювдим, ундан фориғ бўлдим, дея яйради. Умиди учқунланди. Умидим энди ушалса ажаб эмас, деган халқга борди.

Опамиз ҳамашагидай эрталаб уйғониб, тириклигини қилди. Ҳовли дарвозасининг занжирини туширди, эшик-орани суғурди, деразаларни очди. Италоққа овқат қўйди, катак оғзидаги тошни олиб, товуқларни озодликка чиқарди, молхоналарга қаради, сигир соғди. Сутни докадан ўтказиб, товоққа қўйди. Чумолидан ҳадиксираб, симхалинчакка осди.

Бригадир кўчадан овоз берди.

Опамиз чой дамлаб, айвондаги дастурхон бурчига бостириб қўйди.
Қоплон акамиз ҳам уйғонди.
Оймомо опамиз бир чинни пиёла қаймоқ олиб келди. Чой ичдилар.
— Бригадир бозор кунига боққа айтиб кетди, — деди опамиз.
— Ҳа-а. Қаерга бориш керак экан?
— Аччиқ зардолизорга.
— Кўп хушxabар айтдинг. Суюнчи берсаммикин, — киноя қилди акамиз.
— Хушxabар қуриб, шу қолдимми. Қўлнинг шўри. — Опамиз кафтларига ачиниб қаради.

— Хина қўй.

— Яхши айтди, — опамизнинг юзи ёришди.

Чойдан кейин акамиз белларни кўздан кечирди. Опамиз омборхонадан бир сиқим қуриган хина олиб чиқиб, сувга ботириб қўйди. Ивигач, ёғоч келига солди. Қайроқтош билан майдалаб туйди. Кечаси ётиш олдидан эри унинг кафтларига хина қўйди. Кафтларини юмиб, гирдини ток барглари билан ёпди. Устидан гардирўмол билан ўраб боғлади. Эрталаб кафтларини очса, қип-қизил хина.

Хиналик кафтни кетмондаста урмайди.

Опамиз галдаги кеча эрининг қўлларига хина қўймоқчи бўлди.

— Э, ҳали қошимга ўсмаям қўйсан? Бор-э! — қўл силтади эри.

Опамиз ҳиринглаб кулди:

— Биров кўрганда нима? Ўзининг тани-соғлигини ўйласин. Хўп десин энди.

Опамиз эрини бемаҳалгача авраб, ахири кўндирди.

Эрталаб отланиб, ишга жўнадилар.

— Айтгандай, кеча айтаман деб эсимдан чиқибди. Уш деган ерда бир табиб бор эмиш, — деди аёли йўлда.

— Э, қани унга вақт, момоси.

— Бригадирдан сўрасин-да.

— Э, одамда бет ҳам бўлиши керак, момоси. Шунча юрамиз, бир оғиз оғир гапирмайди. Яна тагин тўлиқ меҳнат куни ёзади. Уйла-да.

— Бормасак бўлмайди. Кўп зўр табиб дейишяпти.

— Бўлмаса, кейинроқ борамиз. Одамлардан уят, момоси: ишга бир келиб, бир келмай юришимизни кўрсалар беллари совийди. Тагин уларнинг ўғил-қизлариям мактабдан кейин ишга келади. Насиб бўлса Хушвақт келсин, ўзимиз биламиз.

Бригадир айтган аччиқ зардолизор остида отдан тушдилар. Акамиз хуржунни зардоли шохига илди. Белни елкасига қўйиб, тоқзор оралади. Изидан аёли юрди. Акамиз «ҳорманг, бор бўлинг» қилди. Четдан узун бир жўяк бошига келди. Ҳаяллаб келганидан нам тортиб, шошиб иш бошлади.

Одамлар оралаб юрган ҳисобчи овозини қўйиб гапирди:

— Келардингиз-да, Қоплонака, тушдами ё ишнинг охирроғидами! Юзингизни яширманг, Оймомо опа, бу гап сизгаям айтиляпти!

— Энди бўлмайди... — кўр овозда гапирди акамиз.

— Ваъдаларингизни қопга солиб ортса отингиз кўтаролмайди! Бўлди-да, энди! Уйда йиғлаб қоладиган болаларингиз бўлмаса. Қайтанга болалилар ўз вақтида келяпти. Ана, Хумор, Санам. Барининг эмизикли боласи бор!

— Э, хўп дедик-ку, энди.

— Кўп ўқрайманг! Мен сизга ёмон гапирётганим йўқ! Қонун бўйича гапиряпман! Яна шундай такрорланса меҳнат кунингизни қирқиб ташлайман... Сиз, Жўра ака, кўп қариллама деманг! Ахир ўзингиз ўйланг-да, иккови-ниям қорнидан бошқа қайғуси йўқ, кечиккани-кечиккан!

Акамизнинг кўнгли қоронғи бўлди. Бош эгиб, ток қаторини ишлади. Бел билан тоқлар остини айланасига кавлади. Ток белида униб чиққан патак томирларни юлиб ташлади. Қари тоқларни кундаков қилди.

Опамиз пуштани ишлади. Токни иложи борица кўтарди. Воиси, новдалар ерда турса бел, оёқ тегавериби, кийим ўнгирлари илашавериби, пиндиклари учиб кетади. Ҳосил бўлса ана шу пиндикда.

Улар фарқ терга ботдилар. Акамизнинг кўйлаги елкасига ёпишди. Опамиз энтикиб қолди. Кун қиялаб, қайтар вақти бўлди. Ҳисобчи меҳнаткашларга тайинлади:

— Эртага кун қизимасдан вақтлироқ келинглар! Салқинда иш унади! Жўна-жўна бўлди. Нурмат кўса теварагига аланглаб зорланди:

— Ай халойиқ, менинг белим қани?

Меҳнаткашлар кўсага қараб, гуриллаб кулиб юборди. Кўсанинг аччиғи келди:

- Нимага тиржаясизлар, кўрган бўлсаларингиз айтингизлар-да!
- Белингиз бозор кетди!
- Ва-ҳа-ҳа!..
- Ҳазиллашиб олган бўлсаларинг беринглар!

Яна кулги. Биров қўли билан унга ўз елкасини кўрсатди. Кўса елкасига қараб ўзиям кулиб юборди. У белини елкасига қўйиб, дастасидан ушлаб турарди.

Бригадир акамиз билан опамизга пилла курти уруғи берди.

Пиллачи агроном бир қафт уруғ олиб келди. Уруғлар йўнғичқанинг гулидай-гулидай, жони йўқ.

Акамиз бригадирдан яна бир одам сўради. Боиси, бир қути икки одамга оғирлик қилади.

Опамиз уруғни ҳовлидаги сўрига ёйди.

Дарвозада Қиммат момо кўриниб, гапириб келаверди:

— Бригадир айтгандан бошим осмонга етди. Ўзимнинг уруғларим билан ишлайдиган бўлман-да, дедим. Айланайин бўлагинамдан. Қани, омонмисиз, хўп дамлимисиз?

Қиммат момо опамиз билан қўлтиқ остидан қўл узатиб кўришди.

— Бўлам-да, минг қилсаям, бўлам. Яхши кўраман. Ўзимча эслаб юраман. Худо тирноқдан қисган бўлсаям, ўзларининг тани-жони соғ бўлсин дейман. Иним қаёқда? Ухлаб ётибдими? Уям кўзимга яхши кўринади. Ўзиминики-да, ўзимники. Отаси момомизнинг тоғасини боласи бўлади.

Қиммат момо тиззасига аста уриб, куйган бўлди:

— Уф-ф, бир кам дунё экан-да. Мана шу ҳовлида икковгина қоракўз бурни оқиб юрганда катталар пилла берармиди. Қараса кенг бир ҳовлида иккови сўппайиб юрибди. Шуларга берайлик, деган-да.

Қиммат момо, келаман деб кетди. Опамиз карахт бўлиб қолди.

— Қиммат сассиқ келмасин. Айтсин, бошқа одам берсин.

Опамиз эрига шундай тайинлаб, бригадирга юборди. Меҳнаткашлар боғ ишлари билан бандлигидан бригадир кўнмади. Опамиз бари бир Қиммат момодан кечди:

— Қийналсак ҳам майли. Бориб айтсин, одам керак эмас.

Улар торгина сўрича қилиб, уруғни ёйдилар. Бир ҳафта деганда «йўнғичқа гуллари» сонсиз жониворларга айланиб, гимирлай бошлади. Қурт баргга кирди. Акамиз адирдан барг олиб келди. Опамиз шохчаларнинг баргини чилпиб олиб, уруғлар узра ёйди. Уруғлар барг еган сайин кўпайиб, сўрилар тўлиб борди. Сўриларни кенгроқ олдилар. Уй ичига уч қаватли уч қатор сўри ясашди. Буям тўлиб кетди. Яна бир уйга сўри қилдилар.

Ниҳоят, пилла қуртлари биринчи уйқуга кетиб, икки кун деганда турди. Яна барг ея бошлади. Пиллачи агроном кўриб яхши, яхши, деди. Иккинчи уйқуга кетиб, бундаям икки кун ухлади. Иккинчи уйқудан кейинги иштаҳалариям ёмон бўлмади. Баргни берганда илма-тешиқ қилиб ютаверди.

Учинчи уйқуни бошлаб, икки ярим кун деганда уйғонди. Яна барг, барг... Қоплон акамиз уларнинг барг ейишига қараб ўйлади: «Товбалар қилдим-э, ўзлари майда-майда, чинчилоқдай, қорни қаерда экан.»

Сўрилар ости тариқдай қора қумалоқларга тўлди. Опамиз қумалоқларни пешма-пеш олиб чиқиб турди.

Тўртинчи уйқуга кетиб, бу гал бир ярим кун деганда уйғонди.

Акамиз яна адирга, баргга отланди. Тут айрисига миниб шох кесди. Қўллари толди. Танага яғрин бериб, олисларга қаради. Тин олди. Кўзи кетиб-кетиб ўтирди.

Шунда оқ эшакли, оппоқ саллали бир чол ариқ ёқалаб келаверди. Акамиз уни танимади. Чол тут остидан ўтди. Акамиз чолни Намоз бобога ўхшатди. Бош ираб, салом берди. Чол алик олмади. Акамиз сергақланиб, танадан маҳкам ушлади. Пастга қаради. Чол йўқ. Ерга сапчиб тушди. Теваракка алаңлади. Йўқ. Кўнглига таҳлика тушди. Ўқасини кўтариб, ичига туфлади. Барг озроқ бўлса ҳам йиғиб боғлади. Отга ортиб жўнади. Изига қараб-қараб кетди. Назарида, чол изидан келаётгандай бўлди. Отни лўкилатди.

Уйга келиб, опамизга айтмади. Супа қиррасида паришон ўтирди. Опамиз оғилхона тарафдан қўзичоқ қувиб чиқди.

— Манавини ушлаб берса бўлмайдимми? Бир менга керакми шу рўзғор?!.

Акамиз қўзичоқни истар-истамай қувиб, етиб олди. Кўтариб бориб, қўйнинг қошида қучоқлаб ўтирди. Боиси, қўзичоқ кўздан пана бўлса совлиқ иймайди.

Опамиз совлиқни соға бошлади:

— Эсли молим, оқилим, тур-ей-тур-ей,
Елкамдаги кокилим, тур-ей-тур-ей.
Шунча молнинг ичида, тур-ей-тур-ей,
Боғда очилган гулим, тур-ей-тур-ей...

Совлиқ ийди. Қўзисига тумшук чўзди. Акамиз кейинга тисарилиб, қўзини холислатди. Акамизнинг кўнгли бирён бўлди: соқоли селкиллаб, Хушвақтнинг ишигаям ўзи юрибди...

— Агар боланг олмасанг-а, тур-ей-тур-ей,
Икки итни қўшарман-а, тур-ей-тур-ей.
Молдан олдин келмасанг-а, тур-ей-тур-ей,
Бўриларга берарман-а, тур-ей-тур-ей...

Совлиқнинг кўзи деворда юрган мушукка тушди. Янада берилиб ийди. Совлиқ мушукдан қўрқади:

— Болаларинг оққина, тур-ей-тур-ей,
Уйқулари соққина, тур-ей-тур-ей.
Агар боланг олмасанг, тур-ей-тур-ей,
Саҳирдир бебоққина, тур-ей-тур-ей...

Мушук девордан сапчиб тушди. Совлиқ бир сесканди.

— Қўй ичида қорасан, тур-ей-тур-ей,
Ақллисан, доносан, тур-ей-тур-ей,
Агар боланг олмасанг, тур-ей-тур-ей,
Бозорларга борасан, тур-ей-тур-ей...

Опамиз туриб, имо қилди. Акамиз қўзини қўйиб юбориб, опамизнинг изидан юрди. Уйга кириб, ўзини кўрпачага ташлади. Естиқ ҳўл бўлди.

Пилла қурти очофат экан. Барг қўйиб, у ёқ-бу ёққа қарагунча шип-шийдам шохлар қолаверади. Акамиз кечаю кундуз барг ташийвериб тинка-мадори куриди. Қўзи илинганда опамиз, яна туртди.

— Турсин, барг олиб келсин.

— Э, боянагина олиб келдим-ку!... Буларинг тўядими ўзи, йўқми?

— Тўртинчи уйқудан кейин шундай бўлади.

— Қўзим илингандан туртасан, еб қўйдинг-ку. Анавиларинг кетмон чопиб ҳоригандай ухлагани-ухлаган. Икки кўнлаб ухлайди, уларга индамайсан. Уйғот барини, бўлди иззати!

— Айтмасаям энди ухламайди.

— Шу охирими? Хайрият-е!

Акамиз одатдагидай уйқули кўзларини уқалаб-уқалаб ўрнидан турди. Эгар қошига арқон ўраб, баргга жўнади.

— Айтиб қўяй, агар яна қурт оламан десанг мендан ўпкалама.

Акамиз бояги чолдан кўрқиб, бу сафар ўзга адирдан барг олиб келди. Ўзи-ям ичкарилади. Деразалар гилам билан зичлаб ёпилганлигидан ичкари қоронғи.

Акамиз дераза тоқчасига ўтирди. Чалқайиб, деворга суянди. Шунда бир нима эшитди. Сергакляниб қулоқ солди. Ташқарида шовуллаб ҳаво ёғаяпти. Афтидан, майдалаб ёғаяпти. Энди барг олиб келиш қийин бўлади. Олиб келгач, уни қуритиш лозим. Акамиз сўрилар аро мўралаб, опамизни излади:

— А-ҳай, ҳаво ёғаяпти, эшитяпсанми?

— Бекорларни айтибди.

— Э, ана қулоқ сол, ишонмасанг.

Акамиз даҳлизга чиқди. Еруғда бир зум кўз очолмай қолди. Ташқарига қараб ҳайрон бўлди. Қуёш чарақлаб турибди, ерда бир томчиём ёмғир йўқ. Анграйиб, яна ичкарилади. Ичкарида бўлса шовуллаб ёмғир қуйяпти... Опамизнинг қоронғидан кинояли овози келди:

— Ҳа, ёғаяптимикин?

— Ташқарида кун чиқиб турибди-ку, момоси.

Опамиз кулиб юборди.

Акамиз яна ўтириб, эътибор билан қулоқ солди. Энди билди — пилла қуртларининг бир вақтда, бир меъёрда, ёппасига барг ейиши ёмғир ёғаётганга ўхшар экан... Наздингда сокин, қоронғи олам. Гўё тун. Ҳаво майдалаб ёғаяпти: шов-в-в-в... шов-в-в-в...

Барг ташвиши охирлади. Энди читир ўт топиб келиш лозим.

Акамиз адирга отланди. Тошлоқдан ўтиб, адир пойига оёқ илди. Жилловга

эрк бериб, телпагини кейинроққа сурди. Пешонасига шамол тегди. Ич-ичидан нафас олди. Олис-олисларга қаради. Вахшивор қирлари ўркач-ўркач. Адирлари турнақатор, охири кўринмайди. Адирлар, қирлар кўм-кўк. Утлар бўлганича-бўлган. Шамолда тўлғанади, белга уради. Қизгалдоқ адирлар, қизгалдоқ қирлар ҳар алвонда товланиб, кўзни қамаштиради.

Акамиз адирлаб, баҳорни оралади. Димоғига турфа ислар келди. Бирининг иси шувоқ ўтникага ўхшайди. Баҳор оралаб боравериб, шу исни таратаётган ўтни топди. Тизза бўйлик, гуллари оч-сарик. Кўкимтир, оқ танли. Барглари майда-майда. Сершоҳ, сертук.

Читир ўт ана шу.

Акамиз отни арқонлаб, читир терди. Томири билан суғуриб олаверди. Читир қўл тегишдан янада ўткир ис таратди. Ислари димоқни қитиқлади.

Акамиз отга икки боғ читир ортиб келди. Том устига ёйиб, қуритди.

Пилла қуртлари тўлишиб, ўзларини кўтаролмай қолди. Бардан қайтиб, терс бурилиб кетаверди. Бари мудраб, сўнг карахт бўлиб қолди.

Бу, пилла қуртининг сўнгги — бешинчи уйқуси.

Сўнггиси тўрт-беш соатча давом этди. Пиллачилар читирларни дасталаб-дасталаб пилла қуртлари узра ёйди. Пилла қуртлари читирларда йиғира бошлади. Мана, бириси, читирга зўрға чиқди. Тана бўйлаб юрди. Шох айрисига келди. Ўзига маъқулига қараб юрди. Новдаларнинг айрисига жойлашиб олиб, айланаверди. Яъни, йиғира бошлади. Ҳар йиғирганда ўзидан ипак чиқарди. Ипак читирнинг қуюқ тукларига илашиб-илашиб тўр, сўнг, бошмалдоқдай келадиган оппоқ ғумбак-пилла ҳосил бўлди.

Қурт пилланинг ичида қолди. Шундай қолса, қурт пиллани тешиб, қанотли капалак бўлиб учиб чиқади. Оқибат, ипакнинг сифати кетади. Шу боисдан пиллани йиғиштариб олиб, қозонда қайнатамиз.

IV

Бобомиз сергакланиб, қадларини кўтардилар. Чордана қуриб, тиззаларини қучоқладилар. Саллаларини суриб қўйдилар. Еллар тафтли пешоналарига хуш ёқди.

Отлар кишнаган тарафдан янги ўрилган йўнғичқа иси келди.

Тун жарчиси овоз берган тарафга қарадилар. Одам овозларидан дарак бўлмади. Бобомиз ойдин олисларга термилиб, хаёлий овозда айтдилар:

— Мабодо сувда зардоли оқмай қолса, болалар девордан бўйлайди. Зардоли беринг дёёлмайди. Сув оқиб чиқадиган тешикни пойлайди. Шамоли қургур ҳадеганда бўлавермайди. Мен билдирмай, ўзим шамол бўламан. Зардолини оҳиста силкийман. Зардолилар дув-в тўкилади... Кўчадан, ушла, оқиб келаяпти, деган овозлар келади...

... Толтут эмиш. Олапар тут соясида олд оёқларига тумшугини қўйиб сувга термилармиш. Девор ёқалаб оқаётган ариқда бир қизил олма гоҳ кўринмай оқиб келармиш. Олапар қулоқларини диққайтириб, олмага ажабланиб қарармиш. Еб бўлмайдиганлигини билиб, яна оёқларига тумшук қўярмиш. Олапарнинг қабагида қизалоқлар давра бўлиб ўтириб босмалим ўйнармиш. Бир қизча гилосдай бешта тошнинг иккитасини ўнг, иккитасини чап тарафига қўйганмиш. Қўлида қолган бир тошни қўли билан илиб олармиш. Кейин, эпчиллик билан кафтига олармиш. Қизча унинг қизи эмиш. У қизининг отини билмасмиш. Қизи босмалим ўйнайверармиш-ўйнайверармиш! Босмалимнинг ёвгон бўлимини ўйнаб бўлиб даҳмана, улуғ, эшала, эшонқўзим, шовдир, кичиккон, каттакон, култета, ер шапилатар, қаширув, келин бўлимлариниям ўйнаганмиш. Ўйин яқунланувчи келин бўлимига яқинлашган сайин мураккаблашиб борармиш. Қизи тошни турли-туман ўйнатиб, илиб олаётганда шу бўлимнинг номини ўйин нағмасига монанд бот-бот айтармиш: «Келиним бир, келиним икки, келиним уч...»

Қизи бўлимларнинг кўпини уч маротаба ижро этиб, улуғ, каттакон бўлимларини олти маротаба, эшонқўзим бўлимини тўққиз маротаба такрор-лабди. Тошни бўлиб охиригача ерга туширмай, хатоликка йўл қўймай ўйнабди. Борди-ю, бирор тошни номаъқул илиб олса ё адашса босмалим ўйнаш гали ёнидаги қизалоққа...»

Ҳовли юзидаги сўрида ётган Оймомо опамиз сесканиб уйғонди. Қорая-лангош туриб ўтирди. Болишда ёйилиб ётган рўмолини ёпинди. Тиззаларини кўрпа сиртидан қучоқлади. Уйқули кўзларини уқалаб, тевааракка аланглади. Ой қоронғи, юлдузлар сийрак. Ҳамсояси Ҳожарнинг гўдаги биғиллаб

йиғлаяпти. «Келиб-келиб шу маҳалда йиғлаганини. Кўргани ўғилмиди, киз? Киз! Босмалим ўйнади-ку...»

Эснаб, мингиллади:

— Қиз бўлсаям майли.

Қабатидаги акамиз уйғониб, ўгирилди:

— Нима бало, эловраяпсанми?

— Ўзим шундай, уйқум қочди. Хожарнинг чақалоғи уйғотиб юборди.

Шунинг чақалоғи ёмон йиғлоқи бўлди-да.

— Айтгили йўқ.

— Ет энди, ет.

Опамиз ётиб, кўзларини юмди. «Ҳали тонг олис. Тушимнинг охирини кўраман. Шунда, қизимнинг отини билиб оламан...»

Кузда майиз қилиш бошланди.

Акамиз аввал ўз томорқасининг майизини қилди. Ҳосил яхши бўлди. Ўзи тўқиган иккита қўлсаватчани эгар қошига илиб колхоз майизига борди. От қозиғини тарвузпояга тепиб қоқди. Хуржунни елкалаб, тоқзорга юрди. Пайкалларда чоллар тизилиб узум узаяпти.

— Хирмон тўлсин-у?

— Йўлингиз унсин-у!

Акамиз чаққон бўлиб, пайкалга тушди. Узум бошларини чирсиллатиб узиб, қўлсаватга солаверди. Бир бўзбола замбил саватни пайкал бошига қўйди. Акамиз саватчадаги узумни замбил саватга солди. Замбил узумга тўлди. Бўзбола чопон орқасини яғринига қайирди. Бир қўлини белига тираб, энгашди. Акамиз эллик килоча келадиган саватни унинг яғринига қўйди. Бўзбола илон изи сўқмоқдан тепага кўтарилди. Тепада аёллар, қизлар давра қуриб узум тозалаяпти. Бир тиззасига тирсақлаб ўтириб узум тозалаётган Оймомо опамизнинг юзлари сўлғин. У кўрган тушининг ўйида.

Пешонасида ўтирган Барчин хола опамизнинг маъюслигини кўриб, кўнгил сўради:

— Қани, Оймомо дўстим, бундайгина машқингиз паст?

— Шундай, ўзим.

— Ай дўстим, сўраганнинг айби йўқ, у ёқ-бу ёққа югураяпсизларми?

— Ҳа, вақти-вақти билан.

— Вақти деб ўтирасизларми? Иш адо бўлармиди. У ёқ-бу ёққа чопингизлар, кўреатингизлар-да.

— Бориб турибмиз.

— Қаерларга бордиларингиз?

Даврадаги аёллар, опамиздан бир аёл нарида ўтирган Қиммат момо ҳам қулоқ берди.

— Бормаган еримиз қолмади.

Қиммат момо бошини сарак-сарак этди:

— Вой, бечора-ей, вой, бечора-е!

— Зиёрат қилдик...

Қиммат момо:

— Вой, шўрпешона-ей, вой, шўрпешона-е!..

— Иннайкейин, фол очирдим...

— Вой, шўринг қургур-ей, вой, шўринг қургур-е!.. Шунча сарсон-саргардон бўпти-я!

Опамиз кўкрагига тушган рўмоли учини тирсағи билан елкасига силкиб ташлади. Бир бош узумни Қиммат момонинг юзига отиб юборди. Уни юлмоқчи бўлди. Барчин хола опамизни тирсағидан олиб, нарироққа олиб бориб ўтиргизди.

— Қўйинг, дўстим, шунга тенг бўлмаг.

Опамизнинг рангида қон қолмади. Олисдан чопиб келгандай ҳансиради. Қўллари совқотгандай қалтиради. Тиззаларига пешонасини қўйиб, хўнграб йиғлаб юборди.

— Буники бир бўлмаса, икки бўлмаса, Барчиной дўстим! Яна тагин хеш эмиш! Ҳе ошингни ейин сендай хешимнинг!

Қиммат момо юзларини енги билан артиб шангиллади:

— Мен сенга бирон ёмон гап гапирдимми! Ачинганимдан, куйганимдан гапираман-да, ит! Пешонанг нимага бундайин шўр десам, гап буёқда экан-да, ит!

— Бўлди, кўп вангилламаг! — деди бир аёл.

Қиммат момо дуо қилди:

— Омин, мендайн бир бегуноҳ момқи сочимнинг оқиға қарамай урган бўлсанг, илоё оламдан бепушт ўтгин! Менинг ёшимга етолмай жувонмарг ўлгин, оллоҳу акбар!

Аёллар ичини тортди. Бош чайқадилар.

— Илоё оғзингдан чиқиб, ёқангга ёпишсин! — овоз берди Барчин хола. Опамиз нажот истаб пастга — боғда ҳайрон бўлиб тикилаётган одамларга қаради. Бошини чапга хиёл эгиб, кўзлари ёшга тўлиб, акамизга мунис тикилди. Билакларига йиғлади.

— Дунёда бир менми бепарзанд! Тирноққа зор бўлиб ўтганлар нечов. Мен ҳали кўрарман, умидим кўп. Фарзанднинг эрта-кечи бўладими. Бировга эртароқ беради, бировга кечроқ. Мен уни кўрдим, Барчиной дўстим, кўрдим. Яратганининг ўзи уни тушларимга солди, кўнглимга солди. Нима қилайин, вақти-соати етмаган эканми, қўйнимга солмади. Тушларим тўлди, кўнглим тўлди. Қўйним тўлмай турибди, қучоғим тўлмай турибди. Барчиной дўстим, мен уни толгушда кўрдим. Дугоналари билан тутимизнинг остида босмалим ўйнади. Ишонмасангиз Олапар итимдан сўранг. Босмалида унга тенг келадигани бўлмайди. Ун икки хилидаям адашмади. Қўли чевар экан. Айниқса келин хилини бир ўйнади, бир ўйнади. Дугоналари оғзини очиб ўтираверди. Мен унинг отини билолмай қолдим, Барчиной дўстим. Ҳожарнинг чақалоғи биғиллаб уйғоғиб юборди. Яна кўзларимни юмиб, унинг йўлига қарадим. У бошқа келмади. Бари бир келади, Барчиной дўстим, келади, мана кўрасиз. Ана шунда шу ерларга уни етаклаб келамак. Мана шу момоларингга бир босмалим ўйнаб бер, дейман, Барчиной дўстим...

— Айтганингиз келсин, Оймомо дўстим.

Бу вақт бўзбола тепага чиқиб келди. Барчин хола уни ўзларига имлади:

— Ай иним, йўлингизни бу ёққа солинг.

Бўзбола уларга қараб юрди. Барчин хола унинг яғринидаги замбилни олиб, узумини ерга ағдарди. Опамиз билан иккови узум тозалади.

Акамиз тепадаги гапларнинг барини эшитиб, ўзини эшитмаганга олди. Ари уясига дуч келди. Ари уяси кунгабоқардай. Сонсиз тешикчаларда арилар тумшуқларини бир-бирига тегизиб яшайпти. Борди-ю, четдан таҳдид бўлса, ёпасига ҳамлага ўтади. Тўғри келиб кўзга ёпишади.

Акамиз бошига ўнгирини ёпди. Енглирини тирсагига қайириб, билакларини очди. Новдани силкиди: чим, чим, чим... Чақаётган арими ё чивинми? Акамизнинг кайфияти шу даражада таранг!

Одамлар пешин чоғи узум узишни бўлди қилиб, пайкалдан чикди. Эркакларнинг келаётганини кўрган аёллар у ёқ-бу ёғини тузатиб, ўзига қараган бўлди.

Узумларнинг айрим доналарига сув тегиб ё кесақ ичида қолиб чириган. Аёллар чирикни майиз-жойнинг бир четига ёйди. Офтобда очиқ қолиб, пўла бўлганлариям бор. Бу офтоби майиз. Офтоби майиз бутун бошли саратон, офтобини симириб пишган. Кўп шифоли. Аёллар офтоби майизни алоҳида ёйишди.

Майиз-жойнинг четидagi катта дашт ўчоққа ўт ёқилди. Кўкка тутун ўрлади.

Акамиз эски чопонининг ўнгирини қайириб, белбоғига қистирди. Ўчоқ тепасига кўтарилди. Қозондаги сувга ишқор, оҳак солди. Дашт-биебонларда бир ўт ўсади. Одамлар уни териб, тўда қилиб куйдиради. Ўт куяётганда ундан кулга чақиллаб суви томади. Сув кул билан қўшилиб, чағир тош мисол қотиб, ишқор бўлади. Ўткир ҳидли, кулранг.

Қозон қайнади. Акамиз чўмич билан қайнаган сувнинг тиниғини олиб тоза идишга солди. Ишқор билан оҳакни аралаштириб, аччиқ қилди. Қозонни тозалаб ювиб, ишқор билан оҳак сувини яна қозонга қуйди.

Ўтёқар тинмай ўт ёқиб турди.

Аёллар қўлсаватга узумлар солиб берди. Бўзбола саватнинг боғичидан кўтариб, акамизга олиб келиб берди. Акамиз оёғини ўчоқ лабига тиради. Саватни боғичидан авайлаб ушлаб, билқиллаб қайнаб турган қозонга бир пишиб олиб, яна бўзболага узатди. Бўзбола остидан ишқор ҳам оҳак аччиғи шўриллаб оқаётган саватни майиз-жойга ташиди. Аёллар ёйди. Жовузлар алоҳида, ҳусайни алоҳида, кишмиш алоҳида ёйилди. Сабаби, уларнинг таъми турлича. Айниқса ҳусайни майизига етадигани йўқ. Шу қабилда бугун узилган узумларни ёйдилар. Узум офтобда ҳафта деганда қуриб, сап-сарик майиз бўлади.

Ишдан қайтар чоғларида бригадир келди. Акамиз уни холисроққа етаклаб бориб, ниятини айтди. Бригадир ажабланиб, сабабини сўради. Акамиз кўзини олиб қочди: «Ука, эл-юртга аралашмайин дейман. Тилим қисик... Вақтлуроқ келганингда тепадаги гапларни эшитган бўлардинг».

Акамиз, шунақа, дегандайн бош ирғади.
— Майли. Қоровуллик бўлса қоровуллик-да. Омбор бўладими? Емишли жой, — синамоқчи бўлди бригадир.

— Йўқ, далага.

Бунисигаам майли. Камарга борасиз.

— Йўқ, бизга Сайрак адирни бер. Аёлимиз билан икковимизга. Унинг ўрнигаам ўзим турабераман. У овқат пишириб берса бўлди. Бир дил кетди, хўп де.

— Майлингиз. Лекин айтиб қўлай, эски қоровул кўнмайди. Уям ўғли билан турибди. Шундай бўлсаам бир айтиб кўраман, омадингиз. Ҳозирча ишлаб туринг.

— Уш деган ерда бир табиб бор эмиш.

Акамиз бир хўкиз сотди. Пулини белига ўраб, опамизни Қирғизистонга олиб жўнади. Улар Ушга тушда етиб келишди. Табиб тоғдаги қишлоқда экан. Таксида шу қишлоққа келишди. Меҳмонхоналари тўлиб, чодирхоналари қолибди. Улар чодирхонага қўниб, тамадди қилгани Чинор остидаги бозорга бордилар. Асал, кулча олиб чойхонага ўтдилар. Айландилар. Сўраб-суриштириб табиб фақат эрталаб қабул қилишини билишди.

Табибга келган аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида навбатда ўтирибди. Акамиз гали келганда кирди. Бир мўйсафидга юзма-юз бўлди. Табиб ундан дардини сўради. Юз-кўзларига қаради. Вилагини ушлаб, томирини эшитиб, хотиржам туриб:

— Сиздан фарзанд бўлмаса, бошқа ҳеч кимдан бўлмайди, — деди.

Акамиз бирор нарса сўрамади. Боиси, гап узил-кесил айтилди.

Опамиз чиқди. Қадамлари маъюс, юзида қон йўқ. У бошини чапга хиёл эгиб, ерга ўйчан тикилиб пичирлади:

— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ дедилар.

Акамиз опамизнинг гапини маъқуллаб, бош ирғади.

Акамизнинг онаси оёқдан, кейин-кейин овқатдан қолди. Етиб-ётиб, чолининг олдига кетди.

Онасининг еттиси ўтгач, акамиз бригадирнинг олдига борди. Бригадир сўзида туриб, қоровулнинг олдига йўл олди.

— Сиз Камарга борасиз, — деди қоровулга.

Қоровул тутаб кетди. Воиси, Камар олис, қолаверса маккажўжоридан бошқа бир нима йўқ. Бу ер боғ, оғиз тегиб туради.

— Нимага энди? Бу ер-чи, мисол учун?

— Бу ерга бошқа одам келади.

— Бирдай у ёқдан-бу ёққа қув-қув экан-да! Нима, биз колхознинг ўғай аъзосими, мисол учун? Раисга борсам бораман, Камарга бормайман!

— Оббо, сиз гапни олинг.

— Олсам-олмасам, ҳайдасангиз: мана ҳайданг! Бола-чақам очдан ўлсаам ишга чиқмайман! Гапим шў, мисол учун! Ким экан у, бошида ойи бор арзанда, мисол учун?

— Қоплон акага дегандим... Майли, бормасангиз-борманг.

Бригадир оғриниб жўнади. Қоровул қўлларини орқасига қилиб бригадирни кузатди. Кейин эргашди.

— Қоплон акага бўлса майли, мисол учун. Кўнгли ярим. Бошқага бўлганда ўлиб ҳам бермасдим, мисол учун.

Эртасига акамиз келди. Қоровул билан теваракни айланиб кўрди.

— Сизга бригадир ҳеч нима демадим, мисол учун? — сўради қоровул.

— Йўқ, нима эди?

Қоровулнинг хотири жам бўлиб гапирди:

— Бригадирга айтдим, бу ернинг қоровуллигидан кўп зерикдим, мени Камарга юборинг, дедим. Майли, деди, мисол учун. Сўнг, ўртоқ Одиллов, сиз ўз касбингизнинг устасисиз, ўрнингизга ўринбосар айтинг, деди. Ҳа, обрўй бор-да, мисол учун. Хўп дедим. Қоплон акани ўрнимга лойиқ топаман, дедим. Виламиз-да, ким қандайлигини, мисол учун. Ана, буюрсин... Қани, оллоху акбар, мисол учун.

Қоровул кўч-кўронини йиғиштириб кетди. Акамиз боғларни ёлғиз ўзи яна бир айланиб чиқди. Эски қоровулнинг қуйироқдаги чайласини бузиб, адирга олиб чиқиб тикди. Бир вақтлар худди шу ерда аёли билан ёнма-ён ўтирар эдилар...

«Мен эркакман. Унга қийин».

Акамиз тушлик олиб кела бермаган аёлини ўйлаб, шундай хаёлга борди. Кўнгли уйига тортди. Боғни бесоҳиб қолдириб, уйига отланди.

Келса, ҳовли бош-адоқ қулф. Хайрон бўлди. Борди-ю, тушлик олиб йўлга чиққан бўлса учарди. Девордан ошиб ўтди. Дарвозани очиб, отни етақлаб кирди. Охурга боғлади. Яширинча жойлари — дахлиздаги носоз радио ичидан калитни олди. Ошхонага кириб идишларни очиб кўрди. Тўнтариклик тоғора остидан бир лаъли товоқ палов топди. Ток вайиши остига гилам ёзди. Дастурхон олиб келди. Чинни косада шакароб қилди. Чой дамлади. Чордана қуриб, паловни пиёладай-пиёладай юмалоқлаб «ураберди».

Кўчада от дупурлади. Девор узра қишлоқ Совети котибининг юзи кўринди.

— Ассалому алайкўм, Қоплон ака!

— Ваалайкўм.

— Яхшимисиз, димоғлар чоғми?

— Шукр, бинойидай. Узингиздан сўрасак?

— Раҳмат, раҳмат.

Котиб шундай дея кўз қирида товоқдаги паловга қаради. Оғзи палов таъмини тўйди. Девордан ошиб бормоқчи бўлди. Ниятидан яна қайтди. Кимсан, қишлоқ Советнинг котиби, ўзи таклиф этар, деган ўйга борди.

Акамиз хотири жам палов еди. Котибга қарамадиям.

— Бизга қоровулликка ўтмоқчи эдингиз, бормадингиз?

Акамиз ошам юмалоқлаб, жавоб берди:

— Энди, ука, сўнг-сўнг ўйлаб қарасам, олисинг паловидан яқиннинг шўрваси яхши экан.

Котиб паловга тамшаниб қаради.

— Ҳа-а... Олдингиздаги паловгинадан дейсиз-да? Зиғир мойликкинаси-дан?

— Ҳа, шундан. Бай-бай-бай, ўзиям паловмисан-палов бўлибди-да.

Котиб тескари қараб олди.

— Шунга аввалроқ ўйлаш керак эди-да. Ҳа, майли. Икки йиллик томорқа солиғини тўламабсиз. Солиқчи бўлса касал. Буёғи райондан бўл-бўл қиляпти. Шунга ўзим келиб эдим.

— Бинойи-да, бинойи. Энди, ука, гапнинг ўнақайини айтсам, менда пул йўқ. Менга пул нимагаям керак — адирда магазин бўлмаса, бозор бўлмаса. Пулнинг бари аёлимизда. У ҳозир йўқ. Бир ёққа кетганга ўхшаяпти. Келсин, оғзингиздан чиққанини беради.

Акамиз ошамни каттароқ олди. У ҳадиксиради: кўз бўяб катта бўлволганлар юзиси тортади, отдан тушиб, индамай ўтириб олса-я?.. Унда товоқдан қўлини тортади. Дастурхондан холисроққа силжиб ўтиради. Котиб тоифасидагилар билан бир дастурхондан туз емайди.

Котиб, амални пеш қилиш фойдасизлигини билди. Энди ўзга йўлга ўтди:

— Билсангиз, сағал уруғчилигимиз бор.

— Биламан, ўнгирнинг учи.

— Ия, ўнгирнинг учиям уруғ-да!

Акамиз косадаги шакароб сувидан хўплади. Паловга янада иштаҳали қўл узатиб, ўзига-ўзи марҳамат этди:

— Катта-катта олинг-е, Қоплонбой!...

Котиб елкасидан нафас олди. Уф-ф, бўлмади! Палов бўлса борган сайин камайиб бораяпти. У қилтиллаб ютинди.

— Минг қилсаям уруғ-уруғ-да, Қоплон ака. Этни тирноқдан айириб бўлмайди...

Паловнинг бир чети жар бўлиб, шу тарафга ағанади. Акамизнинг билагидан мой оқди. Билагини ялаб-ялаб, лабларини чапиллатди.

Котиб ҳам тишини сўриб, лабларини чапиллатди:

— Томир тортади...

Паловнинг ўртаси иссиқ экан, акамиз бармоқлари учи билан титиб ташлади. Товоқдан буг кўтарилди. Зиғир мой иси анқиди...

— Бўлмаса қоровул бўламан деганлар кўп. Барини қайтардим. Сизга хўп дедим.

Акамиз мойсиз қўлида пиёлага чулдиратиб чой қўйди. Иссиқ-иссиқ ичди.

— Узингга шукр-э — деди.

Котиб товоққа қаради. Қаради-ю, ичида бир нима ўпирилиб кетди. Товоқдаги паловдан асар ҳам қолмабди. Девордан қўлини олиб, отига аччиқ камчи босди:

— Одам кўрганим ёлғон экан-е...

Акамиз ишига отланаётганида опамиз келди. Опамизнинг юзига қарамай тўнгилади:

- Қаёқда юрибсан?
- Денов бориб эдим.
- Пишириб қўйибдимикин?
- Аёллар балиқ егани бораётган экан, мениям юринг деди.
- Аёлимиз балиқ еб юрса, биз бу ёқда оч ўтирсак.
- Тушгача келаман деб эдим, автобус ҳаяллаб қолди.
- Москвага бормабсан-да! Кейин Ленинградга...

Акамиз опамизнинг юзига қарамай, зардали отланди.

Шоймардон ферма мудирининг ўғлининг қўлини ҳалолларди. Тўшакда ётган ўғил кўнмади. Юзини гоҳ ўнг, гоҳ чап тарафга олиб йиғлади. Ўғилнинг қавати-да тиззалаб ўтирган уста Мажид асбобларини ҳозирлади. Ўткир устарасини кафтига қайради.

- Қўрқма-е! Чибин чаққандайин ҳам бўлмайди!
- Чибинди қўйинг, шамол эсиб ўтгандай бўлади, холос!

Қоплон акамиз ўғилчага пул узатди.

- Ма, тарлон от ол.
- Ана, бойиб кетдинг.
- Менга берганларида жон-жон деб кўнардим.

— Шунча пулгаям йўқ дейсанми? Унда, тур, ўзим ётаман. — Нурали бобо тўшакка итилди.

- Уста бова, шошманг, мен ётайин.
- Қўйинг-э, ўзи ётади...

Ўғил тевааракка аланглади. Одамларнинг юзи жиддий. Бири қўйиб, бири унинг ўрнига ётай дея интиляпти. Ўғил тинчиди. Унинг оғзига тандир нон тишлатдилар.

Уста ҳозир бўлди. Ўғилни гапга чалғитди. Хотиржамлатиб, пайт пойлади:

— Э, яша! Неча пулинг бор? От олсанг мениям миндирасанми, йўқми? Бали! Қоплон бованг чин айтади, от олсанг тарлонидан ол! Хўйдар-хўйда-а-ар!
— Хўйдар-хўйда-а-ар!!!

Ўғил жон-жаҳди билан нонни тишлаб, узиб олди. Чийиллаб йиғлади. Уста кесилган жойга куйган пахтанинг кулини босди, букилмайдиган дўппи ёпиб қўйди.

Қоплон акамиз ён уйга чиқиб ўтирди.

Ферма мудирининг қўшни «8-Март» колхозидан мол доктор ошнаси келди. Ичкари кириб, қўли ҳалолланган ўғлон билан сўрашиб чиқди. Барча билан кўришиб, тўрга ўтирди. Ўнг тарафдан битталаб сўрашди. Учинчи одамага келганда Қоплон акамиз сергакланиб, эшикка қаради. Бошини қуйи эгиб, дастурхон четини қайириб ўйнади. Чойнак қопқоғини шиқиллатиб-шиқиллатиб очиб ёпди.

Гал Қоплон акамизга келди. Меҳмон қўли кўксига сўрай бошлади:

- Яхшимисиз ака?
- Акамизнинг бадани увишиб, қўлини кўксига қўйди.
- Шукр, шукр..
- Бола-чақалар ўсаептими?
- Шукр..
- Неваралар катта бўлаептими?
- Шукр...
- Чопқиллаб-чопқиллаб юришибдими?..

Акамиз бошқа гапларни эшитмади. Қўли кўксига, эгик бошини ирғаб ўтираверди. Акамизнинг тўй-тўйлагани, еган-ичгани бурнидан чиқди.

Уйига ёниб келди.

Нимага энди фақат бола-чақани сўрайди? Нимага манави данғиллама уйларни, кенг ҳовлини, жийрон отини сўрамайди? Қўйлари, моёлари қанча. Ҳар йили қўзилайди, бузоқлайди. Токзори йилига салкам ярим тонна майиз беради. Нимага буларни сўрамайди? Ўзи ҳамиша соғлом, тани-жони соғ, отдай. Икки-уч одамнинг ишини қилади. Кўп-кўп меҳнат ҳақи олади. Буни-чи?

Акамиз ичкарилаб, узала тушиб ухлаётган опамизни кўрди. Жағ суяклари бўртиб, қараб турди. Акамиз уни билагидан ушлаб, уйнинг нариги бурчига отиб юборди. Опамиз юзи билан юк-ёпга урилди. Зарбидан кетига чалпак бўлиб йиқилди. Эсанкираб, туриб ўтирди. Уйқули кўзларини уқалади. Кафтлари билан яланг бошини ёпган бўлди. Сувга чўкаётган одамдай энтикиб-энтикиб нафас олди. Чирилламоқчи бўлди. «А-а-а», деган заиф, титроқ овоз берди. Ожиз, ёлворувчи оҳанга шивирлади:

- Мен бу кишига нима қилдим?
- Акамиз опамизнинг бошига келди.
- Нимага ухлайсан?
- Ҳамма ухлайди-ку.

— Сенга ким қўйибди ухлашни? Айт?! Сенга ухлашни ким қўйибди деяпман?! Айт?! Атмайсанми, айтмайсанми?!.

Акамиз опамизнинг бошидаги қўллари биллаб ташлаб, сочларини билагига ўради. Чап қўли опамизнинг бўғзига борди. Панжалари ботаётганда опамизнинг ияги юқорилади. Кўзлари опамизнинг кўзларига тушди. Опамизнинг кўзлари жон бераётган бузоқ кўзларидай бўлиб қолди. Қорачиғи йўқ, оқи кўп...

Акамиз сесканиб, қўллари бўшашиб, шалвираб қолди. Кетига қарамай эшикка юрди. Зинапояда ҳайкалдай жонсиз турди. Оламга боқди... Олам бир ҳовуч — қишлоқ чолдевор, кенг юзли ҳовли товуқнинг катаги...

Обтовада қўлига сув қуйди. Қўлига сув юкмади, бармоқлари орасидан қумдай тўкилиб кетди. Суви йўқдир деган ўйда обтова ичига қаради. Эти совуқда жунжиккан одамдай сесканиб бош кўтарди. Балдоғини маҳкам ушлаб қотиб қолди. Отиб юборишимам, янада маҳкам ушлашимам билмади. Обтованинг ичи тубсиз сув. Сув остидан бир одам унга важоҳат билан бақрайиб турибди. Бақрайган юз дардли, изтиробли.

Михдан қамчини олиб отга юрди. Қамчи боғига биллаб ўтказиб ўрими билан сонига урди. От арқонини ечиб, эгар қошига ўради. Сапчиб миниб, дарвозадан энкайиб ўтди.

Қоровуллигига борди. Отини йўнғичқапояга қантарди. Чайласига қараб юрди. Ариқ бўйида ёввойи боғ гулларига дуч келди. Энкайиб, димоғини тутди. Бўй пайқамай афти буришди. Гул эмас, тикон сим учига қистириб қўйилган қизил қоғоз...

Йўлида давом этди. Адирлаётганда ёмғир томчилай бошлади. Чайлага келиб, гиламга тўкилган чайла хас-чўпларини қоқди. Кўрпача ёзди. Тахлоғли кўрпачаларга орқа бериб, оёқларини ёзди. Липпасидан носқвоқ олиб, тиззасига урди. Нос олаётган кафти титради. Бошини орқага чалқайтириб, нос отди. Лабларини чўччайтириб нос юқи кафтини сонига артди. Телпагини пешонасига қўндирди. Кўзи илиниб-илиниб кетди...

Тоғни қора булутлар босиб ётибди. Булутлар бағридан қуйига сонсиз тасмалар чўзилган — тоққа ёмғир ёғаяпти. Қоп-қора булутлар тобора пастлади, қирлар булут ичиде қолди. Акамизнинг адири қирларнинг қоқ оралиғи — қуйида. Акамиз мисоли жар оралиғидаги улкан тош устида ўтирибди. Жарга чўкаяпти. Жар бўлса тубсиз. Ҳадемай ютади. Чўкаётганини биров билмайди. Ном-нишонсиз йўқолади. Уни биров эсламайди. Сўраб-суриштирмайди. Кими ҳам эслайди, суриштиради? Овози борича қичқиради. Кими овоз беради? Қирларми? Қирлар майна қилгандай унинг овозини қайтаради, холос. Кейин, нажот сўраган қўллари шалвираб қолади. Яккаю ягона таянчи, илинжи бўлган аёлини чақиради. Аёлнинг қўлидан нима келади? Йиғи...

Қоп-қора булутлар Арчақўтал чўққиларини чалиб кетди. Тўхтамишнинг това қирлари кўринмай қолди. Катта лалми чўққиларини босди. Шунда, булутлар орасидан бир чол кўринди. Уст-боши, соқоллари оппоқ, эшағиям оқ, тақимида узун ҳасса.

Акамиз чолни қаердадир кўргандай бўлди. Уйлаб-уйлаб эслади: баргга борганда қўриб эди. Кўнглига таҳлика тушди. «Ким бўлди бу мўйсафид?»

Булутлар ичиде момақалдироқ қарсиллади. Айқаш-уйқаш тасмалар ёниб ўчди — яшин. Акамиз сесканиб кетди. Чолнинг эса парвойигаям келмади. Чол яқин келди. Юзлари яққол кўринди. Акамиз чолдан кўз узмади. Кўнглидаги таҳликалар аста-аста йўқола борди. «Ким бўлди экан бу мўйсафид? Самад бобомикин? Унинг эшағи қора эди-ку. Қарши маҳсумми? Йўқ, маҳсум эшакни ҳайвоннинг бефаросати деб минмайди».

Уйлаб ўйига етди. Етди-ю, сесканиб ёқасини ушлади. «Э, ё қудратингдан! Чинингми шу?!» Ичиде калима қайтариб, чолга янада синчиклаб тикилди. «Кўриниши айтиб турибди. Вари бир шошмаган маъкул. Ким билади, кўзимга шундай кўринаётгандир. У кишининг барчага аён белгиси бор. Хизир бобонинг ўнг бармоғи суяксиз бўлади. Шундан билса бўлади».

Акамиз сапчиб туриб, чолга пешвоз юрди. Қўлини кўксига қўйди.

— Ассалому алайкўм!

— Ва-алайкўм, болам, ва-алайкўм. Ўтир, туриш даркор эмас, ўтир. Мен бир йўловчи одамман. Хўш, болам, оёғинг чиқибдики шу адирлардан кетмайсан. Нима, бирор сеҳри борми?

Акамиз жавоб ўрнига чолга синчиклаб тикилди. Аниқ бир фикрга келолмади.

— Сиз Самад бова эмасми?

Чол рад маъносиде бош чайқади.

— Ҳа-а, билдим, билдим, Сиз Ҳасан миробсиз. Тоғдан, сув ёқалаб келяпсиз. Тошлоқда, сел келишидан қўрқиб, қир ошиб келяпсиз?

Чол қах-қах урди. Булутлар, адирлар кулгидан зириллаб кетди.

Емғир қиялаб-қиялаб ёғди...

Яшин тўлқинланиб-тўлқинланиб чақнади...

— Бўлмаса кимсиз ахир, айтинг-да, одамни қўрқитмай?

Акамиз чолнинг қошига келди. Чол олислардаги боғлар, пахтазорларга ўйчан боқиб турибди.

— Қани, омонмисиз, эсонмисиз...

Акамиз теваракка аланглади — овлоқ. Умрида биринчи марта, биринчи марта инсон олдида тиз чўкди. Кафтларини очиб, инсонга чўзди. Еноқларидан маржон-маржон ёшлар сизиб, дардини ёриб қўяверди:

— Бизни бу дунёга боғлаб қўйган эмас, бир кунмас-бир кун танамиз совийди. Шунда, ким бизнинг иси-чирогимизни қилади? Ким отамлаб йиғлайди? Ким энамлаб йиғлайди? Биров, ҳеч бўлмаса бировгина отамлаб йиғласа экан, энамлаб йиғласа экан, ҳазрати боважоним! Изидан ўғил қолдириб, отаси учун мотам туттирмаган эркак — эркак бўптимми! Орқасидан қиз қолдириб, энаси учун қора кийдириб, аза очдирмаган аёл — аёл бўптимми?.. Бўптимми!..

— Сен фарзандлик бўлгансан...

— Йўқ... йўқ... Сиз мени биров билан адаштиряпсиз. Уста Қулматга келбат бераман, ўша деётгандирсиз?.. Чин, унинг фарзанди бор — олтита! Менда бўлса биров ҳам йўқ...

— Қандай отасанки, ўз фарзандингни билмайсан? Ҳали яна кўп-кўп фарзандлик бўласан.

— А? Кўп-кўп бўлади дедингизми? Қачон? Қуллук, боважоним, қуллук! Қанийди кўп бўлса! Унта бўлса ўрни бошқа...

Бобо кўздан ғойиб бўлди.

Акамиз қош қорайиб, одам оёғи тинганда уйига келди. Опамиз айтиб-айтиб йиғлади. Пешонасига муштлаб, кўрган кунидан нолиди. Акамиз ерга қараб, талмовсиради:

— Мен бўғдимми? Сени-я? Қачон? Э, шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан. У мен эмас эдим. Кўриб турибсан, мен ҳозиргина ишдан келдим... А? Эсим жойида, нима эди? Бўлди, бўлди, ундан кўра суюнчини чўз.

Акамиз бўлган гапни айтиб берди. Шипларга, деразаларга қараб ўзича бош иради. Шўрвани илжайиб ичиб, ёнбошлади.

— Ҳа-а... Бешик-мешигинг борми ўзи, момоси?

— Бешик нима қилади.

— Э, ҳали бешигинг йўқми? Унда шу бозор Денов бориб келганим бўлсин.

— Ҳали вақтли.

— Э, вақтлиси бўптимми, эҳтиёт-да.

— Йўқ, ўзим айтаман.

— Сенинг гапинг жуфт, момоси.

Опамизнинг юраги ўйнади, кўнгли айниди. Оғзини каппа-каппа очиб, эснади. Буни кўрган акамиз ўзида йўқ суянди. «Ана, бўйида бўпти!» деган гап ўтди хаёлидан. Аёлига меҳрибонлик қилди:

— Энди ўзингни оғир ишлардан тий, ишга чиқма. Хафагарчиликдан сақлан, тўйиб-тўйиб ухла. Кўнглимда сенга атаб юрганларим бор. Бировга айтмасанг кунни келганда сенга айтиб бераман.

— Нима экан у?

— Қўшиқ... айтиб бераман.

— Нима-нима? — ҳайрон бўлди опамиз.

— Қўшиқ айтиб бераман, дейман, — сокин жавоб берди акамиз.

Опамиз оғзини ушлаб кулди.

— Шу киши қўшиқ айтадими?

— Э, бизга нима қилибди?

Акамиз адирга сиғмай қолди. Йўлда ҳориб қолади деган хаёлда опамизга тушлик ташиттирмай, уйига келиб кетадиган бўлди. Бўлган-бўлмаган гаплар айтиб аёлини кулдирди.

Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтди.

Акамиз катта чироқни ўчириб, тунгисини ёқди. Уй нимқоронғи бўлди. Чалқанча ётиб, хаёл сурди. Аёлига ўгирилди. Билагини аёлининг бўйни остидан ўтказди. Юзларини қучоғига олди. Кўзларини юмди... Чап қўли ўғлининг бешигига кетди. Қўли бир юқорилаб, бир пастлади. Кафти мулойим оламни қайта-қайта силаб, бир манзилда тўхтади — йўқ... Кафти яна бир-икки бор ўнгу чапга бориб келди: югурди, елди, ишлади — йўқ...

Қўли юзини тутди. Бор эътибори, хаёли, ҳатто кўзлари диққатини қўли ихтиёрига берди. Юрагини қўли юзига жо қилди — йўқ... Унг қулогини аёлининг кўкраклари остига қўйди. Чаккаси хўл бўлди. Нафасини ютиб, бир дақиқа қотиб қолди. Қулоғи остида аёлининг юраги дук-дук урди. Кўзларини очди: ўғлининг тўққиз ойлик оппоқ олами бор, ўзидан эса дарак йўқ... Хушвақт йўқ!..

Акамизнинг ҳафсаласи пир бўлиб, аёлининг юзига юзини қўйди. Аёли пиқиллаб йиғлаб юборди.

— Йиғлама, бўлар. Ҳазрати Хизир бовамиз айтдилар-ку.

Акамиз бу билан ҳам ўзини, ҳам аёлини юпатди.

Опамиз эрини узоқ айрилиқдан кейин кўргандай бағридан қўйиб юбормади. Жипсроқ ётиб, соқоллари, юзларини силади. Узоқ соғинчдан сўнг кўришгандай қайта-қайта ўпди. Эркалатишдан армони қолмади.

— Эртага бозорлаб келмайдими?

— Бозорлаганим бўлсин!

Сахар маҳали акамизни уйғотди. Чой дамлаб бериб, дарвозагача чиқди.

Ой ҳали туққани йўқ — зимистон.

Акамиз отни етаклаб, кўчада минди. Эрининг тобора йўқолиб бораётган қорасига тикилаётган опамиз:

— Майли, яхши бориб келсин, — деди.

Дарвоза табақасига юзини қўйиб йиғлади.

Кўчада эчки маъради. Уғирилиб, эчкилари кўчага тизилиб чиқаётганини кўрди. Барини ичкарига қайтариб, дарвозани занжирлади. Занжирдан чўп ўтказди. Даҳлизга келиб, сўрига ўтирди. Тиззаларига пешонасини қўйиб яна йиғлади.

Бари Ушдан бошланди. Табиб, опамизга эрига айтган гапнинг тескарисини айтди. Опамиз кўп вақтлар табибнинг гапига ишонмай юрди. Яширинча Деновдаги катта врачларга борди. Улар қайта-қайта синчиклаб кўриб, бор гапни айтди. Уйига келиб акамизга айтмади. Аёллар билан балиқ еб келдим, деди.

Опамизнинг ичига ютиб юрган дардлари шу кундан бошлаб кўзларига тошиб чиқди. Юракни яширса бўлади — кўринмайди. Юрак бор дардларини пинҳон тутлади. Кўзларни яшириб бўлмайди. Кўзлар ўзини-ўзи фож этади. Нафақат ўзини, юракниям фож этади.

Акамизга очиқ-ойдин айтсинми? Қандай айтади? Буни айтиш ўзини-ўзи инкор қилиш, аёллик шаънини йўққа чиқариш бўлади. Сўнг, у аёлман деб юрмасаям бўлади. Йўқ, икки дунёдаям айтмайди. Айтса гап чиқиб кетади, элга ёйилади.

У бир эркакнинг, зўр бир эркакнинг бахтини боғлаб юрибди. Эркак ҳадемай эллика киради. Эркак орзуларга тўла, умидларга тўла. Кутиб-кутиб яшайди, тинмай қидиради, елиб-югуради. Кўнгил мевасини излайди. Шу мевани топишига, уни қўлига олиб ўйнатажагига ишонади. Юзларига, бағрига босажагига ишонади. Ана, у бешикка кетди. Ҳадемай бешик кўтариб келади. Момоси, бу Хушвақтнинг бешиги, дейди. Опамиз бўлса алдайди. Кўрабилатуриб, ёнма-ён ётиб, кўзларига тик қараб алдайди. Кимни? Умрида кўз очиб кўрган энг суюкли одамими!..

Тонгнинг таги оқариб келаверди.

Опамиз кириб, жойни йиғиб қўйди. Эшик-орани супурди. Мол-қолларга қараб, подага қўшиб келди. Идиш-товоқларни қатрон қилиб ювди. Деразаларни артиб, уйларни супуриб-сидирди. Ҳовлидаги қайрағоч, олмалар олдига борди. Олмалар, хўш энди!..

Оғилхона, сомонхонага кирди. Сомон уюмига тикилди. Утинхонадаги тут кундаларига қараб чиқди. Товуқ катагига қараб, моёк босиб ётган бир макиёни кўрди. Товуқлар, хўш энди!..

Ошхонада бир зум турди. Сирғалиб тушган докани товоқлар устига ёпди. Яна тушиб кетмасин дея бурчларини товоқ остига босгириб қўйди. Келин бўлиб мой томизган қозонлари, ўт ёққан ўчоқлари, хўш энди?..

Ошхонадан чиқиб, эшикни авайлаб ёпди. Теваракка аланглади. Оҳиста-оҳиста юриб, тандир бошига келди. Энкайиб тандирга қаради. Ичидаги уюм-уюм кулни оташкурак билан қириб олиб, кулдонга солди. Тандирнинг қопқоғини ёпиб қўйди. Нон ёпган тандири, хўш энди!..

Уй ичи тўла юк-ёп. Бари ўзининг қўлидан. У юк-ёпларга қўл силтади: «Гўримга тикаманми латта-путтани!»

Жамики эшикларни қулфлади. Калитларни носоз радио ичига қўйди. Эшик зинасига чўнқайиб ўтириб, олис йиғлади. Бошидан, елкаларидан босаётган нимадандир халос бўлди. Кўнглини эзаётган нимадир кўз ёшлари билан оқиб кетди.

Офтоб олмалар учини чалиб кетди. Опамиз ўпкасини босолмай ҳиқиллаб, юзларини ювди. Девордан ошиб ўтиб, рўмоли учлари билан жағларини ўради. Девордан бўйлаб, қадрдон ҳовлисига сўнгги, сўнгги бор назар солди. Бурилишда тўхтаб, яна қайрилиб қаради. Изидан ити эргашиб келаётганини кўрди. Кет, кет, деди. Ити беш-олти одим қайтиб, яна эргашди. Тўхтаса, ит ҳам тўхтаб қараб тураверди. Ҳафсаласи пир бўлиб, йўлида давом этди.

Опамиз тўлиб-тошиб одимлади. Пойидаги қатор уйларми? Йўқ, улар майдагина оқ тошлар, рангли кесаклар. Опамиз тошларни, кесакларни янчиб-янчиб юрди!

Булар нима? Теракларми? Тутларми? Йўқ, булар ногирон гиёҳлар. Опамиз гиёҳларни босиб-босиб, эзиб-эзиб одимлади!

Анави кўринган тоғларми? Йўқ, улар болаларнинг ҳаммомпиш уйи! Тоғлардаги қорлар қоп-қора!..

Акамиз Қизилсув бўйига келди. Лойқа дарёни ёқалаб, саёзроқ кечув излади. Таваккал қилиб, отни бир ёймадан солди. Сув отнинг қорнини ювиб оқди. Кечувдан чиқиб, дарё бўйидаги Лойқўрғонга кўтарилди. Отини қўрғон четидаги отхонага боғлади. Тароқи хуржунни қўлтиғига буклаб қисиб шаҳар оралади. Кўчалар, айниқса бозор тумонат одам, қадам босадиган ер йўқ. Ҳавода кабоб, сомса, манти ҳиди. Сонсиз овозлар аралашиб, қулоқни гаранг қилади. Ким гапиряпти, кимга гапиряпти, нимани гапиряпти — тушуниб бўлмайдди. Бозор — сонсиз чумчуқлар ғимирсиб чирқиллаётган уядай.

Акамиз одамлар билан тўқнашиб, туртиниб-суртиниб бораётиб, йўлида пиллачи агрономга дуч келди. Агроном уни кўриб-кўрмасликка олиб ўтди. Акамиз агрономни билагидан қўшқўллаб ушлади. Агроном ялт этиб ўгирилди.

— Э-э, Қоплон ака! Бозорлабсиз-да!

— Кўриб турибсиз, тирикчилик, ҳа, тирикчилик!

— Ҳа-а, маъқул!

Агроном йўлида давом этди. Акамиз кетидан қараб қолди: «Бефаросат. Диплом бўлган билан фаросат бўлмагандан кейин қийин экан-да».

Йўлида давом этди. Майиз бозорини ёнлаб юрди. Тизилиб ўтириб майиз сотаётганлар овозини эшитди.

— Кеп қолинг, Хўжасоатнинг майизига! Арзон қилдим, килоси беш сўм!

— Синонинг майизи шўр, Хўжасоатникидан қолманглар!

Акамиз охириги гапирган Йўлдош тракторчини атайин ёнлаб ўтди.

— Йўлингиз унсин, Қоплон ака!

Акамиз гўё фавқуллода кўришиб қолгандай юзлари ёришди.

— Э, ҳа, иним, бозорингиз унсин!

— Айтганингиз келсин! Қани, бундайгина юрибсиз?

Акамиз қўли билан хуржунга ишора қилди.

— Кўриб турибсиз, тирикчилик.

— Ҳозир йўл бўлсин?

Акамиз ниятига етди.

— Шу, бешик бозорига бораёпман, Йўлдош иним.

— Ана-ана, буюрсин, буюрсин...

Акамиз янада очилиб, қуллуқ, дегандай бош ирғади.

— Айтгандайин, тўнғич неварамизни кўраяпсиз-а, Қоплон ака?

— Шундай, шундай.

Йўлдош тракторчи ўйлагандай бўлди. Бир нима демоқ бўлиб оғиз жуфтлади-ю, индамади.

Акамиз изига бурилди. Қуруқ қайтмайин деб мева-чева олди. Дўконларни айланди. Олмаса-да, айрим нарсаларнинг нархини сўради. Айланиб, китоб дўконига кириб қолди. Энди кетмоқчи бўлганида ичкаридан бир қиз чиқиб қолди.

— Қани, амаки, қанақа китоб топиб берай?

Акамиз, керак эмас, дегандай бош чайқади.

— Ўғилми, қизми? Неча ёшда?

Акамиз кетишния, кетмасиния, нима дейишиния билмай қолди.

— Ўғил! — деб юборди.

Қиз тоқчадаги катта юпқа китобни акамизга узатди.

— Шунинг олинг, мана бундай... — Қиз бошмалдоғини тик қилиб кўрсатди.

Акамиз китобнинг юзини томоша қилди. Унда улкан мушук чўнкайиб ўтирибди. Демак, китобнинг ичидаям мушук бор. Қайтиб бериб, ўйланиб қолди. Чиндан ҳам китоб олиб борса бўлмайдими? Хушвақт катта бўлса ўқийди.

Акамиз эшитган-билган китобларини бир-бир ёдга олиб, қизга эгилди.

- Шу, Кумушбидан борми?
- Қанақа Кумуш?
- Халиги, марғилонлик Кумушбиби.
- Езувчими?
- Э, йўғ-е, халиги, Отабекнинг қайлиғи-чи?
- Ха-а, «Утган кунлар» денг?! Бор.
- Шундан бер.

Қиз китобни топиб келди. Акамизга жилмайди:

— Отабек керак эмасми?

— Кумушбиби қаерда бўлса, Отабек ҳам ўша ерда бўлади-да...

Акамиз дўкондан чойхонага йўл олди. Қовурилган балиқдан икки кило олиб, ярмини ўзи тушлик қилди. Қолганини қоғозга ўраб, хуржунга солиб қўйди. Аёлимга, деди ўзига-ўзи.

Акамиз ҳамсоя қўлларникига қичқирди:

— Ҳай, ҳамсоя, ўша ёқда бизники йўқми?

— Бугун кўрмадик.

Биров-ярим билан гап сотиб ўтиргандир, деган ўйда ҳовузга борди. Йўқ. Тут кундасига ўтириб, аёлининг йўлига қаради. Дарвоза тик этса қарайвериб, тоқати тоқ бўлди.

Қош қорайиб, моллар подадан қайтди.

Акамиз овланиб, қайноғасиникига борди. Ҳовли остонасидан овоз берди:

— Ахай, буёққа бир қаранглар!

Ичкаридан аёл овоз берди. Деразадан тўкилаётган нурни бир соя кесиб ўтиб, остонада қайнэгачиси пайдо бўлди.

— Шуёққа бизнинг анови келдими?

— Келди. Қани, ичкариланг.

Акамиз, ёмон хотиннинг уйи кўп, порахўрнинг тўйи кўп, деб узиб-узиб олмоқчи бўлди. Бироқ аёли оғироёқ арафасида эканини ўйлаб, шаштидан қайтди.

— Меҳмон деган қош қорайгунча ўтира берар экан-да. Рўзгор деганниям ўйлайди-да. Буёққа айтинг.

Қайнэгачиси ичкарилаб чиқди:

— Бормайман, деяпти.

— Нима дейди?

— Бормайман, кета берсин, деяпти.

— Э!..

Акамиз ерга тушиб, отни дарвоза устунига боғлади. Ичкарига юрди. Нурни яна бир соя кесиб ўтиб, галдаги уй деразаси ёришди.

— Қани?

— Ана, нариги уйга ўтиб кетди.

Акамиз қайнэгачиси кўрсатган уйга кирди. Опамиз қўлини жағларига тираб, бурчакка қараб ўтирибди. Акамиз ҳайрон бўлди. Аёли бошига борди. Рўмоли четидан ушлаб, юзини ўзига қаратди. Қўрқиб, дарров қўйиб юборди. Аёлининг юзи қайғули, дардли.

Қайтиб чиқиб, қайнэгачисининг олдига кирди. Боши билан аёли ўтирган уйга имо қилди.

— Унга нима бўлди?

— Билмасам, эрталаб ўзи кириб келди. Энди уйимга бормайман, деди. Сўраб эдик, индамади.

— Бирон нима деб айнитганга ўхшайсиз.

— Ҳа, қайнсинглим кун сайин яшариб келаяпти, сиздан айнитиб, куёвга бермоқчиман. Ун тўққиз яшар бўзболага!

— Бўлмаса нимага бундай қилади?

— Мен не биламан. Ана аёлингиз, ана сиз, гаплаша беринг-да.

Акамиз аёлининг олдига яна кирди. Бу сафар кўп қолиб кетди.

Эшик зарб билан очилиб, қарсиллаб ёпилди. Уй бекаси деразадан ҳовлига қараб, отини ечаётган куёвини кўрди.

V

Осмонда ой балқийди.

Ойдин сутга чайгандай оппоқ.

— Кўзларингга боқишларим... боқишларимизнинг ўзи бир дoston, момоси. Бовужуд шоирлар билмади, билганда элга ёярди. Мен сенга айтсам, момоси, боқишлар ҳалиям ўзимизники...

Олис-олис ойдинлар.
Олис-олис оқшомлар.

Энди қайтиб бўлмас олис бир олам...

— Гоҳида атайин уйда ўтираман, момоси. Болалар мени йўқ деб ўйлаб, девордан ошиб киради. Зардолиларга чиқиб, тўйгунича ейди. Қўйинларини тўлдириб кетади. Мен яйраб қарайман. Эшитаяпсанми, момоси, бизнинг зардолиларни болалар еяпти? Кўча юзларигаям мевали дарахтлар эксамми даяпман. Утган-кетганинг оғзи тегади, болалар ейди-да!..

Қоплон амакимиз ёлғиз яшади. Аччиғи тарқалгунча билинмади. Кейин-кейин холамизнинг йўқлиги билинди. Кечалари аёлини қўмсаб энтикди. Болишни бағрига босди. Ҳовлини айланиб юрди. Аёлининг қучоғи хумор қилди.

Отланиб, йўлга тушди. Зим-зиё кўчалардан юриб, қайноғасининг девори олдида оёқ илди. Девордан бўйлаб, зим-зиё ҳовлига энтикиб-энтикиб, бот-бот қаради. Аёлининг ҳавосини олгандай бўлди.

Ўйлаб-ўйлаб, тоғасини қайноғасиникига юборди. Тоғаси куйиниб қайтди:

— Кўр бўл, ҳа, кўр бўл! Отанг раҳматлик айтди, онанг раҳматлик айтди, ажраш, турмушинг турмуш бўлмайди деб! Айтганлари келдими, келди! Ўзингнинг умрингни ўзинг кўкка совурдинг! Уям ўйлаган-да, эркак одамнинг қайғуси фарзандми, ўзим ажралиб бахтимни бир синаб кўрайин деган-да! «Е, чини билан у шундай ўйга бордимикин-а?» Амакимизнинг хаёлидан шу гап ўтди. Утириб-ўтириб дадил, кесиб гапирди:

— Бўпти, энди янги рўзғор қилганим бўлсин.

Тоғаси хешлар билан кенгашиб, амакимизга аёл қидирди. Икки аёлни айтдилар. Икковиниям эри машина фалокатида кетган. Бировининг ёши ўттиз бешларда, фарзандсиз. Бирови қирқлардан ошган. Икки болали.

— Шу Ойгул бинойи, фарзанди бор... — деди холаси.

Тоғаси совчиликка борди. Аёлнинг ота-онасини кўндириди. Болаларини кўрди. Бири-бирдан суюнчак. Яхши бўлди, Қоплонга фарзанд бўлади, ўйлади тоғаси.

Оймомо холамиз амакимизнинг янги рўзғор қилаётганини эшитиб куйиб кетди.

Тирсағи билан дераза тоқчасига суянди. Ўзига ўзи «Гўрга бўлса, менга нима», дея кафтини иягига қўйди. Бошини чапга хиёл қийшайтириб, ташқарига тикилди. Юзлари ловиллаб, ёноқлари булк-булк учди. Кўкрак ости худди ўпирилиб тушаётгандай бўлди. Упирилиш кўкрагини борган сайин қуйига босди. Оғриқ деб бўлмайди, ғашлик деб ҳам. Гўё кўкраклари остида бир оғир нима ипга осилган. Иплар узилса, қоматини кўтариб турган нима ерга тушиб, чил-чил бўлади.

Кўкраги остидаги нима бирдан тошдай қотиб қолди. Холамиз керишди, бўлмади. Қотиб қолган нима на юмшади, на тушиб кетди, не кўчди. Уқала-моқчи бўлди. Бармоқлари бориши билан кўкрак этлари пирпираб учиб, ўзини олиб қочди. Бармоқларини олисроқдан, авайлаб олиб борди. Кўзларини юмиб, кафти билан оҳиста-оҳиста сийпади. Кўзларини юмиб уқалади. Ғувиллаётган бошидаги туман бир оз тарқади. Кўкраги, бошида бармоқлари изини, соясини ҳис этди. Кўксини ғижимлаётган нима қўйиб юборди. Дераза тоқчасига пешонасини қўйди. Пешонасидан совуқ тер оқди. Кўзларини юмиб ўтириб-ўтириб мийиғида кулди. Бир гапни маъқуллагандай билинар-билинмас бош ирғади. Холамиз куя-куя мийиғида кулди: «Бинойи бўпти, хўп бинойи бўпти...»

Аёл зоти ҳарқанча ўзига тўқ, еган-ичгани олдида бўлсин, ҳар қанча серуруғ бўлсин, бари бир ягона паноҳи бўлишини хошлайди. Ҳар қанча ўзига мустақил, мағрур бўлсин, шу паноҳга бош эгиб яшашни истайди. Паноҳи камбағалми, амалдорми ё кўрми, майибми — бари бир, аёл ёлғиз паноҳига суянади.

Боши очиқ... аёл зоти ҳар қандай хўрликни кўтаради. Ҳар қандай гапни кўнглига сиғдиради, аммо «боши очиқ», деган гапни кўтаролмайди. «Ўнта ўғлим бўлмасин... чолим ўлмасин», деган гап аёллар юрагидан отилиб чиққан.

Бу дунёга ҳеч кимни боғлаб қўйган эмас. Дард бор, бош ёстиққа тегиши бор. Шунда, суяб турғизадиган, оғзига сув томизадиган бир одам — тан маҳрам бўлсин.

Элчилик, холамизга оғиз соладиганлар бўлади. Оғиз соладиганлар орасида фарзанд доғида юрганлари бўлади, аёлидан куйиб, айрилганлари

бўлади. Фалокат туфайли бола-чақаси билан қолганлар бор. Қайси бўлсаям майли, фақат фарзанд доғида куйганларга кўнмайди. Нимагалигини оғзидан чиқармайди. Майли, аёли ташлаб кетган ёмонлар бўлсин. Дунёда ҳеч ким ёмон бўлиб турилган эмас, қарсақ икки қўлдан чиқади. Ўзи яхшилаб олади, нима деса хўп дейди. Қўлини косов қилади, сочини супурги. Болаларига бир оначалик қарайди. Майли, болалари холамизни ўз онаси ўрнида кўрмасин, холамиз уларни ўз боласи ўрнида кўради.

У киши шундай бир одамдан умидвор бўлди.

Қоплон амакимиз аёлининг жавобини берди.

Ёнида турган тоғаси ҳовлидаги одамларга эшитдиларингиз-а, дегандай назар солди. Очиқ дераза олдида ўтирган Оймомо холамиз ҳам эшитди.

Ҳамсоя-қўллар ачиниш бош чайқади, холамизнинг акаси бош эгиб, қотиб қолди.

— Қайнсинглигинамнинг умри хазон бўлди. Бошқа эркакка тушганида халигача неварали бўларди.

Буни холамизнинг янгаси айтди. Ҳамсоялар далда берди:

— Тақдир-пешона экан-да, ким ўйлабди дейсиз.

— Ҳалиям кеч эмас. Ана, ўн гулидан бир гули очилмаган.

— Жойи чиқса берамиз. Ҳали кўчқордайин-кўчқордайин ўғиллар, попуқдайин-попуқдайин қизлар кўради.

— Қайтанга яхши бўлди, икковиям бахтини синаб кўради.

Дарвоза олдида от юганидан ушлаб турган Қоплон амакимиз одамлардан кўзини олиб қочди. Ер остидан тоғасига қараб, аста бурилди. Отини кўчага етаклаб, узангига оёқ илди. Сапчиб миниб, отига қамчи урди. Орқасидан тоғасининг гапини эшитди:

— Юк-ёпларини олиб келгани борсаларингиз бўлади. Ўзим бошида туриб, ипидан-игнасигача бўлиб бераман.

Қоплон амакимиз қоровуллигига борди. Отини арқонлаб, чайлага кўтарилди. «Яхши бўлди, қутилдим-қўйдим», кўнглидан кечди. Чайлада ёнбошлаб, биз зум кўзларини юмди. Пастга эниб, боққа кирадиган девор кемтикларини бекитди. Отланиб, уйига йўл олди.

Моллари, қўй-эчкилари дарвоза олдида маъраб юрибди. Дарвозани очиб, барини ичкарига ҳайдаб кирди. Отини боғлаб, супага келди. Ҳовли зим-зиё. Йилт этган чироқ йўқ.

Ичкари кириб, уй чироғини ёқди. Кўрпачага чўзилди. Этиги қўнжидаги қамчини олиб кўрпачага, этиги қўнжига, деворга аста-аста урди. Етиб ётолмади, ухлаб ухлолмади. Ҳовлига чиқди. Супа четида мунғайиб ўтирди. Бир қурбақа сапчиб-сапчиб келиб, деразадан тўкилаётган нурда тўхтади. Нур амакимизнинг гашига тегди. Чироқни ўчириб келди. Мунғайиб, ток вайиши устунига суянди. Кўзлари илинди.

Хўролар қичқирғи, бузоқлар маърашидан уйғонди. Юзини ювиб келиб, ёришаётган осмонга қараб ўтирди. Ўзини ғариб ҳис этди. Тўрт тарафи очиқ. Ҳеч кими йўқ, бош-паноҳсиз. Отаси қазо қилди — аёлига суянди, онаси кетди — яна аёлига суянди. Энди якка-ю-ягона суянчиги, юпанчидан ҳам айрилиб, устунга суяниб қолди.

Отига қараб юрди. Қўйлар ем дардида унга суйкалди. У жийронини эгарлаб дарвозага етаклади. Дарвозани ташқаридан занжирлади. Қамчини тишлаб, отланди. От шахдам одимлади. Тонг еллари ҳур-ҳур эсди.

Қишлоқ кунботаридаги тегирмон олдида йўл солди. Йўл четидаги супада юз-қўлларини юваётган тегирмончини кўриб кўрмасликка олди. Тегирмондан олислади. Тонгги ҳаводан бадани жунжиқди. Чопони ўнгирлари ёнларига ёйилди. Бор вужуди, тани билан қўмсаш қўшиғини бошлади. Улкан тол теварагини бир айланиб тўхтади. Ерга тушиб, жийронни тол танасига боғлади. Оғир энтикиб, ёкаларини ечди. Бадани қизиди. Тош девордан ошиб, азим ёнғоқ остига борди. Ёнғоқ танасига суяниб ўтирди. Пойида булоқ суви — тиниқ, сокин оқади. Пўст ташлаётган ёнғоқлар сувга чўлп-чўлп тушади, қалқиб-қалқиб оқади.

Амакимиз булоқдан бир ҳовуч сув олиб оғзини чайқади. Юзига сепиб, ўзини совитган бўлди. Булоқ бўйидаги кийик ўтларга термилиб ўтириб, қўшиғини тагин бошлади.

«... Зардоли барги мисол қайрилма ой булутсиз оқшом осмонида ҳаволанди. Оқшом янада оппоқ нафис бўлди. Қовжираган қиёқ ўтлар шамолда чайқалиб, айқашиб, ажиб товуш берди. Барглар шитирлади. Пишиб, меъеридан ўтиб кетган зардоллар ерга тап-тап тушди. Оқшомдан зардоли ҳиди анқиди.

У Оймомонинг сочини ушлади. Оймомо рўмоли четидан ўпкаланиб қаради...»

Элалаш қўшиғи авжига чиқди:

— Ҳа-а-ай-ай-ай...

Отланиб адирга йўл олди. Ғуж-ғуж дарахтлар, Зардоли, олма, жийда, ёнғоқ, дўлана... Уларни табиат эккан, кўкартирган, Шу сабабли оти ёввойи олма, ёввойи ёнғоқ, Барглари учи сариқ. Демақ, бу йил қиш кеч келади. Борди-ю, барглар остидан сарғая бошлаганда қиш эрта келарди.

Амакимиз от жилловини ўз ҳолига қўйди. Ерга синчиклаб қаради. Шу ерларда бир сўқмоқ бор эди. Сўқмоқнинг боғ тарафидан биров ишдан қайтар эди. Амакимиз худди шу ерда унинг йўлини пойларди. Энди ўша сўқмоқлар йўқ, уларнинг излари йўқолиб кетган.

Бир келтакесак хазонларни шитирлатиб чопди. Жийрон ҳуркиб, тўхтади. Қулоғини динг қилди. Амакимиз жилловни орқага бурди. Жийрон ўзи келган эгри сўқмоқдан юришга интилди. Бироқ амакимиз отни тиккасига солди. Йўлда йўнғичқапоя келди, ариқ, ўр-чуқур келди. Жийрон баридан сапчиб, ирғиб ўтди.

Кўришув қўшиғи поёнига етди. Қўшиқ ёввойи дарахтлар остида, эски сўқмоқларда қолди.

Амакимиз Сайрак адирда жилловни тортиб, эгар қошига илди. Жийроннинг бўйни гажак бўлди. Пишқириб, олд оёқлари билан ер тепинди.

Амакимиз қамчи сопи билан телпагини орқароққа сурди. Қамчили қўлини сонига тираб, чуқур нафас олди. Қириниб йўталиб, қўшиқ айтавериб қақраб қолган томоғини намлади. Назарини боғларга берди. Шу қўйи ўтириб-ўтириб, ўзининг энг янги, сўнгги қўшиғини бошлади. Бу — хайрлашув қўшиғи, алвидо қўшиғи!

Тонглар бепоёнди, бепоён! Олис-олис уфқларда тонг. Боботоғ чўққисиди тонг. Дегрез сув омбори узра тонг. Қишлоқ устида тонг. Боғларда тонг. Терак учларида, баргларида тонг. Гала-гала чумчуқлар парвозида тонг. Куйловчининг соқолини, жийроннинг ёлларини силаётган салқин саболарда тонг. Қўшиқда-да тонг!..

Соқин боғ узра бир гала қуш ўйнади. Улар турнақатор тизилди. Сўнг ғуж бўлиб, ёппасига терак шохларига ёпирилди. Сайрамай, чирқилламай яна парвозланди. Жимжит терак қўйнидан парр этган кўр овоз келди. Бир тўрғай ҳаволаниб-ҳаволаниб ўйнади. Ўз ўйини, овози, тонг ҳавосидан маст бўлиб сайради. Бир жойда муаллақ турди, чалқанча ётди, қуйига шўнғиди. Яна юқорилаб, кўкка тўш бериб, жойида қотиб қолди. Яна тўлқиндай парвозланди.

Алвидо қўшиғи авжида.

Кун тонгни ёқиб юборди. Оламдан оппоқ парда кўтарилди. Боботоғ чўққиси учиди думалоқ кун тераклар учини чалиб кетди.

Тонгнинг сўнгги еллари терак баргларини бир ёнга қайирди.

Фотмачумчуқлар шохма-шох ликиллади.

Бир терак шохиди чумчуқлар зорлақиб-зорланиб чирқиллади. Афтидан, шу терак остида илон бор. Чумчуқлар илон кўрганда шундай тўдалашиб, зорланиб чирқиллайди.

Алвидо қўшиғи қиёмда:

— Лаллайлам, ла-а-ам! Лаллайлам, ла-а-ам...

Қишлоқ тарафдан келадиган сўқмоқда отликлар, эшакликлар, пиёдалар кўринди. Биров уловининг ёнига саватлар осган, бирови қўлтиғига олган, бировларида сатил.

Меҳнаткашлар узум узишга келаяпти.

Бригадир отини йўнғичқапоя гирдига боғлади. Теракзорни ёнлаб юриб, чумчуқлар зорланаётган терак яқинига борди. Энкайиб қараб, изига қараб қочди. Қўлини пешонасига соябон қилиб қичқирди:

— Ҳой, қоровул ака, белни олиб тез чопинг! Анави теракка бир дарранда ўралиб ётибди!

Амакимиз алвидо қўшиғини бекаму кўст айтди. Умрида илк бор қўшиғида сўз ишлатди. Қўшиқ қиёмига етганда кўнглидан бор-йўғи бир сўз беихтиёр отилиб чиқди:

— ... Ку-у-у-уйга-а-ай!..

Сўқмоқда бир қизил кийимли кўринди. Бошида дока рўмоли бор. Пиёда. Қўлида саватча, одимлари вазмин.

Қўшиқ бирдан узилди. Келаётган — асл қўшиқнинг ўзи! Асл қўшиқ турганда мухаммас қўшиққа йўл бўлсин! Асл қўшиққа тараф йўқ!

Қўшиқ адирдан беихтиёр эниб кела бошлади. Бригадир қақриш бефойдалигини билди. Қўли пешонасида соябонлигича қолди.

Жийрон келаётган аёл қошида тўхтаб, йўлини олди. Аёл ўннга бурилди,

яна жийронга дуч келди. Шунда, отлиқ ерга тушди. Жийроннинг бўйнига қўлини қўйиб олис туриб қолди. Аёлнинг рўмоли шамолда бир кўтарилиб, бир тушиб турди. Отлиқ аёлнинг қўлидан саватчани олиб, эгар қошига илди. Бир ёнида жийронни етаклаб, бир ёнида аёлни рўмоли бурчидан ушлаб, қишлоққа йўл олди.

Улар юзма-юз бўлганларида нималарни гапиришдилар? Бригадир эшитмади. Борди-ю, яқинроқларида бўлганида кўп гапларни — аёлнинг йиғлаб гапирганини кўрарди, қўшиқдан улуғ гапларни эшитарди.

Жумладан, жийронликнинг манави гапларини эшитарди:

— Нимага шунга ўшандаёқ айтмадинг, момоси. Ўшда айтмасанг, дўхтирдан келиб айт эди... А? Шу гапингга номаъқулнинг нонини ебсан. Сенга келган дардга ўзим шерик. Икковлашамиз, момоси...

Бригадир барини кўрди, барига тушунди. Илжайиб: «ҳа, кучингдан бизнинг қоровул», деди ўзига-ўзи. Аммо кейингиларини — жийронлик ўз ҳовлисида сабзи тўғраётганини, аёл ҳовлига сув сепиб, супураётганини кўрмади.

Неча-неча қорлар ёғиб, сув бўлиб оқиб кетди.

— Мен сенга айтсам, момоси, яратганнинг ўзи бераман деса қўшқўллаб беради. Сендан, биздан сўраб ўтирмайди. Ма, ол дейди. Мана кўрасан.

— Айтганлари келсин, боваси.

Неча-неча қизғалдоқлар очилиб, барглари сочилиб кетди.

— Э, нима, табиб бизнинг ичимизга кириб чиқибдими? Айта беради-да, Жўрақулни дўхтирлар одам бўлмайди, беморхонадан олиб кетинглар деган. Ана, юрибди, отдай бўлиб! Биласан, ҳазрати Хизир ўзининг суйган бандаларига йўлиқади. Менга йўлиқиб, фарзандлик бўласан деган. У киши юзимдан ўтолмайди. Одамнинг юзи иссиқда, момоси.

— Айтганлари келсин, боваси.

— Бўғирсоқ, ёғли патир қил. Эртага ишга олиб борамиз. Арпага ўроқ тушар эмиш. Меҳнат ҳайити-да.

— Уф-ф, ишнинг охириям бормикин-а?

— Тирикчилик, момоси, тирикчилик. Одамнинг юзи чидамайди. Яна тагин Хушвақт ҳаяллаяпти. Унинг ўрнигаям меҳнат қилмасак бўлмайди. Одамлардан уят. Хушвақт келсин, ўзимиз биламиз.

— Катталар қўяр.

— Э, қўймай нима? Хушвақтдай улимиз бўлади-ю, катталардан қўрқамизми? Бирови ринг деб кўрсин, ҳай, кўп жаврама, ана улимиз ишляпти, деймиз. Бор, йўлингдан қолма, деймиз. Бари уялиб қолади. Қолаверса, Хушвақт улимизни ўйлайди. Чол-кампирга индамайлик, ули хафа бўлади, дейди. Улимизнинг юз-хотирини қилади. Ҳали-ҳозир кимимизнинг юз-хотирини қиладилар, момоси, сўққабош бўлсак.

Неча-неча қовунлар пишиб, тарвузлар тарс ёрилди. Узумлар майиз бўлиб кетди.

— Эшитдингми, момоси, Вахшиворда биров етмишида фарзанд кўрибди. Яна тагин ўғил эмиш. Ана кўрдингми? Эрта-кечи бўлмайди. Сабр қилсанг гўрадан ҳолва битар деган. Сабрнинг таги олтин, момоси.

— Айтганлари келсин, боваси.

— Айтгандай, яна пахтага деяпти, момоси. «Хазорбоғ» совхозига ёрдамга борамиз экан, ўн беш кунга.

— Икковимиз ҳамми?

— Йўк, бир ўзим бораман. Бригадир, ўзингиз борасиз, деди. Билади-да, бир ўзим икки-уч кишининг ишини қилишимни. Чойхоначи бўласиз, деди. Мен айтдим, чойхоначилик яримжонларнинг иши, мен пахта тераман, дедим. Сен мол-қолларга қараб уйда ўтир, момоси. Сенинг улушингниям, Хушвақтникиниям ўзим бажараман. Хушвақт келсин, оёқни узатиб ётганимиз бўлсин.

Момомиз тўлишди. Ёноқларига сепкил тошди.

— Оймомонинг бўйида бўпти, кўз тегмасин.

— Яратганнинг ўзи ноласини эшитибди, кеч бўлсаям берибди.

— Садағаси кетай, фарзанднинг эрта-кечи бўладими. Ишқилиб эсон-омон қутулиб олсин.

Момомизни кўрганлар шундай дедилар.

Аслида ундай эмас. Аёл зоти чинакам фарзанд доғида куйса, фарзандни қалбан орзу қилса, худди бўйида бўлгандай тўлишади. Аёл зотиқинг руҳияти шундай, тани шундай, қалби шундай. Табиат аёлни фарзанд учун яратган. Она — аёл зотининг энг олий мартабаси. Фарзанд — аёл зотининг яккаю ягона бахти, шон-шарафи, орзуси, юз-хогири...

Момомизнинг дарди ичида бўлди. Бировга сир бермади. Зеркиб ўтириб-ўтириб, Ҳожар ҳамсоясиникига ўтди. Ҳамсояси айвонда ўғлини осмонга отиб ўйнади. Ҳар отганида гўдак қийқириб кулди.

Момомизнинг кўзи ҳамсоясининг тандирга қий ташиб юрган қизига тушди. Уша йиғлоқи чақалоқ. Момомиз унга тикилиб қолди: «Бигилламаганинда қизимнинг отини билиб олардим...»

Ҳамсояси гўдагини бешикка беллади. Ўғлининг тилидан айтди:

— Ай момо, мени тебратиб туринг, энам-нон ёпиб келсин. Катта бўлсам мен ҳам қизингизнинг бешигини тебратаман.

— Айтганинг келсин, — деди момомиз сокин.

Ҳамсояси тандирга кетди. Момомиз бешик тебратди. Чақалоқ момомизга қараб жилмайди. Момомиз ҳам кулди. Ҳа, қалайсан, дегандай бош силкиди. Гўдак мимит қўлларини шундайгина пешонасига осилган туморга чўзиб кулди. Оғзида биттаям тиши йўқ.

Момомиз бешикка энгашди. Шунда, димоғи гўдак исини туйди.

Момомиз умрида гул, атир, барг, турфа кўкатлар, таомлар исидан баҳра олди. Тўйиб-тўйиб искади. Бўйлари кўнглига ўтириб қолди. Аммо гўдак исидан тароватли, ҳаётбахшини кўрмади. Ай, гўдак иси, гўдак ислари!..

Гўдакнинг кўзи илиниб-илиниб кетди. Момомиз кўзларини юмиб, димоғида беихтиёр алла айтди:

Сен суюкли эркатойим,
Шўх кўзичоғим, алла-ё...

Алла оҳангида Шеробод даштларидай анқиллаб ётган кўнгил нолаеси бор. Дарди, армони, фожиаси бор:

Суюб-суюб ўпай сени,
Ширин дўмбоғим, алла-ё...
Ай!..

Момомизнинг кўкраклари учига игна санчилгандай бўлди. Бўш кафти билан кўкракларини силади. Кўкрагини ушлаб, кетига чайқалиб йиқилди. Момомизнинг кўкрагига сут келди.

— Амма, сўраб эдингиз, келдилар. Кўзингизни очинг.

Оймомо момомиз кўзларини очиб, бобомизни кўрдилар. Заъфарон юзлари ёришиб, сўник кўзлари бир оз ойдинлашди. Маъюс табассум бердилар. Бармоқларини қимирлатиб, бобомизнинг қўлини изладилар. Бобомиз титраётган қўлни кафтлари орасига олдилар. Момомизнинг юзлари янада ёришди. Бобомизнинг кафтларини ҳис этдилар. Кўзларини юмиб, очдилар. Бобомиз қотиб туравердилар. Ёнларидаги аёллардан бирови бобомизни туртди. Бобомиз туртган аёлга қараб, шундагина тушундилар. Кўнгиллари орзиқиб кетиб, момомизнинг юзларига энгашдилар.

— Момоси, мендан рози бўл. Кўзингни оч, момоси, мендан рози бўл... Момомиз кўзларини очиб бошларини билинар-билинемас қимирлатдилар. Бобомиз ўкириб юбордилар.

Аёллар овоз берди:

— Вой, аммам-е-е-е!..

Момомиз бир кеча меҳмон бўлиб, бир уй аёллар қуршовида ётдилар. Ичкарида аёллар момомиз теварагида ҳалқа бўлиб садр тушишди. Ташқарида эркаклар уй теварагини айланиб, айтиб йиғлади:

— Вой, опам-ов-в, опам-ов-в!..

Чор тарафга чопар кетди. Қишлоқ кўчалари бўйлаб жар солди:

— Халойиқ, барчангиз Қоплон қоровулникига жанозага! Бу ҳамманинг бошида бор савдо!

Одамлар оқиб келаверди. Уй одамлар қуршовида қолди.

— Вой, холам-ов-в, холам!..

Одамлар марҳумни ёдга олдилар:

— Ҳай-ҳай, бечорани кўрган элликдан ошган демас эди. Икки юзи қип-қизил анордай эди.

— Беморхонада эди-ку...

— Дўхтир, олиб кетинглар, одам бўлмайти, дебди...

Ҳовлимизнинг толини
Тобут бўлсин дебмидик!..
Вой, энам-ов-в, энам-ов-в!..

Ҳовли одамга лик тўлди. Катта-кичик, ёшу қари — бари келди.

Осмондаги қирқ юлдуз
Қиялаб кетади ботгани,
Вой, момом-ов-в, момом-ов-в!..

Мен момомни бир ўпай,
Қиёмат кетади ётгани...
Вой, момом-ов-в, момом-ов-в!..

Момомиз сўнги манзилга покизагина бўлиб, оппоқ сурпга ўралиб, жўнадилар. Тобутгаям оқ сурп ёпилди. Одамлар тобут пойида тизилиб, жаноза ўқиди. Тобут одамлар кифтида қалқиб-қалқиб жўнади. Одамлар тобутга талпинди. Бари тобутни беш-олти одим кўтариб бориш, ақалли қўлини тегизиш пайида бўлди. Ниятига етганлар бурчини бажарган бўлиб тобутга эргашиб борди.

Мозор устига тупроқ тортидилар. Одамларга бир сўмдан исқот, оқ йиртиш берилди. Юзларга фотиҳа суртилди.

VI

Бобомиз қафтлари билан қовжироқ хасларни пайпасладилар. Момомиз шу ёнларида ўтиришлари лозим. Озгин панжаларини ҳавода очиб юмдилар. Ой сузилиб боқаяпти.

— Эсингдами, момоси, ўшандаям ой ёруғ эди. Мен жийронни жилдириб келайин, момоси, сен ўтириб тур. Қўрқмайсанми ўзи?

Бобомиз адирдан эндиладар. Ариқдан ҳатлаб, йўнғичқапоё оралаб юрдилар. Жийрон қулоқларини диккайтириб, кейинга тис берди. Бобомизни таниб, бўй берди. Бобомиз ёлларини силаб, эркалаган бўлдилар. Қозигини суғуриб, ҳали от оғзи тегмаган ерга тепиб-тепиб қоқдилар. Жабдукларини яқинроққа олиб келиб қўйдилар. Жабдукқа ўтириб, оёқларини узатдилар. Тўйиб нафас олдилар. Йўнғичқани силаб, қафтларини бурунларига босдилар, юзларига суртдилар. Ариқ ёқалаб келаётган қораларга кўзлари тушди. Йўнғичқа исли қафтлари билан соқолларини тутамлаб қарадилар. От эгаларидир, деган хаёлга бордилар.

Қора шарпалар ариқ ёқалаб юрди.

— Кетганга ўхшайдилар, кўринмаяптилар.

— Йўқ, ҳали кетмаганлар. Ёнбошлаб ётган бўлсалар керак.

Маъшук овоз бобомизга таниш туюлди. Эътибор билан эшитдилар.

— Манави ерга ўтирайлик.

— Сабр қил, қўлрўмол билан ўтларни артиб ташлайин. Ана, энди ўтир.

— Ух, пидананинг исини!.. Юлманг, биздан кейин ҳам келадиганлар бор.

Исини қафтимда олиб бераман. Мана, исканг.

— Йўқ, қонмадим... учларини силкиб юбор...

Бобомиз ҳайратланиб ёқа ушладилар. Ё, тавба, маъшук ҳамсояси Мингтўранинг қизи. «У бу ёқда нима қилиб юрибди? Е... Йўғ-е? У ҳали гўдак-ку? Дарров-а? Айтиб бўлмайти, қиз бола шайтон бўлади. У ёқдан-бу ёққа қарагунча бўй беради».

Ошиқ овоз бобомизни ҳаминқадар ҳайрон қолдирди. У момомизнинг акасининг ўғли.

Жимжитлик. Маъюс кулги.

— Шеър ўқиб берайми? Яқинда ёдлаб олдим. Қара, эшит:

Еришмоқда олис чек ҳам,
Тонг фусункор, сулув бирам.
Ғазал янглиғ жарангдор дам,
Янгроқ ҳаво эсингдами?..

Суқунат. «Қўлингиз мунча қаттиқ», деган овоз. Овоз эрка, гинадан кўра миннатдорликка мойил.

Бошланар тўрғайлар куйи,
Табиатнинг тонги тўйи,
Уша висол, дарё бўйи,
Еруғ рўё эсингдами?..

Бобомиз беихтиёр бош ирғадилар. Ойдиннинг ранги, кўк йўнғичқанинг бўйи, шеърдан кайфлари чоғ бўлди.

— Қара, яна бир шеър ўқиб бераман.

Шеър ғамза билан ўқилди. Хаёллари, ўйлари қўйнидаги бобомиз, хушвақтликлари, рухий ҳайитлари қўйнидаги бобомиз шеърни эшитмадилар. Адирга, қоп-қора ёнғоққа термилдилар. Юксакланиб кетган Вахшивор қирларига, Керага тоғ чўққилари бағрида элас-элас оқариб кўринаётган оппоқ қорга тикилдилар. Шеърнинг сўнгги мисрасини эшитдилар:

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,
Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер...

Юзларида, кўнгилларида ёруғ табассум ўйнади. Ҳай-ҳай, дея пичирлади-лар.

- Бундай бемаҳалда қолиб кетмасдилар-ку.
- Кетгилари келмаяпти шекилли.
- Кўнгиллари бузилиб ўтиргандир.
- Кечроқ энам, бовангнинг мол-қолларига қарайин, деб даричадан қайтиб келди. Ўзлари қараётган эканлар, вайрон кўнгилларини баттар вайрон қилмайин деб бормадим, дедилар.
- Отам, ҳар оқшом момонгникига бориб мол-қолига қара, деди.
- Оқшомлари борсак бир-биримизга гап қўшмаймиз, майлими? Бўлмаса билиб қоладилар.
- Майли.
- Қоронғилатиб адир айланамиз.
- Момомиз қазо қилганидан буён телевизор, радио қўймаймиз.
- Биз ҳам.
- Энам қора кийиб юрибди.
- Менинг энам ҳам. Отам бир куни янгироқ кийимини кийиб шаҳарга бормоқчи бўлиб эди, энам уришди, одамсиз ўзи, деди. Отам фаросатсизлигидан ўзини койиб, яна қора кийди.
- Биз ҳам қора кийимларимизни кийиб юрибмиз.
- Энам тақинчоқлариниям сандиққа солиб қўйди. Укаларим оқшомлари ашула айтиб ўйнардди, энам уришди. Азалимиз, бованг эшитиб қолса нима деган одам бўламиз, деди.
- Энди момомизнинг қирқи ўтгунча шундай бўлади.
- Бовамиз буёқларга келиб юришимизниям билармикинлар?
- Билмасалар керак.
- Момомизнинг вафоти куни сен ҳам йиғладингми?
- Бўлмасам-чи. Уйни айланиб, момомлаб йиғладим.
- Мен энамлаб йиғладим.
- Қара, кетибдилар.
- Юринг, сайрак адирга энди биз чиқамиз.

Қоралар қўзғалди. Ариқ ёқалаб кетди. Бобомизнинг кўнгиллари ёришди, тўлқинланди... Утиришлариниям, туришлариниям билмадилар. Орқаларига бир оз чайқалиб, кўзларини юмдилар. Нафаслари тезлаб, кийимлари торлик қилаётгандай бўлди. Айниқса кўкраклари ости исиди. Ёқаларини кўтариб-тушириб, кўкракларини шамоллатдилар. Авайлаб туриб, этакларини қоқдилар. Утиравериб қотиб қолган қадларини тиклолмай букчайиб, белларига қўлларини тирадилар. Адирлаётган қоралардан кўз узмадилар. Суқланиб-суқланиб қараб, беихтиёр қадам босдилар. Қишлоққа борадиган сўқмоқдан йўл солдилар.

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,
Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер...
Бошларини эгганларича туриб қолдилар.

— Момоси, юр кетамиз!..

Йўлларида имиллаб, бир-бир босиб давом этдилар. Адирда таёқлари қолиб кетганини эсладилар. Майли, уларга қолсин, дея қўл силтадилар. Бошлари ғувиллаб, ўзларини мажолсиз ҳис қилдилар. Кўз ўнглари жимирлаб, ойдинлар тўлқиндай чайқалди, мавжланди. Хаста қалблари, ғариб қалблари ўртаниб кетди. Кўзлари ёшга тўлиб, ойдай оппоқ соқолларига сизиб тушди.

— Момоси, мен уларни кўрдим. Улар байт айтди, эшитяпсанми, байт!..

Кўз олдилари ойдинланди. Яна ўгирилиб, адирга қарадилар. Адирда икки қора бор. Улар ёнма-ён, гоҳида битта бўлиб қолади. Бобомиз жилмайдилар.

— Ана, бизнинг болаларимиз!.. Боважоним, умрингиздан барака топинг! Бобомизнинг жилмайган ёноқларидан тинмай ёш сизди. Момомиз вафотидан кейин кўз ёшлари қуриб қолгандай бўлиб эди. Қайларда экан мунча ёш? Кўнгил буюрса ёшнинг адоғи йўқ экан.

Ёшлар лабларига сизди. Енглари билан артиб, адирдан кўз узмадилар.

— Ана, бизнинг невараларимиз! Қуллуқ, ҳазрати Боважоним, қуллуқ!..

Кўнгиллари тўлиб, ич-ичларидан нимадир тошиб келаверди. Уни қайғу десак-да бўлади, хушвақтлик десак-да бўлади... Кўнгилларидан қайғули хушвақтлик ўқсиб-ўқсиб келаверди...

— Юр кетдик, момоси, энди биз...

Кўзлари, юзлари кулаётган бобомиз, ёноқлари, лаблари кулаётган бобомиз тантана қилдилар.

— Бу адирлар бизники!..

Уксиклар зарбидан елкалари силкиनावерди.

— Бу ойдинлар бизники!..

Кўнгиллари тинмайиш ўқсиётган бобомиз, елкалари тинмайин силкинаётган бобомиз сўнгги бор, сўнгги бор тўхтаб, қоматларини ғоз тутиб, адирга, ундаги невараларига тантанали қарадилар.

Боболарим бирин-кетин суяк суриб ўтган ер,

Момоларим сочларини қирқта ўриб ўтган ер...

Бобомиз сўқмоқдаги сўнгги қадамларини боса-боса, ойдиндаги сўнгги сўзларини айта-айта йўлларида давом этдилар:

— Энди кетсак майли!..



МАДАНИЙ ҲАЁТ

Сирдарё область «Оқ олтин» районидagi «СССР 60 йиллиги» совхозида балет мактаби очилди. Куйбишев хореография билим юртини битириб келган Елена Алимұхамедованинг областда ягона бу мактабни очишда хизматлари катта бўлди. Ҳозирда у таланти ёшларга нафис санъат сирларини ўргатмоқда. Бу ишда унга совхоз маъмурияти яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

Мазкур асарни 1983 йилда Рио-де-Жанейро театрида сахнага қўйган машҳур режиссёр Луис Антониу Корреа пьесани қайта бор сахналаштирди. Спектаклнинг муваффақияти Бразилияда совет драматургиясига қизиқиш тобора ортиб бораётганлигидан далолат эканлиги маҳаллий матбуот саҳифаларида қайд этилмоқда.

Чехословакиянинг Прага шаҳрида очилган Дўстлик китоб кўرғазмасида совет болалар адабиётининг кейинги йилларда эришган ютуқлари Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриётининг мактаб ўқувчилари ва ўсмирлар учун нашр қилган асарлари мисолида намоиш қилинди. Ўзбек халқ оғзаки ижодидан чоп этилган намуналар, таниқли болалар адиблари, шоирларининг суратлар билан безатилган тўлламлари, чиройли нашр этилган бошқа китоблар ўрин олган бу кўрғазма «Альбатрос» нашриётининг Болалар китоблари уйи залларига жойлаштирилди.

Кўрғазма Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллик байрамига бағишланди.

Бразилиянинг йирик шаҳарларидан бири — Сан-Паулу театрида В. Маяковскийнинг «Қандала» асари асосидаги спектакль муваффақият билан намоиш этилди.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида «Шарқ юлдузи» журнали коллективининг публицист-ёзувчилар билан ўтган суҳбат-учрашувида КПСС Марказий Комитети Июнь пленуми қарорлари юзасидан ёзувчилар олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Даврнинг муҳим муаммоларига доир ижтимоий буюртмалар берилди. «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида публицистиканинг ҳамма жанрларида актуал мавзуларни ёритиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Назир Сафаров ва Мирмуҳсин, филология фанлари доктори Очил Тоғаев, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Саъдулла Кароматов, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Шароф Убайдуллаев ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишни «Шарқ юлдузи» журналининг бош редактори, филология фанлари доктори Пирмат Шермухамедов олиб борди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Шухрат

ШУ ТУПРОҚНИ ЖОНДАН СЕВДИМ

Мен қуш эмас...

Мен қуш эмас, иссиқ ёз ўтгач
Иссиқ ўлка қидириб кетган,
Иссиқ юртга соғ-омон етгач,
Келган она юртин унутган.

Мен муз эмас, баҳорга чиққач
Дош беролмай эриб кетувчи,
Бирон тўсиқ, ғовға йўлиққач,
Четга йўлин буриб ўтувчи!

Мен йил эмас, фаслма-фасл
Турли тусга кириб ўзгарсам.

Тош ҳам эмас, доим, муттасил,
Муқим қотиб бир хилда турсам!

Мен одамман, шунда туғилдим,
Шу тупроқда хоким қолади.
Ҳар онини муқаддас билдим,
Ҳар зарраси мафтун қилади.

Ўзга ерни қилмасман ҳавас,
Шу тупроқни жондан севдим, бас.

Заҳматига берганман бардош,
Роҳатига шерикман, йўлдош!

Ҳаёт қадри

Бу ҳаёт қадрини кексадан сўра,
Паст-баланд йўллардан ўтган бўлади.
Ҳаётнинг завқини ёшлардан сўра,
Қўлида даста гул тутган бўлади.

Баҳорнинг кўркини қизлардан сўра,
Гулларни очирган уларнинг дарди,
Юлдузлар чақнаган кўзлардан сўра,
У ёруғ йўлларни интиқ кутарди.

Шўхликни болалар билади яхши,
Хавф-хатар доимо қалгис йўлдоши.
Сафарга чиқмаса билмайди киши:
Қаерда йўлларнинг охири-боши.

Кўз ёши таъминини онадан сўра,
Фарзандин қучоқлаб фарёд урганда.
Бу дунё нимади — донодан сўра,
Ажалга юзма-юз келиб турганда.

Бу ҳаёт бир жумбоқ,
Мураккаб жумбоқ,
Ҳар умр ўзича жавоб топади.
То жавоб топгунча, интилиб ҳар чоқ,
Гоҳ ўйга толади, гоҳо чопади.

Бу ҳаёт шунақа: аччиғу ширин,
Ҳар они кишида жондек яширин!

Хотираси қолибди дилда

Жанг йиллари қолди орқада,
Аччиқ тутун елда тарқади...

Кеча ўтдим жанг бўлган қирдан,
Соллонади елда бугдойзор.
Уруш номи ўчмиш бу ердан,

На ертўла, на бир окоп бор!

Шу ерларда жанг бўлган наҳот,
Наҳот ўтган ўлим ҳайқириб?!
Кўзларимни юсам, шу заҳот
Юрагимга совуқ ел кириб,

Хаёлимда бўлди намоён
Окопу танк, кўжда самолёт.
Тутун ичра қолиб бу жаҳон,
Чавандозсиз еларди бир от!..

Димоғимни ачитди тутун,
Ҳалок бўлган дўстимни кўрдим.

Ўз-ўзимни унутиб бутун,
Сукут сақлаб бир лаҳза турдим.

Кўзим очсам кўм-кўк буғдойзор,
Оғир-оғир соллонар елда.
Унда на ўқ ва на окоп бор,
Лек хотири яшайди дилда.

Ҳали гул, орзу кўп...

Айт, эркам, нимадан безовтасан, айт,
Айт, эркам, нимадан кўнглинг тўлмади?
Еки мен бўлдимми ногаҳон лоқайд,
Е ҳамон дейсанми: омад келмади!

Бу ҳаёт шунақа, доим бири кам,
Бир камки, доимо курашда киши.
Шунда ҳам бари бир бу олам кўркам,
Бу олам бахтига бўлсин олқишим!

Укинма, юрагим, яшнаб яшайвер,
Безовта қилма, қўй, мени гоҳида.
Кел, дўстим, азизим, қўлларингни бер,
Ҳали гул, орзу кўп ҳаёт боғида!

Бу сенинг ўзини

Ташқарида ёғади ёмғир,
Деразамни чергади бир-бир.
Балки сенинг қўлингдир ўша,
Эй юраги тиниқ бир шиша!

Ташқарида эсади шамол,
Тирқишлардан киради аста.
Нафасингдир сенинг, эҳтимол,
Эй хушнафас, қоши пайваста!

Ташқарига тушди қоронғу,
Балки сенинг шубҳангдир беиз.
Бирдан юлдуз сочади ёғду,
Ўша сенинг кўзингдир, эй қиз!

Кўзинг, кўзинг, албатта кўзинг,
Еруғ олам бу сенинг ўзинг!

Сенинг номини

Мен олам китобин варақлаб,
Сенинг номинг топгандан буён
Кўзим ёнар кундек чарақлаб,
Дилим равшан, тилгинам бийрон.

Маъносиздек бошқа исмлар
Е бошқани кўрмайди кўзим.

Кўрганда ҳам, ўша исмлар
Нурсиз каби боқиб турар жим.

Фақат сенинг биргина исминг
Юрагимга солади ларза.
Берсанг агар инъом деб расминг,
Титраб кетар дилим шу лаҳза.

Қоғоз гул

Эшигимдан гул билан ўтма,
Юрагимга тушади гумон.
Эшигимдан оҳ уриб кетма,
Қора бўлур бу ёруғ жаҳон!

Деразамнинг ортида кулма,
Ўт бўлиб тўкилар дилимга!
Гар севмасанг қошимга келма,
Қоғоз гул тутгандек қўлимга!

Қоғоз гулнинг атри бўлмайди,
Бўлганда ҳам кўнглим тўлмайди!

Сен истасанг...

Сув бўлиб оқардим йўлингда,
Гул бўлиб боқардим қўлингда,
Ўт бўлиб ёнардим дилингда,
Сен истасанг шуни, гўзалим,
Тилларимдан тушмас ғазалим!

Гулимни ол фақат қўлимдан,
Иқроқ қилмай мени тилимдан,
Сўроқ айла ишқни дилимдан,
Эй оламда ёлғиз гўзалим,
Навоийдан қолган ғазалим!

Мен кимман?

Мен кимман? Шоирми, демак ҳавоман,
Демакки менингсиз яшамоқ қийин!
Шоирми? Демакки ёниқ оловман,
Олов-ла ўйнашма, оловдан тийил!

Ва лекин оловсиз мушкулдир ҳаёт,
Ҳаётнинг кўркига етади путур.
Шоирлик демак сув — боғ-роғга қанот,
Борлиқни, эй одам, гулларга тўлдир!

Мен кимман? Шоирми, демак даста гул,
Гулларни ким севмас дунёда ахир!
Гар шоир бўлмасанг, шоир юрак бўл,
Шоирсиз бу олам ташвиши оғир!



Шукрулло Ўғрини қароқчи урди



Икки парда, тўрт кўринишли комедия

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

НУРБЕК — ёзувчи, ўрта ёшларда.

МАЪСУДА — Нурбекнинг хотини, маданий оқартув уйининг ходими, ўрта ёшларда.

ЗУФНУНИЙ — ишлаш жойи нотайин, қотмадан келган, қадди-қомати келишган одам.

МАРҲАМАТ — Зуфнунийнинг хотини.

ЗАМОНЖОН — Зуфнунийнинг ўғли.

АРСЛОН ҚОРИ — номи Арслон бўлса ҳам, ўзи кичкина, бир вақтлар заргар бўлган, тиш доктори.

ШОДМОН ГАРАНГ — маҳалланинг хабарчиси, қулоғи оғир.

БОЛТАВОЙ — автоинспекция ходими, мўйловга зеб берган одам.

ЭГАМ — база бошлиғи, жуда семиз.

ХАЙРИ — Эгамнинг хотини, қотма, қорачадан келган жувон.

ТОЖИВОЙ — бозорком.

ИВОДХЎЖА — олим бўлмоқчи бўлган созанда.

РУСТАМ — Арслон қорининг танишларидан.

МУҚАДДИМА

Парда очилганда, қоп-қоронғи сахнада икки одамнинг ғира-шира шарпаси кўринади. Овози баралла эшитилади.

БИРИНЧИ ОДАМ. Чироқни ёқ, чироқни!

ИККИНЧИ ОДАМ. Бир оз сабр қил.

БИРИНЧИ ОДАМ. Овозингдан танигандекман.

ИККИНЧИ ОДАМ. Мен сенга яқин одамларданман, овозимни ўзгартиб гапиряпман. Менинг гапларимни тан олавер!

БИРИНЧИ ОДАМ. Яна такрор айтаманки, менда ҳеч қандай гуноҳ йўқ.

ИККИНЧИ ОДАМ. Сенинг бу қилмишларингни «Ўғрини қароқчи урди» дейилади. Ҳа, ўзингни оқлама!

БИРИНЧИ ОДАМ. Мен ўғри ҳам, қароқчи ҳам эмасман.

ИККИНЧИ ОДАМ. Яна хато қилдинг! Чироқни ёқаман. Сени кимлигинг ва қилмишларингни залдагиларга ҳавола қиламан. Розимисан?

БИРИНЧИ ОДАМ. Розиман.
ИККИНЧИ ОДАМ. Чироқни ёқаман-у, лекин одамларга кулги бўласан, шарманда бўласан?

БИРИНЧИ ОДАМ. Майли, розиман, лекин менга яқин одам бўлсанг, кимлигиндан белги бер.

ИККИНЧИ ОДАМ. Сен билан ҳали юзма-юз келамиз...

Саҳна аста-секин ёришиб, Зуфнунийнинг ҳовлиси кўринади.

1 ПАРДА БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Зуфнунийнинг ҳовлиси. Гуллар очила бошлаган, гулзорнинг ёнида стол, стуллар. Ҳовлидаги стол устига ҳам, айвонга ҳам, кираверишга ҳам телефонлар қўйилган. Бир чеккада ярим дазмодланган кирлар. Кўча эшик олдида маст Арслон қори билан Мархамат жанжаллашмоқда.

АРСЛОН ҚОРИ. Йўқ, энди мен шундай боппайманки, энди қўймайман! Бу хаддан ошиш! *(Кера бошлайди.)*

МАРҲАМАТ. Майли, бопланг, бопланг деяпман-ку.

АРСЛОН ҚОРИ *(орқага қайтиб).* Бу ифлослик, энди аяш йўқ, кўзини очиб қўяман!

МАРҲАМАТ. Очиб қўясиз, очиб қўясиз!

АРСЛОН ҚОРИ. Ё очолмайманми?

МАРҲАМАТ. Очасиз деяпман-ку, очасиз.

АРСЛОН ҚОРИ. Мени ким дейди? Арслон!.. Ҳа, Арслон қори дейди.

МАРҲАМАТ. Тўғри, тўғри! Кўриб турибман.

АРСЛОН ҚОРИ. Кўриб турган бўлсангиз... Менга шундай қиладими? *(Кайф билан йиғлайди.)*

МАРҲАМАТ. Ахир, мени тушунинг!

АРСЛОН ҚОРИ. Йўқ, сиз мени тушунинг! Эракчасига ўзи билан гаплашардим, лекин, келинойижон, менга айтинг, шу кунни сизнинг бошингизга мен солганимда нима қилардингиз? Ўзингиз айтинг, ўзингиз айтинг! *(Йиғлайди.)*

МАРҲАМАТ. Сизни тушуяпман, аммо у ҳаммаси тухмат, бўхтон деб тонса, қандоқ исбот қиласиз?

АРСЛОН ҚОРИ. Қалласини олиб ташлайман! Ҳа, қалласини!

МАРҲАМАТ. Қалласини оласизми ёки бошқасиними... ахир, менга қаранг!

АРСЛОН ҚОРИ. Йўқ, сизда юз бўлса, сиз менга қаранг! Эрингизни гуноҳи бўлмаса, нега мендан яширасиз?

МАРҲАМАТ. Яширасиз? Вой тавба! Мастлик қилманг. Керак бўлса, қўлидан етаклаб олиб бораман дедим-ку!

АРСЛОН ҚОРИ. Олиб бораман? Олиб боринг! Олиб боролмайсиз!

МАРҲАМАТ. Агар шу гапларингиз рост бўлса... Олиб бораман дедим, олиб бораман!

МУАЛЛИФДАН

Ҳар бир ижодкор қандайдир асарни ёзишни ният қиларкан, ҳаётдаги бирор воқеа, бирор одам ёки маълум бир ғоя албатта қалбини тўлқинлаган бўлади. Унинг ҳаловатини олади. Баъзан гурунгларда қандайдир маккор — фирибгар, хушомадгўй одамлар ҳақида гап кетганда, айримлар буни ниҳоятда тубанлик, нопоклик, ҳатто номардлик санаб, ғазаб билан нафратланиб гапирганларини кўрасан. Бундай одамлар гўёки ўзлари нуқсонлардан холи, беғуноҳдек таассурот қолдирадилар.

Лекин баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, бировни маккорлик, хушомадгўйликда айблаб, жирканиб гапирган кишилар, фурсат келиб, кечагина ўзлари жирканган ўша одам билан учрашганларида эса, бирор манфаати етадиган бўлса, айтган гапларини унутиб, уларни мақтаб кетадилар. Ҳатто, сиз олижанобсиз, сиз фариштасиз, дейишгача борадилар.

Хўш, аслида буларнинг қайси бирлари поку қай бирлари нопок? Қай бирларини ёқлаб, қай бирларини қоралаш керак? Уларни бу кўйга солган сабаб нима?

Бу пьесани ёзишга мени ундаган нарса ҳам асосан фирибгарлик-маккорлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, ёлғончиликнинг ёмонлигини кўрсатиш эмас, бу ўз-ўзидан аён, аксинча, ана шу иллатларни урчишиб юрган шахсларнинг башарасини, ижкони борича, очишга интилиш бўлди. Бу ният асарда қандай ҳал қилингани ҳақида ҳукм чиқариш сиз, журналхонларга ҳавола.

АРСЛОН ҚОРИ. Гувоҳларнинг ҳаммасини йиғаман!

МАРҲАМАТ. Йиғинг! Йиғинг! Бу шармандаликка мен чидолмайман.

АРСЛОН ҚОРИ (*кетгуриб қайтади*). Лекин мени алдаманг!

МАРҲАМАТ. Барака топкур, бўлди! (*Қори кетади*.) Шармандалик! Шармандалик! Ҳали бу яшшамагур «шон-шарафлар», «садоқатлар»ини эркакларга билдириб юрибди десам, хотинларга ҳам «садоқатлар»ини билдириб юрган экан-да, яшамай кетгур! Йўқ, «садоқатлар»ини энди кўрсатиб қўяман. Энди шундай йўл топаманки, у шохида юрса, мен баргига ўтаман. Ҳа, ўтаман. Зуфнуний бўлмай қуриб кет-а! Йўқ, энди шундай қиламан, ҳа, шошилмайман, ўргимчакдек энди мен ҳам тўрга ўрайман.

(Арслон қори эшикдан маст Тоживойни етаклаб, қайтиб киради.)

АРСЛОН ҚОРИ. Шунча дардинг бор экан, айт, хотини эшитсин! (*Марҳаматга*.) Нечта гувоҳ керак? Мана биттаси!.. (*Тоживойга*.) Тоживой, гапир!

ТОЖИВОЙ (*мастлик билан*). Лаббай?

АРСЛОН ҚОРИ. Ахир сени алдаганлари, питиямил қилиб еганлари тўғрими?

ТОЖИВОЙ. Тўғри.

АРСЛОН ҚОРИ. Муттаҳамлиги ростми?

ТОЖИВОЙ. Рост!

АРСЛОН ҚОРИ. Бўлмаса гапир, аяма!

ТОЖИВОЙ. Эй! Ҳой! (*Кетмоқчи бўлади*.)

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳозиргина ўзинг: бу — ноинсоф, шайтон, ифлос, деб айтдинг-ку!

ТОЖИВОЙ. Ифлосликка-ифлос!

АРСЛОН ҚОРИ (*Марҳаматга*). Эшитдингизми? Яна гувоҳ керакми?

ТОЖИВОЙ (*кайф билан*). Аммо!

АРСЛОН ҚОРИ. Мастмисан! Нима аммо?!

ТОЖИВОЙ. Бу билан, Зуфнуний билан олишиб, барака топиб бўлмайди!..

Шайтонни йўлдан уради!..

АРСЛОН ҚОРИ. Энди мен унга кўрсатиб қўяман!..

МАРҲАМАТ. Бўлдими? Қани энди жўналаринг! Кўрсатадиган жойларингда кўрсатаберларинг.

ТОЖИВОЙ. Юр, кетдик.

АРСЛОН ҚОРИ. Агар кўрсатмасам!..

МАРҲАМАТ. Ўзини топиб кўрсат! Жўналаринг!

ТОЖИВОЙ. Кўрсатамиз.

АРСЛОН ҚОРИ. Кетдик. Ҳой, шундай қиламанки!.. Ҳали бошқалар ҳам бор!.. (*Кетадилар*.)

МАРҲАМАТ. Ҳамманг қўшмозор бўлларинг! Хўрлик! Хўрлик! Шўрим — кўрсин! (*Телефон жириглайди*. *Марҳамат олади*.)

МАРҲАМАТ. Ҳа, Зуфнунийнинг уйлари. Йўқлар. Газимни тўғрилаб бермоқчи эдилар? Бу газхонамас. (*Телефонни илади*. *Телефон яна жириглайди*. *Марҳамат олади*.) Нима? Вилет олиб бермоқчи эдилар? Ҳой, бу билетхонамас, аэропортга боринг! (*Телефонни илади*. *Телефон яна жириглайди*. *Марҳамат олади*.) Нима? Касалхонадан ўликни олиб бермоқчи эдилар? Ҳой, ўликхонага боринг! (*Трубкини қўяди*.) Вой тавба, вой тавба! (*Яна телефон жириглайди*.) Ўғлим милицияда? Ҳой, бу милиция эмас!.. Зуфнуний ўлган. (*Жаҳл билан трубкини илади*. *Яна телефон жириглайди*. *Марҳамат олмайди*.) Вой тавба, вой тавба! Бу фақат тирикларни ишига аралашади десам, ўликларнинг ҳам тилини биларкан! Бу дажжолми, азройилми, бир бало!

(Эшикдан Рустамнинг қўлидан тортқилаган Арслон қори, Тоживой қайтиб кирадилар.)

АРСЛОН ҚОРИ. Юринг, юраберинг!

РУСТАМ. Ҳой, тўхта! Қаёққа судраяпсиз! Ахир менга тушунтиринг!

АРСЛОН ҚОРИ. Нима гап бўлганини айтдим! Ахир, ҳозир ўзингиз эшитдингиз...

РУСТАМ. Эшитган бўлсам...

АРСЛОН ҚОРИ. Ахир сизни ҳам алдагани ростми?

РУСТАМ. Битта мен эмас! Ахир...

АРСЛОН ҚОРИ. Айнониб кетай сиздан. Оғизларингга шакар. Мана шунини... Яъни, ҳаммасини, шу жумладан сизни ҳам алдаганини бир оғизгина...

РУСТАМ (*гўхтаб*). Қўлимни қўйинг! Нега? Кимга?

АРСЛОН ҚОРИ (*қўлидан тортиб*). Бир оғизгина хотинига... Ҳа-ҳа! Бўлди!

РУСТАМ. Хотинини танимасам!.. Ахир дабдурустдан...

АРСЛОН ҚОРИ. Буни ўйлайдиган жойи йўқ. Сенинг эринг учига чиққан муттаҳам, фирибгар... Мени алдаган, ҳақимни еган, десангиз бўлди.

РУСТАМ. Ҳаммаси тўғри... фирибгардан ўтган фирибгар! Лекин фойдаси борми?

АРСЛОН ҚОРИ. Бу ёғини менга қўйиб беринг! Қани, юраберинг!

РУСТАМ. Мени қўйинг! Қўлимни қўйинг! Мени аралаштирманг!

АРСЛОН ҚОРИ. Бир оғиз хотинига!.. Бу ёғини менга қўйиб бераверинг, нима қилишимни ўзим биламан.

РУСТАМ. Буни ҳеч нарса қилиб бўлмайди!

АРСЛОН ҚОРИ. Оламни мана шунақа қилиб расво қиляпмиз!..

Ҳақимизни еса ҳам индамасак, алдаса ҳам индамасак!

ТО ЖИВОЙ. Ана, хотини чиқди. Ҳа, бошланг, айтаберинг!
АРСЛОН ҚОРИ. *(Зуфнунийнинг хотинига кўзи тушиб).* Гувоҳ керакми? Мана, яна олиб келдим. Нечта гувоҳ керак? Ҳар қадамимда ўнта гувоҳ бор! *(Рустамга.)* Қани, гапиринг!

МАРҲАМАТ *(Ғазаб билан, уларни ҳайдашга нимадир қидириб).* Хў, гувоҳ-пувоҳларинг билан қуриб кетгурлар! Қани, ҳозир уйимдан жўнама-чи! *(Рустам қочиб қолади.)*

ТО ЖИВОЙ. Ҳой-ҳой! *(Арслон қорига.)* Қани, бошимиз ёрилмай!..

(Ҳаммаси жўнайди.)

МАРҲАМАТ. Қуриб кетгурлар!.. Тўзгимай ўлгурлар! *(Бошини ушлаб ўйланиб қолади. Эшикдан Маъсуда киради.)*

МАРҲАМАТ. Ҳой, Маъсудахон, тинчликми, нима гап?

МАЪСУДА. Эрингиз эр эмас, чақмоқ, чақмоқ! Мушкулкушод! *(Жимлик.)* Сиз бунақа эрни бошидан кунига ўн маҳал сув ўгириб ичсангиз арзийди.

МАРҲАМАТ. Сувмас, асал денг!

МАЪСУДА. Ҳа, арзийди. Мана, мени эримни қаранг, шунча обрўси билан битта телефонни тузаттиришни уддалолмайди-я! Бу телефон ўлгур бугун ишласа, эртага ишламайди, эртага ишласа, индин ишламайди. Телефон ишласа, газ ишламайди. Сизни эрингиз бўлса, айланай...

МАРҲАМАТ. Эй, эркакларни қўйинг!

МАЪСУДА. Сиз эрингиздан нолиманг!

МАРҲАМАТ. Эй, бу уйда нималар бўлишини билсангиз!.. Олдинги хотини ҳам бундан куйиб ўлган экан.

МАЪСУДА. Эрингиз сермулозамат, уддабурро, хушмуомала...

МАРҲАМАТ. Хушмуомалалиги қуриб кетсин. Бу ширин гаплардан худди холвайтарнинг устига тухум егандек, сассиқ меъда бўлиб кетдим. Сассиқ кекирдак бўлиб қолдим.

МАЪСУДА. Ҳой, ҳозирги замонда эркак деганнинг тилли-жағлиси, оёқ-қўлли, чаққонроғи ҳам дуруст. Бизларники уддалаб телефонни ҳам тузаттиролмайди.

Телефонимиз яна ишламай қолди... Телефонга чиққан эдим-а. *(Қўнғироқ қилади.)* Ремонт бюросими? Бу йил ишлайдими, йўқми? Ишляпти?! Яна алдашми? Алло... Ишлаяпганмиш. Хайрият, чиқиб текширай-чи. *(Кетади.)*

МАРҲАМАТ *(дазмолда қўлини куйдириб олади).* Ҳа, қурибгиналар кетгур, куйдирмаган сен бор эдинг.

(Эшикдан Замон киради.)

ЗАМОН. Хўш, аяжон, бориб келдингизми?

МАРҲАМАТ. Бордим, бориб келдим.

ЗАМОН. Хушхабарми? Ота-онаси розими? *(Жимлик.)* Хафамисиз?

МАРҲАМАТ. Мен бу уйда турулмайман!

ЗАМОН. Нима гап?

МАРҲАМАТ. Нима гап бўларди. Отангнинг бу феъли бор экан, сенга ҳеч ким қизини бермайди.

(Жимлик.)

ЗАМОН. Отам!.. Тушунтиринг!

МАРҲАМАТ. Шайтоннинг ўғлига берадиган қизим йўқ деди. Тушундингми?

ЗАМОН. Отамнинг бу феъли... Тенгдошларим ичида ҳам маломатта қолганман. Йўқ, энди...

МАРҲАМАТ. Маломатни энди кўрасан! Шармандалик! Номус!

ЗАМОН. Жонимни ҳиқилдоғимга келтирманг! Яна нима гап?

(Кўча эшикдан Нурбек киради.)

НУРБЕК. Мумкинми? Ким бор?

МАРҲАМАТ *(ўғлига).* Бас қил, бўлди! Кейин. *(Нурбекка.)* Келинг, Нурбек домла!

НУРБЕК. Салом, Марҳаматхон!

МАРҲАМАТ *(кўз ёшини артиб).* Яхши келдингиз, мен олдингизга чиқмоқчи эдим.

НУРБЕК. Хўш-хўш! *(Жимлик.)* Зуфнуний уйдаими?

МАРҲАМАТ. Йўқ!.. Икки оғиз гап! *(Уйга бошлайди.)*

НУРБЕК. Тинчликми?

МАРҲАМАТ. Иложим қолмади. Сабрим битди!

НУРБЕК. Товба! *(Уйга бошлайди. Телефон жиринглайди.)*

ЗАМОН *(телефонни олади).* Лаббай!.. Оғайнижон!.. Кейин гаплашайлик! Хафамасман! Бўлди-бўлди! Кейин гаплашайлик. Хўп. Узим бораман. *(Телефонни илади. Яна телефон жиринглайди. Замон олади.)* Лаббай! Йўқ! Йўқ дедим-ку! *(Зарда билан.)* Билмайман!.. *(Телефонни илади. Яна жиринглайди. Замон олмайди. Замон уйчан.)* Энди нима қилдим, қочиб кетайми? Бу қандай гап?

(Уйдан Марҳамат билан Нурбек чиқади.)

МАРҲАМАТ (*йиғлаб, Нурбекнинг йўлини тўсиб*). Ахир... Узингиз ўйланг!..
НУРБЕК. Бўлди! Айтмасангиз ҳам бари тушунарли. Ҳозирча маслаҳатим шу!
МАРҲАМАТ. У сизни ҳам алдамас-а? Ахир!..
НУРБЕК. Бўлди, ҳаммаси маълум. Келиб қолмасин. Менга ишона бериңг!
МАРҲАМАТ. Уни биласиз-ку!
НУРБЕК. Виламан. Сиздан илтимос, ҳозирча нима деса, хўп деяверинг. Менинг келганимни мутлақо билдирманг. У билиб қолгудек бўлса! Хайр. (*Кетади.*)

ЗАМОН (*Марҳаматга*). Қани, нима гап? Гапиринг!
МАРҲАМАТ (*зарда билан*). Ҳеч гапмас!
ЗАМОН. Ҳеч гапмас?!
— МАРҲАМАТ. Ҳа, ҳеч гапмас! Тушундингми? Нурбек домла келганини отанга айта кўрма! (*Уйга кириб кета бошлайди.*)

ЗАМОН. Тушунтиринг. (*Замон чиқиб кетади. Кўчадан папка кўтарган Зуфнуний кириб келади.*)

ЗУФНУНИЙ. Уйдამисанлар, «Тошкент» сувидан олиб чиқ! Кун ёндиради-я! (*Телефон жиринглайди. Зуфнуний трубкани олади.*) Алло, о, шон-шарафлар, садоқатларим бўлсин. Ҳотамжон, сиз ҳақиқий ҳотамтойсиз! Лаббай! Муборак бўлсин, о, зўр-зўр. Артист масаласи? Уни албатта қиламиз! Бешта эмас, юзта артистни битта ипга тизиб, олдимга солиб ўйнатиб бораман. Эй, офарин, офарин!.. Бешинчи числогами! Ҳозир, мен ёндафтаримни олай. Бу ёндафтарда Камол гўрковнинг телефонидан министрликларгача бор. (*Ёндафтарни олиб varaқлайди.*) Бўлди, хотиржам бўлинг! Ҳовлига сувлар сепилган, гуллар йўлингизга келиндек эгилиб турибди. Тўйда учрашамиз-а! Садоқатларим бўлсин. (*Трубкани қўяди. Ҳазича*) Мана буни менга иши тушгани яхши бўлди! Ҳамма катталар унинг уйига йиғилади. Амакиси прокурор, хотини натариуснинг бошлиғи. Ҳаммаси керак!

(Кўча эшигидан ғилофга солинган чолғу кўтарган Ибодхўжа кириб келади.)

ЗУФНУНИЙ. Кел-кел, Ибодхўжа!
ИБОДХУЖА. Бўлди энди!..
ЗУФНУНИЙ. И-я, и-я! Пайтида келдинг десам...
ИБОДХУЖА. Ахир бўзчининг моқисига айланиб кетдим-ку, акажон.
ЗУФНУНИЙ. Эй, бу нима деганинг!
ИБОДХУЖА. Яна, бу нима деганинг, дейсиз-а!
ЗУФНУНИЙ. Бир гап бўлдимми?
ИБОДХУЖА. Анави домла, сен истеъдодли йигит экансан, олим қиламан, деб аммаларининг тўйдан бешик тўйигача роса судрадилар. Бу ёғини ўзим гаплашиб тезлаштираман, деб сиз ҳам мени сурнайчининг баччасига айлантирвордингиз, ахир...
ЗУФНУНИЙ. Ҳой, Ибодхўжам, менга қара, сен диссертация ёқлаганинг билан осмон узилиб ерга тушмайди. Сенга диплом керакми? Бўлди, олимларни тўйда «Насруллои»ни урабери. Шуларни базмини қизитсанг, ишингни қандай қилиб ўзлари тўғрилаб берганларни билмай қоласан.

ИБОДХУЖА. Қўлма-қўл ўтавериб копток бўлиб кетдим-ку.
ЗУФНУНИЙ. Илм бир одамнинг қўлидан чиқмайди. Қўлдан-қўлга ўтиб, пишасан.

ИБОДХУЖА. Тўйлининг тўйи ўтар. Ахир, тирикчилик...
ЗУФНУНИЙ. Ҳой, менга қара. Ибодхўжа, бу... тирикчилик дейсан, кандидат бўлиб олсанг, жарақ-жарақ пул ўзи келаверади-ку! Қани, «Насруллои»дан бир ол.
ИБОДХУЖА. «Насруллои»-я! Нохун йўқ.

ЗУФНУНИЙ (*Ҳазича «Насруллои»ни айтади*). Сен олганингда ҳар қандай эриб кетади. Бўлди, вақт ўтмасин. (*Енидан қоғоз олади.*) Ҳозироқ мана шу адресга борасан. Гапни эшит, обрўли одамлар, сенга фойдаси тегадиганлардан, кечкурун, кеча айтганимдек, тўйда учрашамиз.

ИБОДХУЖА. Ия, яна, вой-ву!..
ЗУФНУНИЙ. Кандидат наука Ибодий, бу ёғини айлантирма, зўр одамларни кига олиб бораман. Дарров мана шу адресга бор, бўлди, борабер. (*Ибодхўжа кетади, Ҳазича*) Мана, битта иш битди. Менинг номимни Зуфнуний дейди. (*Уйдан Замон чиқади.*) Уғлим, «Тошкент суви»ни олиб чиқ. Ҳа, ростдан, бу правани олиб келдингми?

ЗАМОН. Олганим йўқ!
ЗУФНУНИЙ. Нега?
ЗАМОН. Уқимаган бўлсам!..
ЗУФНУНИЙ. Ия, правани олдин олабермайсанми, ўқиш кейин бўлаверади. Тайинлаб келганман-а, тайёр нарсани...
ЗАМОН. Одам босганимдан кейин ўқийманми?

ЗУФНУНИЙ. Ҳой, правангни тўғрилагин ахир, бу ёғини... Шалпайгани-шалпайган. Дунёда одам нимага яшайди?

ЗАМОН. Сизга ўхшаб яшагандан...
ЗУФНУНИЙ. Нима?
ЗАМОН. Отажон (*йиғлайди*).
ЗУФНУНИЙ. Менга нима қилибди? Нега йиғлайсан?
ЗАМОН. Сиз деб уйлаюлмасам. Одамлар сизни ким деб ўйлашларини биласизми?..
ЗУФНУНИЙ. Менга нима қилибди?

ЗАМОН. Кўп болалик хотинларнинг тўйида ҳам, болаларни туққан онаси қолиб, худди эри туқкандай, эрининг амалини мақтайсиз? Ахир...

ЗУФНУНИЙ. Ҳой-ҳой!

ЗАМОН. Ҳаммомчиникида-чи, ҳаммомчиникида? Битта ходимчини Абу Али ибн Синодан ҳам зўр деб осмонга олиб чиқиб мақтаб, обрўли одамларнинг энсасини қотирдингиз! Ярим одам тўйдан кетиб қолди!

ЗУФНУНИЙ. Ҳой, кетса кетаверсин, ундан нарига кетсин. Менда ҳам, онангда ҳам бод бор. Ахир Исо докторга қанча қатнади? Охириги борганида, ўзларини бодлари тугиб қолибди, деб келди. Узини даволлмаган доктор... Мақташ гуноҳми?

ЗАМОН. Ада! Гуноҳ!

ЗУФНУНИЙ. Гуноҳ! Ҳой, зумраша, йиғлама! Менга қара, мана, яқинда кўмир складига бординг, шундайми?

ЗАМОН. Ҳа, бордим! Бордим!... Бордим!..

ЗУФНУНИЙ. Бақирма! Неча марта бординг? Ололдингми?

ЗАМОН. Уддалаганлар олди.

ЗУФНУНИЙ. Уддалаганлар олди? *(Қотиб-қотиб кулади.)* Сенга ўхшаганлар қишда ҳам, ёзда ҳам кўмир ололмайсан. *(Замон кетабошлайди.)* Тўхта, эшит! Эшиқдан аммамнинг бузоғидек кўл қовуштириб, чўзилиб кириб, кўмир керак, дегансан, шундоқми? У ҳам сенга тўғриси айтиб, кўмир ҳозир йўқ, деган, шу билан икки қўлинг-ни бурнингга тиқиб, «эртага бўлади» сита ишонгансан, шундайми? Тўхта, тўхта, гапимни эшит. Ҳой, менга-чи, ҳечам йўқ демасди. Мең эшиқдан киришим биланоқ, кўмир сўрамай, саломларим бўлсин, дунёда иккита қуёш бор, бири осмонда бўлса, бири кўмир складида. Сизларнинг юз-кўзингиз қора бўлса ҳам, қалбларингиз пок, кўнглингиз тоза десанг, қимматроқ сотишга мўлжаллаб олиб қўйганидан бир тонна ўрнига икки тонна ташлаб юбораверади! Қани, энди айт-чи, мен нима гуноҳ қилибман? Айбим нима? Одамлар мақтовни, хушомадни севса, айб мендами?

ЗАМОН. Айб сизда!

ЗУФНУНИЙ. Бўлди, эй зумраша! Тухумдан тумшуги кўринмасдан, буни тилга киришини қара-я! Бор, ўша чармга тортилган ўсадек мўйловингни олдириб кел! Ҳаммомчининг лунгисидек шалпайиб, яна менга... ақл ўргатармиш-а!

ЗАМОН. Ўргатаман!

ЗУФНУНИЙ. Нима? *(Олдига ўдагайлаб боради.)*

ЗАМОН. Сизга ўхшаб ёмонни яхши, яхшиларни ёмон деб, ёлғон сўзлаб иш битиришга менинг ҳам ақлим етади, аммо ор қиламан.

ЗУФНУНИЙ. Аблаҳ!

ЗАМОН. Сиз қилган ишни виждони бор одам...

ЗУФНУНИЙ. Нима-нима! *(Қўл кўтариб урмоқчи бўлади, уйдан Марҳамат чиқади.)*

МАРҲАМАТ. Ҳой, ҳой, энди бу шармандалик бормиди! *(Уғлига.)* Сен уйга кир!
(Замон йиғлаб уйга кириб кетади.)

(Марҳамат йиғлайди.)

ЗУФНУНИЙ. Бир гап бўлдимми? Бошингни кўтар. *(Хотини ув тортиб йиғлайди.)* Тўрт мучанг соғми? Эркагини йўқотган бўридек нега ув тортасан? Сенларга нима бўлди? Гапир!

МАРҲАМАТ. Мен бу уйда туролмайман, уят, номус!

ЗУФНУНИЙ. Туролмайман? Туролмасанг, ўтир, тушунтир, ахир!

МАРҲАМАТ. Оғзимдаги бу олтин тишларни суғуриб ташлайман.

ЗУФНУНИЙ. Ҳой, тўхта! Нега суғурасан, тишингда нима айб?

МАРҲАМАТ. Арслон қоридан сўранг!

ЗУФНУНИЙ. Арслон қори? Нима гап?

МАРҲАМАТ. Гапирингга тилим бормади.

ЗУФНУНИЙ. Айланай, хотин, қани тушунтир, нима гап?

МАРҲАМАТ. Нима гаплигини Қори билан қайнсинглиси айтади!

ЗУФНУНИЙ. Қайнсинглиси?!

МАРҲАМАТ. Текин тиш қўйдирганингиз етмагандек, энди...

ЗУФНУНИЙ. Менга қара, шопилма. Буни кимдан эшитдинг! Қори айтдимми?
(Жимлик, хотин йиғлайди.) Аблаҳ Қори!

Эшик кўнгироси чалинади, милиция кийимида Болтавой киради, хотини кета бошлайди.

БОЛТАВОЙ. Мумкинми? Бир телефон қилиб олайлик!

ЗУФНУНИЙ. Бемалол, келинг, тинчликми?

БОЛТАВОЙ. Бизларни иш... Биласиз-ку! *(Телефон қила бошлайди.)* ГАЙМИ?
Тезроқ эксперт юборинглар, одам босиб қочган, машина номери ТНБ—16—00.
(Телефонни илади.)

ЗУФНУНИЙ. Одам ўлганми?

БОЛТАВОЙ. Ўлмаган-у, лекин...

ЗУФНУНИЙ. Тўхтанг, ТНБ — 16—00 дедингизми?

БОЛТАВОЙ. Ҳа, ҳа... *(Чиқиб кетади.)*

ЗУФНУНИЙ *(ўйланиб, ўзича.)* Бу Арслон қорининг машинаси-ку! Ҳа, ўшаники!.. Одам босганини билганим жуда соз бўлди... Энди шундай қиламанки... Оёғимни ўпиб таъзим қилади! *(Зуфнуний хурсандчилик билан хотинини чақиради.)* Ҳой хотин, яхшилаб кийин, тўйга борамиз!

(Марҳамат чиқади.)

МАРҲАМАТ. Олдин Қорининг олдига борамиз!
ЗУФНУНИЙ. Е тавба, ё тавба! Ҳаммаси игво, ҳаммаси тухмат! Қорининг ўзи мендан қарздор-ку!
МАРҲАМАТ. Сиздан?
ЗУФНУНИЙ. Ҳа, мендан! Ишонмасанг...
МАРҲАМАТ. Наҳот, ўз қайсинглигини ўзи бузукқа чиқарса!
ЗУФНУНИЙ. Ҳой, нималар деясан? Қори икки дунёда ҳам бу гапларни айтмайди! Қори ундай одаммас!
МАРҲАМАТ. Кўр бўлай, шол бўлай, ҳозир маст бўлиб ўзи келди...
ЗУФНУНИЙ. Менга ишон, Қори буни айтмайди. Сени кўзларингга кўринган бошқадир.

(Уйдан Замон чиқиб, бу гапларни эшитади.)

МАРҲАМАТ. Қорини танимайманми? Олдимга тушинг! Юринг!
ЗУФНУНИЙ. Сен ўзингни бос! Керак бўлса, Қорини ҳозир ўзим бошлаб келаман, Қорини биров йўлдан урган. Мастлик билан айтган бўлса, бунинг учун оёғингга йиқилиб узр сўрайди. Гап шу! Кийин! Тўйдан қолмайлик! Катта одамнинг тўйи.
МАРҲАМАТ. Жинни бўлиб қолмасам, жинни бўлмасам...
ЗУФНУНИЙ. Нега бўласан? Бўлмайсан! Мен қори билан сени юзлаштираман!
ЗАМОН. Қорини ҳам, гувоҳликка Нурбек домлани ҳам ўзим айтиб келаман!
ЗУФНУНИЙ. Сен зумраша!
МАРҲАМАТ. Сен аралашма! (Замон жаҳл билан чиқиб кетади.)
ЗУФНУНИЙ. Аблах! Бор кийин! (Марҳамат уйга кириб кетади. Телефон жиринглайди. Зуфнуний трубкани олади.)

ЗУФНУНИЙ. Эгам полвон! О, савдо ходимларига шон-шарафлар, садоқатларим бўлсин... Ишингиз беш, ишингиз зўр. Омадингиз келган, Эгам полвон! Уша редакциядаги Ҳасан Комил билан одамини топиб гаплашдим. Уша каттаси Нурбек билан ҳам учрашаман. Уйда йўқ экан, топаман. Ҳой, Эгам полвон, дунёда ошна-оғайнигарчилик бор экан, тўғриланмайдиган иш бўлмайди. (Кулади.) Валли! Дастурхонни катта қилаберинг! Борама, кутинг... Қандай тўғрилаганимни гаплашамиз. Садоқатларим бўлсин! (Трубкани қўяди. Эшикдан Шодмон гаранг киради.)

ШОДМОН. Ҳой, ким бор?
ЗУФНУНИЙ. Ҳозир, садоқатларим бўлсин.
ШОДМОН. Ҳошим аравакаш олтмиш учга тўлибди, энди эмчакдан ажрамоқчи.
ЗУФНУНИЙ. Эмчакдан деганингиз нимаси?
ШОДМОН. Пайғамбар ёшига кирганига ичкиликни батамом ташлаб, юртга ош бермоқчи. Узи ҳам кейинги пайтларда отининг челагида ичадиган бўлувди. Инсоф берса ҳеч гапмас, энди ажралапти!

ЗУФНУНИЙ. Инсоф берса!.. Ҳа.
ШОДМОН. Лаббай?
ЗУФНУНИЙ (Баланд овоз билан). Инсоф, инсоф!
ШОДМОН. Йўқ, бу лопамас, лопамас!
ЗУФНУНИЙ. Тўғри! Тўғри!
ШОДМОН. (Ёнидан рўйхат олади). Аҳмад сандиқчиникида...
ЗУФНУНИЙ. Борама.
ШОДМОН. Шу ҳафтанинг ичида йигирматача маросим...
ЗУФНУНИЙ. Йўлда гаплашамиз... шошиб турибман.
ШОДМОН. Бу, бизни илтимос нима бўлди?
ЗУФНУНИЙ. Қайси илтимос?
ШОДМОН. Оз-моз пул жамғариб қўйган эдим. Маккага боришимни гаплашаман, деган эдингиз?

ЗУФНУНИЙ. Савоб ишларга жонимизни берамиз. Маккага атаганингизни ташлаб кетаберинг, бўлади, бўлади.

ШОДМОН. Лаббай?
ЗУФНУНИЙ. Албатта тўғрилайман. Тинчлик бўлсин.
ШОДМОН. Ичкилик ўлсин, ҳа, ичкилик ёмон! Сиз ҳам ичманг!
ЗУФНУНИЙ. Омон бўлинг! (Шодмон кетади. Зуфнуний якка, ўйлашиб қолади.)
Қори нега гафго қилиб қолди? Э, бузоқнинг югургани сомонхонагача! Қўлидан нима келарди, Зуфнуний! Бунинг ташвищини қилма, авария қилгани жуда вақтида бўлди, бу ҳам менинг бахтим. Энди шундай қиламанки, мен билан олишмоқчи бўлганларни ҳаммасини бир сихга тортаман. Тортганда ҳам икки ёғини қиздириб тортаман. У ёғини ушласа ҳам куядиган, бу ёғини ушласа ҳам куядиган қиламан. Ҳали олдимга ялиниб келади. Ҳозир сен буларни ўйлама! Энг зарури шоир Нурбекни топиб, Эгам полвоннинг ишини тўғрила, ана ундан фойда бор. Кечикмасдан Нурбекни топ! (Кетади.)

ПАРДА

ИККИНЧИ КҮРИНИШ

Нурбекнинг ҳовлиси. Олди очиқ айвондаги стол устида папкалар, турли китоблар,

қоғозлар ёйилган. Сочлари тўзгиган Нурбекнинг кўриниши хаёлчан. Аммо Зуфнуний ўзича завқ билан кулади.

ЗУФНУНИЙ. Эй дўстим, дўстгинам. Ҳа, шундай!.. Бу ширинсўзлик, кишига ҳурмат — ҳушомадга кирмайди, азизим. Сендек одамни азизим дейишнинг ўзи ҳам кам! Ҳа, сен фақат азиз эмас, буюк ижодкорсан! Табарруқ одамсан! Ҳалолсан, соддасан! **НУРБЕК.** *(Хаёл суриб).* Шундай дегин? Яхши...
ЗУФНУНИЙ. Ҳаёлинг паришонроқ? Тинчликми? Бевақт келмадимми?

(Телефон жиринглайди. Нурбек олади.)

НУРБЕК. Лаббай!.. Нима масала? Йўқ, йўқ! Сизлар билан гаплашганда илҳом қочмайди, келади... Йўғ-эй... Эй, агар илҳом ичиш билан келадиган бўлса, унда шоирларнинг каттаси маҳалламиздаги Раим пиёниста бўларди! Ҳа, шундай!.. Лаббай? Эй, ишни сўраманг, бугун ҳеч вақтим йўқ. Қўйинг, илтимос қилманг! Узр!.. Лекин сизга ёрдам беришим мумкин, ҳозир. *(Телефонни қўйиб уйга кириб кетади. Зуфнуний якка. Жиддий ўйлай бошлайди.)*

ЗУФНУНИЙ. Авзойидан мен ҳақимда бир гап эшитганга ўхшайди. Авжи менга керакли вақтда бунинг қулогига мен тўғримда совуқ гапларнинг етиши... Нахотки? *(Ўйлашиб.)* Буни ҳам чораси бор. Бошлаб ташлайман! *(Ўзидан-ўзи қувонади, уйдан Нурбек чиқади.)*

НУРБЕК *(телефонда).* Эшитяпсизми? Езинг, телефони — 68-90-51... Албатта қилиб беради. Вақтимни олманг! Ҳа-ҳа! Саломат бўлинг! *(Телефонни илади. Маъсуда дастурхон олиб чиқади.)*

ЗУФНУНИЙ. *(Маъсудага).* Бекор овора бўлибсиз.

МАЪСУДА. Йўғ-э, ахир...

ЗУФНУНИЙ. Ҳа, ростдан, Маъсудахон. Қизингизнинг иши масаласида...

НУРБЕК. Қўлимдаги ишни шу бугун... Ҳозир топшириш керак. Менда бирор...

ЗУФНУНИЙ. Ҳой, дўстим, сен бемалол ишингни қилавер, Маъсудахон бир илтимос қилган эдилар... Бир томони сени кўрай деб...

МАЪСУДА. Бу кишининг ишлари ҳеч тамом бўлмайди.

ЗУФНУНИЙ. Маъсудахон, ҳақиқий ижодкор шундай бўлади... Қизингиз масаласида бир гап айтгандек бўлгандингиз, ҳаммаси тўғри бўлдими?

МАЪСУДА. Эй, қаёқда!

ЗУФНУНИЙ. Ана холос! Сиздек одамларни... Шу вақтгача менга... Қани, айтинг!

МАЪСУДА. Бир қизимнинг иши бўлса майли эди-я, арзимаган боғчанинг ғалваси...

НУРБЕК *(стол устидаги нарсаларини қўлга олиб, кетмоқчи бўлади).* Мен ҳозир...

ЗУФНУНИЙ *(Нурбекка).* Мен сендан хафаман, ҳа, ҳайрон бўлма! Сен республикада эмас, Иттифокда машҳур одамсан. Сендақаларнинг набирасини табарруқ деб, ўзлари боғчага олиб кетишлари керак эди. Камтарсан, хоксорсан. *(Маъсудага.)* Маъсудахон, нечанчи боғча эди?

МАЪСУДА. Унингчи.

ЗУФНУНИЙ. Сизларнинг кадрларингизни билмас-я! Ҳозир, Маъсудахон, ҳозир тўғрилаб ташлайман. *(Ниманидир излаб ён чўнтагини кавлайди.)* Маъсудахон, битта тўқсон бешдан дамланг, бу уйнинг чойи ҳам эгаларидек ширин. Ендафтарим машинада қолибди. Ҳозир. *(Зуфнуний кетади.)*

НУРБЕК. Бунга иш буюриб, мени балога қўйма!

МАЪСУДА. Ахир, ўзингиз қилмасангиз... Нима, унга ит текканми?

НУРБЕК. Битта эмас, ўнта ит теккан.

МАЪСУДА. Вой тавба! Айби уddaбурролиги, эпчиллигими?

НУРБЕК. Агар унинг кимлигини билмоқчи бўлсанг... *(Телефон жиринглайди.)* Ким бўлса, мени йўқ, де! Мен ўлганман.

(Маъсуда телефонни олади.)

МАЪСУДА. Йўқ эдилар... Лаббай, йўқлар деяпман-ку! *(Трубкани қўя туриб.)* Ўлганлар!

(Эшик кўнғироғи чалинади. «Домла» деган овоз эшитилиб, кўча эшигидан маҳалланинг хабарчиси Шодмон гаранг кириб келади. Уни кўрган Маъсуда уйга кириб кетади.)

ШОДМОН. Ассалому алайкўм, домла, уйда экансиз, бевақт келмадимми!

НУРБЕК. Йўқ, йўқ, жуда-жуда вақтида келдингиз, шундай вақтидаки...

ШОДМОН. *(қўлини қулогига тутиб).* Лаббай?

НУРБЕК. Хизмат?

ШОДМОН. Бирпас вақтингизни оламан. Эртага «Баҳор» кўчасидаги Мамасо-диқниқида пешинда тўй, индинга никоҳ.

НУРБЕК. Хўп, хўп, раҳмат!

ШОДМОН. Лаббай?

НУРБЕК *(баланд овоз билан).* Раҳмат, албатта бораман.

ШОДМОН. Салимбекнинг онаси ўлган эди, уйини биласиз. Эртага эрталаб йигирма оши.

НУРБЕК *(асабий).* Яна худойими?

ШОДМОН. Лаббай? *(Қулогини қўлига қўйиб, Нурбекка яқин боради.)*

Н У Р Б Е К. Йўқ, йўқ, бораман.

Ш О Д М О Н. Сиз камтарсиз, сизни биламан... Лекин баъзи одамлар бор, обрўли одамларникидан кавушдек ўлик чикса ҳам таъзияга югуриб боради-ю, бундоғларининг тўйига ҳам бормайди... Аҳмад сандиқчи тайинлаб юборди. Набираларининг кўлини ҳалоллаяпти, жума куни кечкурун базм, шанба эргалаб ош, албатта боринг.

Н У Р Б Е К. Жоним билан, жоним билан! *(Кесатиб.)* Бешик тўйи — туққанлардан ҳам борми?

Ш О Д М О Н. Лаббай?

Н У Р Б Е К. Ҳаммасига бораман.

Ш О Д М О Н. Тўйларни бўлгани яхши. Тўй-томошадан қўямасин.

Н У Р Б Е К. Албатта, омон бўлинг. *(Кета бошлайди. Шодмон чўнтагидан яна рўйхат олади.)*

Ш О Д М О Н. Бу ёқда яна бор, домла, бугун соат иккида, масжиддан одам чиққандан кейин, Асқарали отасига худойи қилаяпти, мавлуд оши... Маҳаллага аралашган яхши...

Н У Р Б Е К. Вақти билан, жойи билан...

Ш О Д М О Н. Лаббай? Қўк чой дейсизми? Майли, майли... Қўк чой бўлса, сизники табаррук. Иш кўп бўлса ҳам, бир пиёла ичамиз. Анчадан бери суҳбатингизни олганим йўқ. *(Иккови бир-бирига тикилишади. Шодмон столга ўтириб, фотиҳа қилади.)* Шу ерда ичиб кетаман. *(Нурбек чой қўяди.)* Маҳаллани айтиш ҳам осон иш эмас, биттаси эсингдан чиқса, сен балога қоласан. Қани, домла, мундай ўтиринг. Бизларнинг иш ҳам — ҳунар. Мени ҳам энди бир китоб қилиб ёзсангиз, пенсияга қувват бўларди. *(Жимлик.)* Домла, сизлар ҳақни уйда ўтирганларингга оласизларми ё ёзганларингга қараб тўлайдими?

Н У Р Б Е К. Ҳаммасига.

Ш О Д М О Н. Бу дейман... уйда ишлаганларингга налог чиқмайдими? Бир жияним уйда махси тикарди, налог чиқавериб...

(Телефон жиринглайди, Нурбек олади.)

Н У Р Б Е К. Мен, мен ўзимман. Иложи бўлса, ҳозироқ олиб бораман. Хўп-хўп. *(Трубкани қўяди.)*

Ш О Д М О Н. Сизларнинг иш ҳам қизиқ-да. Ичларингиздан тўқийсизми ёки бировлардан эшитганини ёзасизларми?

Н У Р Б Е К. Ҳаммасини қиламиз. Яна чойдан қуяйми?

Ш О Д М О Н. Бу, сизларга айтиб берганга ҳам ҳақ тўлайдими? Айтадиган гапларимиз кўп, ичимиз тўла тарих.

Н У Р Б Е К. Биламан, хўп, бир гаплашамиз.

Ш О Д М О Н. Лаббай?

Н У Р Б Е К. Сизни ёзаман, бўлди, ёзаман.

Ш О Д М О Н. Мени ёзганингиз яхши, раҳмат. Лекин бу, элга аралашинг, урф-одатларимиз ҳам ёмон эмас. Лекин тўйларда исрофгарчилик, бир-биридан ўзаман дейишлар ҳам авж олиб кетяпти. уни ҳам бир ёзасизми?

Н У Р Б Е К. Ёзаман, ёзаман.

Ш О Д М О Н. *(чўнтагидан қоғоз олиб.)* Эсимдан чиқмасин, Исматулланикида...

Н У Р Б Е К. Хабарим бор, биламан...

Ш О Д М О Н. Қадрдонингиз Мираҳмат...

Н У Р Б Е К. Минг раҳмат, минг раҳмат.

Ш О Д М О Н. Мен уятли бўлмай. Ўғли қамоқдан келган, юртга ош берапти. Хайр. *(Кетади.)*

Н У Р Б Е К. *(қоғозлар ичидан ниманидир излаб.)* Уни қаерга қўйдим... *(Маъсуда чой олиб кирди.)* Бугун бирорта ҳам ишимни қилолмадим.

М А Ъ С У Д А *(жаҳл билан.)* Ўзингиз қилмаган ишни, ёрдам бериб, бошқалар қилиб бераман деса...

Н У Р Б Е К. Ҳо, бўлди, айланай хотин...

М А Ъ С У Д А. Мендан айланманг!

Н У Р Б Е К. Айланмасам, хўп! Нима десанг, шу!

М А Ъ С У Д А. Қачон қарасанг иш, иш! Бир гап гапирсанг, «Фикримни бузма, илҳом қочади!» Эй, илҳом ҳам қуриб кетсин!

Н У Р Б Е К. *(ниманидир ахтариб, ҳаёл билан.)* Қурсин... курсин! Ҳозир, ҳозир!..

М А Ъ С У Д А. Нуқул иш, нуқул ҳозир-ҳозир! Уладиган оғриқни ўлгани яхши.

Н У Р Б Е К. *(қоғозлардан бош кўтармай, ҳаёл билан.)* Албатта яхши... Жуда яхши!..

М А Ъ С У Д А. Нима яхши? Нима яхши? Сиз бош қотириб ёзганингиз билан дунё ўзгариб қоляптими? Ахир апрофга, одамларга ҳам бундай қаранг! Бир кун ёзмасангиз, оламга ўт тушиб кетмас.

Н У Р Б Е К. Ёзмамг?! *(Истеҳзо билан кулади.)* Ҳа-ҳа! *(Жиддий.)* Ҳой, менга қара, тўйма-тўй юришга, орву-ҳавасга пул керагида, анави ишингизни қилмайсизми, мана буни тезроқ топшира қолмайсизми, деб ўйлашга ҳам, дам олишга ҳам қўймайсан. Бошимда қаргадек қагиллайсан. Унда пулим яхши, ёзишим ёмонми, а?

М А Ъ С У Д А. Жаҳлимини чиқарманг, пулингизни писанда қилманг, бир неча йилда ўликнинг қафтидек китоб чиқарасиз!.. Ваъзи одамлар ҳар йили ёстиқдек-ёстиқдек китоб чиқариб, сандиқ-сандиқ пул олишяпти.

Н У Р Б Е К. *(ўзича кулади.)* Ҳа-ҳа! Эй аттанг... *(ўйлиниб.)* Ҳой, мен-чи, хотинимни бўйнига дур тақиб учун ёзмаман!

М А Ъ С У Д А. *(ийглаб.)* Бўйнимга ажин тушганда таққан дурим ҳам сизга ортиқчалик қилдими?

Н У Р Б Е К. Ҳой, ҳой, энди бу ёғига ўтма! Бўлди, бўлди!

(Эшикдан кириб келаётган Зуфнуний, эр-хотиннинг жанжаллини кўриб, тўхтайти.
Қулоқ солади. Орқасида Шодмон гаранг пайдо бўлади.)

ЗУФНУНИЙ (Шодмонга). Сиз кираберинг, мен ҳозир, бир нарсани унутибман.
(Орқага қайтади. Шодмон киради.)

ШОДМОН. Кечирасиз, кечирасиз, домла!

НУРБЕК. Келинг, келаверинг, бемалол!

ШОДМОН. Эй, қулоқ курсин, қулоқ! Яхши эшитмаган эканман, Исма тулланики-
да жаноза эмас, қизига тўй келаркан. (Эшик олдидаги шиферга кўзи тушади.) Ҳар келга-
нимда шу ерда туради. Томнинг ямоғига олиб кетайми? Ортиқча шекилли?

НУРБЕК. Олинг, нима керак бўлса олинг!

(Шодмон кетади. Уртада сукунат. Эшикдан қўлтиғида папка, қўлида ёндафтар
ушлаган, нимадандир хурсанд Зуфнуний киради.)

ЗУФНУНИЙ (ёндафтарини Маъсудага кўрсатиб). Маъсудахон, нима ишингиз
бўлса, мана энди айтаберинг!

НУРБЕК. Менга рухсат! Сизлар бемалол...

ЗУФНУНИЙ. Сен кийинабер, машина бор... Унғача... (Нурбек кетади).
Маъсудахон, айтаберинг, сизлар учун йўқдан йўндираман. Унингчи боғча дедингизми?
Қайси район?

МАЪСУДА. Октябрь. Боғчадан ташқари...

ЗУФНУНИЙ. Тушунарли, қизингизни иши нима эди?

МАЪСУДА. Қизим кандидат бўлганига уч йил бўлибди-ю, ҳали ҳам катта
ўқитувчи бўлолмайти. Оддий лаборант-а! Ахир...

ЗУФНУНИЙ. Йўқ, бу бўлмайди. Инсофданмас! Ректори Афзаловми?

МАЪСУДА. Ҳа, уша!

ЗУФНУНИЙ. Проректори ким?

МАЪСУДА. Саидмансуров.

ЗУФНУНИЙ. Саидмансуров... (Ёндафтарини варақлай бошлайди.) Профессор
Саидмансуров Саидносир, Қовунчида туғилган, хотини Ургутдан, бу иккинчи хотини,
қайнонаси кинначи, куёви магазинда ишлайди, отадиған, қайсинглиси шўхроқ, Укаси
Саидмансуров Абдухалил 106-мактабда ўқитувчи. Оёғи оқсоқ, Уйланмоқчи, артистлар
керак. Уйи 6 Б да...

МАЪСУДА. Ҳаммаси тўғри. Худди ўзлари. (Икковлари кулишади.)

ЗУФНУНИЙ. Албатта ўзи бўлади-да! Ҳой, одамларни яхши билмасангиз,
ишингиз битмайди. Омадларинг келган. Ҳозир боғчаси ҳам, ассистентлиги ҳам қал
бўлади.

МАЪСУДА. Минг раҳмат.

ЗУФНУНИЙ. (ёндафтарини варақлай бошлайди). Бу дафтарда гўрковнинг
телефонидан министрникигача — ҳаммаси бор! (ўзича ўқийди.) Савдо ташкилотлари,
ҳаммом, хўш... Абдусалом юғучи, суд, прокуратура идоралари, бозорком, маориф
ташкилотлари, Абдуфаттоҳ... (Маъсудага.) Бўлди, мана ҳозир қизингизни иши битди.
(Телефон қила бошлайди.)

МАЪСУДА. Мен чойни янгилаб келай. (Кулиб чиқиб кетади.)

ЗУФНУНИЙ (телефон қилади). Алло, ким бу? Ниночка! Салом, салом!
Зуфнуний гапиряпти. Овозларингиз бугун, Ниночка, жуда ҳам гўзал. (Завқ билан
кулади.) Жаранглайди, жаранглайди. (Галстук такаётган Нурбек деразадан бунни
кузагади. Унинг муомаласини эшитиб истеҳзо билан кулади.) Келаётган байрам билан!
Мендан битта яхши шоколад. (Яна кулади.) Ниночка, битта илтимос... Ажойиб бир
дўстим бор, хотини оғир касал. Ҳар минутда телефон керак бўлиб турибди... Министрга
айтаман... министр оғайним-ку! (Бу гапларни эшитгаётган Нурбекнинг қиёфаси
жиддийлашади.) Ҳа, албатта! Шу бугуноқ ишлатиб юборинг, раҳмат, саломат бўлинг,
қўлингизни ўпаман, Ниночка! (Уйдан Нурбек чиқади.)

НУРБЕК. Боғчани телефонисткага нима алоқаси бор?

ЗУФНУНИЙ. Эй дўстим, ҳозир-чи, тухум қилмайдиган товуққа ҳеч ким дон
бермайди. Ҳозир тушунасан. (Телефон қилмоқчи бўлади.)

НУРБЕК. Донинг нимаси?

ЗУФНУНИЙ. Виласан-ку, дўстим, биров қонуний иш қилишни яхши кўради,
биров майни, биров мақтовни, баъзилар борки, шоколадни — донни...

НУРБЕК (ўйлашиб). Ҳали министр оғайним дедингми?

ЗУФНУНИЙ. Ажойибсан, дўстим, ажойибсан. Таниш бўлиши шартми? Қонун
билан иш қилмай, амал билан ҳисоблашадиганларга амал билан муомала қилиш керак.

НУРБЕК. Шундай дегин?

ЗУФНУНИЙ. Ажойиб одамсан-да, дўстим, ажойибсан, фариштасан!

НУРБЕК. Менга дон ташлаганингни фойдаси йўқ, мен курк товуқман. Мендан
тухум унмайди!

ЗУФНУНИЙ. Йўқ, йўқ, асло! Сен курк товуқ эмассан, сен хўрозсан. Бабақ хўроз,
дакан хўрозсан. Сендақа одамлар кам. Сени алдаб ҳам, ёлғондан мақтаб ҳам бўлмайди.
(Телефон қила бошлайди. Маъсуда чой олиб киради.)

ЗУФНУНИЙ. Ҳозир, Маъсудахон! Алло, маорифми? Яшанг, қизим, Абдуфаттоҳ
акангизни чақириб беринг... Раҳмат, кутамаң. (Нурбекка қараб.) Мен ҳозир телефони-
сткага дон ташладим. Дарров тухуми ҳам унди. Энди бу тухумни...

Н У Р Б Е К . Бошқага тутаман дегин?

З У Ф Н У Н И Й . Бир ховуч дон билан йигирмата товукдан тухум оламан. Сен қараб тур! (*Маъсудага*.) Маъсудахон, «Маданият ходими» унвонини олдингизми?

М А Ъ С У Д А . Эй, қаёқда?

З У Ф Н У Н И Й . Сиз-а! Албатта, бўласиз. Бунинг йўли осон... Улуғ шоирнинг хотини бўлатуриб... Буни тўғрилаймиз. (*Телефонда гаплашади. Маъсуда чой қуяди.*) Алло, Абдуфаттоҳжон, омонмисиз? Раҳмат, укам. Телефонингизни ишлатиб қўйдим. Арзимайди. Сизлар болаларимизга хизмат қилаётган мўътабар кишилар... Раҳмат. Сиздан кичкина бир илтимос. Бир бева қўшнимиз бор, боласини қачондан бери боғчага жойлолмайди. Офарин, офарин! Тилингиз ширин-да, ширин! Барака топинг. Қачон олдингизга борсин? Яшанг, шу бугуноқ олдингизга юбораман. Фамилияси Нурбекова Шоира. Уйга келинг, гуллар очилган... Ҳа, албатта... Саломат бўлинг... (*Нурбекка.*) Мана, қизингизни иши ҳам битди, дўстим.

Н У Р Б Е К . Тавба! Тавба!

З У Ф Н У Н И Й . Нега тавба дейсан?

Н У Р Б Е К . Қанақа бева ҳақида гапирдинг? Менинг қизим бева эмас-ку.

З У Ф Н У Н И Й . Эй қизиксан-а, дўстим, қизиксан. Гап келганда отангни аяма! Иш битса бўлди-да! Бева деса тезроқ битади! Тўғрими, Маъсудахон!

М А Ъ С У Д А Х О Н . Ҳа, албатта!

Н У Р Б Е К (*жиддий*). Буни бировнинг дўписини бировга кийгазиш дейди.

З У Ф Н У Н И Й . Ҳой, дўстим, бировнинг дўписини бировга уддалаб кийгазиш ёмонми?

Н У Р Б Е К . И-я! Яхшими?

З У Ф Н У Н И Й (*қотиб-қотиб кулиб*). Дўстим, менга қара, мана иккита одам қаршингда ўтирибди. Битгаси ҳавонча дастасидек кичкина бошига қозондек катта дўшпини қулогигача бостириб олган. Иккинчиси, хумдек бошига муштеккина кичкина дўшпини қўндириб ўтирибди. Лекин алмаштирайлик дейишга икковининг ҳам тили йўқ. Бир-бирига ишонмайди. Масалан, мен келаман-да, савоб бўлар деб уникини бунга, буникини унга кийгазиб, ойнага қаратаман. Иккови хурсанд, яна менга қараб тиржаяди, хўш, улар ношуд бўлса, ахир, дўстим, менда нима гуноҳ? (*Ҳамма қотиб-қотиб кулади. Нурбек энгаси қотиб ўрнидан туради.*) Мен бировларга яхшилик қилсам...

Н У Р Б Е К . Бу яхшиликка кирмайди! Ахир...

З У Ф Н У Н И Й . Гапирабەر, сендан фақат яхши гап чиқади, дўстим! Лекин, айтиб қўлай, ҳар одамлар борки, бировга яхшилик қилиш у ёқда турсин, биров кўрса шерик бўлмасин деб, еб турган қовунини пўчоғи билан ютиб юборади... Лаббай?

(Ҳамма кулади. Нурбек жиддий.)

Н У Р Б Е К . Пўчоғи билан ютадим, уруғи билан ютадим, бу — унинг ўз иши! Буни бировга зиёни йўқ! Аммо сени қилаётган ишларинг асло яхшиликка қўшилмайди! Бу — одамларни хўрлаш!

З У Ф Н У Н И Й . Хўрлаш?!

М А Ъ С У Д А . Уйин-кулги билан битаётган ишни жиддийга айланторманг, сиз ҳам...

Н У Р Б Е К . Бизни холи қўй! (*Маъсуда кетади. Зуфнунийга.*) Бундай ўтир.

З У Ф Н У Н И Й . Жоним билан, дўстим, сендан ҳикматли гаплар чиқади!

Н У Р Б Е К . Гапинг очиги, сен одамларга яхшилик қиляпман, деясан-ку, аммо одамларга жабр қилаётганлигингни ўйлаяпсанми?

З У Ф Н У Н И Й . Бу нима деганинг! Сени хурсанд қиламан десам...

Н У Р Б Е К . Энди ёш бола бўлмадинг! Иш битириш учун катта бошингни кичик қилиб, нопок одамларни сиз олижанобсиз, сиз мўътабарсиз дейишга қандай тилинг боради!

З У Ф Н У Н И Й . Ия-ия!

Н У Р Б Е К . Ия-ия дема! Уларни мақташ эмас, муттаҳамлар деб шاپалоқлаб уриш керак. Ҳа!

З У Ф Н У Н И Й . Ахир, ўзинг кўриб турибсан-ку! Доно одам бўла-туруиб...

Н У Р Б Е К . Кўриб турибман. Кўриб турибман. Ҳаммаёқни сенга ўхшаган хушомадгўйлар бузаяпти!

З У Ф Н У Н И Й . Хушомад дейсан-а, азизим, хушомад...

Н У Р Б Е К . Қонуний талабимизни вақтида қилмай, сарсон-саргардон қилган одамларни жазолаш ўрнига яна биз уларнинг бошини силаб, хушомад қилишимиз, ўз обрўйимизни ерга уришимиз керакми, боғча, телефон уларнинг шахсий мулкими! А?

З У Ф Н У Н И Й . Бу гапинг олижаноб гап, бу гапингга қўшиламан, улар аблаҳ эканликларини мен ҳам биламан...

Н У Р Б Е К . Ифлосларга ифлос бўлиш керак демоқчимисан?

З У Ф Н У Н И Й . О, азизим, азизим! Сен жонингни кўп куйдирма. Сен қонуний иш қиламан дейсан-у, лекин одамларни муттаҳамликка бошлаган нима? Ахир бу ёғини ҳам...

Н У Р Б Е К . Сен!

З У Ф Н У Н И Й . Мен! Ҳой-ҳой (*кулади*).

Н У Р Б Е К . Хўш, нима бўлмаса?!

З У Ф Н У Н И Й . Мана, эшит, Менинг Эгам полвон деган складда ишлайдиган фариштадек бир қадрдоним бор, бировга бермайди ҳам, бировнинг ҳақини емайди ҳам. Ҳалол ишлаб, қонуний иш қилиб келган, мана энди оқибати нима бўлди? Газетада фельетон бўляпти!

НУРБЕК. Бирор гуноҳи бўлмаса...
ЗУФНУНИЙ. Гуноҳи — ҳалоллиги. Бошқаларга едирмагани. Урни бошқаларга керак бўлиб қолибди.

НУРБЕК. Ҳалол, ҳалол!.. Гуноҳи бўлмаса, газета ҳам текширмасдан...

ЗУФНУНИЙ. Сенинг олдинга келишимдан мақсад ҳам шу, оғайнижон! Редакциядаги Ҳасан Комил оғайнинг бўларкан, бир оғиз сен ҳам айтиб қўй, бир одам куймасин! Яхшилиқ яхши!

НУРБЕК. Ўзингни ўйласанг-чи!

ЗУФНУНИЙ. Ўзимни? Менга нима қилибди?

НУРБЕК. Бу одагингни ташла! Ўзинг фельетон бўлиб қолма!

ЗУФНУНИЙ. Мен? Мен-а?!

НУРБЕК. Ҳа, сен!

ЗУФНУНИЙ. Мени фельетон қиладиган ким экан у?

НУРБЕК. Уни ҳам қўлга олмоқчимисан?

ЗУФНУНИЙ. Тушунарли! Айтмасанг ҳам кимдан чиққанини биламан, ҳаммаси игво! Хотиржам бўл!

НУРБЕК. Игво?

ЗУФНУНИЙ. Сен менинг дўстим бўлмасанг, куйиб гапирмас эдинг. Лекин куйишинга арзимади. Айтганинг учун раҳмат. Бутунлай игво! Бу гаплар ҳаммаси Қоридан, унинг божаси Қулматовдан чиққан, ҳаммаси игво! Менда ҳеч айб йўқ!

НУРБЕК. У Қорими, порими, Қулматовми, лекин устингдан шикоят қилганлар битта эмас.

ЗУФНУНИЙ. Мингта бўлсин. Қўлидан ҳеч нарса келмайди! Бу гапларни менга айтганинг учун раҳмат, дўстим. Агар сўзларимга ишонмасанг, энди мен шундай бир иш қиламанки, битта Арслон Қори эмас, менинг устимдан ёганлар ҳаммаси, кўз олдинда оёгимга йиқилиб, сиз фариштасиз, акамсиз, дейди, ҳазили йўқ, кулма, агар менда гуноҳ бўлса, ҳа, юзимга туф, де! Наҳот менга ишонмайсан!

НУРБЕК. Кўрқитасанми?

ЗУФНУНИЙ. Асло!

НУРБЕК. Пул берасанми?

ЗУФНУНИЙ. Пул? Сен ажойиб одамсан. Пул бериб мен муттаҳам бўлибманми?

Пул ҳам бермайман.

НУРБЕК. Тавба! Маст қиласанми?

ЗУФНУНИЙ. Маст ҳам қилмайман. Қандай қилишимни ҳозирча айтмайман. Ҳозирча сир.

НУРБЕК. Жумбок, дегин?

ЗУФНУНИЙ. Жумбок!

НУРБЕК. Бирининг дўписини бирига кийгизаман, дегин?

ЗУФНУНИЙ. Менда ҳеч айб йўқлигини, туҳматлигини иботласам бўладими? НУРБЕК. Сен уларнинг ҳаммасини тиз чўқтирасанми, уэр сўратасанми, лекин сен бу билан ўзингни оқлай олмайсан!

ЗУФНУНИЙ. Нега, айбим нима?

НУРБЕК. Сен одамларга яхшилиқ қилдим деясан, аммо бунинг тагида жиноят ётганини англаялсанми?

ЗУФНУНИЙ. Жиноят?

НУРБЕК. Ҳа, ҳа!

ЗУФНУНИЙ. Жиноят-а, жиноят! Ҳой, дўстим, мен шундай қиламанки, жиноятчи ким эканини кўрасан.

НУРБЕК. Сен ўзингни бу билан оқлаёлмайсан. Мен ҳам сени аямайман.

ЗУФНУНИЙ. Аяма, дўстим, аяма! *(Кулади.)* Сени саломатлигинг менга керак! Сени шодлигинг учун ўзимни қурбон қилишга тайёрман.

НУРБЕК. Хушомад қилма!

(Эшикдан ғилофдаги чолғуни бир қўлида осилтириб кўтарган Ибодхўжа кириб келади.)

ИБОДХУЖА. Мумкинми?

ЗУФНУНИЙ. Кел-кел, келабер, кутиб турган эдим. Ибодхўжа! *(Нурбекка.)* Бу гапларни қўябер, менга ишонабер. Хотиржам бўл.

ИБОДХУЖА. Ассалому алайкум.

НУРБЕК. Салом.

ЗУФНУНИЙ. Жуда яхши келдингиз, Ибодхўжа, Нурбек акангизни тамбурга ишқибозлигини биласиз, «Насруллои»дан бир эшитайлик.

ИБОДХУЖА. Энди, акажон, шоирлар музикани қадрига етишади, жоним билан. *(Ҳаммаси ўтиради.)*

НУРБЕК. Ҳар нарса вақтида яхши, албатта!

ЗУФНУНИЙ. Эй, дўстим, маишатни ортиқчаси бўлмайди. Бир эшит, асабинг жойига тушади-қўяди. Қўлингдан келса, маишат қилиб қолган яхши. *(Ибодхўжа «Насруллои»ни чалади. Зуфнуний завқ билан эшигади. Музика эшитиб бўлгач, Зуфнуний соатига қарайди.)* Раҳмат, Ибодхўжа! *(Нурбекка.)* Визга рухсат, Ибодхўжа билан бир қадрдониизаникига бормоқчи эдик, кечикмайлик! *(Турадилар.)* Дўстим, у гапларни ўйлама! Ҳа, ростдан бир камбағал куймасин, исми Эгам Орипов, Ҳасан Комилга тайинлаб қўй, менда қолмайди.

Н У Р Б Е К. Гап ҳозир унинг устида эмас.

(Маъсуда киради.)

З У Ф Н У Н И Й. Менга ишонабер. Гаплашамиз. Хайр, садоқатларим бўлсин. Хайр, Маъсудахон.

М А Ъ С У Д А. Утиринг, шунча шошқинч?

З У Ф Н У Н И Й. Раҳмат, иш кўп, Ибодхўжа билан бир жойга борадиган эдик. Зиёфатга алоҳида келаман.

(Нурбек Зуфнунийни эшикка кузатади.)

М А Ъ С У Д А. Мана бу ҳам эркак. Эримга ўхшаган ношуд эмас. Бу киши ҳалол, тўғри эмишлар. Тўғри, тўғрилиқ яхши, эви билан. Лекин қармоқ ҳам эгри бўлмаса балиқ тушмайди. Эгилмаган насага ҳеч нарса илинмайди. Тўғриман деб, мана, оқибати нима бўлди, ҳамма олган мукофотни ҳам ололмай юрибдилар. (Зуфнунийнинг столда қолган дафтарига кўзи тушади.) Дафтари қолибди-ку. (Дафтари уқий бошлайди.) Тавба! (Нурбек қайтади.) Тавба! Буни эшитинг! «Бир ёшдан-беш ёшгача бўлган обрўли одамларнинг болалари тузилган кунда ўқиладиган шеърлар». «Қабр тепасида ўқиладиган», «Колхоз раисининг зиёфатида ўқиладиган шеърлар». «Уч-тўрт марта хотин қўйиб уйланганларнинг тўйида ўқиладиган мақтов». Мана бунисини эшитинг:

Баъзилар бир марта хотин олади,
Севади, зерикмай яшайберади.
Баъзилар ўн марта уйланганда ҳам,
Севгиси тугамай ёнаберади.

(Эр-хотин қотиб-қотиб кулишади.)

Н У Р Б Е К. Бу маккор, маккор! Одам бўлмайди!

М А Ъ С У Д А. Нима?

Н У Р Б Е К. Виздан ҳам тухум ундирмоқчи.

М А Ъ С У Д А. Қанақа тухум?

Н У Р Б Е К. Қанақа тухум бўларди! Қилиб берган ишларининг эвазига бир муттаҳам складчининг ишини битириб беришим керакмиш. Йўқ, бу ақл эмас, макр! М А Ъ С У Д А. Хой, мен «маданият ходими», қизингиз «ассистент», айтганига хўп деб қўяқолмайсизми?

Н У Р Б Е К. Хўп деб қўяқолмайсизми?

М А Ъ С У Д А. Хой, менга қаранг, бармоқларингизни эгмасангиз-чи, мана шу ручкани ҳам, мана шу қоғозни ҳам кўтаролмайсиз. Эгилмаган қўлга нарса кирмайди. Ҳа, вақтида эгилиш керак.

Н У Р Б Е К. Шундай дегин?

М А Ъ С У Д А. Ҳар нарса эви билан-да!

Н У Р Б Е К. (бирдан букчайиб, вой-войлаб қолади). Белимни кўтар, вой белим, белимни кўтар. Вой-вой!

М А Ъ С У Д А. Хой, нима бўлди? Нима бўлди?

Н У Р Б Е К. Букир бўлиб қолмасин.

М А Ъ С У Д А. Нафасингизни иссиқроқ қилинг.

Н У Р Б Е К (секин-секин қаддини тиклайди). Хайрият, ўтиб кетди. Хой, менга қара, мана шундай эгри, майншоқ бурним билан ер супуриб, эгилиб юрганымда, сен менга тегарминдиги? Йўқ, эгрисан, дердинг, тегмасдинг!

М А Ъ С У Д А. Хой...

Н У Р Б Е К. Инсон ўзининг қадди ва ақлининг расолиги билан гўзал, ҳа! Тўғрилиқ билан суягим қотган, хотин, энди эгилмайди.

М А Ъ С У Д А. Ғудайиб, хода ютганлиги билан гўзал, денг?

Н У Р Б Е К. Узига ишончи, гурури билан...

(Эшикдан Зуфнуний қайтиб киради...)

З У Ф Н У Н И Й. Кечирасан, шу ерда бошим билан қўлим қолибди. (Стол устидаги дафтари олади...) Бу дафтари мен қўлсиз, оёқсиз бўлиб қоламан. Бу дафтарида нималар йўқ! Хой, ростдан қўлимни ол тезроқ, тапти кетмасин, улуғ одам билан кўришдим.

Н У Р Б Е К (қўлини олади). Мана, ушладим.

З У Ф Н У Н И Й. Нурбек, ниятинг пок, қизингнинг иши битди. Шундай чиқдим-у, министр муовининга дуч келиб, қўлларини олдим. Гапни учини чиқардим, Битта донни ютди. Тухум кутавер.

Н У Р Б Е К. Мен сенга жиддий гапни гапирдим, оқибатини ўйла!

З У Ф Н У Н И Й. Айтишинг биланоқ ҳаммасини ўйлаб кўрдим, арз қилганларни ҳаммаси олдинда уэр сўрайди. Хотиржам бўл! Хайр! Маъсудахон! Хой, дўстим, мен девор бўлмаса, кўчани ҳам кўрадиган одамман. Мени ташвишимни қилма, дўстим! Эгам полвонни ишини тўғрила! (Керади.)

Н У Р Б Е К. Бу ўйлашга имкон бермай, гангитиб иш битиради! Устида шунча гаплар бўлиб турса-ю, парво қилмаса!

М А Ъ С У Д А. Уни ёмонлаганлигингизни фойдаси йўқ!

Н У Р Б Е К. Бор.

МАЪСУДА. Фойдаси йўк!
НУРБЕК. Фельетон бўлиб шармандаси чиқади!
МАЪСУДА. Уни ҳам тўғрилайди!
НУРБЕК. Тўғрилолмайди. Мени алдолмайди!
МАЪСУДА. Кўрамиз!
НУРБЕК. Кўрасан! *(Бақириб.)* Бўлди! Оламни бузаётганлар шулар! *(Телефон жиринглайди. Нурбек олади.)* Ҳасан Комил, сенми? Зуфнуний келди. Уни билмаган нарсаси борми? Устидан арз қилганларнинг даъвосидан тондирмоқчи. Арз қилган одамларни сен билан менинг олдимида тиз чўқтирмоқчи. Қандай қилиб? Бу ҳам унинг хийласи! Кўрамиз! *(Шодмон киради.)* Бўлди, хотиржам бўл. Кейин гаплашамиз. Гап кўп!.. *(Трубкани қўяди.)* Келинг, Шодмон ака!

ШОДМОН. Домла, сизни бугун кўп безовта қилдим.

НУРБЕК. Яна нима гап?

ШОДМОН. Қачондан бери эшигингизни тагида уч-тўртта хода ётибди. Сахий одамсиз... энди, сизлар халқни ўйлаган одам... Шуни маҳалланинг ободончилигига ишлатсак...

НУРБЕК. Олаберинг, олинг!

ШОДМОН. Раҳмат, халққа хизмат қилиш савоб. Ахир...

НУРБЕК. Саломат бўлинг!

ШОДМОН. Сизда маслаҳатли ишим ҳам бор...

НУРБЕК. Иложи бўлса, кейинроқ... Кейин!

ШОДМОН. Келин эмас, келиним ҳақида эмас, бошқа гап.

НУРБЕК. Хўп, ҳозир шошиб турибман.

ШОДМОН. Хўп-хўп, раҳмат. *(Кетади.)*

НУРБЕК *(соагига қараб)*. Вақт кетибди. *(Ниманидир қидиргандек бўлади.)* Зуфнуний!.. Тавба! Бировларнинг оиласини бузсин, бировларни алдаб пулларини есин, бунинг учун улардан кечирим сўраш ўрнига, таажжуб, улар келиб яна буни оёғига йиқилиб узр сўрармишлар. Буни нимага ишониб айтади — ақл бовар қилмайди. Қани, қилиб кўрсин. Бу хийланинг сирини ҳам билай. Лекин оғир бўл!

Парда

ИККИНЧИ ПАРДА

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Аввал баҳор. Эгамнинг ҳовлиси, гуллар очилган. Ҳовлидаги катта тахта сўрига дастурхон ясалилмоқда. Эгам ўзини елиб юрибди.

ЭГАМ. Ўзимнинг куйганим ётмагандек кун ёндирганини қара-я! Дўзахнинг эшиги очилдими дейман! *(Ўзини елтибди. Телефон жиринглайди. Эгам олади.)* Лаббай! Арслон Қори, ҳа, уйдаман. Тинчликми?.. Ҳозир бораман? Нима гап? Сирли? Хўп-хўп, келаверинг! *(Телефонни илади.)* Сирли иши нима бўлди? *(Каттақон туғун орқалаб уйдан хотини чиқади.)* Хуржун кўтарган лўлидек нима орқалаб юрибсан?

ХАЙРИ. Гапингиздан чўчиб қолдим. Эҳтиётдан қўшниларникига қўйиб қўяй!

ЭГАМ. Ниятинг курсин. Тўғри бўладиган бўлди, дедим-ку!

ХАЙРИ. Қўшнингни ўғри тутма, ўзингга эҳтиёт бўл!..

(Телефон жиринглайди. Эгам олади.)

ЭГАМ. Кимсан? Тоживой? Хўш?.. Бугун бўлмайди!.. Икки оғиз бўлса ҳам... Менга қара!.. Алло!.. Алло!.. *(Телефонни илади.)* Нима бало бўлди, бугун ҳаммаси тўзғиб қолди! *(Хотинига.)* Бўлди, кўп жаврама!

ХАЙРИ. Айланай эр, сизга ачинганимдан айтаяпман. Рангингизни қаранг, қандай эдингиз, икки-уч кунни ичида сумакдек бўлиб, тортилиб қолдингиз.

ЭГАМ. Тортилиб қолдингмиш-а! Бу ёқда ўғлингга машина, бу ёқда қизингга участка, булар ҳаммаси муллажирингсиз бўладими? Камроқ топа қолинг, камроқ харажат қилингмиш-а! Ҳой, рўзгоринг билан келди-кетдини ўзи ҳар ойда бир минг, икки мингни ўпириб кетади.

ХАЙРИ. Мен ҳам шуни айтмоқчиман-да. Бир ойда минг-минг топиб алла-кимларга едиргандан, рўзгорга етарли камроқ топиб, бошқаларга ҳам камроқ едирсангиз, худо кўрсатмасин, қамалсангиз, муддатини ҳам камроқ берармиди дейман-да, айланай эр!

ЭГАМ. Эй, нафасинг курсин. Бошқа бўйни йўғонни топмоқчимисан?

ХАЙРИ. Вой, гапирмай ўлай. Сиздан йўғонни қаёқданам топардим.

ЭГАМ. Имирсимай ўл! Камроқ топингмиш-а! Тезроқ қимирла, ахир бу тайёргарликни нимага қилдинг! Мана бу дастурхон ҳамма бало-қазони даф қилади.

ХАЙРИ. Илоҳи омин, содда бўлмай ўлай, «Арманча» сидан яна олиб чиқайми?

ЭГАМ. Олиб чиқ, олиб чиқ! Ҳой, тўхта, мана бу дастурхонни йўқот.

ХАЙРИ. Дастурхонга нима қилибди?

ЭГАМ. Келадиганлар нозиктабиат одамлар, бундай таъби очиладиганидан ёз!

Х А Й Р И. Кўзга тушмайлик деб, атайдан эскироғидан, ямоқ тушганидан қилувдим.

Э Г А М. Кўзга тушмайлик эмиш-а! Эй, қирғовулга ўхшамай ўл, ҳафтафаҳм!

Х А Й Р И. Қирғовулингиз нимаси?

Э Г А М. Қирғовул олтин бошим омон бўлсин, деб, бошини буқиб олиб, орқаси очилиб қолганини ўйламайди. Дастурхонни ўйлайсан-а! Ҳаммаёқ ўзи қибла бўлиб турибди-ку! *(Телефон жириглайди, Хайри кетади. Эгам трубкани олади.)* Лаббай, эй! Айланиб кетай акажон, бормисиз? Нима? Хўп-хўп... Бўлди, кутаман.

Х А Й Р И. Тинчликми?

Э Г А М. Худо хоҳласа, энди ишим битди! Ошна-оғайнинг омон бўлса, ранги-руйинг сомон бўлмас. *(Коньякни очиб, пиёлага қуяди.)* Ошна-оғайниларнинг соғлиғига. Тишга босишга бир нарса олиб кел! Қурт-пурт бўлса ҳам олиб чиқ!

Х А Й Р И. Шу вақтда қурт нимаси?

Э Г А М. Кафтимга туфлаб закуска қиламанми? Болалар сўрган печенье-меченье бўлса ҳам олабер, шўрттангина.

Х А Й Р И. Кўп ичманг, ҳозир. *(Кетади.)*

Э Г А М. Буни топганим зўр бўлди. Худо хоҳласа, балодан қутулдим. *(Хайри дастурхон кўтариб чиқади.)*

Х А Й Р И. Нима гап, мени ҳам тинчитиб қўйсангиз-чи!

Э Г А М. Ҳозир келади, эшитасан! Ҳа, ростдан икки-уч кийимлик атлас олиб қўй, хотинларига совға деб қўлига тутқазсанг...

Х А Й Р И. Вой, ваҳима бўлмай ўлай, кўздан нари бўлсин деб, сандиқни тоғангизни-кига жўнатиб юборган эдим-а!

Э Г А М. Эй, ниятинг қурсин, ҳовлиқмай ўл! Мени шарманда қилмай, ерни тагидан бўлса ҳам топ!..

Х А Й Р И. Топаман. *(Ердан тугунни олади.)* Буни қўшниларга ташлаб чиқай. *(Кетади.)*

Э Г А М *(ўзича).* Эчкига жон қайғу, қассобга мой қайғу! Мол топиб қамаладиганман, роҳатини кўрадиган булар! Нодонман. Битта нафсимга... *(Эшик қўнғироғи чалинади.)* Ана, келди шекалли. *(Эшикдан бир кўзи шишиб, пешонаси ғурра бўлган Арслон қори кириб келади.)*

Э Г А М. Арслон қори, ўзингизмисиз?

АРСЛОН ҚОРИ. Ия, ўзим бўлмай ким бўлардим. *(Аксиради.)*

Э Г А М. Шох муборак бўлсин!

АРСЛОН ҚОРИ. Эй, ҳазилни қўйсангиз-чи, биров ўлай деса, сиз... *(Аксиради.)*

Э Г А М. Шамоллабсизми? Хўш, тинчликми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ўзимни қаёққа уришимни билмай қолдим.

Э Г А М. Хўш, нима гап?

АРСЛОН ҚОРИ. Эй, Эгам полвон, биласиз-ку, таниш бўлмаса, ҳеч иш битмайди... Авария қилиб қўйдим. *(Аксиради.)*

Э Г А М. Ана холос, ана холос! Одам босдингизми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳа! Энди бир амаллаб изини ёпмасак...

Э Г А М. Машина ҳайдаганда гўзалларга алангламанг, дегандим-ку.

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳой, ҳозир ҳазилнинг пайtimi?

Э Г А М. Ҳеч ким ўлгани йўқми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳозирча билмадим!.. Ўлишга ўлгани йўқ-ку, лекин!.. *(Аксиради.)*

Э Г А М. Саломат бўлинг! Улмаган бўлса, шукр қилинг. Бундоқ ўтиринг.

АРСЛОН ҚОРИ. Шукр қилинг, дейсиз-а, ҳой, ўйлаясизми?

Э Г А М. Ўйлаяпман, Қорижон, ўйлаяпман. Ахир хазинангизни, ҳамёнингизни ўғирлатганингиз йўқми?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳазил деб ўйлаясизми?

(Эгам коньяк қуяди.)

Э Г А М. Ҳали шу юрак билан юрибсизми, Қори? Мол-мулк, ҳамён жойида бўлса, нега қўрқасиз?

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳой, мастмисиз? Мен одам босдим, десам, сиз...

Э Г А М *(кулади).* Ўнта одам босмайсизми!

АРСЛОН ҚОРИ. Сизга тушунолмай қолдим... *(Аксиради.)*

Э Г А М. Пулинг бўлса, чангалда шўрва! Е бунга ҳам тушунмайсизми?

АРСЛОН ҚОРИ. Эй, пул билан битса-ку!

Э Г А М *(коньяк қуйиб).* «Мен мулла бўламан-ку, дадажон, гап пулда».

АРСЛОН ҚОРИ. Қанча бўлса, майли!.. Бу якан ўлгурни кимга беришни билолмаганим учун олдингизга келдим-да. Якан билан қутулсам-ку... *(Аксиради.)*

Э Г А М. Омадингиз келган, Қорижон, шу бугун ишим битди деяверинг. Якани фақат удалаб топиш эмас, удалаб бериш ҳам катта ҳунар. Бу ёғини ўйламанг, қани, биттадан олайлиг!

АРСЛОН ҚОРИ. Олдин гапиринг, менга қуйманг!

Э Г А М. Ичинг қизимаса, ишинг қизимайди! Олинг, шамоллашдан қутуласиз!

АРСЛОН ҚОРИ. Ўзим, кайф билан-у, авария қилдим!.. Жон акажон, тўғри бўладиган томонини айтинг!

Э Г А М. Бу ёғини ташвиш қилманг! Сиз-ку, битта одам босибсиз! Шу ҳам ташвишми? Бу енг ичидаги гап. Худо кўрсатмасин, «ойни этак билан ёпиб бўлмайди» дегандек, мени ишим газетада фельетон бўлса борми? Қани олинг!

АРСЛОН ҚОРИ. Фельетон?

ЭГАМ. Бизларга кўз тегди. Менинг аҳволим сизникидан расво. Мушкулумиз осон бўлиши учун... *(Иккови ичади.)*

АРСЛОН ҚОРИ. Олдин гапиринг!

ЭГАМ. Шошилманг, Қорижон! Ҳамма ишда, аввало, айғирни топсанг, бўлди, байтали ўзи келаверади. Мени ҳам, сизни ҳам ишимизни тўғрилайдиган одам ҳозир шу ерга келади.

АРСЛОН ҚОРИ. Илоҳи омин! Ким экан?

ЭГАМ. Ўзимизнинг кадрдон Зуфнуний!

АРСЛОН ҚОРИ. Зуфнуний! Ҳазилни қўйинг! *(Аксиради.)*

ЭГАМ. Қанака ҳазил?

АРСЛОН ҚОРИ. Дийдорини кўрмай уни! *(Ғазаб билан ўрнидан туради.)*

ЭГАМ. Хой, Қори! Ўзингизни босинг!

АРСЛОН ҚОРИ. У қип-қизил муттахам, фирибгар, ифлос-ку!

ЭГАМ. Ҳа, Қорижон-а, Қорижон! Суфи бўлиб қолибсиз.

АРСЛОН ҚОРИ. Унинг ифлосликларидан ўзингиз эмасмиди бир вақтлар додлаган?

ЭГАМ. Ифлослигини биламан. Уни ифлос деймиз-у, лекин сиз билан биз ҳам... мана, ўзингиз тиш доктори, заргар бўлсангиз, қўйиб берса, хотинларнинг кулогига олтин деб отни тақасини тақиб юборишдан ҳам тоймайсиз.

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳаммамиз ҳам фариштамасмиз! Бу гапни қўйинг!

ЭГАМ. Очiqқасига ўтсак, сиз ҳам, мен ҳам фаришта эмасмиз. Одам босгансиз-а, бу осон иш эмас. Мен бўлсам... Қамоқнинг оғзига келиб турибман. Астар-пахтамни ағдариб, газетага фельетон қиламан, деб турса, нима қилиш керак? Олганингизни олинг, деб қайси бегонани олдига борасиз. Еки ўзингиз начальник ГАИнинг олдига бориб, мастлик билан одам босдим, бу ёғини тўғрилаб юборинг, дейсизми? Кимга борасиз, Қорижон? *(коньяк қуюди.)*

АРСЛОН ҚОРИ. Зуфнуний билан орамизда ўтган гаплардан, нахот, хабарингиз йўқ?

ЭГАМ. Хабарим бор, Қорижон, Зуфнунийнинг хотинига қўйиб берган тилла тишми? Тилини қисик қилиб қўйибсиз, бу яна ҳам яхши!

АРСЛОН ҚОРИ. Эй, буни гапирасиз-а! Ахир қайнсинглим билан ўйнашиб эридан ажратиб юборган бўлса, ахир қандай қилай...

ЭГАМ. Гап бу ёқда денг!

АРСЛОН ҚОРИ. Шунча ифлосликлардан кейин яна қандай қилиб мен...

(Аксиради.)

ЭГАМ. Қорижон, Қорижон. *(Кулади.)* Уни ифлос дейсиз-у, аммо сиз ҳам олдингизга келган жононларга мўйлов қилганингизда, кимнинг қайнсинглиси, кимнинг қизисан, деб суриштирмагансиз! Ҳа, айланаб кетай! *(Кулади.)*

АРСЛОН ҚОРИ. Бу ёғини кавламанг!

ЭГАМ. Қайнсинглим, дейсиз-а! Қайнсинглингизни ажрашганини ўйласангиз, энди бу ёғига хотинингиздан ҳам, ўзингиздан ҳам ажрайсиз. Мастлик билан одам босгансиз, бу иш тўғри бўлмаса, ҳа, анави ёққа *(Бармоқларини панжара қилиб кўрсатади.)*, асфаласофилнинг сиз ҳам, мен ҳам жўнаймиз. Битта чора, йўл — Зуфнунийнинг оёғига йиқиласиз, узр сўрайсиз!..

АРСЛОН ҚОРИ. Бу даюслик-ку!

ЭГАМ. Бошқа ким тўғрилайди! Ўйланг! Така бўлсин — сут берсин. Фирромга фирром бўлмасанг, кун кўриш қийин. Ифлос нарсани ушлашга ифлос оташкурак керак!.. Келиб қолади, қани, олдик!

АРСЛОН ҚОРИ *(жиддий ўйланиб)*. Тўғрилашга-ку тўғрилайди, лекин...

ЭГАМ. Лекин йўқ. Ифлос бўлса ҳам, шунини оёғига ёпишаберасиз.

АРСЛОН ҚОРИ. Епишардим-у...

ЭГАМ. Ахир уни танимаган одами ҳам, билмаган иши ҳам йўқ. Энг тўғри йўл — шунини қўлга олиш, Қорижон!

АРСЛОН ҚОРИ. Бошим қотди!..

ЭГАМ. Олинг, қотган жойини худди шу эритади. Қани, олдик! Нега қотади? АРСЛОН ҚОРИ. Очиғини айтсам...

ЭГАМ. Яна нима гап? *(Кўчадан машинанинг тўхтаган овози эшитилади.)*

АРСЛОН ҚОРИ. Кечагина кайф билан уйга бориб, хотини билан жанжаллашдим, бугун қандай қилиб...

ЭГАМ. Машина келди, уйга кириг! Бунинг ҳам йўли бор.

(Эшикдан кирган Зуфнуний буларни кўриб яширинади, қулоқ солади.)

АРСЛОН ҚОРИ. Ахир хотини айтган бўлса...

ЭГАМ. Бу ёғини менга қўйиб беринг. Зуфнунийни кўндираман. *(Эшик томонга.)* Ҳозир!..

(Қори шошиб уйга киради, эшикдан Зуфнуний киради.)

ЗУФНУНИЙ. Мумкинми?

(жимлик.)

ЭГАМ *(ўйдан чиқиб)*. Ия-ия! Мумкинми ҳам гапми, оёқларингизга пойандоз ёссам арзийди.

ЗУФНУНИЙ. Пойандозни қўйинг, Эгам полвон.

ЭГАМ. Нега, акажон?

ЗУФНУНИЙ. Эгам полвон, бизлар каминайи камтарин одамлар, бизларга пойандоз эмас, оёғимизнинг тагига битта қора қўчқорни сўйиб, пустигини ташласангиз ҳам хурсанд бўлиб кетаберамиз. *(Иккови куллишади.)*

ЭГАМ. Камтар бўлсангиз, айланай. Битта қора қўчқор денг! Эй, акажон, ишим битса, ўнта эмас... Юзта!..

ЗУФНУНИЙ. Ўзимнинг теримни ҳам шилиб ташлаб, оёғингизга пойандоз қиламан, денг!

ЭГАМ. Албатта! Қани, марҳамат!

ЗУФНУНИЙ. Мен шу ердан қайтаман.

ЭГАМ. Ахир...

ЗУФНУНИЙ. Ишингиз беш. Хотиржам бўлинг! Мен бир оғиз...

ЭГАМ. Сизни кутиб ўлиб бўлдим. Бир қучоқлаб қўяй!.. Қани, юқорига...

(Деразадан кузатиб турган Қори акса уриб юборади. Зуфнуний у ёқ-бу ёққа аланглайди.)

ЗУФНУНИЙ. Келин саломатми?

ЭГАМ. Бир оз шамоллабди.

ЗУФНУНИЙ. Бир кўриб чиқай.

ЭГАМ. Келин эмас, кампиримиз.

ЗУФНУНИЙ. Дунёда кампирнинг дуоларини олайлик-да. Лаббай?

ЭГАМ. Кампир ўзлари чиқадилар.

ЗУФНУНИЙ. Ўзлари юрадиган, оғир бўлмасалар майли... Унда яхши!

ЭГАМ. Яхшилар, яхшилар!

ЗУФНУНИЙ. Кампирлар омон бўлсин, кампирлар...

ЭГАМ. Қани юқорига, юқорига марҳамат! Қайси бирдан қуяй?

ЗУФНУНИЙ. *(Қорининг қадаҳидаги коньякни кўрсатиб).* Қуйилган экан-ку!

ЭГАМ *(довдираб).* Қўшнилар чиққанди...

ЗУФНУНИЙ *(Уйланиб).* Қўшнилар денг?..

ЭГАМ. Ҳа, ҳа! Яхшиликми? Паришонроқсиз?

ЗУФНУНИЙ. Йўқ-йўқ. Яхши қўшнининг садағаси кетсанг арзийди. Емонидан асрасин.

ЭГАМ. Нимасини айтасиз. Хушхабардан гапиринг!

ЗУФНУНИЙ. Ишингизни суриштирдим. Газетада босилиб чиқсангиз, қамалишингиз аниқ бўлиб қолган экан.

ЭГАМ. Мени ўлдирманг, тўғриланадиган бўлдимми?

ЗУФНУНИЙ. Езувчиларни биласиз. Сизни ишингиздан оғиз очган эдим, мени жиноятга аралаштирма, деб, аввалига мушукдек сапчиб тушди. Мен ҳам бўш келганим йўқ! Эгам полвон яккаю ягона, менинг қадрдон дўстим, унинг бошига бирор ташвиш тушса, мен ҳам чидолмай адо бўламан, унинг устидаги ҳамма гаплар иғво, деб ишонтиргунимча, она сутим оғзимга келди.

ЭГАМ. Раҳмат, акажон.

ЗУФНУНИЙ. Сиз учун набирасининг боғчасини... Қизининг иши чатоқ экан, профессор билан гаплашиб уни ҳам тўғрилашни бўйнимга олдим.

ЭГАМ. Тўйим бўлиб қолди, деган эдингиз, импорт гарнитура тахт!

ЗУФНУНИЙ. Йўғ-ға! Виз ғариб одамларга...

ЭГАМ. Бу ёғини ўйламайсиз.

ЗУФНУНИЙ. Саҳийсиз, полвон, раҳмат.

ЭГАМ *(дастурхонга ишора қилиб).* Энди иккаламиз...

ЗУФНУНИЙ. Мен турдим!

ЭГАМ. Ахир...

ЗУФНУНИЙ. Раҳмат! Ҳа, ростдан Ибодхўжа келмоқчи эди?

ЭГАМ. Келгани йўқ.

ЗУФНУНИЙ. Мен бир телефон қилай! *(Уйга кирмоқчи бўлади.)*

ЭГАМ *(шошиб).* Телефон ишламайди, ишламайди! Мунча шошқинч!

ЗУФНУНИЙ. Мен жўнадим!

(Қори безовталаниб деразадан мушук бўлиб миёвлайди. Менинг ишимни гапир, дегандек Эгамга ишоралар қилади. Эгам Зуфнунийни тўхтатади.)

ЭГАМ *(баланд овоз билан).* Бу, қадрдонингиз Қори келмоқчи эди...

ЗУФНУНИЙ. Қори?

ЭГАМ. Ўзимизнинг қадрдонимиз Арслон қори-да!

ЗУФНУНИЙ. Уни номини эшитишни ҳам истамайман, аблаҳ экан!

ЭГАМ. Ундай деманг!

ЗУФНУНИЙ. Ундай деманг? Ҳали хабарингиз йўқми, уни менга қилган ишларидан.

ЭГАМ *(кулиб).* Бор, бор!

ЗУФНУНИЙ. Бор бўлса, нега, нега куласиз?

ЭГАМ *(кулиб).* Бундай ўтиринг!

ЗУФНУНИЙ. Уни қилганлари...

ЭГАМ. Эй, қилмай ўлсин, айтмасангиз ҳам хабарим бор. Биламан... Ундан гина қилманг!

З У Ф Н У Н И Й. Нима?

Э Г А М. Қорида айб йўқ, менинг сўзимни эшитинг. Кеча Қори олдимга келди, Утакамни ёриб юборай деди. Ҳаммаёғи дабдала, кўкарган. Мен севган дўстларимдан ажралдим, одам бўлмадим, бу кунимдан ўлганим яхши, деб кайф билан эшиқдан кириб келиб қолди. Ҳой, Қори, нима гап дейишимга қарамай, мен кўр бўлишим керак, бу оёқларимни қирқиб ташлашим керак, деб ўзини-ўзи пахта савалагандек савалаб кетди. Узига келтириб, ётиги билан суриштирсам, иғвогарларни гапига учиб, кайф билан сизникига бориб ҳунар кўрсатганини гапириб берди.

(Деразадан Қори мамнуният билан эшитади.)

Мени не-не фалокатлардан сақлаган, отамдек меҳрибон одамнинг юзига энди қандай қарайман, деб ҳижолатдан ўзини-ўзи ўлдирмоқчи бўлса-я!

З У Ф Н У Н И Й. Шунча қилғилиқни қилиб, хотинимга қанча гапларни айтиб...

Э Г А М. Бу гапларнинг тагини суриштирсам, ҳаммаси расво божасидан чиққан экан.

З У Ф Н У Н И Й. Шундай денг? Божаси расво эканини билардим...

Э Г А М. Божасининг расволигини қўяберинг, бу, қайнсинглиси қип-қизил бузуқ чиқди!

З У Ф Н У Н И Й. Йўғ-эй, ростданми? Қулоғимга чалинган эди.

Э Г А М. Қулоққа эмас, кўзимга чалинди. Жуда бузуқ! Узим нечтаси билан юрганини кўрдим! Қори улар билан юз кўрмас бўлиб кетди! Сиз Қоридан хафа бўлманг! Энди бу ёғини эшитинг! Мен Қорига, Зуфнуний билан ўзим гаплашаман, бу гапларга парво қилма, у одам кўпни кўрган, кечиради, деб Қорини ишонтириб уйига юборсам, бу фалокатни карангки, йўлда авария қилса-я!

З У Ф Н У Н И Й. Узимизнинг Қори-я!

Э Г А М. Ҳа! Узимизнинг Арслон қори!

З У Ф Н У Н И Й. Уйингиздан чиқиб-а?

Э Г А М. Ҳа, бизнинг уйдан чиқиб.

З У Ф Н У Н И Й. Эй, Қорижон. Мана бу ёғи ёмон бўпти, ёмон бўпти!

Э Г А М. Энди бу ёғига ёндафтарга бир қараб, йўлини қиласиз!

З У Ф Н У Н И Й. Ахир, Эгам полвон!..

Э Г А М. Э, айтмасангиз ҳам биламан...

З У Ф Н У Н И Й. Ахир, уй ичимнинг олдида мени...

Э Г А М. Бу ёғидан хотиржам бўлинг! Сиз унинг одам босганлигини изини йўқотиб бординг, ҳозирроқ уйингизга Қорини юбориб, келинойим борми, итингиз борми, ҳаммасининг олдида: гуноҳ мендан ўтган, ҳаммаси мастлик билан бўлган, деб оёқларига тиз чўктириб, узр сўратаман. Хўп денг, қадрдонмиз!

З У Ф Н У Н И Й. Мен бировга ёмонлик истамайман, биласиз!.. Лекин...

Э Г А М. Лекин йўқ. Шунинг учун, битта ичайлик, акажон! Барака топинг. Сиздан бошқа Қорини офатдан кутгаролмайди! Қанча чиқим бўлса, тайёрмиз...

З У Ф Н У Н И Й. Эй, Эгам полвон, гап унда эмас, дунёда тўғрилиланмайдиган иш йўқ!

Э Г А М. Мардсиз, яшанг! Ҳозир Қорини келинойимнинг олдида юбориб, узр сўратаман. Гапимга ишонинг, бир умр қўлингиз бўлади.

З У Ф Н У Н И Й. Бу ишни тўғрилайман-у, аммо бошқа гаплар ҳам бор.

Э Г А М. Яна нима гап?

З У Ф Н У Н И Й. Қорининг гуноҳлари ҳам кўпайиб кетган экан-да.

Э Г А М. Нима гап?

З У Ф Н У Н И Й (баланд овоз билан, Қорига эшитарли қилиб). Қайси бирини айтиш... Бу денг, Қорининг уйда «қизили» дан — олтинни тангасидан бормиш, деган гап юрибди. Агар бу очилгудек бўлса, бу ёққа. (Қўлини панжара қилади.) Бай-бай!

Э Г А М. Йўғ-эй!

З У Ф Н У Н И Й. Бу ҳам майли-я, олтинга жез аралаштиргани текшир-текшир бўлиб, очилиб қолса борми, отилади!

Э Г А М. Энди, акажон, ёндафтарга астойдил қарайдиган бўлибсиз.

З У Ф Н У Н И Й. Бу ҳам майли-я, яна бошқа гап эшитдим. Мен Қорини хурсандчилик билан табрикламоқчи эдим, анави юрган жононидан фарзанд кўрган экан. Энди билсам, ЗАГСдан ўтмаган экан, у ҳам Қорини судга бераман деб юрганмиш.

Э Г А М. Қори гуноҳга кўмилиб кетибди-ку!

З У Ф Н У Н И Й. Буларнинг устига авария қилганини айтмайсизми? Энди мен кечикмай.

(Қори деразадан «пул бер» дегандек ишора қилади.)

Э Г А М. Ҳой, тўхтагн, энди бу ёғини ўзингиз бир бало қилмасангиз бўлмайди, акажон?

З У Ф Н У Н И Й. Агар Қорининг гаплари рост бўлса, келинойисидан узр сўраб, тинчитсин... уйга келсин, кутама.

Э Г А М. Раҳмат, қуллуқ!

(Кетадилар. Уйдан терини артиб Қори чиқади. Кўча эшигини очиб, секин қулоқ солади, эшик очилиб, Қорининг бошига урилади. Қори лат еган кўзини ушлаб орқага тисарилади. Қорининг башарасини кўрган Хайрининг ўтакаси ёрилади.)

Х А Й Р И Й. Вой, шўрим курсин, нима қилиб қўйдим?

АРСЛОН ҚОРИ. Бақирманг, сиз эмас! Узим шунақа!
ХАЙРИ. Вой, айланай, нега ўзи шунақа бўларкан. Ҳозир гуррангизга танга босаман.

АРСЛОН ҚОРИ. Дардимга даво бўлмай ўлларинг. Қош кўяман, деб ҳали бу кўзимни ҳам чиқармасаларинг.

(Эшикдан ўйнаб Эгам киради.)

ЭГАМ. Бопладимми, Қорижон!
АРСЛОН ҚОРИ. Хўш, гапиринг!..
ЭГАМ. У шохида юрса, бизлар баргида.

(Хайри киради.)

ХАЙРИ. Мана, кигиз куйдириб келдим, ёрилган жойига боса қолинг, айланай!
АРСЛОН ҚОРИ. Туғилганимдан бери ўзи шунақа? Эй, олиб боринг-эй!
ЭГАМ (хотинига). Гапни бўлма! Ҳой, нари бор. (Қорига.) Ишингиз пишди.
АРСЛОН ҚОРИ. Натижани айтинг!..

(Эшикдан Тоживой кириб келади.)

ТОЖИВОЙ. Ҳаммаларини учратганим жойида бўлди.
ЭГАМ. Мунча ҳовлиқиб қолибсан?
ТОЖИВОЙ. Уйим куйиб қолди! Энди бир маслаҳат беринглар.
АРСЛОН ҚОРИ. Нафасингни иссиқроқ қил!
ЭГАМ. Нима бўлди?
ТОЖИВОЙ. Зўрға олган тўрт хоналик уйим қўлдан кетиб турибди. Ҳам участка, ҳам давлат уйи бор, деб кимдир иғво қилган, билмайман. Бу қўлдан кетса!.. Эгам ака, битта маслаҳатчим ўзингиз, ахир сизни...

АРСЛОН ҚОРИ. Менинг ташвишим олдида сеники...
ЭГАМ. Тоживой шуни ҳам ташвиш қилиб юрибсанми? Бунинг давоси Зуфнуний.
Ҳой, нега ағрайласан, Зуфнунийдан бошқа ким бунақа ишларни тўғрилайди?!

ТОЖИВОЙ. Зуфнуний?
ЭГАМ. Зуфнунийни энди эшитяпсанми?
ТОЖИВОЙ. Падарларига лаънат у фирибгарни!
АРСЛОН ҚОРИ. Ундай дема!
ТОЖИВОЙ. Нима, Нима?!
АРСЛОН ҚОРИ. Эгам полвон нима десалар, шу! Ҳа, бошқа чора йўқ. Хўп деяверинг.

ЭГАМ (Тоживойга арақ тугиб). Нафасингни ростла, қани ол, нима дардинг бўлса, тўғрилайдиган ўша, ўзинг билган Зуфнуний.

ТОЖИВОЙ. (Арслон қорига). Қори ака, бўлган воқеаларни бу ёққа тушунтиринг!
АРСЛОН ҚОРИ. Тушунтириб бўлганман. Мушкулим осон бўлсин десанг, энди, дўстим, Тоживой, битта йўл — Зуфнунийни оёғига йиқилиб, узр сўраб, ёлворасан!

ТОЖИВОЙ. Виждон борми сизда!
АРСЛОН ҚОРИ. Мен кетдим!
ТОЖИВОЙ. Мени ким деб ўйляяпсиз! Мени майна қилмоқчимисиз? Ахир кеча кунни...

ЭГАМ. Ҳой-ҳой, ўзингни бос! Ҳамма гапдан хабарим бор. Ишим битсин десанг, Қорига ўхшаб Зуфнунийнинг оёғига йиқиласан. Бўлмаса уйдан ажрайсан.

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳозирча хўп деявер! Бошқа йўл йўқ!
ТОЖИВОЙ. Тавба!
ЭГАМ. Ҳой, Тоживой, уни ифлос, фирибгар деймиз-у, дўппи тор келганда яна ўшани деймиз! Қани, ҳаммамизни ишимиз битици учун! (Ичадилар.)

ТОЖИВОЙ. Ҳаммамизни яна алдаб, тузоқ қўйганмикан?
АРСЛОН ҚОРИ. Мен зарур гапимни айттай.
ЭГАМ. Гап тамом.

АРСЛОН ҚОРИ. Жуда нозик гап. Агар буни Зуфнуний билиб қолса...
ЭГАМ. Яна нима гап?
АРСЛОН ҚОРИ. Зуфнунийнинг қайинсинглимга қилган қилиқларини, менинг ҳаққимни еганларини, ифлос одамлигини боғам билан редакцияга ёзиб юборган эдик-ку, бу очилиб қолса!..

ЭГАМ. Эй, саводларинг чиқмай ўлларинг!
ТОЖИВОЙ. Менга зўр фикр келди.
ЭГАМ. Эй, бўлди-эй! Галваларингни ҳам падарларига лаънат!
ТОЖИВОЙ. Менга қулоқ солинглар. Зуфнунийдан ҳам зўрини топдим.
ЭГАМ. Зўрингдан ўргилай...
АРСЛОН ҚОРИ. Қани, гапир!
ТОЖИВОЙ. Зуфнуний бизларни алдаб кетиши ҳам мумкин. Менимча, энг тўғри йўл — хотинини қўлга олиш!

ЭГАМ. Хотинини?
ТОЖИВОЙ. Ҳа, хотинини! Хотинини Арслон қори яхши танийди! Борди-ю, оёғига йиқилиб: мингта тиш бўлса қўйиб берай, мастлик билан ёмон иш қилиб қўйдик. Зуфнунийга айтқурманг, қадрдон одам билан орамиз бузилиб қолмасин, деса борми!..
АРСЛОН ҚОРИ. Айтиб қўйган бўлса-чи?

Т О Ж И В О Й. Унинг ҳам йўли бор!
Э Г А М. Мени холи қўйларинг!
А Р С Л О Н Қ О Р И. Хотинини оёғига, Тоживой, ўзинг йиқилабер! Ҳа! Бор, тезроқ бор!

Т О Ж И В О Й. Бўпти! Мен олдин хотинимни юбораман. Кейин...

Э Г А М. Юбор, юбор! Хотининг борми, амманг борми, ҳаммасини юбор! Сатқай одам кет! Ҳали шу юрак билан юрибсанларми?!

(Телефон жиринглайди. Эгам олади.)

Э Г А М. Нима? Айтиб бўлмайди? Беш ҳарфли! Ким айтди! Мен боролмайман! Касалман-ку, касал де! Хужжатларнинг калити хўжайинда деявер! Ўзинг ҳам қорангни кўрсатма! Йўлини топ! (Телефонни илади.) Беш ҳарфли — ОБХСС! Ана холос! Фельетондан қутулиб, энди ОБХССга тугилибман!

(Эшикдан қўлида тор кўтарган Ибодхўжа кириб келади.)

И Б О Д Х У Ж А. Жамоа жам-ку! Бугун «Насруллои»ни олар эканмизда!
А Р С Л О Н Қ О Р И. «Насруллои»нимиш-а!
Э Г А М. «Гиря»ни ол, Ибодхўжа, «Гиря»ни! «Фигон»ни ол!
И Б О Д Х У Ж А. Ахир, пирим, Эгам полвонникида бугун базми жамшид, зиёфат катта бўлади, деган эдилар!

Э Г А М. Бўлади, укам, бўлади. Ҳозирча пиринг тайинлаган ўша жойга борабер!
Дарров бор! Кутиб турибдилар. Бизлар ҳам борамиз.

И Б О Д Х У Ж А. Ахир...

Э Г А М. Жўна дедим. Жўна-эй!

(Ибодхўжа кетади. Эшикдан ҳовлиққанча Рустам киради.)

Р У С Т А М. Хайрият, уйда экансиз. Бир маслаҳат бермасангиз шўрим қуриб қолди!

Э Г А М. Етмагани битта сен қолувдинг!

Р У С Т А М. Ахир, акажон...

Э Г А М. Жўна, дедим, жўна! Ҳамманг кўзимдан йўқол!

Р У С Т А М. Ахир, акажон, сиздан бўлак...

Э Г А М. Бошимни қотирма! Зуфнуний оғайнингга бор... бўлди, мени холи қўйларинг!

Р У С Т А М. Зуфнуний?!

Э Г А М. Ҳа-ҳа! Зуфнуний!.. Жўналаринг!..

(Ҳамма чиқиб кетади.)

ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

Зуфнунийнинг ҳовлиси. Гуллар орасига стол-стуллар қўйилган Дастурхон яса-тилган. Замонжон терлаб-пишиб кўчадан яшиқлардаги «тошкент суви», арақ, коньяк, турли ноз-неъматларни ташийди. Зуфнуний телефонда гаплашади.

З У Ф Н У Н И Й. Ҳой, менга қаранг, ахир ГАЙМИ? Болта Йўлчиевич қаердалар? Бу, Зуфнуний гапиряпти. Келса, бизникига тез келсин, нима гаплигини ўзи билади. (Замон эшикдан яшиқда арақ, коньяк кўтариб киради.) Олиб келавер, ўғлим, олиб келавер. (Ўзича) Мана, биттаси яна ўз тумшугидан илинди, берганини бетига қарама! Агар улар айтгандек мен маккор, фирибгар, бировнинг дўпписини бировга кийгизувчи бўлсам, энди шундай қиламанки, дўппиларини эмас, бирининг калласини бирининг елкасига улайман. Мана устимдан арз қилганларнинг юборган совға-саломини!

(Уйдан Марҳамат чиқади.)

М А Р Ҳ А М А Т. Ҳеч нарса тушунолмай, каллам қотиб қолди.

З У Ф Н У Н И Й. Калланг қотмасин. Бу калла дегани ҳам футболчининг коптоғига ўхшаган нарса, уддалаб тепсанг, гол бўлади, тепмасанг, жойида тураберади. Буни ишлата билиш керак!

М А Р Ҳ А М А Т. Сиз коптокни ўз дарвозангизга уряпсиз.

З У Ф Н У Н И Й (истеҳзо билан кулади). Менинг дарвозам тўрига кимлар илинишини ҳозир кўрасан. (Уйга кириб кетади.)

М А Р Ҳ А М А Т (ўзича). Нурбек домла буни одам қиламан деб, ҳали ўзи тузоғига илиниб қолмаса.

(Эшикдан Нурбек кўринади.)

Н У Р Б Е К. Марҳаматхон, ҳорманг!

М А Р Ҳ А М А Т. Ҳормай кетай!

Н У Р Б Е К. Тайёргарлик катта?

МАРХАМАТ. Тушунолмай қолдим.
НУРБЕК. Нега? Нима гап?

(Уйдан Зуфнуний чиқади.)

ЗУФНУНИЙ. Садоқатларим бўлсин, кел-кел, дўстим. Сен келсанг, уйимга нур тўлиб кетади. Мана бу ёққа ўтир, сен шоирсан, гулларга яқинроқ ўтир.

НУРБЕК. Бугун жуда руҳинг тетик.

ЗУФНУНИЙ. Мен ҳеч маҳал руҳимни туширган эмасман. Мени биласан-ку.

НУРБЕК. Дастурхон катта!

ЗУФНУНИЙ. «Дунёнинг шодлиги йиғилса бутун.

Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун!»

Бу жуда зўр гап-да, дўстим, жуда зўр айтилган. Ҳа, ростдан, бир гапни айтиб қўяй, бу, дўстим, одамнинг оғзидан эшитилган гап бошқа-ю, бировдан эшитилган бошқа.

НУРБЕК. Нима гап?

ЗУФНУНИЙ. Цирк қиламан! Спектакль қиламан!

НУРБЕК. Кимни ўйнатасан? Меними?

ЗУФНУНИЙ. Сени-я! Сенинг гапларингдан хулоса чиқардим. Сен нима деган бўлсанг, шундай бўлади.

(Кўча эшигидан Ибодхўжа киради.)

ЗУФНУНИЙ. Келинг, Ибодхўжа, келаверинг, келинг!

ИБОДХУЖА. Энди бу оқирги келишим.

ЗУФНУНИЙ. Ия, бу, «Насруллои»ни эшитамиз десак...

ИБОДХУЖА. Энди «Насруллои» ҳам, «Гиря» ҳам, «Вақво тўрам» ҳам тамом.

ЗУФНУНИЙ. Тинчликми, нима бўлди, хўжам?

ИБОДХУЖА. Сиздақа одамларга куним қолиб, ВАҚдан диплом оладиган бўлсам, кандидат бўлмай ўтганим яхши.

ЗУФНУНИЙ. Нима гап бўлди? Олдин тушунтир!..

ИБОДХУЖА. Ҳали у бойваччаникига, ҳали бунисиникига югураман, мен сизга яллачи бўлиб қолдимми?

ЗУФНУНИЙ. Ҳой, укам, битта институтга кириш учун баъзи одамлар ўн минг тўлаяпти. Мен сенга холисанлилло... ахир, бу, кандидатлик дипломини тўғрилашнинг ўзи бўладими?

ИБОДХУЖА. Битта чилдирмачини ёнимга олсам, бунақа пулни бир қафтада топаман. Сизга ўхшаганларнинг оёғини ўпиб, олим бўлганимдан кўра хоммоллик қилганим яхши!

НУРБЕК. Балли, укам! Лекин шу хўрлик билан кандидат бўлишни сизга нима зарурати бор эди?

ИБОДХУЖА. Диплом ҳам олтин заёмдек гап, бир бисот бўлар, деган эдим.

ЗУФНУНИЙ. Балли, бундай ўтир, олдин фотиҳа қил! Томоқ ҳам тошдан бўлган эмас, у ҳам едирилади, кандидат бўлиб олсанг, қариганингда асқогади, деган эдим, бундоқ ўтир!

ИБОДХУЖА. «Насруллои»ни оламанми?

ЗУФНУНИЙ. Ўзингни бос! Ҳозир ҳурматли меҳмонлар келади. Олсанг олсан, бўлмаса...

ИБОДХУЖА. Ҳамма ерда «Насруллои»ни мен олай-да, фойдасини сиз кўринг!

ЗУФНУНИЙ. Нималар деясан?

ИБОДХУЖА. Сизни ҳам, улфатларингизни ҳам... Қилмишингизни энди билдим, ўйнаб бўлдим! Хайр. *(Кетмоқчи бўлади.)*

ЗУФНУНИЙ. Менга нима қилибди?

ИБОДХУЖА. Нима қилибди? Лаънат!

НУРБЕК. Ҳой-ҳой! Ўзингизни босинг...

ИБОДХУЖА. Сиз менга яхшилик қилдингизми? Менинг орқамдан... Бўлди, энди... *(Кетмоқчи бўлади.)*

НУРБЕК. Ҳой, укам!..

ИБОДХУЖА. Езувчи бўлатуриб сиз ҳам шу маккор, фирибгарни ёнини олмоқчи бўлсангиз... *(Кетади.)*

ЗУФНУНИЙ. Жўна, жўна! Ҳали қайтиб келасан, аблаҳ! Тўртта ашула айтиб иш битирармиш, эй, хомкалла, хомкалла! Сендақаларнинг кўпини кўрганман!

НУРБЕК. Ораларингдан нима гап ўтган?

ЗУФНУНИЙ. Бу — бир аблаҳ, пияниста. Кайфингни бузма!

(Эшик кўнгирағи чалинади. Совға-салом кўтарган Арслон қори кўринади. Кириш-кирмаслигини билмай тўхтади. Томоқ қоқади. Зуфнунийга кўзи тушади.)

ЗУФНУНИЙ. Келаберинг, Қорижон.

АРСЛОН ҚОРИ. Ассалом алайкум!

ЗАФНУНИЙ. Тортинмай келабермайсизми? Оббо Қорижон-эй!

АРСЛОН ҚОРИ. Саломатмисиз, келинойим саломатмилар?

ЗУФНУНИЙ. Раҳмат, ҳамма саломат!

АРСЛОН ҚОРИ. Келинойимга бизнинг узрни...

ЗУФНУНИЙ. Хотиржам бўлинг, Қорижон! Келинойингиз шу ерда! *(Нурбекни кўрсатиб.)* танишинглар, бу машҳур шоиримиз, менинг ёшлиқдан қадрдоним — Нурбек.

АРСЛОН ҚОРИ. Қўллари бир олиб қўйлик, қуллик, қуллик.
ЗУФНУНИЙ. Бу киши машҳур тиш доктори, қадрдоним Арслон Қориевич, Қорижон. *(Қорининг қўлидаги совға-саломларни кўриб.)* Бу нима оворагарчилик?
АРСЛОН ҚОРИ. Сиздек акаларга ҳар қанча хизмат қилсак арзийди, яхшилигингни кўп кўрганмиз, арзмаган нарса...
ЗУФНУНИЙ *(ўғлини чақиради.)* Замонжон! *(Қорига)* Ох, Қорижон, баҳордек очилиб кетибсиз. *(Замон келади.)* Ўғлим, буларни олиб қўй!
НУРБЕК. Сиз, тиш доктори Арслон Қориевич Қориман, денг.
АРСЛОН ҚОРИ. Худди ўзи.
НУРБЕК. Хо-хо!!!
ЗУФНУНИЙ. Дўстим, бугун хурсандчилик, очилиб ўтирабер.
АРСЛОН ҚОРИ. Бу ёзувчиларнинг тили хўп ширин бўлади-да, акажон. Шакар бўлади. Гаплашсанг, яйраб кетасан. Мен ҳам ўғлимни газетачи қилсам, лаббай?

(Эшик кўнғироғи чалинади. Эшикда совға-салом кўтариб терлаб-пишиб Эгам кириб келади.)

ЗУФНУНИЙ. Кийим-кечакдан тортиб бутун неъматлар билан бизларни таъминловчи савдогарлар шоҳига саломлар! Келинг, Эгам полвон, қани, марҳамат. *(Нурбекни кўрсатиб.)* Бу менинг ажойиб дўстим, замонамизнинг Навойиси — шоир Нурбек.

(Эгам қўлидаги нарсаларни ерга қўяди.)

ЭГАМ. О, айланиб кетай, акажон. Кўрар кун ҳам бор экан-ку сизни, бир қучоқлаб қўяй. *(Нурбекни қўярда-қўймай қучоқлайди.)* Табарруксиз, табарруксиз! *(Утираиб, фотиҳа қилади.)* Табаррук шоирлар кўпаяберсин, ёмонлар даф бўлсин. *(Нурбекка.)* Оббо, акажон-эй, саломатмисиз? *(Нурбек жиддий тус олади.)*

НУРБЕК. Раҳмат, мен ҳозир. *(Ўрнидан туради.)*

ЗУФНУНИЙ. Хўш, хўш?

НУРБЕК. Сизлар бемалол!..

ЭГАМ. Ҳой акажон!

ЗУФНУНИЙ *(Эгамга)*. Сизлар бемалол, мен ҳозир. Қани, юр дўстим, қўл ювингами? *(бошлаб кетади. Арслон билан Эгам бир-бирларига бир дам ҳайрат билан тикилиб ўзаро кула бошлайдилар.)*

ЭГАМ. Қори, сиз ҳам шу ердამисиз?

АРСЛОН ҚОРИ. Келинг, деган эди, келдим.

ЭГАМ. Мен сизга нима деган эдим?..

АРСЛОН ҚОРИ. Ишимиз ўнгидан келди.

ЭГАМ. Қорижон, кўндираман девдим-ку!

АРСЛОН ҚОРИ. Раҳмат, демак редакцияга ёзганимизни билмаган?

ЭГАМ. Бу ёнига ўтман! Буни маккор деймиз-у, ўзи ёмон одаммас! Ёзувчи ҳам келибди, ишимиз зўр.

АРСЛОН ҚОРИ. Автоинспектор келади, деган эди?..

ЭГАМ. Зуфнунийга ишонаверинг! Айтган бўлса... *(Нурбек билан Зуфнуний қайтадилар.)* Келинг, келинг, юқорига, айланиб кетай, акажон! Ёзувчиларни бошимизга қўйиб юрсак арзийди. *(Кўнғироқ чалинади. Кўча эшигидан милиция кийимида Болтавой кириб келади.)*

ЗУФНУНИЙ. Эй, дўстим, Болта Йўлчиевич. Келинг! Ваъдасига вафодор дўстларнинг садагаси кетсанг арзийди. *(Утирганлар билан гаништиради.)* Ҳаммамизни йўлда учрайдиган офатлардан, ўғри-ўтиклардан асровчи садоқатли дўстим Болтавой Йўлчиевич.

АРСЛОН ҚОРИ *(шошилиб унинг қўлидаги нарсаларни олади)*. Қани, бормисиз, акажон, менга берсинлар, юқорига-юқорига...

ЗУФНУНИЙ. Бу киши — дўстим Қори, ажойиб врачлар. Бу — Нурбек, замонамизнинг мавлоноси, шоир.

БОЛТАВОЙ *(Нурбекка)*. Қани-қани!

АРСЛОН ҚОРИ *(Болтавойга)*. Қани-қани, юқорига, йўқ-йўқ, сиздан бўлсин. Сизлар тартибни севадиган одамлар, ҳа, тартиб билан бўлгани яхши. Қоидаси шундай, оббо, акажон-эй, саломатмисиз?

БОЛТАВОЙ. Раҳмат.

АРСЛОН ҚОРИ. Зуфнуний акамлар жуда ажойиб одам. Бу уйда доим хурсандчилик. Шу ерга келиб мени ҳам кўнглим тинчиди.

БОЛТАВОЙ. Хотиржам бўлинг, мени ҳам...

АРСЛОН ҚОРИ. Бир қучоқлаб қўяй. Сизлар борсизлар — уйқимиз ҳам, уйимиз ҳам тинч. Қани, дастурхонга!

ЗУФНУНИЙ. Мана бу зўр гап. Қани, шисалар очилсин.

(Қори коньяк, арақ қуяди. Бири нон ушатади, бири қази кесади. Ҳаммаси ўзига тегишли одамига хушомад қилади. Қори қадах айтади.)

АРСЛОН ҚОРИ. Мен шу қадахни охиригача, шу азиз акажоним Зуфнунийни минг йил яшашига, Болтавой акамнинг соғлиғига ичаман.

ЭГАМ. Ёзувчи Нурбек акамнинг соғлиғига...

АРСЛОН ҚОРИ (*ўрнидан туриб*). Дўстлар ҳаммага, меҳрибон, ҳаммамизнинг қадрдонимиз, саҳий, одам деса жонини берадиган, ширин сўз Зуфнуний акам учун ким ичмайди! Заҳар бўлса ичаман!

ЗУФНУНИЙ. Мақтовлар учун раҳмат, Қорижон.

АРСЛОН ҚОРИ. Сизни ҳар қанча мақтасак арзийди!

ЗУФНУНИЙ. Мени осмонга кўтариб мақтадинглар, фаришта қилдинглар, раҳмат, лекин бу мақтовлар ортиқча, Қорижон!..

АРСЛОН ҚОРИ. Сиздек одамнинг қадрини билмаган...

ЭГАМ. Албатта, албатта! Сизни бизларга қилган яхшиликларингиз...

ЗУФНУНИЙ. Шундай дейсиз-ку!

АРСЛОН ҚОРИ. Ҳой, акажон, оёғингизни ўпган савоб топади.

ЗУФНУНИЙ. Елгон таъзим қилманг, Қори!

АРСЛОН ҚОРИ. Елгон? Елгон бўлса... (*Қори унинг оёғига йиқилади.*)

ЭГАМ. Сиз мушкулкушодсиз!

ЗУФНУНИЙ. Ростми?

ЭГАМ. Мен ҳам оёғингизга йиқиламан. (*Йиқилади.*)

НУРБЕК. Оёғи қолсин, оёғи қолсин!

(Эшикдан совга-салом кўтарган Тоживой кўринади. Зуфнунийнинг оёғи остида уймалашиб ётган Арслон қори, Эгамни кўриб, у ҳам кўлидаги нарсаларни ерга қўйиб, унинг оёғига йиқилади.)

ТОЖИВОЙ. Гуноҳкор укангизни кечиринг! Ҳамма айб кайфда! Олдингизда гуноҳорман.

ЗУФНУНИЙ. Тур, аблаҳлар! (*Нурбекка.*) Кўрдингми?!

АРСЛОН ҚОРИ. Кайфлари ошди.

ЗУФНУНИЙ. Кайфлари!?

ЭГАМ. Зўр ҳазил қиладилар!

ЗУФНУНИЙ. Ҳазил?! Мени ким деб ўйладиларинг! Бундан бир кун олдин сенлар учун ифлос, тубан, маккор, фирибгар бўлган киши биринг машинада одам босиб қамаладиган, биринг уйингдан ажраладиган бўлганларингда, мен сенларга керак бўлиб, акажон, энг покиза, олижаноб одам бўлиб қолдимми?

АРСЛОН ҚОРИ. Акажон, мен гуноҳкор! Мен ифлос!

ТОЖИВОЙ. Айб менда! Меҳрибон акамизсиз!

АРСЛОН ҚОРИ. Қасам ичаман, акажон!

(Эшикдан кириб келган Рустам, нима гаплигига тушунмаса ҳам, кўпчилик қатори Зуфнунийнинг оёғига йиқилади.)

ЗУФНУНИЙ. Акажон!.. Кимни алдамоқчи бўлдиларинг! Биринг қаёқларга менинг эстимдан — бу фирибгар, порахўр, менинг ҳаққимни еган, менинг полончамга тегишган бузуқ деб арз қилиб, биринг эса, мени бундай алдаган, деб дод солиб менга тухмат қилиб юр-да, энди мени билмайди деб ўйлаяпсанларми? Мени алдаб ишларингни битирмоқчи бўлдиларингми?

АРСЛОН ҚОРИ. Менинг сизда ҳеч қандай даъвом йўқ. Қайнсинглим ўзи бузуқ!

ЗУФНУНИЙ (*Тоживойга*). Гуноҳимни гапир!

ТОЖИВОЙ. Мен маст эдим.

ЗУФНУНИЙ. Маст?

ТОЖИВОЙ. Арслон қори бошлаб келди-ю, мастлик билан!..

АРСЛОН ҚОРИ. Аблаҳ!

НУРБЕК (*бир чеккадан, газаб билан*). Нафс, шухратпарастлик голиб келган жойда виждон, дўстлик бўлмади. Ҳа, бўлмади, мана «дўстлар»

ЗУФНУНИЙ. Буларнинг кимлигини билдингми?

НУРБЕК. Айниқса сени билдим.

ЗУФНУНИЙ. Қани, жўналаринг! (*Нурбекка.*) Мен фирибгар, маккор, ифлос бўлиб, улар пок бўладиган бўлсалар, қани айт, дўстим, нима учун мендек бир нопок одамнинг остонасини ялаб, оёғига сажда қилиб бош урадилар! Ифлос буларми, менми?

НУРБЕК. Узингни оқлашга шошилма!

ЗУФНУНИЙ. Жўналаринг! Қани энди мен «ифлоссиз» яшаб кўрларинг-чи! (*Нурбекка.*) Менда айб йўқ! Жўналаринг!

АРСЛОН ҚОРИ. Айб бизда!

ЗУФНУНИЙ. Жўна, шарманда!

ЭГАМ. Жўна деганларидан кейин, жўнайбермайсанларми!

БОЛТАВОЙ. Бас қилларинг! (*Зуфнунийга.*) Бизнинг илтимос нима бўлди?

ЗУФНУНИЙ. Бу тухматчи жиноятчиларни ҳайданг!

БОЛТАВОЙ. Сиз нима десангиз, шу!

АРСЛОН ҚОРИ. Мен қамалиб кетмай!..

БОЛТАВОЙ. Қани, олдимга тушинглар!

ЭГАМ (*Зуфнунийга*). Домла, ёрдам беринг!

АРСЛОН ҚОРИ. Ен дафтарингизни бир очинг, жон ака! (*Эгамга.*) Эгам ака, ахир!..

БОЛТАВОЙ (*Зуфнунийга Эгамни кўрсатиб*). Буни ҳам ҳайдайми? Қани олдинга! Илтимос, йўқ деманглар!

НУРБЕК. Қандай тубанлик!

ЗУФНУНИЙ. (*кулиб*). Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа! Ким гуноҳкор эканини билдингми?

Н У Р Б Е К. Мана шуни «Ўғрини қароқчи урди» дейилади!
З У Ф Н У Н И Й. Нима?
Н У Р Б Е К. Ўзингни бос, кулма!
З У Ф Н У Н И Й. Йўқ, энди мен шундай куламанки, жаҳонга эшиттириб қаҳ-қаҳ ураман.

Н У Р Б Е К. Тўхта, тўхта, ўзингни оқлама!
З У Ф Н У Н И Й. Айбим нима?
Н У Р Б Е К. Сен ўзингни оқлаш учун шундай йўллар топа олишингни билардим.
З У Ф Н У Н И Й. Қандай йўллар? Яна мени айбдор қилмоқчимисан?
Н У Р Б Е К. Сен билан қоронғи-зулматда учрашганимиз ёдингда борми?
З У Ф Н У Н И Й. Тунда! Уша сенмидинг?
Н У Р Б Е К. У мен ҳам, хотининг ҳам, ўғлинг ҳам, сени энг яқинларинг эдик! Мана энди чироқ ёқилди! Айтганимдек, халқ олдида юзма-юз келдик.
З У Ф Н У Н И Й. Бу жуда яхши. Ким ифлос, ким гуноҳкор эканини халқ кўрди-ку!
Н У Р Б Е К. Кўрди!
З У Ф Н У Н И Й. Яна мен айбдорми?
Н У Р Б Е К. Ҳа, ҳа! Сен!
З У Ф Н У Н И Й. Кўз олингда оёқларимни ўпиб турган иккиюзламачилар гуноҳкор бўлмай, яна мен гуноҳкорми?

Н У Р Б Е К. Бировларнинг оёғига сажда қилиш, иккиюзламачилик шунақанги ёмон кўринарканми? Ахир умр бўйи телефонистка борми, боқча мудираси бормин барига хушомад қилиб ўз ишингни битириш учун ҳатто кўзи кўр одамга ҳам, бир кўзликлик сизга ярашибди, деб инсонлик қадрини ерга уриб юрсанг, хўш, бу тубанлик эмасми? Қонуний ишимизни вақтида қилиб бермаган сансалор, поражўрларга қарши курашиш ўрнига, уларни, сиз олижанобсиз, деб бошларини силаб кўнгилларини кўтариш, хўш, гуноҳ эмасми?

З У Ф Н У Н И Й. Тўғри, дўстим. Сабр қил!

Н У Р Б Е К. Агар сен пок бўлсанг, энг тубан, ўз нафси йўлида ҳар қандай жиноятга ҳам тайёр жирканч, давлат, халқ мулкини талон-торож қилувчи, ифлослик ботқоғига ботган, умри ҳаромхўрлик билан ўтаётган шундай одамлар билан ҳамтовоқ бўлармидинг?

З У Ф Н У Н И Й. Агарда нафспараст, хушомад учун яшайдиган буларга ўхшаган одамлар бўлмаганида, балки мен ҳам бу йўлга кирмасдим? Айб кимда? Мени фирибгар бўлишимга сабабчилар — шулар. Ҳали ўз нафсини ўйлаган, ёлғон мактовларга учадиган бундай одамлар бор экан, мени ҳеч ким гуноҳкор қилолмайди! Ҳали мен яшайман!

(Эшикдан Шодмон гаранг киради.)

Н У Р Б Е К. Жиноятчиларни билатуриб, улардан жирканиш ўрнига, уларни бошини силовчилар, ўз нафси учун ошна-оғайни, ҳар хил найранглар билан сенга ўхшаш иш битирувчилар бўлмаганида, улар, албатта, ўз жазосини тортган бўларди. Шошилма! Айб кимда эканлигини халқдан сўра! (Замонжонни, Марҳаматни кўрсатади). Булардан сўра!

З У Ф Н У Н И Й. Тўхта, дўстим!

Ш О Д М О Н. Эй, ҳаммаларингни учратганим яхши бўлди. Йўлим қисқа бўлди. Эртага эрталаб Меливойникида ош. Тўйчи қора ўғлини уйлантиряпти, индинига никоҳ.

З У Ф Н У Н И Й. Тўйингизни қўятуринг.

Ш О Д М О Н (Нурбекка). Шу ерда айтганим ҳисобми ёки уйга бориб...

Н У Р Б Е К. Ҳисоб-ҳисоб.

Ш О Д М О Н (хурсанд бўлиб). Китоб? Раҳмат, раҳмат, бизни китоб қилдингизми?

Н У Р Б Е К. Кейин гаплашамиз. Хайр!

З У Ф Н У Н И Й. Тўхта!

Ш О Д М О Н. Бу бизнинг Маккаи-мадинага боришимиз нима бўлди, гаплашдингизми?

З У Ф Н У Н И Й. Бормасангиз ҳам бўлади, шу ерда ҳажингиз қабул бўлди. (Нурбекнинг кетидан.) Тўхта, гапим бор — (Кетади. Фогиха тортиб, Шодмон ҳам кетади. Телефон жириглайди. Марҳамат олади.)

М А Р Ҳ А М А Т. Алло, ҳа Зуфнунийнинг уйлари. Нима ишингиз бор? Гарнитур тўғрилаб бермоқчи эдилар? Бу магазинмас! (Телефонни илади. Яна жириглайди. Марҳамат трубкани олади.) Алло, ҳа, Зуфнуний йўқлар. Нима? Тахта, цемент? Тахта ҳам, цемент ҳам тамом бўлган. (Жаҳл билан телефонни илади. Яна телефон жириглайди. Марҳамат олмайди.)

Тавба, одамлар эримсиз кун кўролмайдиларми? Бировларга хушомад қилмай, оёқларига сажда қилмай, рост гапни айтиб яшаш мумкин-ку! (Телефон яна жириглайди. Марҳамат олмайди. Ҳовлидаги ҳамма телефонлар жириглайди, шовқин кучаяди.)

ПАРДА

АЗИМ СУЮН

Бу қалб...

Илми мўъжизалардан таажжуб қилмас бу қалб,
 (Тағин деманг: «Уларни кўзига илмас бу қалб.»)
 Лекин бир гул шивирин эшитса титрайдир ул,
 Қалбми ёки тошлигин ўзи ҳам билмас бу қалб...

Бадахшон қизлари

(ҳазил)

Кўкдан тушганлар, чоғи,
 Мунча сулув бу қизлар.
 Сув ичса, томоғида
 Жилоланур юлдузлар.

Хайронман-эй, бу юртда
 Не деб севиб-суярлар,
 Йигитлари ҳаётда
 Қандай тирик юрарлар?

Юзларида мағрур сиполик...

Юзларида мағрур сиполик,
 Кўзларида бепарво бир ўт.
 У беозор одатга молик,
 Азоб бермас сўнги йўқ сукут.

Кимлардир дер: «Билмас нафратни,
 Муҳаббат ҳам ёт эрур унга.

Фарқламагай шодлик, кулфатни,
 Бирдек қарар тунга ва кунга!..»

Лекин унинг қалбини, ҳайҳот,
 Англай олмас, англамас ҳеч ким:
 Муҳаббати бағишлар ҳаёт,
 Муҳрлайди нафрати — ўлим!

Абадийдир чўққилар қори...

Абадийдир чўққилар қори,
 Уткинчимас, мангудир баҳор.
 Ез ва кузнинг тиниқ дийдори
 Мангу ҳатто армонлар қадар.

Мангуликлар қаршисида лол,
 Зил бошимни эгганимча жим,
 Кечикмайин айлай деб висол
 Шошиламан энди, севгилим...



Исмоил Маҳмуд

Порлоқ нур

Бош кўтариб яна қуёш уйғонди,
 Қиличдай чопди нур қора булутни.

Осмон тозаланди, чақмоқлар ёнди,
 Қуёш эгаллади яна борлиқни.

Борлиқни измига солди батартиб,
Жорий этди яна порлоқ қонунлар.
Самовий ва содда тартиб ўрнатиб,
Унинг соатига бўйсунди кунлар.

Қайдадир, осмоннинг бирор бурчида,
Пайдо бўлиб қолса ёт нарса ногоҳ,
Қуёш бор-ку, дейман секин ичимда,
Балою қазога бўлгувчи паноҳ...

Нурхон

Шаҳар марказида турар хайкали,
Қилган орзусига етишди у, ёш:
Эркин, юзи очиқ, ёруғ манглайи —
Бошидан энди ҳеч кетмайди қуёш.



Исмоил Тўлаков

Даладаги
оппоқ қор бағрида
муҳаббатнинг ҳароратидек
майин илиқлик.

Кимнингки қалбида
сўнаётган бўлса туйғулар,
худди замин каби
қорлар парқусига
ётсин ўраниб.

Оппоқ қорлар
унинг бағрида
баҳордай ҳисларни,
баҳорий исларни
уйғотар...

Оппоқ қор бағрида
майин илиқлик...

Андижон



Ўрмон Омонов

Аёл узар қуёшларни

Енаётган қуёшдек қайноқ
Тандирга нон ёпмоқда она.
Атрофида ширин қизалоқ
Кузатади бўлиб парвона.
Реза-реза терлар қуюлар,
Тандир чўғи — хум тўла тилло.

Гоҳ қош-киприк, гоҳ енгча куйар,
Ловилларди аёл ҳам гўё.
Сув сепади чўғни сўндириб,
Термилади кериб қошларни.
Пишади нон уфқда кулиб,
Аёл узар сўнг қуёшларни.

Муҳаббат

Офтобдайн оташингда ёндиргин мени,
Сархуш бўлай, шаробингга қондиргин мени.
Ширин-ширин туйғуларга тўлдиргин мени,
Майли, сўнгга паноҳингда ўлдиргин мени!

Учқунлар чақнаса

Учқунлар чақнаса, порлар аланга,
Бармоқлар бирикса, туғилар қудрат.
Сипоҳлар тизилиб киргандек жангга,
Сўзлар ҳам қовушса жаранглар фақат.

Қўқон

Шамол

Насиҳат айлайди ўғлига она,
Юз ва кўзларида доно хислат жам:
— Ўғлим, шамолга ҳеч бўлма ҳайрона,
Бир хил қўшиқ айтар тошга, гулга ҳам.

Худбинга

Қор бўлсам, ёғмасдим йўлингга сенинг,
Сой бўлсам, оқмасдим чўлингга сенинг.
Бўлганимда тунни ёритгувчи ой,
Дарангда кезмасдим бахш этиб чирой.
Тикан бўлсам, кирар эдим кўзингга,
Нега пок йўл топмадинг, деб ўзингга.

Шоир

Шоир завқни илҳом демасми
Ва демасми юрак учун қўр,
Сувга чўккан кема эмасми
Илҳом они ёзилмаган шеър?

Гулистон



Темур Убайдулло

Табиат монологу

Мен сенга бахш этдим поёнсиз дала,
Кўзинг тўйсин, дедим, макон-масканга.
Ундирдим тергин деб гул ила лола,
Ахир нима етсин яйраб ўсганга!

Мен сенга бахш этдим жўшқин булоқлар,
Доим ташналигинг қониб юрсин деб,
Хоҳ ёшлик ва хоҳи кексалик чоғлар
Юрагинг булоқдай қайнаб турсин деб.

Мен сенга бахш этдим қуёшли осмон,
Олтин нур остида яйра-ўйна деб,
Юксаклар ҳаёли доим қилсин банд,
Юксаклар ҳақида ёниб ўйла деб.

Беҳад гўзалликлар яратдим, мудом
Кўзларинг завқ ила яшнаб-кулсин деб,
Юрагингга оқиб шафқату илҳом,
Меҳру мурувватга тўлиб-тошсин деб.

Илтижо қилурман, бугун, эй инсон,
Мен сенга саждада, юрагим доғли:
Меҳринг дариғ тутма,
Менга бўл посбон,
Энди менинг умрим меҳрингга боғлиқ.

Анвар Юнусов

Баҳорнинг туғилиши

I

Водийлар қўйнига, шалола мисол,
Қуйилди гулларнинг оппоқ ифори.
Гўзаллик қошида,
Хайрат ичра лол
Лолага айланур чўққилар қори.

Осмонни тўлдирди ҳаяжон — варрак,
Жанубдан юртига қайтди қалдирғоч.
Лайлақлар келтирди, тўйлардан дарак,
Келиндек безанди боғларда оғоч.

Кўклам нафасидан уйғонди тупроқ,
Шоирдек шивирлаб тўлғанар дарё.
Бугун, ўн еттига кирганда дунё,
Ғазалдек туғилди куртақдан япроқ.

II

Титрар майсаларнинг кипригида дур,
Қўрқиб қалди роқлар қаҳқаҳасидан.
Етмиш хил ранг билан товланади нур,
Балқиб камалакнинг зар ҳалқасидан.

Емғирдан шалаббо мунис чечаклар
Чаманлар кўксында сеп қуритади.
Алвон уфқларга тутиб этаклар,
Борлиқ ҳам боладай севинч кутади...

Қўқон

Эркин Неъматов

Йўлларингга дўстларинг интиқ,
Сенга интиқ серфайз бу макон.
Қуёшимиз висолига чиқ,
Кўзларинг чўғ бўлсин, болажон.

Гулзорларга бахш этгил ҳавас,
Япроқларни тинглагил ҳар он.
Соф ҳаводан тўйиб ол нафас,
Кўзларинг шўх бўлсин, болажон.

Яши одам — ҳаёт қувончи,
Емон одам мисоли зиндон.
Яхшиларни асрамоқ учун
Кўзларинг тиг бўлсин, болажон.

Соябондир табиат — она,
Вужудида тугамас эҳсон.
Қайда бўлсанг, яша мардона,
Кўзларинг тўқ бўлсин, болажон.

Уша сиз эмасми...

Табиат меҳридан қонмаган жон йўқ,
Шу меҳр туфайли кўркам бу макон.
Танда ҳаёт каби оқувчи қўшиқ,
Уша сиз эмасми, мунис онажон?!

Бойчечак жилмайди навбаҳор бўлиб,
Гўё далаларга қўнди юлдузлар.
Ялпиз бўй таратар соҳилда кулиб,
Уша сиз эмасми, бокира қизлар?!

Майсалар энгикиб олишар нафас,
Булоқлар мусаффо, жилғалар қувноқ.
Қалдирғоч дилларга таратар ҳавас,
Уша сиз эмасми, ширин қизалоқ?!

Чечаклар лабига хандалар битган,
Сўлим жамолига табиат ҳам лол.
Инсонни улғайтган, қуёшга тутган,
Уша сиз, муҳтарам, меҳрибон аёл!



Ғайрат Маҳмуд

Чиндан ҳам толеи сарбаланд — бизлар,
Фан нуридан бўлдик баҳраманд бизлар.
Саодат чаманин нақ бунёд айлаб,
Энди сайқал бериш билан банд бизлар.



Онадир саховат қуёшин тожи,
Онадан бошланар ҳаёт ривожи.
Уни шафқат мулкин шоҳи деб билсак,
Азалдан мағлумки шоҳ амри вожиб.



Табиатнинг тўрт хил феъл-атвори бор,
Бири: ишқ-муҳаббат фасли гулбаҳор.
Езда тер тўкдириб, кузда эркалаб,
Қишда бошинг узра ёғар оппоқ қор.



Юрак «шиғ»этса бас, ишқ шарори шу,
У қалбда қўзғатур катта ҳис, туйғу.
Ошиқ қалб сасига най савдоси ва
Булбуллар навоси доимо уйғун.



Муҳаббат рамзи деб билсак биз гулни,
Гулдек нозик бўлур, деймиз, кўнгилни.
Ишқ куртаги дилда ниш урса, дарҳол
Қўмсаб қолар гулга ошиқ булбулни.

Совға

Қирқ түртинчи йил хотираси бу.
Азон — тонготар пайгин зиёси уйғун...
Чорлайман: болалик, кел бери — хай-хув,
Туққиз ёшга кираман бугун!

Отасиз — шум етим. Онам умри далада.
Куз. Сокинликнинг мавҳум шигири...
Менга аёнмасди ўша паллада
Тинчлик йилларининг жозоба, сири.

Оҳиста чертилар дераза. Қадам
Товуши омонат зинапояда.
Бу — Таня хола, у — маҳрибон, ҳамдам, —
Хабар олиб турар ёлғизлигимда.

— Тўйболани қаранглар... вой, ухлашини!
Шишиб-кўпчиб-а!..
Қани турақолгин, бўлди бас, етар,
Туғилган кунинг-а, қутлайман сени,
Қабул қилиб ол-чи, совғамни, аскар!..

Тураман ишонмай ўз кўзларимга.
Митти юрагимда ғалат бир туйғу.
Қўлида иссиқ нон — бир килоча-я,
Катта оиланинг насибаси бу!

Нонни олмоқ менга ўғирликдек гап.
— Ма.— дер Таня хола, қулт ютиб мунгни, —
Ҳеч бўлмаса бугун тўйвол яхшилаб,
Танинг ҳам носоғдек, ебсан этингни...

Бугун ёлғизликни қўмсайди кўнглим,
Куз. Эшигилар жимлик шигири...
Балки тушунмасман, қийин англашим:
Очлик — урушларнинг совуқ нолиши...

Саховат нимадир — билмасман ҳали
Ва яна не куйда эканин юрак,
Ёлғиз қолиб кетса қўшинининг ўғли,
Балки унутарман беришни хўрак.

«Таня холам қани?» — хайқираман мен,
Хоки пойин олсам қанийди бир бор.
Дийдорин кўрай деб зор-зор излайман,
Утган кунларимга термилиб бедор.



Шамол. Уялари агрофларида
Ғуж-ғуж боларилар, қилишар бозор.
Қушлар боғи — Ўрта Осие тоғлари
Беҳишт боғларига гўё даҳлдор.

Бағридаги шиша янглиғ тиниқлик
Торайтгандек олам кенгликларин, о,

Бу тоғлардан бошқа маскан, тириклик
Борлиги ақлга сиғмайди гүё.

Мовий тортиб қуёш келганида тик,
Борлиқ моддийлиги ва қудратида
Кўҳна кечмишларнинг китоби очиқ;
XX — асрмас гүё ҳаётда.

Кесакдай ушалар улар қошида
Ўзинг қоя билган умринг бетаянч:
Ночор қорақайин — йўл чеккасида,
Сатрлар четида ҳошиядай, аянч.

Бироқ бунда кўнгил сармаст, фархунда,
Пастликларни қўмсаб ёнмайсан бу пайт.
Кумушранг қарағай остида, шунда
Қолиб кетгинг келар абадулабад.

Пастқам адирларнинг кертиги аро
Мавжуд пионерлар лагерида жим
Бир эртақ, яхши сўз, қувноқ қўшиқ ё...
Тингласанг қалқиган ҳаяжон мавжин.

Булутлар сояси енгил кўчганда
Пастга тушсанг кўнгил узолмай, охир
Бу тоғлар гўёким сендан қочгандай
Ва узоқлашгандай бўлади зоҳир.

Шув этиб кетади орзиққан юрак,
Ҳозиргина сен тарк этганинг тоғлар
Зағор олов ичра порлаб ярқирар
Ҳам сени сеҳри-ла олади боғлаб.

Ҳаётинг безайди ажиб бир маъни,
Ки йўлида умринг мумкин сарф этмоқ;
Сен такрор англайсан, кашф этилганни,
Ахир буюк бахтдир қайта кашф этмоқ.

Самарқанд

Самарқанд сафарин қўмсар доим дил.
Кечмиш юз йилликлар оролларида
Кўп эмас бу каби шаҳарлар — асил,
Ки ғазна сақлаган бўлсин бағрида.

Унда мужассамдир бутун Осий,
Кўксин тоғ этгудай тарихий шараф.
Менинг шууримага бахш этар зиё
Тоабод доврўқли, сийратли салаф.

Бундайин шарафга бош эгаман жим.
Европа қайинин шивир-шивири
Ҳам танда оқса-да славян қони,
Фарзандман Осийга, қиламан таъзим.

Боғлиқман Осийга, жўн гап эмас бу:
Илья Орловский — нуроний бобом
Бийдай сахроларга чиқаргану сув
Шу ерларда қазо қилган бир айём.

Бунда орзу, имон, эзтиқодим бут,
Бунда бир маромда уради юрак.

*Зеро аждодларинг ҳоки ётган юрт
Она юртингдайин азиз, муборак.*

*Самарқанд сафарин қўмсар доим дил.
Бунда меҳмонхона деразалари
Оша кирар шамол ғир-ғир, муттасил,
Атроф яшнар боғи эрам сингари.*

*Бунда Шоҳи Зинда дегандай сокин:
«Бино қўйма, э-ҳе, ўзингга кўп ҳам.
Тоабод хор бўлур бунда юрт бузган,
Боғ-роғ яратганлар иззатда ҳар дам».*

*Бунда мутаассиб таъкидлар шуни:
«Ўзинг яшамайсан, ўтмагайсан тоқ,
Жисман замон билан бирга бўлгин-у,
Кунларинг ўтишин унутма бироқ...»*

*Гоҳо оёқларинг ердан узишиб
Кулишар: «Қалай, ҳа, кетдинг-а чўчиби?!»
Қўлбола шаробдан бошларинг қизиби,
Ичасан институт соғлиғи учун.*

*Ичасан Подмосковьё майсаларин ҳам
Етоқхона баҳсларин ёдлаб устма-уст.
Иттифоқнинг турли шахрида бу дам
Қанча курсдошларинг яшар бекам-кўст.*

*Самарқанд сафарин қўмсар доим дил.
Бунда ҳайратланиб кездим неча бор.
Менга кундай равшан: борсам, муттасил
Мени завқ қуршайди саргашташиор.*

*Яна бир енгиллик кўнглимга кўчар,
Ажиб туйғулардан ҳузур қилар жон.
Таниш кўчалардан ўтсамда кўп бор
Янги таассуротлар олишим аён.*

Шукур ҚУРБОНОВ таржимаси



Уткир Ҳошимов

МАҲАЛЛАНИНГ ОНАСИ

Маҳаллада қайси кампирни уйдан тополмасангиз тўппа-тўғри Отин ойиникига бораверинг! Отин ойининг ҳовлиси паст кўчанинг этагида. Уйи ҳам бошқаларникидан ажралиб туради. Иккита деразали пастак уй. Бошқаларнинг деразаси олдида гилос бўлса, Отин ойникида икки туп тут бор. Бошқаларнинг томи тунука бўлса, Отин ойининг томи шифер. Ҳамманинг томида телевизор антеннаси бор. Отин ойникида йўқ. Аммо унинг уйи ҳамиша ҳамманикидан гавжум бўлади. Доимо очиқ турадиган пастак дарвозадан киришингиз билан энг аввал димоғингизга гуп этиб райҳон иси урилади. Кейин нимадир баҳона йиғилишган маҳалла хотинларининг гангир-гунгур суҳбатини, болаларнинг қий-чувини эшитасиз. Тор йўлакдан ўтиб, кичиккина шинам ҳовлига кирасиз. Ариқ тортиб экилган райҳонлар белга уради: ош райҳон, сада райҳон, оқ райҳон, қора райҳон... Ҳовли этагида, эски бостирма олдида бир туп ўрик бор. Довучча тукканидан бошлаб туршак бўлгунча маҳалланинг қора-қура болалари шохдан-шоҳга тармашади. Отин ойи пишиқчилик кунлари ўрикни қизғанганидан эмас, болаларга бирор қор-қол бўлмасин деган хаёлда хавфсираб, жағ ургани-жағ урган: «Ҳой, уйингга буғдой тўлгур, такалар... Туш, йиқилиб кетасан!» «Такалар» парво қилмайди. Биладики, Отин ойининг тути ҳам, ўриги ҳам — уларники! Умума, бу ҳовли — ҳамманики. Эрта кўкламда сумалак шу ерда бўлади. Исмалоқ сомса, ялпиз сомса Отин ойининг бостирма-сидаги гандирда ёпилади. Кейин тут пишади. Кетидан ўрик. Маҳаллада бўладиган хотин оши борми, чарларми, бешик тўйи борми, қуда чақириқми, ҳаммасининг маслаҳати шу ерда пишади.

Тўғри, у отинликдан кўра кўпроқ ходимлик қилган. Аммо уни Ходим хола эмас, Отин ойи дейишади. Қолаверса, ҳозир дастурхончиликни ташлаган. Уч йил бўлди. Кексайиб, кучи етмай қолди. Бари бир ёзда ўрик тагидаги эски сўри, қишда чийлампа сувоқ қилинган пастак шифтли, токчаларига баркашлар, чегаланган қадимий гирдим лаганлар териб қўйилган уй ҳамиша гавжум бўлади.

Ҳозир ёз. Ҳосили думбул бўлган ўрик шохига одатдагидек қўшни болалар чуғурчуқлардек тизилишиб олишган. Шохларнинг шатир-шутури-ю, болаларнинг шивир-шивирини Отин ойи пайқамайди, пайқаса ҳам ўзини пайқамаганликка солади. У уйда оғзи очилган эски сандиқ олдида чўккалаб ўтирибди. Уйни куядори ҳиди тутиб кетган. Ўртадаги хонтахта атрофида Иной гарангнинг хотини Баҳри хола, заводда ишлайдиган «гирой» Аҳмаднинг онаси Муаттар хола, «Келинпошша» ўтиришибди. Отин ойи сандиқдан бирма-бир ўлимликларини олиб кўз-кўз қиляпти.

— Мана бу — кафанлик, — дейди у бежирим қилиб ўралган докани кўрсатиб.

Муаттар хола доканинг бир учини чимчилаб кўради.

— Яхши, мисқоли дока экан.

— Искандарим атайлаб Масковдан обкеган, — Отин ойи керилиб қадини ростлайди. — Мана бунга йиртишга берасила. — У тагин бир тугунни очади. — Аммо-лекин рўмоллардан сал кўнглим тўлмай турибди. Ҳаммаси бир хил бўлгани яхши. Мана, ўттизтаси кўк, йигирматаси мошранг. Майли, Искандаримга айтаман, обке беради.

— Қўйинг, овсин пошша, ҳали кўп юрасиз, — дейди Баҳри хола мингиллаб. У мингилламасдан гапиролмайди. Димоғи шунақа. «П»-ни

айтолмайди, «м» дейди. Сал ғийбатчироқ-ку, ammo яхши хотин, кўнгли бўш. Қўшнининг мушуги турса ҳам, жони оғригандир, деб кўзига ёш олади. У рўмолининг учини миждасига босиб хўрсинади.— Қараб турун, ҳали қўша-қўша неваралар кўрасиз, тўйлар қиласиз, овсин пошша!— «Пошша» сўзи қулоққа «мошша» бўлиб эшитилади.

— Айтганингиз келсин,— Отин ойи маъюс жилмаяди. «Ўлимлигини» тартиб билан яна сандиққа жойлайди.— Худо Искандаримгайм кўчқордек ўғиллар берса ажабмас. Кечаям келиб кетди болам бояқиш.— Отин ойи сандиқни қайтадан титкилайди.— Мана,— дейди иккита ялтироқ қоғозлик лўппи совунни олиб.— Полча деган жойдан мазор босди. Искандарим обкелди.

У совуннинг биттасини Баҳри холага, биттасини Муаттар холага беради.

— Вой, мунчаям яхши!— Муаттар хола «польский» совунни ҳузур қилиб ҳидлайди. Баҳри хола ҳидлаётганида Муаттар холадан дашном эшитади.

— Ис билмайсиз-ку, ҳидлаб ниманинг фарқига борақолдингиз...

— Ўғлимни дуо қилинглар,— дейди Отин ойи астойдил ялиниб.— Ўзидан кўпайсин, денглар, яхши фарзандлар берсин, денглар.

Боядан бери индамай ўтирган Келинпошша жилмаяди.

— Менга-чи, Отин ойи, мазор босди «полча» совунидан бермайсизми?

— Сиз совунни нима қиласиз, Келинпошша, ўзингиз ойдайсиз. Ундан кўра, бориб чой дамлаб келинг.

Келинпошша — Отин ойининг девордармиён кўшниси. Ўртадан туйнук очиб қўйишган. Эри проводник. Маҳаллада ёш-яланглари уни «Келиной» деб қақришади. Отин ойи учун у — Келинпошша. Яхши жуvon. Саккизта боласи бор. Энг кичкинаси энди йўлга кирди. Келинпошша шу кўклам тагин бошқоронғи бўлди: довуччага... У «дик» этиб ўрнидан туради. Отин ойи кетидан тайинлаб қолади:

— Искандарим обкеган чойдан дамланг, болам. «Дутор чалиб» турганидан.

Келинпошша бир зумда чой дамлаб келади.

— Пулингизни тўяна қиласиз, Отин ойи,— дейди кулиб.— Ақийнинг тўйига!

Ақийда Келинпошшанинг тўнғич қизи. Ҳамшира бўлиб ишлайди. Яқинда узатишмоқчи. Янгийўллик пахта бригадирига фотиҳа қилишган.

— Тўяна сиздан айлансин!— Отин ойи ҳам кулумсирайди.— Ақий қизимнинг тўйи бўлади-ю, мен қараб турармидим. Искандаримга айтсам, гилам олиб беради.

Искандар — Отин ойининг ёлғиз ўғли. Катта жойда ишлайди. Оқ машинада юради. Марказда тўрт хонали уйи бор. Отин ойининг айтишича, ваннаси чиннидан эмиш. Искандар яхши бола. Домга олиб кетаман, деб уввало ялинсаям Отин ойи кўнмайди: ҳовлисига ўрганиб қолган. Отин ойининг биттаю битта орзуси бор. Шу — Искандарининг ақалли биттагина боласини бағрига босса, оёқ-қўлини бемалол узатиб кетарди.

— Майли, тўй бўлсин,— дейди у негадир хўрсиниб.— Энди... тирик жонда, ўргилайлар. Вақти қазоим етса, болам бечора югургилаб қолмасин дейманда, иши оғир, лак-лак одамга хўжайин бўлиш осонми.

Искандар Ваҳобович телефон трубкасини жойига қўйди-ю, ичидан хўрсиниқ келди. Министр ўринбосари телефонда уни йигирма минут «қовурди». Юбилей объекти ўлда-жўлда бўлиб ётгани учун Искандар Ваҳобович бошчилик қилаётган трест айбдор эмиш. Искандар Ваҳобович ётиғи билан тушунтирмоқчи эди, министр ўринбосари «Ваҳона изламанг», деб жеркиб берди.

У сирқиллаб кетаётган чаккаларини кафти орасига олиб, бир зум кўзларини ярим юмганча, стол қиррасига тикилиб ўтирди. «Ҳар куни бир галва!»

Эшик ғийқиллаб очилди. Искандар Ваҳобович остонада турган дўмбоқ секретарь қизга: «Ҳа, тагин нима гап!» дегандек зардали қаради.

— Шаҳар телефонида сўрашаяпти,— деди секретарь хуркиброқ.

— Ким?

Секретарь тушъ тортилган киприкларини пирпиратди:

— Танишиман, дейди.

«Падарига лаънат танишларниям, нотанишларниям! Қайси бирининг иши тушса, дарров «таниш» бўлиб қолади». У олчаранг телефон трубкасини шахт билан кўтарди.

— Ҳа!

Шу заҳотиёк, шанғиллаган овоз қулогини тешиб юборай деди:

— Искандармисан?

«Қанақа саводсиз бу! Бақиради, сансирайди!»

— Ким ўзи бу?— деди Искандар Ваҳобович қони қайнаб.

Жавоб ўрнига яна савол эшитди:

— Искандармисан?

— Ҳа? Ўзингиз кимсиз?

Трубка яна шанғиллади.

— Холматман! Қўшнинг...

Искандар Ваҳобович беихтиёр қўшнилари бир-бир эслаб кўрди. Йўқ, Холмат деган қўшниси йўқ, Жинни бўлганми бу одамлар?

— Қиладиган ишингиз бўлмаса, трубкани жойига қўйинг!

Шундай деб энди трубкани улоқтирмақчи эди, бояги овоз яна шанғиллади:

— Отин оймнинг аҳволи оғир!

Искандар Ваҳобович эсанкираб қолди. Ахир, Отин ойи... ўзининг онаси-ку. Бўлди-бўлди! Холмат ака уларнинг девордармиён қўшниси. Проводник!

— Нима бўлди?— деди бирдан юрагига гулгула тушиб.— Оймга нима қилди?

— Аҳволи оғир.

— Шошманг, ҳозир «скорий» чақираман.

— «Скорий»ни нима қиласан?— Холмат ака тагин бақирди.— Ўзинг кел, тезроқ!

Телефон узилиб «тут-тут-тут» деган қисқа гудок эшитила бошлади. Искандар Ваҳобовичнинг ичида бир нима узилиб кетгандек бўлди. Наҳотки, онаси...

У югуриб қабулхонага чиқди. Машина чиқиллатаётган секретарга буюрди.

— Дили! Тезроқ машина чақиринг! Подъездга!

Оқ «Волга» гавжум кўчалардан шиддат билан учиб борар, Искандар Ваҳобович орқа ўриндиқда ўтирганча юраги гурсиллаб бир саволни хаёлан қайтарарди: «Наҳотки?!»

Машина чойхўрлар чақчақлашиб ўтирган гузар олдидан ўтаётганида у бир қадар таскин топгандек бўлди. «Хайрият, тинчлик экан». У билади, худо кўрсатмасин, бирон қор-қол бўлса, чойхонада одам қолмайди. Аммо паст кўчага бурилишлари биланоқ юраги музлаб кетди: ана, ўша шифер томли пастак уй, ана икки туп тут, ранги унниқиб кетган тахта дарвоза... Дарвоза олдида турган кишилар негадир унга тик қарамас, бири бошини ҳам қилиб турар, бири юзини ўгирганга ўхшарди. Бироқ ҳозир у бунга эътибор берадиган аҳволда эмасди.

Чайқалиб-чайқалиб гиштин зиналардан чиқди-ю, салқин даҳлиздан ўтиб, уйга отилиб кирди. Аёллар унга йўл бўшатишди. Искандар ялтироқ қуббалари занглаб кетган сим каравотга ётган онасини кўрди. Устига оқ чойшаб ёпиб қўйилган. Онаси қандайдир осойишта алпозда ётар, худди ухлаётганга ўхшарди. Искандар ҳозир : «Ойи» деб чақирса, уйғониб кетадигандек.

У шундай қилди. Каравот олдига, наматга тиз чўкканча илтижо қилди:

— Ойи! Ойи-и!..

Йўқ, онаси кўзини очмади. Шунда у чойшабни очиб ташлади-ю, онасининг қўлларини, йиллар чўкиртатка айлантирган жафокаш қўлларини кафтлари орасига олиб ўпди. Қизик, онасининг қўли муздек эди!

— Ойи! Ойи-о-он!..— деди ҳайқириб. Кейинги сўзлар бўғзидан йиғи аралаш отилиб чиқди.— Ойи-и...

У эсдан оғиб қолганга ўхшар, ҳадеб, «Нега?», «Нега?..» деб ҳайқирар, ерни муштлар, аммо бу хитоб онасига қаратилганми, ўзигами ҳеч ким билмасди. Искандар чўккалаган кўйи тагин онасининг қўлларига ёпишди. Муздек, дағал қўлни юзига босиб, ўкраб юборди.

... Бу қўллар унинг бошини силаган. Кўнгли ўксиганида, бетоб бўлганида, илк бор мактабга борганида, мактабни олтин медаль билан битирганида... Институтга кирганида, битирганида... Ниҳоят, уйланганида... Бу қўллар унинг бошини кўп силаган. Ўзи-чи, ўзи онасининг бошини силаганми? Бирон марта, ақалли бирон марта силаганми?!

Юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан бу савол аъзойи баданини ўртаб юборди.

— Ойи!— деди инграб.

Бу қўллар уни йўрғаклаган, унга кўкрак тутган, шамоллаганида баданига қўй ёғи сурган. Бу қўллар сигир соғган, кир ювган, овқат пиширган, нон ёпган...

Нон!.. Онасининг назарида нондан табаррук нарса йўқ эди. Қўни-қўшнилларнинг гўдак боласи йўлга кирса, оёғи орасидан кулча юмалатиб, бошқа болаларга обқочтирарди. Никоҳ тўйдан аввал, икки ёш бахтли бўлсин, орзулари ушалсин, деб нон ушатарди. Бостирмадаги тандирда кунора нон ёпарди. Зоғорами, арпа нонми, ишқилиб нон-да! Энг аввал пишган нонни ўша кунлар тандир ёнида ўраллашиб юрган Исқандарга юзига сув сепиб узатган...

У ёш тўла кўзлари билан каравот устига, шифт томонга беихтиёр тикилди. Ана, ана ўша нон! Чийлампа қилиб сувалган шифт остида, девордаги миҳга илиғлик турибди. Бир чети тишланган. Ана, ўша тиш излари. Бу — дадаси тишлаган нон. Қип-қизил...

У онасининг нонни арта-арта кўзларига суртиб, жойига илиб қўйганини кўрган, кўп кўрган. Нон илиқлик турибди. Қип-қизил...

Бир маҳал кимдир оҳиста туртгандай бўлди. Елкаси оша бурилиб қаради: Баҳри хола, бошига кўк рўмол танғиб, кўк кўйлак кийиб олибди. Йиғлайвериб, шишиб кетибди.

— Бандалик-да, болам, — деди у минғирлаб. — Оллонинг иродаси бўлди, жон болам. Юғучи келди... — Шундай деди-ю, ҳақиллаб йиғлаганча кўк рўмолини юзига босди.

Исқандар чиқиб кетиши кераклигини тушунди. Остонага борганида тўхтаб қолди. Онасига термилди. Онаси қуббалари занглаб кетган сим каравотда ётар, гўё ухлаётгандек, ҳозир ўрнидан туриб, уни бағрига босадигандек, икки кафти билан икки юзидан ушлаб, пешонасидан ўпадигандек эди. У доим шундай қиларди. Шу уйда, шу каравотда уни бағрига босиб ухлатган. Эрталаб пешонасини силаб уйғотган.

...Эсида, ўшанда Исқандар биринчи синфда ўқирди. Урик гуллаган кун эди. Мактабдан иситмалаб келди. Онаси минг зўрламасин, бир пиёла чой ичди-ю, худди мана шу каравотга чўзилди. Уйда хотинлар кўп эди. Иситма аралаш Баҳри холанинг димоғи билан минғирлаб айтаётган гапларини эшитиб ётарди.

«Энди, овсин пошша, худодан ҳам, бандасиданам қарзингиз қолмади. Уруш битди. Келганлар келди. Улганларнинг жойи жаннатда бўлсин. Ёш умрингизни хазон қилманг. Болагаям ота керак, ўргилай. Сизга оғиз солаётганлар таг-зоти кўрган одамлар...»

Исқандар онасининг жавобини эшитмади. Ухлаб қолдимми, ҳушидан кетдимми, ўзи билмасди. Умуман, бу гапларнинг маъносига тушунмасди. Фақат эртасига онаси куйиб-ёниб айтган сўзлар қулоғига ўрнашиб қолди. «Иккинчи унақа гапларни гапирманглар! Худонинг қаҳри келди: боламга қизамиқ тошиб кетди. Дадаси омон бўлса келар, келмаса, пешонамдан кўрдим. Елғиз эмасман, шукр, олдимда болам бор...»

— Исқандаржон, жон болам, — Баҳри хола унинг елкасига қоқди. — Чиқа қолинг, қоқиндиқ...

Исқандар (у энди Исқандар Ваҳобович эмас, Исқандар, оддий Исқандар бўлиб қолганди, негаки, ўлим ҳаммани баравар қилиб қўяди) вазмин қадамлар билан салқин даҳлизга чиқди. Пешайвон устундаги миҳларга онасининг бутун «бисоти» илиб қўйилибди: битта янги, иккита эски кўйлак, унниқиб кетган баҳмал нимча, бир бурчи тешилган жун рўмол, ҳали тикилмаган бир кийимлик штапель, шол дастурхон...

Кавшандозда онасининг кавуши турибди. Қизик, бу кавушни Исқандар уч йил илгари олиб берган эди. Нега яп-янги турибди?

Холмат аканинг хотини — Келинойи йиғидан қизарган кўзлари билан унга термилди. Исқандар кавушга тикилиб турганини сизди шекилли, тушунтирди.

— Аяб юрардилар. Тўйга борсалар ёнбошларига — кўрпачанинг тагига бекитиб ўтирардилар. Исқандарим оверган, деб мактанардилар.

Исқандар ҳамон кавушдан кўз узмасди. Келинойининг саволини дафъатан яхши эшитмади.

— Нима қилайлик, маставами, шўрвами?

Исқандар ҳеч нимага тушунмади.

— Нима? — деди гарангсиз.

— Ҳали уйни одам босади. Иссиқ овқат қилиш керак, — Келинойи куйманиб тушунтирди. — Улик чиққан уйда қозон қайнатиб бўлмайди. Бизникида қиламиз. Сўрамасам ҳам бўларди-ю, нима қилай, сиз ўзимнинг укамсиз.

Исқандар Келинойининг гапларини англамас, ич-ичидан ўртанарди.

— Нима бўлди?.. Ойим соппа-соғ эдилар-ку?..

Келинойи ўпкаси тўлиб хўрсинди.

— Туппа-тузук эдилар, — деди бурнини тортиб. — Эрталаб ўйнаб-кулиб ўтирдилар. Улимликларини кўрсатдилар. Ҳазиллашдик. Мен айтдим: «Улимни ўйламанг, Ақийнинг тўйини... — Келиноий ҳиқиллаб қолди. — Ақийданинг тўйини ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз, дедим. «Хўп» дедилар. Кейин бирдан: «Ғалати бўп кетяпман», дедилар. Каравотга ётқизган эдик...

Искандар қавшандозга ўтирганча, бошини чангаллади. Бу қандай гап?! Бу қандоқ адолатсизлик!! Нимага? Туппа-тузук юрган онаси нимага тўсатдан?..

Келиноий ҳамон ҳиқиллаган кўйи унинг бошига эгилди.

— Айтинг, нима қилайлик? Шўрвами?

Ажаб, шу топда таом ўтадим томоқдан! Дарвоқе, онаси шўрва пиширишга уста эди. Тўйда, маъракада хотинлар унинг овқатини мақташса, қувониб кетарди. Айниқса, мохорани кўп қиларди. Бу таомни Искандар кўп еган. Онаси бева қолганидан кейин жамоат уни Оқсоқол — Отин ойи қилди. У мактабда фаррош бўлиб ишлар, лекин уйда ҳам тинчи йўқ эди. «Келин тушди»га қовурма чучвара пишириш борми, «тўққиз-тўққиз»га қатлама қилиш борми, никоҳ тўйида «тортишмачоқ» бўладими, куёв-келинининг бошидан сочқи сочишми, «келин салом»да қуда-қудагайларга салом беришми — ҳаммаси онасининг зиммасида эди. У тўйдан, албатта, тугунча олиб келар, тугунчада нон, монпаси, қовурма чучвара, кейин... албатта, мохора бўларди. Баъзан ярим кечалари эшик тақиллаб қолар, Искандар онасининг дик этиб ўрнидан турганини пайқар, уйқусираб кузатар, зум ўтмай онаси қайтиб киради. Гоҳо кимдир омонатини топширганини айтиб, Искандарни юпатиб чиқиб кетар, шу кетганча эртасига пешинда қайтиб келар, ўзича қуръон ўқир: «Жойи жаннатда бўлсин», деб юзига фотиҳа тортар эди.

... У онаси ётган уйга оқсоқланиб кириб кетаётган кампирни кўрди-ю, гарангсиз ҳовлига тушди. Димоғига райхон ҳиди урилди. Негадир онасининг иси келгандек бўлди.

Келиноий ҳовлидаги райхонлардан шоша-пиша юлганча уйга кириб кетди. Искандарнинг хаёлига ярқ этиб бир фикр урилди. «Гуляга айтиш керак. Хабари йўқ-ку ҳали».

У энди эшик томон йўналган эди, хотинига кўзи тушди. Гуля, қўлида оқ сумкача, худди тўйга келгандек ясаиб олган, водолазка кийган, қулоғида бриллиант зирак ялтираб турарди. «Қаёқдан эшитибди бу?! «деган хаёлга борди-ю, унинг орқасидан сумка кўтариб келаётган шофери Шавкатни кўриб, ҳаммасини тушунди. «Шавкат хабар қилган».

— Искандар ака! — Гуля унинг елкасига бошини қўйиб қучоқлади. — Бечора ойм! — У бир зум шу алпозда турди-да, негадир тескари қараб, кафти билан юзини чангаллади. Шоша-пиша оқ сумкасидан рўмолча олиб кўзига босди.

«Сен айбдорсан! — деб ўйлади Искандар вужуди титраб. — Ҳаммасига сен — ...айбдорсан!» У хотинидан юзини ўгирди-да, бурчакда, ўрик остида турган сўрига бориб ўтирди. Шу ондаёқ шафқатсиз бир савол аъзойи баданини сирқиратиб юборди. «Ўзингчи, ўзинг?!»

Унинг уйланиши қизиқ бўлган. Қурилиш факультетида Искандар Ваҳобовнинг олдига тушадиган студент йўқ эди. Аълочи, жамоатчи... Тўртинчи курсда ўқиётганида СНОда «Граждан қурилишини маҳаллий шароитга мослаш» деган мавзуда доклад қилди. У шу қадар дадил фикрларни ўртага ташладики, муҳокама жанжалга айланиб кетди. Бировлар уни модернист деди, бошқалар донишмандга чиқарди. Шунда кафедра мудири, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Зариф Ҳодиевич уни ҳимоя қилди. «Еш дўстимиз Искандар Ваҳобовичдан келгусида етук олим чиқади», деди комил ишонч билан. Ростдан ҳам шундай бўлди. Зариф Ҳодиевич уни ўз тарбиясига олди. Искандар аспирантурада қолди. Биринчи бор домланинг қизи — жинси шим кийиб юрадиган Гуляни кўрганида эътибор бермади. Тўғрироғи, эътибор бермасликка ҳаракат қилди. Кимсан академикнинг қизи қаёқда-ю, маҳалла отинининг ўғли қаёқда! У шундай деб ўйлар, лекин домла билан олча соясида ўтириб суҳбатлашаётганда ичкарида рояль чалиб, баъзан хиёл бўғиқ, аммо юракни ўртовчи овозда қўшиқ айтаётган Гуландом — Гуляга кўнгли талпинаётганини сезиб турарди. Гуля консерваторияда ўқир, замонавий, ўктам қиз эди. Хуллас, Гулянинг ўзи унга кўнглини ёрди.

Тўй ресторанда ўтди. Келинининг дугоналари паст кўчадаги кулбага келишганида Искандарнинг етти номуси ерга букилди. Назарида, Отин ойи келинининг бошидан сочган сочқилар ҳам, пиширган мохораси ҳам ўта бачкана, ўта ғариб кўринар эди. Буни қарангки, Зариф Ҳодиевич мард одам экан! Худди шу ҳовлида, худди шу сўрида ўтириб (Отин ойи катта охурдан ем еган қудаларидан уялиб, ресторанга бормаган, аммо уйда чиройли дастурхон

тузаб қўйган эди) қизига насиҳат қилди: «Искандарни ўзинг танладингми, энди билиб қўй, шу оиланинг жирини жирлайсан. Онанг бечора бир кўз билан ўғил ўстирибди. Менинг ҳам бир болам иккита бўлди. Отин ойининг ҳам».

Отин ойининг бу гапдан боши осмонга етди. Тоғдек суянчиқ топганига қувониб, қудасининг елкасига бош қўйиб йиғлаб юборди.

Ярим йилча яхши туришди. Отин ойи келини уйғонмасидан аввал печкага кўмир қалаб қўяр, атайлабдан тандирда нон ёпар, кечқурун эр-хотин ишдан қайтишига овқат тайёр турар эди... Бошқа пайтларда у тўйгами, маъракагами чиқиб кетар, алла-паллада бир лаган совиган ош, бир коса мохора, бир чеккаси ушатишган қатлама олиб келиб, ўртага қўяр, таңтана билан эълон қилар эди: «Олинглар, болажонларим! Сизларниям тўйга етказсин! — Кейин бир ки-йимлик читми, сатинми келинига узатарди. — Обқўйинг, келинпошша, худо хоҳласа, ўғил тўйи қилсангиз керак бўлади!»

Гуля қайнонасининг олдида бир нима деёлмас, кечаси Искандарни эговларди. «Онангиз тиланчиликни бас қилсин! Менга биров тишлаган қатламалар, биров садақа қилган латталар керакмас...»

Катта жанжал арзимаган нарсадан бошланди. Бир куни Искандар ишдан келса, хотини диванга мук тушиб йиғлаб ётибди. Искандар унинг елкасидан оҳиста тутган эди, Гуля диван суянчиғини муштлади, ёшдан туши эриб кетган кўзида ғазаб чақнади. «Йўқолинг! — деди йиғлаб. — Тиланчи онангиз билан қўшмозор бўлинг!.. Гидамим! Гидамимни нима қилди?! Икки минг сўмлик гилам эди! Ирим-сиримларинг бошингда қолгурлар!»

Искандар эсанкираб қолди. Девордаги ипак гиламга қаради. Йўқ, ҳаммаси жойида. Кейин, ерга тўшалган гиламни синчиклаб текшира бошлади. Қараса, Гулянинг гапи рост. Гидамнинг бир бурчи тешилиб қолибди. Таңгадек тешик. Искандар гўё шу билан тешик бекилиб қоладигандек бармоғини тиқиб кўрди. Юраги сиқилиб уф тортди. Бошини кўтарса, тепасида онаси турибди. Отин ойи: «Бу ёққа кел», дегандек уни имлади. Искандар ҳамон юзтубан ётган хотинига ўғринча қараб қўйди-да, онасига эргашди.

«Айб менда, — деди онаси шивирлаб. — Кеча тўйда бир уй хотин Гуландомни мақтади. Келинимга кўз тегмасин деб исириқ тутатгандим. Хокандоз ўлгурдан чўғ тушганини билмай қопман. — У бир зум ўйланиб турди-да, тушунтирди. — Хотинингни кўнглини ол. Хафа бўлмасин. Жа бўлмаса пенсиямни йиғиб-териб олиб берарман!..»

На иложки, бу билан жанжал тугамади. Гуля масалани кўндаланг қўйди. «Ё мени денг, ё тиланчи онангизни!.. Кетаман. Дадамникига кетаман! Ойим мени кўмирнинг сассиғини ҳидласин деб тукқанмас!»

Охири эр-хотин бошлашиб Зариф Ҳодиевичнинг олдига боришди. Маслаҳат сўрашган эди, қайнатаси Искандарни жеркиб берди. «Қанақа эркаксиз ўзи! Бир йил турмасдан онангизни ташлаб қочишни мўлжаллаб қолдингизми? Хотин деганини қаттиқ ушлаш керак-да, бундоқ!» Дадасининг гапи Гулянинг жон-жонидан ўтиб кетди. «Уйингизга сиғмасам, ижарага квартира оламан», деб йиғлади. Қизиқ, шунда яна Отин ойининг ўзи ёрдамга келди. «Болаларимга ёрдам беринг, жой олишсин, Гуландомим катта охурдан ем еган, менинг чалдиворимда турса уят бўлади», деб қудасига ялинди.

Шундоқ бўлди: Зариф Ҳодиевичнинг кўмагида шаҳар марказидан уй олишди. Эр-хотин: «Юринг биз билан», деб Отин ойини ҳол-жонига қўйишмади. Аммо Отин ойи кўнмади. «Қорада кўрсам қорним тўқ, ўзларингдан кўпайинглар. Мен чолимнинг чироғини ўчириб кетмайман», деди.

Искандар онасини қаровсиз қолдирмади. Лойсувоқ том устига шифер ёптирди. Уй «замонавийроқ» бўлди. Кейин... кейин газ киргизиш берди. Тўғри, табиий эмас, баллонли... Отин ойи уларнинг домига борса кўп туролмас, маҳалладаги бирон тўйини, маъраканими баҳона қилиб, тезгина тура қоларди.

Аваллига эр-хотин бу ҳовлига бот-бот келиб туришди. Кейин Искандарнинг ишлари кўпайди. Искандар энди, кимсан Искандар Ваҳобовичга айланди, фан кандидати, трест бошқарувчиси... Ажаб, унинг иши кўпайгандан-кўпайиб борар, бироқ ҳаммасига улгурар эди. Фақат бир нарсага — онасини кўришга вақт тополмасди.

«Мана энди ҳаммаси тамом бўлди! Ҳаммаси»... Искандар ҳовлида одамлар куйманиб юрганини пайқар, аммо ҳеч нимани кўрмас эди.

Чеккиси келди. Шимининг чўнтагига қўл суқса, сигарет йўқ. Ҳали ишхонада стол устида қолиб кетаверибди. У маъносиз нигоҳини рўпарасидаги бостирмага тикди. Лойсувоқ том юққаланиб қолибди — Катакдек деразанинг бир кўзи синган, ойналари хиралашиб кетган...

Ажаб, охири марта қачон келувди ҳовлига? Ҳа, байрам арафасида —

У. ХОШИМОВ * МАҲАЛЛАНИНГ ОНАСИ * ХИКОЯ

еттинчи мартда келган эди. Тушлик танаффусдан фойдаланиб, бирров келди-ю, кетди. Одатдагидек шошиб турарди. Ишхонадаги аёлларни табриклаш керак. Кейин, Гула: «Меҳмон келади», деб қўйган... Онасини иккита чой, тўртта совун билан қўлади. Машина кутиб турганини баҳона қилиб, туфлисини ҳам ечмади. Онаси шошиб қолди. Ялпиз сомса қилган экан. Мажбур қилиб шундан биттасини едирди. Искандар машинага ўтирганида ҳарсиллаб югуриб чиқди. Рўмоли кийшайиб елкасига тушиб кетган. Қўлида эски газетага ўроғлик бир нима. «Ма,— деди машинанинг қия очик эшигидан узатиб.— Гуландомниям овзи тегсин». Искандар газета остидан иссиғи сезилиб турган сомсаларни машинанинг орқа ойнаси тагига ташлаб, эшикни ёпди. Ушанда онасини охириги марта кўраётганини билса эди! Бугун нечанчи ўзи? Ун иккинчи июнь. Бундан чиқди — уч ойдан ошибди. Уч ой! Наҳотки... наҳотки, шунча вақт ичида бир соат вақт тополмади? Топарди, хоҳласа, албатта, топарди...

У аллаким ўзининг отини айтиб чақираётганини идрок этиб, бошини кўтарди. Қараса, жинси шим кийган студентнамо йигит елкасида картон қути кўтариб турибди. Искандар уни танимади. Талмовсираб қараган эди, йигит сўради.

— Қаёққа қўяй!

Искандар ҳеч нимага тушунмади. Юки оғирроқ бўлса керак, йигит қутини қўшқўллаб, чираниб елкасидан олди-да, сўри бурчагига — сояга қўйди. Искандарнинг кўзи қутига ёпиштирилган этикеткага тушди. «Қорақум». Зум ўтмай бояги йигит тагин бир қути кўтариб келди. Униям сўри устига, бояги қутининг ёнига қўйди.

— Майиз,— деди секин.

Шундагина Искандар ўзига келди: «Пулини бериш керак».

— Шошманг,— деди чўнтагини кавлаб.— Неча пул бўлади?

Йигит негадир ерга қаради.

— Отин ойим...— Шундай деди-ю, у ёғини гапирмади. Қўзига шу қадар маъноли тикилиб қарадики, Искандар беихтиёр пулни қайтиб киссасига солди. Йигит оҳиста бурилди-да, индамай кетаверди. Қизик, нима демоқчи бўлди у?! Отин ойим менинг ҳам онам эди, сен пасткаш ҳамма нарсани пулга чақасанми, дедими? Ким ўзи бу йигит? Нимага Искандар уни танимайди? Умуман, ўзидан бошқа — Искандар Ваҳобовичдан бошқа кимни танийди?!

Бир маҳал у кавшандозда Келинойи имлаб чақираётганини кўрди. Юғучи оқсоқланиб зинадан тушиб келарди. Келинойи ёшдан қизарган кўзларини Искандарга тикди.

— Отин ойимнинг зираklarини юғучига бердик,— деди секин.— Ўзлари васият қилгандилар.

«Юғучи», «васият...» Бу сўзлар Искандарга хунук, совуқ эшитилар, гўё бу гаплар ҳаммаси ёлғондек, тушида бўлаётгандек эди. Ҳозир уйғониб кетади-ю, енгил дортади.

— Мана... Олиб қўйинг...

Искандар меровсираб Келинойининг қўлига қаради. Икки пачка чой. «Индийский».

— Иккитасини юғучига бердик. Рози бўлинг,— келинойи титраётган лабини тишлади.— Тўртта эди. Саккизинчи мартда олиб келган экансиз. Отин ойим... Отин ойим...— Келинойи энтикиб қолди.— Баркаш орқасига бекитиб қўйган эдилар. Биров келса: «Искандарим обкелган чойдан дамланг, «дотор чалиб турган» чойдан», дердилар. Мен бошқа чой дамлардим. Бунисини Отин ойим ҳар кунни ҳидлаб-ҳидлаб баркаш орқасига беркитиб қўярдилар.

Искандар боши ғувиллаб бораётганини, ўзини тутмаса ҳозир йиқилиб тушишини ҳис этиб турарди. Келинойи «дотор чалиб турган» ҳинд чойини пешайвон тахтасига қўйди. Бурнини торта-торта йиғлаганча қўйлагининг ёқасидан қўйнига қўл суқиб, эски газета қоғозига ўроғлик, алланимани чиқарди.

— Олиб қўйинг,— деди қоғозни узатиб.— Ўлимлигим деб, ёстиқларининг орасига тиқиб қўйган эдилар. Сиз ташлаб кетган экансиз. Қирқ сўмини юғучига бердик. Икки юз олтмиш сўм қолди. Санаб олинг.— У газета қатини очиб, бир сўмлик, уч сўмлик пулларни Искандарга узатди.

Қачон, қачон шунча пул берганди у онасига?! Бу қандоқ жазо?! Бу қандоқ бедодлик?! Шу кунидан кўра онаси эмас, ўзи ўлгани яхши эмасмиди! Онаси бир сўмлаб йиққан пенсия пулини ҳам: «Искандарим берди», деган. Шу гапга ўзиям ишонган, бошқаларниям ишонтирган! Қани энди кўкрагини шундоқ йиртса-ю, юрагини суғуриб олиб ерга улоқтирса! Ич-ичидан отилиб келган бўғиқ йиғидан титраб, пулни ташлаб юборди. Бир сўмлик, уч сўмлик пуллар пирпираб кавшандозга тушди.

Искандар ҳовлига, ундан йўлакка отилди. Узун атлас лозим кийган қандайдир келинчак тор йўлакка шакароб қилиб сув сепар, сачрамаслиги учун қўлидаги пақирин борган сайин пастроққа эгар эди. Очиқ дарвозадан зарбадист йигит кириб келди. Искандар унинг юзини кўрмади. Йигит майкачан елкасига йўл-йўл дастурхон ташлаб олган, елкаси аралаш гарданига ортилган бир қоп ун залвари остида икки букилиб келарди. Искандар бир томонга, сув сепаетган келинчак бир томонга четлаб йўл беришди. Йигит яланг оёқларини гурс-гурс босганча Искандарнинг олдидан ўтиб, ҳовлига кириб кетди.

Искандар дарвозадан чиқди-ю, тўхтаб қолди. Эшик олдига тумонат одам тўпланган, тор кўчага машина сиғмай кетганди. Қизиқ, қаёқдан келди шунча машина! «Ишхонадан бўлса керак», деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди. Аммо ўша ондаёқ булар «Жигули», «Москвич» машиналари эканини, ишхонадан фақат ўзининг машинаси бир чеккада турганини пайқади.

Нариоқда юк машинаси турибди. Машина устида икки ўспирин туриб олиб, йиғма столларни, харракларни узатиб берапти. Пастда эса тўрт йигит столларни пайдар-пай туширишиб, бир чеккага олиб қўйишяпти.

Искандар тут панасида турган тобутни кўриб, кўнгли бузилиб кетди. Тобутдан берироқда, ҳозиргина машинадан туширилган харракларда салла ўраган, яқтак кийган қоллар ўтиришибди.

— Бандалик-да, укам!

Искандар ёнида турган маҳалла домкоми Шокир акага маъносиз қараб қўйди.

— Ҳамманинг бошида бор, — домком хўрсинди. — Онамиз бошқача эдилар-да, жаннати хотин эдилар.

Кейин похол шляпа кийган «зами» Искандарнинг қўлини қисди.

— Неча ёшда эдилар? — деди секин.

«Бунинг нима аҳамияти бор?!» — Искандар шуни ўйлади-ю, жим қолди. Дарвоқе, неча ёшда эди онаси! Ҳа, ўн саккизинчи йил эди. Ўзи қирқ иккинчи йилда туғилган бўлса, демак, онаси йигирма тўрт ёшида бева қолган экан. Бундан чиқди қирқ йил кутган. Қирқ йил Искандарнинг отасини кутган. Нимага, нимага шу хаёл ҳеч қачон унинг эсига келмади?

Ўзини қучоқлаган тўнли кишини Искандар дафъатан таний олмади. Кейин билди: қайнотаси Зариф Ҳодиевич унинг пешонасидан оҳиста ўпди.

— Бардам бўлинг, ўғлим, — деди секин.

Кейин кимдир елкасига туртди. Қараса Холмат ака.

— Бу ёққа юр, — деди-ю, уни йўлакка бошлаб кирди. Девор тагидаги курсида ётган тўнни кийгизди, белига белбоғ боғлади. Қати бузилмаган дўппи узатди. — Кийиб ол. Дўппи кичкина экан, Искандар қафти билан босиб-босиб ташқарига йўналаркан, Холмат ака яна пичирлади. — Лайлактепага олиб борамизда-а! Ўзлари айтган эканлар.

Искандар юк машинаси фақат стол-стулни олиб келишга мўлжалланмаганини тушунди. Лайлактепа олис, тўрт чақирим келади. Оёғи остида ўралашиб юрган ўн-ўн икки яшар болакайлар ҳам тўн кийиб, белини боғлаб олганига аввал ҳайрон қолди, кейин тушунгандай бўлди. Эҳтимол, Холмат аканинг болаларидир, эҳтимол, қўшни болалардир...

... Олд томонига паранжи, орқасига мурсак ёпилган тобутни олиб чиқишганида ҳаммаёқ дилни ўртовчи фарёдга тўлиб кетди. Келинойи, Баҳри хола, Муаттар хола, аллақандай қизлар, келинлар чуввос солиб тобут кетидан югуришди.

Йўқ, Искандар ўйлагандек тобутни машинага ортишмади. Елкада кўтарганча йўлга тушишди. Искандар тобут бандидан ушлаб олти-етти қадам юрган эди, уни сиқиб чиқаришди. У тобут бандига ҳадеб қўл чўзар, аммо навбат тегмас эди. Таниш-нотаниш одамлар, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ўтиб таллашиб-тортишиб тобутга ёпишар, ҳар ким иложи борича кўпроқ кўтаришга, елкасини узоқроқ тутиб беришга ҳаракат қилар эди.

Бекатга чиқишганда троллейбус келиб қолди. Тўхташи билан дув этиб ўттизтача эркак тушди-ю, тобутга ёпишди.

— Ким? — деб сўради зиёлинамо кўзойнакли йигит Искандарнинг ёнида кўз ёшини тўнининг енгига артиб-артиб кетаётган Холмат акадан.

— Отин ойм!

— Ие! — кўзойнакли йигит, бир бағри ўпирилиб кетгандай ранги ўчиб, тобутга қайтадан тирмашди.

Кўчада ҳаракат бутунлай тўхтаб қолди. Бурилишга етганларида Искандар беихтиёр орқасига қаради. Одамлар оқими икки бекат ораси чўзилиб, бутун кўчани тўлдириб келар, тобут уларнинг елкасида осойишта тебраниб борар, оқимга эса янгидан-янги одамлар келиб қўшилар... қўшилар, қўшилар эди...

Генрих
Гейне



АЛ МАНСУР

Ҷожиа¹

Сулаймон РАҲМОН таржимаси

...Алининг саройи. Чароғон ҳужра. Уртада каттакон эшик. Рақс музыкаси эшитилади. Дон Эрике Зулайҳонинг пойида ётибди.

Дон Эрике

Хуш, анвои ҳидлардан сархуш бўлиб ётибман,
Ҳаяжон оғушида ўзимни йўқотибман!
Тиз чўкиб ҳузурингда ёлвориб ўлтирибман,
Жоним, сенинг сиймонгда фариштани кўрибман!
Порлоқ фалакда сени қиролича атадим,
Сигмас оқ билакларга тегмоққа менинг ҳаддим...

Музыка тинади. Ана шу изҳори дил пайтида Дон Диего яширинча ичкарига киради ва эшикнинг ҳар икки тавақасини очик қолдиради. Одамга тўла, улуғвор, ҳашаматли рақс саҳни кўринади. Рақс тушаётганлар тўхтаб, дон Эрике билан Зулайҳога хурсанд боқадилар. Бир неча киши «Яшасин ажойиб ошиқ-маъшуклар!» деб хитоб қилади.

Карнай садолари. Дон Эрике ўрнидан туради. Дон Диего оёқ учидан нари кетади. Эшик очиклигича қолади.

З у л а й ҳ о

(Зарда билан.)

Ичкарига кирайлик.

Д о н Э р и к е

(Унга қўлини тугиб, хижолатда.)

Узр, сеньора, бунга

Менинг қаролим айбдор.

З у л а й ҳ о

Яхши, қани, марҳамат.

(Уларга остонада Али ва рицарь дуч келади.)

А л и

Клара, рухсат бергин, менинг дон Эрикеда
Гапим бор. Сени залга дон Родриго кузатур.

Эшик ёпилади. Зулайҳо рицарь билан кетади.

Д о н Э р и к е

Гонсальво, бу нимаси...

А л и

Сеньор, ёдингиздами,
Мен тўй бошлангунича бир сирни айтаман деб
Сизга сўз берган эдим?

Д о н Э р и к е

(Қизиқиб, ялтоқланади.)

Ох, мен ўзи шусиз ҳам

Сиздан жуда қарздорман...

Али

Сиз — қарздорсиз? Йўқ! Асло!

Ҳа, фақат Кларанинг ўзига боғлиқ эди
Сизга розилик бериш.

Дон Энрике

Э, йўқ, сизнинг оталик

Овозингиз ҳал этди унинг тақдирин буткул.

Али

Сиз мендан Кларанинг кўлин сўраган чоғда
Рад этмоққа сабабим бор эди-ку ва лекин
Ҳаққим йўқ эди. Ахир... мен отаси эмасман.

Дон Энрике

Сиз отаси эмассиз?

Али

(Кулимсираб.)

Хотиржам бўлинг, сенъор,

Шариатга биноан, васиятга риоя

Этиб, уни ўзимга қиз қилиб олганман мен.

Хўш, энди билгандирсиз қизимнинг ихтиёри

Фақатгина ўзининг қўлида эканлигин?

Билиб қўйинг, бу сирдан ҳеч кимнинг хабари йўқ,

Ҳатто Кларанинг ҳам.

Дон Энрике

Ҳайрон қилдингиз, сенъор...

Али

Сиз куёвсиз, шу боис мен сизга сирни очдим

Ва лекин сиз батамом сукут сақлашингиз шарт

Ҳаттоки қайлигингиз олдида ҳам, ҳа, уни

Хафа қилиш яхшимас бундай шум хабар билан,

Юрагига гулгула солмоқнинг кераги йўқ.

Дон Энрике

Улай агар, бу ҳақда сира оғиз очмайман.

Али

Хўш, десангиз, менинг ҳам отим Гонсальво эмас.

Дон Энрике

Кўп ажойиб эди, ҳа, олдинги исмингиз ҳам,

Биламан, олижаноб Али, дердилар сизни.

Али

Ҳа, мени олижаноб Али деб атардилар!

Аммо бахтли десалар тўғри бўларди кўпроқ.

Дўстликда, муҳаббатда қачонлардир бу Али

Жуда омадли бўлган. Бир ноёб хазинадек

Дўст ато этган эди менга парвардигорим.

Ҳа, ато этган эди мунис бир рафиқа ҳам.

Рафиқа деб атамоқ, о, балки гуноҳ бўлур —

Мен гўё фариштани олган эдим қучоққа;

Мен туйганман чинакам оталик қувончин ҳам.

Ҳадя этди рафиқам менга қўчқордай ўғил;

Ўзи эса сарғайиб, гулдек сўла бошлади,

Охири топширди жон. Дўстим мени юпатди.

У ҳам ўша кунлари ойдай қиз кўрган эди,

Мехрибон рафиқаси эмизди оқ сут бериб,

Онасидек эркалаб, ўпиб парвариш қилди

Етимлигин билдирмай менинг гўдагимни ҳам.

Мен ўғлимни саройга қайтариб олдим бироқ,

Ҳар гал унинг юзига тушганида нигоҳим.

Онасини эслардим, соғиниб ўртанардим,

Хуллас, бошқатдан келди унутилган руссалар.

Буни пайқаб, бир куни дўстим менга сўз қотди:

«Дўстим Али, не дейсан, вақти бўлмадимикин

Ҳар иккала гўдакни унаштириб қўймоқнинг!

Дўстлигимиз ипи ҳам бўлар эди пишиқроқ!

Мен ёш тўкиб, дўстимни қучоқлаб олдим шунда,

Кейин вақтни ўтказмай келдик биз бир қарорга,

Яъни, дўстим қизини саройимга олиб, мен

Парвариш қилар бўлдим ўз ўғлимга муносиб
Келин ўстирмақ учун; дўстим менинг ўғлимни
Қилмақ бўлди тарбия.

Д о н Э н р и к е

Жуда қизиқ бўпти-ку!

А л и

Улар ўсиб-улғайиб, учрашдилар, дилларин
Севги туташтирганда янграб кетди қалдироқ...
...Биласизми, насроний энага Зулайхонинг
Мунис дилин Исога мойил этди ва тездан
Зулайҳо ўз ҳомийсин тан олди эл олдида,
Насроний бир қиз каби чўқиниб бўлди фориг
Ва ўзига янги ном — Кларани эп кўрди.
У менга ибрат бўлди, қизим йўлидан бориб
Юрагим амри билан танладим шуни мен ҳам.
Яна... эски дўстим ҳам, ўйлаб кўриб, шу йўлга
Кирмоғига заррача шубҳа қилмаган эдим.
Аммо, ҳайҳот! Исломнинг кўзи юмуқ малайи
Бу хабарни эшитгач, миниб ғазаб отига,
Дедиким, оллоҳимнинг барча душманларини
Ўз душманим биламан, қиламан минбаъд ҳазар.
Диндан чиққан, беимон қизимнинг ҳам юзини
Кўргали кўзларим йўқ, алҳазар, минг алҳазар,
Харом бўлди мен учун бу азиз она тупроқ,
Бас, бош олиб кетаман бу илонлар юртидан,
Ювиб юбормоқ учун отасининг гуноҳин
Оллоҳимнинг қаҳрига қурбонлиққа атайман
Асраб олган фарзандим, яъни Али ўғлини!
Шундай деди у телба ва қайтмади сўзидан.
Етиб бордим саройга, минг афсуски, беҳуда:
Ўлжасин бирга олиб, ғойиб бўлибди илдам.
Қайта насиб этмади менга ўғлимни кўрмоқ:
Яқинда Марокашдан келган тижорат аҳли
Айтишича, у йўлда ўтган эмиш оламдан.

Д о н Э н р и к е

(Сохта ҳамдардлик билан.)

Даҳшат! Қаранг, ҳаяжон зўридан титраб кетдим!
Қонга тўлди юрагим! Даҳшат, даҳшат! Аммо сиз
Наҳот уринмадингиз ундан қасос олмоққа?!
Ҳар қалай, қўлингизда ахир қолган эди-ку
У ёвуз дўстнинг қизи! Хўш, сиз нима қилдингиз?

А л и

Мен ўзимни чинакам насронийлардек тутдим.

(Кетади.)

Д о н Э н р и к е

Хўш, буни Диегога айтсамми ё?.. Айтаман!
Ҳа, билсин кўп гаплардан хабари йўқлигини.
Аҳмоқ санаб юради у мени ўз наздида,
Мана, энди кўрамиз — қай биримиз аҳмоқроқ!

Рақс музикаси янграйди.

Чамамда, мен доннани анча куттириб қўйдим.

(Кетади.)

Тун. Алининг саройи. Деразалардан нур тушиб турибди. Қувноқ рақс музикаси янграйди. Ал Мансур ўйчан. Музика тинади.

А л М а н с у р

Ҳа, ажойиб мусиқа. Аммо жуда ҳам мунгли,
Оҳ, фақат биргина чанг садо берса кифоя.
Юракка ниш санчади юзлаб, минглаб чаёнлар;
Оҳ, мабодо янграса майин, нолавор рижжак,
Қадалади кўксимга гўё ўткир қиличлар;
Тантанавор карнайлар овозини эшитсам,
Аъзои баданимни қучади ажиб титроқ;
Агар гўё ноғоралар гумбурлаб қолса, гўё
Уртўқмоқлар миямни янчгандай туюлади.
Хўш, қандай ўхшашлик бор мен билан бу уй аро?

(Саройни ва кўксини кўрсатиб.)

Унда — байрам, хуррамлик, хушсадо чилтор саси,
Бунда — илон захридай ўртагувчи дард холос.
У ерда — чарогон кун ҳамда тилла чироклар,
Бу ерда унинг қора хаёли чулғаган тун,
У ерда — мунис, гўзал, парипайкар Зулайҳо.

(Бир оз ўйланиб, яна кўксини кўрсатади.)

Бу ерда ҳам — Зулайҳо, демакки, ўхшашлик бор.
Зулайҳонинг жони — бу тор уйда, арғувонранг
Хоналарда, қалб билан копток ўйнар ва ёхуд,
Менинг куйчи ғамларим торини чертар гўё
Чертган каби чилторни. Менинг оҳларим эса
Мулозимлик қиларлар ва дарвоза олдида
Қоп-қора қулоғадек турар қора маъюслик.

(Саройни кўрсатиб.)

Анави, баланддаги порлоқ, нурафшон залда
Шоҳона либосларда хушрафтор кезаётган
Ва таъзим бажо этган олифта фирибгарнинг
Саломига бош ирғаб алик олган паризод —
Зулайҳо савлатининг қуруқ кўланкасида,
Рангпар, жонсиз юзида жонсиз шиша кўлари
Маъносиз чақнаб турган бир қўғирчоқ холос у...

(Карнай садолари.)

Ҳайҳот! Силлиқ фирибгар сохта тавозе билан
Рақса таклиф этади у жонсиз қўғирчоқни...
Мафтунгор ялтирайди хушбахт шиша нигоҳлар!
Шамдай қонсиз чехрага қалқар майин табассум!
Фирибгарнинг қўллари сал бежороқ ушлайди
Бу сунъий, нозик ва мўрт ўйинчоқни ногаҳон...

Музыка авжга чиқади.

Тап тортмай, сурбетларча етаклаб элтди уни
Сержазава, қутурган раққослар тўдасига!
...Эҳ, саваланг олчоқни, қалбимнинг чақмоқлари!
Йиқилингиз ул ёвуз устига, эй деворлар,
Унинг маккор бошини қилингиз мажақ-мажақ!

Музыка пасаяди.

Ҳали ҳам ўша-ўша, қилт этмас бу деворлар;
Дув тўкилди урилиб уларга менинг қаҳрим!
Деворлар, сиз метинсиз, мустаҳкамсиз, бардошли,
Аммо хотирангиз паст, хотирангиз йўқ сизнинг!
Мен — Ал Мансур, бир пайтлар севарди мени Али,
Эртами-кеч у мени тиззасига ўтқазиб,
Меҳри ийиб: «Ўғлим», деб силар эди бошимни, —
Бугун эса гадодек турибман эшигида.

Музыка тинади. Саройдан аста ғовур ва кулги товушлари эшитилади.

(Ал Мансур эшикни тақиллатади.)

Ҳой, эшикни очинглар! Мусофирга жой беринг!

Сарой эшиги очилади. Шамдон кўтарган Педрильо пайдо бўлади. Бўсагада тўхтади.

Педрильо

Пилат ҳаққи, жуда ҳам қаттиқ тақиллатдингиз:
Базмга кечикдингиз, ҳозиргина тугади.

Ал Мансур

Мен базмга келганим йўқ. Менга бошпана керак;
Олис йўл босиб толдим; кеча эса қоронғи.

Педрильо

Пайғамбар урсин, сеньор, агар сизни алдасам,
Яъни, азиз авлиё Елизавета урсин...

Бу ерда йўловчига ортиқ жой берилмайди,
Аммо кўп узоқ эмас меҳмонхона деган уй.

Ал Мансур

Мусофирга бошпана берилмас экан, демак,
Бу ердан олижаноб Али кўчиб кетганми?

Педрильо

Яго де... Компостелла урсин ёлғон гапирсам!

Кимдир эски исмини айтиб чақирганини
Агарда дон Гонсальво эшитиб қолса борми,
Емон жаҳли чиқади. Фақатгина Зулайҳо...

(Пешонасига уриб)

Яъни, донна Клара бунга журъат этади.
Гоҳ Али ҳам янглишиб «Зулайҳо» деб юборар.
Энди менинг отим ҳам Ҳаммомий эмас ортиқ —
Педрильоман, ҳаворий Пётр шундай аталган
Болалик чоғларида, хотиним — ошпаз кампир
Энди Ҳабиба эмас, Петронелла аталар,
Бу — ҳаворий Пётр хотинининг исми-да;
Тунингиз хайрли бўлсин. Меҳмонларни кузатай,
Баъзилари жуда ҳам узоқ жойлардан келган.

Эшикни ёпиб, саройга қайтади, ичкарида ҳаракат.

А л М а н с у р

(Елғиз)

Кет энди, о, дарбадар, бунда на олижаноб
Али бор, на зиёфат — тўкин меҳмондўстликлар...
Одамлар ҳам, номлар ҳам — ўзгариб кетмиш бари,
Ҳаттоки муҳаббат ҳам нафратга дуч келибди.
Эшитяпман, ҳа, азиз меҳмонлар чиқмоқдалар,
Ҳа, мен бир мўмин банда йўл бераман уларга.

(Кегади)

Сарой эшиклари очилади; ғала-говур, гангир-гунгур гап. Олдинда
машғала тутган хизматкорлар.

А л и н и н г о в о з и

Йўк, йўк, сенъор, мумкинмас, мен бунга йўл қўймайман.

Б о ш қ а о в о з

Тунни қаранг: қандай зўр; ҳам ойдин, ҳам ажойиб,
Ҳув, ана, латофатли хонимларга мунтазир
Юмшоқ тахтиравонлар, хачирлар, учқур отдар.

У ч и н ч и о в о з

(Тасалли оҳангида.)

Қўрқманг, хоним, бу ердан унчалик узоқ эмас,
Нозик оёқчаларга бир қадамлик йўл, холос.

Хонимлар, рицарлар, машғала тутган хизматкорлар, созандалар ва
бошқалар саройдан чиқадилар. Ҳар бир рицарь биттадан хонимни етаклаб
олган.

Б и р и н ч и р и ц а р ь

Сенъора, шамасини тушундингизми унинг?

Х о н и м

(Табассум қилиб.)

Жуда ҳам серзардасиз бугун, дон Антоньо.

Утадилар.

Б о ш қ а х о н и м

(Қизишиб.)

Йўк, нима бўлганда ҳам либослари бачкана,
Ҳатто андозаси ҳам қандайдир арабчароқ.

Р и ц а р ь

(Сохта жиддийлик билан.)

Сандиғи тўлиб ётса арабча қўйлақларга,
Бошқа нима ҳам қилсин у бечора қизалоқ!

Х о н и м

Базм бежиз бўлдими, тили аччиқ йигитча?

Утадилар.

...Саройдан дон Энрикенинг овози эшитилади.

Д о н Э н р и к е

Менга машғалачининг биттаси ҳам кифоя,
Ана, эшак Диего бор, ўзи ёритади.

(Майин.)

Ахир ёниб турибди мен учун бир жуфт юлдуз —
О, донна Кларанинг маъсум, чакноқ кўзлари!

Кимлардир нимадир дейди. Эшик ёпилади. Дон Энрике билан дон Диего
пайдо бўлади; Диего хизматкор кийимида, кўлида машғал.

Дон Диего

Алмашиб олсак бўлар энди ролларимизни,
Энди сиз менинг учун — ҳам эшак, ҳам хизматкор.

Дон Энрике

(Машъалани олади.)

Ишончлироқ чиқсин деб тиришдим. Кир изламанг.

Дон Диего

(Улуғвор.)

Очигини айтганда, Пуэнте дель Саурро
Қамоғида кўққисдан танишган чоғимизда,
Сизни бутунлай бошқа одам деб ўйлагандим.

Дон Энрике

Кўп жаҳлингиз чиқмасин содиқ шогирдингизман.

Дон Диего

Йўк, йўк, менинг шогирдим ҳозиргидан эпчилроқ
Қўлга олмоғи лозим бадавлат сеньорларни.

Сиз унинг кўзларини юлдузга тенгладингиз, —
Биз бундай гўзалликни қуёшга тенгласак кам!
Шоирларни яна ҳам диққат билан ўрганинг,
Кейин тилингизни ҳам сал тузукроқ ёғланг-да,
Клара билан жимжит ўтирган чоғингизда
Кўрқдим, танглайингизга ёпишиб қолдим, деб.

Дон Энрике

(Ййиб.)

Ақлимни олиб қўйди опшоқ билакчалари!

Дон Диего

Ёқут кўзли узуги ақлингизни олиб гар,
Тилдан қолдирган ёки кўр қилиб қўйган бўлса,
Афв этишга тайёрман барча гуноҳингизни.

(Истеҳзо билан, секин.)

Бу қўллар сизга фақат галварс Али уларни
Зарга ўраб қўйганда завқ берсин, лол қолдирсин.
Ушанда завқингизни бирга баҳам кўраман,
Ўзгачадир ялтироқ, жарангдор олтин завқи!..

Дон Энрике

(Хафа бўлиб.)

Беҳазил! Бойлигига эришмоғим аниқ-ку,
Лекин, нетай, очик гап, асирман ҳуснига ҳам.

Дон Диего

Одамни гўнг титишдан ўзинг сақла, ё танграм!
Минг титкила — бари бир, чиқмас ундан мушк ҳиди.
Сийратини эмас, сен суратини сев унинг!
Бил, туйғу — ёмон шерик муҳаббат савдосида,
Ундан имо-ишора, сўз, ҳаракат нафлироқ.
О, агар булардан ҳам бирор фойда чиқмаса,
Ёрдам берар у ҳолда қизил суртилган юзлар,
Мадриддан келтирилган ясама сон, болдирлар,
Таранг корсет — кенг белбоғ ҳамда ясама кўкрак —
Хуллас, тикувчиликка оид ҳамма аслаҳа.
О, булар ҳам бўлмаса, аниқ ёрдам беради
Пичоқ ила очқичлар...

(Совуқ кулиб қарайди.)

Шуни унутманг, сеньор,

Дон Гонсальво аслида бор гапни ўқиб билган
Уша хатлар, ҳа, гўё йўқолган ўша хатлар —
Уша ёскича ҳарфлар, унниқиб кетган сиёҳ —
Мен ўзим тайёрлаган қалбаки ҳужжатлардир...

(Кулади.)

Агар бўлай десангиз сиз чинакам шаҳзода,
Чиқманг менинг измимдан! Демак, ўйлаб иш қилинг,
Такрорланг фақатгина мен ўргатган гапларни;
Дин ва ахлоқ ҳақида сафсата сотинг кўпроқ,
Қамоқхона қамчиси изларини ҳам тез-тез
Кўрсатиб туринг, аммо ҳақиқат учун кураш
Майдонида олинган чандиқлар, денг уларни...

Дон Энрике

Ақлингизга қойилман, сенъор, лекин сира ҳам
Тушунмайман, бу ишга қандай қилиб кашишни
Тортмоқликка муяссар бўлдингиз, ё тавба?

Дон Диего

Кашиишларнинг ҳам ахир дунёда ҳунари бор,
Бу мўътабар зотларнинг — мақсади ҳам мўътабар:
Уларга ҳам черковнинг жомини ясаш учун
Олтин керак ва уни тўлатгали — майи ноб.
Агар сезган бўлсангиз, фирромликни қотирдим!
Қартани бошлаб суздим, сиз эса бошлаб тузланг:
Хўш, юрак — таппон билан ёпинг мотка — хонимни,
Чиллик, яъни хоч билан босинг Али қиролни,
Ушанда сиз ютасиз; мен эса эртасига
Сизга олиб келурман шоҳона тўй саломин.

Дон Энрике

(Фалакка илтижо қилади.)

Парвардигори олам! Шукр марҳаматингга!

Дон Диего

Ҳа, у жуда баландда, ҳа, у Сан-Сальвадорда.
Қўл етмайдиган жуда баланд дорга осилган.

(Кетадилар. Ал Мансур киради.)

Ал Мансур

Оҳ, тарқалди ниҳоят бойқушлар, шабпараклар —
Олақуроқ бир гала. Чағир-чуғурларидан
Қулоғим батанг бўлди, бошимга кирди оғриқ,
Буткул димиқиб кетдим — қийналиб олдим нафас.
Шу қора қузгунларнинг галаси ичра сен ҳам
Бормидинг, о, Зулайҳо? Менинг оқ кабутарим!
Наҳот қуртлар кемирад хушбўй атиргулимни?
Наҳот қолдинг, Зулайҳо, сен жодулар ҳукмида?
О, Зулайҳо, қалбингдан тамоm изсиз йитдим!
Ал Мансурнинг васлингга муштоқ, ғамгин сиймоси?
Унинг муҳаббатидан қолган хуш хотиралар
Энди уйғонмайдими бир оҳ бўлиб кўксингда?

Осмонда чарақлайди муҳаббат элчилари.
Мен уларга минг бора йўлладим қизгин салом.
Қалбимдаги севгининг минг бир жароҳатидан
Тирқираб тўкилди-ку қанча қонлар роҳатбахш.
Аmmo бу элчилардан ҳатто бирортаси ҳам
Саломимни суюкли ёримга етказмади!
Уялинг, ҳей, уялинг, диёнатсиз элчилар,
Кўкда туриб бизларга маънодор кўз қисасиз,
Мақтанасиз, тақдирлар бизнинг измимизда, деб!
Сизлар етказмадингиз менинг саломларимни,
Саҳройи чўпонларнинг муҳаббат сўзларини
Келтириб турибди-ку ахир содиқ каптарлар!
Малайлар ҳам ўринга ётдилар аллақачон,
Чироқларни оҳиста пуф-пуфлаб ўчирдилар,
Фақат бир деразада йилтираб турар чироқ;
Менга таниш бу хона: унда ухлар Зулайҳо.
Ажиб ёз кечалари мен шу ойна тагида
Уд чалиб турар эдим, пешайвонга оҳиста
Чиқиб келар эди ёр қилиб майин табассум.

(Филофдан уд олади.)

Мана, ўша эски уд. Ҳамон менинг қалбимда
Янграйди садолари; қани, синаб кўрай-чи,
Ҳамон таъсир қиларми эски ҳукми жодулар.

(Уд чалиб, куйлайди.)

Чақнар мовий юлдузлар
Ерни чулғаб нурлари,
Бир эрка салом йўллаб,
Боқар дала гуллари.

Ой боқади фалакдан
Қоп-қора сув қаърига.

Ўртанар муҳаббатдан
Чўккан сари бағрига...

Шитирлайди буталар,
Юлқиб ўйнар шўх шамол.
У йўллайди бўсалар,
Нақ тунги ширин хаёл.

Сув жилдирар, гул кулар,
Юлдуз учар ер сари.
Бари кулар, қувонар,
Нурланар ишқдан бари.
З у л а й ҳ о н и н г о в о з и

(Саройдан.)

Тушимми бу, ўнгимми, ҳисларимни эркалар
Унутилган бир сознинг тирилган садолари?
Ёвуз руҳ эмасмикан, йўлдан оздирмоқ учун
Ерим овози билан бу кўшиқни куйлаган?..

А л М а н с у р

Йўқ, йўқ, сени ром этган хаёл эмас, туш эмас,
Ёвуз руҳ ҳам эмас у сени йўлдан ургувчи,
Марҳум Ал Мансур эмас қезиб юрган бу шарпа —
Йўқ, бу тирик Ал Мансур ўша, Абдуллоҳ ўгли.
У қайтди, аввалгидек, ҳамон унинг кўксиди
Барқ уриб яшнаб турар сенга бўлган муҳаббат.

Зулайҳо кўлида шам билан балконга чиқади.

З у л а й ҳ о

Ассалому алайкум, Ал Мансур бин Абдуллоҳ,
Ассалому алайкум, тирилик қайтган йигит!
Бизга машғум бир хабар келган эди: Ал Мансур
Ҳалок бўлди! — во дариғ, шундан буён Зулайҳо
Кўзлари ҳеч қуримас бир булоқ бўлиб қолди.

А л М а н с у р

О, сиз чақноқ юлдузлар, о, сиз, бинафша-кўзлар!
Зулайҳонинг юраги хиёнат қилганда ҳам,
Минг раҳмат, сизлар менга содиқ қолган экансиз.

З у л а й ҳ о

Кўзлар — ахир кўнгилнинг чароғон деразаси,
Кўз ёшлар эса — дилнинг оққан шаффоф қонлари.

А л М а н с у р

Ҳа, кўзимдан ёш бўлиб оққан эди дил қони
Отам билан онамни кўмган чоғим ғурбатда,
Зулайҳо севгисининг қабри устида бироқ
Қон бўлиб оқиб кетса ажаб эмас бутун қалб.

З у л а й ҳ о

Нақадар аччиқ сўзлар, хабар яна аччиқроқ!
Айлайди у кўксимни беаёв бурда-бурда,
Зулайҳонинг қалби ҳам ўз қонига бўлар ғарқ.

(Йиғлайди.)

А л М а н с у р

О, йиғлама! Йиғлама! Қонли ёшлар кўзингдан
Қалбимга томаётир бамисоли қайноқ мум.
Йўқ, сени ранжитмайман ушбу лаҳзадан бошлаб!
Саждагоҳим деб сенга сиғинаман юракдан,
Чунки яқин йўламас саждагоҳга қонли ўч,
Чунки унинг олдида синади ханжар тиғи;
Чунки унинг ёнида ажал ўқидан холи
Бехавотир яшайди кабутарлар, оҳулар;
Чунки унинг олдида энг ёвуз йиртқичлар ҳам
Иззат-аҳтиром билан қовуштириб турар қўл.
Сен муқаддас Каъбасан менинг учун, Зулайҳо:
Мен муқаддас Макканинг тошини ўпаётиб,
Бил, сени ўпган эдим қайноқ лабларим билан, —
Сен ҳам ўша тош каби ҳам тотли, ҳам совуқсан!

З у л а й ҳ о

Сен менга саждагоҳ деб сиғинар бўлсанг агар,

Сўзларинг ханжарини синдириб от энг аввал;
Одамнинг жон-жонидан тешиб ўтиб кетувчи
Даргазаб ўкларингни чиқазмай тур садоқдан,
Дуога кафт очгандай чўзма қўлларингни ҳам,
Шу тарзда ўғирлама оромимни сен баттар.
Шусиз ҳам ўртанарман ҳалиги шум хабардан:
Эвоҳ, ҳалок бўлибди Фотима ва Абдуллоҳ;
Иккисин ҳам севардим ўз ота-онам каби,
Зулайҳони улар ҳам қизим деб атардилар!
Фотиманинг ўлимин сўзлаб бер, о, Ал Мансур!

А л М а н с у р

Жимжитгина жон берди онам ўз тўшагида,
Мен тиз букиб йиғлардим унинг чап ёнбошида;
Унг ёнида Абдуллоҳ турар эди қотиб тек;
Қўлда хурмо бутоғи, Азроил аллақачон
Бўлган эди онамнинг тўшаги узра ҳозир,
Менинг эса ажалга тан бергим келмас эди,
Шу боис, қўрқиб маҳкам ушладим онам қўлин.
Соатдаги қум каби секин-секин оқиб жон,
Борган сари секинроқ урарди қўл томири,
Чехрасига қалқарди гоҳ табассум, гоҳ алам,
Мен аста эгилганда шивирлади хўрсиниб:
«Зулайҳони ўпиб қўй...» Бу сўзларни эшитгач,
Абдуллоҳ ҳам тўсатдан яраланган йиртқичдек,
Қаттиқ инграб юборди...

З у л а й ҳ о

Оҳ, менинг онажоним,
То сўнги дам севдинг сен бахти қаро қизингни!
Аммо чуқур, зимистон гўрга кираётиб ҳам
Абдуллоҳ ўз нафратин унутолмабди, эвоҳ.

А л М а н с у р

Йўқ, олиб кетмади у нафратин ўзи билан.
«Али» ёхуд «Зулайҳо» сўзларини мабодо
Эшитиб қолса, бирдан қўзғаларди кўксига
Аллақандай бўронлар, ғам-ҳасрат булутлари
Боши узра тўпланиб, кўзлари чақнаганча
Лаънатлар ўқир эди ваҳшиёна бир тусда.
Аммо отам бир куни қақшаб ҳаяжонидан
Йиқилиб ҳушдан кетди, ухлади жуда узоқ.
Кутиб турдим мен унинг уйғонишин бетоқат.
Хайрон қолдим: бир маҳал очди у кўзларини,
Йўқ эди нигоҳида заррача ғазаб, фақат
Акс этарди муҳаббат, меҳрибонлик ва шафқат;
Энди унинг лаблари атрофида ғам эмас,
Қувноқ ва шўҳ табассум ўйнар эди ғаройиб;
Илгариги даргазаб лаънатлар ўрнига у
Сўзлади хотиржам ва мулойим овоз билан:
«Ҳа, онанг истаги бу, демакки, васияти,
Шу боисдан ожизман мен қаршилиқ қилмоққа,
Гап шу, ўғлим, қайтиб бор яна Испанияга,
Алининг уйига кир, унда сен Зулайҳони
Излаб топиб, айтгинки...»

Хайҳот, ёвуз Азроил

Шарт кесди алангали қиличи билан шу пайт
Абдуллоҳ ҳаётини ҳамда сўзларини ҳам...

Сукунат.

Мен отамни дафн этдим, шак келтириб Қуръонга:
Ҳа, Маккага қаратиб кўммадим унинг юзин:
Ғарнотага қаратиб кўмдим марҳум юзини,
Чунки тириклигида шундай васият қилган.
Ҳа, у ҳозир ётибди кўзлари очик қолда
Термилганча изимга.

(Аста-секин ўғирилади.)

О, менинг марҳум отам,

Кўрдинг, саҳро қумларин қандай кечиб ўтдим мен,
Кўрдинг, испан ерига қандай сузиб келдим мен,

Кўрдинг, қандай ошиқдим Алининг саройига,
Кўряпсан, мен шу ерда. Зулайҳо билан бирга.
Айт, Абдуллоҳ арвоҳи, Зулайҳога не дейин?

Қора ёпинчиқда Шарпа пайдо бўлади.

Ш а р п а

Унга айтгин: «Зулайҳо, пастга тушгин энди сен,
Тарк эт мрамар саройнинг сокин ҳужраларини,
Пастга туш, Ал Мансурнинг отига мингашиб ол.
Хурмоларнинг сояси салқин берган диёрда,
Тупроқдан мушқин ҳидлар уфуриб ётган юртда,
Чўпонлар қўшиқ айтиб қўй боққан мамлакатда
Оқ матодан тикилган серҳашам бир чодир бор;
У юртда кезиб юрар ўйчан кўзли ғазоллар,
У диёрда яшайди мўмин-қобил туялар,
У ерда гултож кийган қоп-қора ҳабаш қизлар
Тизилишиб шоҳона чодирнинг атрофида
Сендай бир маликага мунтазирлар, Зулайҳо,
Учгин ўша ерларга Ал Мансурга мингашиб!»

Али Саройи олдида тонги кўёш нурларига ва гулларга ғарқ боғ. Зулайҳо хоч олдида ибодат қилмоқда. У аста-секин ўрнидан туради.

З у л а й ҳ о

Оҳ, бари бир сиқмоқда кўкрагимни ташвишлар!
Юрагим патиллайди. Мен доғида куйган зот
Тирик эканлигидан қувонч нишоними бу?
Йўқ, йўқ, бу қувонч эмас: уни қўшиб бўлмайди
Мен руҳоний олдида ичган муқаддас қасам
Ва унга содиқман, деб берган ваъдам билан ҳеч.
Ал Мансур қайтиб келди. Мабодо бунни отам
Билиб қолса иш чатоқ. Ҳа, марҳум душманининг
Ўғлидан ўч олади. Чунки аламларини
Ҳали унутган эмас. Ҳали ҳам юрагида
Уя қўйиб яшайди Абдуллоҳнинг номини
Эшитган чоқ қаҳрини қўзғағувчи иблислар.
Абдуллоҳнинг гуноҳи нимада? Менинг отам
Ўзи кўп ювош одам. Аммо сезиб юраман:
Кечалари саройда тентиб юраркан бот-бот,
Ўзича гудранади: «Қани, чиқ, о, Абдуллоҳ,
Чиқ, қонга — қон, жонга — жон! Олишамиз, қани, чиқ!»
Оҳ, Ал Мансур! Қоч, унинг кўзларига кўринма!
Қочгин, чунки оталар қонидаги адоват
Ўлим олиб келади ҳамиша фарзандларга.
Мен ёпинчиқ берайин, тушмасин отам кўзи.
Сени хатар кутмоқда, менда эса уйғонди
Бир пайтлар юрагимни зирқиратган туйғулар,
Ҳа, ўшанда иккимиз ўйнардик «келин-куёв»,
Шўхлик қилиб сен чиқсанг баланд олма шоҳига,
Мен дарров кўз ёш тўкиб, ялинардим қўрқувда,
Бу қалтис баландликдан тезроқ туша қолгин, деб.

(Уйланиб.)

«Ал Мансур марҳум бўлди», — деди ёвуз одамлар,
Ишонди шум хабарга менинг ёвуз юрагим,
Шу боис мен қайлиқман бугун ўзга одамга!
Сени эса севаман худди ўз акам каби,
Ака бўлиб қол менга, ака бўл, жон Ал Мансур!

Кўзини ерга тикиб, «Ал Мансур» дея хўрсинади. Шу орада сездирмасдан Ал Мансур пайдо бўлади: у қизга яқинлашади ва қўлини унинг елкасига қўйиб жилмаяди-да, тақлид қилгандай, «Зулайҳо» дея хўрсинади.

З у л а й ҳ о

(Чўчиб ўғурилади ва унга тикилиб қолади.)

Эҳ, Ал Мансур, Ал Мансур! Таниёлмай қолибман.
Эр етибсан, азамат, норгул йигит бўлибсан.
Аммо болалигингни ташламабсан ҳали ҳам.
Сухбат қуриб турсам мен яна гулларим билан
Ўша пайтлардагидек чўчитиб юбординг-а.

А л М а н с у р

(Қувноқ табассум билан.)

Қани, айт-чи, азизам, гулларингдан қай бири
«Ал Мансур» деб аталар? Фақат энг ғамгин гулга
Ярашади, Зулайҳо, агарда билсанг, бу ном!..

З у л а й ҳ о

...Сен ноз ила имлаган бу гулларга ишонма.
Ишонмагин бу нафис янграган қўшиқларга:
Улар сени, Ал Мансур, ҳалокатга чорлайди...

А л М а н с у р

...О, қабристон миртидан қўшиб ўрма гултожга,
Муҳаббатга кийгизма ногаҳон қора либос.
Сен қурбон қилмоқдасан муҳаббатни, Зулайҳо.
Севгинг ўзи кўксингда ўлмаган ҳали, тирик,
Боқиб турар чароғон кўзларинг ойнасидан;
Севги нафаси эсар латиф, ақиқ лаблардан:
Ҳа, сизларга, қирмизи чинни янглиғ дудоқлар,
Ҳа, сизларга ўрнатмиш шоҳона тахтини ишқ,
Менинг ғамгин қалбимга Сиз қувноқ бошпанасиз.
Онам ўлар чоғида шундай деб айтган эди:
«Ўғлим, менинг бўсамни Зулайҳога етказ сен».

Бир-бирлариз узоқ ва ғамгин тикиладилар. Сўнг тантанали равишда бир-бирларидан бўса оладилар.

З у л а й ҳ о

Бу онанг Фотиманинг ўлимолди ўпичи,
Энди тирик Исонинг ўпичини қабул эт.

А л М а н с у р

Мен симирдим ёқутранг лаблар пиёласидан
Ва севгининг ғаройиб хуш бўйдан бўлдим маст.
Назаримда, ичдим мен алангали бир шароб.
Дил ғуборин аритди, ўт тутатиб жонимга.

(Зулайҳони қучади.)

Йўқ, Зулайҳо, мен сени асло ташлаб кетмайман!
Майли, олтин кўшқини очсин оллоҳ мен учун,
Майли, ҳуру ғилмонлар кўз қисиб имласинлар,
Мен сўзимдан қайтмайман, сен билан қоламан, бас
Ва маҳкамроқ қучаман нозик, хипча белингда.
...Ҳа, мен парвоз қилурман тилларанг қанотларда
Абадий фароғатлар томон...

Узоқдан қўнғироқ садоси ва диний қўшиқ эшитилади.

З у л а й ҳ о

(Чўчиб ўғирилади.)

Е Биби Марям!

А л М а н с у р

Менга ширин ва шодмон хаёллар тўқиб берган
У зарҳал пардаларни шариллатиб ким йиртди?
Нима учун оқариб кетдинг бирдан, азизам?
Оқариб кетди рангинг ҳатто нилуфардан ҳам,
Сўзла, наҳот бизларни ажратмоққа келган шум
Ҳамда ёвуз ўлимни кўрган бўлсанг сен ҳозир?

З у л а й ҳ о

Ўлим бизни ажратмас, аксинча, бирлаштирар,
Бизга фақат тириклик солар ҳижрон хавфини.
Эшитдингми қўнғироқ садосини, Ал Мансур?
Хабар берар:

(Юзини беркитади.)

«Зулайҳо никоҳдан ўтар бугун,
Ал Мансур эмас аммо, ўзга одам унга эр».

А л М а н с у р

Демакки, сен, даҳшатли илонлар маликаси,
Юрагимга даҳшатли заҳарни қуйибсан-да!
Бу заҳар ҳовуридан сўлар гуллар нафаси,
Фавворалар суви ҳам киради қон тусига,
Заҳарланиб ҳаводан йиқилар ҳатто қушлар...
...Йўқол! Йўқол бу ердан! Ҳатто иблис эшитса
Ранги қув ўчадиган қарғишларни биламан.
Агарда мен қарғасам, қуёш қайтар ортига,

Марҳумлар ҳам тирилик чиқадилар тобутдан,
Қарғишимдан инсон ҳам, ҳайвон ҳам дўнар тошга.

(Юғуриб чиқиб кетади.)

Юзини қўллари билан бекитиб турган Зулайҳо бут қаршисига юз-тубан
йиқилади. Черков замзамаси эшитилади; ибодатхона туғи ва иконаларни
кўтариб олган роҳиблар маросими бўлиб ўтади...

А л М а н с у р

(Уйчан пайдо бўлади. Совуқ ва суст.)

...Қадимги эртақларда — тиллакори саройлар,
Чилтор садоларига рақс тушар гўзал қизлар,
Хизматкорлар эғнида ялтирар тўй либоси,
Атиргул ва ёсминлар таратади хушбўй хид,
Аммо фақат биргина сўз айтмоқ кифоядир,
Бир лаҳзада йўқолар бутун сеҳру жозоба!..
Мен ҳам ҳозир бир оғиз сўз билан худди шундай
Гуллаётган оламни чил-чил этдим лаҳзада..
...Ўз қонимиз эмасми кўзимизни тўсиб гоҳ,
Тўқ пушти ёғдуларга тўлдиргувчи ҳавони,
Атиргуллар баргини бир ажиб бўягувчи,
Қизларнинг ёноғига ҳам кўкда булутларга
Қирмизи тус бахш этиб, яна ўз дилимизни
Ҳаяжонлар қаърига ташлагувчи ўшал ранг?
Мана, олдим кўзимдан сеҳрли кўзойнакни —
Кўз олдимда туради шаллақи, нопок олам!
Қушлар сохта чағиллар, қадимги кампирлардек
Оҳ-воҳ қилар дарахтлар; қуёш эса самодан
Шуъла эмас, тўқади аллақандай кўланка;
Фоҳишалар мисоли — гунафшалар бебо;
Чиннигуллар, лолалар ва бошқа турфа гуллар
Ечдилар турли-туман сайлибоғ либосларин,
Ямоқ-ясқоқ кўйлакка ўрандилар бирма-бир.
Хаттоки ўзимда ҳам аллақандай ўзгарини —
Бу қадар хиёнаткор эмас ҳатто қиз хулқи!
Қоқ суякка айланиб адо бўлдим батамом;
Этсиз қовурғаларим аро чийиллаб эсган
Изғирин шамолларнинг туғенидир сўзларим;
Нобуд бўлдим бенишон, ақлим эса бошимдан
Учиб кетди қайгадир, бош чаноғим ичида
Шу боис тўр тўқийди ўргимчаклар хотиржам.
Йиғласам ҳам ичимда йиғлайман фақат, чунки
Тушимда ўғирланган кўзларимнинг ўрнига
Енаётган иккита кўмир чўғин қўймишлар..
...Уравериб бетўхтов ҳориб қолдинг, юрагим!
Бас, энди дам оламиз.

(Кашган дарахти остига ётади.)

Ҳолдан тойдим жуда ҳам,

Мен хастаман, беморман, ҳатто ундан ҳам баттар!
Зеро, барча дардлардан даҳшатлироқ бу ҳаёт;
Фақат даволай олар бизни ўлим, ҳа, ўлим.
У — энг сўнги ва лекин жуда ишончли дори,
Ҳам арзон ҳамда уни қийин эмас топмоқ ҳам.

(Ханжарини чиқаради.)

Ҳ а с а н

(Сездирмай яқинлашади.)

...Сенга оллоҳ мададкор!

А л М а н с у р

(Уни пайқамай, ханжарига мурожаат этади.)

Не деб ғудранмоқдасан?

Бу қийналган юракка санчилмоқ учун, наҳот,
Ўтқир ҳамда заҳарли бир сўзни кутмоқдасан?

Ҳ а с а н

Неки бўлса, ҳаммаси худонинг инояти.

А л М а н с у р

(Ханжарига мурожаат қилишда давом этади.)

Ҳа, ҳа! Ўгитбозликка тушди чоғи ханжар ҳам!
Рост, баъзи насихатгўй сафсатабоз зотлардан
Маънолироқ бўлади ханжарларнинг сукути.

Ҳасан

(Хўрсиниб.)

Ҳей, нима қилмоқчисан, қани, гапир, Ал Мансур?

А л М а н с у р

Э! Сенмисан, қўш оёқли ақлли зот, сенмисан?!
Нечун сенда Ҳасаннинг кўзи, бурни, соқоли?
Ҳасан ё ўзингмисан? Жуда яхши келибсан,
Ажраламиз. Алвидо! Энди мен кетмоқчиман.

(Ханжарини кўрсатиб.)

Шу ингичка кўприкча ўтказиб қўяр мени
Ғам-ғусса ўлкасидан ҳаловат диёрига.
Майли, турсин бу ўлка дарвозаси ёнида
Қўлда қилич тутганча бир баҳайбат барзанги.
Даҳшатлидир у фақат қўрқоқларга, ботирлар
Ўтар улар ёнидан тап тортмасдан, хотиржам.
Ҳа, у ерда чинакам ҳаловат бор, ҳар қалай —
Не бўлса ҳам бари бир — ором бордир чинакам.
Унда йўқ безорижон қилгувчи фингиллашлар,
Унда ғашга тегувчи пашшалар ҳам йўқ ҳатто,
Унда ёрқин ёғду ҳам қамаштирмас кўзингни;
Йўқ унда жазирама иссиқ ёки изғирин,
Ташналик йўқ; муҳими — уйқуда ўтар кундуз,
Тунларни ҳам уйқуда ўтказасан то абад.

Ҳасан

Йўқ, йўқ, ибни Абдуллоҳ, фақат қўрқоқ кимсалар
Ожиз қолур бошига тушганда қайғу, кулфат,
Фақатгина қўрқоқлар даҳшатга тушиб қочур
Ташлаб жанг майдонини; ўрнингдан тур, Ал Мансур!

А л М а н с у р

(Ердан бир каштан ёнғоғини олиб.)

Не сабабдан тушибди ерга каштан ёнғоғи?

Ҳасан

Қуртлар зимдан кемирган унинг нозик бандини,
Кейин у сал шамолга дош беролмай тўкилган.

А л М а н с у р

Қурт кемиргач, меваки шу қадар мўрт бўларкан,
Қандай чидай олади бу ҳолга тушган инсон!

(Юрагини кўрсатиб.)

Энг ёвуз қурт кемириб қуритса мажолини,
Чайқатиб турса уни ночорликнинг шамоли?

Ҳасан

Ал Мансур, тур ўрнингдан! Майлига, жирканч қуртлар
Юраверсин судралиб, тиришиб хок-тупроқда,
Аммо бургут юксакда қуёшга пешвоз учар.

А л М а н с у р

Бургутнинг ҳам сен икки қанотин қирқиб от-чи,
Хокитуроб бўлмасми қулаб бир қурт мисоли!
Умидсизлик айирди мени қанотларимдан,
Болалик чоғларимда мени юксак осмонга
Олиб чиққан қудратли, олтин қанотларимдан...
...Ҳасан, Ҳасан! Бериб тур, қўлларингни бериб тур!

Ҳасан

Майли, Ал Мансур, сенга қўлларимни бераман,
Барча дўстларимнинг ҳам қўллари сенга бўлсин.
Сенинг дур-гавҳарингни тортиб олган у малъун,
Уша очкўз кўшпакни тилка-тилка қилурмиз.
Тур, Зулайхо ҳадемай ўзингники бўлади.

А л М а н с у р туради.

Эшитиб кеча оқшом қилган суҳбатингизни,
Қочмоқ маслаҳатини берувдим, бекор кетди;
Умидсизлик қўлига бермаслик лозим ўзни.
Мен барча дўстларимни чорлагайман бу ерга;
Имо қилсам, бас, улар Алининг саройига
Қутилмаган меҳмондек кирадилар бостириб;
Қайлигингни олиб сен дарҳол йўлга тушасан,

Сузмоққа шай, соҳилда кема кутиб туради?
Кўрқма, тезда қайтади Зулайҳо севгиси ҳам.

А л М а н с у р

Севги! Севги! Ҳа-ҳа-ҳа! Эснаб туриб фаришта
Оғзидан чиқиб кетган бир маънисиз, қуруқ сўз!
Уйқусираб сўнгра у яна бир бор қайтарган.
Сўнгра эса ёш-қари минглаб телба бандалар
«Севги! Севги!» деб бари бақирганлар басма-бас.
Йўқ, йўқ! Энди мен ортиқ қизларнинг ёноғидан
Бўса олгувчи ошиқ бир шаббода эмасман;
Йўқ, энди мен ул қизнинг сочларини тўзгитиб,
Вужудини комига тортгувчи бир бўронман.
Йўқ, энди мен қизларнинг нозик димоғларини
Қитиқловчи бир нафис атир ҳиди эмасман;
Мен энди захарли буғ — тегсам тани қуяди,
Гар ҳидласа бошидан учираман ҳушини.
Чўпон қиз оёғига эркалаб суйкалувчи
Беозор ва мулойим қўзичоқ ҳам эмасман.
Йўлбарсман, бир дарғазаб сакраш билан шу захот
Бурда-бурда қилурман ўз ўлжамнинг этини;
Энди мен Зулайҳонинг жисмин талаб этурман,
Ҳа, мен бахтли ҳайвонман, ҳайвонман энди, холос;
Туйғулардан маст бўлиб, унутгайман энди мен
Тепамизда беозор фалак борлигини ҳам...

(Иккови тез чиқади.)

Али саройидаги зал. Дастурхон атрофида байрамлардагидек ясанган
рицарлар ва хонимлар ўтиришибди. Али. Дон Энрике. Зулайҳо. Аббат.
Созандалар. Хизматкорлар таом тортмоқдалар.

Р и ц а р ь

(Қўлида қадаҳ, ўрнидан туради.)

Мен қадаҳни шоҳона номлар учун олурман:
Кастильялик малика Изабелла соғ бўлсин!

(Ичади.)

Б и р г у р у ҳ м е ҳ м о н л а р
Кастильялик малика Изабелла соғ бўлсин!
(Қадаҳлар жаранги ва карнай садолари.)

А б б а т

Мен табаррук Хименес ҳурматига ичаман!
Отахоним Хименес омон бўлсин то абад!

Б и р г у р у ҳ м е ҳ м о н л а р
Толедолик Хименес омон бўлсин то абад!
(Қадаҳлар жаранги ва карнай садолари.)

И к к и н ч и р и ц а р ь

Мен сўрайман энг яхши тилак учун ичишни:
Келин-куёв соғ бўлсин, ҳамиша омон бўлсин!

(Ичади.)

Ҳ а м м а

Келин-куёв соғ бўлсин, ҳамиша омон бўлсин!
*(Қадаҳлар жаранги ва карнай садолари.
Зулайҳо ва Энрике таъзим қиладилар.)*

Д о н Э н р и к е

Миннатдорман.

И к к и н ч и р и ц а р ь

Нечундир келинпошша индамас?

Д о н Э н р и к е

Дон Клара аслида табиатан камгаплар,
Бугун меҳроб олдида «Хўп» десалар қифоя,
Мен ўзимни дунёда бахтиёр санар эдим.

З у л а й ҳ о

Сеньор, нима учундир кўнглимда бир ғашлик бор.

У ч и н ч и р и ц а р ь

Дастурхонга туздонни ағдариб юбордингиз,
Дон Энрике, яхшилик аломати эмас бу!

Т ў р т и н ч и р и ц а р ь

Ундан ҳам беҳосият бўлар эди мабодо
Шароб тўла қадаҳни ағдарса дастурхонга.

Учинчи рицарь
Дон Карлос майхўрликда жуда устаси фаранг.
Тўртинчи рицарь
Шундай. Биров туздонни билмай ағдарворсаям
Ўз-ўзидан овқати шўр бўлиб қоладиган
Сизга ўхшаш юраксиз бир иримчи эмас у,
Ўз кайфимни сураман ичсам мен, нима қипти!..
Доим кулгим қистайди, эсимга тушиб қолса
Хушёр пайғамбар гоҳо... Ҳа, сеньор, шароб, яъни,
Мен айтмоқчи эдимки, шароб жуда ажойиб...

Али
Педрильо! Ҳой, Педрильо!
Педрильо
Сеньор, мен шу ердман.

Али
Чақир қўшиқчиларни, масхарабоз, ҳазилкаш
Ҳамда барсельоналик ўйинчи исқиртларни.
Чилторчилар ҳам келсин!

Педрильо
Хўп бўлади, сеньор, хўп.
(Педрильо кетади.)

Бешинчи рицарь
(Хоним билан гаплашади.)
Йўқ, сеньора, уйланиш ниятим йўқ сира ҳам.
Хоним

Қўйинг, дон Антоньо, ярашмас сизга ҳазил,
Хонимларга хушомад қилмоқни севасиз-ку.
Бешинчи рицарь
Мирт дейсизми, о, менга у жуда ҳам ёқади,
Кўклиги, яшноқлиги яйратади кўзимни,
Нафис, хушбўй ҳидидан очилар баҳри дилим;
Аммо мирдан ҳеч қачон мен шўрва пиширмайман,
Тановул ҳам қилмайман — ҳаддан зиёд аччиқ у,
Ҳа, сеньора, жуда ҳам аччиқ бўлар шўрваси...

Али
(Эшик томон қараб.)

Энди бир ўйин-кулги қилиб кўнгил очайлик...

Қизикчилар, аскиячилар, ўйинчилар, чилторчилар кирадилар. Ҳажвий балет.

Педрильо
(Ховлиқиб киради.)
...Е оллоҳим! Е Юсуф! Е Исо, Биби Марям!
Келишяпти, ё раббим, оҳ, шўримиз қуриди!

Ҳамма
Ким, кимлар келишяпти?
Педрильо
Ўзимизнинг одамлар!

Ҳамма
Ўзимизнинг одамлар?
Педрильо
Э, йўқ, бизники эмас.
Ҳа, кофирлар. Тоғдаги ярамас исёнчилар.
Этиklarин ечишиб, секин, оёқ учида
Билдирмай келишибди, дод, шўримиз қуриди!

Қуроллар жаранг-журунги эшитилади.
Бир неча рицарь
Қани, келиб кўришсин!
Бошқалар

Қуролланиш керак тез!
Хонимлар даҳшатга тушадилар. Зулайҳо хушидан кетади. Залда тўс-тўполон, шовқин.

Али
Тинчланинглар, сеньорлар, ўтинаман, илтимос.
Жаҳли чиқиб турса ҳам, араблар хонимларга
Валломатларча хушфеъл муомала қилурлар.
Уларни биз — эркақлар бошлаб қарши олурмиз...

Барча рицарлар
(Қиличларини яланғочлашиб.)

Қурол олинг! Биз ҳаёт, ор учун жанг қиламиз!
Қуроллар жаранг-журунги. Ғала-ғовур. Араблар отгиб кирадилар;
уларга Ҳасан ва Ал Мансур бошлиқ. Ал Мансур беҳуш ётган Зулайҳо томон
ўзига йўл очади. Олишув.

Урмон. Узоқдан қуроллар жаранг-журунги ва жанговар нидолар
эшитилади. Даҳшатга тушган Педрильо пайдо бўлади.

П е д р и л ь о

Е тавба! Қандай даҳшат! Тўй-томошани қаранг!
Бор шойи кўйлақлар ҳам ордона қолди энди,
Тортишиб, юлқилашиб парча-парча қилурлар,
Қизил қонга белашур. Энди май ўрнига ҳам
Оқмоқда қип-қизил қон! Мен қўрқиб қочганим йўқ,
Жангчиларга халақит бермайин дедим фақат,
Менингиз ҳам ўзлари бир ёқлик қилишади,
Ана, биз душманларни залдан сиқиб чиқардик!
Аҳ-ҳа!

(Бошқа томонга қарайди.)

Сарой олдида авжга чиқди энди жанг.
У ёқда-чи! Уҳ! Қаранг, ханжарни зўр сермади!

Оҳ, худо урар эди қайтоқи қилич зарби
Агар менинг юзимга шундай келиб урилса!
Ҳув ана, аллакимнинг бурни кесилиб кетди.
О, семиз дон Санчонинг бесўнақай қорнини
Кимдир ёриб кетибди, эҳ, бечора дон Санчо!
Анави қизил кийган валломат ким? Во ажаб!
Испанча либос кийган, аммо ўзи араблар.
Томонида жанг қилар. — Е Исо Масех! Оллоҳ!

(Йиғлайди.)

О, бечора шўрманглай, соҳибжамол Зулайҳо!
Қизил кийган валломат уни елкалаб олиб,
Сўл қўли билан маҳкам ушлаганча, ўнг қўли
Қилич сермаб, кетма-кет чопмоқда испанларни,
Худди қутурган каби... Яраланди чамаси...
Ағнаб тушди! О, йўқ, йўқ! Чайқалиб кетди, холос,
Турди, яна юзма-юз жанг қилмоқда, чекинди...
Мен-чи? О, мен бу гал ҳам йўл беришга мажбурман.

(Кўздан йўқолади.)

Ҳолдан тойган Ал Мансур ўтади. Елкасида беҳуш Зулайҳо. Олиша-олиша
араблар ва испанлар кирадилар. Арабларнинг ҳоли танг. Ҳасан билан Али
даргазаб олишадилар. Ҳасан ярадор. Дон Энрике, Диего ва испан рицарлари
пайдо бўладилар.

Ҳ а с а н

(Иқишлаётиб.)

Оҳ! Насроний, илони чақди мени бешафқат!
Чақди нақ юрагимдан, кўрмадингми, ё оллоҳ?
Йўқ, йўқ, оллоҳ одилдир, унинг иши ҳамиша
Бахт-саодат яратмоқ. — Ҳасанни унутдингми?
О, йўқ, фақат бандаси қобилдир унутмоққа
Худони ҳам, дўстни ҳам, энг яхши қаролни ҳам. —
Али, эсингда борми Абдуллоҳнинг қароли
Кекса Ҳасан? Абдуллоҳ...

А л и

(Даргазаб.)

Ҳа, Абдуллоҳ дердилар

Қўрқоқ, сотқин ва ёвуз ўша қонхўр қотилни,
Мени жудо этди у жондан азиз ўғлимдан.
Ҳа, Абдуллоҳ, Абдуллоҳ — Ал Мансурнинг қотили...

Ҳ а с а н

Абдуллоҳ ёвуз эмас, йўқ, сотқин ҳам эмас у,
Ўғлинг Ал Мансурни ҳам ўлдирмаган Абдуллоҳ!
Йўқ, Ал Мансур шу ерда, у ўлмаган, у тирик,

Зулайхони ўғирлаб қочган қизил кийимли
Валломат Ал Мансурдир...

Али

Ўғлим Ал Мансур тирик?

У шу ерда? Зулайхо... қизил кийган валломат?

Ҳасан

Ҳа, ҳа! Қайтиб бермайди олган ўлжасини у.
Елғон, ёлғон, Абдуллоҳ муттаҳам қотил эмас,
Сотқин эмас, у сендек насроний ҳам бўлмаган.
Мени тинч қўй — кўзимга кўринмоқда ҳур қизлар,
Қора кўзли ҳур қизлар...

(*Ҳузур қилиб илжаяди.*)

Чол Ҳасан ва ёш қизлар!

(*Улади.*)

Али

Танграм, ўзинга шукр! Ал Мансур тирик экан!
Бахти қаро қулингга раҳм қилдинг, о, танграм!
Ҳа, менинг ўғлим тирик! Қани, кетдик, дўстларим,
Бориб уни топайлик! Шу яқин-орада у!
Ўзи учун аталган қимматли қайлигини,
Яъни ўз ўлжасини олиб учмиш у шунқор.

**Ҳамма ҳайратда; фақат дон Энрике ва дон Диего бир-бирларига сўзсиз
тикилиб қоладилар.**

Дон Энрике

(*Йиғламсираб.*)

Не бўлди, дон Диего?

Дон Диего

(*Масхара қилиб.*)

Не бўпти, дон Энрике,

Ҳа, ҳа, дон Энрике дель Пуэнта дель Саурро?

Дон Энрике

Энди нима қиламиз?

Дон Диего

Нима ҳам қилар эдик?

Энди, сенъор, сиз билан иккимиз ажрашамиз.

Омадингиз келмади. Мен эса нақ икки юз

Дукатни харжлаб бўлдим. Пул йўқ. Меҳнатлар зое.

(*Кетади.*)

Дон Энрике

(*Уйчан.*)

Қарз бериб турмасмикан менга дон Гонсальво, а?

(*Кетади.*)

**Тоғ. Қонга беланган Ал Мансур қўлида беҳуш Зулайхо
билан чўққига кўтарилади.**

Ал Мансур

Мадад бер ўзинг, оллоҳ! Ҳолдан тойдим, толиқдим,

Бераҳм сайёд энди пичоғин қайраган дам

Олиб қочдим амаллаб мунис қўзичоғимни.

Қўзичоғим нечундир узоқ ухлаб қолди-ку!

Шўх, ўйноқи кўзлари жуда қаттиқ юмилган,

Жуда қаттиқ юмилган, о, наҳот бир умрга?

Наҳот жон таслим этган менинг бу қўзичоғим?

(*Йиғлайди.*)

Улибди! Ҳайҳот, энди йўқ менинг қўзичоғим!

Эвоҳ, сўнмиш то абад унинг юлдуз кўзлари!

О, қўзичоқ! Мен сени дафн этурман нилуфар,

Атиргул ва бинафша, турфа гуллар ичига,

Ой нуридан гаройиб кафан тўқиб, ўрарман

Тобут ичра жисмингни. Тоғчумчуқлар куйлайди

Сенга видо савтини, ўн икки тиллақўнғиз

Сен ётган оқ тошсупа теграсида кун бўйи

Фахрий соқчи бўлади; ўн иккита ёнарқурт

Тун бўйи порлаб турар дафн шамлари мисол;

Мен эса йиғлагайман тобут узра туну кун.

Зулайхо ўзига келади.

Е тангрим! Нималарга гувоҳ бўлмоқда кўзим!
Сесканди! Қимирлади! Энди унинг кўзлари
Қолмагай, шоҳи парда ичра мангу ёпиғлиқ!
Кўзичоқ ҳам эмас бу, йўқ, Лайли ҳам эмас бу,
Кўз олдимда Алининг қизи, менинг Зулайҳом...

Зулайҳо кўзини очади.

Кўз олдимда намоён бўлди, о, тиниқ фалак!

З у л а й ҳ о

Арши аълодаманми?

А л М а н с у р

Йўқ, ҳозир қайтиб кирди

Жисмингни тарк этган жон.

З у л а й ҳ о

Биламан, ўлган эдим,

Мана, энди сен билан мен арши аълодаман.

(Тевараққа кўз ташлаб.)

Ҳаво қандай соф, енгил; бу ерда ҳамма нарса
Шафақранг бир либосга ўраниб олган. Гўзал!

А л М а н с у р

Ҳа, жоним, биз сен билан нақ арши аълодамиз.

Бир қара, хув пастликда гуллар қандай ранг-баранг,

Гуллар узра учади парвона капалаклар

Ва ўйнаб сочар улар турфа гуллар кўзига

Турфа хил олмос тўзон ва турли хил заррин чанг.

Сой устида виз-визлаб учади ниначилар,

Унинг қизғиш-олтинранг муздай тўлқинларида

Шалоплатиб сузади сонсиз сув парилари...

З у л а й ҳ о

...О, қандайин яхши-я: мен арши аълодаман,

Ҳаммадан қувончлиси, Ал Мансурим ёнимда,

Бунда, арши аълода турфа ёлгон-яшиққа

Энди ортиқ ҳожат йўқ. Мен бемалол: «Ал Мансур,

Жоним, сени севаман!» дея айтишим мумкин.

Уларга шафақнинг сўнгги нурлари тушади.

А л М а н с у р

Билар эдим, сен мени севишингни ҳаттоки

Ўзингдан ҳам ортиқроқ. Буни менга булбуллар

Куйлаб берган эдилар ва етказган эдилар

Атиргуллар хушбўйи, ўйноқи шаббодалар;

Бу муждани кўнглимга қуяр эди тунларда

Зангори китобдаги бежирим зарҳал ҳарфлар.

З у л а й ҳ о

...О, мени кучоғингга олақол тез, севгилим,

Аллагагин тебратиб мени тиззаларингда.

Минг-минг йиллар қолурман, севгилим, сенинг билан,

Ҳаловатдан маст бўлиб мен бу арши аълода...

Олисда қуроғлар жаранг-журунги.

А л М а н с у р сесканади:

Пастда эса — Иблис бор; Қаърдан туриб даҳшатли

Ўкириб таҳдид қилар сокин арши аълога,

Даъват этиб, мен томон чўзади қўлларини.

З у л а й ҳ о

(Чўчиб.)

Титраб кетдинг, сескандинг! Айт, нимадан қўрқдинг сен?

А л М а н с у р

Иблисми ё шайтонми ва ёҳуд одамларми,

Не бўлса ҳам, бари бир — улар интилмоқдалар

Менга, менинг нурафшон жаннатимга бу маҳал.

З у л а й ҳ о

У ҳолда тез қочайлик турфа гуллар очилган,

Капалаклар чарх уриб, сойлар шовуллаётган,

Ниначилар виз-визлаб, булбуллар куйлаётган,

Туман ичра сеҳрли манзаралар қалқиган

Водий томон, ол мени, кучоғингга маҳкам бос!

(Унинг пинжига тикилади.)

Пиримқул Қодиров

Меҳру оқибат

Адабий жараёнга фақат ёзувчиларгина эмас, китобхонлар ҳам фаол иштирок этадилар. Биз «давр талаби», «замона талаби» деймиз. Бу тушунчаларнинг мазмунини аниқлайдиган бўлсак, «китобхонлар талаби» деган маъно чиқади. Чунки замон ёки давр ўзи бевосита китоб ўқймайди. Ҳар бир даврнинг илғор фикри замонавий китобхонлари ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондирадиган янги адабий асарларга ташна бўладилар. Кўпчиликни мамнун қиладиган асарлар ана шу эҳтиёж ва ташналикка жавобан майдонга келади.

«Китобхонлар» деган тушунчани фақат кутубхонага ёзилган ва унинг ўқув залида ўтириб мурожаат қиладиган одамлар давраси билан чеклаб қўймаслик керак, албатта. Энг катта давлат арбоблари ва академиклардан тортиб, энг оддий талабагача хилма-хил касб-корлик миллион-миллион одамлар ўз уйларида ёки ҳордиқ пайтларида яхши кўрган китобларини ўқиш учун вақт топадилар, улардан маънавий озиқ оладилар. Мана шу китобхонлардан айримлари муаллифларга хат ёзадилар ёки учрашувларда уларга мурожаат қилиб, ўзларини ўйлан-тирган масалалар бўйича саволлар берадилар.

Шахсан менга келган хатлар ва учрашувларда берилган саволлар кўпроқ уч-тўртта мавзу атрофида айланади. Ана шу мавзулардан бири — ёзувчиликнинг ўзига тааллуқли. Ёзувчи бўлиш учун, албатта, истеъдод керак, жуда кўп меҳнат қилиш зарур. Булардан ташқари яна нималар керак?

Моддий дунёнинг бор элементлари Менделеев жадвалида кўрсатилган. Агар маънавий дунёнинг барча элементлари учун ҳам

шунга ўхшаш жадвал тузилса эди, ёзувчи бўлиш учун бу жадвалдаги яхши нарсаларнинг ҳаммаси керак, деган бўлардим.

Чунки адабиёт ҳаётни жуда кенг кўламда, бениҳоя хилма-хил кўринишларда, тирик ҳолда ва тинимсиз ҳаракатда кўрсатади. Айни вақтда, адабиёт — бу адаб, одоб, ибрат. Шунинг учун ёзувчи одамларга маънавий озиқ бўладиган, уларнинг қалбини бойитадиган фазилатларни биринчи навбатда тасвирлайди. Тасвирланган ижобий қаҳрамонларда ҳақиқий жозоба бўлиши, китобхон унга ишонishi керак. Қаҳрамон қувонганда китобхон ҳам қувониб, қийналганда унга астойдил ҳамдардлик сезиши керак. Ҳаётда биров бировни севиб қолиши осон эмас. Шунини ўйласангиз, китобда оддий ҳарфлар билан тўлдирилган оддий варақларни ўқиётиб, улар орқали адабий қаҳрамондан таъсирланиш, ундан завқ олиш, уни ҳатто севиб қолиш ҳодисалари кишига мўъжизадек туюлади. Бу мўъжизанинг иккита асосий манбаи бор. Биринчи — ташқи оламда ҳаётнинг ўзида мавжуд бўлган жозоба. Иккинчиси — ёзувчининг ички дунёсидаги фазилатлар жозибаси. Шулар бир-бирига қўшилмагунча ва бири-бирига зарбланиб кўпаймагунча биз юқорида айтган мўъжиза юз бермайди.

Баъзи қаламкашларимиз ўзлари ишонмаган нарсаларни ростга ўхшатиб ёзмақчи бўладилар. Лекин адабиётда рентген нурларини эслатадиган ички зиё бор. Бу зиё ёзувчи яратган асар орқали унинг ички дунёсида нима борлигини кўрсатиб туради. Агар муаллиф офизда кўкка кўтариб мақтаётган қаҳрамонига ўзи ишонмаса, китобхон бунини ўша ички нур ёрдамида албатта пайқайди. Сўхтаси совуқ носамимий асар

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

Редакция таниқли адиб Пиримқул Қодировнинг «Меҳру оқибат» номли мақоласи билан янги рубрика очади: «Диллардан-дилларга» деб аталувчи бу рубрика остида таниқли сўз усталарининг китобхонлар билан жонли мулоқотлари, ўзаро ёзишмалари, суҳбатлари мунтазам равишда ёритиб борилади. Адиблар айрим асарларининг яратилиш тарихи, қаҳрамонларининг тақдир бадиий маҳорат сирлари ҳақида фикр алмашадилар, ҳаётий муаммолар хусусида ўроқлашадилар, айни замонда китобхонларнинг талаб ва истаклари, диди, савияси билан таниша борадилар. Барча адиблар ва журналхонларни дилкаш суҳбатларга фаол қатнашишларини илтимос қиламиз.

китобхоннинг қалбига йўл тополмайди. Иккинчи ният билан катта мавзуларга қўл урадиган, эл оғзига тушган машҳур қаҳрамонларга бағишлаб асар ёзмоқчи бўлган одам ўзининг ички имкониётларини ҳам ҳисобга олиши, катта юк кўтаришга қай даражада қобил, қай даражада табиғатдир кўрганни яхши билиши керак. Ёзувчининг ҳаётга ва адабиётга ҳаққоний муносабати унинг ўзига-ўзи қай даражада тўғри баҳо беришига ҳам боғлиқ. Ўз қадрини билмаган, ўзгани ҳам қадрлай олмайди, деган мақолни сал бошқачароқ тарзда давом эттириб айтиш мумкинки, ўзи тўғрисида ҳаққоний тасаввурга эга бўлмаган одам адабиёт тўғрисида ҳам, ҳаёт тўғрисида ҳам ҳаққоний фикр юрита олмайди. Шунинг натижасида ҳар хил адабиётчилар, қўлидан келмайдиган ишларга урнаб азоб тортишлар юз беради.

Дейлик, сахнада бир вақтлар Аброр Ҳидоятлов ўйнаган Отелло ролини «Келинлар кўзғолони»даги қизиқчи йигитлардан биронтаси ўйнамоқчи бўлса, режиссёр унга «Сиз Отелло бўлолмайсиз, сизнинг имкониётларингиз комик ролларга мос келади» деб тушунтиради. Лекин ёзувчининг режиссёри ҳам — ўзи. У бугунги улкан бир қаҳрамон ҳақида ёки тарихда ёрқин из қолдирган улуг сиймо тўғрисида асар ёзишдан олдин қалбига яхшилаб қўлоқ солиши керак. Ҳаққоний эл-юртга танитган катта жозоба ёки тарихий сиймони улуг қилган олижаноб фазилатлар ёзувчининг қалбига ҳеч бўлмаса уруғ ёки куртак тарзида борми ё йўқми?

Тап шундаки, ёзувчининг қалбига уруғи ёки куртаги бўлмаган инсоний фазилатлар у тасвирлаган қаҳрамон сиймосида униб-ўсмайди. Дехқон ўзида бор уруғдангина экин ўстиргани каби, ёзувчи ҳам ўз қалбига ҳеч бўлмаса куртак, имкониёт тарзида мавжуд бўлган инсоний фазилатлардангина чинакам ишонарли ва таъсирли ижобий қаҳрамон ярата олади. Ҳаётда мавжуд бўлган қаҳрамонлар ёки машҳур тарихий сиймолар жозибасини муаллиф фақат ўз қалбига жозоба кучи билангина мужассам этади. Олов сувдан ёки тупроқдан ёнмайди, балки ўзига ўхшаган оловдан, унинг учқунидан ёнади. Тўғри, ёзувчининг тасаввури ва фантазияси жуда кўп нарсаларга қодир. Тасаввур ва фантазия ижод жараёнида худди мотор каби барча қисмларни ҳаракатга келтиради. Лекин бу моторнинг ўзини ҳаракатга келтирувчи ички олов яна ўша ёзувчи қалбидан чақнаган учқунлар ёрдамидагина ёнади.

Хуллас, ёзувчининг ўз ҳаётида ва ички дунёсида ҳақиқий халқпарварлик, ватанпарварлик, одамийлик, ҳаққўйлик, катта миқёсдаги гражданлик, меҳру оқибат, инсоф, яхши маънодаги дард ва бошқа нодир маънавий бойликлар, фазилатлар етарли бўлмаса, уларни ўз асарида, ўз қаҳрамонлари тасвирида ишонарли ва жозибали қилиб ифода қила олмайди. Ҳатто, ҳаётда учрайдиган салбий ҳодисаларни фош этиш учун ва ёмон одамларнинг иллатларини бадиий образларда ёрқин қилиб ифодалаш учун ёзувчида шу салбий ҳодисалар ва иллатлардан уни чинакам жиркантирадиган, қалбини уларга қарши жунбушта келтирадиган адолат туйғуси, ижодий жасорат ва бошқа фазилатлар бўлиши керак. Бунинг ҳаммаси бир вақтда бир жойга, бир қалбга йиғилиб

келиши — жуда кам учрайдиган ҳодиса. Шу боисдан бўлса керакки, халқнинг чин ихлоси ва меҳрини қозонадиган улкан ёзувчилар истаганимиздан кўра камроқ чиқади.

Инсоний фазилатларга нисбатан китобхон қалбига жўшқин ҳавас уйғотадиган, ёмон иллатлардан эса уни астойдил жиркантирадиган ҳақиқий асарлар ёзувчининг юрак қаъридан отилиб чиққани учун ҳам одамларнинг қалбига тез йўл топади. Китобни ёзувчи ёлғиз ўтириб ёзади, китобхон уни кўлингча танҳо ўқийди. Икки орада тоқо минглаб чақирим масофа, ўнлаб йил фарқ бўлиши мумкин. Лекин яхши асар вақтни ҳам, масофани ҳам тан олмайди. Унинг саҳифаларида адибнинг дили билан китобхон қалби маънавий мулоқотда бўлади. Ҳақиқий ёзувчи ҳар бир асари билан ўз халқига ва унинг энг яхши фарзандларига аталган меҳрини ифода этади. Ёмонликларга қарши қаратилган нафратнинг замирида ҳам яхшиликка бўлган ташналик ётади. Китобхон мазкур асардан қалби бойиб унинг таъсирида бирон яхши сўз айтиши, эзгу ўй ўйлаши ёки бирон олижаноб иш қилиши — шу асардаги меҳрга яраша оқибат кўрсатгани бўлади.

Табиийки, китобхонлар ўзларида қизиқиб уйғотган асарларнинг яратилиш тарихини билишга, нтиладилар. Жумладан, менга келган бир қанча хатлар ва адабий учрашуларда берилган саволлар Бобур ҳақидаги романинг ёзилиш тарихига оид.

Бобур сиймосига қизиқиб менда студентлик пайтимаёқ пайдо бўлган эди. Шарқшунослик факультетининг тарих бўлимида ўқиб юрган кезларимда «Бобурнома» билан илк бор танишиб, ўлмас адибнинг мураккаб тақдир ва ёрқин истеъдоди олдида лол қолган эдим. Ўзбекистон тарихига оид мунозараларда Бобур кўп тилга олинарди. Менинг студентлар ҳаётидан ёзган илк романимда мунозарали мавзулар қаторида Бобур ҳам айтиб ўтилгани бежиз эмас. Бобур ҳақида асар ёзишни илк бор эллигинчи йилларнинг охирида кўнгилга туккан эдим. У пайтда тарихий мавзунинг улкан пирлари Ойбек ака, Шайхзода домла ҳаёт эдилар, «Бобурнинг ҳам балки шу устозлар ёзиб беришар» деган илнжим бор эди. Бир чеккаси, мени уларнинг салобати босар эди. Шу сабабларга кўра тарихий мавзуга киришолмай юрдим. Ойбек ака билан Шайх ака, ҳақиқатан ҳам, Бобурга атаб дoston ва пьеса ёзишга киришган эканлар, лекин улар бу ишни охирига етказишга улгурмай орамиздан кетдилар. Улкан устозлар бошлаган ишни давом эттириш, тарихий мавзу эстафетасини ерга туширмасдан янги марралар сари олиб бориш кейинги авлодлар зиммасига тушди.

1969 йилда бошлаган романим «Бобур» деб аталар эди. Унинг бир неча бобини ёзганимдан кейин китобий манбалардан олган таассуротларим озлик қилаётгани, ҳаётий материал етишмаётгани сабабли ишим тўхтаб қолди. Бобур илк меъморчилик обидасини қурдирган Ушнинг Бувратоғига, унинг ёшлиги ўтган Ахсикент харобаларига, у ялангоёқ кезган Даҳқат, Оксув қишлоқларига бордим. Бобур ҳаётининг энг мураккаб дамлари кечган Андижон, Самарқанд ва Тошкентни қайта-қайта кезиб, бу шаҳарлардаги эски қўрғон дарвозаларининг

қайсиси қаерда бўлганини биладиган одамлардан суриштириб аниқладим.

Бобур даврида яшаган одамлардан бирорбаси ҳозир орамизда йўқ, аммо у кезган водийлар, у ўтган дарёлар, у яшаган шаҳару қишлоқлар ҳамон ўша даврларнинг тирик гувоҳларига ўхшаб турибди. Бобурга замондош бўлган тоғлар, водийлар, дарёлар, шаҳару қишлоқлар бугун бизга ҳам замондошдирлар. Унлаб асрларни бир-бирига яқин қилиб турган ва Бобур яхши кўриб ўз китобида тасвирлаган жойларни мен 1970 йилда Ҳиндистонда, Покистонда: Дехли, Агра, Жайпур, Фатхпур-Секри, Лахор, Қарачи шаҳарларида яқиндан кузатдим. Агранинг Лаъл Қалъаси шундай яхши сақланганки, ундаги қоровулхоналар, девонлар, дарвозалар, кўрғон девори атрофидаги сув тўлдирилган чоҳлар ва уларнинг устидан ўтадиган кўтарма кўприкларни мен ўша ерда биринчи марта кўрдим. Бобур давридаги Самарқанд қалъаси қандай бўлганини Лаъл Қалъа мисолида тасаввур қилиш мумкин бўлди. Қалъа ичидан чиқадиган одам дарвоза ташқарисидидаги сув тўлдирилган чоҳдан осонликча ўтолмайди. Бунинг учун чоҳнинг кўтарма кўприги туширилиши керак. Кўприкни туширадиган узун ва йўғон занжир қудуқнинг ғалтагига ўхшаган ёғочга ўраб қўйиларкан. Шу ғалтакни дарвозахонада туриб айлантириб, занжирни бўшатганларида ташқаридаги кўтарма кўприк аста-секин чоҳ устига тушиб, одамларга, отликлар ёки араваларга йўл берар экан.

Хуллас, бугунгача сақланиб қолган мана шунга ўхшаш жуда кўп тарихий деталлар, жойлар, манзаралар менга етмай турган ҳаётий таассуротлар ўрнини босди-ю, ижодий режа қоғозга равои туша бошлади. Роман асосан 1972 йилнинг қузида ёзиб тугатилди. Ўша йили Ўзбекистон Езувчилар союзига муҳокама бўлди, майқулланди, 1973 йилнинг февраль-март ойларида «Ўзбекистон маданияти» газетасида ва «Саодат» журналларида илк парчалари босилиб чиқди.

Ижодий ишнинг меҳнати ва машаққати қанчалик бўлишини мен шу ромайга кетган йилларим давомида билдим. Бобурга бўлган меҳр менга доим мадад берди.

Бобур ўзи улкан адиб ва сўз санъаткори сифатида «Бобурнома»да батафсил ҳикоя қилган воқеаларни мен романда атрофлича кўрсатмаганим баъзи китобхонларни тааж-жубга солибди. Бир адабий учрашувда «Нега сиз Бобурнинг Кўтали Заррин довоидан, қишда қор кўчкларига қарамай, довюрлик билан ошиб ўтганини алоҳида бир бобда батафсил кўрсатиб бермадингиз?» деган савол тушди. «Бобурнинг Рана Санграм билан қилган жангига алоҳида боб ажратсангиз бўлмасми?» деган ўртоқлар ҳам бўлди.

Бунинг асосий сабаби шуки, Бобур каби улуг адибнинг ўзи шундай ёрқин қилиб тасвирлаган Кўтали Заррин ва Рана Санграм билан бўлган жанг манзараларини такроран тасвирлаб ўтиришга ҳожат ҳам йўқ эди. Мен «Бобурнома»га кирмай қолган ёки адиб бир-икки жумлада қисқача маълумот тарзида айтиб кетган воқеалар ва тақдирларни иложи борида чуқур очишга ҳаракат қилганман. Мен учун Бобур меросига ҳалол муносабат, «тайёрига айёр» бўл-

маслик, аксинча, куртак ҳолидаги имкони-ятларини ижодий меҳнат билан парваришлаб гулга киритиш ва мевасини етилтириб китобхонга бериш — эзгу бир мақсад ва бурч эди.

Энди тарихийлик ва замонавийлик масаласига бир оз тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзи китобхонлар ўйлашадиким, биз, дейлик, шаҳар ҳаётидан асар ёзсак фақат шаҳар берган таассуротларгагина асосланамиз, қишлоқда кўрганларимиз ёки бошқа жойлардан олган таассуротларимиз бунга иштирок этмайди. Йўқ, хотира «омбор»лари бир-бирига туташиб ўлади. Биз қайси мавзуда асар ёзмайлик, қалбимизда бор ҳамма таассуротлар, барча билимлар, фикрлар, ўйлар шунга сафарбар бўлади ва иштирок этади. Масалан, тарихий асар ёзганимизда буни ўқийдиган замондошларимиз, уларнинг эҳтиёжлари, талаблари доимо ёдимизда туради. Биз тарихни, албатта, ҳаққоний кўрсатишга интиламиз, айни вақтда, тарих ҳақиқатларидан бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган, бугунги китобхонни ҳам тўлқинлантирадиган, руҳан бойтадиган, ўйлантирадиган ва сабоқ берадиган ҳақиқатларни саралаб, уларни ҳам ўз юрагимизнинг кўри билан тоблаб, меҳримизга йўғириб кўрсатамиз. Замонавий асар ёзганда, дейлик, «Уч илдиш», «Қора кўзлар» ёки «Олмос камар»ни ёзганимизда менинг кўз олдимда халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида ортирган маънавий бойликлари, яхши анъаналари ёки унга қадимдан чақиртикондай ёпишиб келаётган эски бидъатлар, ёмон урф-одатлар кўз ўнгимдан кетмай туради. Чунки инсон ўзи ҳам табиат, ҳам жамият фарзандидир. Жамиятни эса унинг тарихий илдизларисиз кўрсатиб бўлмайди.

Умуман, реализм, хусусан, бизнинг социалистик реализм ҳаётнинг тарихий-муайян ҳақиқатини революцион таракқиётда кўрсатишга асослангандир.

Академик Конрад бу ҳақда ажойиб бир фикр айтган:

«Адабий ижоднинг асосида тарих машаққатларини қалбдан ҳис қилиш ётади ва буни, айниқса, социалистик реализм принциплари воситасида бутун аниқлиги ва тўлалигича мураккаблаштириш мумкин. Бир вақтлар Маркс ёган эди: «Материянинг энг биринчи ва энг туғма хусусияти унинг ҳаракатидадир — фақат механик ва математик ҳаракатида эмас, бундан ҳам ортиқроқ ички интилишида, ҳаётий руҳият туғенида, ёки, Яков Бёмнинг таъбири билан айтганда, «материя машаққатидадир». Агар материянинг ҳаракати унинг машаққатидан иборат бўлса, одамзоднинг ижтимоий вақт жараёнидаги, яъни тарихдаги ҳаракати бундан беҳад ортиқ даражадаги бир машаққатдан иборат эмасми?»

Одамзоднинг олға қараб қўяётган ҳар бир тарихий қадами жуда кўп қийинчиликларни енгиш ҳисобига бўлаётганлигини ҳозир ҳам ҳар куни кўриб, кузатиб турибмиз. Халқимизнинг жасорати ва қаҳрамонлиги ўз йўлида учраган жуда кўп қийинчиликларни енгиб, ҳар қандай мураккабликларга бўй бермай, янги жамият қураётганлигида яққол кўзга ташланыпти.

Ўтмишга назар ташласангиз ва тарихий сиймолар ҳаётини яқиндан ўргансангиз уларнинг бошларига тушган кўргиликлар,

руҳий азоблар ва машаққатлар ҳадсиз-ҳисобсиз бўлганига минглаб исботлар топасиз. Ҳатто материянинг ҳаракатида мавжуд бўлган ва айниқса, инсон ҳаётига хос бўлган зиддиятлар курашини, олға қараб қадам ташлаш мана шу курашсиз мумкин эмаслигини биз доим ёдда тутишимиз керак.

Баъзи бир қаламқашларга тарихий мавзуда асар ёзиш осонроқ туюлади, чамаси, дуруст бир тайёргарликсиз узоқ ўтмиш ҳақида катта-катта асарлар ёзишга киришилади. Мен ўзимнинг озгина тажрибамга асосланиб, тарихий мавзунинг бениҳоя катта тайёргарлик, меҳнат, масъулият талаб қилишини айтгим келади. Катта тарихий сиймоларга катта маънавий куч ва тайёрлик билан ёндашилмаса оғирлиги билан босиб қолиши, ҳатто майиб қилиб қўйиши мумкин.

Бундан бир неча йил бурун Москвада ўзбек тарихий романлари бўйича махсус муҳокама ўтказилган эди. Ушанда Ойбекнинг «Навой» романидан бошлаб О. Ёқубов, Мирмуҳсин, М. Осим каби ёзувчиларнинг янги тарихий асарлари жуда яхши баҳо олди. Асосий фикр шу бўлдики, халқимиз тарихида бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаган улуг сиймолар бор. Уларнинг маданий мерослари бугун ҳам жамиятимизга хизмат қиляпти. Бу сиймолар орасида Ибн Сино, Беруний, Навоий, Улуғбек, Бобур ва шунга ўхшаган жуда катта тарихий шахслар бор. Бизнинг асарларимизда уларнинг ижодий хизматлари, талантилари биринчи планга қўйилиб тасвирланиши ўзбек тарихий романчилигининг тўғри йўлдан ривожланаётганлигини кўрсатади. Бу ерда замонавий руҳни тарихий материал орқали ифода этиш жуда муҳим. Тарихий асар ҳам замондошларимизни қизиқтиришининг боиси унда ҳозирги кун учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий ҳақиқатлар ифодаланганлигидадир. Демак, замонавийлик билан тарихийлик бир-бирига боғлиқ. Уларни бир-бирига қарши қўйиш англашилмовчиликка олиб келади. Албатта, бизнинг адабиётимизда замонавийлик етакчи ўринда туриши керак. Биз тарих воситасида ҳам замонамизга хизмат қиляпмиз. Фақат шу йўл билан боргандагина тарихий мавзу билан замонавий мавзу бир-бирининг ривожига халақит бермайди, аксинча, бир-бирининг ривожини тезлаштиради.

Китобхон хатларида ва адабий учрашувларда қайта-қайта тилга олинган яна бир мавзу — янги асарларга баҳо беришдаги адолат ва бағри кенглик ҳақидадир.

Халқ манфаатлари нуқтаи назаридан қарасангиз, адабиёт майдонида хилма-хил истеъдодлар нечоғлиқ кўп бўлса ва улар қанчалик ёрқин асарлар ёсса, шунча яхши. Лекин адабиёт майдонида ижодий мусобақа ҳам бўлади. Адабиётда истеъдодлар бири-биридан баҳра олиб, тўп-тўп бўлиб ўсади,

тўлқин-тўлқин бўлиб олға боради. Бу, айниқса, бизнчг бугунги кунларимиз учун характерли ҳодисадир. Илғор танқидчиларимиз буни яхши тушунадилар. Лекин «торлик» қилаётганлар ҳам йўқ эмас. Улар кўнчинча майда-чуйда ҳис-туйғуга берилиб, ўзларининг шахсий манфаатлари кетидан қувиб «торлик» қиладилар.

Ҳолбуки, танқидчилар адабиётимиз соғлигининг посбонлари бўлиши керак. Инсон соғлигида бирон нохуш ўзгариш бўлса, шифокорлар уни холисанлило тадқиқ қилиб, аниқ диагноз қўядилар ва даволайдилар. Шифокорлар фақат касалликни аниқловчи ҳақимлар эмас, балки фазога учадиган космонавтларнинг соғлиги нечоғлиқ яхшилигини, уларнинг жасорат кўрсатишга қанчалик қодирлигини, истеъдод ва заковатлари шу юксак ишончга қанчалик муносиблигини аниқлаб берувчи ҳакамлар ҳамдир. Бу ҳакамларнинг таниш-билишлик, ўртоқчилик ёки бошқа шахсий манфаатларга берилиб иш қўришни ёки фазога учиб қўлидан келмайдиган, бу катта жасоратга қобилияти етмайдиган одамга йўланма беришини тасаввур этиб бўлмайди. Мабодо, шундай бўлганда, бундай ҳакамлар давлат ва халқ манфаатларига хиёнат қилган, фазога учадиган ўша одамга ҳам жуда катта зарар келтирган бўларди. Қисман шунинг учун бўлса керакки, врачлик дипломини оладиган киши кўпчилик олдида қасамёд қилади, унга ишониб топширилган инсон ҳаётига доимо эҳтиётлик билан ёндашишга, ўз манфаатига берилмасликка, тамагир бўлмасликка, инсонга хиёнат қилмасликка сўз беради. Адабиёт ҳам тирик бир вужуд, уни ҳам биз танқидчилар қўлига худди шифокорга ўз жонини ишониб топширган одамдек топшираемиз. Шунинг учун бу тирик вужудга доим эҳтиётлик билан ёндашиш, ўз ишига тама аралаштирмай, ҳалолик билан, жонкуярлик билан хукм чиқариш танқидчининг энг муҳим, энг асосий бурчи.

Ҳозир истеъдодли, билимли танқидчиларимиз аввалгидан ҳийла кўп, ўз бурчи нимадан иборатлигини уларнинг аксарияти яхши билади. Фақат сўз билан ишни, назария билан амалиётни бир-бирига мос қила олсак, ҳаммамиз ўз бурчимизни ўзимиз тушуниб, билиб турганчалик тўлиқ бажара олсак олам гулистон бўларди.

«Улуғ адиблар фақат аввалги даврларда бўлган» деган фикр унча тўғри эмас. Келажакка ишонч билан қарайдиган ҳар бир одам «оққан ариқдан яна оқади», деган халқ ҳикмати нунутмаслиги керак. Жаҳон танийдиган улуг сиймолар ватани — Ўзбекистон яна шундай оламшумул истеъдодлар беришга қодир. Бизнинг адабиётимизда зўр ғайрат билан, фидойилик билан ижод қиладиган истеъдодлар аҳил бўлсалар, ўз кучларига астойдил ишонсалар, бугунитиғоқ ва жаҳон миқёсига дадил интисалар, илгаригада улуғ адиблар яна чиқади, деб ишонамиз.



Маъруф Жалил

ҚУШИҚ ҚАЛБИ

...Кексайиб қолган Алишер ҳассага суяниб кириб келади. Пианино устига териб қўйилган китобларга эгилиб қарайди. Ҳассасини суяб қўяди-да, устига «Шашмақом» деб ёзилган китоблардан бирини қўлига олади. Варақлаб кўра бошлайди. Хуросонда уни ўн икки мақом дейилади. Алишербекнинг ўзи ҳам мусиқа илми ва амалини мукаммал ўрганган (у вақтларда буни билмаган шоир — шоир ҳисобланмасди), мақом йўлларини бир қанча пешрав, нақш ва амаллар билан бойитган, янги куйлар ҳам яратган эди.

Навойнинг нуруний юзларида ғурур аралаш табассум пайдо бўлади. Мусиқа тинглаётгандай, китобдаги оҳангни ичида хиргойи қилиб кўраётгандай аста-аста бош тебратади.

Унинг ёнида машҳур замондошлари — машшоқ-бастакорлардан Хўжа Юсуф Бурҳон, Хўжа Камолиддин Ҳусайн, Ҳофиз Шарбатий, Устод Қулмуҳаммад Удий, Хўжа Абдуллоҳ Садрийи Қонуний, Мир Ҳабибулло Удий, Шайх Нойи, Устод Қутби Нойи, Ҳусайн Удий, Устод Шодийлар пайдо бўлади.

Уларнинг ҳам кўзлари Навоий кўраётган китобда. Ҳаммаларининг қўлларига чолғулари, Мир Алишернинг бош кўтаришларига мунтазир турибдилар. Шу пайт хонага ал-Урмавий, Хўжа Абдулвафойи Хоразмий, Мавлоно Алишоҳ, Муҳаммад Жомий (Абдурахмон Жомийнинг укаси), Биноий, Муҳаммад Ғарибий, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний, Пахлавон Муҳаммад каби мусиқа назарийетчилари кириб келишади...

Улар орасида Исҳоқ Ражабов ҳам бор эмиш. Уй одамларга, мусиқагагина эмас, нурга ҳам тўлиб кетган эмиш «Тасниф» «Гардун»га, «Гардун» «Мухаммас»га уланиб, хазин ва салобатли, жасоратбахш, умидбахш оҳанглар дунёни тўлдириб янграётган эмиш.

Алишербек китобни ёпиб ҳаммага салом берибди-да, Юнус Ражабий ёнига келиб, «балли» дегандай елкасига қўлини қўйибди.

Юнус ака уйғониб кетди. Кекса қалби ёшлик ҳаяжони билан урар, тушнинг сеҳрли таассуроти билан маст эди. Одатдагидек сахармардонгача ишлаган, уйқуға кеч ётган эди. Тонг отганига анча бўлган. Ювнииб олди-да, енгил-елпи нонушта қилиб, акиси Ризқи Ражабийнинг уйига йўл олди. Бугун ҳордиқ куни эди.

Ризқи ака айвонда танбур чертаётган йигитнинг қўлларига қараб ўтирар, баъзан уни тўхтатиб танбех берар, куйнинг сохта чиққан жойини қайта-қайта чалдираб, шунда ҳам кўнгилдагидай бўлмаса, ёнидаги танбурни олиб, ўзи чалиб кўрсатарди.

Ризқи ака укасини кўриб, ўрнидан турмоққа тараддулланди. Юнус ака туришга қўймай, тезгина келиб кўришди. Шогирд бола чойга чиқди.

— Қайси шамол учирди? Тинчмисизлар?

— Тинчлик. Бир кўргим келди, — деди Юнус ака.

Туш кўрганини айтмади. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришганда, Юнус ака сўраб қолди:

— Исҳоқ кўринмайдими?

— Билмадим, институтда иши бор эканми, эрталаб чиқиб кетганди.

Дастурхон ёзилиб, палов келтирилди, «олинг-олинг» қилиб ёйишаётганда, профессор Исҳоқ Ражабов кириб келди. У Ризқи аканинг ўғли. Мақом илми билан шуғулланади. Мусиқашуносликка оид кўп илмий мақолалардан ташқари «Мақомлар масаласига доир»

●●●●●

Халқимизда: «Яхшидан от қолади» деган ибора бор. Ҳа, халқ бундай тағбирни фақат ўзи эъзозлаган суюқ фарзандларига нисбатан муносиб кўради. Ҳар бир даврда кўпчилик манфаати йўлида ором билмайдиган, эзгулик учун ҳузур-ҳаловатидан кечадиган, ўз омоли йўлида бутун куч ва қувватини, ақл ва идрокини, қобилияти ва истеъдодини аямайдиган сиймолар яшаб ўтади. Бундай зотларнинг иккинчи боқий ҳаёти улар вафотидан сўнг бошланади. Энди улар ўзларининг кечирган сермазмун ҳаёти, эзгу ишлари билан халқнинг ёдида мангу яшаб қолади.

Айниқса, Улуғ Октябрь инқилобидан кейин инсон шахсининг

деган китоб ҳам ёзган. Ризқи ака билан Юнус ака ўрта бўйли, тўла кишилар, Исҳоқ ака эса қотмадан келган.

Дастурхон йиғилгач, Исҳоқ ака бастакор амакисига юзланди:

— Кеча мақомларни эшитдим. Китоб билан солиштириб кўрсам, баъзи ноталар узун, баъзилари қисқа бўлиб қолибди. Шуларни яна бир қайта кўриб чиқасизми? Олти томлик чиққани яхши бўлди. Энди яқин-орада яна чиқиши қийин. Шунинг учун ўша хатоларни тузатиб, бирор нарса ёзсангиз.

— Ҳайлаб кўриш керак экан.

— Бу иш минг йилда бир марта бўлди. Олти мақомни тўплаб, китоб қилиб чиқардингиз. Мукаммал бўлиб қолсин, дейман-да. Кейин ўрганишни истаганлар қийналиб юрмаса...

Яна иш топилди. Дунёга келибдики, ишдан боши чиқмайди. Биттасини битирар «битирмас иккинчиси чиқиб туради. Беш жилдли «Ўзбек халқ музыкаси»ни тўплаб нашр эттирди. Кейин «Шашмақом» устида ишлай бошлади. Уни ҳам тўплаб, ҳар бир мақомни бир китобдан қилиб нашрга тайёрлади. Ўзи севган, умрини бағишлаган иши билан шуғулланиш, меҳнатининг самарасини кўриш кишига завқ, куч-қувват бағишлайди. Акасининг уйига келаётганда ўзини янги иш қутиб тургани хаёлига ҳам келмаган эди. Демак, яна кечани кундузга улаб ишлайди. Кўп йиллик меҳнатини поёнига етказиши, уни авлодларга бенеуқсон, мукаммал ҳолда қолдириши керак...

Шуларни ўйлаб туриб, акасига юзланди:

— Бугун Свердлов номли концерт залида мақом кечаси бўлади. Исҳоқ билан бирга боринг.

У пешиндан кейин Ризқи Ражабийнинг уйдан чиқди.

Эрталабки туш, жиянининг гаплари ва ниҳоят, кечкурун бўладиган мақом кечаси ҳақида ўйлаб бораркан, ўтган кунлар эсига тушиб кетди. Ҳа, айтгандай, академияга таржимай ҳол ёзиб бериши керак. Бир бошдан эслаб кетди. 1897 йилда Тошкентнинг Чақар маҳалласида туғилган. Қатортолда отасининг боғи бор эди. Тўйчи Ҳофизнинг боғи уларнинг ёнида эди. Қўшиққа, музыкага муҳаббат балки ана шу боғда уйғонгандир. Машҳур қўшнисининг доғруғи, қўшиқлари унинг ёш қалбига оташ солгандир.

Акаси Ризқи эски мактабда ўқир, дутор чаларди. Мактаб ёшига етган пайтда акаси ёнида юриб «Ҳафтияк»ни ёдлаганди. Эски мактабда ўқиди, акасидан дутор чалишни ўрганди. Кейин кассир, бухгалтер бўлиб ишлади. Ашула, музыка деса ўзини томдан ташлайдиган ишқибоз эди. Қаерда тўй, сайил, тўкма бўлса, шу ерга ҳофиз, машшоқлар келишини билар, қушдай учиб боришни истарди. Қуй ва қўшиқларни ютоқиб тинглар, уларга қўшилиб ичида хиргойи қилар, ўрганар эди.

Опаси Чимкентда қассоблик қилиб юрганда уни ҳам бирга олиб кетган эди, Юнус Ражабий бу ерда машҳур танбурчи Султонхондан танбур чертишни ўрганди. Турғун Алимагов танбур чертганда, Султонхон эсига тушар ва: «Эллик йилда яна бир танбурчи чиқди», деб қўярди.

Бўлажак бастакор 1919 йилда эски шаҳардаги Туркистон халқ консерваториясига (консерватория 1918 йил очилган, музыка билим юрти ҳисобланган) киради. Ризқи акани Муҳаммад қори, шу билим юртига киринг, деб ташвиқ қилган эди. У укасини ҳам бирга олиб келди. Шу ерда Шораҳим Шоумаров ва бошқалардан музыка ёзуви ва назариясини ўрганди. Ўқишни битиргач, ўша вақтда республика пойтахти бўлган Самарқанд шаҳрига ўқитувчи қилиб юборилди. Ризқи ака билан Юнус акани Ҳожи Абдулазиз ўз уйига олиб кетди. Унинг ҳовлисида яшаб, Ҳожи Абдулазиздан мақомнинг жуда кўп йўлларини ўрганди. Бирга тўйларга, сайилларга борди.

...Юнус ака бир кун билим юртига келса, секретарь қиз:

— Ишдан бўшатилдингиз, — деди.

— Нима учун?

— Билмайман. Мана буйруқ. Маорифдан келган.

Шу пайт хонага Ҳулом Зафарий кириб қолди. Ҳеч нарсадан хабарсиздай саломлашди. Унинг ишдан бўшатилганлигини эшитиб, ачингандай бўлди:

— Энди нима қиласиз?

— Кетаман, Тошкентга кетаман.

— Кетасиз, — деди қулиб Ҳулом Зафарий. — Лекин энди шошилиб нима қиласиз.

Юринг, гап бор...

Давлат группаси ташкил қилинган, унга малакали музыка раҳбари керак эди. Юнус ака шу группага музыка бошлиғи қилиб тайинланди. Концерт ва спектакль пайтида



камол топиши учун чинакам ижтимоий шарт-шароит яратилди. Инсон ҳақ-ҳуқуқи тўла-тўқис қарор топган жамиятимизнинг яна бир афзаллиги ана шундадир.

Эл назари тушган кишиларнинг инсоний фазилатлари ҳар бир миллат ва халқнинг маънавий-ахлоқий маданиятини бойитади. Бу туганмас хазина авлодларнинг бебаҳо мулкига айланиб қолади. Биз, бундан кейин журналимиз саҳифаларида «Барҳаёт сиймолар» рубрикаси остида узоқ ва яқин ўтмишимизда ибратли ҳаёти ва фаолияти билан унутилмас ном қолдирган кишилар ҳақида мақола, очерк, эсдалик, эссе ва ҳужжатли қиссалар ёритиб борамиз.

созандалар саҳнага тўшалган ўстакка ўтириб, чолғу чалишарди. Шу йиллар «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» драмалари саҳнага қўйилди. Ундаги ашула куйлари халқ куйларига, мақом йўлларига асосланган эди.

Кейинчалик маълум бўлдики, Юнус аканинг ишдан бўшатилиши Ғулом Зафарийнинг «хйласи» экан. У Юнус акани труппага ўтказиш учун Маориф комиссарлиги билан гаплашган, ишдан бўшатишни илтимос қилган экан...

Юнус ака ўша йиллари Бухорога ҳам борди. «Шашмақом» шу ерда тўлиқ сақланиб қолган эди. Бўлажак бастакор асрлар бўйи мақом наволаридай юксалиб, жаранглаб турган меъморчилик обидаларини кўрди. Самарқандда олган таассуроти яна ҳам бойиди, мақомларнинг моҳияти ойдинлаша бошлади. Меъморчилик билан мақомларнинг ҳамоҳанглиги, бир-бирига муносиблиги, бири ғалаба таронаси бўлса, иккинчиси мағлубият марсиясидай, бири армон садоси бўлса, иккинчиси бахтиёрлик қўшиғидай туюлади. Бири иккинчисини тўлдириб, бойитиб, салобат билан янграётганга ўхшайди...

1926 йилда Ўзбекистон радиоси қошида ансамбль ташкил қилинади. Юнус ака 1927 йилда шу ансамблга бошлиқ қилиб тайинланади. У вақтларда радиостанция Олой бозори ёнида эди. Жой торлиги учун ансамбль эски шаҳардаги «Кўк сирли чойхона» деб аталган клубда машқ ўтказарди. Ушанда ансамблда Ризқи Ражабий, Имомжон Икромов, Мақсудхўжа Юсуфов, Хайрулла Убайдуллаев, Ғулом Мирзаев, Аббор Дадахўжаев, Ориф Қосимов, Назир Ғозиев, Карим Зарипов, Шораҳим Шоумаров сингари чолғучилар бор эди.

Юнус ака радиодаги ишдан ташқари бир неча клуб ва мактабларда ҳаваскорлик тўғарақларига раҳбарлик қилар, ҳаваскорларга най чалишни ўргатарди. Ориф Қосимов, Зокиржон Содиқов каби ҳозирги машҳур бастакор ва машшоқларни Юнус ака «Учқун» мактабидаги тўғарақдан радиого, ансамблга олиб келган ўшанда.

Кейинчалик Тўйчи Ҳофиз, Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдураҳмон Умаров, Сафо Муғанний каби мақом усталари, Назира Аҳмедова, Марям Алишоева сингари хотин-қизлар ҳам ансамблга қўшиладилар. Юнус Ражабийнинг ташкилотчилиги туфайли ансамбль қатнашчилари қирқ кишига етади. Улар ҳозирги Свердлов номи концерт зали ва шаҳар истироҳат боғларида концертлар кўрсатишади.

У вақтларда магнит лентаси йўқ эди. Шунинг учун радиодан бериладиган концертларда созанда ва хонандалар бевосита иштирок этишарди. Эрталаб соат олтида бериладиган концертларга вақтида етиб келиш керак. Ансамбль ходимлари шаҳарнинг ҳар томонида туришарди. Транспорт масаласи ҳам ҳозиргидай эмас эди.

Бир куни концерт бошланди. Диктор Тўйчи Ҳофиз «Ушшоқ» ни ижро этишини эълон қилди. Лекин Ҳофиз йўқ. Шунда Юнус ака созандаларга «чалаверинглар» деб имо қилади. Тўйчи Ҳофиз йўлини жуда яхши эгаллаган Юнус ака устозига ўхшатиб айта бошлади. Бирпасдан кейин Ҳофиз келиб қолди ва ашуланинг давомини ўзи илиб кетди...

Бир куни Абдулла тароқ ашула ижро этаётган эди. Микрофон ишлаб турибди. Катта авжга келганда Абдулла «тароқ»нинг овози етмай қолди. Шунда Юнус ака дарров авжни илиб олди ва ҳофизни ҳижолатдан қутқарди...

Шу йилларда у «Ёшлар марши», «Комсомол марши», «Ўртоқлар», «Вайналминал» сингари маршлар, «Ғалаба» (Уйғун шеъри) «Гулбоғлар» (Ҳабибий шеъри), «Фабрика яллеси» каби кўллаб замонавий қўшиқлар ёзди. 1938 йилда Ражабий Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлди.

Уруш даврида у Янгийўлдаги музикали драма театрида ишлади. Уруш тамом бўлгач, артистларнинг ярми Янгийўлда қолди, ярми Тошкентга келди.

...Ражабий акаси Ризқи Ражабий билан Қатортолдаги отамерос боғда деҳқончилик қилар, Ҳожи Абдулазиз, Домла Ҳалим, Тўйчи Ҳофиз ва бошқа устозлардан ўрганган мақомларни қозоғга туширар эди. Халқ қўшиқларини ҳам тўллаб, анчасини нотага кўчирган, қачондир уларнинг босилиб чиқишига, концерт ва томошалардан ўз ўрнини топишига ишонарди.

Бир куни шаҳарга тушганда Тамарахонимни кўриб қолди. Довруғли артистка ҳамшагидай қувноқ табассум қилиб, салом берди, ҳол-аҳвол сўради. Бунинг устига: «Кечқурун уйимга келинг», деди. Унинг туғилган куни экан.

Юнус ака кечқурун Тамарахонимнинг уйига борди. Меҳмон кўп. Дастурхон тўкин. Дўстлар билан чаққақлашиб, кўнгли ёзилди.

— Сиз бойсиз, — деди Тамарахоним. — Сизнинг хазинангиз бор. Шунга чиқарсангиз бўлмайми? Мен қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан.

Шу воқеадан кейин нашриёт санъат бўлимининг муҳаррири Тўраҳон Мирзаев Юнус аканинг қўлэмаларидан икки юз элликка яқин куйни саралаб оли. Бу «Ўзбек халқ музикаси»нинг биринчи жилди эди.

Юнус ака бир оз вақтдан сўнг яна радиого таклиф қилиниб, ўзи ташкил қилган ансамблга раҳбар этиб тайинланди. Шу йили кузда ансамбль билан Бирга Сирдарё райони-га пахта теримига чиқди. Радионинг хори ҳам шу ерда эди. Кечқурунлари шийпонда ўз-ўзидан концерт бошланиб кетар, кун бўйи пахта терган машшоқ ва ҳофизлар қордиқ чиқаришар эди. Шундай оқшомларнинг бирида юзлари оппоқ, қош-кўзлари қоп-қора, ўн олти-ўн етти ёшлардаги қиз қўшиқ айтди. Овози ширали, жозибадор, нафаси узун эди. Бу — Берта Давидова эди.

Гаплашиб кўрди. Хорга яқинда келган экан. Уни ўз ансамблга таклиф қилди. Ёшига муносиб шеър танлаб музика ёзди ва унга ўргатди. Юнус ака ҳар кимнинг ёшига қараб қўшиқ танларди. Хонанда ана шунда қўшиқ мазмунини чуқур тушунади ва юракдан берилиб ижро этади...

1953 йилда унга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди.

Уша йиллари «Шашмақом» масаласида тор доирада мажлис бўлди. Унда етакчи бастакорлар, музикашунослар қатнашди. «Ўзбек халқ музикаси» га унинг анча қисмлари киритилган, бешинчи жилди Бухоро мақомларига бағишланган. «Шашмақом» ни тўлиқ ўрганиш, мукамал нашрга тайёрлаш керак эди. Бу ишни ким бажаради? Бу саволга ҳеч ким жавоб бермади.

Кимдир журъат қилиб Юнус Ражабий номини айтди.

Бошқа бир музикашунос эътироз билдирди:

— Саводсиз одам-ку. Қўлидан келармикан!

— Урта Осиё консерваториясида ўқиган, Москва консерваториясида ҳам таълим олган. Бундан ташқари «Ўзбек халқ музикаси» ни тўплаган, қанча қўшиқ, куй ёзган, ўнлаб драмаларга музика басталаган одам саводсиз бўладими? — деди суҳбатдошлардан бири. — Биз Ражабийнинг бу ишни удаллашига ишонамиз.

Шундан кейин у мақомнинг қўлидаги тайёр бўлимларини тўплаб, етишмаган бўлим ва шахобчаларини ёзиб ола бошлади.

Уртаосиёлик олимлар музика тарихи ва назарияси ҳақида жуда кўп рисоалар ёзишган. Ана шундай олимлардан бири Форобий эди. У тўққизинчи асрдаёқ музика ёзувини ихтиро қилди. Унга қадар ҳам нота ёзуви яратишга уриниш бўлган, лекин улар орасида Форобий яратган нота анча мукамал эди. Унинг «Китоб-ул мусиқий алкабир» асарида нота ёзуви жадвали берилган. Бу жадвал беш қисмдан иборат. Унда йигирма олти хил товуш қатор гаммалар берилган. Товуш қаторларининг ўрта погоналаридан бошланадиган ҳаракати «муҳтамал» деб аталади. «Муҳтамал» бўлганда товуш қатор юқорига ҳам, пастга ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Товуш қаторларининг ҳаракати ҳар хил бўлади. Масалан, «Роже» — қайтарма ҳаракат, «муттасил» — тўхтовсиз ҳаракат, «тафир» — сакрама ҳаракат, «лоҳиқ» — ёндаш товушларнинг бирин-кетин келган вақтдаги ҳаракати, «маҳалл» — товуш қаторларнинг бирор погонасида ушланиб қоладиган ҳаракат, «мутавотир» — такрорий ҳаракат.

Музикашунос Исҳоқ Ражабовнинг ёзишича, жадвалдаги товуш қатор погоналари у д пардаларига қўйилган ҳарфлар билан ифодаланган бўлса ҳам, ижро вақтида унда температура қилинмаган диатоник товуш қаторлар ҳам кўзда тутилган. Унда у д пардаларида ишлатилмайдиган ҳарф(белги)лар ҳам учрайди.

Бу система шарқ музика ёзувининг кейинги тараққиёти учун катта хизмат қилди. Ибн Сино Форобийнинг музикаий-эстетик қарашларини ривожлантириб, уни яна ҳам юқори поғонага кўтарди ва музика назарияси масалаларига кўп аниқликлар киритди.

Буюк ўтмишдошлар ишини озарбайжонлик машҳур олим ва бастакор Сафиуддин Абдулмўмин ал-Урмавий (XIII аср) поёнига етказди. У шарқ музика назариясига, нота яратиш ишига катта ҳисса қўшди — ҳарфли нота ёзувини ихтиро қилди. У оддий ҳарфлар, доира усули ва рақамлар ёрдами билан нота ёзувини ўқиш имкониятини яратиб берди.

Бу нота ёзуви табулатуранинг бутун белгиларига мос келади. «Ал-Урмавий системаси, — деб ёзади Исҳоқ Ражабов, — Ғарб табулатурасига нисбатан мукамалроқ, унда куй ва ашула йўлига хос бўлган ҳамма элементлар ўз аксини топган. Бу ёзув ҳам у д созига асосланиб ишланган».

Шундан кейин Навоий замондошлари ҳам, бухоролик Дарвеш Али ҳам бу соҳада кўп иш қилдилар. XIX асрнинг иккинчи ярмида олим ва бастакор Комил Хоразмий ҳам нота ёзуви устида иш олиб борди. Товуш бандлиги танбурнинг ўн саккиз пардасига асосланган танбур нотасини иход қилди...

Машина тўхтади. Юнус ака енгил қалқди, кўзи ярқ этиб очилгандай бўлди. Машинадан тушиб уйига кирди. Хонасидаги пианино устида турган китобларга кўзи тушганда, кўрган тушини яна эслади. Назарида Алишер Навоий варақлаб турган китобни жойига қўйиб, қаердадир ўтиргандай, ҳозир бир нима деб гапириб қоладигандай туюлди.

У бугун ўзини енгил ва тетик ҳис қилар, кайфияти жуда яхши эди. Эшикдан салом бериб кириб келган ўғли — Ҳасан кўзига Дарвиш Али бўлиб кўринди.

Кечга яқин ота-бола Свердлов номли концерт залига боришди. Одам кўп. Кўча каттакичик машиналарга тўлиб кетган. Юнус ака бундан жуда хурсанд. Лекин билетлар аллақачон сотилиб бўлинганни, бу одамларнинг кўпчилиги билет тополмай бирор иложи топилиб қолармикин, деб томошадан кўнгил узолмай юрганани билмас эди. Баъзи газеталарда чиққан эълонни, шаҳарнинг ҳар жой-ҳар жойига ёпиштирилган афишаларни кўрган одамлар аллақандай гурур ва қизиқиш билан мақом кечасини кўришга интиларди. Уларнинг билет етадими-йўқми, залда жой топиладими-йўқми, бу билан иши йўқ. Ҳар ҳафта радиода, ахён-ахёнда телевизорда парчалар бериладиган мақомни ўз қулоқлари билан эшитгиси, мақомчиларни ўз кўзи билан кўргиси келади. Концертга киролмаганлар армонда, кирганлар эса бахтиёр эди. Шу куни концертни кўрган кексалар кўп гапларни эслашди, ёшлар кўп нарсани тушунгандай, сеҳрли оҳанглар мазмунида халқимиз заковатини ҳис қилгандай, юрак ва ақлларида янги шуълалар порлагандай бўлди. Саҳна гулларга, зал олқишларга тўлиб кетди.

Бу одатдагидай концерт эмас, санъат байрами, ўз халқини, тилини, ўтмиши ва келажакини, ҳозирги фаровон ҳаётни севган авлодлар байрами эди. Давр бўронлари, қонли жанг шовқинлари, тарих кўчаларида минг бир балога гирифтор бўлиб, зулм ва хўрлик, зафар ва мағлубият изтирбларидан мардона ўтиб, ўз шинавандаларини, талабгорларини топган мақом байрами эди. Юнус ака буни ҳис қилди. У мағлубиятдан эсанкираб, муваффақият шов-шувидан ўзини йўқотиб қўядиган ёшда эмас эди. Томошабинлар қувончини яхши тушунар, ўзининг бундан кейин қиладиган ишлари ҳақида ўйлар эди.

Исҳоқ бекорга гапирмайди. Концертга келиш олдидан «Ўзбек халқ музикаси»нинг айрим жилдларини varaқлаб, баъзи мақом йўлларига кўз югуртирган, бунга амин бўлган эди. Ҳаммасини жиддий кўздан кечиришга, фикрларини тўплаб ишга киришишга аҳд қилиб қўйди. Ҳасанбой бу ишда ёрдам беради. Котиблик қилади. Университетнинг филология факультетини битирган, гап тузишни, қандай ёзишни яхши билади.

Ихчамгина, озода хона. Тўрда, дераза яқинида китоблар билан тўла жавон. Уртада, бахмал тўшалган стол устида чойнак-пиёла. Қўйроқда қора рангли пианино ва стул. Юнус ака бир неча кўндан бери «Шашмақом» китобини синчиклаб кўздан кечириш, нашрда йўл қўйилган хатоларни белгилаш билан банд. Кундузи ансамбль билан ишлаганда ҳам кўпроқ шунга эътибор беради. Ишдан кейин баъзи поталарин пианинода чалиб кўради ва белгилаб қўяди. Шу орада мақом ҳақида, мақомдон устозлар ҳақида ва китобда йўл қўйилган камчиликларни тугатиб, кўп йиллик меҳнатга яқин бўладиган янги китоб ҳақида ўйлайди. Бу китоб ўзининг сўнгги асари бўлиб қолиши хаёлига ҳам келмайди. Шам янги ёқилганда қандай порласа, сўнишига яқин қолганда ҳам шундай порлайди. Умри тугаб бораётганини, бирпасдан кейин ёниб адо бўлишини билмайди.

Китобга «Шашмақом сабоқлари» деб ном қўйди-да, Ҳасанга айтиб турди. Шундай қилиб китобнинг бағишлов қисмлари қоғозга тушди. Кейин музика ва ашула сўзларининг куйланишидаги камчиликлар ҳақида, уларни қандай ижро этиш ҳақида сўз юритилди. Фикрлар куйилиб келар, аниқ ва пухта ифода этилар эди...

Орадан ойлар ўтди.

Бастакор жуда толиққан, уйдагиларнинг «Бўлар энди, дам олинг», дейишларига қарамай, столга суяниб тинимсиз ишларди. Ўзи ҳолсизланса ҳам, овози зўрға чиқса ҳам ҳофизаси яхши ишлар, лўнда ва аниқ фикрларди.

1976 йилда Юнус ака яна хасталаниб, ётиб қолди. Республикамиз жамоатчилиги яқин кўнларда унинг 80 ёшини нишонлаши, аниқроғи, май ойида юбилей ўтказилиши керак эди. Ўзи рақ касаллари шифохонасида ётибди. Мухтор Ашрафий, Комилжон Отаниёзов, Урол Тансиқбоев каби аллома санъаткорлар йўқ. Тугилганда ота-онаси-ю, қариндошлари севинган буюк санъаткорлар вафот этганда бутун республика, Урта Осиё халқи аза тутди.

Юнус акани кўришга фарзандлари, ёру биродарлари, санъаткор дўстлари ва шоғирдлари келиб турарди. Ориф Қосимов билан Ориф Алимахсумов келганда, ўзи тетик кўринса ҳам: «Энди умид йўқ», деди.

— Орифжон, энди ансамбль сиёга қолади. Сиз уни бошқарасиз. Ҳамма мақомларни биласиз. Шунинг учун кўнглим тинч.

— Ундай деманг, уста, ҳали кўп яшайсиз. Урганмаган нарсаларим кўп, — дея кўнгли олишга ҳаракат қилди у.

Апрель ойи эди. Ҳаво очик, Ҳамма ерда баҳор нафаси кезади. Табиат алақачон ўйгонган, куртаклар ранг олиб, етилиб қолган, баъзи хонадонларда бодомлар гуллаган пайт. Кечқурун бирпасда осмонни қора булут қоплади. Шаррос ёмғир қуйди. Кучли шамол туриб, шаҳар кўчаларидаги кекса дарактларни қулатиб, баъзиларининг шохларини синдириб юборди.

Эрталаб Юнус Ражабий вафот этгани ҳақида хабар тарқалди. Шафқатсиз ўлим устоз санъаткор, донишманд инсонни тириклар сафидан юлиб олди.

Истеъдодли шоғирдлар ишни устозлар бошлаган жойдан эмас, устозлар тамомлаган жойдан бошлайди. Бунинг учун жуда кўп нарса керак.

Улуғ одамларнинг бахти шундаки, жамият ва халқ учун, маълум соҳа учун жуда зарур вақтда дунёга келади. Ўз иқтисори ва нима қилиши кераклигини вақтида ва беҳато англаб етади. Бунга уни шароитнинг ўзи ҳам ундайди. Юнус Ражабий Самарқандга келгач, Ҳожид Абдулазиздан мақомнинг янги-янги куй ва усулларини ўрганди. Унинг бахтига суяги мақомдонлик билан қотган Ота Жалол, Ота Ғиёс, Леви Бобохонов, Қори Камол сингари алломалар ҳаёт эди.

У сочилиб ётган ижоди дурдоналарини бир жойга тўплади. Бу йўл билан у ўзбек халқини катта ва оғзаки ижоди бой халқлар қаторига қўшди. Шашмақомни қатрама-қатра йиғиб, ўз ансамбли тажрибасидан ўтказиб, қоғозга туширди. У фақат ёзиб олувчи ва тўпловчигина эмас, қанча усуллар, нақшлар қўшиб бойитган новатор ҳамдир. Ана шунинг ўзи ҳам уни халқимиз буюк фарзандим деб фахрланишига, давримизнинг салоҳиятли бастакори деб миннатдор бўлишига арзийди.

Аммо Юнус Ражабий бундан ташқари юздан ортиқ куй ва қўшиқ яратган, «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Муқанна», «Зайнаб ва Омон» каби қатор драма ва операларга музика басталаган сермаҳсул ижодкордир. У халқимизга жуда бой ижодий мерос қолдирди. Ана шу ўлмас ижоди билан халқимиз қалбига абадий яшайди. Унинг музика мероси ёрқин шуълалар бўлиб авлодлар кўнглига кириб боражак.



Табиат шоири



Урол Тансиқбоев туғилган кунга 80 йил тўлди

Кўп қаватли тураржой бинолар орасида гишт девор билан ўралган шинам уй қад кўтарган. Деворда мрамар лавҳага «Бу уйда 1967—1974 йилларда ЎзССР халқ рассоми, СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев яшаган» сўзлари битилган. Бу бинода атоқли совет санъаткорининг уй-музеи ташкил этилган. Музейдаги экспонатлар туфайли машҳур рассом ижоди ва ҳаёти билан танишгани, устахонани зиёрат қилгани санъат шайдолари мамлакатимизнинг узоқ-яқинидан оқиб келиб туради. Буни кўрган ҳар бир санъат ихлосманди Тансиқбоевнинг ҳақиқий халқ рассоми бўлганига ишонч ҳосил қилади. «У ижодининг илдизлари она ер замирида ётган, оддийроқ қилиб айтганда, ўз халқи билан чамбарчас боғланган бахтли санъаткорлардандир». Урол Тансиқбоев ҳақида чин юракдан чиқариб гапирилган бу сўзлар ўзи ҳам барчага ибрат бўладиган даражада она ер, Ватан билан бутун вужуди ила боғланган улкан совет рассоми Аркадий Пластовга тааллуқлидир.

Ҳақиқатан ҳам Тансиқбоев ижоди халқчилик хусусиятларига бойдир. Чунки унинг асарларида халқ яшаган дийр қиёфаси, унинг ўзига хос чиройи, қайтарилмас гўзаллиги, халқ меҳнати ва иродаси туфайли яна яшарган ўлка ёрқин ва ифодали, ўзига ром қиладиган жозибали тасвирий воситаларда намоён бўлади.

Урол Тансиқбоевни ўлкамиз куйчиси, табиатимиз шоири деб аташган. Дарҳақиқат, бу санъаткор ўзининг полотноларида табиатимиз манзараларини чуқур шоирона руҳ билан сугориб, гўзал қиёфада тасвирлар эди. «Болалик ва ўспиринлик дамларимда бошимга кўп ғам-ғусса тушган. Шунинг учун ғамгинликни хуш кўрмайман. Ўз асарларимда меҳнатнинг гўзаллиги ва шодлигини куйламасдан тура олмайман», деб ёзган эди рассомнинг ўзи «Замонамиз эртаклари» сарлавҳали мақоласида.

Ишчи оиласида ўсган Урол Тансиқбоев ёшлигидан оғир меҳнатга ўрганди. 1916 йилда рус-гузем мактабини битиргач, расм чизиш машқини давом эттириш билан бир қаторда тамаки фабрикасида, сўнг вино заводларида ишлади. Меҳнат қадрини ёшликдан билди, шунинг учун рассом умрбод тинмай ишлади, ижодда ҳам тер тўкиб изланди.

Расмга, тасвирга қизиқиш Уролда ҳали

мактабда ўқиб юрган чоғда ниш урган эди. Қишлоқ хўжалик техникумида таълим олган кезларда Уролнинг расм чизишга кучли иштиёқи, ажиб истеъдодга эга бўлганлигини расм муаллими Ярослав Федорович пайқаб қолиб, маслаҳатларини ундан аямади... Вино заводида ишлаб юрган йилларда расм чизишга берилиб, тинмай этюдлар ишлашини билган ишчилар коллективи ҳам санъаткорнинг орзусига мададкор бўлади, бўлажак рассом асарларининг кўрғазмасини уюштиради, ўқишга юборишни тавсия этади.

1924 йилда Урол Тансиқбоев шаҳар санъат музейи қошида ташкил этилган тасвирий санъат студиясига ўқишга қабул қилинади. Бу ерда Урол улуг рус санъаткори И. Репиннинг шогирди Н. Розанов қўлида тўрт йил таҳсил кўради. Ўқиб йиллари ҳамкасби А. Подковиров билан танишади. Бу рассом Тансиқбоевнинг санъаткор бўлишига ижобий таъсир қилганлардан эди.

1928 йил Ў. Тансиқбоев дўсти А. Подковиров билан Пензадаги бадиий-педагогика билим юртига ўқишга кирмоқчи бўлиб боради. Поезддан тушган захотиёқ ҳовлиқиб-шошиб билим юрти канцеляриясига борган Уролнинг аризасини қабул қилишмайди. Чунки унинг кимлиги, қаерданлиги ҳақида ҳужжати йўқ эди. Тансиқбоевнинг бахтига Пензага В. И. Ленин сафдоши — маориф халқ комиссари А. Луначарский келган эди. Бундан хабар топган Урол Луначарский ҳузурига боради, аҳволни тушунтиради. А. Луначарскийнинг қуйидаги сўзларидан кейин Тансиқбоевни ўқишга қабул қилишади: «Инқилоб Туркистонни янги ҳаётга чорлади. Ешлар илмга интиломқда, улар жаҳон маданиятининг ютуқларидан баҳраманд бўлмоқчи. Бу йигит биринчи қалдирғочлардандир. Шунинг ўзи «справка» эмасми?!»

Бир йил мобайнида (чунки Тансиқбоев билим юртининг охири курсига қабул қилинган эди) Урол таниқли рус рассоми Горюшкин-Сороконудов ва Федоров қўлида ўқиб, рус реалистик ва Ғарбий-Европа замонавий тасвирий санъати тажрибаси билан танишиб чикди, профессионал рассом бўлиб етишди.

Тошкентга қайтиб келгач, Урол Тансиқбоев фаол ва тинимсиз ижодий ишга шўнғиб

кетди. Деворий расмлар учун эскизлар, колхоз дала шийпонларини расмлар билан безатиш, инкилоб ғалабаси, граждaн урушининг қахрамонлиги, совет кишиларининг меҳнат зафарларини ифодаловчи йирик асарлар яратиш билан банд бўлди. Бу расмларда дунё бадий маданиятининг чўққиси бўлган қадимги рус икона, Италияда Уйғониш даврида ижод қилган буюк санъаткорлар, таниқли француз рассомларидан Сезанн, Гоген, Пикассо тажрибасидан ижодий фойдалангани сезилади. «Рассом учун ўз мавзуини топиб олиш муҳим омиллардан биридир. Мен эса ўз мавзуимни қидириб ўтирмадим, чунки уни она ер ўзи топиб берди, — деб эсларди У. Тансиқбоев. — Даставвал менинг қўшигим фақат ўлкамининг гўзаллиги ҳақида эди. Кейинчалик халқимиз чўлу биёбонлар қиёфасини ўзгартириб, тўғонлар, янги шаҳарлар бунёд этиб меҳнат қилган йиллари, гуллаб-яшнаган замонамиз ҳақида ҳикоя қилишдан иборат асосий мавзу ҳам пайдо бўлди». Ҳақиқатан ҳам рассом 30—40-йилларда яратган полотноларни кўрсангиз, уларда ўлкамининг ўзига хос кўриниши, ранглари, бўёқлари, табиати, гўзаллиги ва ранг-баранглиги тасвирланган. «Урол денгизи», «Чирчиқ водийси», «Тоғ колхозида», «Баҳор», «Тоғда куз» сингари асарлар шулар жумласидандир.

Урол Тансиқбоев ижодининг асосий хусусиятларидан бири — борлиққа, табиатга шоир кўзи билан қараш, шоирона руҳда ифодалаш эканлиги «Иссиққўлда оқшом», «Тоғда куз» каби полотноларда очиқ-ойдин намоён бўлди.

50-йиллардан бошлаб Тансиқбоев ижодида секин-аста бурилиш, ўзгариш юз берди. Рассом асарларида диёримиз табиати салмоқли, монументал шаклда, эпик ва романтик руҳда, бадий умумлаштирувчи образларда ифода этилади. Бундай полотнолар гоёвий-бадий салмоқли, теран мавзули поэма, симфония даражасига кўтарилган асарлар бўлиб, камер куйлар ўрнини эгаллади, санъаткорни гражданлик, ватанпарварлик бурчини тўлароқ ифода этадиган асарлар бўлиб чикди. «Тўғри, шаҳар кўчаларининг оқшомги манзарасига хос самимий гўзаллиги, кўл ёнида унинг ойнасига маҳлиё бўлган дарахтнинг нозик, сирли кўриниши, тоғ жилғалари сувининг жарангдор овози ҳам менга жуда ёқади, кўнглимга жуда яқин. Лекин Ватаним гўзаллигини совет кишилари жасоратининг улғурлигини табиат манзарасини кенг ҳажмда, чуқур

мазмунли образларга эга бўлган, ҳаёт сингари бепоеён, эпик композициялардагина ифодалаш мумкин», деб ёзган эди Урол Тансиқбоев ўз ижодидаги бурилиш сабабини тушунтирмакчи бўлиб. Бундай полотнолар рассом ижодий йўлининг сўнгги ўн-ўн беш йиллик даврига мансубдир. Дастлабкиси эса 1957 йилда яратилган бўлиб, «Қайроққум ГЭСининг тонги» деб аталган эди. Бу монументал асардан кейин Урол Тансиқбоевнинг номи ва шуҳрати фақат республикада, қолаверса, бутун совет Ватанимиздагина эмас, чет элларда ҳам машҳур ва маълум бўлди, чунки бу асар учун санъаткор СССР Бадий академиясининг кумуш медали ҳамда Брюсселда ўтказилган Жаҳон кўрғазмасининг кумуш медали билан тақдирланди. Келгуси йил эса Урол Тансиқбоев СССР Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси қилиб сайланди.

Рассомнинг «Қайроққум ГЭСининг тонги» манзарасидан сўнг республика ва Бутунитифоқ бадий кўрғазмаларида «Ўзбекистонда март», «Тоғдаги қишлоқ», «Бука кенгликлари», «Сирдарё», «Чордара сув омбори», «Менинг қўшигим» ва қатор бошқа эпик асарлари намойиш этилди, санъаткор шуҳратига яна шуҳрат қўшилди.

«Мен доим Левитан манзараларини зўр ҳаяжон билан қузатаман, — деб ёзган эди Тансиқбоев. — Ҳали ҳеч ким бу нозик ва ҳаяжонли уста маҳоратига тенглашиб, ўз Ватанига бўлган муҳаббатини бу қадар шоирона, чуқур ва самимий ифода этгани йўқ». Ута камтарлик! Рассом ҳали ҳаёт вақтида замондошлари уни улғу рассомлар қаторига қўшишган эди. Санъат мухлислари Россия манзараларининг кўринишларига «Левитан манзараси», «Левитанчасига кўриниш» деган муносабатда бўлса, замондошларимиз «Тансиқбоев манзараси» деган иборани ишлатишади. Бунинг ўзи санъаткор ижодига берилган катта баҳодир.

Урол Тансиқбоев ҳақиқатан ҳам совет санъатининг классикларидан биридир. У ҳақда китоблар, монографиялар ёзилган, альбомлар нашр этилган. Кичик мақолада эса унинг ижодига тўла-тўқис баҳо бериш мушкул, албатта. Рассомнинг ўз сўзи билан айтганда: «Рассом деган юксак унвонга лойиқ бўлиш учун бутун борлигини бериб хизмат қилиш лозим». Урол Тансиқбоев ўз халқига, Ватанига бутун умрини, талантини бахшида этган ана шундай санъаткорлардандир.

Абдулхай УМАРОВ



Истеъдоднинг камоли

Улмас Умарбековнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан

Эсимда, эллигинчи йилларнинг охирилари эди. Ўзбекистон ёзувчилари союзида йиллик адабий ҳисобот ўтаётган кунлар. Муҳокама, мунозара авжида. Йигинларнинг бирида сўзга чиққан Абдулла Қаҳҳор адабий жараён хусусида, айниқса ёшлар ижоди ҳақида жиддий мулоҳазалар баён этди. Шунда у Улмас Умарбековнинг дастлабки ҳикояларидан бири ҳисобланган «Бобоёнғоқ»ни ёшлар ижодидаги жиддий ютуқ сифатида баҳолади ва ёзувчининг келажига катта ишонч билдирди. Кейинчалик Ойбек, Фафур Ғулом каби йирик адиблар ҳам Улмас Умарбеков ижоди ҳақида илиқ гаплар айтишди. «Улмас Умарбеков ижодига диққат қилса арзигулик деб ўйлайман, — деб ёзган эди Фафур Ғулом 1962 йилда. — Унинг активлиги, тиришқоқлиги ва тинимсиз изланиши эътиборимни тортиди. Узим ақтуаллик ва ҳозиржавобликни, сиёсий ўткирлик ва партиявий юксакликни ижоднинг ўзаги деб тушунганим учунми, Улмас асарларидаги мавзу муҳимлиги, ақтуаллик ва чуқур замонавийлик менга ёқади. Фикримча, халқимга ҳам ёқса керак. Улмас кундалик, оддий воқеалар асосида каттароқ, муҳимроқ гапни айтишга уринади, одамларимизнинг юксак ижодий фазилатларини оддий, лекин жонли, такрорланмас лавҳаларда очиб беришга интилади. «Юрак сўзлари» тўпламида, «Қишлоғимиз кишилари» очерклар китобида, конкурсда мукофотга сазовор бўлган «Бобоёнғоқ» асарида ҳам одамларимиз юрагидаги онги ва юриштуришидаги ўзгаришларни, янгиликларни кўрсатишга ҳаракат қилади».

Мана, қарийб йигирма йилдирки, ёзувчи адабиёт ва халқ олдидagi қарзини узиш учун тинимсиз меҳнат қилиб келмоқда. Бу кунгача унинг ўнлаб ҳикоя ва очерк тўпламлари, қатор қисса ва драматик асарлари, роман ҳамда киносценарийлари яратилди. Энг яхши асарлари учун адиб Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Меҳнат фао-

лиятини оддий журналистликдан бошлаган Улмас Умарбеков бу йиллар давомида Республика радиосида муҳаррир, адабий ва музыкали эшиттиришлар бўлимида бош муҳаррир, Ўзбекистон Марказий Комитети аппаратида масъул ходим, «Ўзбекфильм» директори лавозимларида ишлади. Ҳозир у Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари сифатида самарали меҳнат қилиб келмоқда. У қаерда ва қандай вазифада ишlamасин, ҳамisha ижод билан машғул бўлди. Серунум, серғайрат адиб ўз асарларининг жанр уфқини кенгайтирди, мавзу ранг-баранглигини бойитди. «Мен учун, — дейди адиб биз билан бўлган бир суҳбатда, — энг қизиқарли нарса — инсон, энг сирли нарса — инсон. Кексами, ёшми, аёлми, эркекми — бари бир. Фольклор, адабиёт яратилгандан бери инсон ижодкорнинг асосий кузатиш, яратиш объекти бўлиб келган». Шу нуқтаи назардан «Бобоёнғоқ» ҳикоясини кўздан кечирсак, унда инсон ва табиат ҳамда жамият муаммолари кекса ва ёш авлод вакиллари тасвири фонидa маҳорат билан умумлаштирилганини кўрамиз. Етмишинчи йилларга келиб адабиётдаги долзарб масалалардан бирига айланган инсон ва табиат муаммоси адиб томонидан эллигинчи йилларнинг сўнггидаёқ қаламга олина бошлаган эди. Ҳикояда Ғуломқодир ота билан унинг набираси образи тасвирланади. Асарда бир тун ёнғоқ тақдири воситаси инсоннинг кадр-қиммати, эл-юрт олдидagi бурчи, масъулияти масаласи таъсирли лавҳаларда гавдалантирилади. Али кўрбоши томонидан ўлдирилган деҳқон Саидазим қўлида экилмай қолиб кетган бир туп ёнғоқ ниҳоли Ғуломқодир ота туфайли азим дарахтга, ёнғоқзорга айланади. Ёзувчи инсоннинг табиатга муносабати орқали муҳим ахлоқий нормаларни ҳимоя қилиш ва уни ёқлаш йўлидан боради. Шу тарзда адиб ижоди учун характерли бўлган ва бутун асарларида қизил ип каби ўтиб турувчи маънавий-ахлоқий проблема майдонга келади. Автор ке-

ийнчалик яратган «Юлдузлар», «Олтин япроқлар», «Чарос», «Йўлда», «Кўприк», «Қиёмат қарз» каби ўнлаб ҳикоялари ва бошқа асарларида инсоннинг юксак олижаноб фазилатларини, қалб драмаларини очиб беришга интилади. Бу хусусият унинг асарларида етакчи ғоявий-эстетик принцип даражасига кўтарилади. Хуллас, ёзувчи одамлардаги муҳим маънавий-ахлоқий хислатларни гавдалантириш, турли характерларни тадқиқ этиш орқали кенг маънода инсон тақдир, виждони, келажак ва замон олдидаги бурчи, масъулияти ва эътиқоди масалаларини ёритишга эришади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Улмас Умарбеков ижодидида «Болгар қўшиқлари» туркумидаги асарлар алоҳида ўрин тутади. Унда адиб ўзи кўрган, билган, ўрганган тарихий ва замонавий материаллар асосида болгарлар ҳаётига оид воқеаларни ўзига хос муסיқий тарзда акс эттиради. Шундан бўлса керак, профессор Лазиз Қажомов: «Улмас — лирик кайфиятдаги адиб, — дейди, — аммо шеър ёзганини билмайман. Ҳикояларини ҳаяжонга тўлдиргани учун ҳам уни шоир дейиш мумкин». Чиндан ҳам Улмас Умарбеков шоиртаъб адиб. Унинг ҳикоялари, қисса ва ҳатто драмаларига ҳам лирик оҳанг алоҳида сайқал бахш этиб туради ва, айни чоқда, унинг индивидуал услубини белгилайди. Энг муҳими, адиб ҳикоялари қандай тур ва услубда ёзилмасин, ўзининг жозиба қудрати, замонавийлиги ва ҳаётбахшилиги билан ўқувчини ром эта олади. Бунга яна бир сабаб — инсон, унинг покизалиги, одамийлиги учун кураш асосида ётувчи маънавий-ахлоқий масалаларнинг реалистик тарзда ўз ифодасини топишидир. Ана шу лейтмотив адиб қиссаларида яна ҳам тўлиқроқ тарзда намоён бўлади. «Севгим — севгилим», «Жўра қишлоқ», «Чўли ироқ», «Уруш фарзанди», «Ез ёмғири», «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» каби қиссаларида ана шу етакчи ғоявий мотив ранг-баранг материаллар орқали умумлаштирилади. Агар ёзувчи «Чўли ироқ» қиссасида Бекжон образи мисолида айрим беқарор шахслар фожиасини кўрсатса, «Ез ёмғири»да замон ва эл-юрт, оила олдидаги бурчга садоқатни унутган, бегубор тута олмаган одамларнинг аянчли қисматини гавдалантиради. «Севгим — севгилим»да Ойпопук образи орқали шахсга сизгиниш йилларидаги қора шарпалар қаламга олинади.

Бу қиссалардаги ранг-баранг тақдирларнинг қисмати, бахти ва келажаги тасвири кенг китобхонни ҳам, адабий танқидчилик эътиборини ҳам тортмай қолмади. Бу асарлар ҳақида асосан

ижодий фикрлар билдирилди.

«Адабиётда ўз ўқувчисини топиш жуда катта гап, — деб ёзади атоқли адиб Саид Аҳмад бир мақоласида — Бироқ Улмас... таланти, меҳнатсеварлиги орқасида ўз ўқувчисини топган истеъдодли ёзувчидир». Бинобарин, Улмас Умарбеков асардан-асарга, китобдан-китобга, жанрдан-жанрга ўтган сари қалами сайқал топиб, маҳорати ошиб борди. Унинг «Одам бўлиш қийин» романи бунинг ёрқин далили бўлди. Асарнинг республика комсомоли мукофотиغا сазовор бўлиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу асарда янги мавзу, янги қаҳрамон типининг олға сурилиши ва унинг бадиий-ғоявий жиҳатдан реалистик тарзда ифодаланиши кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Санъаткорнинг драматургиямизга қўшган ҳиссаси ҳам салмоқли. Унинг «Одам туғилди», «Ешик денгизи», «Отилмаган ўқ» («Жўра қишлоқ» қиссаси асосида), «Комиссия», «Қиёмат қарз», «Кузнинг биринчи кўни», «Шошма, қуёш!», «Аризасига кўра» каби ўнга яқин драма асарлари кўпгина театрларнинг сахналарида муваффақият билан қўйилиб келмоқда. Уларнинг айримлари «Театр» журналинда ҳам нашр этилган. «Комиссия», «Қиёмат қарз», «Кузнинг биринчи кўни», «Шошма, қуёш!» ҳамда «Аризасига кўра» драмалари Ҳамза театри сахнасидан мустаҳкам ўрин олган.

Хуллас, Улмас Умарбеков очеркчи, ҳикоянавис ва қиссанавис, романнавис ва драматург, киносценарист сифатида адабиётимиз равнақиға самарали улуш қўшиб келатган истеъдодли ёзувчидир. Унинг асарлари рус ва қардош ҳамда кўпгина ажнабий тилларда нашр этилмоқда. Бу эса адиб ўқувчилари доирасининг тобора кенгайиб бораётганлигидан, асарлари одамларга кўпроқ маънавий озиқ улашайтганлигидан далолатдир. Ёзувчи учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми? Самарали меҳнатлари туфайли адиб эл-юрт, она Ватан, партия ҳурматиға сазовор бўлди. «Ҳурмат белгиси» ордени, «Меҳнатда ўрнатилганлиги учун», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан тақдирланди.

Улмас Умарбеков 50 ёшга тўлди. Унинг истеъдоди ҳозир айни камолот палласида. Ишончимиз комилки, Улмас Умарбеков ўзи яратган Сулаймон ота каби бутун умрини адабиёт, ўқувчисига олдидаги қиёмат қарзини узишға бағишлайди. Шунинг учун адибнинг умри боқий, бахти барқарор, ижоди камол топаверсин, деймиз.

Собир МИРВАЛИЕВ,
филология фанлари доктори

Абдунаби Ҳайдаров

ТАЪЗИМ

— Менинг нимами ҳам ёзардингиз? Икки қўли, икки оёғи йўқ бир одам бўлсам. Ҳафта эмас, ой эмас, ўттиз саккиз йилдан бери шу аҳволда яшаб келяпман.

Отаҳон бизни шу сўзлар билан кўча эшик олдида қарши олди. Сўнгра, ҳайратимизни янаям ошириб, бир қарич «қўллари» қўлтиғига қистирилган қўлтиқтаёқлар ёрдамида ортига кескин ўгирилди-да, яккаю ягона ясама ўнг оёғини гижирлатиб, бизни ичкарига бошлади. Ишқомлар остидаги сўрига жой ҳозирлаётган жиккаккина, қорамағиз, сочлари кумушранг тус олган аёлга йўл-йўлакай ишора қилди:

— Яхшиси, мана бу олижаноб инсон ҳақида ёзинг. Ахир мени ҳаётга қайтарган, орзуларимни рўёбга чиқарган шу аёл бўлади...

Дастурхон атрофига ўтирганимиздан сўнг Холтўра ота сўзида давом этди:

— Ҳа, ҳаёт мени қаттиқ хафа қилган, ранжитган эди. — Шу ондаёқ отахон сал эгилган бошини бир силкиб баланд кўтарди. — Аммо тақдирдан нолияпти, деб ўйламанг, бунга ҳаққим йўқ. Оилада тинч-тотув яшаб келяпмиз, олти фарзанд кўрдик. Вақтида уларни онаси опичлади, кўтарди, оқ ювиб, оқ тараб, оқ кийинтирди. — деди у боғ оралаб кетган аёлига ишора қилиб. — Лекин мен-чи, мен?! Унинг овози титраб чикди. Бўғзига нимадир тиқилгандек, бир лаҳза сўзидан тўхтаб қолди.

Ростини айтсам, оилади умр бўйи еттинчи гўдак бўлиб қолганим алам қилади менга. — У энди бир зум гапидан тўхтаб ўзини босиб олди. — Биламан, ер юзида мен каби олтимшидан ошган қўлсиз-оёқсиз гўдак топилса керак. Аммо Тожихон опангиз сингари шундайларга содиқ қолган вафодор аёлни топиш қийиндир. Шунинг учун ҳам фарзандларимнинг онаси ҳақида ёзинглар, умуман, мунис оналар, бардоши буюк аёллар ҳақида ёзинглар, деяпман-да! Токи аёл қалби нималарга қодир эканлигини одамлар яна бир бор билиб қўйсинлар...

* * *

«Менга нима бўлди ўзи? Нега кўзларимни дуруст очолмайман, танам худди музлаб қолгандай. Оёқ-қўлларим бунчалар зирқираб оғримаса. Уларни қамирлатишга ҳам мажолим йўқ. Нима ўзи бу?.. Еки ўлим олди талвасасимикин? Наҳотки жон таслим қилаётган бўлсам...»

Йўқ, мен ҳали тирик бўлсам керак, ахир борлиқни идрок қияпман, осмонни кўряпман. Солдат шинелидан тўшалган замбилга солиб, қаёққадир олиб кетишаётганини сезиб турибман. Ана, орқа томонда келаётган қизнинг юзлари чайқалиб-чайқалиб кетяпти. Пилоткаси остидан чиқиб турган бир тутам малла сочлари қошлари устига тушиб, мовий кўзларини беркитганда, бошини орқага силкиб-силкиб қўяди. Унинг кўзлари... Қизик, унинг кўзларидан ёш оқяпти шекилли.

Бу воқеа қандай — рўй берди ўзи?.. Ушандан буён қанча вақт ўтдийкин?.. Бўлди, энди эслаяпман. Қор учқунлаб, шамол туриб, изғирин бошланган эди. Чап қўлимда...граната бор эди, бир қўлимда пулемёт, олга югуриб бораётган эдим, чамамда. Кейин эса...

Қизик, бехосдан кўз ўнгимда ярақлаб кетган нима эди? Ундан салгина кейин гумбурлаган-чи?.. Ҳа, ҳа, ўшанда қандайдир куч мени зарб билан самога иргитиб юборди. Гўё ҳавода муаллақ сузиб бораётган эмишман. Пастда ям-яшил олам. Майин ҳавони симириб, охида сузиб боряпман. Тепага боқсам, самода юлдузлар порлар эмиш. Улардан бири шундоққина бошим устида, қўл узатсам етгудек. Ҳадеб унга қараб интилар эмишман, интилар эмишман. Интилар эмишман-у ҳарчанд уринганим билан ета олмасмишман. Интилганим сайин у меъдан узоқлашар, равшанроқ нур сочар эмиш. Охирги дақиқаларда у бир жуфт қоп-қора, шахло кўзларга айланди-ю, осмон бағрига сингиб кетди...

Ҳўш, кейин-чи, кейин?.. Ҳа, буни ҳам эсладим. Аллақандай тубсиз жарга қулаб туша бошладим. Кўз ўнгимда улкан гирдоб пайдо бўлиб, қулоқларим остида чидаб бўлмас даражада чинқириқ эшитилди. Чинқириқ тобора кучайиб борди-да, кейин

бирданига тинчиб қолди. Кўзимни очсам, ер ҳануз айланяпти. Унга қўшилиб мени кўтариб бораётган қиз ҳам айланяпти. Ана, лаблари изтироб билан пичирлаб, кўз косачаларидан тўлиб-тошган ёш ёноқларидан пастга юмалаб тушди. Кейин яна, яна, яна...

Энди мен дарёни кўряпман, холос. Кўз ёшларимдан пайдо бўлган дарёни... Яна осмон кўринди, мусаффо осмон. Тўсатдан само чайқалиб кетди. Кўраётганларимни бир-биридан фарқлай олмай қолдим...

Бошим узра энгашиб, майин жилмайиб турган мана бу қиз ким бўлди? Ҳамширами? Йў-е, мовий кўзлар ўрнида тимқора кўзлар қақнаб, олтинранг малла сочлар ўрнида қирққокил ёйилиб ётибди-ку! Ие, ахир бу қўшни қиз — Тожихон-ку! Ана, у нималарнидир шивирлаб, менга тушунтирмоқда. Йўқ, аслида гапиряпти, фақат мен унинг овозини эшитмаяпман. Қизик, энди у ўйинга туша бошлади. Ҳа-я, рақсга тушишга жуда уста экан-у, шу пайтгача билмабман-да! Қўлларини қаранг, бунчалар нозик, бунчалар оппоқ бўлмаса... Анордек лўппи юзлар, қўш қиличдек туташ қайрилма қошлар... Ана, у давра айлана-айлана олдимга яқинлашди. Мени ҳам ўйинга тортмоқчи шекилли, кўл узатиб, шундоққина рўпарамда турибди. Ҳозир, ҳозир ўрнимдан тураман...

Қўлларим қани менинг? Оёқларим-чи? Нега уларни мен кўрмаяпман, ҳис қилмаяпман, фақат... фақат Тожихонни кўриб турибман. Мана, у қўллари ҳавода бўш қолганча бирданига кулгидан тўхтади. Ҳайратдан катта-катта очилган кўзларини менга тикиб, илк бор кўраётгандек узоқ туриб қолди. Нега у менга ачинаяпти, ҳолимга йиғлаяпти? Тавба яна кўз ёшимми? Инсон кўз ёшининг адоғи борми ўзи? Йўқ, йўқ, қизгина, менга ачинма, ўкинч билан беҳуда боқма. Ҳозир менга ҳеч ким, ҳеч нарса керакмас. Яхшиси, мени холи қуй, ташлаб кет...

Ун саккиз кундан бери гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзини йўқотиб ётган бемор тонгга яқин оғир ингради. Беҳаловат бўлиб, ўзини ҳар ёнга ура бошлади. Сўнгра қаттиқ ҳайқириқ билан қараоватдан пастга гурсиллаб йиқилиб тушди.

Тун бўйи мижджа қоқмай, ўтирган жойида кўзлари бир лахза уйқуга илинган ҳамшира бемор сари отилди. Бироқ тутиб қолишга улгурмади. Полда узала тушиб ётган ярадор хансира, дуч келган жойини тишлаб, бингаларни узиб ташлагудек бўларди. Унинг қўлсиз елкалари, оёқсиз сонларига ўралган дока бир зумда қонга бўялди.

— Холтўра! Сизга нима бўлди, Холтўра?! Узингизни босинг, ахир бу ҳолатда...

Бемор ўз атрофида парвона бўлаётган ҳамширанинг илтижоларини эшитмасди, Хонага кетма-кет югуриб кираётган врач ва ҳамшираларни ҳам сезмай, яна ҳушидан кетди. У кўзини очганда бошида меҳр билан термилиб даволовчи врач, сал нарида эса ҳамширалар туришарди. Бемор анча вақт ҳорғин нигоҳини врачдан узмади. Хира тортиб, ич-ичига чўккан кўзларида илтижоли бир мунг пайдо бўлди.

— Доктор, — деди аста шивирлаб. — Бир умр қўл-оёқсиз қолганим нахотки рост бўлса?! Ахир эндигина йиғирма бир ёшга кирдим-ку!... — У алам билан пастки лабини тишлади. Тишлари орасидан сизиб чиққан қон эҳсис ияги четида туриб қолди. — Йўқ, бундан кўра яшамганим маъқул. — У яна хансирай бошлади. — Яхшиси, ўлим беринг менга доктор, эшитаяпсизми?!

— Эшитяпман, ўртоқ Қурбонов, — доктор узун-узун бармоқли қафтини астагина унинг кўксига қўйди, — очигини айтсам, уруш давомида сизга ўхшаган ярадорларни кўп кўрдим. Уларнинг баъзи бирлари ҳозир тирик, баъзилари эса... — доктор хўрсинди, нигоҳини Холтўранинг таъқибли назаридан олиб қочди, — ўлими муқаррар бўлган энг сўнги дақиқаларда ҳам беморлар мендан бир нарсани — ҳаётга қайтаришимни илтимос қилишарди. Қўлимдан келса ўз умримни улашиб бўлса ҳам уларнинг ҳаётини тиклаган бўлардим-а! Афсуски, не-не ўғлонларнинг кўзларида шу илтижо, дилларида шу армон қолди... — Доктор оқ оралай бошлаган сийрак сочларини қўллари билан орқага тараб, давом этди, — ҳа, ҳеч ким, ҳеч қачон мендан ўлим сўраган эмасди, ёлғиз сиз сўрадингиз. Лекин, биласизми, — у Холтўрага яқинроқ сурилди, — сиз ҳали жуда ёшсиз. Сиз ўлим ҳақида эмас, ҳаёт ҳақида, келажак ҳақида ўйлашингиз керак. Кимларнингдир бахтига ҳали узоқ яшайсиз, — дея врачнинг юзларига табассум ёйилди. Сирли гап айтмоқчи бўлишар экан. Бу дейман, сизнинг ҳам мўлжаллаганингиз бордир. Қўша-қўша фарзандлар кўрасиз ҳали. Ҳа, майли буёғи ҳазил, нечта фарзанд кўришингиз ўзингизга боғлиқ. Лекин, бир нарсга ёдингиздан чиқмасин, уйланаётганингизда мени ҳам, Катя билан Надяни ҳам тўйга айтишни унутманг, — у ёнида турган ҳамшираларга юзланди. — Тўғрими, қизлар! Ушанда бир хумордан чиққунча ўйнаймиз. Анчадан буён хурсандчилик қилишни ҳам ёдимиздан чиқариб юбордик, шекилли...

Доктор хайрлашиб ташқарига юрар экан, остонага етганда бир муддат тўхтади. Эшик туткичидан ушлаб, ортига ярим ўгирилганча, хаёлчан ҳолда секингина қўшимча қилди:

— Эҳтимол, вақти-соати келиб бу гапларимни бирма-бир эсларсиз, келинбола икковингиз бизга ростдан ҳам хат ёзарсиз. Ишонинг, бу гапни мен жиддий айтяпман.

У «яхши қолинг», дегандек қўлини кўтарди-да, ҳарбийларга хос кескин одимлар билан хонадан чиқди.

Докторнинг сўнги сўзлари беморни ўйлантириб қўйган эди. У бошини дераза томонга ўгириб, умид учқунлари порлай бошлаган кўзларини ойнадан кўриниб турган самога қадади. Осмон мусаффо, кечаги хира булутлардан асар ҳам йўқ. Етоғидан кўтарилаётган қуёшни олқишлаб сайраётган қушларнинг чуғур-чуғури эшитилиб турибди. « Худди уруш бўлмагандек-а... » Тизгинсиз хаёл ришталари Холтўрани яна ўз оғушига олди.

«Тожихон ўшанда нима деган эди? «Севаман» деганмиди ёки «кутаман» деганмиди? Ҳарҳолда шунга ўхшаш бир гап айтганди. Балки... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, севмаса, ота-онамга қўшилиб вокзалга чиқмасди. Ёки буларнинг барчаси одамгарчилик юзасиданмикин, кўнгил учунмикин. Эҳтимол, ҳамқишлоқлик, қолаверса кўни-кўшничилик ҳаққи-хурмати учун кузатишга чиққандир. Ундай десам, аввалдан менга нисбатан илқ муносабатда эди-ку. Кўча-кўйда учрашиб қолса юзлари «дув» кизарар, кўзларини ердан узолмасди. Қизиқ, нечун ўша кезлари бир оғиз кўнгил очмаган эканман қиз боланинг дилидан нималар кечаётгани ҳақида қизикмаган эканман. Туну кун далада гурсиллатиб кетмон чоғишни билар эканман-у, қиз болага гоҳида озгина илтифот қилиш лозимлиги хаёлимга ҳам келмабди-да! Яхшиям гапирмаганим, охири-оқибатда бундай аҳволга тушиб қоларканман...»

Ўйлар гирдобида ётган Холтўра томоғи қақраб, олов бўлиб ёнаётган лабларини ялади. Ҳамшира тутган сувдан икки-уч қултум ичди-ю, бошини яна ёстиққа ташлади.

«Эҳ, Холтўра! Энди сенга бари бир эмасми, бу ҳолда кимга ҳам кераксан. Икки кўлинг, икки оёғинг бўлмаса, сенга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди, ким ҳам сенга қучоқ очарди. Тожихон тўғрисида-ку, ўйлашга ҳам ҳақкинг йўқ. Ахир балогатга етган қайси қиз ўз ёрини кучоғида ёркалангиси, забардаст билаклари орасида севгилиси оғушига сингиб кетгиси келмайди. Сен эса ... Эҳ, севгилингнинг белларидан маҳкам қучиб, бағринга боса олмасанг, сочларидан сийпалаб, «севаман» деган муқаддас сўзни қулоқларига шивирлай олмасанг, бундан ортиқ даҳшат борми? Йўқ, энди сен бу ҳақда ўйламаслигинг керак.»

Укол таъсириданми, ёки оғир ўйлар чарчоғиданми Холтўрани уйқу элита бошлади. Кўзлари илинар экан, унинг лаблари беихтиёр шивирлади: «Ҳарҳолда ўшанда Тожихон нима деган экан-а?»

Бу жумбоқ Холтўрани бутун уруш давомида қийнаб келган эди. Владивостокда ҳарбий тайёргарликдан ўтаётганда ҳам, Житомир, Курск, Маҳачкала каби шаҳарларни озод қилаётганда ҳам, Польша, Венгрия, Болгария сингари давлатлар чегарасида шиддатли жангга кирганда ҳам у шу ҳақда ўйларди. Ўйларди-ю, аниқ бир қарорга келолмас, аммо қалбида уйғонган аллақандай илинждан воз кечолмасди ҳам. Қутилмаганда...

1945 йилнинг февраль ойи бошларида Кенигсберг шахри учун бўлган қонли жанглардан бирида оғир яраланди. Хужумга кўтарилган дўстлари қаторида олға интилар экан, кўзларига ҳеч нарса кўринмас, ҳаракатлари дадил ва чаққон эди. Тўсатдан оёғи остида «лоп» этиб аланга кўтарилди-ю, кучли портлаш овози қулоқларини битириб қўйди. Шу заҳоти чап кўли чўрт узилиб, олд томонга учиб кетгани, ўзи эса бирмунча вақт ҳавода муаллақ қолгани ёдида, қолганини эслай олмайди.

Эртаси куни кечга яқин санитарлар уни тизза бўйи қорлар орасидан, музлаб қолган ҳолда топишди. Кўп қон йўқотганидан юраги билинар-билинмас уриб турган жангчининг ҳаётини сақлаб қолишнинг энг сўнгги чораси шу бўлди: совуқ олган ўнг кўлини билакдан, куйган чап оёғини сонидан, тўпиқсиз ўнг оёғини эса тиззасидан кесишди. Албатта, Холтўра учун, ҳали ҳаёт лаззатларини тоғиб кўрмаган ҳар бир навқирон йигит учун бундай ҳолга тушиш даҳшат эди. Энди унинг бирдан-бир овунчи ўй суриш бўлди. У соатлаб чалканча ётар, ҳаёлида эса минг хил саволлар чарх урарди. Улардан энг кўп изтиробга соладиган, ўйлабгадигани битта эди: «Ўшанда Тожихон нима деганди?» ҳарҳолда у бир нарса деб қичқирган, аммо эндигина жила бошлаган поезд гудоғи унинг сўзларини эшиттирмай, учуриб кетганди. Энди у Холтўрани бу ҳолатда кўрса қай аҳволга тушаркин?!

Тожихон берган ваъдасига содиқ қолди. Уруш тугагунча эмас, орадан икки йил ўтиб, Холтўра она қишлоғига қўлтиқаёқда кириб келгунга қадар кутди.

Ҳа, уруш кичкинагина Аҳадовул қишлоғи аҳли бошига ҳам битмас-туганмас қайғу-кулфат солди. Исмоил Эмонов, Вийноз Холбоев, Эргаш Гулмуродов каби ўнлаб йигитлардан фақат икки кишигина қайтди. Қайсидир жангдан чандиқ орттирган Абдуғани Урозбоқов аввал пайдо бўлди, орадан икки йил ўтгач эса Холтўра келди. Аниқроғи уни олиб келишди. 19 ёшида ўз оёғи билан чиқиб кетган йигитни, орадан беш йил ўтгач, қўлсиз-оёқсиз бир ҳолатда, уйига ёш боладек кўтариб киришди. Ўшанда йиғламаган одам қолмади. Ҳатто шу вақтгача қатра кўз ёшини кўрсатмаган Абдуғани ҳам ўқиб-ўқиб йиғлади, бус-бутун қайтгани учун айбдордек, Холтўранинг олдида бош эгди. Онаизор... Бир кечада сочлари қордек оқариб, пешонасига ажинлар тушган Хонимгул опа-чи?! Ҳассаса таяниб қолган ҳадди дол Қурбон ота-чи?! Кулги нималигини унутиб қўйган мана бу қиз — Тожихон-чи?! Буларнинг бирортаси ҳам ҳамқишлоқлар хотирасидан кўтарилганча йўқ. Эҳтимол, инсон ҳаётидаги энг қувончли дамлар унутилар, эҳтимол, яхшилик унутилар, лекин мусибат билан ёмонлик унутилмас экан. Тожихонга ўзини яқин тутадиган Мунисхон шуларни ҳаёлидан ўтказиб, изтиробда қолган қизни юпатишга сўз изларди.

— Нега бунчалар озиб, муштдеккина бўлиб қолди десам, ҳамма гап бу ёқда экан-да. Хўш, энди нима қилмоқчисан? Бошқа бировни дейсанми ёки Холтўрага...

— Оҳ, кошкийди бу иш кўлимдан келса, кошкийди унинг кўзларида яна бир марта ўт чақнаганини кўрсам. — Тожихон оғир сўлиш олди. — Рози бўлсам эшитганлар нима дейди, у номига эр бўлгани билан сен бир умр қизлигингча ўтмоқчимисан, деб ҳалигдан ҳол-жонимга қўйишмаяпти. Бошқа бировни ўйласам юрагим ортига тортиб кетгандай бўлади. Шундай бўлгач, нима қилай, ундан кўнгил узолмасам, усиз яшашни тасаввур қила олмасам, нима қилай?! Бориб бир кўринг, ёш гўдакдек бўлиб ўтиришини бир кўринг. Даҳшат-ку! Яна мен унга вафосизлик қилсам нима бўларкин?! Нима қилай, унга ачиниб қуйсам, севиб яна қуйсам, дардимни кимга айтай, опажон?!

Мунистон унга ҳайрат билан тикилиб қолди. У Тожихон авваллари Холтўрани севишини биларди, лекин қарори бунчалар қатъий эканини хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Менга қара, синглим, — у Тожихонга янада қаттиқроқ термилди, — қалбингда шунчалар дардинг борлигини билмаган эканман. Икки ўт орасида қолган кўринадан. На чора, униси ҳам буниси ҳам куйдиради. Майли, ихтиёр ўзингда, менимча ҳам Холтўрага текканинг маъқул.

— Одамлар-чи? Одамлар нима дейди? — Тожихон илинж билан Мунистонга қаради.

— Одамларми?.. Оғзига кучи етмаганлар деганини деяверишин. Вақти-соати келгач ҳаммасига ҳам кўнишади, ҳаммасини ҳам унутишади. Сен эса қалбинг буюрганини қил, ҳарқолда бир инсонни ҳаётга қайтарасан-ку. Акс ҳолда... Виждон азоби ёмон бўлади.

Улар алламаҳалгача Ҳайбатқўл соҳилида қолиб кетишди.

Тожихон Холтўрага турмушга чиқармиш, деган хабардан қишлоқда кимлардир ажабланиб елка қисди, кимлардир аниқ фикр билдирмади. Улар Холтўрага ачиндим. Тожихоннинг устидан кулишдими, билиш қийин эди. Аммо қизнинг жасоратига қойил қолганлар кўп бўлди...

Янгилар бахт-саодат тилаб, икковини ёлғиз қолдиришди.

— Тожихон, — анча жимликдан сўнг Холтўра тилга кирди, — энди сен менинг турмуш ўртоғимсан. Лекин, қайдамов... — унинг вужудини қалтироқ босди. Яна бир оз сукунат ичида қолиб ҳаяжонини босиб олгач, тутила-тутила гапини давом эттирди, — ҳали ҳам кеч эмас, Тожихон. Уйлаб кўр... Балки қўл-оёғи бутун...

— Бўлди, бўлди, бошқа гапирманг, — Тожихон йигитни сўздан тўхтатиш учун бармоқларини унинг лабларига босди. — Сиз бу ҳақда оғиз очманг, ҳеч қачон гапирманг, майлими. Чунки мен аввалдан сизни деганман. Эсингиздами, кетар чоғингиз, ўшанда...

У кўзларида қалқий бошлаган ёшни яшириш мақсадида бошини йигитнинг кўксига қўйди. Димоғи қатик билан ювилган соч бўйидан маст бўлган Холтўранинг томирларида қон гупуриб, энгикиб нафас оларкан, хаёлида ширин бир гап айланарди: «Аввалдан мен сизни деганман...»

Вақт деганинг тизгинини тутиб бўлмас экан. Хоҳлайсанми, йўқми бамисоли оқар сувдек ўтиб кетаврар экан. Энди Холтўра отанинг соч-соқолларига ошпоқ қиров инди. Йиллар пешонасига қатор-қатор ажинлар туширди. Лекин отахон ҳали бақувват, икки юзидан нур ёғилади. Сўзлари ҳам шўх, қувнок. Кўзларида ўз ҳаётидан мамнунлик учқунлари порлаб турибди. Қувонмай бўладими, кўз ўнгида буюк ўзгаришлар бўляпти. Урушдан аввалги йилларда тузилган «Деҳқонобод», «Инқилоб», «Янгиобод» қолхозлари бирлаштирилиб, Абдураззоқ Мавлонов исмли ҳозирги совхоз ташкил қилинди. Эндликда у районнинг йирик пахтачилик хўжаликларидан бири ҳисобланади. Совхозда пахтачилик ривожлангани сайин қишлоқлар ҳам фаровонлашиб, обод бўлиб бормоқда. Жумладан, Холтўра ота туғилиб ўсган Аҳадовул қишлоғи ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кенг-равон кўчалар, қатор-қатор тураржой бинолари унинг ҳуснига ҳусн, кўрқига кўрк қўшган. Замонавий тарзда ўтаётган тўй ва маросимлар қишлоқ аҳлининг сермазмун ҳаёт кечираётганлигидан далолат беради. Бу ишларнинг барчасига тенгдошлари қатори Холтўра ота ҳам бош-қош. Ешларга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар беришдан асло чарчамайди. Нега ҳам чарчасин? Ахир ўша суронли йилларда шу ёшларнинг бахтли ҳаёт кечирришлари учун курашмаганмиди, шундай озод-эркин кунларга етишиш учун қон тўкмаганмиди? Шунинг учун ҳам у қишлоғининг. Бекобод районининг энг ҳурматли отахонларидан, қайда бўлса давра тўри уники. Кўксига порлаётган «Қизил юлдуз» ордени ва ўнга яқин медаллар унинг жасорати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланганини билдириб турибди. Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалиди сифатида давлат томонидан пенсия билан таъминланган. Отахонга икки марта бепул автомашина берилди, уй солишида совхоз қурувчилари кўмакдош бўлишди, яна қатор имтиёзлар... Энг муҳими эса, Тожихон опа ҳамон унинг ёнида, яхши кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам ҳамкор, ҳамнафас. Бугунги кунда уларнинг олти фарзандидан неваралари бор.

— Булар менинг овуноғим, қувончим, ҳаётим давомчилари, — дейди Холтўра ота чой узатиб ўтирган кенжа ўғлига меҳр билан боқаркан. Атак-чечак қилиб юра бошласа, бир қувонаркансан, «Ая», «Дада» деб чулдираса, яна бир қувонаркансан. Шу қувонч, шу илинж билан бир кун, қарабсанки, ўзинг қатори ҳамсуҳбат, даврани тўлдириб ўтирибди.

Отахон енгил хўрсинди. Ўз гапидан ўзи таъсирланиб, оқиста тебраниб ўтирибди.

— Мен учун, ҳатто ўз ноини ўзи ея олмайдиган бир одам учун бундан ҳам ортиқроқ бахт бўлиши мумкинми? — дейди-ю, шу заҳоти ўзи жавоб қайтарди. — Йўқ! Буларнинг барчасига мен яхши одамлар туфайли эришдим. Шунинг учун ҳам яхшиларга айтар сўзим, қайтарар қарзим бор. Лекин қандай қилиб, нима билан?.. Кошкийди, ҳозир иккинчи умримнинг гўдаклик чоғларида мени даволаган ўша ҳарбий врачни топа олсам. Қўлларида ўпмасмидим, қишлоғимга олиб келиб, ҳамма айтганлари рўёбга чиққанини бирма-бир кўрсатмасмидим. Қалбимга яшаш ишқини солган ўша башоратлари учун, мен қатори, фарзандларим ҳам бошларига кўтармасмиди! Афсус, ўша дамларда ўз ғамим билан ўзим овора бўлган эканман. На исм-шарифини билмаман, на адресини. Едимдан ҳеч кўтарилмайди, — деб эслайди отахон, — бир оз сукутдан сўнг. — Госпиталда ётган кезларимда ҳол-аҳволимдан Катя ва Надя исмли ҳамширалар хабардор бўлиб туришганди. Эндигина 19-20 ёшга кирган бу қизларга ҳам осон тутиб бўлмасди. Уруш уларга ҳам ўз қаҳрини кўрсатганди, баъзан тушкун хаёллarga берилсам, улар ҳам ўзларини босишаолмасди. Менга таскин беришарди-ю, ўз дардларига даво тополмай кўз ёшлари жаладек қуйилаверарди. Айниқса, танҳо ўзи

қолган Надяни айтаман, бояқиш урушнинг дастлабки кунларидаёқ ҳалок бўлган дадасини, ваҳшийлар осиб ўлдирган онасини, бедарак йўқолган акасини эслаб кўп йиғларди. Ҳозир у қизлар қайда эканлар, соғ-омон бормиканлар, Надя акасини топа олдимикин? Афсус, бу ҳақда ҳеч нарсани билмайман.

— Ҳаётимда кескин бурилиш ясаган бу воқеани гапирмай ўтолмайман. Жароҳатларим анча битиб, қўлтиқтаёқларда юришни эндигина ўргана бошлаган, лекин тақдир ҳукмига кўникмаган пайтларим. Шу туфайли уйдагиларга ўзим ҳақимда хабар бермаганман, ота-онам, қариндош-уруғларим ўлик-тириклигимдан беҳабар дег. Бир кунги госпиталимиздан сал нарида жойлашган клубда ёш-ишчиларнинг уруш ветеранлари билан учрашуви ўтказилди, деб қолишди. Ҳамшира қизларимиз қўярда-қўймай мени ҳам олиб боришди. Қолаверса, ўзим ҳам икки йилдан бери госпиталдан четга чиқолмай сиқилиб юргандим.

Залда ўтирибман-у, уруш қатнашчиларига оҳиста назар ташлайман. Баъзи бировларини айтмаса, кўпчилиги менга ўхшаган ярадорлар. Бировининг кўли йўқ, бировининг оёғи, айримларида иккиси ҳам. Аммо мени қизиқтираётган нарсаси бошқа эди. Ен қаторда, офицерлар орасида ўтирган қотма юзли, озгин, сочларига эрта оқ тушган ёшгина майор негадир диққатимни тортди. У менга тез-тез нигоҳ ташлаб қўяр, шунда бу таниш қиёфани, мулоим боқувчи кўзларни қаердадир кўргандай бўлардим. «Ким бўлди экан-а? Менга намунча тикилмаса? Еки ҳолимга ҳайрон бўляптими?» Ҳарчанд уринганим билан эслай олмадим.

Йўқ, ҳарқолда мени қийнаган ўйлар жавобсиз қолиб кетмади. Учрашув тугаб, оммавий рақс эълон қилинган, ҳалиги майор бир-бир босиб қаршимга келди. Менга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, сўз қотди:

— Дўстим, менга айтинг-чи, сиз қайси полкда жанг қилгансиз?— Кейин негадир овозини пасайтирди.— Аниқроғи, қаерда яраландингиз?

— 105-дивизияга қарашли 130-ўқчи полкда бўлганман,— дедим юрагим бир нарсани сезгандек бўлиб.— Кенигсбергга яраландим.

— Уртоқ жангчи, ахир мен сизнинг собиқ командиригизман-ку! Наҳотки эслай олмаётган бўлсангиз. Уйлаб кўринг, сизга илк бор ҳарбийдан мен таълим берганман-ку. Эсланг, эсласангиз-чи, ахир...— у гоёт ҳаяжонланиб сўзлар, кўз ёшларини тия олмасди.— Уруш курсин, уруш. Сизга ўхшаган не-не йигитларимиздан жудо қилди. Қанчасини шу ҳолда кўриб турибман...

Уша кунги биз узоқ суҳбатлашдик. Командирим мен учун Катя ва Надя билан рақсга ҳам тушди. Кейин госпиталгача бирга келдик. Уйга қайтмаслик ҳақидаги аҳдимни эшитиб, мени қаттиқ қойиб берди.

— Бу ишингиз хато, катта хато,— деди хайрлашув чоғида,— сиз ўғирлик ёки безорилик қилиб бу ҳолга тушганингиз йўқ-ку. Бошқаларни деб ўзингизни жаҳаннам оғзига ургансиз, қон тўккансиз. Шунинг учун ҳам одамларга кераксиз, айниқса, ота-онангизга. Улар учун ҳамиша фарзанд эканлигингизни нуутманг, ўртоқ Қурбонов! Ҳам дўст сифатида илтимос қиламан, ҳам командир сифатида буюраман: уйга хат юборинг, уларни бир умр қора кийишдан сақлаб қолинг.

Йўқ, мен бу буйруқни бажармадим, бажара олмаслигим табиий эди. Бироқ орадан уч-тўрт ой ўтиб, тўсатдан ота-онам мени йўқлаб кириб боришганда қандай ҳолга тушганимни билсангиз эди. Шу десангиз дийдор кўришганимизга қувониб бир йиғлайман, бошимдан ўтганларни айтиб яна бир йиғлайман. Ота-она, бари бир, ота-она эканда. Йиғлашади-ю, кўнглимни кўтаришади, кўнглимни кўтаришади-ю, яна ўзлари йиғлашади. Оналар меҳри нақадар улуғлигини мен ўшанда илк марта хис этганман. Қўлтиқтаёқлар билан одимлашни бир оз ўрганиб олгач, биласизми, қишлоққа қайтдим, Маълум бўлишича, бу ўша майорнинг иши бўлиб чиқди. У аҳдидан қайтмаслигимни билгач, врачлардан уй адресимни олган, бор ҳақиқатни баён этиб, ота-онамга хат ёзган экан.

Мен кейинчалик ҳарбий врачни, ҳамшира қизларни, командиримни кўп суриштирдим. Ўзим даволанган госпиталларга, жанг қилган қисмларга қайта-қайта хатлар жўнатдим. Бари бир ҳалигача тайинли бир жавоб йўқ. Шу пайт ичкари уйга кириб кетган Облокул магнитофон қўйди шекилли, кечки ҳавода музика овози янгради:

Мени кутгил ва мен қайтарман,
Фақат кутгил жуда интизор.
Кутгил ёмғир зериктирганда,
Мени кутгил ёққанида қор.

Майли синглим, укам, волидам,
Аза очсин мен йўқ, туфайли.

Кутавериб сабри тугаган
Еру дўстлар, ошналар, майли,
Айрилиққа беролмасдан тоб,

Аччиқ-аччиқ очсинлар шароб.
Кўзларингга тўлса ҳамки ёш,
Фақат сен кут ва айла бардош...

Холтўра ота кўйи қўшиқ тугагунча миқ этмади, лоақал киприк ҳам қоқмади. Қўшиқ авжига чиққанда эса қуйилиб келаётган аччиқ кўз ёшларини артиб ҳам ўтирмади. Ҳа, қаршимизда олтмиш ёшли отахон йиғлар эди. Қанча-қанча жангларда душманга омонлик бермаган, ўлимларни писанд этмаган орадан ўтгиз етти йил ўтгач бир қўшиқ сеҳрига маст бўлиб, йўқотиб қўяёзган бахтига мушаррафлигидан қувониб йиғлар эди. Бахтиёр отахонга ҳавас билан тикиларканман унинг остонада айтган сўзлари ёдимга тушди:

«Шунинг учун ҳам фарзандларимнинг онаси ҳақида, умуман мунис оналар, бардошли аёллар ҳақида ёзинглар деяпман-да, ўғлим...»

Раҳмат Файзий

Поклик — олий тилак

Кўп миллатли совет ёзувчилари сафида бетиним ва самарали меҳнат қилаётган Тўлепберген Қаипбергенов ижод майдонида тобора камол топиб бормоқда. Унинг роман ва трилогияси умумиттифоқ китобхонларининг, адабий танқидчиликнинг ижобий баҳосини олгани бежиз эмас. Адиб ўз асарларида қорақалпоқ халқи ҳаётидаги энг муҳим нуқталарни, катта тарихий воқеаларни ва ўткир ижтимоий-ахлоқий масалаларни чуқур бадиий таҳлил этади. Ёзувчининг илк романи — «Сўнгги ҳужум»да қорақалпоқ деҳқонлари тақдирдаги буюк ўзгаришнинг кескин синфий кураш жараёнида юз берганлиги тасвирланган бўлса, «Қорақалпоқ қизи» романида ўтмишда ҳуқуқсиз бўлган Шарқ аёлларининг маънавий камол топиш жараёни ёритилади. «Қорақалпоқ достони» трилогияси эса бутун бир миллат тақдирини, курашини ва камолотини кўрсатишга бағишланган. Бу асарлар ёзувчининг ҳаётни чуқур ўрганганлиги, ундаги илғор жиҳатларни, прогрессив тенденцияларни теран илғаб олиши, айниқса тарихий фактларнинг маъзи, моҳиятини оча билиши ва жиддий ҳаётий проблемаларни дадил бадиий тадқиқ этиш жасорати борлигидан далолат беради.

Воқеликни бутун зиддиятлари билан тасвирлай олиш маҳоратига эга эканлигини Т. Қаипбергенов, айниқса, «Кўз қорачиги» романида намойиш қила олди. Романдаги икки персонаж — ёзувчининг эзгу ниятларини ўзларида мужассамлаштирган қахрамонлар сўзларига эътибор берайлик:

«...Аmmo ҳамма бу ёруғ дунёда, ўзи яшаб турган жамиятда фақат поклик, адолат ҳукм суришини хоҳлайди. Бу энг олий тилак. Бутун олам, жамият пок бўлишида ҳар бир кишининг улуши бўлиши кераклигига у ақл юборадими? Покликни, одилликни ўзгандан талаб қилишдан олдин ҳар ким уни ўзидан излаб кўрадими? Бу ёруғ дунёда ўзидан поклик, одиллик изламайдиган бир одам пайдо бўлса, оламни ёритувчи битта чироқ, яъни бир кўзнинг қорачиги сўнгани. Олам қоронғи тортади, оғирлашади...» Бу — Шарифаниннг ўйлари. Яхшилик эса «Одамлар бошқалардан ҳам, ўзларидан ҳам шаффофдай тиниқ учинчи одамни қидирсин. Менимча, шу учинчи одам виждон софлиги, у олам учун кўз қорачиги», дейди.

Бу сўзлар айни чоқда романиннг бош пафосини, йўналиши, руҳини белгилайди. Бу сўзлар даставвал ижобий қахрамонларнинг қалби, янаш, ишлаш тарзи ва принциплари, мақсад-идеалларини ифодалайди. Романдаги конфликтни кескин, драматик тус олдирувчи бош омил шу, ижобий қахрамонларнинг актив ҳаётий позицияда туришларининг илдизи ҳам шу ерда.

Дарвоқе, асарнинг китобхон эътиборини доим ўзига тортиб туриши, қизиқарли, ҳаяжонли чиқишининг бош сабаби унинг гоят кескин конфликт асосига қурилганлигидадир. Конфликтнинг илдизи «Янгилик» совхозининг янги директори Яхшилик Давлатовнинг қалби пок, ҳалол, принципиал, халқнинг эртаси учун астойдил қайғурувчи, мамлакат миқёсида фикрловчи, ташаббускор ва дадил, журъатли раҳбарлигига бориб тақалади. Совхознинг эски директори Эржон Шержонов эса фақат ўз тинчини ўйловчи, ҳар шил найранглар билан план бажариб, ўзининг шон-шухрати, осойишталиги ва кайфу сафосини кўзловчи шахс. У гарчанд ўз аризасига биноан директорликдан кетган бўлса-да, тақдирнинг бу «ўйини»га кўникилмайди, ич-ичидан куйиб-ёнади. Устига-устак, у янги директорга ўринбосар бўлиб қолади (бу лавозимга ҳам дўстлари ёрдамида эга бўлади). Яхшиликнинг иш услуги, мақсади ва орзуси аввалги директорнинг иш услубига, йўл-йўриғига муволақо зид, ҳатто ўша эскича тартибларни таг-туғи билан йўқотишга қаратилган. Зиддиятнинг туғилиши тасодифан бошланади, область қишлоқ хўжалиги ходимлари кўрултойи олдидан Яхшилик Давлатов «Янгилик» совхозини текшириб кетади ва кўрултойда Эржон Шержонови кескин танқид қилади. Улар бири бири билан шу мажлисдаёқ ўт-сувдек бўлиб қолишган эди. Чунки ёзувчи Яхшиликнинг танқидий сўзини берибгина қолмайди. Шержонов жойидан туриб, залга мурожаат этиб, Давлатовга тухмат тошини этади. Танаффус пайтида у Яхшилик билан тиккама-тикка олишади. Узини туядай бақувват, қари шақалдек уста қилиб, Яхшиликни ақлсиз одамлар қаторига қўймоққа уринади. У энди Яхшиликни ўзининг душмани деб ҳисоблайди ва «Мен душманларим билан кураша-кураша жуда чиниқиб, пишиб кетганман» дейди. Шу ҳақда иккаласининг фалсафаси — яшаш ва ишлаш тарзи, усули аён бўлиб қолади.

Яхшилик билан Шержонов муносабати улар бирга иш бошлагунарлича таранг, кескин ҳолатда эди. Ёзувчи улар ўртасидаги мавжуд кескинликнинг янада авж олишини кўрсатувчи — янги директорни тайинлаш мажлисини ҳам маҳорат билан беради. Шержоновнинг ҳамфикрлари кетма-кет сўзга чиқишиб, уни ҳимоя қилишда ва охири, иложи бўлмагач, уни совхоз директорига ўринбосар бўлиб қолдиришга муяссар бўладилар. Шержоновга далда бериб турган нарса — унинг йигирма беш йил директорлик қилгани ва «менинг умрим — совхознинг умри, совхознинг умри — менинг умрим!» деган фикрнинг қон-қонига сингиб кетишигина эмасди. Уни райкомнинг секретари Нисон Нажимович ҳам қаттиқ ҳимоя қилади. Агар Марказкомдан одам бўлмаганда (ўша қурултойда) у «обком секретарининг тилини топардим», дейди. Янги ва эски директор ўртасидаги жангнинг давом этишида Нисон Нажимовичнинг роли ҳам қаттагина бўлади. Чунки у Шержонов учун Яхшиликдан ўч ола бошлайди, Яхшилик ундан чўчимайди ва юзма-юз туриб олишади. Чунки Шержоновнинг иш услуби билан Нисон Нажимовичнинг иш услуби ўртасида жуда кўп ўхшашлик бор эди. Унингча, бошлиқнинг қимлигини «планларнинг бажарилиш проценти» белгилайди. Тақид, ўз-ўзини танқидни сира ёқтирмайди, ҳатто район газетасида фельетонлар чиқишига ҳам йўл қўймайди: содда, оққўнғил кишилар олдида ўзини чин ватанпарвар, меҳрибон, инсонпарвар қилиб кўрсатади. Эржон Шержоновнинг сўзи билан айтганда, аслида у «шундай тугуруқсиз амалпараст, шухратпарастки, ўзининг номига боғлиқ районнинг айби бир одамни қурбон қилиш билан ёпилишига ишонса, албатта, уни қувватлайди». Дўсти Шержонов уни мана шундай таърифлайди. У жуда муғамбир, бировларнинг ташаббуси, яхши таклифларини ўзиники қилиб кўрсатишга ҳам уста, ҳамманинг ўзига ялинишини, кўпчилик олдида ёрдам сўрашини ёқтиради. Хотини эса учига чиққан порохўр. Шержоновга ўхшаган қалбаки, шухратпараст, шахсиятпараст ҳамда кечаги куни билан яшовчи раҳбарларнинг туғилишига у йўл очиб, шарт-шароит, муҳит яратиб беради.

Эржон Шержонов романдаги энг жонли, ёрқин образлардан бири. Ёзувчи унинг ўзига хос характери чиройли чизган.

Шержоновнинг ўзи ҳам, ақли ҳам қартайган бўлса-да, сира буни тан олгиси келмайди, у буқаламун сингари замонга шу қадар мослашганки, ташқи кўринишидан энг илғор, ўқимишли одамга ўхшаб туюлади. У «Время» программасини доим кўражанини мақтаниб айтади; ўзининг нуқтида К. Марксдан, М. Горький ва бошқа улуг кишилардан цитаталар келтиради; олтита қизининг куёви ҳар хил миллатданлиги ва хотинининг татарлигини назарда тутиб, оиласининг интернационалигини рўкач қилади; ҳатто райПО раисининг семизлиги — физкультура қилмаслигини танқид қилади. Доим «йилтироқ, баландпарвоз» сўзлайди ва, ҳатто, «партиявий этиқодимга бўлган юксак туйғуларнинг ҳаммавақт уйроқ юрди», дейишдан ҳам тоймайди. У шу қадар шахсиятпараст ва бемехрлик, ҳатто акасига нисбатан заррача шафқати йўқ. Аксинча, акасига совхоздаги ўзи ҳақида юрган яхши-ёмон гапларни етказиб туришни, туғишганлигини яширишни тайинлайди. Акасининг қизи Шарифа билан Яхшилик ўртасида севги муносабатлари борлигини билиб қолгач эса бу воқеадан ўзининг шахсий манфаати — Яхшиликдан ўч олиш учун фойдаланади. Шержонов ўзининг разил нияти йўлида Яхшиликқа қарши суиқасд ҳам уюштиради. Унинг «Одамлар бир марта уйлангандан кейин муҳаббат тамом эмасми?» деган саволидан ҳам ҳар қандай туйғудан ҳоли эканлиги сезилиб туради. Унинг «Кутубхоначилар китобларни қалага олиб бориб, дала шийпонига териб қўйсин-да, ўзлари пахта теришсин, йигим-теримда ҳеч ким китоб ўқимайди. Халқ театрининг артистлари ашулани қишда айтганлари ҳам кифоя», деган латифанамо гапларини ўқиб қаҳр-ғазаб билан кулмасдан иложингиз йўқ.

Янги директор Яхшилик Давлатов ўз фаолиятини мана шундай психини ёрган одамларга қарши курашдан бошлади. У совхоздаги Шержонов пайдо қилган ярамас муҳит — кўзбўямачилик, порохўрлик, ошна-оғайнигарчилик, расмиятчилик, лаганбардорлик каби иллатлар ва уларнинг ҳомийларига кескин зарба беради. Совхознинг эртаси, Орол денгизи тақдири, биринчи навбатда халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўллари тўғрисида жиддий ўйлайди. Аламзада Шержонов ўзининг ҳамтовоқлари ва ҳимоячилари ёрдамида Яхшиликдан ўч олишга, ҳатто уни қандай бўлмасин йўқотишга тиш-тирноғи билан уринади. На Шержоновнинг иғвоси, на дўқи, на у уюштирган найранглар Яхшиликни чекинтира олади.

Шуни айтиш керакки, ёзувчи романда кўтарган ижтимоий, ахлоқий ва иқтисодий масалалар ҳозирги кунимизнинг энг долзарб муаммоларидир. Айниқса ёзувчининг идеалларини татиб юривчи қаҳрамонлар (ҳам ижобийлар, ҳам Шержонов каби мураккаб образлар, ҳам салбий персонажлар) ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан жозибалидир. Зотан уларнинг — ҳам қаҳрамонларнинг, ҳам воқеа-ҳодисаларнинг ҳаётий манбалари, прототиплари мавжуд. Нисон Нажимов ёки Эржон Шержоновга ўхшаган раҳбарларни қаердадир кўрганга ўхшайсиз. Яхшилик Давлатовга ўхшаш фидойи раҳбарлар ҳаётимиз ва тараққиётимизнинг мазмуни, моҳиятини белгилайди.

Романда тасвирланган совхоз партия ташкилотининг секретари Мамутов образини ҳам ёзувчининг ютуғи, деса бўлади. Унинг «ҳаракатида мутелик, хоксорлик» бор. У партия мажлисларини ҳам «ўжга кўрсин»га ўтказар эди. Мажлисини план бўйича эмас, балки Шержоновнинг вақт-соатига, таъбиға қараб белгилади. Уз вазифаси — «коммунистларни битта хўжайин атрофига жипслаштиришдан иборат», деб билар эди. Ҳатто директорнинг хонасида бўладиган йиғилишлар — «беш минутлик» ларни партия мажлиси деб расмийлаштирарди. У энг муҳими, хўжжатлар бўлса бас», деб ўйлайди ва қилинмаган ишларни яхшилаб хўжжатлаштириб юради. Ҳатто райкомда уни намуна қилиб ҳам кўрсатишади. Яхшиликқа у «ҳам ювош, ҳам кўзбўямачи» секретарга бўлиб кўринади. Совхоздаги ҳатоларни яшириб келган: ўзимизни ўзимиз фош қиламизми, деган ёмон принципга — Нисон Нажимовнинг иш услубига монанд йўл тутган. «Партком

секретари шунчалик тутуруқсиз, кўрқок, ҳеч қандай курашга ярамайдиган лапашанг бўлиб қолганига, бир томондан, ачинади, иккинчи томондан, аяйди. Қизиғи шундаки, у янги секретарь бўлганга ҳақгўй, талабчан эди. Бироқ Шержонов ўз чизигидан юрмаган парком секретарларига қарши курашаверган. Мамутов ҳам ўйлаб қолади: ташлаб кетай деса, ўқитувчиликдан чиқиб қолган, кейинги ишнинг ойлиги ҳам чакки эмас, шунинг учун Шержоновнинг айтганини қилиб юраверади. Яхшилик унда ўзига ишонч, ташлаб-бускорлик, дадиллик фазилатларини уйғотади. Энди унда «журъат пайдо бўлди», янги директорни ҳимоя қилишга ўтди. Мажлислар парткомда ўтадиган, жиддий масалалар кўтариладиган бўлди. Совхозда партия ташкилотининг роли ва ўрни ошиб, катта кучга айланди, Яхшиликнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлади.

Ёзувчи асар драматизмини кескинлаштириш ва характерларни янада ёрқин кўрсатиш мақсадида оила, қариндош-уруғ ва севги линияларини ҳам киритади. Ака-ука Нуржон ва Эржон Шержоновлар худди икки хил лойдан ясалгандек. Нуржон ҳалол, пок, камтар, меҳрибон. У Эржоннинг кирдикорларини мутлақо ёқтирмайди, шунинг учун у билан борди-келди ҳам қилмайди. Унинг қизи Шарифа ҳам мусоффо, ташлаббускор, журъатли қиз. У Орол тақдир тўғрисида юракдан қайғуради, қуёнади. Романга у илмий проблемалар билан шугулланувчи шахс сифатидагина киритилмаган. Ёзувчи бу образ зиммасига каттагина масъулият юклайди: у Яхшилик билан Шержонов ўртасидаги конфликтни кучайтириш учун, Яхшилик билан Светлананинг севгилирини синовдан ўтказиш учун, Яхшилик ва Шарифа муносабатларини кўрсатиш учун хизмат этади. Ёзувчи Яхшиликни мураккаб образ қилиб кўрсатади ва бунда Шарифа образидан фойдаланади. У илгари Шарифани севган, унга хат ёзганди. Шарифа уни севса-да, жавоб ёзишга одоб-ғурури йўл бермайди. Шунда Яхшилик, Шарифанинг менга кўнгли йўқ экан деб, Светланага уйланади. Улар бир-бирини севишади, ўртада фарзанд ҳам бор. Шу орада совхозда Яхшилик Шарифа билан учрашиб, эски юрак дардлари кўзиб, бир-бири билан топишиб кетишади. Светлананинг Эржонлар кўйган тузоққа илиниши — пора олиши эр-хотин ўртасидаги совуқчиликни янада кучайтиради. Тўғри, Яхшилик — Шарифа — Светлана чизигида бир оз далиллаш етишмайди. Яхшилик ўзича ўй суриб, Шарифа билан Светланага «қайси бирида учинчи одам намоен бўлса, ўшанга борман» деган қарорга келади. Бу учинчи одам дегани виждони пок, имони бут, кўз қорачиғидек азиз одам, дегани. Яхшилик худди шу мезондан келиб чиқиб, Шарифа сари интилиши керак эди. Шарифа хомиладор бўлиб қолганини эшитгач, Яхшиликнинг кўрқиб кетиши, чекиниши ҳам нотабиийдек туюлади.

Романда фалсафий теранлик бор. Бу — ҳаётини зиддиятлар талқинида ҳам, характерлар моҳиятида ҳам, уларнинг баҳс-мушоҳадаларида ва фикрлашларида ҳам, кўтарилган проблемаларда ҳам кўриниб туради. Тўғри, баъзан бу интеллектуалликда мезон бузилган ўринлар ҳам учраб туради: Орол тўғрисидаги баҳс керагидан ортиқ илмийлашиб кетади. Баъзи масалалар воқеа ва характерлар мантқиқига сингдириб юборилмайди, образли тафаккур етишмай қолади.

Т. Қаипбергенов бадиий тасвирда гоёт ихчамлик, қисқалик ва лўндалик йўлидан боради. У ёрқин, жонли ва сермаъно деталлар воситасида характер қирраларини равшан очиб беради. Масалан, ака-ука суҳбати орасида «Қайингини ортиқча юк қилиб олиб келганинга ҳайронман», дейди Эржон. Кўп қаватли уйнинг олдига кўйиб қўйган эди кўчиб келганида. Шунда акаси — Нуржон қайингини «Волга»га алмаштирмаганини айтиб, «Биласанми, бошингга кийган қалпоғингни, овқат ичган товоғингни эскирди, деб ташлаб юбориб бўлмайди. Қалпоғингни ташласанг, бош оғриғи бўласан, товоқни ташласанг, оч қоласан», дейди. Бу гап билан бир-бирига ўхшамасган икки шахснинг руҳий олами ярқ этиб кўриниб кетади. Ёки ака-ука фикри бир-бирига зид келавергач, Эржон Нуржонникидан кетмоқчи бўлиб баҳона қидиради: «Время» программасига оз вақт қолди деб, бир йўла мақтаниб ҳам қўяди. Шунда акаси, ана телевизор, деб ундан кетмаслигини сўрайди. Эржон эса димоғдорлик билан: «Рангли телевизорга ўрганганман», дейди. Шарифага акасининг бу қилиқлари ёқмайди. Ёзувчи Шарифанинг салбий муносабатларини сўз билан эмас, балки қизнинг хатти-ҳаракати орқали ифодалайди: амакиси кетгач, «у чой ичган пиёлани артиб, тўнтариб қўяди!» Амакиси кўрманага олиб келган «гиламдан бадбўй ҳид анқийётгандек, бурнини жийириб, уни йиғиштириб» ташлайди. Шарифада амакисига нисбатан бундай нафрат аланга олишининг боиси Эржон Шержоновиинг Яхшилик тўғрисида айтган беаъни гаплари эди.

Ёзувчининг самимий, қуониб ёзганлиги унинг тасвирида, бўёқларида ҳам мана ман деб кўриниб туради. У салбий қахрамонларнинг қилмиш-қидирмишларини шундай таъсирли, ёрқин тасвирлайдики, китобхонга ёзувчининг бу нафрати юқмасдан қолмайди. Айни чоқда уларнинг ташқи портретини ҳам қаҳр-ғазаб билан чизади. Завмаг таърифини қаранг: «У қулса, овозини чиқармай, ўрадек оғзи кенг очилиб, эскириб чанг босган девордай юзи қулогигача тиришиб кетар эди», «Яхшилик Завмагининг сариқ бодрингдай афт-башарасига, тешадай дўнг пешонаси остидаги маккор кўзларига тик қараб тикилди», «Бунга асосий сабаб — Завмагининг тамағирлиги, ялтоқлиги эди. У ирқит, одамларга ўхшаб бундоқ тузукрок кийинмас, ёқалари доим кир-чир, туфлисининг дастагини босиб, шими почаси билан ер супуриб юрар эди». Муҳим томони шундаки, ёзувчининг бу тасвири битта мақсад — Завмагининг ташқи қиёфасини чизиш учунгина хизмат этмайди. Ҳатто унинг уйи ҳам «сиртидан қараганда, кўримсиз, сувоклари қирланиб, шифлари бугун-эрта тўкилиб тушадигандек бўлиб турарди». Аслида Завмагининг бундай уй тутиши ва кийиниши шунчаки ниқоб, хийла эди. Шержонов унинг уйидаги безак, бойлиқни кўриб «оғзи очилиб қолади».

Роман ўқувчида халқ қудратига ва партиямизнинг ақл-идроки, доно раҳбарлигига чекиз ҳурмат ва ғурур туйғуларини уйғотади. Романдаги «Халқ аралашдими, бас, ҳақиқат юзага чиқади», деган ажойиб сўзларга ишонасиз. Ёзувчи шу куннинг ўткир

муаммоларини, халқнинг дили ва тилида турган эзгу фикрлар, тилакларни дадил айтгани учун ундан қувонмасдан иложингиз йўқ. Яхшилик ўз исмига яраша ҳаётда яхшилик ундиришга, яхшилиқни фаол ҳимоя қилишга ва уни бор овози билан тарғиб этишга борлигини бахш этади. Бу фаол, изланувчи, журъатли, ташаббускор, принципиал, ҳақгўй қаҳрамоннинг жозибаси китобхонларни ўзига ром қилишига шубҳа йўқ. Т. Қаипбергенов маъруза романи ёзиб, замонамизнинг энг долзарб масалаларини чуқур бадий талқин қилиш маҳоратига эга эканлигини тўла исботлаган.

Салоҳиддин Мамажонов

ИЛМИЙ ТЕРАНЛИК

КПСС Марказий Комитети ўзининг тарихий июнь Пленумини «Партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг ақтуал масалалари»нинг махсус муҳокамасига бағишлади ва бу масалалар бўйича муҳим қарор қабул қилди. Пленум янги инсонни камол топтириш коммунистик қурилишнинг жуда муҳим вазифаси, шарти ва мақсади эканлигини ниҳоятда жиддий қилиб қўйди. Ю. В. Андропов ўз нутқида «Кишиларни маънавий камол топтириш соҳасида катта иш олиб бормай туриб, ривожланган социализмни такомиллаштириб бўлмайди», деб таъкидлади. Пленум қарорда «социалистик реализм адабиёти ва санъати меҳнаткашларнинг маънавий турмушини бойитишга, уларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшмоқда. Кўп миллатли совет санъаткор зиёлиларининг партия ишига садоқати, халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқаси улар эришган ютуқларнинг негизидир», деб адабиёт ва санъатнинг совет кишилари маънавий ҳаётидаги буюк ролига ғоят юксак баҳо берди, аynи пайтда ижодий ходимларни ижтимоий актив бўлишга ва жамият, халқ, партия олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этишга ҳамда бутун талантни ғоявий, сиёсий ва маънавий баркамол одамларни шакллантиришга сафарбар этишга даъват этди. Руҳи, моҳияти, мазмуни, мақсад ва идеаллари жиҳатидан замондошларимиз бўлмиш, янги авлод қалбига яқин, уларни ром қиладиган, уларга ўрнак бўладиган ва ўз орқасидан эргаштира оладиган жозибали ижобий қаҳрамонлар образини — меҳнатда мўъжизалар яратаётган қаҳрамонона характерларни кашф этишга чақирди. Кенг қўламли, монументал, социал оптимист, даврнинг ижтимоий-маънавий идеалини ўзида мужассамлаштирган порлоқ образлар орқалигина социалистик жамиятимизнинг инсонпарварлик фазилатини очиб бериш мумкин. Бадий адабиётнинг халқ олдидаги бу улуввор вазифасини самарали бажара олиши кўп жиҳатдан адабий танқиднинг ижтимоий фаоллиги ва профессионал таъсир кучига ҳам боғлиқ.

— Маданиятни ривожлантиришга партиявий раҳбарликда талантга нисбатан ҳурмат билан ардоқли муносабатда бўлишни юксак принципиаллик ва талабчанлик билан узвий қўшиб олиб бориш зарур, — дейлади КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорида. — Маданият арбобларини халқ олдида масъулиятни ҳис этиш руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ғоявий, маънавий ва эстетик талабчанлик вазиятини мустаҳкамлаш — ижодий союзлар ва уюшмаларнинг вазифасидир. Ижодий иланишга нисбатан актив, сезгир, эътиборли марксча-ленинча танқид бадий ижодиётга таъсир ўтказишнинг бош методи бўлиши керак. Танқид бадий жиҳатдан заиф, ғўр асарларга нисбатан ҳам муросасозлик қила олмайди. Кўриниб турибдики, қарорда адабий танқид ва вақтли матбуот зиммасида жуда муҳим вазифалар ётганлиги махсус таъкидланади. Адабий танқид жамиятнинг бадий-эстетик қарашларини ифодалар экан, адабий жараёнда сафарбар этувчилик ва ташкилотчилик факторларидан бири экан ва санъаткорга, халқнинг ижтимоий онгига таъсир қилар экан, у ўзининг мана шу улув вазифа ва мақсадини вақтли матбуот, биринчи ўринда, адабий журналлар орқали амалга оширади. Ю. Тинянов бир вақт «танқидчи журналсиз ҳеч ерга бора олмайди, танқидчиз журнал ҳам бўлмайди. Улар бир-бирига жипс михлаб қўйилган», — деган эди.

Кейинги вақтларда умумиттифоқ танқидчилигининг фаоллашиши унинг бир қисми бўлмиш ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг фаоллашиши ҳам бежиз эмас. Аввало шуни таъкидлаш керакки, умумиттифоқ танқидчилиги бир неча йўналишда кенг қўламда дадил ва теран изланишлар қилиб, миллий республикалардаги адабий танқиднинг ўсишига катта таъсир кўрсатмоқда. У, энг аввало, ривожланган социализм даври адабиётининг тараққиёт қонуниятларини ўрганишда жиддий ютуқларга эришмоқда. Социалистик реализм методи имкониятлари, адабиётнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, ғоявийлик ва замонавийлик, инсонпарварлик, миллийлик ва интернационаллик, коммунист образи, ижобий қаҳрамон масаласи, традиция ва новаторлик, илмий-техника революцияси ва адабиёт, классик мерос ва революцион-демократлар традицияси, Маяковский ва ҳозирги замон поэзияси, тарихий-революцион тема, қишлоқ ва ишчи темалари, лирика, поэма, роман, ҳикоя, драма жанрлари каби муҳим масалалар унинг диққат марказида турмоқда. Бу масалалар чуқур фалсафий, эстетик, социологик планда

урганилмоқда. Иккинчидан, танқидчилар регион-зонал адабиётлар тараққиёт қонуларини ўрганишга фаол киришдилар. Бунда миллий адабиётлар умумсовет адабиёти контекстида тадқиқ этилмоқда, кўп миллатли совет адабиёти эса жаҳон адабиёти доирасида текширилмоқда. Адабий танқид ҳаёт билан янада яқиндан боғланди, унинг публицистик жанговарлиги ошди. Танқид ёзувчиларнинг руҳий оламига чуқур кириб бориб, уларнинг ўзига хослигини тўлароқ очмоқда. М. Храпченко, В. Озеров, Ф. Кузнецов, Ю. Суровцев, В. Новиков, Л. Новиченко, Д. Марков, Е. Сидоров, Г. Ломидзе, З. Кедрин, Ал. Михайлов, Л. Якименко каби танқидчи ва адабиётшуносларнинг чуқур, йирик ва принципиал асарлари адабиёт ҳақидаги илмимиз ривожига муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг ҳозирги аҳволи ва ривожини рус танқидчилигидан ажратиб тасаввур қилиш қийин. Ҳозирги ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида бир неча авлод вакиллари ижод этишмоқда. Сарвар Азимов, Иззат Султон, Ҳомил Екубов, Воҳид Абдуллаев, Азиз Қаюмов, Ғулом Каримов, Мараф Нурмухамедов, Маҳмудали Юнусов, Солиҳ Қосимов, Абдуқодир Ҳайитметов каби олимлар ҳам самарали ижод қилмоқдалар. Булар адабиётнинг ижтимоий-сиёсий ва назарий жиҳатларига эътибор бермоқдалар. Матёқуб Қўшшонов, Лазиз Қаюмов, Ҳафиз Абдусаматов, Озод Шарафиддинов, Нуриддин Шукуров, Бердиали Имомов, Умарали Норматов, Норбой Худойберганов, Асил Рашидов, Пирмат Шермухамедов, Ғайбулла Саломов, Собир Мирвалиев, Иброҳим Ғафуров, Наим Каримов, Очли Тоғаев, Масъуд Расулий, Бегали Қосимов қабилар адабий жараён тенденцияларини ўрганишда фаоллик кўрсатишмоқда. Улар орқасидан Нажмиддин Комилов, Бахтиёр Назаров, Акрам Каттабеков, Абдуғафур Расулов, Вотир Норбоев, Иброҳим Ҳаққулов, Нарзулла Шодиев қабилар дадил кириб келиб, адабий жамоатчилик эътиборини ўзларига жалб этишмоқда. Буларнинг ҳар бирининг ўз қизиқиш доираси, ўз йўли бор. Ҳар бир авлод ўзбек совет адабиёти ва ўзбек классик адабиётимиз тараққиёт йўларини, адабий жараёндаги тенденцияларини, ёзувчилар маҳоратини, уларнинг жанр ва услуб соҳасидаги изланишларини, ўзбек адабиёти ривожига қардош халқлар адабиёти, биринчи навбатда, рус адабиётининг катта ролини, роман, поэма, повесть, бадий публицистика масалаларини, ёшлар ижодини ўрганишда жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Кейинги йилларда кўзга ташланган ижобий тенденциялардан бири танқидчилар ва адабиётшуносларимизнинг илмий-назарий масалаларни монографик характерда кенг-роқ ва чуқурроқ ишлашга интилишидир. Адабиёт ҳақидаги илмнинг бош йўли ҳам худди мана шундадир.

Кейинги йилларда адабий жанрларни ишлаш, ёзувчилар маҳоратини ўрганиш ва, айниқса, адабиётнинг ақтуал масалаларини назарий планда тадқиқ этиш ҳаракати жонланди. Фольклоршуносликда дoston, эртақ жанрларини, классик адабиётда кичик эпик жанрлар, жумладан рубоий, ғазал жанрларини, совет адабиёти бўйича эса роман, қиссачилик, бадий публицистика жанрларини ўрганишга эътибор кучайди. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи томонидан яратилган «Ўзбек насри тарихи» китоби бизда бу соҳада қилинган биринчи жиддий илмий ишдир. Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихига назар ташлаган бу асарнинг ҳам илмий, ҳам сиёсий аҳамияти бор. Муаллифлар туркий наср илдизларининг Урхун-Енисей ёзувларига бориб тақалишидан тортиб, то 1917 йил Октябргагача бўлган узок, катта тарихни ёритганда, диққатларини икки насага қаратадилар: оддий насрий фикрлашдан ҳаётни, одамларни насрий йўл билан бадий тадқиқ этиш даражасига кўтарилиш йўлларини кўрсатиб берадилар ва, иккинчидан, насрнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда, халқ тақдирида ўйнаган ролини кўрсатадилар. Муаллифлар том маънодаги бадий насрнинг кўпгина турлари (Фурқат, Мирмуҳсин Шермухамедов, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлонийлар (революциядан аввалги) ижодида қарор топганини кўрсатганлари ҳолда бадий насрнинг қатор муҳим компонентлари Яқиний, Навоий, Бобур, Хожа, Гулханий асарларида шаклланилигини исботлайдилар. Ўзбек насри қардош халқларнинг шеърӣ асарларини — дostonларини наср йўли билан таржима қилиш ва Навоий дostonларини насрий шаклда баён қилиш орқали ҳам ўсиб борганини таъкидлайдилар. Ўзбек насрчилигининг ўзига хос катта анъанаси борлигини кўрсатиб берувчи бу асар буржуа олимларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиёти учун проза жанри ёт, деган уйдирмасига асосли зарба бўлади.

Бироқ баъзи бобларда эътибор асарларнинг мазмунини баён қилишга қаратилиб, бадий наср компонентларининг қарор топишини ва ҳаётни, воқеликни, одамларни эпик шаклда бадий тадқиқ этиш тажрибаларини ёритиш ёддан чиқарилади. Назаримда, диққатни наср поэтикасини очишга қаратиш керакмиди. Сўнгра, ўзбек насри тўғрисида сўзлаганда, жуда муҳим в эътиборли материал бериши мумкин бўлган халқ китобларини четлаб ўтиш мумкин эмас. Халқ китоблари сюжетининг кескинлиги, қизиқтирувчанлиги, композициясининг мукамаллиги ва қаҳрамонларининг халқ вакиллари бўлиши билан қимматлидир. Абдулла Қодирий прозасида, Садриддин Айний ва Ғафур Ғулом ижодида халқ китобларининг ҳаётбахш анъаналарини кўриш мумкин. И. Брагинский халқ китоблари хусусида сўзлаб, унинг икки қатлами борлиги, бири-бир сиқим юқори табақа манфаатини кўзловчи сунъий, жимжимадор қатлам, иккинчиси — асосийси кенг халқ оmmasига мўлжалланган ва уларнинг орзу-идеалларини ифодаловчи қатлам, булар «асосан прогрессив, демократик характердадир», деган фикрни ўртага ташлайди. Менимча, олим ҳақ, биз ҳам халқ китобларимизга шу позицияда туриб ёндашишимиз керак.

Шу ўринда классик шеърӣиятимизни, айниқса улуг ўзбек шоири Бобур ижодини ўрганишдаги ибратли ишлардан бири сифатида москвалик танқидчи олима И. В. Стеблеванин «Бобур ғазаллари семантикаси» деган йирик монографик асарини мамнуният

билан кўрсатиш мумкин. Эътиборни китобдаги бир муҳим фазилатга тортмоқчи эдим. Яқингача йирик шарқшунослар Шарқ шеърятни, айниқса ғазал жанри хусусида сўзлаганда, ундаги образларнинг реал ҳаёт билан, айниқса шоирнинг шахсий тақдири билан боғлиқ бўлишини инкор этиб, ҳамма нарсани қотиб қолган традицион мотивга боғлаб қўйишга уриниши кучли эди. Кейинги пайтларда, мусулмон дунёсидаги шеърятни таҳлил этганда, шоирнинг таржимаи ҳолини, у яшаган ижтимоий ҳаётни, муҳитни, шарт-шароитни эътиборга олиш тенденцияси кучайди. Бундай ҳаракат бизда ҳам Навоий, Бобур, Фурқат, Муқимий ижодига бағишланган илмий ишларда аниқ кўрина бошлади. И. В. Стеблева ўз монографиясининг марказига Бобур образлари заминида ётган ижтимоий ҳаёт билан шоир шахсиятининг акс этишини ёритишни кўяди. Айниқса «Традицион тема ва Бобур ғазалларида автор шахсияти» деган бобида Бобурнинг классик туркий шеърятнинг эстетик нормаларини бузмагани ҳолда ўз даври воқелигини акс эттиргани ва ғазалларида шахсиятининг аниқ муҳри ётганини жуда ишонarli кўрсатиб беради. Менинг назаримда, ўзбек классик шеърятини таҳлил қилганда худди шу самарали йўлдан бориш керакка ўхшайди. Шунда ижодкорлари-мизнинг реал ҳаёт билан алоқаси даражасини ҳам, уларнинг ўзига хос овози, услубини ҳам, новаторлигини ҳам кўрсатиб бериб, схематик, шаблон фикрлашдан, баҳо беришдан қутуламиз.

Олимларимиз Алишер Навоий ижоди ва ҳаётини ўрганишда ҳам жиддий илмий изланишлар қилишди. Асомиддин Уринбоев томонидан «Навоий альбоми»даги Абдураҳмон Жомий катлари — автографлари («Мажмуаи муросолат») деб шуҳрат топган ноёб материалнинг нашр этилиши (рус тилида) ҳам Навоий ва жомийшуносликда ҳам илмий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Китобдаги 534 хатнинг аксарияти улуг Навоийга ёзилган. Бу хатларни ўқиб, икки улуг сиймонинг мустаҳкам дўстлигига яна бир бор амин бўласиз, энг муҳими, улуг Навоийнинг ўз замонда нақадар ижтимоий-сиёсий мавқега эга бўлганлигига ҳам шохид бўласиз. Мана, Жомийнинг Навоийга юборган мактублари-дан бирида (64-сонли) у Навоийни «мусулмонлар манфаати учун», «золим одамларнинг ёмонликларини бартараф қилиш учун», халқни адолатсизликдан ҳимоя қилиш учун» саройда эгаллаб турган лавозимидан кетмасликка даъват этади. Ҳар бир мактубда Навоий ва ўша даврнинг қандайдир бир хислати очилади.

Академик Воҳид Абдуллаевнинг бир жилдик «Сайланма»си Навоий, унинг замондошлари ва издошлари ижодини ўрганишга бағишланган. Китобдан олимнинг Ботир Валихўжаев билан ҳамкорликда ёзган «Навоийнинг ўз кўлэзма девони» мақоласи ҳам ўрин олган. Шу вақтгача шоирнинг бирорта дастхати — автографи топилмаган эди. Бу олимлар Эронда нашр этилган икки томлик «Фехрасти девонҳои хатти», катологидаги Навоийнинг етти асаридан биттаси — яъни «Наводирун-ниҳоя» девони улуг шоир қўли билан кўчирилганлигини аниқлади. Шоирнинг ўзи китоб сўнигида тўрт қатор шеър ва «Китобнинг қотиби Навоий сифатида машҳур бўлган банд ва фақир Алишердир» деган уқтириш беради (бу жумла араб тилида.) Демак, мана бу факт ҳам катта воқеа, кашфиётдир.

Юқоридаги китоб материалнинг бойлиги, қамровининг кенглиги ва масалаларнинг ранг-баранглиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Унда Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти кенг ёритилади, шунингдек, Жомийнинг Самарқанддаги фаолияти ҳам махсус тадқиқ қилинади. Олимнинг назирчилик тўғрисидаги илмий мушоҳадалари, яъни назирчиликда тақлидчилик, жавоб-назира, назираи беназир йўллари борлиги ва тақлидчиликнинг ҳақиқий ижодга, адабиётга алоқаси йўқлиги тўғрисидаги фикрлари қизиқарли.

Навоий ижодини ўрганишда ёш олим Шарафиддин Шарипов қаламига мансуб «Алишер Навоий «Лисонут-тайр» дostonининг генезиси ва гоъвий-бадий хусусиятлари» номли монографиянинг ҳам ўрни бор. У Е. Э. Бертельснинг «Искандар ҳақида роман» деган йирик тадқиқоти анъанаси асосида ёзилган. Тадқиқотчи Урта Осиеда рамзий усулда ёзилган илк фалсафий асар Абу Али ибн Синонинг «Рисолатут-тайр» асари эканлигини айтиб, Навоий Атторнинг «Мантиқут-тайр» дostonидан бевосита, Гулшаҳрий, Ғазолийларнинг шу тилдаги дostonлари орқали билвосита Ибн Сино асаридан баҳраманд бўлганини таъкидлайди. Хуллас, олим «Лисонут-тайр» асарининг илдизи Ибн Сино ижодига бориб тақалишини асослайдики, бу илм учун муҳим гап.

Тошкент Давлат университетида нашр этилган «Ўзбек классик адабиётида Алишер Навоий анъаналари» тўпламида фалсафий лирика (Ғулум Каримов), Навоий эпик услубига доир (Анвар Ҳожиаҳмедов) эътиборли мақолалар берилган, фольклордаги романтик тенденцияларни ўрганиш (Нодир Саидов) ва, айниқса, фольклор дostonларини структурал таҳлил этишга бағишланган мақолаларнинг (Омон Мадаев) таҳлил методикасида янгилик бор. Олима Гулнора Ғафуржонова «Нодир ва унинг «Ҳафт гулшан» дostonи» номли китобчасини нашр этгирди. Муаллиф классик дostonнинг саргузашт ва фантастик сюжети заминида ётган реалистик элементларни тўғри ёритади. Айни замонда бу тадқиқотда баёнчилик қусуридан ташқари, саёз мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Қатор дostonларда қаҳрамонларга исм қўймаслик ҳодисасини ижодкор «умумлашма образ яратганда» ном қўймайди, деган даъво билан изоҳлайди. Унда исми бор образларда, айтайлик, Лайли ва Мажнунларда умумлаштириш йўқ экан-да, деган хулоса чиқмайдимиз?!

Классик адабиётимиз билан жиддий, чуқур шуғулланидиган билимдон ёшларимиз кам. Шу маънода Иброҳим Ҳаққулловнинг «Ўзбек адабиётида рубоий» китоби, «Увайсий шаъриятни» рисоласи ва вақтги матбуотда босилган мақолалари диққатга сазовордир.

Олим Увайсий тўғрисидаги асарида шоира ижодига унинг эстетик қараши, мавқе ва идеалидан келиб чиқиб ёндашади, образлари силсиласидаги фикр, дардни қидиради, шоира шеърятдаги психологик чуқурликни, фожиавий руҳни, ҳаётийликни, кучли

социал мазмунни очаді. Тўғри, баъзан муаллиф кераксиз эхтирос ва лирик чекинишларга берилиб кетадики, бундан сақланган маъқул.

Ўзбек адабиёти тарихига доир илмий асарларга умумий назар ташлаганда, қадимги ўзбек адабиётини ўрганиш жуда суёт эканлиги маълум бўлади. Шарқ шеърляти поэтикаси, ижодий метод, услубий изланишлар, сўфизм, образлар системаси, ўзбек адабиётининг традициялари ва умуминсоний фазилатлари, айниқса XIX аср охири ва XX аср бошларидаги адабий жараён, Урга Осиёнинг Россияга қўшилишдан кейинги даврда ўзбек адабиётда ижтимоий-сиёсий йўналишнинг ўсиши, ўзбек революцион адабиётининг туғилиши етарли ўрганилмаепти. Тўғри, Октябрь арафасидаги адабий ҳаётни ўрганишда ҳозир бир оз жонланиш бор (Бегали Қосимов ва бошқа ўртоқларнинг бу борадаги изланишларини таъкидлаш керак.)

Бироқ ўзбек классик адабиётга бағишланган ишларнинг совет адабиёти, ҳозирги давр ўзбек адабиёти билан шугулланувчи олимлар учун ибратли жиҳатлари бор. Бу — эътиборни адабиётнинг илмий проблемаларига қаратиш ва монографик характерда иш қилишдир. Ўзбек совет адабиёти бўйича кейинги йилларда нашр этилган китобларга бир назар ташласак, ҳозирги адабиётимизнинг актуал масалаларини чуқур ва атрофлича таҳлил этиб берувчи монографик характердаги асарлар жуда камлигини кўраимиз. Бу — тасодифий ҳодиса эмас. Кўп йиллардан буён йирик-йирик олимларимиз мақолалар тўплами тайёрлашга ружу қўйиб келмоқдалар. Мен бу йўлни қораламоқчи эмасман, адабий жараёни ўрганишда бундай асарларнинг роли катта. Бироқ адабиётимизнинг актуал илмий проблемаларини назарий аспектда ишлаш адабий жараён ривожига катта таъсир этиши мумкин эди. Энг кичик жанр — қўшиқдан бошлайлик. Кишининг на ақли, на юрагига таъсир этадиган, қуруқ, баландпарвоз, суюқ, саёз қўшиқларнинг айтилишига кўникаб қолдик. Шу вақтгача бизда қўшиқ ҳақида бирорта жиддий китоб йўқ. Кетмакет романлар босилмоқда. Бироқ барча романлар янги ҳаётги проблема, янги қаҳрамон бераепти деб бўладими?! Вугуниттифоқ адабий танқидчилиги эътиборни тортмаётган романларнинг илдизи қаерда? Эҳтимол, биз — танқидчилар уларнинг фазилатини оча олмаётгандирмиз. Ундай десак, бу романлар рус тилига таржима бўлмоқда, умумиттифоқ танқидчилари Ватанимизнинг қайси чеккасида ярқ этган талантли асар туғилса, дарҳол муносабат билдиришадик! Драматургия бўйича назарий китоблар у ёқда турсин, бу санъатнинг фидойи танқидчиларини ҳам топиш қийин. Уртамаёна, дориган қовун сингари кишини беҳуд қилувчи шеърларнинг оқиб келишига барҳам берувчи илмий-назарий бақувват китобар қани? Рус адабиётшунослиги ва танқидчилигида миф, шартли воситалар хусусида ўнлаб китоблар яратилди. Бизда эса асарнинг жисмига сизгадими ё йўқми, унга чоксиз қўшилиб, ҳужайрасининг бир тармоғига айланадими, йўқми, буни ҳисобга олмадан миф, ҳикоят, нақллари киритавериш иллати туғилди. Типиклик тўғрисида йигирма йилчадан буён бирор жиддий мақола ёзилмаиди. Натигажа ҳаётдаги рўпара келган факт, ҳодисалар хомлигича баъзи асарларга кириб кетмоқда. Жозибали қаҳрамонлар камлигининг илдизи ҳам шу ерда. Роман, поэмаларимизда қўймалик, мутаносблик, теранлик етишмаепти. Ёзувчиларнинг услубий изланишлари, айниқса ёшлар ижодидаги янгиликларни таҳлил этувчи жиддий китобларнинг йўқлиги улар ижодига бир ёқлама баҳо бериш, ҳатто уларнинг мазмун ва шаклдаги кашфиётларини тан олмаслик иллати ҳам туғилиб қолмоқда. Бундай долзарб муаммолар жуда кўп.

Шулар фониди бир қатор монографик характердаги китобларни алоҳида қувонч билан айтиб ўтгинг келади. Матёқуб Қўшжоновиинг «Ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқат» рисоласида ҳозирги адабий асарлар ҳолис баҳоланади. Олим барча тадқиқотларида кўпроқ етук асарларни конкрет ва батафсил таҳлил қилиш йўлидан боради. Маскур китобда муаллиф ўзи танлаган шу таҳлил усулини «асарни адабиётшунос тили билан, танқидий тафаккур воситасида қайта яратиш» деб атайди, бошқа ҳамкасбларини ҳам шу усулда ёзишга чорлайди. «Фақат масаланинг бир томони бор; образларни танқидий йўл билан қайта яратишга фақат бадий жиҳатдан бақувват асарларгина чидам бера олади. Эҳтимол, биз баъзи бир асарларнинг заифлигини яшириш учун бу йўлдан воз кечаётгандирмиз», — деб таъкидлайди у.

Бу йўл ҳам керак, лекин уни ягона қулай йўл деб ҳисоблаш ўринлимикан? Бу йўлнинг сирини пухта эгалламаган танқидчи асарнинг сюжетини айтиб беради, қаҳрамон юрган издан бориб, унинг ҳар бир қадамини шарҳлаб, мақтайди. Демак, баёнчиликка йўл қўяди. Сўнгра, адабий танқиднинг турли-туман жанрлари мавжуд, масалан, обзор мақоланинг ўз вазифаси, проблематик, назарий мақоланинг ўз вазифаси — ёзилиш тарзи бор. Жойи келганда шунинг ҳам айтиш керакки, бизда адабий-танқидий жанр билан академик таҳлил усулининг чегараси баъзан йўқ бўлиб кетмоқда. Академик таҳлил йўлидаги зерикарли ва тумтароқликнинг илдизи аслида бошқа насада: яъни янги фикр, чуқур илмий-назарий хулосаларнинг бўлмаслиги, олинган катта илмий масалани атрофлича қизиқарли ҳал қилиб беролмасликдадир. Шунинг учун унинг қизиқарли, жозибали бўлиши тўғрисида қайғуриш керак. Наим Каримовнинг «Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти», «Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари», Акрам Каттабековнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат», Нарзулла Шодиевнинг «Қудратли тўлқинлар олами», Ҳотам Умурувнинг «Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги», Нурмуҳаммад Холчиевнинг «Оҳангдош образлар» каби монографиялари проблематик асарлар, бироқ олинган мавзун атрафлича таҳлил қилиш билан кишини ўзига жалб этади. Наим Каримов 50-йиллар ўзбек адабиётдаги камчиликларни яширмай, рўй-роҳ айтади, илдизларини очади (жумладан поэзияда мадҳиябозлик ва риторика, проза ва драматургияда ҳаёт зиддиятлари ва тўқнашувлари, қийинчиликларини хаспўслаш, инсон ружий оламига чуқур қира олмаслик каби.) Айни чоқда булар даврнинг етакчи тенденцияси эмаслигини тўғри кўрсатади. Бу йиллар адабиётнинг бош

ижобий фазилати ғоявийлик ва замонавийлик йўлидан олға томон қадам босишида, даврнинг фаол ижобий қахрамони яратишга интилишида намоён бўлишини уқтиради. Муаллиф 60—70-йилларда пайдо бўлган ўнлаб салмоқли асарларнинг пойдевори худди ўша 50-йилларда қурилди, деган ҳақли тезисни олға суради. Наим Каримов «Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари» китобчасида Ойбекнинг ижод психологияси, ижодий лабораториясининг кўпгина қирраларини конкрет мисоллар ёрдамида кўрсатиб беради. Тадқиқотчи Ойбекнинг 20 томлик «Мукаммал асарлар»ини нашрга тайёрлашда энг фаол қатнашган олимларимиздан. Шу жараёнда у Ойбекнинг иш услубини, роман ёзишга қандай тайёргарлик кўргандини, унга қандай сайқал берганини, қахрамонларининг прототипларини, тарихий манбаларини синчиклаб қузатган эди. Олим ўз китобида шуларни таҳлил этиш воситасида Ойбекнинг улуг заҳматкаш ёзувчи бўлганлигини ҳаққоний лавҳаларда ёритиб берадики, бу ёшларга намуна бўлади. Қаранг, Дилдор деган мусиқий, халқчил содда исмга тўхтагунча Ойбек Дилнавоз деган исмни топган, бироқ уни китобий деб маъқул кўрмаган экан, кейин Ойбадоқ демоқчи бўлган, бироқ бу исм ҳам қиздаги гўзаллиқни, нафосатни ифодалай олмаган. Еки яна бир факт. Ойбек «Навой» романида Хусайн Бойқаро саройидаги олтиндан ва ҳар хил қимматли тошлардан ясалган дарахт тасвирини фантазия, ҳаёл ҳосиласи тарзида яратмаган экан. Балки бу фактни испан сайёҳи Клавихонинг «Темурнинг Самарқанддаги саройига 1403—1406 йилларда қилинган саёҳат кундалиги»дан олган экан (китоб 1881 йилда босилган.) Мен Наим Каримовнинг икки китобини ҳам адабиётшунослигимизнинг ютуғи деб ҳисоблайман.

Бегали Қосимов

АДАБИЁТ ВА ИНҚИЛОБИЙ ҲАРАКАТ

Карл Маркс Зигфрид Мейерга йўллаган бир мактубида XIX аср рус адабиёти ҳақида фикр юритиб, «Донишмандлар ҳаминша халқ тани билан кўз илғамас ишлар орқали боғланган бўлади»¹, — деб ёзган экан. Дарҳақиқат, буюк санъаткорлар ҳаминша даврнинг энг илғор ғояларидан, халқ ҳаракатидан озиқ ва илҳом олганлар. Навоийшунос олим А. Хайитметов буюк шоирнинг гуманистик идеаллари шаклланишида сарбадорлик ҳаракатининг беиз кетмагани ҳақидаги фикрни ўртага ташлайди.² Пушкиннинг эркесвар даҳси уни декабристлар даврасига бошлади, Пугачев образини яратишга олиб келди. Лермонтовнинг номини бутун Россияга танитган дастлабки шеъри — «Шоирнинг ўлими»ни аристократия «революцияга қақирик» деб баҳолаган эди.

Утган асрнинг 90-йилларида ўлкада юз берган рус самодержавиясига қарши ҳаракатлар Туркистонда миллий-ижтимоий уйғонишни бошлаб берди. 1892 йилда Тошкент, 1898 йилда эса Андижон кўзғолони бўлиб ўтди. Профессор Фулом Каримов бир қатор факт ва далилларга суяниб, «демократ шоирлар Тошкент кўзғолонига ва унинг қахрамонларига ижобий муносабатда бўлганлар» деган хулосага келади. Маълум бўлишича, вафотига Муқимий «юз афсус» билан марсия битган Инъомхўжа 1892 йилдаги Тошкент кўзғолонининг ташкилотчиларидан ва актив иштирокчиларидан экан.³ Фурқат «Сабоға хитоб»ида меҳр билан тилга олган Аҳмадхўжа юзбоши Тошкент кўзғолонида иштирок этгани учун Туркистон округ ҳарбий суди томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган кўзғолончи бўлиб чиқди⁴.

1905 йил революцияси ижодкорларимиз дунёқарашининг шаклланишида бурилиш нуқталаридан бўлди. Машҳур Ҳамза «1905 йил рабочий инқилоби»ни Наманганда «ўрган»ганини ўз таржимаи ҳолида алоҳида таъкидлайди. «Қўл матбааси билан майда рисолага эълонлар чиқариб турувчи бир татар йигити бўлиб, мен ҳар ҳафтада бир-икки унинг билан суҳбат қиладир эдим. Ул мени хили дардлаган бўлса керак, шул кундан бошлаб эски подшолар турмушидан бир «Ҳақиқат қимда?» исмли ҳавосиз операли бир роман ёзган эдим... Бундан буёнги шеърларим миллий ва инқилобий тусларин ола бошлади», — деб ёзади.

«Қонли якшанба» Нозимаҳонини ҳам ларзага солди. «Баёни арзи ҳол»⁵ номли шеър ёзиб, «Эрк» ва «Хуррият» «талаш»ган юрт эрларини шарафлади.

Фаолияти ва ижоди инқилобий ҳаракатчилик билан бир қадар боғланган, лекин адабиётшунослигимизда кам ёритилган Абдулла Авлоний, Сиддиқий — Ажзий, шунингдек 1916—1917 йиллардан улар қаторига қўшилган Мирмуҳсин Шермухамедов, Хуршид кабиларнинг ҳаёт ва меросларига оид материалларда ҳам қизиқарли фактлар

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс санъат тўғрисида, 2-томлик, 1-том, «Ўзбекистон», Т., 1975, 512-бет.

² Қаранг, А. Хайитметов, Ҳаётбахш чашма. Т., 1974, 82—99-бетлар.

³ Ғ. Каримов. Муқимий (Ҳаёти ва ижоди) Т., 1970, 111-бет.

⁴ Уша ерда.

⁵ «Тараққий» газетаси, 1907 йил 5 июнь.

учрайди. Жумладан, Авлонийнинг таржимаи ҳоли да қўйидагиларга дуч келамиз: «1905 йилдаги Русияда бошланган инқилоб тўлқини бизга ҳам зўр таъсир қилди. Сиёсий маслакларга ва сиёсий масалаларга ҳам кириша бошладук. Бизнинг мақсадимиз турли йўллар билан халқни оқартирмоқ ва кўзларин очмоқ бўлди. Биз бу мақсадга эришмоқ учун газит чиқармоқни муносиб кўруб, бизларни тарафимиздан чиқгон «Тараққий» ва «Хуршид» газитлари ҳукумат тарафиндан тўхтатилгондан сўнг 1906 йилда мен ўз муҳаррирлигим билан ҳамда темир йўл ишчиларининг социал демократ фирқасининг алоқа ва ёрдами билан «Шухрат» исмида газитни Сафёрний кўчада чиқардим. Темир йўл ишчиларининг кўмиталари томонидан «Рафиқ Сабируф» исмли қозонли бир орқадосимиз мени газитимга келуб, ёзув жиҳатлариндан ёрдамлашур эди. Шул вақтда Уринбургда чиқадургон, фофирус қоғазига босиладургон «Солдат» исмли русча махфий (тайний) газетани Рафиқ Сабируф билан иккимиз турли кишиларнинг воситаси билан тарқатур эдук. Ва мундан бошқа русча ёзилмиш турли фроқламацияларни-да тарқотур эдук. Ва бу русча фроқламацияларга қаноат қилмай, мусулмонча типўграф билан махфий су-ратда фроқламация босуб, шаҳар ва қишлоқларга ҳам тарқатча бошладук. Бу фроқлама-цияни(нг) ёзувчиси — Утап қотиб, эски шаҳарга тарқатувчиси — Эшонхўжа, Янги ша-ҳарга — мен, қишлоқларга — Умаркул Аноркул ўғли эди.

Бизнинг ҳаракатимизни эски ҳукуматнинг сезганлиги билинди. Менинг уйимда ёлгон паспорт билан тургон Сабируфни қочурдук. Ул Уринбургга бориб қўлга тушиб қолди. Суд ўлимга ҳукм қилиб, Ташкентдаги кўмитани очиб берсанг, ўлим жазосини ўзгартирамиз, деб шарт қўйдилар. Ул ўлимдан қўрқиб, тамом қилгон ишларин, «Шух-рат» газетасин шул кўмитанинг ёрдами билан чиқгонлигин ва инқилоб кўмита аъзоларин тутиб берди. Кўб кишиларнинг ўлимига, Сибирь ва турмага ёпилувиға сабаб бўлди. 10-нўмеринда «Шухрат» газетасин тамом нимарсаларин бутун идорадаги хат ва қоғозлар билан мусодара қилуб, «чризвичайни охран» кучи билан чиқармасқа мендан имзо олуб тўхтати. Ичкилгон курашга тўймас, дегандек, 1908 йилда ёзувчиларимиздан Аҳмаджон Бектемиров номига «Осиё» исмли газитга рухсат олуб, идорани ўз уйимга кўчируб яна чиқара бошладим. 6-нўмеринда... буни ҳам мусодара қилуб беркитуб кетди». (Абдулла Авлоний. Таржимаи ҳол (Автобиография № 6, 1921, қўлёзма, 3—4-бетлар) кизи Ҳақима Авлоновада сақланади).

«Гулистон» журналининг 1979 йил 9—10 сонларида босилган С. Қосимовнинг «Тараққий» газетаси ва унинг муҳаррири Исмоил Обидов ҳақидаги «Кураш саҳифала-ри» номли қизиқарли ва мазмундор мақоласида келтирилган талай факт ва материаллар Абдулла Авлонийнинг 1905 йил революциясидан таъсирланиб ижтимоий фаолиятга жиддий киришгани тўғрисида юқоридаги эътирофнинг асоссиз эмаслигини кўрсатади. С. Қосимов ўз мақоласида 1906 йилнинг 14 июнидан Ташкентда чиқиб, 20-сонида тўхтатилган «Тараққий» фаолиятини жумладан, Туркистон инқилобий ҳаракатчилиги билан алоқаларини атрофлича тадқиқ этиб, унинг «чуқур сиёсий ларзалар ва революци-он жанглр давом этаётган пайтда инқилобий кучларни чоризмга қарши жангга даъват этувчи нашр», «ўзбек халқи революцион онгини юксалтиришда муҳим ўрин тутган газета» эканлигини атрофлича исбот қилди. Унинг муҳаррири Исмоил Тараққий 90-йиллардаёқ Қозондаги марксистик тўғарақларга қатнашган, 1904—1905-йилларда Мулламур Воҳитов, Хусайн Ямашев каби татар инқилобчилари билан ҳамфикр бўлган. Октябрдан кейин Туркистон ички ишлар комиссари даражасига кўтарилган курашчи бўлиб чиқди. Абдулла Авлоний таржимаи ҳоли қўлёзмаларининг ҳаммасида «Та-раққий» газетаси, муаллифининг унга дахлдорлиги ҳақида оз-кўп маълумот учрайди».

Авлонийнинг бевосита муҳаррирлигида чиққан «Шухрат», муаллиф таъкидлагани-дек, 10-сонда тўхтатилди. Газетанинг сўнгги сонида шундай хабарга дуч келамиз: «Эшитилмиш хабарларга қараганда ўз мусулмонларимиздан баъзи данўсчи наммом (чақимчи — Б. Қ.)лар пайдо бўлуб, газетамиздан начальствоға данўс қилмоқ фикрида елка қилгон эмишлар...»

Газетамизнинг маслаки миллий; бетараф сиёсий ўлуб «умеренно-прогрессивная политическая» газетадур. Ёзгон мақолаларимиз ҳам ушбу маслакимиз ўлгон — эътидол ва ҳаққоният даражасида ўлуб, нозир ва цензорлар тарафидан ҳақлик узга таржима қилинуб, тегишли маҳкамаларда кўрилуб турилибдур. Шул сабабли начальство сизни(нг) данўсларга ҳеч бир эҳтиёжи йўқдур». («Шухрат г., 1908 йил, 14 февраль, 10-сон)

Энди газетанинг 5-сонида босилган, муҳаррир қаламига мансуб бўлиб, «Шухрат» нинг программасини поэтик йўлда бир қадар ифодалаган шеър сатрларини кўрайлик:

Жаҳонда иттифоқу илм учун оворадур «Шухрат»,
Зухуру рўшноий илм учун махфорадур «Шухрат».
Вужудин сарф қилгон илм учун бечорадур «Шухрат».
Дили миллат ғамида дам-бадам сийпорадур «Шухрат».

¹ Авлонийнинг шахсий архивида унинг турли даврда турли муносабатлар билан ёзилган 7 таржимаи ҳоли қўлёзмаси мавжуд (Биттаси охирига етмаган, имзоланмаган). Булардан энг кейингиси 1932 йил 26 ноябрь санаси билан рақамланган бўлиб, уни шартли равишда № 1 деб, энг олдингисини — адиб «Узинпрос» да мудирлигида (1921) ёзилганини эса № 6 деб белгилладик.

² «1906 йилдан бошлаб «Тараққий» ва бошқа газеталарга иштирок қилдим» (Авлоний. Автобиография № 1. 1932 йил 26 ноябрь; 2-бет; № 2, 1930 й. 26 ноябрь, 1-бет): «Бу уюшманинг ҳаракати билан 1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқиб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилди» (№ 3, 1924 йил, 23 июль, 4-бет: — Авлоний таржимаи ҳолининг бу нуسخаси ўғли Кенжа Авлоний қўлида сақланади): «Бу уюшманинг ҳаракати билан 1906 йилда «Тараққий», «Хуршид» газеталари чиқуб, эски ҳукумат томонидан тўхтатилгондан сўнг...») № 5, 1923 й., 2-бет).

Каломи хуштакаллум тўғи зебосифат сўзлар,
Мақоми хурриятда булбули шайдосифат сўзлар,
Замона гулшанида кумри танҳосифат сўзлар,
Гулистонларда доим сайр этар тайёрадур «Шухрат».

Биз газета материалларидан иккита парча келтирдик. Уларнинг бири газетанинг программаси, иккинчиси фаолияти ва тақдири ҳақида.

«Шухрат»нинг чиқиши, муаллиф ўз таржимаи ҳолида уқтирганидек, «халқни оқартирмоқ ва кўзларин очмоқ» йўлидаги табирлардан. Газетанинг программаси шунга қаратилгани шеърдан сезилади. Чунончи, илм-маърифатга чақириш, ғафлатдан уйғонишга ундаш каби бир қатор умумий шиорлар орасида газетанинг конкрет қиёфасини, характерини англашга ёрдам берадиган, инқилобий ҳаракатга муносабатини сездириб қўйган сатрларни пайқаш қийин эмас. Масалан, «Мақоми хурриятда булбули шайдосифат сўзлар» мисрасида газета хуррият шайдоси, бу йўлдаги ҳар қандай ҳаракатнинг қизғин олқишловчиси деган фикр булбул ва у ташиган анъанавий мазмун ёрдамида етказилмоқда.

Абдулла Авлоний 1917 йил июннинг бошларида Тошкент ишчи ва солдат депутатлари советининг масъул вазифаларида ишлади. Шоир ўз таржимаи ҳолида қисқа ва соддагина қилиб «1917 йилда тузилган Тошкентдаги «Совет солдатски рабочий депутат» шўросига сайланиб ишладим. Шўро томонидан Эски шаҳар озиқ кўмитасига контрол бўлиб хизмат қилар эдим», «2-краевой съездга вакил бўлб сайландим. 5-краевой съезддан бошлаб, 10-краевой съездга краевой съездларга иштирок қилдим ҳам член ТурЦИК бўлиб сайландим. Турли масъулиятли ўринларда хизмат қилуб келдим» деган эди (Абдулла Авлоний, таржимаи ҳол (№ 5), (8—9-бетлар).

Авлонийнинг шахсий архивида Тошкент ишчи ва солдат депутатлари совети ижроия комитетининг 1917 йил 6 июнь 62-сонли гувоҳномаси сақланган. Унда Авлоний мазкур комитетнинг 1917 йил 6 июнь қарорига кўра советнинг эски шаҳар озиқ-овқат комиссияси аъзоси вазифасига тасдиқлангани айтилган. Шунинг билан бир қатар, Тошкентдаги мусулмон ишчи депутатлари совети мардикорлар келгандан кейингина ташкил бўлди. (Унинг ташкилот бюроси 14 июлдаги биринчи умумий йиғилишида сайланган эди). Тўғри, Тошкентда «революцион халқ элементлари диктагурсининг куртаги» (Ленин) бўлган ишчи депутатлари совети февраль революциясидан кейин дарҳол — 3 мартдаёқ тузилган. Лекин, сирасини айтганда, у асосан рус ишчиларидан таркиб топган эди. Ишчи ва солдат депутатлари совети эса 28 мартда ташкил топди. Авлоний «1924 йил 21 ноябрь» санали таржимаи ҳолида «1917 йилда февраль ўзгариши бошланиши билан «Турон» жамияти томонидан совет солдатски рабочий депутатга вакил сайланиб шўрода ишлагани» ни ёзади. Шоирнинг 6 июнда совет ижроия комитети қарори билан масъул бир ишга тасдиқлангани ва ўзининг таржимаи ҳолидаги эътирофи кўзда тутилса, унинг советга аралашуви апрель — майларга тўғри келади. Унинг «Турон» жамияти томонидан советга сайлануви эса жамиятнинг апрель-майлардаги қиёфасини ҳам бир қадар ойдинлаштиради. Агар у бевосита Мунаввар қори ва шўройи исломчилар таъсири остида бўлганда, советлар билан алоқа боғламаган, унга ўз вакилларини юбормаган бўларди. Негаки, Мунаввар қори ва, умуман, шўройи исломчилар советларга қарши қаттиқ кураш олиб борган, ҳокимиятни советлар қўлига топширишга жон-жаҳдлари билан тўсқинлик кўрсатган эдилар.

Самарқандда Саидахмад Сиддикий 1917 йилнинг апрелида майдонга келган «Иттифоқ» исмли «мусулмон меҳнатқаш жамияти»нинг ташкилотчиларидан бўлди. «Хуррият» газетаси 1917 йил 28-сонидан шоирнинг мазкур жамиятга «хазиначи» бўлиб сайланганини хабар қилади. Турли-туман ишчилар — бинокорлар, чармгарлар, ко-сиблар билан бирга майда савдогарларни ҳам ўзида бирлаштирган Самарқанд «Иттифоқи»нинг позицияси, тарихчи олимлар қайд қилганларидек, дастлаб ноаниқ ва бекарор эди. Лекин мардикорликдан қайтган ишчиларнинг келиб қўшилиши билан унинг йўналиши қатъий тус олди. Унда большевиклар таъсири кучайди, оммалашиб борди. Дастлабки 2—3 ойдаёқ 1500 кишига етди. Августда эса бир неча минг кишини ташкил қилди. Қатор оммавий йиғин-митинглар уюштирди.

Самарқандда ҳам шўройи исломчилар билан иттифоқчилар ўртасида кескин кураш кетган эдики, бу, ҳар икки жамиятнинг икки қарама-қарши позицияда турганини яққол кўрсатади. Бу икки жамият ўртасидаги кураш Х. Ш. Иноятовнинг «Октябрьская революция в Узбекистане», «Против фальсификации истории победы советской власти в Средней Азии и Казахстане» китобларида ва «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг 3-томида қатор факт ва ҳужжатлар асосида кўрсатиб берилган.

В. И. Ленин ўзининг машҳур «Апрель тезислари»да Муваққат Ҳукуматнинг реакциян моҳиятини очиб ташлаш, эсер ва меньшевикларнинг кирдикорларини фош қилиш ва шу орқали омманинг сиёсий даражасини кўтаришни революциянинг тинч ривожланиш давридаги асосий ишлардан бири эканлигини кўрсатган эди. Туркистон шароитида ана шундай ёт унсурлар қаторига миллатчилик позициясини маҳкам ушлаган шўройи исломчилар ҳам қўшилди. Шу жиҳатдан, «Иттифоқ» билан «Шўройи ислом» ўртасида кетган кураш тамомила қонуний эди. «Энг фаол иштирокчиларни ҳатто ўлдиришдан ҳам қайтмаган шўройи исломчиларнинг ва мусулмон руҳонийларининг иввогарликларига қарамай», (Ўзбекистон ССР тарихи, 4-томлик, 3-том, Т., 1971, 74-бет) «Иттифоқ» жамияти омма орасида тобора кенгроқ қулоч ёйди, «халқнинг сохта дўстла-

¹ Абдулла Авлоний. Таржимаи ҳол (Автобиография № 1, 1932 йил, 26 ноябрь). Қўлёзма, 5-бет.

ри» — «Шўройи исломия» ни фош этиб борди. Жамиятнинг ташкилотчи ва фаолларидан ҳисобланган Сиддиқийнинг фаолияти айниқса самарали бўлди. Шоирнинг уруш ва унга муносабат мавзуидаги икки мақоласи мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

1917 йил 28 апрелдаги «Турон» можароси¹ дан кейин, большевиклар ёрдамида қамқондан қочирилиб, Уфага жўнатилган Мирмуҳсин Шермухамедовнинг ҳам бу даврдаги фаолияти сермахсул ва мазмундордир. Айтиш керакки, шу пайтдаги кўпгина зиёлилар сингари унинг ҳам чинакам большевистик позицияга етиб келиши қийин ва мураккаб жараёнлар орқали кечди: У 1916 йилда машҳур маърифатчи Иоганн Генрих Песталоцци таваллудининг 170 йиллигига бағишлаб «Маслак ишқи ва фидокорлик» мақоласини ёзган эди. Мирмуҳсин Песталоццининг қахрамонликлар билан тўла ҳаётига мурожаат қилиши бежиз эмас. Муаллиф унинг ҳаёти ва курашидан катта маъно топади, замондошлари учун ибратли хулоса чиқаради. Унинг маслак ва эътиқодига фидойилигини ўрناк қилиб кўрсатади. У ёзади: «Масалан, мен *Фараз этайим*, (курсив бизники. Б. Қ.) социалист революционер маслагин ўзим учун ҳақ, миллатим учун фойдали бир йўл деб қабул этам. Албатта, шу маслагимнинг душмани бўлгон кадет, буржуа анархистларига қарши турув ва мумкин қадар маслагимни юзага чиқарув ва шу йўлда фидокорлик кўрсатув менга лозим. Демак, бу меним имоним мажбур этган вазифам. Узининг чин маслагиндан адашуб, вазифасин ҳақ ила адо қила олмагон кимса, керак ким бўлса-да бўлсун, мутлақо кишилиқ дунёсидан чиқарилгон, сотлик одамдур».

Ўзбекистондаги инқилоб тарихини чуқур ўрганган Х. Ш. Иноятов М. Шермухамедовни Тошкентдаги Октябрь жангарида «Озодлик учун курашнинг олдинги сафларида бўлган»² лигини ёзади. Бу унча тўғри эмас. Мирмуҳсин Октябрни Уфада кутиб олган. Тошкентдаги Октябрь воқеаларида қатнашган эмас. Буни унинг замондошлари хотиралари (Қаранг: «Ёш ленинчи» газетаси 1929, 58-сон) ҳам, сентябрь-декабрь оралиғида «Уфа», «Олия», «Уфадан мактуб» деган изоҳлар билан босилган ўндан ортиқ мақолалари ҳам очик кўрсатади. Лекин, шуниси ҳақиқатки, Февраль ва Октябрь оралиғидаги давр. Мирмуҳсиннинг инқилобий қарашлари шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. У инқилоб ва инқилобий воқеалар ҳақида кўплаб мақолалар ёзди.

Адиб Февраль воқеаларидан 15 кун ўтар-ўтмас, «Хурриятдан нечук фойдаланамиз?!» деган савол билан чиқди. «Нажот» газетасининг 5-7 сонларида босилган бу мақола вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиши билан ажралиб туради. Февраль берган «хуррият»нинг мақсад эмас, восита эканлиги сарлавҳадаёқ таъкидланмоқда.

В. И. Ленин ўзининг машҳур «Апрель тезислари»да партиянинг ўша пайтдаги вазифалари сифатида қуйидагиларни белгилаб берган эди: «...1) пролетар йўлини ва урушни тамомлашни кўзда тутган пролетарча йўлни *тушунтириб бериш* керак; 2) капиталистлар /хукуматига ишонини ва у билан битишишни кўзда тутган майда буржуа сибсатини танқид қилиш керак; 3) группадан группага ўтиб *ҳар бир полк ичида, ҳар бир заводда*, айниқса энг қоқоқ омма, хизматкорлар, қора ишчилар ва ҳоказолар орасида пропаганда ва агитация олиб бориш керак, чунки кризис кунларида буржуа худди ана шу кишиларга таянмоқчи бўлган эди; 4) ҳар бир заводда, ҳар бир районда, ҳар бир кварталда ишчиларни *уюштириш* ва яна бир карра уюштириш керак».

Мирмуҳсин мақолаларида, шу жумладан, «Хурриятдан нечук фойдаланамиз?» да мана шу партиявий вазифага маълум акс-садо борлигини пайқамаслик мумкин эмас. Масалан, мақолада эзилган омма («миллати маҳкума»)даги фикр бирлигига алоҳида эътибор берилган. Муаллиф «фикр бир бўлмаса, хурриятдан фойдаланмак ўрнига балки зарар бўладур», деб ёзади ва 1905 йил революцияси сабоқларини мисолга келтиради.

Шунга қарамадан, Мирмуҳсин қарашларида ҳали масалани теран, бутун моҳияти билан тушуниш йўқ эди. Жумладан, унинг 4 июнда ёзилиб, «Шўро» журналининг 1917 йил 12—14-сонларида босилган «Туркистоннинг усули идораси ҳақида» мақолада давлат идора қурилишига бағишланган. Муаллиф апрель ва май ойларида бўлиб ўтган мусулмонларнинг иккита съезди қарорларига диққатни қаратади. Туркистон мусулмонларининг «Шўройи исломия» ташаббуси билан ўтказилган Тошкентдаги съезди ўлканинг давлат қурилиши масаласини муҳокама қилиб, мухторият бўлишини лозим топти. Русия мусулмонларининг 1—11 майда бўлиб ўтган Москва съезди ҳам кўпчилик овоз билан «Мухторият»ни қабул қилди. Ушанда миллий масала бўйича ҳали қатъий марксистик программага эга бўлмаган О. Иброҳимов, ҳатто 1917 йилнинг мартида большевиклар партиясига кирган, Октябрь воқеаларида Қозонда революцион штаб раиси бўлган, сўнг эса давлат ва жамоат арбоби сифатида танилган Ш. Аҳмадиев (унинг фаолияти Туркистон билан ҳам боғланган) ҳам «миллий — маданий мухторият»ни ҳимоя қилиб чиққан ва уни ёқлаб овоз берган эдилар.

Хўш, мана шундай мураккаб шароитда Мирмуҳсиннинг мазкур масалага муносабати қандай бўлди?

«...Туркистон мусулмонларининг бир неча кун бошларин чувотқон чувалчиқ ушбу масала Москва мусулмонлар съездида ҳам бик кўб музокаралардан сўнг аксариятнинг

¹ «Турон» — 1917 йил 20 апрелдан Авлоний редакторлигида чиққан газета. Унинг 2-сонидан М. Шермухамедовнинг «Тарихий икки воқеа» мақоласи босилади. Кескин танқидий руҳдаги бу мақола туфайли унинг муаллифи Мирмуҳсин ва газета редактори Авлоний «кофир» деб эълон қилинган эдилар. Бу воқеа — «Турон» можароси» номи билан машҳур.

² Х. Ш. Иноятов. Октябрьская революция в Узбекистане, М., 1958 стр. 47, Против фальсификации истории победы советской власти в Средней Азии в Казахстане, Т., 1976, стр. 220; Яна: Узбекистон ССР тарихи, тўрт томлик, 3-том, Т., 1971, 55-бет.

товуши ила эмиш ҳал бўлгон. — Ниндай идорага? Эмиш — «федеративни автономия». Уф, олло!..»

Авторнинг позицияси ана шу сўзлардан аниқ кўриниб турибди.

«Мухторият» ёки унинг иккинчи хил номи бўлган «маданий-миллий автономия», «миллий — диний федерация», аслида, янги гап эмас эди. В. И. Ленин 1913 йилдаёқ унинг хоризм зулми остида эзилган меҳнаткаш халқларнинг бирдамлигига ичдан зил кетказувчи ниқобланган буржуа миллатчилик программаси эканлигини кўрсатиб берган эди. Масалан, у Ј. Юркевичнинг украин миллатини бирлаштириш ҳақидаги сафаталарининг, аслида чор Россиясига қарши курашда майдонга келган рус ва украин пролетариати ҳамкорлигини бўшаштиришга уриниш эканлигини айтади. «Великорус ва украин пролетарларининг бирлашган ҳаракати асосидагина Украинанинг озод бўлиши мумкин, бундай бирлашган ҳаракат бўлмаса, озод Украина ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас», — деб ёзади. 1917 йилнинг март-апрелида «маданий-миллий автономия» ҳақидаги гап-сўзлар яна қўзғалиб қолган, шу сабабли большевиклар партиясининг VII Бутун Россия конференцияси резолюцияларида у қаттиқ қораланган эди.

М. Шермухамедовнинг «автономия» ҳақидаги большевиклар программасидан қай даражада хабардорлиги хусусида бир нарсга дейиш қийин. Ҳарҳолда у бу программа билан таниш бўлмаганга ўхшайди. Негаки, у «автономия»ни инкор этганда аниқ марксистик программидан келиб чиқмагани сезилади. Лекин унинг шароитни таҳлил қилиши ва «Мухторият»га қарши келтирган далиллари, айтиш мумкинки, большевиклар позициясига жуда яқин. Тўғрироғи, унда большевиклар таъсири яққол сезилиб туради. Мирмуҳсиннинг бу қарашлари унинг бадиий асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, «Зиндон» («Шўро» журнали, 1917 йил, 17-сон) ҳикояси шунга бағишланган. Шунингдек, унинг «Истикболда бизнинг ҳаёт» («Юрт» журнали, 1917 йил, 3-сон). «Динчилар, тараққийчилар» («Шўро» журнали, 1917 йил, 29-сон) мақолаларида ҳам давр воқеаларини баҳолашда, конкрет шароитдаги реакция ва революцион кучларни белгилаб, уларга муносабатни тайин этишда замонасининг илгор таълимоти таъсири сезилади. Масалан, биринчи мақолада вазиятнинг гоят масъулиятли эканлиги кескин ва таъсирчан айтилган. «Ҳозир биз турмушнинг аччиқ трагедияси билан курашмоқдамиз. Ғолиб келамизми, мағлубиятда қоламизми — бу, албатта, ўзимизнинг ишлаган ишимизга, қилгон ҳаракатимизга қараб бўлур», — деб ёзади у.

Дарҳақиқат, вазият гоят мураккаб эди. Ҳамзанинг «Кенгаш» журналидан, сўнгрок «Хуррият»дан кетиши, Авлонийнинг «Турон» газетасидан «қўлини тортиши» ўлка ижтимоий-маънавий ҳаётида юз бераётган чуқур драматик воқеалар билан боғлиқ. Хусусан, Февраль инқилобидан сўнг кўзиқориндек бирдан кўпайиб кетган газета ва журналларнинг ҳаммасини ҳам туғилиб келаётган янги жамяят учун бир хилда фойдали ва беозор дейиш мумкин эмас эди. «Мусоват, хуррият, адолат» конкрет ёндашишни талаб қилиб қолди. Ҳамзанинг «Хуррият»да босилган «Бугунги қадрли кунлар» мақоласидаги «Ҳой биродарлар, кўзингизни очинг ва огоҳ бўлинг! Қулоқ солинг! Бу кун майдони ҳақиқат миллат хизматида ходим қақирар экан, қарангиз, ким югурар, ким сукут қилур? Фарқ этинг, танинг, ажратинг! Илм ила ажратолмасангиз, қилуб турган хизматларидан ажратинг!»² — деб ўртага чиққан ходимнинг фаолиятини, амалий ишини мезон тутуши бежиз эмас эди.

Петрограддаги Июль воқеалари вазиятни ўзгартириб юборди. Буржуазиянинг якка ҳокимиятчилиги ўрнатилди. Эсер-меньшевиктик советлар бу ҳукуматнинг қуйруғига айланиб қолдилар. Большевиклар таъқиб қилина бошланди. Партия ярим легал ҳолатга ўтди. Контрреволюцион кучлар ғалаба қилди. Бу ҳол «Бутун ҳокимият советларга!» шиорини вақтинча кун тартибидан олишни шарт қилиб қўйди. 25 августда Муваққат Ҳукумат Корнилов қўли билан революцияни бутунлай тор-мор қилмоқчи бўлди. Бироқ бу исён большевикларнинг ғайрат ва ташаббуси билан бостирилди. Натижада большевикларнинг обрў-эътибори омма орасида кун сайин ошиб борди. Советларнинг большевиклашиши бошланди. «Бутун ҳокимият советларга!» шиори яна кун тартибига қўйилди.

В. И. Ленин 26—27 сентябрда ёзган мақолаларида Октябрь революциясига бир ой қолгунга қадар ҳам ҳокимиятни тинч йўл билан қўлга олиш ҳақидаги фикрни илгари сурган эди. Бироқ рус буржуазияси империалистик мамлакатлар, биринчи галда, немис ҳарбийлари билан революцияга қарши тил бириктирдилар. Ҳокимиятни тинч йўл билан қўлга олиш мумкин бўлмай қолди. В. И. Ленин 1 октябрда «Ҳокимиятни қўзғолонсиз олиш мумкин бўлмаса, дарҳол қўзғолон кўтармоқ керак» деб ёзди. Бу машҳур тезис 25 Октябрда меҳнаткаш халқнинг ғалабаси билан ақунланди.

Туркистондаги инқилобий ҳаракатларнинг ривожига «Сентябрь воқеалари» муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ёзга келиб озиқ-овқат танқислиги Муваққат Ҳукумат кризисини кучайтириб юборди. Большевиклар тазйиқи, ишчи ва солдатларнинг қўллаб-қувватлаши билан 12 сентябрда революцион комитет тузилди. Александр боғидаги митингга ҳокимиятни советлар қўлига ўтказиш тўғрисидаги большевиклар резолюцияси кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Тошкент совети ижроия комитети сайланди. «13 сентябрдан бошлаб ҳокимият ҳақиқатда ишчи ва солдат депутатлари Тошкент советининг ҳамда революцион комитетнинг қўлига ўтди... бу воқеалар буржуа-демократик революциясининг ўсиб, социалистик революцияга айланишидаги объектив қонуниятнинг конкрет ифодаси бўлди», — деб ёзади профессор М. Ғ. Ваҳобов у ҳақда ва Тошкентда ҳокимиятни

¹ В. И. Ленин. Асарлар. Тўртинчи нашри. 20-том, 16-бет.

² Ҳамза Ҳакимзода Нисий. Мукаммал асарлар тўплами. Тўрт томлик, 2-том, Т., 1980, 265—266-бетлар.

советлар қўлига анча олдинроқ ўтказиш мумкин бўлганлигининг сабабларини кўрсатиб беради (М. Вахобов, Тошкент уч революция даврида, Тошкент, 1958 йил, 236 — 237 — 238-бетлар). Бироқ советнинг журъатсизлиги, қўлга киритилган ғалабаларни мудофаа қилишни етарли таъминлай олмаганлиги (15 сентябрдаёқ революцион комитет ўз вазифасини бажариб бўлди, деб тарқатиб юборилган эди), айрим ижроия комитет аъзоларининг таслимчилик фаолияти контрреволюцион кучларнинг жонланишига, вазиятнинг мураккаблашишига олиб келди. Ниҳоят, 27—31 октябрдагина контрреволюция устидан ғалаба қозонилди.

Абдулла Авлоний Тошкентдаги мана шу инқилобий воқеаларнинг ҳаммасида фаол иштирок этди.

Унинг шахсий архивида сақланиб қолган ҳужжатлар Туркистон тақдирида ҳал қилувчи давр бўлган 1917—18 йиллардаги қизгин инқилобий фаолияти ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Жумладан, унинг 1917 йилнинг 6 июнидан бошлаб Тошкент ишчи ва солдат депутатлари советининг энг масъул ишларида ишлагани маълум бўлади.

Ўзбек адабиётида Февраль воқеаларига бағишланган қатор асарларнинг, жумладан, бир дoston — «Русия инқилоби» (Сирожиддин Сидқий)нинг майдонга келиши Туркистондаги адабий ҳаракатчиликнинг бирмунча фаоллигидан дарак беради. Инқилобий ишларга аралашиб кетган, сиёсатнинг баланд-пастини бир қадар тушуниб қолган шоир ва адибларимиз катта-кичик асарлар ёзиб, даврнинг долзарб масалаларига акс-садо бердилар.

Профессор Лазиз Қаюмов Ҳамзанинг сўнгги икки инқилоб орасидаги ҳаёти ва ижодий фаолиятини атрофлича тадқиқ этиб, унинг «Ҳой ишчилар», «Биз ишчимиз», «Шундоқ қолурми?» шеърлари ҳамда машҳур «Бой ила хизматчи» драмаси Октябрь арафаларида ёзилган деган хулосага келади. Шоирнинг «Миллий шеърлардан VIII бўлим»га киритилган юқоридаги шеърлари 1919 йилда босилиб чиққан. (Қаранг: Лазиз Қаюмов, Инқилобий драма, Тошкент, 1970 йил, 185-бет). Лекин мазмунига кўра бу асарлар ўлкада социалистик инқилоб учун кураш қизгин тус олган бир шароитда ёзилганига шубҳа йўқ. Шунингдек, «Бой ила хизматчи» ҳам Ҳамзанинг Октябрь арафасидаги революцион фаолиятининг бадиий ижод билан қўшиб олиб борилганига ойдин бир далилдир. Бу асарларда егилиб келаётган социалистик инқилоб руҳи ифодаланди. Тарихни золим ва мазлум ўртасидаги курашдан иборат деб тушунган, «Ҳой ишчилар!» дея уларни бойларга қарши қуролланишга чорлаган, янги турмуш қуриб абадий яшашга аҳд қилган инқилобчи бунёдкор образи яратилди.

Шу тариқа, халқ ва мамлакат тақдирида гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган Февраль ва Октябрь оралиғида ижодкор кучларимизнинг бир қатор истиснодди вакиллари ижтимоий турмушда юз берган ҳодисаларни кенг халқ манфаати нуқтаи назаридан баҳоладилар ва пролетар революцияси билан биргаликда қадам ташладилар. Уларнинг айримлари эса буюк Октябрнинг ҳам жарчиси, ҳам жангчиси бўлди. Уларнинг асарлари Октябрь инқилоби билан бошланган ўзбек совет адабиётининг ўзагини ташкил қилди.

Бу, бир томондан, республикамиздаги буюк Октябрь ғалабасини сохталаштиришга уринувчи гоъвий мухолифларимизга қарши ашъвий далил бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, бугунги социалистик адабиётимиз асрлар оша гуманизм байроғини баланд кўтариб келган кўҳна шеърятимизнинг қонуний вориси эканлигидан далолат беради.



«ҚАЛДИРҒОЧДАЙ ЧАРХ УРҒАН ХАЁЛ...»

О. Ҳожиёва. Мушфиқ онажон.
Ғафур Ғулум номидаги адабиёт ва
санъат нашриёти. Тошкент — 1983.

Ойдин Ҳожиёва шеърлари турлича оҳангда, турли мусиқий товланишларда ёзилгани билан, уларнинг мавзу доираси асосан бир ўқ атрофида — муҳаббат атрофида айланади. Шоиранинг янги тўпламида муҳаббатсиз шеърни топиш қийин. Ойдин ҳатто бир шеърда ўзини муҳаббат тисоли деб билади. «Ногоҳ қулоғингга туғенли, дилбар қўшиқ чалинса, гоҳ қалбинг титраб, ғам хуруж қилса, ўйчан кўзларингга илиқ бир нигоҳ урилса, қаршингда чарх ургум мен — илк муҳаббат, мен — илк муҳаббат, мен — илк муҳаббат», дейди шоира. Шеърларнинг ҳар бирида шоира севгисининг турли даврлардаги турлича товланишлари акс этади. Унинг олтинчи йиллар бошида ёзган шеърларида севгининг ҳали дарду изтироблари сезилмайди. Аксинча, у «Агар севсанг...» шеърда ёрга мурожаат қилиб, уни қийноқларга дучор этишим мумкин, деб огоҳлантиради. Ҳали ўзининг қийналишини ўйламайди. У — «Мен — илк муҳаббат!» деб ҳайқирганида ўзгаларга ҳам бахт, ҳам изтироб келтиришини айтади. «Мактуб» да хатимни фақат ўзинг ўқигин, сиримизни ҳеч кимга айтма, деб шўхлик қилади. «Навбахорда...» шеърда узоқ йилларгача ўтли муҳаббат иқбол ваъда қилганига ишонади. «Келишинг истадим, бир майин» шеърда ваъдалашган ёри келмай қолишидан илк бор ташвишланади («Келсанг шеър яралур янгидан, келмасанг илҳомим порадур»). «Сўзласин» да висол симфонияси авжга чиқади («Биз сир сақлаб ўтганда ҳайратга тушган боғлар, биз бош эгиб ўтганда қалби увушган тоғлар, дилимизни қийнаган ширин-аччиқ сўроқлар, ҳаяжонлар, фироқлар, ўтли ҳислар сўзласин!»).

Кейинги шеърда лирик қаҳрамон севгиси тарихида драматизмга бой саҳифалар бошланади («Менинг гулдай кучоғимдан гулдастамни олдилар, Бутун умри ҳаётимга пайвастамни олдилар»). Аммо, лирик қаҳрамон ҳаёт машаққатларини бардош билан енгишга интилади («Ихлос қўйдим, ҳур ҳаётга. Оппоқ нурга парвона»). Еру дўстлар далдасидан кўнгли тоғдай ўсади, лекин, бари бир, севгисини нутолмайди («Учрашурмиз энди ёлғиз Анжуманда иккимиз... Иккимизни этди дилсиз Битта нокас отган ўқ!»).

Энди шоира ва унинг лирик қаҳрамони бор меҳру муҳаббатини она Ватанига бағишлайди. Она дийрни куйлай бошлайди

(«Она — ерни севган оталар каби, Сигиниб ўтайлик ерга умрбод!»). Энди унинг ижоди-га янги, ижтимоий мавзулар кириб келади, шеърларида публицистик руҳ кучаяди:

Парча-парча бўлиб
кетган ғишт ўчоқ,
От кишнаши тинган
отхоналар ҳам,
Кимсасиз ҳовлида гў-
дак мўлтирок,
Қора тердан кўзи
ачишгани дам
Унинг нигоҳига сифма-
ган сўроқ
«Улуғ Ватан» бўлиб
чақарди чақмоқ.

Шоира Чили халқининг озодлик курашида шаҳид бўлган президентнинг турмуш ўртоғи «Мария Изабель де Альендега» ёзган мактубида халқаро демократия кучлари енгажагига ишонч билдиради.

Ойдин Ҳожиёванинг «Ўзбекистон», «Қадрдон қуёш», «Қишлоғимга хат», «Янги йил муҳаммаси» каби шеърларида ҳам устоз Ғафур Ғулумнинг қутлуг аъёналарини кўрамай. Арузда ёзилган «Дўстим» мусаддасида эса табаррук ёшда ҳам кўнглида завқ-шавқ ўти сўнмаган шоир Ҳабибий аъёналари сезилади.

Табийки, шоира тўпламининг об-ҳавосини шакллантирувчи энг катта мавзулардан яна бири — меҳрибон, мушфиқ, заҳматкаш, фидойи онага аталган, «Соғинч», «Келганингни кўрганда», «Онам севган қўшиқ», «Тириклик», «Қўшигимиз билан», «Апрель эди хушбўй», «Мусаффо» шеърларида шоира ўз онасига, шунингдек барча оналарга бўлган кексиз меҳрини гараннум этади. Орадан қанча йиллар ўтса ҳам:

Янги соғилган сут са-
ват тагида,
Сопол товоқларда
чашмадай қалқар,
Гўё ҳовлимизнинг те-
варагида
Қуёшдай айланиб
меҳрингиз балқар.

Онага аталган шеърларда ёрга аталган шеърлардаги қадар ёниқлик, дардли кечинмалар бўлмаса ҳам, бу сатрлар юракдан қуйилган, нондай содда ва нондай азиз туйғулар билан йўғрилган.

Тўпланда поэтик маъно юки камроқ шеърларнинг ҳам оз эмаслиги, гоҳида лирик қаҳрамоннинг ўз «мени» олами доирасида узоқ ўралашиб қолиши шоиранинг жаҳон адабиётидаги юксак поэзия намуналаридан етарли баҳра олмаётганлигини кўрсатади. Буни айтишимизнинг сабаби шуки, шоира

ижодини бошқа ҳамкасб тенгқурларидан яхшироқ бошлаган эди, бу ижоднинг давомидан умидимиз катта эди.

Тўплам сўнггидан жой олган «Бўзтўрғай» номли шеърӣ қисса, ҳайриятки, ўша умидларимиз оқланаётганлигидан далолат бермоқда. Чунки у, ҳозирги ўзбек шеъриятида момогулдурак ва ёмғирдан сўнгги қўзиқоринлардай потирлаб чиқаётган турли савиядаги дostonлар орасида тозалиги, муסיқий ҳам фикрий товланишларга бойлиги билан ажралиб турибди.

Тўйчи ҳофиз ва Мукаррамахонимнинг порлоқ хотирасига бағишланган бу шеърӣ қиссада шоира қалбининг тўрида асраган энг майин ва ўтли туйғуларини, нафосатнинг қудратини намoён эта олган.

Маҳкам МАҲМУДОВ,
филология фанлари кандидати

«ЕЗМАЙ ТУРА ОЛСАНГИЗ, ЕЗМАНГ!»

Ҳ. Умуров. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. Тошкент, «Фан» нашриёти 1983.

«Коинот гултожи» (А. Орипов) — инсоннинг ғоят мураккаб ички олами, психологиясини чуқур таҳлил этиш орқали унинг кўп қиррали, ёрқин, реал характери яратилиши бадий адабиётнинг бош хусусиятларидан биридир. Шунинг учун адабиётшуносликда бадий психологизм муаммоларини, унинг хилма-хил форма ва услубларини текшириш, етук ёзувчиларнинг бу борадаги маҳоратларини, новаторлигини очиш, сўз санъати эришган ютуқларни умумлаштириш, асосли илмий хулосалар чиқариш муҳим амалий ва назарий аҳамиятга моликдир.

Лекин ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида бадий психологизм проблемасини тадқиқ этишга қизиқиш анча кеч бошланди. Адабиётшунослигимизда психологизмни алоҳида проблема тарзида ўрғаниш, уни бевосита тадқиқ этишга эса асосан 70-йилларда киришилди. Филология фанлари доктори П. Шермухамедовнинг психологизмнинг портрет, пейзаж, диалог ва бошқа компонентларининг конкрет асарларда тўтган ўрни, функцияси таҳлил этилган «Руҳий дунё кўзгуси» (1971) китоби, Н. Шодиевнинг «Абдулла Қаҳҳорнинг психологик таҳлил маҳорати» («Сароб», «Синчалак» асарлари мисолида) ва М. Абдурахмонованинг Абдулла Қодирий ижодидаги психологик таҳлил маҳоратига бағишланган «Руҳият рассоми» (1977), «Руҳий дунё тасвири» (1977) китоблари бу борадаги изланишларнинг самаралари сифатида майдонга келди.

Мазкур монографиянинг қимматли томони шундаки, унда бадий психологизм ва психологик таҳлилниг назарияси, ички қонуниятлари, пайдо бўлиши, эволюцияси, уларнинг ижод жараёни, характер ва шароит билан алоқаси ва ҳозирги романчилигимиздаги «аҳволи» масалалари кенг илмий планда тадқиқ этилган.

Маълумки, ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида ҳозиргача «психологизм» ва «психологик таҳлил» тушунчалари фарқланмай, ҳар хил атамалар («психоанализ», «ички дунё тасвири», «руҳий дунё тасвири», «ички ҳаёт тасвири», «руҳий таҳлил» ва ҳоказо) да қўлланилиб келинарди. Ҳ. Умуров олимлар ва адибларнинг асосли фикрларига таяниб, ана шу чалқаш масалага назарий аниқлик кирита олган. Тадқиқотчининг тўғри таъкидлашича, «биринчидан, инсоннинг ички дунёсининг унинг психологияси деб қараш, иккинчидан, «психологизм» билан «психологик таҳлил»ни бир маънода қўллаш нотўғридир. «Психологизм «психологик таҳлил» тушунчасига нисбатан кенг бўлиб, у ўзида бевосита авторнинг психологиясини ҳам қамраб олади» ва бадий асарда «ёзувчининг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда намoён бўлади» (17-бет). «Психологик таҳлил» эса инсон психикаси жараёнларини, унинг фикр ва ҳиссиётидаги турли-туман «оҳанг»лар ривожини акс эттирувчи, қаҳрамон руҳий дунёсини аналитик принципда очувчи эстетик категория бўлиб, «унинг бадий асарда бўлиш-бўлмаслиги ўша асарнинг ғоясига ва талантнинг хоҳишига боғлиқдир» (18-бет). Муаллиф ўз назарий фикрларини конкрет асарлар («Ўтган кунлар», «Сароб», «Қўтлу қон», «Ўлукбек хазинаси») таҳлили орқали исбот этганлиги учун уларнинг тўғрилигига ўқувчи шубҳаланмайди.

Жаҳон адабиётининг улкан даҳоларидан бири Л. Н. Толстойдан яхши асар ёзиш учун нима қилиш керак, деб сўрашганда, у шундай жавоб берган экан: «Агар сиз китоб ёзишни ўйлаб юрган бўлсангиз-у, уни ёзмасдан тура олсангиз, унда ёзманг». Аниқки, «ёзмасдан тура олмаслик ҳолати» бевосита ижодкор психологияси, яъни унинг онгида бунёд бўлажак асарнинг туғилиши, ниш олиши, камол топиши, қалбида илҳом ёлқинларининг чақнаши, гуркураши билан боғлиқдир. Бу ғоят нозик ва сирли ҳолат, психологизмнинг ижод жараёни (автор — образ — китобхон) билан муносабати монографиянинг 2-боби («Қаҳрамоннинг туғилиши»)да қизиқарли фактлар асосида очиб берилган. Агар бу бобга юзаки қаралса, у керакисиздай, проблемадан чекинмишдай туюлиши мумкин. Лекин жиддийроқ ёндашилса, унинг бадий психологизмнинг муҳим томонлари билан боғлиқлиги ва муҳимлиги маълум бўлади.

Монографиянинг «Ранг-баранг олам ва инсон тасвири» номли охирги бобида ўзбек адибларининг 60-70-йилларда яратган романлари психологизм ва психологик таҳлилниг принциплари, формалари, воситалари нуктаи назардан мухтасар таҳлил этилиб, бу борада эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар объектив тарзда кўрсатилган.

Монография камчиликлардан ҳам холи эмас. Бизнингча, унинг «Кириш» қисмидаги Ҳ. Олимжоннинг «Бўлсам» радиолари ғазали ва «Бахтлар вайди» шеърӣ ҳақидаги сўзлар ортиқчага ўхшайди. Чунки улар асарнинг илмий руҳи билан боғланмайди. Ортиқчаликнинг бошқача хили — маълум фикрларни қайта такрорлаш монографиянинг 2-бобида кўпроқ учрайди. Агар муаллиф бу бобда ўз ҳамкасблари илмий

ишларида келтирилган «Утган кунлар» романининг яратилиши, «Зайнаб ва Омон» поэмасининг бунёдга келиши ва бошқа фикрларидан воз кечиб, уни ихчамлаштирганида монографиянинг илмийлиги яна ҳам ортарди. Монографиянинг айрим саҳифалари (34—36, 81—82, 109—110)да эса тадқиқотчининг ўз фикр-мулоҳазаларини исботлаш учун адабий ва илмий асарлардан келтирган парчалари меъёрни бузган. Яъни кўчирмалар узун-у, муаллифнинг конкрет асар таҳлиliga доир мустақил фикрлари ниҳоятда кам. Ҳ. Умуоров баъзан асарларни таҳлил этаётганида ўқувчини чалкаштирадиган мулоҳазаларни ҳам қўллаб юборган. Масалан, у «Қора кўзлар» романининг салбий қаҳрамони шухратпараст ва мансаб-

параст Ортиқ характери ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ортиқда гўё бир-бирига ўхшамайдиган икки шахс мужассам: бири — қўпол, сурбет, шухратпараст, шароитга қараб мосланувчи мешчан, мунофиқ, лаганбардор... Иккинчиси — катта қалб эгаси, мард, очиқ ҳиссиётли киши...» (139-бет). «Қўпол, сурбет, мунофиқ, лаганбардор» одамларга нисбатан «катта қалб эгаси», деган иборани қўллаш мумкинми?! Бинобарин, ёзувчи ҳам романда шароит тақозоси билан Ортиқ характеридаги айрим яхши хусусиятларни кўрсатса-да, унинг «катта қалб эгаси» эмаслигига алоҳида урғу берганлиги маълум.

Мурод ИБРОҲИМОВ,
филология фанлари кандидати



МАДАНИЙ ҲАЁТ

Москвадаги А. А. Фадеев номидаги Марказий Адабиётчилар уйида, О. Шестинский раҳбарлигида, ёқут совет адабиётининг асосчиси, олим, партия ва давлат арбоби П. А. Ойунский туғилган куннинг 90 йиллигига бағишланган кечада КПСС Ёқутистон область комитети секретари В. И. Федоров шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида доклад қилди.

Ёзувчилардан С. Михалков, В. Суслов, Н. Мординов, Б. Степанюк, С. Жусиев, А. Вольский, Г. Ахунов, Г. Рамазонов, В. Корчагин, К. Турсункулов, С. Даниловлар сўзга чиқиб, П. А. Ойунскийнинг инқилобгача ўз ёзувига эга бўлмаган халқ адабиётини яратиш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида фикр юритдилар.

Ёқутистонда шоир юбилейи ўтаётган кунлар П. А. Ойунский Уй-музейи ҳам очилди.

Сидней шаҳрида Чарлз Диккенснинг «Николас Никльби» романи асосида спектакль саҳналаштирилди. У уч театр группаси томонидан уюштирилган бўлиб, томоша саккиз ярим соат давом этади. Томошабинлар чарчаб қолишмасин учун, спектаклнинг биринчи беш соатлик қисмидан кейин икки соатлик танаффус эълон қилинади. Бу улкан санъат асарини саҳналаштириш учун бир ярим миллион доллар сарфланди. Бир

юз эллик бир роль ижроси учун ўттиз тўққиз актёр жалб қилинди.

Италиянинг Рим шаҳрида мазкур мамлакатнинг тинчликсевар ижодкорлари томонидан ташкил этилган «XX аср шеърояти» Халқаро конкурси иккинчи марта ўтказилди. Конкурсга турли мамлакатлардан бир юз ўттиз уч шоир ўз шеърларини тақдим этган эди. Италиялик таниқли адабий танқидчилар, шоирлар ва журналистлардан иборат ҳайъат биринчи мукофотни атоқли совет шоири Расул Ҳамзатовга беришга қарор қилди.

Брянск область Драма театрида таниқли рус шоири Ф. И. Тютчев таваллудининг 180 йиллигига бағишланган тантанали юбилей кечаси бўлиб ўтди. Кечани юбилей ташкилий комиссиясининг раиси, область ижроия комитети раисининг ўринбосари С. С. Сисоев олиб борди. Москва шаҳридан шоирнинг ватанида ўтаётган бу анжуманга ёзувчилардан Н. Грибачев, В. Боков (делегация раҳбари), Т. Жирмунская, А. Парпара, Ю. Когинев, Н. Родичевлар таширф буюришди. Шунингдек, юбилей кечасида Овстугдаги Ф. И. Тютчев музейи директори В. Гамолин ва бошқалар иштирок этдилар.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

ДУСТЛИК ДАСТЕРИ

Р. Иноғомов. «Адабиёт — дўстлик элчиси». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1982.

Халқимиз азалдан кабутарни тинчлик, дўстлик элчиси, деб билади. Бу тушунча халқ оғзаки асарларида ҳам кенг ўрин олган. Шу маънода китобни ҳам дўстлик дастери деб атамоқ ўринли бўлса керак. Китоб орқали олам кезасиз, кўплаб дўстлар орттирасиз, кўкларга парвоз этиб, денгиз-дарёларда сузасиз, гўзал шаҳар-қишлоқларни кўрасиз.

Яқинда адабиётшунос Раҳматулла Иноғомовнинг «Адабиёт — дўстлик элчиси» китоби босмадан чиқди.

Олим ўзбек адабиёти билан қардош халқлар адабиёти алоқаларининг тарихий илдиэларига теран нигоҳ ташлайди. У дунёвий адабиётнинг вакиллари Низомий, Фирдавсий, Рудакий, Ҳофиз, Жомий, Бедил, Пушкин, Абай, Горькийлар ижоди ўзбек адабиёти тараққиётига қанчалик таъсир этган бўлса, ўз навбатида, ўзбек романчилигининг тўнғич муаллими Абдулла Қодирий ижоди қозоқ, туркман адабиётининг роман жанри учун сабоқ бўлганини илмий асослаб беради.

Шунингдек, китобда ўзбек-грузин адабий алоқаларининг тарихи жуда қадимий эканлигига доир қизиқарли фактлар, асосли илмий хулосалар келтирилади. Уйғониш даврининг улғу шоири ва мутафаккири Шота Руставелининг машҳур «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достонида илгари сурилган инсонпарварлик, шахс озодлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик, соф сеvgини улғулаш каби ғоялар Алишер Навоийнинг ғоя ва образлар дунёси билан муштараклиги устида фикр юритилади.

Автор башарият тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган буюк шоирлардан бири М. Ю. Лермонтовни, рамзий маънода, рус ҳаётининг наққоши, деб атайди. Дарвоқе, бу гениал ижодкор ҳақида жуда кўп ёзилган, унинг ижоди турли жиҳатдан теран таҳлил этилган. Аммо Раҳматулла Иноғомов шоир ҳаёти ва ижодининг асосан ижтимоий-сиёсий томонига урғу беради, асарларидаги бўртиб турган инқилобий пафос устида тўхтайди. Адибнинг рус психологик романи ва сиёсий лирикасининг асосчиси даражасига кўтарилишининг омилларини излаб топади, эътиборли назарий хулосалар чиқаради.

Панорамада ўзбек-белорус санъаткорларининг ва адабиётларининг мустақкам дўстлик-ҳамкорлиги, озарбайжон, арман адабий алоқаларининг Октябр инқилоби шарофатидан бекиёс тараққий этаётганлигига бағишланган сермазмун, назарий хулосаларга бой мақолалар диққатни жалб қилади.

Китобнинг яхши томонлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Бироқ, гап СССР халқлари адабиёти устида бораркан, сичков китобхонлар автор зиммасига ҳар бир ижодкор ва унинг асари, айниқса, таниқли адиблар ижодига атрофлича ёндашиши ҳамда назарий бақувват фикрлар айтишини талаб қилишлари табиий. Шу маънода ки-

тобнинг баъзи бобларида таҳлилдан кўра баёнчилик устун келиб, автор хулосаси, илмий ҳукми саёз чиқиб қолган. Бизнингча, грузин адабиёти ҳақида икки бобда эмас, балки битта сарлавҳа остида қизиқарли назарий хулосалар баён этиш мумкин эди. «Дўстлик масофа билмас», «Қардошлик саҳифалари» бобларида авторнинг кўнглидаги гаплари, чақнаб турган фикрлари қолиб кетган. Ахир фольклор барча адабиётлар учун сарчайма эканлиги эндиликда ҳаммага аён. Зеро, адабий алоқаларнинг ибтидоси оғзаки поэтик ижоддан бошланган-ку! Гапни, бизнингча, ана шу ердан бошлаш керак эди.

Субҳонқул УМАРОВ,
филология фанлари кандидати

БУ ҲАМ МУҲИМ ИШ

М. А. Азимова. Дунёқараш ва ижод (К. Яшиннинг адабий-танқидий қарашлари). Тошкент, «Фан» нашриёти — 1982.

Улкан қалам соҳибларининг ижодини чуқур текшириш, уларнинг адабий-эстетик қарашларини, маҳорат сирларини ўрганиш адабиётшунослик олдидаги муҳим вазифалардандир. Бу соҳада янгидан-янги илмий ишлар, монография тадқиқотлар юзага келмоқда. Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода каби адибларимизнинг адабий-танқидий қарашлари ҳақидаги илмий ишлар ва мазкур ижодкорларнинг адабий-танқидий мақолалари нашр этилиши адабиётшунослигимизнинг ютуғидир.

Матлуба Азимованинг Комил Яшин адабий-танқидий қарашларига бағишланган монографияси бу йўлдаги самарали изла-нишлардан бири бўлди.

Китобда адибнинг илк адабий-танқидий мақоласидан бошлаб сўнги йилларда ёзган асарларигача яхлит ҳолда текширишга ҳаракат қилинади. Муаллиф асарларни хронологик тартибда эмас, балки тематик мазмунига кўра ўрганайди.

Комил Яшин «Ўзбекистон драматургияси ва унинг бугунги вазифалари» (1935) мақоласида драматург — пьеса — театр проблемасини кўтариб чиқади. Театрнинг вазифаси ҳаётини воқеаларни, совет кишиларининг орзу-умидларини акс эттириб, коммунизм қуришда фаол иштирок этишдир, деб белгилайди. Адиб драматургия назариёти сифатида асарнинг ижтимоий-ахлоқий томонига, синфийлигига алоҳида эътибор қилади.

Санъаткор вазифаси халқнинг юксак идеалларини куйлаш, деб билган Комил Яшин ўз пьесаларига талабчанлик билан ёндашган. Айрим асарларини қайта-қайта ёзган. Жумладан, «Икки коммунист» асарини қайта ишлаш натижасида «Тор-мор» драмаси юзага келади. Тадқиқотчи бу асарларнинг икки вариантини қиёслаб ўрганайди ва Яшиннинг назарий фикрларига асосла-ниб, бу асарига қандай сайқал берганини фактлар билан исботлайди.

Ўзбек драматургиясида ижобий қаҳрамон

проблемасининг ҳал қилинишида, социалистик реализм принципларининг қарор топишида Яшиннинг хизматлари катта. Социалистик реализм методининг ўзига хослиги унинг бошқа ижодий методлардан фарқи каби назарий масалаларни ёритганда, адиб М. Горький изидан боради. Танқидий реализм ва социалистик реализм ўртасидаги фарқни ижодкор дунёқарашидан келиб чиқиб баҳолайди.

Адабий алоқалар ҳар қандай адабиёт ривожига муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам миллий адабиётларнинг бир-бирига таъсири, ўзаро алоқасини ўрганиш адабиётшунослигимизнинг доимий вазифаларидандир. Монографияда Комил Яшиннинг адабий таъсир ва алоқаларга доир қарашлари алоҳида ўрганилади, тадқиқотчи адибнинг бундай мақолаларини уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилади. Биринчиси, ўзбек адабиётининг қардош халқлар адабиётлари билан алоқалари шакллари — адабий ҳафталиклар, декадалар муносабати билан ёзилган мақолалар. Иккинчиси, муайян сўз санъаткорининг юбилейи муносабати билан ёзилган, ўша санъаткорнинг ўзбек адабиётига таъсири ҳақидаги мақолалар. Учинчиси, ўзбек адабиётининг Осиё ва Африка халқлари адабиёти билан алоқалари ҳақидаги асарлари ва турли халқаро учрашув, конференцияларда сўзланган нутқлар.

Монографияда Комил Яшиннинг адабий таъсир ва адабий алоқаларга доир мақолалари теран назарий фикрларга бойлиги билан ажралиб туриши, А. С. Пушкин, М. Горький, М. Шолохов каби буюк рус адиблари ижодининг ўзбек адабиётига кўрсатган самарали таъсири фактлар, илмий таҳлиллар билан кўрсатиб берилганлиги алоҳида қайд қилинади ва мисоллар орқали исботланади.

Китобда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Комил Яшиннинг 40-йиллардаги илмий мақолалари етарлича ёритилмаган. Тадқиқотчи драмада конфликт ҳақида гапирганда, асосан конфликтсизлик назарияси хусусида Яшин билдирган фикрларни шарҳлаш билан чекланиб қолган. Ваҳоланки, санъаткор ижоди мисолида драмада конфликт масаласига анча кенгроқ тўхталиш мумкин эди.

Бундан ташқари Комил Яшиннинг адабий-танқидий қарашлари ҳам сафдошларининг фаолияти билан қиёслаб ёритилганда, адибнинг ўзига хослиги яққолроқ кўринган бўларди. Шунингдек, китобнинг айрим саҳифаларида кўчирмалар керагидан кўпроқ келтирилади. Тадқиқотчи кейинги ишларида бу масалаларга жиддий эътибор беради, деб умид қиламиз.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
филология фанлари кандидати



Улуғ мутафаккир ва буюк шоир Алишер Навоийнинг «Махбуб ул қулуб» асари унинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва кузатишларининг якуни сифатида майдонга келган. Унда Навоий инсон ҳақида ўйлайди, унинг дардини чекиб қайғуради, инсоний фазилатларни улғаб, унга зид бўлган иллатларни қоралайди. Винобарин, инсонпарварлик, халқпарварлик бу асарнинг ош ғоясини белгилайди. Шу боисдан ҳам мазкур асарнинг янги нашри китобхонлар учун қувонч бахш тади.

«Шарқ юлдузи» кутубхонаси сериясида таниқли ёзувчи, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Одил Ёқубовнинг «Кўҳна дунё» романи чоп этилди. Икки буюк сиймо — Абу Раиҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино ҳаётига бағишланган мазкур асарда зулм ва адолатсизликка асосланган кўҳна дунёнинг ўткир зиддиятлари ҳамда фоживий воқеалари қаламга олинган. Ҳаёти ноҳақлик ва тубанлик исканжасида кечган бу алломаларнинг юксак эътиқоди, дарду аламлари, изтироблари, мустаҳкам иродаси ва чуқур руҳий кечинмалари романда бадиий теран акс эттирилган.

Севимли адабимизнинг бу янги асари китобхонларга муносиб тўхфадир.

Ёзувчи Оқилжон Ҳусанов ўзининг «Давжон», «Сирли одам», «Тоғда ўсган бола» сингари қиссалари, қатор ҳикоя ва очерклари орқали ўқувчиларга яхши таниш. Адиб яқинда эллик ёшга тўлди. Шу муносабат билан унинг «Тақилмаган узук» китоби нашр қилинди. Тўпламга ижодкорнинг «Сирли одам» ва «Бажарилмаган топшириқ» қиссалари, «Най», «Ҳаёт ишқи», «Елғизоёк йўлда» ҳикоялари, шунингдек, «Маҳфират Ҳожи», «Қашқар гўзали», «Соғинч» каби воқеий ҳамда «Баҳри тоға ва мен», «Панд», «Уғри қариса сўфи бўлади» сингари ҳажвий ҳикоялари киритилган.

Китобдан жой олган Ўзбекистон Ленин қомсомли мукофотининг лауреати, ёзувчи Худойберди Тўхтабоев томонидан ёзилган сўнгсўзда ижодкорнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ағрофлича фикр юритилган.

XIX асрда Бухорода яшаб ижод этган истеъдод соҳибларидан бири Толиб Толибийнинг ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган. У «Мурағтабнома» (Мурағтаб — тартиб, тузиш демакдир. «Мурағтабнома» — санъаткорона тузилган шеърий гулдаста) девонида зулм ва зўравонликка асосланган амирлик тўзуми ва

амалдорлари ҳамда дин ҳомийларининг жирканч башарасини ҳаққоний мисраларда фош этади. Толибий китобидан жой олган мусамматлари эса унинг моҳир санъаткорлигидан далолат беради.

«Афсоналар чин экан» — Ихтиёр Ризонинг иккинчи тўплами.

Ушбу тўпладан қаламкашнинг истиқболга ишонч, Ватанга муҳаббат, садоқат ҳақидаги янги шеърлари жой олган.

Япроқ-япроқ, оғоч-оғоч,

Қарич-қарич, қадам-қадам,

Қамолингни кўрдим сенинг,

Қамолингни севдим сенинг —

Ўзбекистон, Ўзбекистон!..

Юргимизни мадҳ этувчи бу мисралар мазкур китобдаги «Ўзбекистон» шеърдан.

Республика матбуотида кўп йиллардан бери шеърлари эълон қилиниб келётган ромитанлик ёши шоира Мухсина Бобованинг илк тўплами — «Сен учун» «Авторнинг илк китоби» сериясида чоп этилди. Тўпламга кирган шеърларда қадрдон юрт табиати, ёшлик ва гўзаллик, севги ва

садоқат юксак эҳтирос билан куйланади.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

Болалар ёзувчиси **Раҳмат Азизхўжаев**нинг «Орият» номли янги китоби бир қисса ва ҳикоялардан тузилган. Китобнинг номи билан аталувчи қиссада Улуғ Ватан уруши йиллари Тошкент атрофидаги бир сабзавотчилик колхозининг чўлга отланиб қўриқ очишлари, ғалла ва сабзавотдан юқори ҳосил егиштириш

йўлидаги фидокорона меҳнатлари, юртга бўлган меҳр туйғулари ҳақида сўз юритилса, «Чол кўнгли», «Бир оғиз сўз», «Қалб тўрида» сингари ҳикояларида замондошларимизнинг ҳаётидан лавҳалар чизилади.

Улуғ Ватан урушининг даҳшатли воқеалари инсониятнинг сира ёдидан чиқмайди. Беаёв жангларда берилган қурбонлар хотирасига муаззам ёдгорликлар қад кўтарди, вайрон бўлган шаҳарлар ўрнида янгилари барпо бўлди, издан

чиққан хўжаликлар қисқа муддатда қайта тикланди... Лекин ўша уруш жароҳати ҳамон қалбларни сирқиратади.

Бекмирза Маҳмудов ва Сотволди Ражабовлар қаламига мансуб — «Қуёш чарақлаган кун» китоби уруш қолдирган жароҳатлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли қиссалардан иборат. Китобни ўқигач, она-Ватанимизнинг озоблиги, мустақиллиги ва тинчлиги йўлида жон фидо этган жангчилар хотирасига яна бир таъзим қиласиз.

«Еш гвардия» нашриёти.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Бундан йигирма беш йил аввал республикамиз пойтахтида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси бўлиб ўтган эди. Мазкур уюшманиннг VII конференцияси икки қитъа адиблари бирлигининг, улар сўзларини, бор кучларини, истеъодларини инсониятнинг олижаноб идеалларига, тинчлик ва социал тараққиёт учун хизмат қилдиришга азму қарор берганликларининг яққол намоиши бўлди.

26 сентябрь куни конференция қатнашчилари доҳиймиз В. И. Лениннинг Тошкентдаги хайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гулчамбарлар қўйдилар. Шу куни оқшом В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида мазкур анжуман тантанали суратда очилди.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси қатнашчилари бир ҳафта давомида халқлар тинчлиги, тараққиёти ва мустақиллиги учун кураш билан чамбарчас борланган ҳозирги адабий жараённинг актуал масалалари ҳақида фикр юритдилар. Конференцияда сўзланган ҳар бир нутқ — империализмга қарши курашда ёзувчиларнинг интернационал бирдамлигини мустаҳкамлашга қилинган эҳтиросли даъват бўлиб янгради.

Конференция қатнашчилари ва меҳмонлар республикамиз шаҳар ва қишлоқларида бўлишиб, халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги академик катта театрда уюшманиннг VII юбилей конференцияси тантанали ёпилди. Кечага Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари Алекс Ла Гума раислик қилди.

Ийгилишда уюшманиннг раҳбар органла-

ри сайланди. Африкалик машҳур ёзувчи ва жамоат арбоби Алекс Ла Гума Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг бош секретари, Бхишам Сахни (Ҳиндистон), Сарвар Азимов (СССР), Али Окля Арсан (Сурия), Нгуен Динь Тхи (Вьетнам), Ассефа Гебре Мариам (Эфиопия) ўринбосарлар этиб, «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофотининг лауреати Файз Аҳмад Файз «Нилуфар» журналининг редактори этиб яна яқдиллик билан сайландилар.

Уюшманиннг уставиға ўзгаришлар киритилди.

Журининг 1982—1983 йиллар учун «Нилуфар» халқаро адабий мукофотини Сарвар Азимов (СССР), Жозе Краверинья (Мозамбик), Мустафо ал Ферзи (Тунис), Кайфий Азми (Ҳиндистон) ва Нгуен Динь Тхи (Вьетнам)ларга бериш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Тошкент анжумани қатнашчиларининг «Жаҳон ёзувчиларига мурожаати» ўқиб эшиттирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповга жавоб мактуби қабул қилинди.


Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг VII конференцияси ўз ишини муваффақиятли тугатгач, ана шу анжуман якунларига бағишланиб, 3 октябрь куни Москвада совет ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси уюштирилди.

4 октябрь куни Советлар уйининг Колонна залида Осиё ва Африка ёзувчилари уюшмаси VII конференциясининг қатнашчилари иштирокида интернационал шеърият кечаси бўлди.

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Исфандиёр

МЕНИ ТОНГДА УЙФОТИНГ



Қисса

1

Кейинги пайтларда Махмуд алоғ-чалог туш кўиб чиқадиған бўлиб қолди. Қизиғи шундаки, туши доим деярли бир хил: тишлари ўз-ўзидан бирин-сирин тўкила бошлайди, ҳеч қандай оғриқ сезмайди. Қайси тишига қўл тегизса, ўшаси қимирлай бошлайди-ю, кейин осонгина суғурилай чиқади. Оғриқнинг йўқлиги уни хайратга солади, юрагини ваҳима босади. Шундай пайтларда у гўё бир вақтнинг ўзида-икки кишига айланиб қолади. Бир дахшатга тушган ҳолда ўз тишларини кетма-кет суғуриб олаверади, иккинчиси бу ҳолатни ваҳм аралаш қизиқиш билан кузатиб туради.

Кейин ҳаёлий оламидаги икки вужуд бир-бирига сингиб кетади, битта одамга айланади. Шунда Махмуд қора терга ботганча, босиринқирашидан юраги гурс-гурс уриб, қўрқув билан кўзларини очади, тишларини ушлаб кўради. Йўқ, ҳамма тишлари жойида. Хайрият, туш экан... Бари бир шипга тикилганича анчагача ўзига келолмай ётади. Тўғри, у тушга ишонмасди... Ишонмасди-ю, юрагини саросима босаверарди. Ўзини чалғитишга қанча уринмасин, бари бир, фойдаси бўлмас, сира ўзига келолмасди.

Аслида парво қилмаса ҳам бўладику-я. Ҳали ёш. Эндигина йигирма йил, аниқроғи йигирма йилу бир юз саксон беш кун умр кўрибди. Туши ҳам у қадар дахшатли эмас... Шунга қарамай ёш қалбини номаълум хавотирлик туйғуси безовта қила бошлаганди... Ҳар куни аҳвол шу. Охири чидай олмади. Онасига ёрилди.

— Яхшиликка буюрсин, болам, — деди она унинг гапларини тинглаб, енгилгина «ух» тортаркан. — оғриқ сезмаган бўлсанг ҳеч гапмас...

— Ҳа, ойна, ҳечам оғримайди. Қон ҳам чиқмади...

— Қон-ку, ёруғлик бўлади дейишарди-я...

— Оғримаягани яхши бўлибди. Кел, қўй, сенга кўз тикканлар тўкилсин... Онам раҳматли шундай дердилар... Ҳа, у кунлар ўтди-кетди...

— Ўн ёшга эндигина қадам қўйган пайтларим эди чоғи... — она диванга ўрнашиброқ ўтирди-да, ўзлига ҳаёлчан кўзларини тикканча, гапида давом этди. — Отам, сенинг буванг, қаердадир вакил бўлиб ишлар, кўпинча кечқурунлари, баъзан кечалари ҳам уйда бўлмасди. Биз, онам иккаламиз бирга ётардик. Бир ўзлари ётгани қўрқадилар... Уша кунларни эсласам ҳали-ҳали кўнглим ориқиб кетади. Мен учун у кунлар энди энг ширин хотира бўлиб қолди. Кўндуз кунлари онамнинг мен билан унчалик иши йўқ. Қачон қарасанг юмуш билан банд, бегоналашиброқ қолгандай туюларди. Кечалари эса қоронғилик ваҳми бизни бирлаштириб қўярди. Мен онамнинг пинжиги суқилардим. У илик, меҳрибон қўллари билан бағрига тортар, паст ширали овозда кўрган-кечирганларини ҳикоя қилабошларди...

Ҳали-ҳали онагинасининг овози, гап оҳанглари гоҳо қулоғимнинг тагида жаранглагандай бўлади... Ҳамма айтганлари шундоққина эсимда турибди. Холасининг қўлида катта бўлганлари, кейин бола қаровисиз қолмасин деб, отасининг ўша холасига уйлангани, холасининг уни хўрлаганлари, ноиларни сандиққа яшириб, қулфлаб қўйганлари... Унутиб бўларканми! Ўша сандиқ қулфини миҳ билан очса бўларди... Буни ўғай она тезда сезиб қолди-ю, кейин ноиларни санаб қўядиган, пойлайдиган бўлиб қолди. Пойлай-пойлай бир куни қулфни очаётганда ушлаб олди... Вой, ўшанда кўтарган шовқин-сурони, тўполонлари... То отаси келгунча жағи тинмабди. Ота эшикдан кириши билан дийдеси яна янгидан авжига чиқибди. «Қизингизнинг қўли эгри. Бу ҳолда кетаверса нима бўлади? Қиз бола нарса бўлса... Анчадан бери кузатиб юрибман. Сизни билмай қўяқолсин деб индамасдим. Бўлмади. Отасиз, оталигингизни қилинг, мундоқ уқдириб қўйинг, тарбия беринг!»

Ота ўғай онанинг гапи билан шунақаям «тарбия»ни ўрнига қўйибди-ки, онамининг бутун аъзойи бадани қонталаш бўлиб кетибди. Бир ҳафтагача ўзига келолмабди!..

Онам раҳматли ўша кунлари, онаизорини эслаб тез-тез кўзёши қилиб турарди. Шу алфозда тунинг қандай ўтганини ҳам сезмай қоларди. Тонготара яқингина кўзимиз уйкуга илинарди. Мен онамининг юрак уришларини шундоққина эшитиб ётардим. Бу мен учун роҳат эди. Шундай кунларнинг бирида, тун ярмида онамининг қичқиригидан уйғондим. Бошимни кўтариб, унга қарадим-у, қўрқиб кетдим. Сочлари тўзиб кетган, рангида ранг қолмаган онам шўрлик дод солганча нуқул эшикни кўрсатар, тили калдираб нуқул «отанг... эшикни оч... отанг... қон... туролмапти... у ўша... ўша ерда... қонга беланиб... ётибди... қара...» дея алаҳларди. Мен отилиб туриб эшикни очдим, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Кейин иккаламиз ташқарига чиқдик, атрофни айланиб юрдик, ухлай олмадик. Эрталаб эса отамни кимдир тунда ўлдириб кетганини хабар қилишди.

Маҳмуд онасига тикилиб қолди. У ҳеч қачон банақа ёрилиб гаплашмаганди. Кейин ҳам анча вақт онасининг бу ҳикоясини унутолмай юрди. Гўё онаси ўша куни бир зумгина, янги, ҳалигача унга номаълум қиёфада бир кўринди-ю, яна ўз ҳолига қайтгандай... Э-ҳа-а!.. Унинг ихтиёрида ҳали ропша-роса икки кун вақт бор. Маҳмуд ойнадаги ўз аксига қараб, лабларини тишлади, бурнини уқалади-да, жилмайиб қўйди. Қачон ҳаёлга берилса шунақа қиладиган одати бор эди. Унинг бу одатига баъзи ўртоқлари тақлид ҳам қила бошлаганди. Бу унга хушқар, ҳатто болаликдан қолган шу одати билан бир оз ғурурланиб ҳам қўярди. Бешинчи синфда ўқиб юрган кезлари муштлашиш пайтида бурнини пачоқ қилишган. Тўғрироғи, «пачоқ қилишган» эмас, пачоқ қилган. Ушанда Раҳим деган бола билан яккама-якка олишишган, Раҳим ҳақ бўлгани учун ғолиб чиққанди. Бир вақтлар Маҳмуд ҳам уни енгганди. Фақат у сафар Раҳим ноҳақ, Маҳмуд эса ҳақ эди. Шунинг учун ҳам ютиб чиққанди.

Ўша кез у Раҳимни енгди. Чунки ҳақиқат Маҳмуд томондайди. Буни кейинроқ тушунди. Ўзининг ҳақ эканлигини, бировга олдин қўл кўтармагани, аксинча ҳимоя қилганини, ўз ҳақиқатини ҳимоя қилгандагина ғолиб чиқиш мумкин эканлигини кейин тушунди. Ушанда интернетга эндигина келганди. Янги келганларни интернет болалари «синов»дан ўтказиш одати бор. Ҳар тарафдан жигга тегабошлади, охири муштлашишга бориб тақалади, ана шунда истасанг-истамасанг майдонга яккама-якка чиқишга тўғри келади. Маҳмуд билан ҳам шундай бўлди. Ўғил болалар-ку майли-я, қизларни айтмайсизми. Кўз очирмайди. Ўша куни айниқса Раҳим ҳаддидан ошди. Ҳаммасиданам «Ҳой, милтон гилдираги, бу ерга нега келиб қолдинг гилдираг?..» дегани жон-жонидан ўтиб кетди.

Маҳмуднинг онаси ҳам, ўғай отаси ҳам терговчи бўлиб ишлашарди. «Милтон гилдираги» деб лақаб қўйишлари аслида шунга шама эди... Маҳмуднинг жон-пони чиқиб кетди, ўзини тутиб туролмади, еб қўйгудек бўлиб Раҳимга ташланди. Энди унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, бу ерда ўзининг бегона эканлигини ҳам, ҳаммининг унга қарши эканлигини ҳам унутганди. Ҳа, ўшанда у ҳақ эди, шунинг учун ҳам муштлашишда ютиб чиқди. Раҳимнинг лабини қонатиб, лунжини осилтириб қўйди. Одатда муштлашиш ё қон чиққунча, ё ёш чиққунча давом этарди. Иккаласи бир-бирига ташланган заҳоти, ажратиб қўйишди-ю, кейин «қон чиққунча солишиш» деб, умумий қарор чиқаришди. Ниҳоят, ана шу биринчи жангда Маҳмуд ютиб чиқди. Биринчи гал у ҳақ эди, ютди, кейинги гал — Раҳим ҳақ эди, Раҳим ютди. Бурни пачоқ бўлиб қолишидан роса кўркувди-я ўшанда... Чопганича ётоққа кирди-ю, кўзгуга қараб, бурнини ушлаб кўрди... лекин сотқин деган ном орттириб олмаслик учун бу воқеани катталардан ҳеч кимга билдирмади. Кечаси билан бурнини уқалаб чиқди. Шинга қараб ётишга мажбур бўлди. Эрталаб, турасолиб, яна бурнини аввалги ҳолига келтириш учун зўр бериб уқалай бошлади. Бир ҳафтадан кейин шиш бир оз қайтгандай, бурни гарчи унчалик бўлмаса ҳам, жойига тушгандай бўлди. Ўша воқеадан кейин муштлашишга тоқати бўлмаса ҳам бокс тўғарагига ёзилганди... Ҳаммаси ўтиб кетди-ю, бурун уқалаш одати қолмади...

Маҳмуд календарга кўз ташлади. Иигирма тўртинчи октябрь. Шанба. Кейин яқшанба келади. Душанбада эса...

Сенга хизмат қилар, жоним,
Энди дала почтаси...

Болалигидан буён таниш солдат қўшиғи нақоратини аввал паст овозда айтди-ю, кейинги сўзларини тополмай, ўша оҳангда ҳуштак чалабошлади. Кўзгугаги ўз аксига қараб, кўз қисиб қўйди. «Бўш келма, оғайни, ҳа, дадил бўл. Армиясиз иш битарканми, ҳақиқий йигитларгина жангчи бўлади. Душанбагача эса деярли икки кечаю кундуз вақт бор. Қирқ саккиз соат... икки минг саккиз юз саксон минут...

Маҳмуд бошини силкиб, қулиб юборди: хуллас, бошқа гап йўқ. Байрамни карантин-да ўтказишга тўғри келади.

— Ойи, соат неча бўлди?

— Етти... ўн бешта кам етти,— жавоб эшитилди қўшни хонадан.

Онаси уни туртиб қўйди, деразага яқинлашиб, ташқарига қаради. Соат энди етти бўлибди-ю, қоронғи тушиб қолганини...

Дераза ойнасини яна ёмғирнинг хуркаккина томчилари энгил черта бошлади.

Бу йил куз серёмғир келди. Бўтана оқимлар неча бор ариқчаларни ювиб, йиғилиб қолган ҳасу ҳазонларни суриб кетди...

Маҳмуд деразани ланг очиб юборди. Кишини элитувчи соф, сарин ҳаводан кўкрагини тўлдириб нафас олди-ю, қувноқ кулги аралаш энгвл энтикиб қўйди. У ёмғирни ёқтирарди. Азалдан шундай. Бу туйғу унда қачондан пайдо бўлганини эслай олмайди. Балки дастлаб бу туйғу интернатда, гоҳо-гоҳо кечалари деразадан ошиб тушиб, хира ёритилган хибон бўйлаб ёлғиз кезган ёки саёзгина сой бўйида соатлаб ёлғизлик гаштини суриб ўтирган чоҳларида пайдо бўлгандир.

У ёмғирни севарди. Чунки ёмғир остида хаёллари энгил, қанотли бўларди. Тунни севарди, чунки тун кучоғида у ўз ўй-хаёллари билан ёлғиз қолар, ҳеч ким унга халақит беролмасди. Одамлар уйқуни, у эса ёмғирни, тунни севарди.

Бўш пайтлари осмонни қора булут қоплай бошласа, эски кийимларини киярди-ю, уйдан чиқиб кетарди. У булутларни тушунарди, булутлар эса уни... Муздай томчиларга юзини тутиб, жилмайганча бўм-бўш кўчалар бўйлаб юрар, ўзини ҳам хаёлларига энгил, бахтиёр ҳис қиларди. Ёмғирдан тезроқ пана жойларга етиб олишга шошаётган йўловчиларнинг масҳараомуз нигоҳларини у сезмасди, сезганда ҳам тушунмасди. У фақат булутларни, ёмғирни тушунарди. Фавворанинг мраммар қирғоғига ўтирар, ундаги турғун сувнинг қикирлаб-қайнаб кулишини роҳатланиб томоша қилар, қўшилишиб куларди.

Онаси унинг бу ғалати қилиқларига сира кўниқолмасди. Ёмғирда дайдигани нимаси... «Эси бор одамлар бундай пайтларда жимгина уйда ўтиради, сен бўлсанг...» дея қойиб қўярди. «Ойижон, уйда ўтиролмайман, эс-ҳушим йўқ бўлса керак-да», дея ҳазил билан қутуларди кўпичча. Онаси қўл силтаб, ух тортиб қўярди-да жикқа хўл кийимларини қуритишга уннаб кетарди...

Ёмғир кучайгандан-кучайиб борар, йирик-йирик томчилар шовқин солиб, боғдаги ҳазон япроқларини саваларди.

«Володка ҳам жўнаворди», эслади Маҳмуд. Эслади-ю, ғалати бўлиб кетди, юраги гаш тортиди. Володка Маков илгари қўшни ҳовлида яшарди. Маҳмуддан уч ёш катта бўлгани учун аллақачон ҳарбий хизматни тугатиб, уйланиб ҳам бўлди. Урта бўй, кенг елкали, сийрак сочли Володканинг болалар орасида обрўси катта эди. Болалик чоғларидан бери у доим Маҳмудга ён босиб келди, уни ҳимоя қилди. Иккаласи ака-укадек ҳеч қачон бир-бирларидан ажралишмас, бирга юришар, бирга ўйнашарди. Кетиб қолди. Қутилмаганда шундай бўлди. Олдин хотини Магда ўз юрти Закарпатьега жўнаворди. Володка ўша ерда хизмат қилган, иккаласи ўша ерда танишган эди. Магда Володка билан келиб, икки йил турди-ю, бари бир кўниқолмади. Володка билан Маҳмуд олдин Магдани, кейинроқ Маҳмуд бир ўзи Володкани кузатиб қўйди.

— Эсингдан чиқмасин,— деди Володка перронга чиқишганида,— хат ёз... тушундингми? Езмасанг...

Маҳмуд гапиролмади, томоғига нимадир тиқилди, бошини оғир силкиб қўйди. Володка сигарета чиқариб, гугурт чақди.

— Биров хафа қилса, албатта, ёзиб юбор. Боцман сенга ғинг демайди,— сигарета тутунини қаттиқ тортганди, йўтали тутди,— гаплашиб қўйдим.

— Чекишни ташлагандинг-ку,— деди секин Маҳмуд, дўстига қараб.

— А-а!— қўл силтади Володка. У сигаретани яна кетма-кет тортиди-да, қолдиғини оёғи остига ташлаб, товони билан топтади.— Ваъда бераверамиз,— гапида давом этди у поезд келадиган томонга қараб.— Қалбаки эканлигини ўзимиз билиб турсак ҳам ваъда бераверамиз... Шунақамасми?

— Қайдам,— елкасини қисди Маҳмуд.

— Қайдам эмиш!— кулиб қўйди алам билан Володка.— Шошмай тур, «қайдам» лигини ўзинг кўрасан ҳали... Мана ўзинг, хат ёзаман деб ваъда бераяпсан-у, қанча ёзақоларкинсан... Йўлига бўлсаям битта хат ёзсанг бошим осмонга етарди. Айблайпти деб ўйлама тагин. Йўқ. Сирасини айтаяпман, холос... Ростини айтсам, кўпроқ ўзимни назарда тутаяпман.— У яна аччиқ кулди.— Виз ҳаммамиз ваъда беришга устаси фарангмиз, нега шунақа? Истаган одамингдан сўраб кўр, ўлай агар биронтаси тўғриси айтқолса. Шунчаки, бошқаларгаам, ўзимизгаам яхши кўрингимиз келади...

Тўсатдан ёмғир қуйиб юборди. Икки дўст жомадон, тўрхалтарни пана жойга олиб ўтишди.

Поезд кўринди. Қуйиб турган ёмғирга қарамай йўловчилар темир йўл бўйлаб ғимирлаб қолишди. Улар ҳам Володя чиқши керак бўлган тўққизинчи вагонга қараб юришди, проводник олдига етгач, бир-бирига нима дейишларини билмай, бир зум тўхтаб қолишди.

— Энди... ҳалиги...

Володка Маҳмудни бесўнақайлик билан кучоқлади-да, елкасига шапатилаб қўйди.

— Узинг ёзиб турасанми, ишқилиб?— сўради Маҳмуд.

— Шунақа баёнот юборайки!— энгил тортгандай кулди Володка.— Шеър билан ёзаман... Бир ой ўқийсан.

Поезд бир силтанди-да, перрон бўйлаб жилабошлади. Володка шоша-пиша чўнтақларини кавлаштиришга тушди.

— Нима бўлди?— хавотирланди Маҳмуд. Билетни йўқотиб қўйдингми?

— Йўқ!— Володка унинг чўнтағига шоша-пиша ниманидир суқдида, вагон зинасига сакраб чиқиб олди.— Эсдалик учун сенга!.. Ёз! Адресни йўқотиб қўйма!

Маҳмуд анча жойгача ёнма-ён қўл силтаб, чошиб борди, кейин аста-секин орқада қолабошлади, то охирги вагон шом қоронғилигига сингиб кетмагунча ундан кўз узмади. Володка чўнтагига нима тиқиб қўйдийкин? Олиб қараса — дастаси ялтирок, чиройли ишланган қаламтарош.

Ўзича жилмайиб қўйди-ю, чўнтагига солди. Шу бўйи дўстининг совғасини қайта эсламади.

Тун ярмидан ошган. Маҳмуд бўм-бўш кўча бўйлаб гангиган ҳолда фаромуш қадам ташлаб келар, йўлнинг фарқига бормас, дам-бадам шалоплаб қўлмақларга тушиб кетар, сув сачраб, шимининг почаларини шилта қилиб юборганига ҳам парво қилмас, фақат бир нарсани, қандай бўлмасин тезроқ уйга етиб боришни, ўринга ўзини ташлаганча ҳамма нарсани унутиб, бошини буркаб ётишни истарди...

Расво бўлди-да. Малинага нима дейди энди? Бари бир. Нима демасин, қандай сабаб кўрсатмасин, энди унинг олдида ўзини оқлай олмасди. Малина унинг баҳоналарини ҳатто эшитишни ҳам хоҳламаса керак. Сўнгги кун!.. Нима қилиб қўйди-я... Уша Гулдорга учрашишнинг нима кераги бор эди. Кейин даврдан чиқиб кетиш имкони бўлмаслигини яхши биларди-ку ўзи! Йўқ, бари бир борди. Энди бўлса...

Бор кучини йиғиб, иложи борича тўғри юришга, мувозанатни сақлашга уринарди, уринарди-ю, уддасидан чиқолмасди. Боши гувиллар, қандайдир номаълум куч гоҳ у, гоҳ бу томонга суриб кетаётгандай бўлаверарди.

Сўнгги кун... Эҳ тентак! Шунчалик каллаварам бўласанми, а!..

Бутун шаҳар уйқуда. Қимирлаган жон йўқ. Фақат ион чироқларидан қандайдир гувуллаган овоз таралаётгандай бўлар, у ҳам тунги шаҳар сукунатини бузолмасди.

— Тўхта, етиб келдинг!

Овоз шундоққина кулоғининг тагида хунук жаранглади. Маҳмуд сесканиб, бошини кўтарди. Унинг қаршисида нотаниш йигит кулочини кенг керганча, йўлини тўсиб турарди. Бир неча дақиқа бир-бирининг кўзларига тикилганча қоғиб қолишди, кейин нотаниш йигит ишшайди-да, бир икки қадам олдинга юриб, бўғиқ овозда такрорлади.

— Етиб келдик манзилга... Йигитча. Энди чекиб олсак бўлади. Бу масалага сен қандай қарайсан, а?

Маҳмуд ундан нима талаб қилаётганларини тушунмагандай, йигитга тикилиб, индамай турарди.

— Бу ердагилар сендан гап сўраяпти, хумпар! — кимдир орқасидан туртди.

Маҳмуд ўгирилди. Қараса орқасида ҳам икки киши; бири келишган, бўйи бўйи билан баравар, қора сочлари текис таралган, иккинчиси хиёл пастрок, елкадор, қора қошли. Қаерига туширсам экан дегандай жўмрайиб турибди.

— Нега кўзингни лўқ қиласан? — ишшайди келишган йигит.

— Ҳой, сен менга қара! Мен гапшайпапман сен билан, — биринчи йигит Маҳмудга тўсатдан қаттиқ мушт тушириб қолди.

Маҳмуд чайқалганча, биқинини чангаллаб қолди.

— Нима қилаяпсанлар! — инграб юборишдан ўзини аранг тутиб, тишини-тишига босди Маҳмуд.

— Уришни билмас экансан, малла! — Маҳмуднинг орқасида турган келишган йигит гап қотди. — Қани, Бича чўнтакларидега нима бор экан, бир қараб қўй. Ўзича айтмайдиганга ўхшайди. Кўриб турибсан-у, тилдан қолди.

Оғир қўллар чўнтакларидега гимирлаётганини сезиб, Маҳмуд четга силтанди.

— Қимирлама, йигитча. Граф томоқ ҳўллаши керак. Ғинг десанг калланг думалайди.

— Қўйвор! — Маҳмуд унинг қўлини силтаб, орқага ташланди. Лекин шу заҳоти жағига урилган оғир зарб уни ерга чўзилтирди.

— Яна ўхшатолмадинг, малла, кўриб қўй! — кулиб юборди Граф ва бир сакраб, ўрнидан туришга уринаётган Маҳмуднинг жағига туфлиснинг учи билан тепди. — Ҳа! Бича чўзилиб қолган Маҳмуднинг устига энгашди-да, шерикларига қараб:

— Тайёр бўлганга ўхшайди!.. Бопладинг-да, Граф! Гум килдинг, — деди.

— Оёғимни чиқариб олганга ўхшайман, ифлос! — жавоб қилди Граф оғриқдан афти буришиб. — Энди шу қанжиқни деб, оқсоқланиб юрадиганга ўхшайман!

У ёғоч ўриндиққа ўтирди-да, хушсиз ётган Маҳмуднинг чўнтакларини титкилаётган Бичага қараб, оёғини уқалай бошлади.

Маҳмуд кўзини очди-ю, тепасида энгашиб турган Бичанинг башарасини кўрди.

— И-ха! Тирилди! — аҳмоқона қикирлаб қўйди. Бича, — Граф, буни қара, рост айтапман, жон битиб қолди! — кейин яна Маҳмудга ўгирилди. — Ҳали бирор соат даминг чиқмас деб ўйловдик сени! — у оғзини катта очиб, хахолаб юборди.

— Нима керак сенларга? — Маҳмуд секин ўрнидан турди.

— Тилга кирди! — хайратланиб, бўйинини чўзди Малла. — Ҳозир мен сени тинчитаман.

— Бас, Малла! — бурджи Граф. — Етар, айниб қолмасимдан бурун яхшиликча туёғини шиқиллатсин.

— Жўна! — Маҳмуднинг елкасига қоқиб қўйди, Бича. — Бугун Графнинг вақти чоғ. Вақтни бой бермай жўнавор.

— Қани бўл! — йигитнинг орқасига тепди Малла.

Маҳмуд ўгирилди, индамай қўйиб бергани, кўрқоқлик қилгани учун ғижиниб, аста узоқлаша бошлади. Шу пайт унинг бутун вужуди ғазабдан титрар, юзини алам ёшлари ювиб борарди.

— Ифлослар! Ифлослар! Ифлослар! — такрорларди, қўлидан бошқа иш келмаслигини билиб. Юз-кўзини артиб олиш учун дарстрўмолини излаб, чўнтакларини

пайпаслади. Қўлига қандайдир совуқ нарса илинди. Шу ондаёк, томоғи қуруқшаб қолганини ҳис қилди. Жон-жаҳди билан йигитлар томон ташланди:

— Ифлослар!

Граф ҳайратланиб, ўриндиқдан кўтарилди, шерикларига қаради.

— Бизни ҳақорат қилаяпти!

Маҳмуд тўғри ўшанга қараб юрди.

— Граф, у эсини еб қўйганга ўхшайди. Гаплашиб қўяйми?— ишшайди Бича.

Малла билан Бича Маҳмудга қарши чиқишаётганда Граф уларни тўхтатди.

— Узим.

Кўз юмиб-очгунча ҳам вақт ўтмади, Граф билан Маҳмуд бир-бирларига ташланишди. Маҳмуд нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди ҳозир. У одам қиёфасида эмасди. Кўзига ҳеч нарса кўринмас, бутун вужуди ғазаб, ваҳшиёна нафрат исканжасида. Граф яқинлашгани ҳамон унга шартта пичоқ тўғрилади. Узига теккан зарбни ҳам, пичоқнинг ғарчиллаб қаерига санчилганини ҳам сезмади. Фақат қўлига қандайдир илиқ сувоқлиқ қуйилганини, ниманингдир гурсиллаганини аранг англади.

— Ми-ли-ци-я! — деган ваҳм тўла қичқирлиқ кўчанинг нариги бетидаги уйнинг йўлагидан эшитилди. Бир неча дақиқадан сўнг йўлакда Маҳмуднинг бир ўзи қолди. Қўлини кўзларига яқинлаштириб қаради, вужуди сесканиб кетди, пичоқни қаёққадир улоқтириб юборди.

Қон... қон... Вировнинг қони!

Оёғини кўтариб босишга ҳам мажоли етмай, Маҳмуд яна бирмунча вақт турган жойида тик қолди. Кафтини шимига, кейин кўйлагига артди. Нима қилиб қўйди ўзи? Энди нима бўлади?

Узига келолмади. Ваҳм билан ўзини қоронғиликка урди. Уйга!.. Тезроқ... Ҳеч ким кўргани йўқ... Вақт ғаниматда тезроқ уйига етиб олиши керак...

Нафаси тикилиб, ҳаприкқанча йўлакларда, бегона ҳовлилардан чопиб борарди... Худди орқасидан биров қувиб қелаётгандай туюларди. Ҳатто оёқ овозларини эшитгандай бўлар, даҳшатга тушиб, жон-жаҳди билан олдинга ташланарди...

Оёғи нимагадир қоқилиб кетди, қўллари шилиниб қонади, йўлак четидаги тўсиққа боши билан урилди, лекин оғриқ сезмади. Бор кучини йиғиб, яна олдинга интилди. Мажоли тугаб бораётганини, узоққа боролмаслигини билар, тўхташнинг имкони йўқ, чунки... чунки...

Маҳмуд чопиб бораркан, кўз ёшларини артди-да, аламдан инграб қўйди. У ҳозир фақат бир нарсани, тезроқ уйга етиб олиш, борган сари оғирлашиб, қўрғошиндай туюлаётган лаънати энгил-бошини ечиб, тўғри келган жойга улоқтиришни-ю, кўрпага бурканганча ҳамма нарсани унутиб, пинакка кетишни истарди.

Йўқ, балки ҳеч гап бўлмагандир! Булар ҳаммаси тушида юз бергандир! Ахир, ҳеч ким кўргани йўқ, исботлаб беролмайди-ку! Анавилар эса... журъат қилолмайди. Олдин ўзлари бошлашди... Мабодо сўраб қолишса уйда эдим, ухлаётувдим дейди... Фақат онасига айтиш керак... у бу фикрини тасдиқлайди... Онасига айтиш... Хўш, нимани айтади?.. Бир кунгина қолди... бир кун... у кетади, узоқда, жуда узоқларда бўлади у... Бугун кечаси юз берган ҳодисага унинг даҳли бўлмайди... Бугун қайси кун ўзи?.. Вой каллаварам-эй, сенга чилонинг нима кераги бор?

— Э... Тўхта!

Бир жуфт чайир қўл Маҳмуднинг елкасидан ушлади. Юзини буриб, ёруғликка тутди.

— Типирчилама, Маҳмуд, сенга нима бўлди?

Маҳмуд бошини кўтарди. Ким бу ўзи? Нима керак унга?

— Нима гап ўзи?

— Толик!

Маҳмуд бир вақтлар фабрикада бирга ишлашган Толик Буровни аранг таниб қолди. Тунги сменадан келаяптимикиан?

— Толик! — тақорлади Маҳмуд, кўз ёшлари юзини ювиб, пиқиллаб юборди. — Анави ерда... бунақа бўлишини билмовдим мен! Толик! Мен истамовдим бунақа бўлишини! Толик! Емон бўлди!..

— Нима, нима бўлди ўзи? — Буров унинг юзига диққат билан тикилди. — Ташунтириброк гапирсанг-чи, нимани истамовдинг? Буров билан уришиб қолдингми, нима бало?

— Хм-м-м! — Маҳмуд бошини силкиб қўйди. — Рост айтаман, атайлаб қилганим йўқ бун! Пичоқ билан...

— Шошма... Жим бўл! — Буров унинг сўзини кескин бўлди, Маҳмуд қўрқа-писа оззига кафтини босди.

Буров ёнгинасида ўзини йўқотган ҳолда Маҳмудга тикилиб турган хотинига ўғирилди-ю, қаншарини қашиб қўйди.

— Э-э-ҳа-а! Шунақа дегин...

— Мен... Менинг хаёлимда ҳам йўғиди, Толик!

— Бас қил! — Буровнинг кўзлари чақчайиб кетди. — Истамовдинг... Уйламовдинг... Бу гапларингнинг кимга кераги бор энди?

Бир оз ўйланиб турди, кейин атрофга аланглади-да, Маҳмудга қараб:

— Менга қара, балки сен ҳеч... — деди-ю, Маҳмуднинг кўзига кўзи тушиши биланоқ жим бўлиб қолди.

— Хм-м! Шунақа де!.. Биласанми? Тўғри уйингга физилла,— у Маҳмуднинг елкасига қоқди. Ойинг кийим-бошингни ювиб қўйсин... Изни йўқотиш учун... Ким билади дейсан, тагин... Мен Алка билан... Нима гапчилиги билиб келаман. Қолганини кейин гаплашамиз. Жўна!

— Уғлим! — онасининг ранги оқариб, юрагини чангаллаб қолди. — Нима бўлди сенга? — у ҳали ухламаганди. Икки қўлини энгагига тираганча стол ёнида унга қараб ўтирарди.

— Ойи, ойижон! — дея олди Махмуд аранг, холос. У остонада бошидан хуши учиб тураркан, тобора силласи қуриб бораётганини сездди. — Ҳеч нарса... ҳеч нарса бўлгани йўқ! — ўзига келиб, онасидан кўзини олиб қочди. — Ҳаммаси яхши... Лойга йиқилиб тушдим. Кўп ичиб қўйибман, гандираклаб, йиқилиб тушдим.

Ўзини зўрлаб жилмайишга уринди-ю, сохта жилмайиши ниҳоятда аянчли чиқди. Шу тиржайганча жон-жаҳди билан эғнидан шимини, курткасини, кўйлагини ечиб, бир чеккага уйиб ташлади.

— Мана... ҳаммасини ювинг, ойи, — шоша-пиша яна қўшиб қўйди. — Ҳозир ювинг, ойи, ҳозироқ...

У ўз хонасига ўтмоқчи эди, онаси йўлини тўсди.

— Айтақол, ўғлим, бир гап бўлдимми? Юрагим сезиб турибди... кўп қийнама мени, айт, ўғлим!

Махмуд бир неча дақиқа унинг кўзларига тикилиб турди-да, бошини чайқади.

— Айтдим-ку сизга... бир йигитга... муштлашиш пайтида пичоқ санчволишди... — хўрсинди у.

Пичоқ?! — она ранги ўчиб ҳолсиз шивирлади. — Сен-чи. Сен нима қилдинг?

У бирдан тугилиб қолди, қандайдир даҳшатни сезгандай сесканиб, кўзлари ёшга тўлди. Турган жойида бир чайқалди-ю, ҳолсизланиб, диванга чўкди.

— Бу қанақаси-а, ўғлим? — дея олди у аранг икки ёноғидан оқиб тушаётган кўз ёшларини ҳам сезмай.

— Шунақа! — Махмуд бир зумгина бўшлик қилиб, ожизларча тилини тиёлмагани учун ўзидан аччиғланди... — Мен ҳам ўша муштлашишда бор эдим. Ҳаммасини ўз кўзим билан кўрдим...

— Уғлим, ўғилгинам! — онанинг бутун вужуди титраб кетди. — Уша... сен эмасми, а?.. Ишқилиб, сен пичоқламадингми?

— Нима деясиз, ойи?!

Махмуд бошини чангаллаб қолди, худди ҳозир ёрилиб кетадигандай маҳкам қисди, онасини ёнлаб ўтди-ю, ўз хонасига кириб кетди.

Боши ёстиққа тегиши билан ўзини тубсиз жарга кулаб кетаётгандай сездди. Йўқ, у ухламади, бутун борлиги билан бўтана хаёллар гирдобига чўкиб кетди...

— Махмуд! Махмуджон! Уйғонсанг-чи, Махмуд!

У кўзларини очди-ю ўзига нима бўлганини, қаердалигини англаб етар-етмас қалқиб ўрнидан туриб кетди, унинг ҳозирги кўриниши гўё ухламай, кимдир чақиринишни кутиб ётган киши ҳолатини эслатарди.

Қанақадир болалар келиб... сени сўрашди, — онанинг кўзлари йиғлайвериб, хиралашиб қолганди, ўғлига диққат билан тикилди. — Уларга «эртага келақолинглар, ҳозир ухлаб ётибди», дедим.

Болалар? — ҳушёр тортди у, шу заҳотиёқ хаёлига Буров келди. — Нега энди... Эҳ, ойижон-эй!

У ўзини йўлакка олди. Толик бўлмай, ярим кечада ким ҳам келарди. Узоққа кетиб қолмасинда.

Югурганча ҳовлига чиқди. Уни кутиб туришган экан.

— Хўш? — Буровнинг билагидан ушлади, ҳатто унинг ёнида нотаниш, салобатлигини йигит турганини ҳам сезмади.

— Олиб кетишди, — бўғилиб жавоб берди Буров ундан кўзини олиб қочаркан. — «Тез ёрдам» да олиб кетишди...

— Бир ўзи эканми? — шивирлашга ўтди Махмуд.

— Шерикларини милиция олиб кетди, — деди Алла, сўнг жаҳл билан қўшиб қўйди. — Ниятингга етдинг! — Лаш-лушингни йиғиштиравер, энди навбат сеники!

— Учир овозингни! — унинг сўзини кесди Буров. — Бу сенинг ишинг эмас.

— Нега овозимни ўчирарканман? — зрига жаҳл қилди у. — Ўзимники етмагандай энди... Буниям ташвишини қилайми?

— Алла, ахир, мен... — Махмуд нима дейишини билмай елкасини қисди, аввал Буровга, кейин унинг ёнида турган Русланга ўтинч назари билан қаради. У бир вақтлар бир синфда ўқиган Русланин эндигина таниб қолди.

— Қўйсанг-чи, Алла! — деди Руслан илтимоснамо, шундай дейишга деди-ю, ўзи ҳам Махмуддан кўзини олиб қочди.

— Нима қилсам экан-а, болалар... Толик!

Махмуднинг лаблари титраб, бутун вужуди увушиб, қақшаб борарди.

— Нима қилсам экан? Нима қилсам экан?!

— Милицияга бориб, ҳамма айбингни бўйнингга олишинг керак! — деди Алла шартта ўгирилиб, кейин эрига қаради: — Кўргани кўзим йўқ уни! Сени қайрилишда кутиб тураман!

Алла кетди. Буров Махмудга бирпас қараб турди-да, Русланга ўгирилди.

— Сен нима дейсан?

— Шахсан мендан сўрашса... — у елкасини қисиб қўйди. — Ҳеч нарса кўрганим йўқ... ҳеч нарса билмайман... Сени учратдим... Бўлгани шу! — ярқ этиб Махмудга кўз ташлади-ю, яна юзини четга бурди. — Қолганини ўзи билади...

— Ҳм-м-м. — Буров иккилангандек чўзиб қўйди. — Алладан хафа бўлма, мени деб қанчалар дард чекканини ўзинг биласан. Аслида мен ҳам сенга ўхшаш тентак эдим...

— Ҳеч нарса дётганим йўқ-ку, ҳолсизлик билан илжайиб қўйди Маҳмуд. — Фақат... Мени йигирма олтинчида армияга олиб кетишлари керак. Бир кунгина қолди...

— Армияга бўлса... Бу яхши, — Буров елкасини қисиб қўйди. — Майли, мен кетдим бўлмаса, Алка кутиб қолди... Сен-чи, Руслан?

— Ҳа, албатта кетишим керак, — Руслан ниҳоят Маҳмуднинг кўзларига тик боқди, шалвираб қолган қўлларини сикди: — Хўп, омон бўл! Узингдан қолар гап йўқ, ўйлаб кўр...

Инглайвериб кўзлари қизариб кетган онаси икки қўли билан кўкрагини чангаллаганча ҳамон мунгайиб турарди. Кўриниб турибди, яна юрак ўйноғи тутган.

Маҳмудни даҳшат босди... Онаси ҳамма галдан хабардор бўлиб қолса нима қилади! Ҳаммаданам ҳозир у яна изоҳ беришлардан, сўзлашлардан, кўз ёшлардан қўрқарди... Бор кучини йиғиб тишини-тишига қўйди, йўқ, фақат ҳозир эмас, кейинроқ, нима бўлгандай кейинроқ...

— Мен эмас, тушунсангиз-чи! Мен эмас! — кичқириб юборди у. — Тинч қўйсангиз-чи мени! Илтимос, ойи, ойи-жо-о-он!

3.

Маҳмуд устидаги кўрпани улоқтириб ташлади, у бир неча дақиқа ўтмаёқ яна боши билан бурканиб олди. Гоҳ исиб кетаётгандай, гоҳ совқотаётгандай туюлар, ухлади-ми-йўқми, билиб бўлмасди.

Кўзларини юмди.

Ўтган тундаги воқеалар барча икир-чикиригача кўз ўнгига келди. Даҳшат... йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, йўқ!..

Юз берган мудҳиш ҳодисага ишоналмас, ишонгиси қелмас, бутун борлиғи билан қайта-қайта рад этарди. Рад этасанми, йўқми, юз айлантир, минг айлантир — фойдаси йўқ. Бўлган иш бўлди. Энди кимлардир, қаердадир бу жумбоқни ечишга, аниқлашга ҳаракат қилишяпти... уни излашяпти... У одамни пичоқлади. У — қотил! Қотил!

Эртами-кечми ҳақиқат юзага чиқади. Одамлар уни бармоғи билан кўрсатиб, шовқин солабошлайди: Қотил! Қотил! Қотил!..

У яна димиқиб кетаётгандай устидаги кўрпани улоқтириб ташлади. Хонада ҳаво даҳшатли тезликда камайбошлади. Маҳмуд ирғиб ўрнидан турди, дераза табақаларини очиб юборди, ҳансираганча оғзини капна-капна очиб, туннинг сарин ҳавосидан ютоқиб нафас олабошлади.

Отаётган тонг унга сархушликни тарқатувчи равшанлиё, шу билан бирга кириб келаётган кун олдида кўрқув олиб келди. Бу туйғу ўзининг мубҳамлиги билан шунчалик даҳшатли эдики, агар ҳозир ажёл кириб келса, Маҳмуд уни хурсандлик билан халоскор сифатида кутиб олган бўларди.

Шу кунни ҳеч қуриса бир йил, йўқ, ўн, йигирма йил орқага ёки олдинга суришинг иложи бўлсайди, майли, ишқилиб ўтган тундан кириб келаётган кундан нарироқ бўлса, тинчини топса-ю, борлиқ бағрига эриб, бўшлиққа сингиб кетса...

Борди-ю, беҳуда ваҳима қилаётган, ҳаммаси у ўйлаганчалик даҳшатли бўлмаса-чи? Қанийди ҳаммаси шундай бўлиб қиксаю, ўтиб кетса. Ахир, олдин у қўл кўтармади-ку, бор-йўғи ўзини ҳимоя қилди, холос.

Бирдан нафас олиши энгиллашди.

Маҳмудда ўзига нисбатан бир оз ишонч пайдо бўлди. Тўғри-да, у ўзини ҳимоя қилишга мажбур эди, акс ҳолда ўлдириб қўйишлари ҳеч гапмасди.

Бегуноҳ деб топишлари мумкинлиги, аслида ҳам шундай бўлиши керак деган фикр унинг кўнглини бир оз тинчлантирди. Лекин гап бунда эмас-ки! У одам ўлдириди, ахир! Ундан ташқари воқеа ҳозир ўзи ўйлаётгандек юз бердимизми?

Узингнинг бегуноҳ эканлигингга ишончинг бор экан, нимадан кўрқасан? Тўғри милицияга бориб, ростини айтиш керак. Бегуноҳ бўлсанг — қўйиб юборишади.

Қўйиб юборишмаса-чи? Демак, айбдор бўлиб чиқасан-да?

Ҳа, кўрқаянсан. Нимадан? Пичоқ кўтарганингда кўрқмаган эдинг. Ҳа, ўшанда ўзингни қаҳрамон, адолат учун курашувчи деб ўйлаган бўлсанг керак. Шундай эмасми?..

Раҳим билан иккинчи бор муштлашганингда у ҳақ эди. Шунинг учун ҳам у боксдан разрядинг бўлишига қарамай, роса пўстагингни қоқиб қўйганди. Уша пайтларда болалар олдида бурнинг кўтарилиб қолганди, ўзингни кўрсатишни яхши кўрардинг, аслида ожизлигинг маълум эди, ҳа, ожизсан. Армияга кетишдан олдин вақтни онанг билан, Малина билан ўтказиш ўрнига бўлмағур даврада ичиб, маст бўлиб юрсанг... Бир қадаҳ ортиқроқ олганингда ўзинг ҳам ҳар қандай ифлосликдан қайтмаган бўлардинг.

Шундай, ҳа, ҳаммаси худди шундай бўлган, ўзингни ўзинг алдамай кўяқол. Улар мени қўйиб юборгандан кейин... Орқангга қайтдинг. Тажовуз қилдинг... Тонма... Тонма... Ҳеч ким уларни оқлаётгани йўқ, майли, улар пасткаш, кўрқоқ, ифлос... Яна нималар десама экан... сўз йўқ. Лекин ўзинг ўйлаб кўр... ўшалардан нима билан фарқ қиласан. Юзма-юз келганда кўрқоқлик қилмадингми? Қўлингда пичоқ пайдо бўлгандан кейин уларнинг ҳимоясизлигидан фойдаландинг... Пичоқ кўтариб ташландинг. Ана шу ерда эзгулик ва жоҳиллик ўрин алмашди. Сен жоҳилга айландинг. Нима қилаётганингни билардинг...

Йўқ, йўқ! Жин урсин! Уэ-ўзини тафтиш қилишдан мудҳишроқ нарса бўлмас экан... Шундай бўлишни хаёл қилибмидим?

Қўшни хонада ўриндиқ ғижирлади. Маҳмуд чўчиб эшикка қаради, қулоқ сода бошлади: у онаси билан ҳозир юзма-юз бўлмаслик учун ҳар нарсага тайёр эди.

Кўзларини юмиб, онасининг юз кўринишини тасаввур қилабошлади. Яна кўз ёшлар...

Шоша-пиша кийинди, ўғринча, оёқ учиди юриб, ҳовлига чиқди. Ҳеч кимнинг кўзига кўринмаслик учун бирор ёққа жўнаворсамикан... Қаёққа ҳам борарди? Қаёққа! Озгина бўлса ҳам унуттиш, ҳушини йўқотиш учун, ваҳму чорасизликдан қутулиш учун Маҳмуд дуч келган деворга бошини уришга, додлашга, чинқиришга тайёр эди... Ички титроқ, аламазадалиқ билан кўчага назар ташлади-ю, бир зум қотиб қолди. Бурчакда ёмғирпўшли киши тўппа-тўғри унга қараб турарди.

Нега бунақа тикилиб қарайди, унга нима керак?

Юраги қаттиқ уриб, бутун вужуди қалқиб кетди.

Бир неча дақиқа бир-бирларига тикилиб туришди. Шу бир неча дақиқа Маҳмудга абадиятдай туюлди... Кўзини олиб қочмоқчи эди, бўлмади.

Қочини керак... Қочини... Шу фикр миясига яшиндек урилди, лекин ўзи ҳам сезмаган ҳолда нимагадир ўша киши томон бир неча қадам ташлади.

Милиция! Ҳа, худди ўзи. Эрта-саҳардан унинг эшиги тагида қаққайиб туриш кимга зарур келибди... Тамом... Қўлга тушди. Совуқ тер чиқиб, нафас олиши оғирлашди. Ёқасини тортиди, юқори тугмаси узилиб, асфальт йўлак бўйлаб пилдираб кетди. Олдин тугмаси олмоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. Нима кераги бор энди... Қуруқшаб қолган пастки лабини тишлади. Хуллас, маррага ҳам етиб келди! Тун бўйи ухламасдан, қочиб кетмасин деб пойлаб чиққандир, энди бўлса жилмайганча кутиб турибди...

Маҳмуд ўзини нимагадир уриб олгандай шартта тўхтади, тез бурилганча қарама-қарши томонга қараб жадал юрабошлади.

Йў-ўқ, бекорларни айтибсан! Қовурдоқдай ўзини топшириб қўяқолмайди: бир кун, бир соат бўлсаям эркинликка юриб қолади...

— Йигитча! — бу овоз уни гангитиб қўйди. — Бир минутга мумкинми?

— Нима?.. Нима керак сизга? Мендан нима истайсиз?! — қичқириб юборди Маҳмуд чайир бармоқлар исканжасидан билагини ажратиб олишга уриниб. — Мен ҳеч нарса билмайман. Бир жойга шошиб турибман!

Нотаниш киши ҳайратланиб, елкасини қисиб қўйди-да, ўзини орқага ташлади.

— Мен кўндан бери бу ерларда бўлмагандим, — жилмайди у, — шаҳарни таниёлмай қолдим, жуда ўзгариб кетибди...

Бошқа... бошқа ердан келган одам экан, мен бўлсам... Вой тентак-ей, қип-қизил тентак эканман! Бундан кейин ҳам шундай бўлаверса...

Маҳмуд енгил тортиб, нотаниш кишига бош ирғаб қўйди.

— Ҳа, ҳа! Кўп нарса ўзгарди...

— Бу ерда илгари ижрокўмнинг биноси бор эди... — нотаниш киши қўли билан бир уйни кўрсатди.

— Бузишди... Тўрт йил бурун... — деди шошиб Маҳмуд. — Ҳозир бу ерда область комсомол комитети жойлашган.

— Бузишди? Атанг, — ғамгин тортиди нотаниш киши. — Атрофида яхши боғ бор эди... Бутун шаҳарда унақа боғни топиб бўлмасди.

— Ҳа, мениям эсимда бор... Биз болалар билан девордан ошиб, олмага тушардик.

— Бузишди... — дея такрорлаб нотаниш киши Маҳмудга бош ирғаб қўйди. — Кечирасиз... Раҳмат. — у яна бир бор хайр дегандай бош ирғаб, йўлида давом этди. Маҳмуд бир зум аянчли илжайганча, унинг орқасидан қараб қолди.

Соат энди бирдан ошибди. Шошиладиган жойи йўқ. Яқшанба. Кўчада одам кўп. Туртиниб-суртиниб, шовқин-суронга парво қилмай тўдага кўшилиб бораверди. «Янги эра» кинотеатрининг кўримсизгина эски биноси олдидан ўтди. Бу ерда истасанг-истама-санг бирор танишга йўлиқиб қолишинг ҳеч гап эмас... Қадамни тезлаштирди. Аксига олиб шу пайт кимнингдир таниш овозини эшитиб қолди:

— Танигисиям келмайди бунинг. Ўтиб кетаверади.

Маҳмуд овоз келган томонга тез ўгирилди-ю, Шебалдиннинг масхараомуз нигоҳига рўпара бўлди. У бемаҳал сочи тўкилабошлаган бошидаги шапкасини пешонасига қўндирганча, офтобга юзини тутиб, ўриндиқда талтайиб ўтирарди. Агар шунчаки ўтирган бўлса, биттагина шиша билан қутулиш мумкин. Акс ҳолда, ўн беш кечаю кундуз камлик қилади!

Маҳмуднинг энсаси қотгандай «хи» деб қўйди, қандайдир кўнгилсизликни сезгандай юраги увушиб, Шебалдиннинг ёнига ўтирди: у жиной қидирув бўлимида ишларди. Танишганларига анча бўлди. Шебалдин Маҳмуд ўқиётган мактабга келиб, юқори синф ўқувчиларига ўз хизматдошлари ҳаётидан ажойиб воқеаларни ҳикоя қилиб берганди. Ўша учрашувдан кейин Маҳмуд бир неча ўртоғи билан юридик институтга кириб ўқишга қарор қилган, Шебалдин раҳбарлик қилаётган ёш жиной қидирувчилар отрядига аъзоликка ёзилганди.

У дамлар ўтиб кетди. Маҳмуд юридик институт ўрнига фабрикага ишга кирди, сирдан пединститутнинг филология факультетига ўқий бошлади. Кейинроқ уни ҳам ташлаб кетди. Муаллимлик зерикарли туюлди. Шебалдиннинг олдига эса вақти-вақти билан кириб турарди. У нимаси биландир кишини ўзига тортарди. Эҳтимол, ўз ишига эътиқоди, қаттиқ, ишончи сабаблидир...

— Кўрмай қолибман, — тўнғиллади Маҳмуд.

— Бўлмасам-чи, олдинда шундай қиз кетаётганда, бошқаларни кўрармидинг, — кўзини қисиб қўйди Шебалдин.

— Қанақа қиз!

Шебалдин Маҳмудга бир қараб қўйди.

— Нима бало, кайфиятинг бузукроқми?

— И-й-ў-ўқ, шунчаки... — Маҳмуд сигарета чиқариб, гугурт чақди. — Армияга кетаяпман... Йигирма олтинчида.

— Яхши, — Шебалдин кулумсиради, — қани, менгаям фильтрлигиндан ол.

Маҳмуд унга сигарета қутисини узатди.

— Сизларда қандай янгиликлар бор? — иложи борича ўзини хотиржам тутишга уриниб сўради у.

Шебалдин хумор билан сигарета тортди-да, тирсагини ўриндиқ сўянчигига тираб, тутун чиқарди.

— Бизда қанақаям янгилик бўларди? Ишлаб турибмиз.

Маҳмуд тунги воқеа ҳақида бирор гап эшитишга уринарди. Ботинкасининг ипини боғлаётган киши бўлиб тесқари ўгирилди-да, яна савол ташлади:

— Ишда-чи? Бирор қизиқарли гап борми ёки... бояғидайми?

— Тинчлик, — Шебалдин шапкасини олиб, сийрак сочларини силаб қўйди. — Мана, бугун тун бўйи ухламадим. Ҳозиргина бир оз тамадди қилиб, тоза ҳаводан нафас олиш учун чиқувдим...

— Бир гап бўлдими? — Маҳмуднинг овози титраб, Шебалдинга чўчиброқ назар ташлади, аммо у бепарволик билан юзини офтобга тоблаб ўтирарди.

— Кечаси бир йигитни пичоқлаб кетишибди.

— А?..

Маҳмуд ўзининг ортқ даражада синчковлик қилиб юборганини сезиб қолди, довдираб Шебалдинга ўгирилди. У Маҳмудга бир оз ҳайратланиб, тикилиб турарди.

— Нима?..

— Топилдими? — Маҳмуд багтар довдираб, синчковлиги учун ичида ўзини-ўзи қийиб қўйди. Милиция бу воқеа ҳақида нималар билишини аниқламагунча, у энди ўзини тўхтатолмасди. — Пичоқлаган одам топилдими?

У савол-жавобни давом эттириш мумкин эмаслигини, бу нарсаларнинг унга қизиги йўқдай кўрсатиш учун шартта туриб жўнавориш кераклигини тушунарди. Тушунарди-ю, бари бир ўзини тутолмасди.

— Қидираймиз, — бамайлихотир жавоб берди Шебалдин. — Қаёққаям борарди, топамиз.

— Пичоқланган йигит-чи? У қалай? Тирикми?

— Касалхонада ётибди.

— Хавфли эмас экан-да, бундан чиқди?..

— Ҳозирча бир нарса дейиш қийин, — елкасини қисиб қўйди Шебалдин. — Аҳволи оғир, сўроқ қилишнинг иложи бўлмади. Врачлар руҳсат бермаяпти. Э! Шундаям бошим ганғиб турибди. Кел, яхшиси сенинг армиянг ҳақида гаплашайлик... Қаёққа юборишаркан, билмасаң ҳали?

— Йўқ.

Маҳмуд бир оз индамай қолди, кейин ўрнидан туриб, Шебалдинга қаради-да, яна ўрнига ўтирди.

— Николай, бир нарса тўғрисида сен билан гаплашиб олишим керак, — бу гап бирданга унинг оғзидан чиқиб кетди, қаддини ростлади, шу пайт ранги қув ўчиб кетганди.

— Қани, гапир, — Шебалдин сигаретани ўчирди. — Нимаиди?

— Йўқ, — Маҳмуд бирдан ўзгарди, ўрнидан турди. — Ҳозир эмас. Кейин... Бу гап... у бор кучини йиғиб, жилмайишга уринди. — Ута шахсий... армияга кетишимни нишонласак бўлармикан, а?

— Хизматдаман, оғайни, ичмайман. Ҳатто пиво ҳам ичмайман ҳозир. Майли, мен кетдим. Яхши қол.

— А-ҳа, — буёқда юрган экансан-да, қўлга тушдинг-ку.

Маҳмуд титраб кетди, нима дейишини билмай, довдираб Малинага тикилди. Бугун ҳеч қимни, айниқса, Малинани кўришга тоқати йўқ эди.

— Салом. Қаёқдан шамол учирди?

— Са-лом, — жилмайди қиз, унинг қўлтиғидан олиб, ёнма-ён кетабошлади. — Сени қидириб юрибман. Ростданам. Ишонмайсанми?

Маҳмуд эшитилар-эшитилмас нимадир деб елкасини учуриб тўнғиллаб қўйди.

— Ойим кўк сотиб олгани бозорга юборувди-ла... Сени учратишимни билувдим... Бунинг устига Карим... шу ёққа келаётганингни узоқдан кўрибди...

— У ошпаз бўлиб эмас, жиной қидирув бўлимида ишласа бўларкан, — минғирлади Маҳмуд, кейин Шебалдин билан суҳбатда ўзини фош қилиб қўйишига бир баҳя қолганини ўйлаб, жим қолди.

Тўғриси айтиб қўяқолса бўлармиди. Шундай-шундай деса-ю, тамом-вассалом. Бирор маслаҳат берадиган одам бўлсайди!..

Маслаҳат берганда-чи... Нимаям бўларди, қамоққа тушади-да!

— Э-ҳа! — деб юборди Маҳмуд бутун вужуди қалқиб.

— Маҳмуд, сенга нима бўлди! — Малина унинг юзига тикилиб қаради. — Нима, мени кўрганингдан хурсанд эмасмисан?

— Хурсандман. Жуда хурсандман! Сени кечаёқ, кечаёқ, жуда кўргим келувди... —

Маҳмуд гапидан тўхтаб қолди, унинг кўзларига қараб, қўлини силади. — Ҳаммаси жойида, Мали... Шунчаки асаб... Билмадим, менсиз сен қандай юраккинсан...

— Хат ёзмай. Виласан-ку, хат ёзишни яхши кўраман. Узундан-узоқ хатлар ёзмай, биттасини ўқиб бўлгунингча иккинчиси етиб боради. Иккинчисини ўқиб бўлгунингча учинчиси... Ҳар куни шундай...

Маҳмуд ғамгин жилмайиб қўйди. Малина-ей, Малина-ей! Жудаям аломат, яхши қизсан-да! Ҳеч нарсадан хабаринг йўқ, аҳволимни билмайсан. Ичимдан нималар ўтаётганини сезмайсан-да.

Димиқиб кетди, нафаси бўғилиб, кўйлаги ёқасини ечди.

— Чидолмайман! Чидолмайман ортиқ, Мали!.. Агар билсайдинг...
— Маҳмуд, нима бўлди? Тобинг йўқми, а, Маҳмуд? — Малина унинг елкасини ушлаб силкитди.

— Юр, яхшиси бирон жойга борамиз.

У қизнинг қўлтиғидан олди-да, секин олдинга бошлаб кетди. Малина унинг ёнида жимгина борар, фақат аҳён-аҳён юз-кўзларига безовталиқ билан қараб қўярди.

— Қаёққа борамиз? — сўради ниҳоят Малина.

— Билмадим, — елкасини учирди у. — Мана «Янги эра». Кино кўраимизми?

Улар қадамларини тезлатишди. Касса олдида одам кам экан. Маҳмуд охириги қаторга билет олди.

— Қанақа фильм экан, олдин кўрмаганмидинг? — сўради йигит Малинадан жойларига ўтиришгандан кейин.

— Йўқ.

Зал чироқлари ўчди, киножурнал ҳам тамом бўлди, Маҳмуд экранга кўзларини катта-катта очиб, тикилиб ўтирар, лекин ҳеч нарсани кўрмас, эшитмас эди. У хаёлан кечаги тунда яшар, кўз унгида — ўшалар, зарб, пичоқ, чинқирик...

Малина унинг пинжига суқилди, бошини елкасига қўйди. Маҳмуд ҳайратланиб унга қаради, ким бўлди бу... Э-э-ҳа-а.

Йигит қизнинг бармоқларини силади. Экранда кимдир телефон номерини терапти, бошқалар буджани ўраб, уни кузатиб туришибди.

Шебалдинга қўнғироқ қилса-чи? Телефон орқали ҳамма гапни рўй-рост айтиб қўяқолса. Бирданига қамоққа олишга улгуришолмайди-ку, ахир. Ҳаммасига улгуради... Ия, нимага улгуради?

Кўз олдига яна ўша йигит келди, кеча тундаги ўша Граф. Оғзи карнайдай очик... Маҳмудга нимадир деб кичқирди... Қичқирди-ю, овози чиқмайди. Овози чиқмагани — даҳшат, у қорнини чангаллаганча овозсиз кичқирди.

Маҳмуд беихтиёр шоша-пиша кафтини шимига артабошлади.

— Кетдик.

Ўрнидан туриб Малинани тортқилади.

— Қаёққа?

— Утиролмайман бу ерда! — қизнинг қўлини қўйиб юборди-да, йўлакка шошилди, орқадан қизнинг қадам товушлари эшитилди.

Ташқарида ёмғир майдалаб ёғарди. Маҳмуд дарахтга суянди, кўкрагини тўлдириб нафас олди.

— Тобинг йўққа ўхшайди, рангинг оқариб кетибди, — деди қиз унинг ёноқларини нимадандир хавотирлик олиб силаркан.

— Қўявер, ўтиб кетди.

Айтақолсаммикан? Нима кераги бор! Мени тушунармикин?

Атрофга аланглади, унга кимдир кузатиб тургандай туюлаверди. Уйнаб қол, уйнаб қол. Бари бир ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан, дегандай тиржайиб кузатарди.

— Айтақолсанг-чи, ахир, нима бўлди сенга ўзи? — Малина унинг юзини ўзига қаратди.

— Айтайми? — Маҳмуд унинг нигоҳини учратиб, аччиқ кулиб қўйди. — Жудаям билгинг келяптими?.. Майли. Кеча муштлашиш бўлувди...

— Демак, сен ҳам муштлашгансан, — жилмайди Малина, — энди изтироб чекяпсан, шундайми?

— Худди шундай! — қичқириб юборди у гап бошлаб қўйганидан аччиқланиб, энди бари бир ўзини тўхтатиб туролмаслигини яхши биларди. — Бир йигитни пичоқлаб қўйишди. Энди тушунгандирсан? Пичоқлашди... — у гапини қўполлик билан тугатди.

— Пичоқлашди? Бунга сенинг нима алоқанг бор? — у ҳали ҳеч-нарсани тушунмаганди. — Сенга нима?

— Мен ҳам... Мен ҳаммасини кўрдим... Ким пичоқлаганини ҳам. Энди тушунгандирсан? Мениям...

Малинанинг кўзлари катта очилиб кетди, унинг нигоҳида қўрқув, ҳайрат қотиб қолган, йигитга ишонишним, ишонмасликним билмасди, ўзи билан ўзи курашаётгани, айтишга сўз излаб қийналаётганини кўриб турарди.

Маҳмуд яна аччиқ кулиб қўйди.

— Шунақа гаплар.

— Ахир... сенинг айбинг йўқ-ку бунда... Қиз бирдан жим бўлиб қолди. — Еки... Энди нима қилдик? Гапирсанг-чи, сен пичоқламагансан-ку, тўғрими?

— Мен! Ҳамма гап шунда-да, пичоқни мен урдим! — бақирди у, кейин ўзи ҳам кутмаган ҳолда енгил тортгандай бўлди. Энди унда қўрқув туйғуси йўқ, унинг ўрнини бепарволик эгаллаганди. Асосий гапни айтиб бўлди. Қолган гаплар ўзи ҳақида эмас, иккаласига бегона киши ҳақида бораётгандай эди. Фақат номини тилга олишмасди, холос.

— Кеча кечаси... пичоқ билан... У касалхонада ётибди. — Маҳмуд бир дақиқа жим бўлиб қолди. Нафасини ростлаб, тесқари ўгирилди. — Тамом. Ҳаммасини билиб олдинг. Кетаверишинг мумкин.

— Қаёққа? — алам билан қичқирди Малина, у ҳамон ўз қулоқларига ишонмасди.

— Хоҳлаган томонингга, — беҳол қўл силтаб қўйди Маҳмуд. — Истасанг милицияга бориб хабар қил, улар кутиб туришибди...

У тўсатдан ўзини беҳол ҳис қилди, оёқлари бўшашиди, суялиб турган дарахт танасидан сирғалиб, нам ерга ўтириб қолди.

Қиз унинг олдига тиз чўкиб, юзига тикилди:

— Ёлгон, ҳазил қилдинг... ҳазил бу! Кетиш олдида менга ҳазил қиялсан, тўғри-ми?.. Бўйнингга олақол, ҳазил бу-я, а?! — курткасининг энгидан тортқилади қиз.

Уткинчилар қараб-қараб қўяётганини шу пайт Маҳмуд ҳам, Малина ҳам сезмасди. Хира тортган кўзларини ювар, қизга қараганча бошини чайқар, йигит ҳозир ҳеч нарсани кўрмасди.

Шу алпозда бир оз турга, йигит ирғиб ўрнидан турди, Малинага қадалиб қараб:

— Уйингга жўна, — деди кескин.

— Ҳеч қаяққа кетмайман! — қиз ҳам шартта туриб, унинг энгидан ушлади.

— Қўй, — қизнинг кўлидан энгини тортиди. — Илтимос... Уйингга бор. Кечкурун учрашиб қолармиз.

— Сен қаяққа бормоқчисан? — қиз яна унинг энгидан ушлади-да, кўзига илтижо билан қаради.

— Қаяққа?

Маҳмуд нима қилмоқчилигини ўзидан-ўзи сўрагандай бир зумгина турган жойида туриб қолди, кейин елкасини қисиб қўйди.

— Билмайман. Ҳозир ҳеч нарса деялмайман. Кут! Кейин... Қўнғироқ қилмасам, демак...

У гапини охирига етказмади, шартта ўгирилди-ю, тез-тез қадам ташлаб узоқлашди.

5.

— Ҳа-а-а.

Шебалдин олдида, стол устида турган қоғозни нари суриб қўйди, хўрсинди, қалам билан столни тақиллатганча, рўпарасида бошини чангаллаб ўтирган Маҳмудга қаради.

— Нима қилиб қўйдинг, нималар қилиб қўйдинг ўзи!.. — унинг овозида шунақа довдираш оҳанги бор эди-ки, Маҳмуд чидаб туролмади, елкалари титраб кетди.

— Билмайман. Қандай бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим! Тушунаман, ҳаммасини тушунаман... — у бошини кўтариб Шебалдиннинг кўзларига тик боқди. — Мени қамашадими энди?

— Хм-м! — чайналди у. — Бу суднинг ҳукмига боғлиқ... Гарчи... Қанақаям ҳукм чиқариши мумкин...

Шебалдин умрида биринчи марта иккиланиб қолди. Йигитчанинг кўнглини кўтарсинми? Қандай қилиб? Қўйиб юборсинми? Ҳақи йўқ. Оғир жиноятга қўл урган, жазоланиши керак. Бировни пичоқлаш — бу...

— Эҳ, йигит, шунақаям бўладими, ахир? — деди у алам билан бошқа сўз тополмай.

— Яхшиямки, ўзинг келдинг. Ҳозир ўз айбингни бўйнингга олиб келганинг ҳақида протокол ёзаман.

Хонага кимдир кириб келди. Маҳмуд ўгирилиб, деярли ўзига тенгдош, ёш лейтенантга кўзи тушди.

— Мана, — Шебалдин лейтенантга имо қилди, — ўзи келди. Ҳамма айбини бўйнига олиб... Кечаси шу...

— Тушунарли, — деди лейтенант совуққонлик билан Маҳмудга бошдан-оёқ кўз югуртириб.

Маҳмуд ҳали ҳеч нарса тугамагани, ҳаммаси олдинда эканини сезиб қолди.

Кейинги воқеалар худди тушдагидай ўтди. Маҳмуд карахт эди. Унга саволлар беришди, у жавоб қилди, имзо чекди, яна жавоб қилди, яна имзо чекди. Кўз олдида таниш-ноганиш башаралар ўтди. Улар ҳам нималардир дейишди, имзо чекишди, кетишди, ўрнига бошқалар келишди. Буларнинг охири йўқдай кўринарди.

Кейин унинг олдида онаси пайдо бўлди. Шундоққина овозини эшитиб турди, қандайдир саволларга жавоб берди. Хонага кимларнидир олиб киришди, кимларнидир олиб чиқишди.

— Кўп қайғураверма, — елкасига қоқиб қўйди терговчилардан бири. — Кўп беришмайди. Узинг бўйнингга олиб келганинг катта гап.

— Ҳа-ҳа, — беихтиёр бошини лиқиллатди Маҳмуд, ҳатто кулиб ҳам қўйди. — Раҳмат.

Ёнида яна онаси пайдо бўлди, бошини кўксига босиб, сочларини силади. Ёқасига кўз ёшлари томаётганини Маҳмуд сезиб турарди. Онаси сассиз, гавдаси қалқиб-қалқиб йиғлар, титрарди. Шу дамда Маҳмуд ўзини бутунлай унутган, фақат онасини ўйларди. Онамини бошқа кўролмасам-чи, деган хаёл уни чўчитиб юборди. Қичқиргиси, юлқиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилгиси келарди, лекин ҳолсиз она пинжига сукуларди, холос.

Кейин ёлғиз ўн бир хонада узоқ вақт ўтирди. Қандайдир қоғозларга имзо чекди. Қандайдир машинада юрди. Камарини, туфлисининг ипларини ечиб олишди. Ёши ўтинқираган майор қандайдир папкадаги қоғозларни варақлаб чиқди, қошини чимириб, Маҳмудга кўз ташлади:

— У-ҳў!

Нимага «ў-ҳў» деганини Маҳмуд тушунмади. Ёшлигига ишорами, жиноятнинг оғирлигигами ё бошқа маънодами, билиб бўлмасди.

Майор ўз журналига алланималарни ёзди, кейин ёпиб, старшинага ўгирилди.

— Ун учинчига.

Старшина тор, нимқоронғи бўлгани учун рутубатли йўлакдан Маҳмудни бошлаб ўтди, кейин камеранинг залварли эшигини очди.

— Кир.

Маҳмуд кирди-ю, ўша заҳоти орқасидаги эшикнинг ғийқиллаб ёпилганини эшитди. Атрофга аланглади. Девор бўйлаб учта каравот бетон полга маҳкамлаб қўйилганди.

Қарама-қарши томонда, шундоққина шифтнинг тагида кичкина, симтўр билан ўралган дарча, ўртада ҳайбатли темир стол.

Маҳмуд қаровотлардан бирига ўтирди, совуқ бетон деворга елкаси билан суянди. Худди шу пайт эшикдаги кичкина, тўрт бурчак тешикча очилди. Ундан назоратчининг хотиржам кўзлари Маҳмудни кузатиб турарди.

— Соат олтида турилади, вақтида ювиниб, ўзингизни тартибга келтириш учун. Тешикча ёпилди. Маҳмуд оёқ товушлари аста-секин узоқлашиб бораётганини эшитиб турди, қаравотга чўзилиб, кўзларини юмди.

Тамом-вассалом.

Ийлагиси келади-ю, кўзида ёш йўқ: у курткази остидаги қаравотнинг муздай симларини ҳис қилиб ётарди. Қани энди бирданига ўлиб қўяқолса-ю, ҳамма азоблардан бир йўла қутулса.

Улиш... Ахир, бундан осони борми? Нимани кутиб турибсан? Ҳеч ким кўриб ўтирмади йўқ. Дарча шундоққина шифтга туташ. Камаринг бўлмаса, нима, майкангни ечсанг ҳам сени бемалол кўтаради.

Маҳмуд инграб, юзтубан ётиб олди, алам билан қўлини тишлади. А-ҳа, қўрқингми, ўлгинг келмайди-я, шунақа...

Кунлар... ҳафталар ўтди. Маҳмуд вақт туйғусини унутиб қўйди, гўё у тўхтаб қолгандай эди. Кун бўйи пашша ўтириб кетган, вақт ва тамаки тутунидан хиралашиб қолган шифтга тикилганча чўзилиб ётиб, нуқул хаёл сурарди. Борди-ю, биров ундан қандай хаёл суриб, нималарни ўйлаётганини сўраб қолса, истаса-истамаса, аниқроқ жавоб беролмасди. У босинқираётганди десак тўғрироқ бўларди. Руҳи вужудини шу ерда, камерада қолдириб, ўзи узоқ-узоқларда, эркиликда кезиб юрарди. У кўзга кўринмайди, аста шифтга кўтарилди, темир панжарали дарчадан ўтади, бир парча булутсиз, тип-тиқ, бўм-бўш осмонга кўтарилганини на назоратчи, на ташқаридаги навбатчилар сезади, у эса само бўйлаб тўппа-тўғри онаси, аввалгидек шўх кулаётган беғубор танишлари, ўртоқлари томон учаверади, учаверади... Фақат назоратчининг кескин овози уни орқага қайтишга, ўзининг кўгани кўзи йўқ вужуди билан бирлашишга мажбур қилади.

— Ётилмасин! — қўлидаги оғир калитлар билан эшикни тарақлатди тешикдан қараб назоратчи. — Кундузи ухлаш мумкин эмас!

Назоратчи кетар, у яна аввалги ғалати ҳолатига қайтарди. Унинг тушунчаси содир бўлган ҳақиқатни сира тан олгиси келмас, ҳамма-ҳаммаси жуда чўзилиб кетган, босиринқи тушдек кўринарди. Ҳадемай кўзини очади-ю, ҳаммаси ғойиб бўлади, онаси, Малина ёнига қайтади...

Аммо у уйғонмасди. Тўғрироғи, кўзини очарди-ю, юз берган, юз бераётган нарсалар туш эмас, даҳшатли ҳақиқат, бу даҳшатли ҳақиқат эса йилларча давом этиши мумкинлигига амин бўларди. Баъзан ирғиб ўрнидан туриб кетар, камерани чир айланар, алам билан бетон деворни қўллашди қонталаш бўлиб кетганча муштларди. Фойдаси йўқ. Уни темир панжарали дарча ортида ҳиссиз осмон, эшикнинг тўртбурчак туйнугидан назоратчи кузатиб турар, оғир калитларини шақирлатиб, карцерга тушиб қолмаслик учун тўполок қилмаслик кераклигини уқтирарди.

— Карцермиш!.. Қўрқитманг мени карцерингиз билан! — ўқирарди Маҳмуд. — Тупурдим ўша карцерингизга.

Назоратчи туйнукдан жини кўзиган йигитни бир оз кузатиб турарди-да, кейин унга — тентакка ачинганча аста узоқлашарди. Нима қилишини билмай ҳолсизланган Маҳмуд яна ўзини қаравотга ташларди.

Шундай кунлардан бирида зулфини шарақлаб, эшик очилди. Камерага ёш йигит кириб келди.

— Янги ҳамхонангни қабул қилиб ол, — деди назоратчи, кейин эшикни ёпиб, калит солди.

Йигитнинг юзи шамолдан, офтобдан қорайган, пўст ташлаб турарди. Кичкина-кичкина, ўйноқ кўзлари Маҳмудга синчков тикилди.

— Ҳа-а-а! — «ҳамхона» қандайдир оҳангда ҳуштак чалганча бўш қаравотга яқинлашди, тўшакни ёйди, устига ўтирди-да, нимагадир, ўзича киноя билан кулиб қўйди. Туриб, эшикка яқинлашди, бир неча марта гумбурлатиб тепди.

— Ҳа, нима дейсан? — назоратчининг бўғиқ овози эшитилди.

— Вир чектирмайсизми, ҳурматли бошлиқ! — деди йигит унга, кейин Маҳмудга қараб кўзини қисиб қўйди.

— «Чектирмайсизми!» эмиш — вайсанди назоратчи. — Сенга чекишни қаёқдан оламан?

— Биронтадан сўраб кўринг, хумор қиялпти.

— «Сўраб кўрингмиш»... Ғамингни еб келмайсанми ўзинг.

Оёқ товушлари узоқлашди. Йигит бир оз қулоқ солиб турди-да, кулиб қўйди, жойига келиб ўтирди. Илтимоси бажо келтирилишини билган одамдай, у хотиржам эди. Чиндан ҳам бир неча дақиқа ўтар-ўтмас эшик туйнуги очилди, ундан мўйловли башара мўралаб турарди.

— Ма, ол, — деди назоратчи, бир сиқим махорка билан газета ташлаб.

— Раҳмат, Ваня амаки, — жилмайди йигит. — Сиз яхши одамсиз.

Назоратчи ҳайратланганини яширолмай, унга қараб турарди.

— Мени қаёқдан биласан?

— Биладан, Ваня амаки, — Маҳмудга қараб яна айёрона кўз қисиб қўйди «қўшни».

— Қаёқдан?
 — Бу — фирманинг сири, Ваня амаки!
 — Нима қилиб тушдинг?
 — Зерикишдан, — «эчкитуёқ» шаклида махорка ўрайтуриб, йигит хотиржамлик билан давом этди. — Зерикиш балоси одамларни сиртмоққа ҳам олиб боради. Мен эса шундай кўнгли ёзиб юрибман, ўйнатиб...
 — Кимни... ўйнатиб?
 — Кўнглини-да... — «шуним билмайси» дегандай, йигит унга қараб қўйди. — Кўнглини, Ваня амаки. У одамнинг ахил товоғидай гап. Эшитганмисиз шунақасини? Назоратчи елкасини қисиб, энди туйнукни ёпганди, «яниг меҳмон» яна чақирди:
 — Нимада тутатаман?
 Назоратчи чўнтагидан гугурт қутисини олди, бир оз ўйлаб туриб, қўл силтади.
 — Олақол.
 Туйнук ёпилди. Маҳмуд янги қўшнисини кизиқиш билан кузатиб ўтирарди. У бу ёққа келишга олдиндан тайёрлангандай, иссиққина кийиниб олган. Эғнида қалин кўйлак, пахтали фуфайка, оёғида этик. Маҳмуд ўзининг синтетик куртқасида неча кун дилдираб ўтирганини эслади. Яхшиям кўнгличан назоратчи хабар қилгандан кейин онаси иссиқ жун свитерини бериб юборганди.
 — Уни қаёқдан танийсан?
 Йигит кулиб қўйди-да, гугурт чақиб, махорка уюмига ишора қилди.
 — Ол, чек.
 Маҳмуд «эчкитуёқ»ни амаллаб ёпиштирди, гугуртга қўл чўзди.
 — Ма, туташтириб ол, — йигит уни тўхтатди. — Гугуртни авайлаш керак... Нима, биринчи марта тушишингми?
 — Й-ҳмм, — тасдиқлади Маҳмуд махорқасини туташтираётди. — Сен-чи?
 — Отинг нима, — сўради йигит, жавоб бериш ўрнига.
 — Маҳмуд.
 — Менинг отим — Серёга... Курочкин. Кура... Эшитганмисан?
 Маҳмуд «йўк» дегандай бошини чайқади-да, ўз навбатида яна сўради:
 — Нега тушдинг?
 — Нега дейсанми? — Курочкин унга тикилиб, бир оз жим қолди. — Бир маслаҳат берсам майлими?
 Маҳмуд ҳайрон бўлиб, нима гап чиқаркин дегандай кутиб турди.
 — Ортиқча саволлар берма, айниқса, мана шу «нимага», «нима учун», «ким билан»га ўхшашларини тушундингми?
 Маҳмуд ҳеч нарса тушунмаган бўлса ҳам, шоша-пиша бош силкиб қўйди. Курочкин мамнунлик билан тиржайди. Махорқасини ўчирди, бурчакка бориб, қолдигини тоқчага эҳтиётлаб қўйди.
 — Мен-ку, сени шунчаки оғоҳлантириб қўяқолдим, — ўз ўрнига қайтаркан, сўзида давом этди. — Бошқалар бундай қилиб ўтирмасди. Тушундингми?
 — Мен қайдан билай.
 — Энди... билиб олдинг, — Курочкин каравотга ётиб, керишди. — Менам олдин билмасдим. Ақлли одамлар ўргатиб қўйишди, — у эснаб, сўзини тугатди.
 Маҳмуд ёнбошлади.
 — Ўзинг-чи... Нима қилиб тушдинг? — бир дақиқадан сўнг сўради Курочкин.
 — Пичоқбозлик учун! — тирсагига суяниб, қаддини кўтарди Маҳмуд. — Биттасига пичоқ санчволувдим. — У Курочкин ўзи ҳақида ҳеч нарса айтмаганини унутиб қўйганди.
 Курочкин ҳайратланиб, қуштак чалиб қўйди, кейин қаддини ростлади.
 — Ўлдими?
 — Билмайман.
 — Мен сенга айтсам, йигитча, чакки эмассан, — кулиб юборди Курочкин. — Мени Кура деб атайвер.
 Ёлғизлик зериктириб юборган Маҳмуд яхши сўздан кўнгли ийиб кетиб, бўлган воқеани бир бошдан, икир-чикиригача қолдирмай гапига ишонмасликларидан қўрққандай, чалқанча ётганча куйиб-пишиб, узоқ гапирди. Ўзини гўё судда оқлаётгандай вазҳам кўрсатди...
 — Улар ўзи олдин менга ташланишди-да. Мен ўзимни ҳимоя қилдим холос.
 — Сен бу чўпчагингни онанга бориб айт, — деди охири Кура ҳам шифтга қараб ётаркан, унинг гапларига хулоса ясагандай.
 — Ундан ташқари мен айбимни ўзим бўйнимга олиб келганман!
 — Энди ўзинг пиширган ошни ичаверасан! Бўйининги сиртмоққа туги берибсан!
 — Энди нима бўлади? — Маҳмуд алам билан Курага ўгирилди.
 У худди шу саволни кутиб тургандай, лабини буриб, бир оз юмшатгандай бўлди.
 — Агар ўша... тирик бўлса, уч йилдан саккиз йилгача. Шу рақамнинг ўртасини ол-сак, тўрт йил. Икки йилини — ўтирасан, қолгани — назорат остида... ҳеч гапмас!
 — Тўрт йил! — Маҳмуд қичқириб юбориб, каравотга бўшашиб ўтириб қолди.
 Тўрт йил! Ронпа-роса тўрт йил-а! Ахир, шунча вақт ичида... Шунча вақт ўтгунча у минг ўлиб, минг тирилади-ку! Шебаддин, нари борса уч йил беришади деганди-ку... Борди-ю, уч йилдан саккиз йилгача берилиши керак бўлса, тўрт йил эмас, кўпроқ ҳам беришлари мумкин!..
 — Бу қанақаси бўлди, а? — инграб юборди Маҳмуд. — У энди камерада ёлғиз эмаслигини, Куранинг маҳараомуз нигоҳини унга тикиб турганини ҳам унутганди.
 — Бўлди! Вас энди! Увайверма...
 Кура ўтирди, столга тирсақларин тираганча нурсиз кўзларини унга тикди.

— Студентмисан?
Маҳмуд бошини сарак-сарак қилди.
— Бир вақтлар сиртдан ўқувдим.
— Студент, — масхараомуз тасдиқлади Кура. — Асабларингни эҳтиёт қил. У сенга ҳали кўп керак бўлади... Тўрт йил — бир умр эмас, ўтиб кетади, ўзингниям тиклаб ола-сан, фақат ақлли-хушли одамлар билан тил топишиб кетишни ўрган. Тушундингми?
Маҳмуд бирдан ўзини энгил ҳис қилиб, жилмайди.
— Хе-хе-хе, — Кура унга кўзини қисиб қўйди. — Шунақа, энди чўзил, уйқум келапти. Сен ҳам ухла, ғиқ этиб овозинг чиқмасин! Ухла!

Маҳмуд кўзларини юмди-ю, ўзиям сезмаган ҳолда ухла қолди. Бу ерга тушгандан бери биринчи марта яхши туш кўрди. Беташиш, шўх болалик чоғлари эмиш. Ҳақ олган ёғоч қилични қўлида ўйнаганча, чарчаш нималигини билмай, довонга кўтарилиб, чопиб борапти. Орқада бир тўда қўшни ҳовли болалари. Маҳмуд бутун борлиғи билан ўша қайтмас болалик даврига ғарқ бўлганча, бахтиёр жилмайганча ўзини-ўзи кўриб турибди.

6.

Машина тўсатдан қаттиқ силтанди-да, ғийқиллаб тўхтади. Эшик очилиб, тушган нур кўзларини қамаштирган Маҳмуд бир зум ҳеч нарса кўролмади қолди. У бурчакда қуниш-ганча миқ этмай ўтирарди.

— Чик, — чақирди уни кузатувчи милиционер. Ерга иргиб тушаркан, дастлаб Маҳмуднинг кўзи милиция бўлими эшиги олдида турган онасига тушди. Терговчи унга Маҳмудни эрталаб олиб келишларини айтган, шунинг учун кечикиб қолишдан қўрқиб, тонг ёруғидаёқ этиб келганди. У кейинги ҳафта ичида анча кексайиб, бўй-баста ҳам чўкиб қолгандай эди. Ҳақ бир вақтлар терговчи бўлиб ишлаган эмасми, саришта, бошқаларга нисбатан талабчан, доим иш билан банд бўларди. Энди эса... унга оғир.
— Ойижон! — Маҳмуднинг томоғига нимадир қадалгандай бўлди, йўталди.
— Ҳғлим...

У ўғлига томон бир неча қадам ташлади, иккиланиб, кузатувчига қаради.
— Мумкин эмас! — кузатувчи Маҳмуднинг йўлини тўсди. — Қани, юр!

Маҳмуд она кўзларида таъна, аламзадалик, сўз билан ифодаб бўлмайдиган яна нималарнидир кўришдан қўрқиб, бошини эгганча, унинг ёнидан ўтиб кетди. Улар кейинроқ учрашишди. Терговчининг олдида ўтишдан олдин учрашишга рухсат берилган экан. Ойиси апил-тапил тугунни ечиб, столга юмшоққина тандир нони, косада ҳали ҳовури кетмаган қовурилган гўшт қўйди.

— Манавиларни Вера холанг бериб юборди, — деди ойиси карам солиб пиширилган пирог, печенъеларга ишора қилиб. — Малина ҳам шу ерда... Кўчада турибди.

— Нега келди? — Маҳмуд зарб еган одамдай қалқиб кетди. Нимага?..

Она индамай қолди, унинг овқатланишига бир оз қараб туриб, чидаёлмади, киприк-ларига қалқиб келаётган ёшларини яшириш учун дастрўмолини кўзига тутди.

— Қўйинг, ойи.

— Майли, майли...ҳозир ўтиб кетади, — она жилмайишга уринди. — Соғиндим, олиб келишмасан-я, деб қўрқдим.

Маҳмуд энди тушунди. Онаси уни бу ерда биринчи бор кутмаётган эди.

— Ҳзингиз қалайсиз, ойи? — тугунни нари суриб, онасига яқин ўтирди. — Соғлигингиз қалай?

— Дуруст,ўғлим, соғман, — юзини ўғирди она, — нимаям қилардим энди... Кўзим очиклигида сени омон-эсон қайтганингни кўрсам... Шунинг ўзи бас.

— Ундай деманг, ойи.

— Ҳтириб тур, чақирақолай... — она эшикка кўз ташлади. — Сени кўргиси келиб, нуқул йиғлагани-йиғлаган.

— Қўйинг, ойи, — иккиланди Маҳмуд, — истамайман... шу аҳволда.

— Чақирай, болам, гаплашволинглар, — она эшикка томон ошиқди. — Терговчи унгаям рухсат берувди...

— Қўйсанг-чи, энди, Мали, жоним. Йиғлама, илтимос, эшитяпсанми гапимни! — қизнинг сочларини силаркан, йиғит илтижо билан дам онасига, дам эшик олдида турган кузатувчи милиционерга қараб-қараб қўярди. — Шу етмай турувдим энди менга, Мали!.. Елкаларидан тутиб, қизни ўзидан узоқлаштирди. Малина титраб кетди, кўз ёшлари ёноқларини ҳўл қилиб юборганди. У айтишга улгуролмай қолишдан қўрққандай шошиб ютоқиб-ютиниб гапирарди.

— Зарари йўқ... ўзим... биласан-ку, йиғлоқилигимни... мана... бўлди... ўтиб кетди... кўрдингми, менга аҳамият берма. Қўявер... — кафти билан соқоли ўсиб кетган юзларини силаб қўйди.

Хона эшиги очилиб, милиционер кирди-да, кузатувчига:

— Умаровни терговчи кутяпти, — деди.

— Бўлди, — йиғит ўрнидан қўзғалди.

Маҳмуд эшикка яқинлашганда тўхтаб, онасига ўгирилди. Она унга қараганча, чўкиб бораётгандай қунишиб ўтирарди.

— Сен... оймидан хабар олиб тур, — Маҳмуд Малинага қаради.

— Бўлмасам-чи, — Малина онанинг елкаларидан кучиб, шоша-пиша розилик билдирди, — хавотир олма... мен ҳар кун бориб тураман... Ҳеч нарсани ўйлама.

Давоми бор.

Тоҳир Малик

ХАЛ ҚИЛУВЧИ ҲИИНДАН РЕПОРТАЖ

«Пахтакор» футбол командасини ўтган йили худо бир асради. Мамлакат чемпиони бўлишига сал қолди-я! Билимдонлар тилида «Майдон текис, тўп юмалоқ», деган гап юради. Аввалги ўйинларни кузата туриб, «Пахтакор» бу мавсумда шайтон васвасасига учиб, чемпион бўлиб қолиши мумкин, деган фикрга келдим. Мамлакат биринчилигида қирққа яқин учрашув бор. Ҳўш, «Пахтакор» учун буларнинг қай бири ҳал қилувчи бўлади? Менга бу эмас, бошқа нарса қизикроқ туюлади: ўша ҳал қилувчи ўйин ҳақидаги репортажни ким олиб боради? Професионал спорт шарҳловчисими? Балки ўша кунни кўшнисиникида тўй бўлиб қолар? Балки энди ишга отланганда кўшниси чиқиб «Келингизнинг кўзи ёриши керак, машинангизда туғуруқхонага олиб бориб қўйинг», деса-чи? Хуллас, катта воқеаларга барвақтроқ ҳозирлик кўриш керак. Яъни, ҳамма ишни спорт шарҳловчиларига юкламай, бошқа соҳа кишилари ҳам тайёр турмоқлари даркор. Репортажни барча олиб бориши мумкин. Келинг, професионал спорт шарҳловчиси, шоир, адиб, танқидчи, район газетасининг мухбири, музикали драма театрининг актёри, опера солисти олиб бориши лозим бўлган репортажларни хаёлан тинглайлик:

ПРОФЕССИОНАЛ СПОРТ ШАРҲЛОВЧИСИ:

Ассалому алайкўм, қадрли спорт мухлислари! Ўзбекистон телевидениесининг камера ва микрофонлари республикамиздаги энг йирик «Пахтакор» стадионига ўрна-тилган. Бугун бу ерда «Пахтакор» ва «Арарат» командалари ўртасида ҳал қилувчи ўйин бўлиб ўтади. Қани, кўрайлик-чи, ким чемпион бўларкин? Ҳозирча ҳисоб очилгани йўқ. Демак: нол-нол. Ана ҳозир майдонга футболчилар чиқиб келишмоқда. Судьянинг ҳуштаги яна бир неча секунддан сўнг мароқли ўйин бошлангани ҳақида дарак беради. Ниҳоят, ҳуштак чалинди. Тўп тепилди. Қайтараман ҳисоб нол-нол. Тўп билан Кабаев. У олдинга интилоқда. Унинг рўпарасида рақиб ҳимоячиси қутилмаганда пайдо бўлишига эришди. Қани кўрайлик-чи, Кабаевнинг фингли маҳорати ўз натижасини кўрсата олармикин? Алдаб ўтди. Биринчисини, иккинчисини... мана бу ерда зарб билан тепилган тўп ҳимоячининг бошига келиб тушди. Маҳоратли тўп урар ўйинчимиз хатога йўл қўйди. У тепган тўпни ҳимоячи бошига эмас, дарвоза тўрига тушиши кераклигини ўйламади. Диққат қилинг, тўп билан Новиков. Қани кўрайлик-чи, энди у нима қила оларкин? Ҳимоячилар тўпни осмон-фалакка кўтариб юбориш ишини эпчиллик билан амалга оширди. Шу пайт чаққонлик билан югуриб чиққан Якубик тўпни боши билан тепиб дарвозага йўналтиришга эришди. Демак ҳисоб биру нол, олдинда «Пахтакор». Хужум давом этмоқда ва Кабаев бурчақдан тўп тепиш бурчини қўлга киритди. Тўп тепилди! Яна Якубик!!! Бу сафар тўп тўптепарнинг бошига етиб келишни ўзига раво кўрмади.

Ана, ниҳоят, судьянинг ҳуштаги «Пахтакор»нинг чемпион бўлганидан дарак берди. Шунинг билан репортажимизни якунлаймиз. Репортажни Акмал Иномхўжаев олиб борди.

ШОИР:

Ассалом, муҳратам ва азиз, ҳурматли ва қадрли дўстлар. Бугун биз кўм-кўн майдонидамиз севимли ва ардоқли командамизнинг. Атрофда гулгун чехралар. Юракда қувонч, кўзларда шуур! Қалблар тепади ҳаяжондан, шавқдан ва завқдан. Майдоннинг барра майсалари майин бош эгади футбол усталарининг маҳоратидан. Ардоқли ва эъзозли футболчиларимиз ҳаракатига қараб шеър айтгинг келади кишининг:

Оёқлар, оёқлар...
Чайир оёқлар,
заранг оёқлар

тепадилар тўп.
Майин майса узра
юмалар
тўп
хўб!

*Чемпионлик лаззатин
оҳ!
сўрмоқ соз,
Аммо вақт оз...*

Дарвоқе, секундомеримизга қараймиз: ўйин бошланганига ўттиз саккиз минут бўлибди. Ун учинчи дақиқада *мавлано Якубик ихтиёрлари* ила киритилган тўп ҳозирча ягонадир, якадир. Бизни беҳад сарафроз айлаганлари учун «Варакалла Якубикжон!» дегимиз келади, «Офарин Якубикбек!» дегимиз келади.

Қандайин абжирлик, қандайин тезлик бу! Лол қоласан киши футбол заҳматкашларининг маҳоратига. Яна тилга шеър қуюлиб келади, ашъор қуйилиб келади. Офаринлар дегинанг келади уларга, азаматларга, баҳодирларга.

Ана, ниҳоят қулоқларга *хуш ёқувчи* хуштак янгради майдон узра. *Майсалардан-майсаларга* урилиб янгради бу хуштак овози. Яъниким, тугади ўйин! Рўё бўлди тунларни кунларга улаб қилинган орзу. *Бунчалар нафис, бунчалар гўзал, дегинг келади бу санъат аҳлига қараб.* Уларни қутламоқ пайти келди, дўстлар, уларни табрик этмоқ, олқишламоқ лаҳзасидир бу дамлар. Ашъор тўқиймиз улар шаънига, шеър тўқиймиз. Токи улар жасорати қалбга, дилларга, юракларга муҳрлангандай бир умр!

АДИБ:

Сезганмисиз: кунлар юмалоқ тўп каби юмалаб-юмалаб ўтаверади, стадионнинг ўн иккинчи секторини қоралаб кўтарилган қуёш, майдонни қиздира-қиздира, охири чарчаб, ўттиз тўққизинчи сектор ортида ёнбошлаб ётган бепоён уфққа аста бош қўяди. Аммо у ётоғига бош қўймай туриб, бугун сабабсиз иссиқ *сел уфурганидан хижолат бўлгандай*, стадионни тўлдириб ўтирган футбол мухлисларига *уятчан боқад*, уларни қийнаб қўйганидан *асстойдил уялиб*, қип-қизариб кетади. Сўнг ўзини оқламоқчи бўлгандай *шабадани чорлайди*. Чинор шохларини шитирлатиб етиб келган шабада мухлисларнинг иссиқдан бўғриққан юзларини аста сийпалаб, улар қалбига *м а ҳ з у н л и к* бахш этади. Сўнг пастга ўрлаб майсалар кокилини ўйнайди, гўё уларга эртақ сўйлаётгандай бўлади.

Табиат беқиёс оқил ва гўзал. Унинг донолиги «олдида» не-не даҳолар тиз чўкмаган. Ахир кун бўйи саратон қуёши қиздирган шаҳарда шабаданинг, айнан шу пайтда, футбол ўйини авжга минган маҳалда эсиши ажабтовур ҳодиса эмасми?

Мана, ўйиннинг иккинчи бўлими ҳам ниҳоясига етяпти. *Онда-сонда уфураётган шабада ҳамон мухлислар дилини равшан этади.*

Одатда шундай бўлади. Қизик. Шабада эсаверади, ўйин эса давом этаверади. Табиат сеҳрига маҳлиё бўлиб, ҳисоб очилганини сезмай ҳам қоласан. Ҳа, азизлар, қуёш стадион узра сўнгги нурларини сочаётганда ҳисоб очилган эди. Футболчиларнинг бу ондаги ички кечинмаларини тасвирлашга сўз ожиз!

Сезганмисиз: ўйин тамом бўлади. Шабада эса гўё билмагандай эсаверади, эсаверади. Сўнг кеч киради, сўнг тонг отади. Табиат сеҳри ана шунақа!

ТАНҚИДЧИ:

Спортимиз тарихида янги саҳифа очаётган бугунги учрашув ҳақида сўз бошлашдан аввал, «Пахтакор»нинг аввалги ўйинларига қисқа эҳскурс қилиш жоиздир. Шундагина бугунги учрашувнинг асл моҳияти яққол акс этади. Атоқли футбол билимдони Н. Олимов таъкидлаганидек, асосан оёқ билан (яъни тегиб), баъзан эса бош ёрдамида текис майдонда ўйналувчи футбол аҳамияти жиҳатидан спортнинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади. Бундан кўриниб турибдики, футболчи (ёки тўп тепувчи) *яхши югуриши ва керакли пайтда тўхтаб тура олиш истеъдодига* эга бўлиши шарт. Ана шу истеъдод эгаларидан ташкил топган команда «Футбол командаси» дейилади ва «Пахтакор» ана шундай командалар силсиласига кирадики, бу биз учун муҳим аҳамиятга эгадир. «Пахтакор» шу ўринда *ўз услубига эга команда* эканини алоҳида таъкидлаш зарур. Агар биз команда ўйинчиларининг ички эҳтиросларига, яъниким, қалб нидоларига қулоқ тутсак, уларнинг камроқ тўп уриб, кўпроқ ўтказиб юборишга майллари зўр эканини сезамиз. Аммо бу ўткинчи майл. Футболчилар *ички кечинмаларини* енга олувчи матонатли йигитлардир (курсив бизники). «Пахтакор» йилдан-йилга ўсиб борувчи команда. Авваллари унинг *ҳаракатида эпиклик, яъни майдонни кенг қамраб олиш* етишмас эди. Ижодий кўтаринкилик маълум маънода оқсар эди. Қаҳрамонлар, узр, футболчилар *тўпнинг ўйналишини кузатишда актив қаҳрамон* даражасига кўтарила олмас эдилар. Ҳозир ундай эмас.

Хулоса қилиб айтсак, «Пахтакор» ўйинларига *илмий-назарий нуқтаи назардан ёндашиб* кўп фикрлар билдиришимиз мумкин эди. Аммо тўқсон минутлик қисқа вақт ичида бунинг имкони йўқ. Репортажимиз охирлаб қолди. Ҳисоб... бу ҳақда «Ахборот» программасидан билиб олишингиз мумкин.

РАЙОН ГАЗЕТАСИНИНГ МУХБИРИ:

Биз тушган ошпоқ «Жигули» машинаси *теп-текис асфальт* йўлдан елиб борар экан, *асов қуёш* ҳали адл тераклар ортига ёнбошламаган эди. Стадионга келиб ҳайрат билан тикилдик. Бағрига 5999 мухлисни сиғдира олувчи стадионда *ажойиб бир кўтаринкилик* хукмрон. Стадион узра *мухлислар симфонияси* янграйди.

Майдонда эса ғалаба иштиёқида ёнаётган футбол усталари завқу шавқ билан тўп сурадилар.

Мухлислар роҳати йўлида самарали югураётган Якубик командадошлари бошлаб берган юксак суръатга «*Лаббай!*» *деб жавоб бериб, сифат белгиси билан тақдирланган тўрга тўп киритди!* (Тўрга бехато бориб тушган тўпнинг *Тошкент чармунослари* буюк маҳорат билан тепишганини гурур билан таъкидлаш керак!)

Мухлислар ўртоқ Якубикни олқишлаётган пайтда *биз унга савол билан (хаёлан) муржаат этамиз:*

— *Ҳорманг, ўртоқ Якубик!*

— *Бор бўлинг.*

— *Тўп тепиш сирлари билан ўртоқлашсангиз?*

— *Тўпни тепиш учун аввало ерга қўйиш керак. Кейин унинг юмалоқлиги ҳисобга олиниб тегилади.*

— *Раҳмат, ўртоқ Якубик, бундан кейинги зафарли ишларингизда улугдан-улуг муваффақиятлар тилаймиз.*

Ҳа, ўйин юксак кўтаринкилик руҳида давом этмоқда ва *секундомер* миллири саодатли дақиқаларга чорламоқда.

Биз кўп мингли мухлислар номидан «Пахтакор»нинг бундан кейинги ғалабаларига ҳам тилакдошмиз.

Омад ёр бўлсин, сенга «Пахтакор!»

МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ АРТИСТИ:

Ассалом, эй «Пахтакор!»

Ассалом, эй мухлислар!

Ассалом, эй бўлажак чемпион! Бугун биз аjoyиб томошанинг гувоҳи бўламиз, азиз шинавандалар!

Эй қуёш кўрсат юзинг,

Голга тўлсин тўрлар.

Ғалабадан хурсанд бўлсин

Жўралар, ўртоқлар...

Шундай қилиб, биз голлар шайдосимиз. Ана, Кабаев. Қўлимиз кўксимизда. *Тўп эса майдонда жавлон уради.* Серзавқ шинавандалар олқишда! Кабаев Новиков, Шквирин айниқса илдам.

Учаласи бўйдоқдир, ҳо, бўйдоқдир,

Аммо аҳил ўртоқдир, ҳо, ўртоқдир.

Жо-о-о-н! Уларга ҳамла қилган

Рақиб оёғи чўлоқдир, ҳо, чўлоқдир,
вой дод-е...

Хуллас, ўйин юксак савияда давом этади. *Томошанинг иккинчи пардаси охираммоқда.* Ғалабани нишонлаш учун *фақат аппосионата етишмаяпти.* Бўлмаса, ҳаммаси гўзал ўтди, гўзал!

ОПЕРА ТЕАТРИНИНГ АРТИСТИ:

Қисқа увертюрадан кейин тренер либреттоси асосида футбол томошаси бошланди. «Пахтакор»нинг аjoyиб *речитатив ансамбль* эканини таъкидлаш лозим. Командада *беқиёс гериег, ҳатто квартетлар бор.* Булар ансамблдаги *аризо ва каватиналарни мутлақо* рад этмаган ҳолда командани ғалабага бошлайди. Ниҳоят кутилган ўйин бошланди:

Тепилгувчи тўп бор энди,

Судья бизга ёр энди.

Чойхонада ош дамловчи

Тренер унга зор энди.

Судьялар ансамбли ўйинга моҳирона дирижёрлик қилмоқдалар. Солист ўйинчиларнинг барчаси ҳозирча ўз ролини катта истеъдод билан бажармоқда. Ана Петрушинни кўринг:

Бола, бола,

бола, деган қаттиқ тепинг.

Секингина унга эмас, бунга тепинг.

Рақибларнинг жаҳли ёмон, ўргилай,
Секингина, билдирмайин, зарб-ла тепинг.

Ана тўп тепилди! Аммо... парда орқасига ўтиб кетди.
Ўн уч йилдир дарвозага тўп урмайди.
О-о-о-о!
Майдон узра отни жадал сурмайди,
Э-хе-хе!..
Етиб олса ўрнидан ҳам турмайди-и-и...

Турмаса турмас. Томоша тамом. Уйин сюжет характериға, либретто сценарийсига қатъий амал қилган ҳолда «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди. Офарин!

Футболга ҳамма соҳа одамлари киради. Берилиб томоша қилади. Ҳаяжонга берилган шоирлар ҳам ҳатто хуштак чалиб юбориши мумкин. Бундан ажабланмаслик керак. Ҳарҳолда юқорида репортаж олиб борганлар биз билан ёнма-ён яшаётган реал одамлар. Аммо, тасаввур қилайлик, уларнинг ҳеч бири репортаж олиб боришга рози бўлмай туришганда адабий асарларнинг қаҳрамонлари пайдо бўлиб қолишди. Хўш, улар футбол ўйини ҳақидаги репортажни қандай олиб боришар экан-а?

ҚИЕМХОН (ёзувчи Неъмат Аминовнинг қаҳрамони):

Шу денг, акахонлар, майдонга тикилиб кўз тўймайди-е! Йигирма иккита норғулгина, азаматгина йигитлар-а! Вужудларидан куч ёғилиб турибди-я! Вой, қурмағурлар-ей, дегинг келади. Оёқларини қаранг, бирам узун, бирам узун-ей... Ҳа, йигит ўлмагур, Якубикхонни оёқжонига тепворай деди-я! Тепмай ўл-а, жувонмарг! Шу норғул йигит азият чекар ҳам демайди. «Пахтакор»нинг ўйинчиларидан айлансанг арзийди. Битта тўпни ури-иб қўйиб, яйраб қолишди. Уларнинг елкаларини қаранг, йиқилса ер титрайди. Шуларга бир ош дамлаб бериб, суҳбатини олсанг. Дунё кўрган бўлади-да булар, кў-ўп нарсаларни айтиб беришади. Вой, бирам чарчашди, бирам чарчашди булар, судьянинг қаҳри мунча қаттиқ бўлмаса. Чал анави савил қолгурни. Чу-ур!.. Ҳамма икки оёқда туриб қолди. Худога шукр!..

Ҳаёлий сайрдан сўнг кўнгили жойига тушгандай бўлди. Репортаж олиб борувчилардан қисилмайдиганга ўхшаймиз. Чемпионликка даъвогар бўлса бас. Хўш, азизлар «Пахтакор»нинг ҳал қилувчи ўйинидан репортаж олиб боришга ҳушингиз қалай? Балки бу борада ҳам бир «куч синашиб» кўрарсиз? Хулласи калом, навбат энди сизга!



КОНВЕРТЛАРНИ ҚАЙЧИЛАГАНДА

Жонон шаклидаги ёлгон экансан.

Алам раво кўрди мужгонимга нам.

Меън ўз лабларимдан жирканмоқдаман,
Сенинг лабларингга босгандим-ку лаб.

Мана, ошиқ-Одам Ато, туғидир Момо Ҳаво,
Кўп балолар кўрса ҳам асраб қолди тугини.

Қалбим шубҳаларнинг мустамлакаси.

Бунга алам солар қалбга жабрини.

— Ахир, қизга уят ҳам керак,
У ерларда боғбондир отам.

Шубҳасиз, она замин қолар бесару сомон,
Агар ҳал эгилмаса ҳамдирдлик масаласи.


Мана, иғво тарқатмоқда ул,
Биз эгамиз қулоқларни кар.

Бизни кўп топтаган ёвлар кўп замон
Ухшаб текинтомоқ бисёр қуяга.

Кундуз юлдузлар деб битаман ашғор,
Мен уйқўда маҳал кечади тунлар.


Кечикдингиз, одамлар, лекин ҳали ҳам пайти.

ЎРТОҚЛИК ҲАЗИЛЛАРИ



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси
/ Назир Сафаровга

*Сизни Назир ота улуглабдими,
Демак, меҳнаткашсиз абжир ва ҳалол.
Иқтисод қилсангиз юрак тафтини,
У илиқ лафзини кўрарди увол.
Геолог сингари беором яшар,
Алам билан қазар у қудуқ;
Яхшиларни излар
Излагандай гавҳар
Ва ҳеч қачон қайтмагай қуруқ.*



Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси
Зиннат Фатхуллинга

*«Ғунчалар» яшнаб гул-гул,
Яшариб кетди жаҳон.
«Ешликда берган кўнгил»
Хазон кўрмас ҳеч қачон.*



Ҳамза номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати
Абдулла Ориповга

*Шоиримиз қўлида
«Гулхан» порлайверади,
Вулқон янглиғ дилида
Илҳом порглайверади.*

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси
Йўлдош Шамшаровга

*Сиз ошиқ бўлганда Ғурумсаройга,
Очерк қўшиқ каби бошлади пойга.*

*Сиз юрак қўридан ёққанда «Чироқ»,
Уша йўл янада бўлди ярқироқ.*

*...Дўстлар,
Илҳомингиз бўлмас ҳеч одош
Бўлса Йўлдош бува сизга ҳам йўлдош!*




Ўзбекистон Ленин комсомоли
мукофоти лауреати
Ҳалима Худойбердиевага

*Шеъри ўхшар ўзига:
Таровати бор экан,
Ҳарорат, малоҳати,
Салобати бор экан.
Қўшни юлдузга нечун
Ашғор йўллагмас десак,
Ўзи саодат топган.
«Саодати» бор экан.*



Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган фан арбоби
Салоҳиддин Мамажоновга

*Авторнинг дилида туғилмас нолиш
Ҳаттоки бошида ёнғоқ чақсангиз:
Чунки ўқларингиз — мисоли болиш,
Худди шоколаддан эрур найзангиз.*



МУКОФОТЛАР МУБОРАК

«Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида 1983 йили эълон қилинган қуйидаги асарлар энг яхши деб топилди ва журналнинг йиллик мукофоти билан тақдирланди.



Уйгун.
Умр чорраҳалари.
Шеърӣ туркум, 6-сон.



Баҳодир Муродалиев.
Оқтўш. Ҳикоя, 7-сон.



Самар Нурав.
Майсаларни аёз урмайди.
Қисса. 7—8-сонлар.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК

**Асил Рашидов,
Маҳкам Маҳмудов.**
Чингиз Айтматовнинг «Соҳил
ёқалаб чопаётган олапар»
қиссаси таржимаси. 11-сон.



Асқад Мухтор.
Маяковский сабоқлари.
Мақола, 7-сон.

**Қуйидаги асарлар рағбатланти-
рувчи мукофотга сазовор бўдилар:**

Азиз Қаямов.
Заҳрирдин Муҳаммад Бобур.
Эссе, 3—4-сонлар.

Анвар Обиджон.
Аламазон ва унинг
пиёдалари. Қисса, 6-сон.

Яҳё Тоғаев.
Шу Ватан сизники.
Шеърӣ туркум: 6-сон.

Раҳим Отаев.
Энг жумбоқ туйғу.
Мақола, 12-сон.



**Журналимиз мукофотининг лауреатларини чин дил-
дан қутлаймиз ва ижодий ишларида муваффақиятлар
тилаймиз.**

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 1

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1984

Рассом О. Арутюнов.

Тех. редактор М. Ахмедов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 3.11.83 й. Босишга рухсат этилди 28.12.83 й. Қоғоз формати 70×108¹/₆
Р — 03350. Фотоабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 166434. Заказ 2115

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётнинг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.